

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 1(128)

2008 йил, январ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

Абдулла ОРИПОВ. Қадами қутлуғ йил.....3

## НАСР

Н.С.СЛЕСКОВ. Мценск уездидан чиққан Макбет хоним. Қисса..... 5

Карлос ФУЭНТЕС. Қувноқ жамоа. Ҳикоя.....48

## ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Мариша БОДРОЖИЧ. Сўзлар ухлар сўз ичра.....42

Ошиқ ВЕЙСАЛ. Саховат тупроққа берилмиш Ҳақдан.....69

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Киоко НАКОЯМА. Ўзбекистон Сакуриси.....75

## ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Хосе ОРТЕГА-и-ГАССЕТ. Севги сеҳри.....85

## ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Али Шомил Ҳусайн ўғли. Қатагон қурбони.....111

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Илья СМЕРНОВ. Ли-Бо: «Яшма тошли зиналар ноласи».....119

Жовли ХУШБОҚ. Лев Толстойнинг ажабтовур тақдири.....127

ТОШКЕНТ

ЯНВАР

Сайёра РАҲМОНОВА. Сонетлар гулчамбари ва жанр тараққиёти.....134

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Санжар СОДИҚОВ. Туркистонда жаҳид мактаблари .....137

### МЕРОС

Ҳамидхон ИСЛОМИЙ. «Кутадғу билиг»да «Қарши» атамаси.....142

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

СОМДЕВ. Достонлар уммони.....146

### ЖАҲОН КУЛАДИ

Евгений ГИК. Шахмат ҳангомалари.....192

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпўлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:

**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Азиз САИД**  
**Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Бобур АЛИМОВ**  
**Эркин ВОҲИДОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖЎРАЕВ**  
**Минҳожиддин МИРЗО**  
**Абдурахим МАННОНОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Азимжон ПАРПИЕВ**  
**Ғайрат ШОУМАРОВ**  
**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Рустам ҚУРБОНОВ**

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛА  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 1. 2008.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинши шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 20.02.2008 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1800 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2008 й.**

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

2

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## **ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ЙИЛ**

*Мана, инсоният тарихи китобининг янги бир саҳифаси — 2008 йил ҳам бошланди. Қалбинг тўла орзу умидлар, эзгу ниятлар билан Ватаннинг, элу юртнинг янги саҳифага ёзилажак келажагига ишонч билан боқар экансан, кўнгилни юртдаги тинчлик-тотувликдан, улкан бунёдкорлик ишларидан, фарзандлар камолидан шукроналик ҳислари тўлдиради. Авваламбор мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёш улғайиб, ўзининг навқирон ўн олти йиллигини нишонлади. Миллий қадриятларимизни тиклаш, улуғ алломаларимиз руҳи покларини шод этиш борасидаги хайрли ишларимиз эътироф этилиб, Тошкентимиз Ислоҳ маданияти пойтахти деб эълон қилинди.*

*Ўтган йил мобайнида республикамиз ҳаётида юз берган бунёдкорлик ишларини-ку санаб адоғига етиб бўлмас. Булар: ғаллаю пахта хирмонларимиз юксалгани, зироатчиликда ислоҳотларнинг мустаҳкам илдиз отгани, саноат ва қурилишда мамлакат белига қувват бўладиган янги иншоотлар барпо этилгани ва бошқалардир.*

*Биргина йўлсозлик соҳасини олиб қарасангиз, аср воқеасига арзигулик ишлар рўёбга чиққанининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, лофчи бахшиларнинг тушига ҳам кирмайдиган мўъжиза Деҳқонобод ва Бойсун тоғларида юз берди. Алпомишининг Бойчибори ҳам юришига қийналадиган юксак қоя ва адирлар бағридан темир йўл ўтди. Тўрт-беш йил аввал Қизилқум саҳросини кесиб ўтган Учқудуқ — Мискин — Нукус янги темир йўли қаторига Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон йўли ҳам қўшилди.*

*Бу йўллар теграсида қанчадан-қанча турар-жойлар, мактаб ва коллежлар қад кўтариб, янги конлар баробарида юз минглаб одамлар учун иш жойлари ҳам очилмоқдаки, улар беқиёс зафар ва улкан имконият белгисидир. Хуллас, мамлакатимиз миқёсида юз берган бундай янгиликларни мароқ билан санайвериш мумкин.*

*Ҳар бир йилимизни эзгу ниятларга йўналтириб номлаш қутлуғ анъанага айланди. 2008 йилни Юртбошимиз “Ёшлар йили” деб эълон қилдилар. Дарҳақиқат, ёшларимиз биз қураётган улуғ иморатнинг янада юксалишига ҳисса қўша оладиган салоҳиятга етишиб бормоқдалар. Биз уларни кўзимиз қораси деганмиз, киприкларимиз деганмиз. Бу ғамхўрлик айнан ёш ижодкорларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Ёшларнинг бадий ижодга, санъатга бўлган қизиқишларини рағбатлантириши, янги-янги истеъдодларни излаб топши мақсадида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” Жамғармаси томонидан ўтказилаётган “Келажак овози”, “Янги авлод” танловлари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг “Зулфия мукофоти” танлови, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Зомин”, “Ақчақўл илҳомлари” адабий семинарлари, Халқ таълими вазирлигининг “Нафосат” ёш қаламкашлар Республика танлови каби ўнлаб тадбирлар ижодкор ёшларимизнинг ўзлигини намоён қилишлари учун беқиёс имкониятларга айланди!.. Бундан буён ҳам*

*миллатимиз шаъни-шарафини ҳимоя қилиш, шавкатига шавкат қўшиш биринчи даражали вазифамиздирким, бу масъулиятни энди ёшларимиз ҳам тўла ҳис қилгайлар.*

*Маънавият, маданият, адабиётимиз жабҳасида эришган натижаларимиз эса ҳамманинг кўз ўнгиди. Гарчанд талабларимизни тўла қондира олмаси-да, адабий, маданий ҳаётимизда ҳам кўзга ташланарли силжишлар бўлди. Романлар, қиссалар, драмалар, шеърӣ туркумлар, кино, мусиқа, тасвирий санъат асарлари яратилди. Уларнинг нафаси хорижий ихлосмандларга ҳам бориб етаётир. Ўз навбатида дунё адабиёти ва санъати дурдоналари билан миллатимиз тафаккур хазинасини бойитиш ишлари ҳам давом этаётир. Бу борада айниқса, шахсан Президентимизнинг ташаббуслари билан дунёга келган «Жаҳон адабиёти» журналининг хизматлари ҳам кўзга яққол ташланиб туради.*

*Ҳар қандай воқеалар силсиласининг ҳам худди тоғ тизмаларидаги каби юксак ва маҳобатли чўққилари бўлади. Мана шу мақомдаги воқеаларнинг энг муҳими, шубҳасиз, Президент сайлови бўлди. Сайловимизнинг тўла маънода демократик тамойиллар асосида ўтгани танлаган йўлимизнинг тўғрилигини жаҳон миқёсида тағин намойиш этди.*

*Халқимиз бисотида доно ва ибратли ақидаю ўғитлар кўп: ҳар бир юртнинг ўз эгаси бўлсин, иморат меъмори тикланмас. Дарҳақиқат, у ёки бу хонадоннинг пасту баландини уни тузган соҳибидан кўра яхшироқ биладиган киши бўлмайди-ку?! Шу маънода мамлакат ҳам улкан бир хонадон десак, унинг иқболини бундан ўн олти йил муқаддам ҳуррият байроғини дадил кўтарган Юртбошимиз белгилаб берган эди. Ҳар биримиз ва умуман олганда, жамики халқимиз Ислоҳ Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чин дилдан тайёр эди. Ва шундай бўлди ҳам. Сайлов катта ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ўтди.*

*Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимдаги сўзларида келгуси йўлимиз ҳақида шундай дедилар: “Биз юртимиз осойишталиги ва Ватанимиз равнақини, халқимизнинг фаровон ҳаётини ва ёруғ келажagini тағминлаш учун ўз олдимизга қўйган буюк марралардан, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган мустақил тараққиёт йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз юксак мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Бизга Оллоҳнинг ўзи доимо мададкор бўлаётганига, йўлимизни очиб бераётганига бугун барчамиз ишонч ҳосил қилмоқдамиз ва бунинг учун минг бора шукроналар айтамыз».*

*Бутун халқимиз қалби ана шундай шукроналик туйғуларига лиммо-лим бошланган янги йилимизнинг қадамлари қутлуғ бўлсин!*

Н.С. ЛЕСКОВ

# Мценск уездидан чиққан Макбет хоним

Қисса

Илк кўшиқни сен ёниб куйла.

*Матал*

## БИРИНЧИ БОБ

**Б**изнинг томонларда баъзан шунақанги тоифа одамлар учрайдики, бундай учрашувлардан сўнг орадан анча-мунча йил ўтган бўлсада, уларнинг айримларини эслаганимда вужудинг жимирлаб, қалбинг ҳаяжонланиб кетади. Савдогар хотини Катерина Львовна Измайлова ана шундай одамлар тоифасидан эди; бир пайтлар у жуда мудҳиш бир фожиага қўл урган эдики, биздаги аслзода кишилар, Катерина Львовнани, ана шу ёвуз қилмишидан кейин, Мценск уезди<sup>1</sup>дан чиққан Макбет хоним<sup>2</sup>, деб атай бошлаган эдилар.

Катерина Львовна унча гўзал бўлмаса ҳам, сиртдан қараганда, истараси иссиқ жувон эди. У йигирма тўрт ёшга қадам қўйганди; бўйи унча баланд эмас, қадди-қомати келишган, бўйни худди сайқалланган мрамардек силлиқ, елкалари дуркун, таранг сийналари дўмпайган, нафис бурни ипга тортгандай тўғри, қора кўзлари тийрак, оппоқ пешанаси кенг, сочлари тим-қора эди. Уни биздаги савдогар Измайловага эрга бердилар; Измайлов бу қизга муҳаббат туфайли ҳам, қандайдир хоҳиш билан ҳам эмас, шунчаки, хотинли бўлиш мақсадида совчи қўйиб уйланди, холос. Катерина камбағал

<sup>1</sup> Мценск уезди — Орёл губерниясидаги бир уезд.

<sup>2</sup> Макбет хоним — В.Шекспирнинг “Макбет” номли трагедияси қаҳрамони; у бадқаҳр ва ўта маккор аёл бўлган.

Қодир  
МИРМУХАМЕДОВ  
таржимаси

Йирик рус ёзувчиси Николай Семёнович Лесков (1831-1895) Орёл губерниясида кичик маъмур оиласида туғилди. Болалик чоғида онасининг диний йўналишдаги тарбиясини олди. Отадан ёш етим қолган Лесков, оиладаги моддий қийинчилик туфайли, 1874 йилда Орёл жиноий суди палатасига ишга киради. Бу иш унга бўлғуси асарлари учун кўпгина мавзулар беради. 1849 йилда у Киевдаги тоғаси медицина профессори Алферьев хузурига бориб, Киев университетиде эркин тингловчи сифатида агрономия, ҳуқуқ, криминалистика, анатомия фанлари бўйича лекциялар тинглайди. Киевда у украин тилини ўрганади, Т.Шевченко, Марко Вовчок, А.Котляревский каби таниқли украин ёзувчилари билан шахсан танишади. Лесков ёзувчилик фаолиятини журналист сифатида деҳқонлар ҳаётини ёритувчи очерк ва мақолалар билан бошлайди. Кейин унинг “Чипта ковуш кийган маъшуқа”, “Ад-

қиз бўлгани учун куёв танлайдиган аҳволда эмас эди. Измайловлар уйи шаҳримиздаги нуфузли хонадонлардан бири эди: уларнинг бу уездда ижарага олган каттакон тегирмони бўлиб, олий нав оқбугдой уни билан савдо қилар эдилар, шаҳар чеккасида даромадли боғлари ва шаҳар ичида дангиллама уйлари ҳам бор эди. Умуман, улар бадавлат савдогарлардан эдилар. Бунинг устига, оилалари ҳам катта эмас эди; оила аъзолари: ёши саксонга бориб қолган, кўп йиллардан бери бева қайната Борис Тимофеич Измайлов; унинг ўғли — Катерина Львовнанинг эри Зиновий Борисич (бу ҳам аллақачон элик ёшни қоралаган) ҳамда Катерина Львовнанинг ўзи, вассалом. Катерина Львовна, гарчи Зиновий Борисич билан турмуш қурганига беш йил бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳануз фарзанд кўрмаган эди. Зиновий Борисич Катерина Львовнага уйланмасдан олдин биринчи хотини билан йигирма йилча умр кечирди, аммо ундан ҳам фарзанд кўрмаганди. Бева қолганидан кейин, шояд шу иккинчи хотинимдан бутун молу давлатимга меросхўр бўлувчи фарзанд кўрсам, деб орзу қилди; лекин, мана, Катерина Львовна билан ҳам унинг бахти очилмади, орзуси ушалмади.

Бефарзандлик Зиновий Борисичнинг дилини огритар, нафақат Зиновий Борисич, унинг отаси қария Борис Тимофеич ҳам, ҳатто Катерина Львовнанинг ўзи ҳам бу аламли дарддан юрак-бағрилари ўртаниб, қаттиқ қайғурадидилар. Гир атрофи баланд девор билан ўралиб, итлари занжирлардан бўшатиб юбориладиган бу бадавлат хонадондаги диққинафас ҳаётдан юраги зиқ бўлиб кетган бойвучча хотин, агар Худо унга фарзанд ато этганида борми, жигаргўшасини туну кун бағрига босиб ардоқлаган бўларди, албатта; иккинчи томондан — “Ўзи нега эрга тегдинг, ниятинг нима, бепушт экансан, нимага энди шўрликнинг бошини боғладинг?” — деб қилинган таъна-маломатлар жувоннинг юрагига наштардек санчиларди — гўё ўз эрига ҳам, қайнатасига ҳам, бу савдогарларнинг жамики қариндош-уруғларига ҳам хиёнат қилаётган айнан у, яъни Катерина Львовна эди.

Қайнатасининг уйида у ҳеч нарсага муҳтож бўлмай, ҳузур-ҳаловатда кун кечираётган бўлса ҳам, доим юраги зиқ эди. Меҳмонга аҳён-аҳёнда бир борар, шунда ҳам, эри билан биргаликда фақат савдогарларникига борардики, бундай меҳмондорчилик унинг кўнглини заррача ҳам овутмасди. Бу тоифа одамлар ҳазил-мутойибани билмайдиган дағал табиат кишилар бўлиб, нуқул Катеринанинг қандай ўтирганини, қандай тургани ва юрганини зимдан кузатар эдилар; ваҳоланки, Катерина Львовна юрагида ўти бор жувон эди, турмушга чиқмасидан олдин, қизлик пайтида у одмигина эркин ҳаёт кечиршига одатланган эди: истаган пайтида кўлига челақ олиб, дарё бўйига сувга борар, хоҳласа, бандаргоҳда кўйлагини ечмасдан чўмилар ё бўлмаса, четан девор ёнидан ўтиб кетаётган йигитларнинг устига,

---

вокат”, “Жоме аҳли”, “Бош урар жой йўк” романлари, “Чапақай”, “Кўриқчи”, “Маҳлиё мусофир”, “Соҳибжамол Аза”, “Дунёнинг нариги чеккасида”, “Сартарош”, “Хукмдорлар суди” ва бошқа қатор ҳикоя ва қиссалари босилиб чиқа бошлайди. 1884 йилнинг кузида Лесков Ясная Полянада буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой билан учрашиб, яқиндан танишади. Улуғ ёзувчи шахсиёти Лесковда унутилмас теран ҳиссиёт уйғотида ва унинг ижодига катта таъсир кўрсатади. Лесков ўзининг 40 йиллик ижодий фаолияти давомида насрий асарнинг янги-янги жанрларини кашф этади. “Мценск уезидан чиққан Макбет хоним” қиссаси шу жумладандир. Муаллиф асар қаҳрамони Катерина Измайлованинг шахвоний ҳирси ва қилган мудҳиш жиноятлари орқали Россия уезида яшовчи тижорат аҳлининг бешафқат, жоҳил ва бузук муҳитини бўрттириб кўрсатган. Ф.М.Достоевский бу қиссани жуда юксак баҳолаган ва уни ўзи муҳаррирлик қилган “Эпоха” журналида чоп эттирган. Таниқли бастакор Д.Д.Шостакович бу асардан илҳомланиб, “Катерина Измайлова” номли опера ёзган.

ҳазиллашиб писта пўчоқларини сочиб юборарди; лекин бу ерда ҳаёт бутунлай бошқача. Қайнатаси билан эри эрталаб барвақт туришади, соат олтида чой ичишиб, ҳар бири ўз ишига кетади, Катерина бўлса кун бўйи бекорчиликдан хонама-хона сандирақлаб юргани-юрган. Ҳамма ер чиннидай озода, ҳаммаёқ сокин ва овлоқ, иконалар олдида шамчиноқлар порлаб туради, бутун бошли уйда на “тиқ” этган товуш, на бирон кимсанинг овози эшитилади.

Катерина Львовна хувиллаган хоналарда сандирақлаб юриб, зерикканидан эснай бошлайди, шунда у зинадан болохонадаги эр-хотин учун ажратилган мўъжазгина ётоққа кўтарилади. Шу ерда у дераза олдида ўтириб, хизматкорларнинг омбор олдида каноп толаларини ўлчашаётганини ё оқбуғдой унини қопларга солишаётганини кузатади — шунда яна оғзи очилиб эснай бошлайди; яхши-ку қайтага: бир-икки соат мизғиб олади, уйғонгач, яна савдогарлар хонадонига хос ўша рус дилгирлиги бошланадики, бундай аҳволда яшагандан кўра, ўзини дорга осиб ўлдириш юз карра қувончлироқ, дейишади. Катерина Львовнанинг китоб мутолаа қилишга унча ҳуши йўқ эди, устига-устак, бу хонадонда шундоқ ҳам битта Киев патерики<sup>1</sup> дан бошқа ҳеч қандай китоб йўқ эди.

Катерина Львовна қайнатасининг бой-бадавлат хонадонига бемехр эри билан беш йилдан бери шу тарзда юраги тоқ бўлиб яшаб келарди; лекин, маълумки, унинг бу дилгир кайфиятига ҳеч ким эътибор ҳам бермасди.

## ИККИНЧИ БОБ

Катерина Львовна эрга текканининг олтинчи баҳорида Измайловлар тегирмони тўғонини сув олиб кетди. Аксига олиб, бу пайт тегирмонда иш ошиб-тошиб ётган эди. Афсуски, тегирмонга жуда катта зиён етган эди: сув тегирмон новини кўтариб турган пастки тўсин тагига оқа бошлади; уни шоша-пиша тузатишнинг иложи бўлмади. Шунда Зиновий Борисич теварак-атрофидан бир талай одамларни бошлаб келди, ўзи ҳам доим шу ерда муқим бўлди; шаҳардаги ишларнинг бари чол отанинг ўзига қолган эди; Катерина Львовна эса, ҳайҳотдай уйда ёлғиз ўзи эртадан кечгача юраги сиқилиб вақт ўтказарди. Эрининг уйда йўқлига аввалига уни зериктира бошлади, лекин, айни чоғда, унинг йўқлиги, қайтага, яхши бўлгандай эди: у ёлғизликда ўзини эркинроқ ҳис қила бошлади. Катерина Львовнанинг эрига ҳеч қачон кўнгли бўлмаган эди, эрининг йўқлиги эса, бу уйда унга хўжайинлик қилувчиларнинг биттага камайганидан далолат беради.

Бир кун Катерина Львовна болохонадаги ўз кўшида ўтираркан, ҳеч нарса ҳақида ўйламай, нуқул ҳомуза тортаверди. Ниҳоят, бекор ўтириб, оғзини каппа-каппа очиб эснайверганидан ўзи уялиб кетди. Ҳовлида ҳаво бирам ёқимли: кун илиқ, чароғон, хушвақт, боғнинг яшил панжарали девори орасидан турфа хил қушларнинг дарахтдан дарахтга, бутоқдан бутоққа пир-пир учаётгани кўриниб турарди.

“Вой, нима бўлди менга — нуқул ҳомуза тортганим-тортган? — деб ўйлади Катерина Львовна. — Ундан кўра, пастга тушиб, ҳовлида сайр қилганим ё боғни айланганим яхшимасми?”

У қоплама калта пўстинни елкасига ташлаб, пастга тушди.

<sup>1</sup> К и е в п а т е р и к и (“Оталар китоби”) — қадимги рус адабиёти намуналаридан бири.

Ҳовли бирам чароғон, бирам хушбахра, тўрдаги омборлар олдида эса, шўх-шўх кулги янграрди.

— Мунча оғзинглар қулоғингларда? — сўради Катерина Львовна қайнатасининг гумашталаридан.

— Биласизми, онагинам Катерина Львовна, биз тирик чўчқани тарозида тортиб кўрдик, — деб жавоб қилди ишбоши.

— Қанақа чўчқани?

— Аксиньяни-да — у ўғил туққан бўлса ҳам, лекин бизни чўқинтириш маросимига чақирмади, — деди кулиб туриб чиройли чехраси суллоҳона боқувчи, тим-қора сочлари жингалак, иягида соқоли эндигина сабза урган ёш йигит.

Шу пайт тарози шайинига осилган ун бўчкасидан ошпаз хотин Аксиньянинг чўғдай қизариб кетган ойтовоқ юзи мўралади.

— Яшшамагур шайтонлар, — дея қарғанди ошпаз хотин тарозининг темир шайинига осилиб, тебраниб турган ун бўчкасидан чиқишга уринаркан.

— Ҳозир, тушлик қилмаганида саккиз пуд келди, агар ҳали бир боғлам пичан еб олса, қалоқтошлар ҳам етмай қолади уни тортишга, — деди яна ҳалиги чиройли йигит ва ошпаз хотинни бўчкадан ун қоплари устига ағдариб туширди.

Хотин ҳазиломуз жавраб-жавраб ўзини тартибга келтирди.

— Қани, мен қанча келаркинман? — деди ҳазиллашиб Катерина Львовна ва арқондан ушлаб тарози палласига чиқиб турди.

— Уч пуд-у етти қодоқ, — деди яна ўша чиройли йигит Сергей иккинчи паллага қодоқ тошларни қўяркан. — Во ажаб!

— Нимага ажабланияпсан?

— Тошингиз атиги уч пуд эканлигига, Катерина Львовна. Ўйлайманки, сизни кун бўйи қўлда кўтариб юриш керак — шунда ҳам ҳеч чарчамайсан, қайтага, мириқиб ҳузур қилгандай бўласан.

— Нима, сенингча, мен одам эмасманми? Барибир толиқиб қолсан, — деди бунақа қочирик гаплардан анча чиқиб қолган Катерина Львовна қизариб кетиб; кейин кутилмаганда, унинг шўх-шўх, қувноқ сўзлар айтиб, одамлар билан чақчақлашгиси келди.

— Ҳеч ҳам-да! Сизни мен ҳатто саодатли араб юртигача бемалол кўтариб борган бўлардим, — деди Сергей Катерина Львовнанинг илмоқли гапига жавобан.

— Сен, йигит, нотўғри гапирдинг, — деди қопга ун солаётган мужик. — Бизда қанақа оғирлик, қанақа салмоқ бўлиши мумкин? Нима, тош босарканми жисмимиз? Бизнинг жисмимизда, укам, сон бор, лекин салмоқ йўқ: жисмимиз эмас, кучимиз, ҳа, фақат кучимиз тош босади.

— Биласизларми, мен қизлик пайтимда жуда кучли эдим, — деди Катерина Львовна яна ўзини тийиб туролмай. — Кўпчилик эркаклар мени ҳеч енголмаганлар.

— Қани, узатинг-чи қўлингизни, агар шу гапингиз рост бўлса, — деб илтимос қилди ўктам йигит.

— Вой, узугим: қўлимни оғритдинг! — чинқириб юборди Катерина Львовна Сергей унинг қўлини сиққанида ва иккинчи қўли билан йигитни итариб юборди.

Беканинг қўлини қўйиб юборган Сергей бу турткидан икки қадам орқага тисарилиб кетди.

— Ҳм... Ана сенга аёл киши, — деди ҳайрон қолган мужик.

— Йўқ, агар хоҳласангиз кураш тушайлик, — деди Сергей жингалак сочларини тарвақайлатиб.



— Майли, бошла, — деди вақтичоғликка майл қўйган Катерина Львовна ва тирсақларини кўтарди.

Сергей бу ёш бекани кучоқлаб, унинг лўппи сийналарини ўзининг қизил қўйлак кийган кўкрагига босди. Катерина Львовна елкаларини силкитиб, унинг кучоғидан сирғалиб чиқмоқчи бўлган эди, лекин Сергей унинг оёғини ердан узиб кўтарди, бироз вақт шу ал-позда кўтариб турди-да, сўнг тўнкарилган галла яшиги устига астагина ўтқазди.

Катерина Львовна керилиб мақтаган кучини ҳатто ишга солишга ҳам улгурмади. У лоладек қизариб кетиб, ўтирган ерида елкасидан тушиб кетган калта қалпоғини тўғрилади, кейин аста-аста юриб омбордан чиқиб кетди; Сергей эса мардона томоқ қириб қўйиб қичқирди:

— Қани, ҳей худонинг нотавон бандалари! Анқаймасдан торт урни, ярим қилма бутунни, қопларга тўлдириб сол, ортганини олиб қол...

Сергей ҳозир бу ерда бўлиб ўтган ишга мутлақо бепарводек кўринарди.

Катерина Львовнанинг орқасидан келаётган Аксинья дерди:

— Ўлгудай хотинбоз бу касофат Серёжа! Ҳар қанақа аёлни ҳам ўзининг қадди-қомати, чиройли ҳусни билан бир зумда авраб ром қилади бадбахт, тилёғламалик билан хушомад қила-қила ахири гуноҳга ботирмай қўймайди; жудаям виждонсиз бу ярамас!

— Сен, Аксинья... ҳалиги, — деди олдинга кетиб бораётган ёш бека, — ҳалиги... ўғлинг тирикми?

— Тирик, онагинам, тирик — балоям урмаган! Ҳеч кимга кераги йўқ одамнинг жони қаттиқ бўларкан.

— Кимдан ортгиргансан ўша ўғлингни?

— Э-э, сўраманг! Ўйинқароқлик меваси — ахир эл ичида юргангдан кейин... бўларкан-да.

— Бизда кўпдан бери ишлайдими анави йигит?

— Ким? Сергейни сўраяпсизми?

— Ҳа.

— Бир ойча бўлиб қолди. Илгари Копчановларникида хизмат қилган экан, хўжайини ҳайдаб юборибди. — Аксинья бу ёғига пичирлаб гапирди: — Миш-мишларга қараганда, уй бекаси билан ошиқ-маъшуқ бўлганмиш... Худодан кўрқмаганини қаранг бу муртаднинг!

## УЧИНЧИ БОБ

Хира тортган илиқ ҳаво оғушидаги шаҳарда қош қорая бошлаган пайт. Зиновий Борисич ҳали ҳам тегирмондан қайтмаган. Қайната Борис Тимофеич ҳам уйда йўқ: у, мени кечлик таомга кутманглар, деб тайинлаб, эски қадрдонининг туғилган кунига меҳмонга кетган. Катерина Львовна бекорчилик туфайли барвақт кечлик қилди, кейин болохонадаги кўшки деразасини очиб, унинг ёндорига суянганча писта чақиб, пўчоқларини тупуриб ўтирди. Ҳамма хизматкорлар ошхонада овқатланишди, кейин бирин-кетин ҳовлига чиқишиб, ухлагани ҳар ёққа: кимлар омборхоналарга, кимлар хушбўй пичан ғарамлари устига тарқалишди. Ошхонадан энг охирида Сергей чиқди. У ҳовлида бироз тентираб юрди, итларни занжирдан ечиб юборди, сўнг Катерина Львовнанинг деразаси тагидан ўтаркан, бош кўтариб унга қаради ва эгилиб таъзим қилди.

— Салом, — деди ўз кўшида ўтирган Катерина Львовна паст овоз билан; бу пайт бутун ҳовли худди сув қуйгандек теран сукутга чўккан эди.

— Бегойим! — деган овоз келди икки дақиқадан кейин Катерина Львовнанинг эшиги ортидан.

— Ким у? — сўради кўрқиб кетган Катерина Львовна.

— Кўрқманг; бу мен, Сергейман, — жавоб қилди гумашта йигит.

— Нима керак сенга, Сергей?

— Сизга гапим бор эди, Катерина Львовна: арзимаган бир нарса сўрамоқчийдим, бегойим; ижозатингиз билан бир зумгагина ҳузурингизга кирсам.

Катерина Львовна калитни бураб, Сергейни хонага киритди.

— Нима дейсан? — деб сўради у ўзи дераза томон тисарилар экан.

— Сизда Катерина Львовна, ўқигани биронта китоб йўқмикин, деб келувдим. Зерикиб кетяпман жуда ҳам.

— Менда ҳеч қанақа китоб йўқ, Сергей, китоб ўқимайман сира, — деб жавоб қилди Катерина Львовна.

— Бирам зерикяпманки, — деб зорланди Сергей.

— Нимага энди зерикаркансан?

— Қизиқсиз-а, нега энди зерикмай: қирчиллама йигитман ахир; лекин монастир роҳиблари сингари кун кечиряпман, ким билсин, бунақада то гўрга киргунимизча сўққабош бўлиб ўтиб кетамизми, дейман. Баъзи пайт шунақанги аянчли аҳволга тушаман...

— Нега уйланмайсан?

— Эҳ, бегойим, уйлан, деб айтишга осон! Кимга ҳам уйланардим? Хашаки бир одам бўлсам; бадавлат хонадоннинг қизи менга тегмаса — камбағал бўлганимдан; Катерина Львовна, ўзингиз ҳам яхши биласиз, бизлар оми одамлармиз. Нима, ўша бойвучча қизлар муҳаббат нималигини билишармиди? Ана, кўрдингизми, бойлар учун бегона муҳаббат деган сўз. Лекин сиз, айтишим мумкинки, муҳтожликдаги ҳар қандай одамга тасалли бера оласиз, ҳолбуки, ўзингиз мана бу уй соҳиблари қўлида худди қафасдаги қушчадек эрксизсиз.

— Ҳа, мен ҳам зерикаман, — деган гап Катерина Львовнанинг оғзидан чиқиб кетди.

— Ахир зерикмай бўларканми, бегойим, бунақа гурбатхонада! Башарти, сиз, худди бошқаларга ўхшаб, ўзингизга четдан биронта овунчоқ орттирганингизда ҳам, у билан юз кўришингиз амри маҳол бўларди.

— Э, қўй... гапирма унақа гапларни. Агар битта бола туғиб олганимда борми, у билан овуниб, зерикмай яшайверардим.

— Аммо-лекин, мен сизга айтсам, бегойим, ўша бола ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди-да; бунинг учун бирон-бир туртки керак. Нима, не-не хўжайинлар қўлида ишлаб, сиздек аёлларнинг аччиқ қисматларини кўра-кўра, кўзимиз пишимабдими бизнинг? Эсингизда бўлса, шундай бир қўшиқ бор: “Сен бўлмасанг, мени, маҳбубам, қамраб олур доим қайғу-ғам”; ана шу қайғу-ғам, мен сизга айтсам, Катерина Львовна, юрагимга шундай оғули наштар бўлиб санчиляптики, қанийди, пўлат ханжар билан кўксимни чок қилиб, юрагимни сизнинг оёгингиз остига ташласам. Шунда руҳим енгил тортган, юз карра енгил тортган бўларди...

Сергейнинг овози титрай бошлади.

— Нега энди сен юрак дардингни келиб-келиб менга айтяпсан? Кераги йўқ менга бунақа гапларнинг. Бор, кет бу ердан...

— Йўқ, узр, бегойим, — деди Сергей бутун вужуди титраб Катерина Львовна томон қадам ташларкан. — Мен биламан, кўряпман, ҳаттоки жуда яхши сезяпман ҳам, тушуниб турибман ҳам аҳволингиз меникидан яхшироқ эмаслигини; мана, фақат ҳозир, — деди у бир энтикиб олиб, — ҳозир... шу дамда бўладиган ҳамма иш фақат сизнинг қўлингизда, сизнинг ихтиёрингизда, бегойим.

— Нима деяпсан ўзи? Нима? Нега хонамга чиқдинг? Ўзимни деразадан ташлайман, — деди Катерина Львовна бутун вужудини гайритавсиф ваҳима қамраб олаётганини сезиб, дераза тоқчасидан маҳкам ушлаб оларкан.

— О менинг жоним-жоним! Нима қиласан ўзингни деразадан ташлаб? — деб суллоҳона пичирлади Сергей ва бойвучча бекани деразадан тортиб олиб, маҳкам бағрига босди.

— Вой, ўлмасам! Оҳ! Қўйвор, — пичирлади Катерина Львовна ингроқ товуш билан. У Сергейнинг қайноқ бўсаларидан тобора бўшашиб бораркан, беихтиёр йигитнинг мардона пинжига суқилиб кирарди.

Сергей бекани худди гўдак боладай кўтариб, хонанинг қоронғи бурчагига олиб кетди.

Хона теран сукутга толди; бу сукунатни фақат Катерина Львовнанинг каравоти бошида деворга осиб қўйилган эрининг чўнтак соати чиқиллаши бузарди; аммо бу чиқиллаш ҳеч нимага халал бермади.

Орадан ярим соат ўтди; Катерина Львовна Сергей томонга қарамай, тўзиб пахмайган сочларини кичкина кўзгу қаршисида тартибга келтираркан, деди:

— Кет энди.

— Нега энди бу ердан кетарканман? — қувноқ оҳангда қувлик билан жавоб қилди Сергей.

— Қайнатам эшикларни қулфлаб қўяди.

— Вой, жонгинам-ей! Қайси йигит маъшуқасининг олдига фақат эшикдан кираркан? Сенинг ҳузурингга киришим ё хонангдан чиқшим учун менга ҳаммаёқ эшик, — деб жавоб қилди йигит, болохонани кўтариб турган устунларга ишора қилар экан.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Зиновий Борисич уйда яна бир ҳафта бўлмади, бу аснода унинг хотини ҳафтанинг ҳар тунга то тонг отгунча Сергейнинг оғушида бўлди.

Бу кечаларда Зиновий Борисичнинг хобхонасида, қайнатанинг ертўласидан олиб чиқилган майлар ичилди, турфа хил ширинликлар ейилди, беканинг асал лабларидан энтика-эника бўсалар олинди, пар ёстиққа ёйилган тим-қора жингалак соч толалари майин-майин силанди. Ваҳоланки, банданинг юрадиган йўли ҳаммавақт ҳам силлиқ-текис бўлавермайди, унда ўйдим-чуқур жойлар ҳам учрайди.

Борис Тимофеичнинг ҳеч уйқуси келмади: қария тунги йўл-йўл чит қўйлақда ҳувиллаган уй ичида хонама-хона тентираб юриб, гоҳ у, гоҳ бу деразадан ҳовлига назар ташларди. Қараса, келинининг деразаси остидаги устундан қизил қўйлақ кийган хизматкор Сергей аста-секин тушиб келяпти. Ана, холос! Борис Тимофеич уйдан ўқдай отилиб чиқиб, азаматнинг оёғига чанг солди. Йигит хўжайинининг қулоғи тагида шавла қайнатмоқчи бўлиб ўгирилди-ю, лекин шовқин кўтарилишини ўйлаб, шаштидан қайтди.

— Қани, гапир, — деди Борис Тимофеич, — қаердан тушыпсан, ўғри?

— Қаерда бўлган бўлсам ҳам, энди у ерда йўқман, Борис Тимофеич, — деб жавоб қилди Сергей.

— Келинимнинг хонасида тунадингми?

— Қаерда тунаганимни, хўжайин, ўзим биламан; сиз, Борис Тимофеич, яхшиси, гапимга қулоқ беринг: бўлиб ўтган ишни, отагинам, энди тўғрилаб бўлмайди; ундан кўра, сиз, ҳеч бўлмаса, хонадонингиз шаънига иснод келтирмасликни ўйланг. Очигини айтаверинг, мени нима қилмоқчисиз? Нима билан қўнглимни овламоқчисиз?

— Сен газандани беш юз қамчи билан сийламоқчиман, — деди Борис Тимофеич.

— Айб менда — ихтиёр сизда, — деб рози бўлди йигит. — Айтинг, қаёққа борай? Майли, ича қолинг қонимни.

Борис Тимофеич Сергейни ўзининг кичкина, аммо пишиқ қурилган омборхонасига бошлаб бориб, то ўзи ҳолдан тойгунча уни қамчи билан савалади. Сергей бирон марта ҳам инграмади, лекин оғриқ аламидан кўйлаги енгининг ярмини гажиб тилка-тилка қилди.

Борис Тимофеич Сергейни то орқасидаги қонли қамчи излари қотиб битгунча шу омборхонада қолдирди; олдига сопол қўзада сув қўйди, кейин эшикни отнинг калласидай қулф билан қулфлаб, ўғлини чақриб келгани одам юборди.

Лекин Русия заминида юз чақиримли тупроқ йўлни ҳатто ҳозир ҳам тез босиб ўтиб бўлмайди; Катерина Львовна бўлса, энди бир соат ҳам Сергейсиз туролмай қолган эди. Кутилмаганда унинг гайрати жўш уриб, гафлатда ётган шаҳвоний табиати кўз очди-ю, у тийқсиз қатъий ҳаракатлар қила бошлади. У Сергейнинг қаерда ётганини билиб олди, у билан темир эшик ортида туриб гаплашди ва калитни қидириб топгани югуриб кетди. Сўнг “Кўйворинг, дадажон, Сергейни”, — деди у қайнатаси олдига келиб.

Чолнинг ранги бўзариб кетди. У шу чоққача ҳамиша мўмин-қобил бўлиб келган, илло эндиликда фаҳш ишига ружу қўйган келинининг бундай суллоҳлик қилишини ҳеч қутмаган эди.

— Нималар деяпсан, беҳаё? — деб у Катерина Львовнага танбеҳ бера бошлади.

— Кўйворинг уни, — дерди Катерина Львовна, — виждоним ҳаққи, қасам ичаман, ҳеч қандай ёмон иш бўлмаган ўртамизда.

— Ёмон иш бўлмаган, де! — деди чол тишларини гижирлатиб. — Бўлмаса, тун билан нима қилдинглар болохонада? Эрингнинг ёстиқларини қоқиб кўпчитдингларми?

Лекин келин нуқул, “кўйворинг, кўйворинг”, деб тихирлик қилаверди.

— Ундай бўлса, — деди Борис Тимофеич, — яхшилаб қулоғингга қуйиб ол: ҳали эринг келсин, шунда сени — ҳаёли, покиза хотинни отхонага олиб кириб, ўзимиз пўстагингни қоқамиз, анави аблаҳни бўлса, эртагаёқ қаматиб юбораман.

Борис Тимофеич шундай қарорга келган эди, лекин қарори амалга ошмади.

## БЕШИНЧИ БОБ

Борис Тимофеич ётар олдидан кўзиқоринли бўтқа еган эди, унинг жиғилдони қайнади; кейин бирдан кўкрак ости қаттиқ ачиб, азда-базда ўқчиб қуса бошлади, эрталабга қолмай жони узилди, худди

омборхонадаги каламушлардек — Катерина Львовна ўша каламушлар учун ўқтин-ўқтин заҳарли оқ кукун доридан овқат тайёрлаб турарди.

Мана, Катерина Львовна Сергейни чолнинг зиндонидан олиб чиқиб, уни эрининг тўшагига ётқизди ва елкасидаги қамчи изларини даволай бошлади; Борис Тимофеични эса, ҳеч қандай иштибоҳга бориб ўтирмай, христиан дини удуми бўйича дафн этдилар. Шуниси қизиқки, нега бундай бўлди, деб ҳеч ким сўрамади ҳам, ўйламади ҳам: Борис Тимофеич қўзиқорин еб ўлибди — нима бўпти, қўзиқориндан ўлганлар сон мингта. Чолни шоша-пиша дафн қилишди, ўғлининг етиб келишини ҳам кутишмади, чунки ташқарида ҳаво иссиқ эди, Зиновий Борисични чақириб келиш учун тегирмонга юборилган одам уни у ердан топмабди — Зиновий Борисич юз чақиримча нарида арзонга сотиладиган ўрмон дарагини эшитиб, ўша ўрмонни кўргани кетган экан, лекин қаерга кетаётганини ҳеч кимга айтмабди ҳам.

Катерина Львовна бу ишни бошқариб бўлгач, бутунлай қуюшқондан чиқиб кетди. У шундоқ ҳам довдюрак хотинлардан эди, энди бўлса, унинг нималарни кўнглига тукканини ҳеч билиб бўлмасди; у савлат тўкиб керилиб юрар, ҳовлидаги ҳамма одамлар устидан ҳукмронлик қилар, Сергейни эса ёнидан бир қадам нари кетказмасди. Ҳовлидаги хизматкорлар беканинг бу юриш-туришини кўриб ҳайрон бўлишган эди, Катерина Львовна саховат кўрсатиб, ҳамманинг кўнглини олди ва одамларда уйғонган ажабланиш зумда барҳам топди. “Нима бўпти, — дейишарди улар, — бекамиз Сергей билан тил топишибди, холос. Бу унинг иши, жавоб берадиган ҳам ўзи”.

Бу орада Сергей бутунлай соғайиб, яна қадини тиклади ва Катерина Львовнанинг атрофида худди бабақ хўроздай парвона бўла бошлади; уларнинг ошиқ-маъшуклик ҳаёти яна авжига минди. Лекин тўхтамай ўтиб бораётган вақт нафақат уларга, ўзгаларга ҳам хизмат қиларди: Катерина Львовнанинг анчадан бери узоқда бўлган эри Зиновий Борисич, мана, газаби жўш уриб, шошганча уйига келаётган эди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Тушдан кейин ташқарида ҳаво жазирама эди, бунинг устига, хира пашша жуда жонга тегди. Катерина Львовна ётоқхона деразаси қоқоғини ёпди, яна ичкаридан уни шол рўмоли билан ҳам тўсиб қўйдида, ҳузур қилиб дам олгани савдогар эрининг момиқ тўшагига Сергей билан бирга ётди. Катерина Львовна гоҳ пинакка кетиб, гоҳ уйғоқ ётаркан, васвасали тахайюллар таъсиридан вужуди чўгдек қизиб, қора терга ботар, ҳарорати кўтарилиб, базўр ҳансираб нафас оларди. Бека, гарчи уйғонадиган пайт келганини, боққа тушиб чойхўрлик қилиши лозимлигини сезаётган бўлса ҳам, ҳеч ўрнидан турулмади. Мана, ниҳоят, ошпаз хотин келиб эшикни тақиллатди. “Олма тагида, — деди у, — самовар ўчиб қоляпти”. Катерина Львовна зўрға уйғонди ва ёнида — ўзи билан Сергей ўртасида ётган мушукни эркалай бошлади. Бу ёқимтой, бўзранг, дуркун ва хўппа семиз мушукнинг мўйлови худди солиқ йиғадиган бурмистрникига ўхшарди; Катерина Львовна мушукнинг момиқ юнгини титкилар, у эса нуқул тўмтоқ тумшуғи билан бекага суйкалар ва аста минғирлаб қўшиқ айтарди — гўё ишқ-муҳаббатдан сабоқ бераётгандек. “Нега кирдийкин-а, бу мушук хонамга? — деб ўйлади Катерина Львовна. — Дераза олдига қаймоқ

қўйгандим, ҳали ялаб еб қўяди яшшамагур. Ҳайдаб юборишим керак”, — деган қарорга келди у ва мушукни ушлаб отиб юбормоқчи бўлди, лекин мушук унинг бармоқлари орасидан худди тумандек сирғалиб чиқиб кетди. “Тавба, қаёқдан келиб қолди ўзи бу мушук уйимизга? — деб ўйлади Катерина Львовна ҳамон босинқираб. — Ҳеч қачон мушук зоти бўлмаганди бу ерда, қай гўрдан келиб қолдийкин-а?” У яна мушукни ушлаб олмоқчи бўлди, лекин мушук кўринмай қолди. “Вой, тавба, нима бўляпти ўзи? Нима ўзи бу? — мушукми ё бир баломи?” — деб ўйлади Катерина Львовна. У эсанкираб қолганди; кейин бирдан уйқуси ҳам, мудроғи ҳам қочиб, кўзини очди. У хонанинг ҳар томонига бир-бир кўз ташлаб чиқди — ҳеч қанақа мушук-пушук йўқ эди, фақат чиройли йигит Сергей маъшукасини бақувват қўли билан қучиб, унинг сийнасини қайноқ юзига босганча ёнида ухлаб ётарди.

Мана, Катерина Львовна ўрнидан туриб тўшагида ўтирди, Сергей ўпа-ўпа, суя-суя гижимланган пар тўшак билан парку ёстиқни текислади-да, чой ичгани боққа тушиб кетди; қуёш энди уфққа ёнбошлай бошлаган, офтобда қизиган заминга ғоят хушбахра сеҳрли оқшом тушаётган эди.

— Ухлаб қолибман, — деди Катерина Львовна Аксиньяга ва оппоқ гуллаб турган олма дарахти тагига ёзилган гиламга бориб ўтирди. — Сенга бир гап айтаман, Аксинюшка — таъбирини билармикансан? — деди у ошпаз хотинга, финжон ликопчасини ўзи сочиқ билан артаркан.

— Нима, онагинам?

— Нафақат хобимда, ўнгимда ҳам аллақандай мушук нуқул қўйнимга кираверади.

— Вой, у ростданам мушукми?

— Рост, мушук.

Катерина Львовна қўйнига мушук қандай кирганини сўзлаб берди.

— Нима қилардингиз уни эркалаб?

— Ким билади дейсан! Ўзим ҳам билмайман нега уни эркалаганимни.

— Вой, тавба! — деди ошпаз хотин.

— Ўзим ҳам жуда ҳайронман.

— Бунинг таъбири — чамамда, кимдир сизнинг олдингизга келмоқчига ўхшайди ё, эҳтимол, бошқа бирон иш содир бўлар.

— Ахир нима бўлиши мумкин?

— Нима бўлишини ҳеч ким аниқ айтолмайди сизга, тасаддуқ, ҳеч ким тушунтиролмади ҳам буни, илло бир нима юз бериши аниқ.

— Бир ой тушимга ой кириб чиқди, энди бўлса, мана, мушук, — деб гапида давом этди Катерина Львовна.

— Ой — бу чақалоқ.

Катерина Львовна чўғдай қизариб кетди.

— Нима дейсиз, хузурингизга Сергейни юборайми? — деди Аксинья бекасига мунис дугона бўлиш иштиёқида.

— Майли, — деди Катерина Львовна, — гапингда жон бор, яхши, чақирақол: бирга чойхўрлик қиламан.

— Бўлмасам-чи, албатта, чақириш керак уни, — деди Аксинья ва боғнинг эшикчаси томон худди ўрдакка ўхшаб лапанглаб юриб кетди.

Катерина Львовна мушук тўғрисида Сергейга ҳам гапириб берди.

— Бу хаёлот, холос, — деди Сергей.

— Агар бу хаёлот бўлса, нега илгари ҳеч ҳам кўринмаган эди?

— Илгари нималар бўлмаган дейсан! Илгари сенга кўзим тушган ҳамоно ишқингда ўт бўлиб ёнардим, энди бўлса, мана! Оппоқ бада-нинг бутунича меники.

Сергей Катерина Львовнани гир-гир айлантирди ва ҳазиллашиб уни патгиламга ташлаб юборди.

— Вой, бошим айланиб кетди, — деди Катерина Львовна. — Серёжа! Бери кел, ёнимга ўтир, — деб чақирди уни, ҳам нозланиб, ҳам керишиб.

Азамат йигит бошини эгиб, гулга фарқ бўлган олма дарахти тагига кирди ва Катерина Львовнанинг оёғи ёнига ўтирди.

— Сен менинг ишқимда ёнгансан-а, Серёжа?

— Бўлмасам-чи, ёнганман.

— Қанақа ёнгансан? Сўзлаб бер менга.

— Э, буни сўзлаб бўларканми? Ишқ ўтида ёниш қанақа бўлишини сўз билан ифодалаб бўларканми? Мен, кошки васлингга етсам, деб орзу қилардим.

— Унда нега мен сезмадим, Серёжа, ишқимда ёнганингни? Бу бир қарашда сезилади, дейишади-ку.

Сергей индамади.

— Васлимга етиш орзусида юрган экансан, унда нега доим қўшиқ айтардинг? Нега? Ўзим эшитганман бостирма тагида қўшиқ айтганларингни, — деб яна сўроққа тутди Катерина Львовна маҳбубини эркаларкан.

— Қўшиқ нима экан? Уни ҳамма айтади, ана, чивинни ол, умри бўйи гингиллаб куйлагани-куйлаган, лекин бу унинг шодлик қўшиғи эмас-ку, — деб қуруққина жавоб қилди Сергей.

Улар сукутга толдилар. Сергейнинг ушбу изҳори ишқидан Катерина Львовнанинг кўнгли ёришиб кетди.

Унинг гаплашгиси келар, лекин Сергей тумшайиб гунг бўлиб ўтирарди.

— Қара, Сергей, ахир бу жаннат-ку, жаннат! — деди Катерина Львовна олма дарахтининг чамандай гуллаб турган қуюқ новдалари орасидан беғубор мовий осмондаги мунаввар тўлин ойга маҳлиё бўлиб боқаркан.

Олма дарахтининг япроқ ва гуллари орасидан сизиб ўтаётган ой шуъласи гиламда чалқанча ётган Катерина Львовнанинг юз-кўзи ва бутун вужуди бўйлаб ғоят ажиб нурли доғлар бўлиб пилдирарди, ҳаво сокин, фақат енгилгина эсан илиқ шабада пинакка кетган япроқларни аста-аста тебратар, гулга кирган гиёҳлар ва дарахтларнинг нафис атрини учириб келарди. Кишини эринчоқликка, ҳузур-ҳаловатга, дил хуморини ёзишга бўлган иштиёқини қитиқловчи аллақандай ҳушҳоллик ҳавони тўлдирган эди.

Ўз гапига жавоб олмаган Катерина Львовна оч пуштиранг олма гуллари орасидан осмонга тикилганча яна сукутга толди. Сергей ҳам сукутда эди; лекин уни осмон қизиқтирмасди. У тиззаларини қучоқлаб ўтираркан, бутун нигоҳи оёғидаги этикларига қаратилган эди.

Нодир оқшом! Осуда, ойдин, муаттар ҳамда хайрли ва хузурбахш илиқ оқшом. Узоқда, боғ ортидаги жарнинг нариги томонида кимдир янгроқ овоз билан қўшиқ куйлай бошлади; четан девор тагидаги шумурт бутасига қўнган булбулнинг шўх чаҳ-чаҳи эшитилди; баланд хода учига илинган қафасдаги бедана уйқу аралаш ваваглаб қўйди, отхонадаги от маъюс пишқирди, боғ девори ортидаги майдонда эса, бир гала итлар шўх-шўх акиллашиб қувалашганча, ярим харобага айланган эски туз омборларининг қуюқ соясида кўздан ғойиб бўлди.

Катерина Львовна тирсагига таяниб, бошини кўтарди-да, боғдаги гуркираб ўсган ўт-ўланларга қаради; бу ўтлар дарахтларнинг гул ва япроқлари томонидан парча-парча қилиб юборилган ойнинг шуъласи билан бекинмачоқ ўйнашарди. Бу муҳташам, нафис, ярқироқ доғлар бутун ўтлоқни заррин рангга бўяб, улар узра жонли олов капалаклардек, шундай безовталаниб, шундай милтиллаб лип-лип учардиларки, гўё дарахтлар тагидаги барча ўт-ўланлар ҳозир ой ташлаган тўрга илиниб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа талпинаётгандек кўринардилар.

— Оҳ, Серёжечка, қандай ажойиб тун-а! — деди Катерина Львовна теварак-атрофга бир-бир кўз югуртираркан.

Сергей лоқайд елкасини қисди.

— Вой, нима бўлди сенга, Серёжка, нимадан хафасан? Ё жонингга тегдимми мен?

— Кўйсанг-чи бемаза гапни! — деб қуруққина жавоб қилди Сергей ва энгашиб Катерина Львовнани номигагина ўпиб қўйди.

— Сен бевафосан, Серёжка, — деди рашки келган Катерина Львовна. — Тутуруғинг йўқ сенинг.

— Бу гапингни сира ҳам юқтирмайман ўзимга, — деб жавоб қилди Сергей бепарво оҳангда.

— Нега бўлмаса ўпичинг совуқ?

Сергей индамади.

— Фақат уйланган эркаклар ўз хотинларини шунақа ўпишади, — деди Катерина Львовна Сергейнинг сочини ўйнаганча гапида давом этаркан, — улар шу тарзда бир-бирларининг лабидаги чангни қоқишади. Сен мени шундай ўпгинки, тепамдаги олма дарахтининг нозик гуллари бошимга дув тўкилсин. Мана, мана бунақа бўлади ўпиш, — деб пичирларди Катерина Львовна ўйнашини кучоқлаб, ундан шаҳвоний ҳирс билан бўса оларкан.

— Сендан сўрамоқчийдим, Серёжа, — деб яна гапира бошлади Катерина Львовна бироз фурсат жим ўтиргач, — нега ҳамма сени хиёнаткор деб айтяпти?

— Ким экан ўша мен тўғримда гийбат қилган?

— Одамлар гапиришяпти.

— Бўлса бордир, бир пайтлар битта-яримта бўлмағур қизга хиёнат қилган бўлсам қилгандирман.

— Нима қилардинг, аҳмоқ, бўлмағур қизлар билан элакишиб? Ҳеч ҳам севиш керакмас бўлмағур қизларни.

— Гапингни қара-ю! Бунақа ишда мулоҳаза қилиб ўтирарканми киши? Бунда фақат ҳавас иш кўрсатади, ишқ эмас. Олайлик, сен биронта дўндиқча билан, шунчаки, номига, ҳеч қандай жиддий мақсадни кўзламай, номақбул, яъни гайриқонуний алоқа қилиб қўйдинг; қарабсанки, ўша дўндиқча кўз очиб юмгунингча бўйнингга маҳкам чирмашиб олади — буни ҳатто ўзинг ҳам сезмай қолсан. Э, ўргилдим унақа муҳаббатдан!

— Эшит гапимни, Серёжка! Сенинг бошқалар билан қандай алоқада бўлганингни мен билмайман, билишни ҳам хоҳламайман; лекин сен менга пешма-пеш хушомадлар қилиб, ахийри, мана бутун икковимиз бир-биримизни севишга муяссар бўлдик; бу гуноҳ ишда менинг хоҳиш-истагим қанча бўлган бўлса, сенинг ҳийла-найрангларинг ҳам шундан кам бўлмадики, мабодо, Серёжка, сен менга бирон марта бўлса хиёнат қилсанг, агар бошқа биронтани мендан ортиқ кўрсанг ва мени бошқа биронта дўндиқчага алмаштиргудек бўлсанг, мен сендан, о қалбим қувончи, мени кечирасан-у, фақат ўлганимда ажраламан, асло тирик ажралмайман.



Сергей бир сесканиб тушди.

— Э, нималар деяпсан, чарогон офтобим Катерина Львовна! — дея гапга киришди Сергей. — Ахир ўзинг кўриб, билиб турибсан-ку аҳволимизни. Мана, бугун менинг ўйчан кайфиятда ўтирганимни ўзинг ҳам пайқабсан, аммо, нега бунақа ўйга чўмди экан, деб ўйлаб кўрмайпсан. Ким билсин, ҳозир менинг юрагим лахта-лахта қондир!

— Гапир, гапир, Серёжа, ёз юрагингни.

— Ниманиям гапирай? Мана, олайлик, биринчи навбатда, ҳадемай эринг қайтиб келади, ана унда мен пуф сассиқ бўламан — “Қани, Сергей Филипич, шиқиллат туёгингни, орқа ҳовлига чиқиб кет, ўша ердан, бостирма тагидан туриб, Катерина Львовнанинг ётоқхонасида ёниб турган шамни кузат, унинг пар тўшакни кўпчитиб ёзиб, ўзининг қонуний эри Зиновий Борисич билан ёнма-ён ётаётганини кўз олдинга келтир”.

— Бу бўлмайди! — деди Катерина Львовна шўх оҳангда ва қўл силтаб қўйди.

— Қанақасига бўлмас экан! Мен аниқ сезиб турибман, бусиз туролмайсизлар. Менда ҳам, Катерина Львовна, юрак бор, мен ҳам азоб чекаман.

— Бе, қўйсанг-чи, шу гапларни.

Сергейнинг рашк қилиши Катерина Львовнага хушёқарди, шу боис у кулиб қўйиб, яна маҳбубини ўпишга тушди.

— Яна шуни, — деб Сергей гапини давом эттираркан, бошини Катерина Львовнанинг елкасигача яланғоч бўлган қучоғидан аста-секин озод қила бошлади, — яна шуни айтишим мумкинки, ҳозирги мушкул аҳволим мени бир эмас, ўн эмас, кўп марта шундай ва бундан-да бошқача ўйлар суришга мажбур қилади. Борди-ю мен, айттайлик, сиз билан тенг мавқеда бўлганимда эди, агар бадавлат барин ё савдогар бўлганимда эди, то ўла-ўлгунимча сиз билан бирга бўлардим. Ана, энди ўзингиз ўйлаб кўринг, сизнинг ёнингизда қанақа одамман мен? Сизнинг оппоқ билагингиздан ушлаб, ётоқхонангизга етаклаб кириб кетишларини кўз олдимга келтирсам, бунга юрагим сира ҳам дош беролмайди, бунинг оқибатида, ўзим ҳам умрбод жирканч одам бўлиб қолишим аниқ, Катерина Львовна! Мен аёл киши билан, фақат роҳатланиш учунгина боғланадиган одамлар тоифасидан эмасман. Мен чин муҳаббат нималигини, унинг юрагим қонини худди заҳарли илондек сўришини бутун вужудим билан ҳис қиламан.

— Нега энди менга бунақа гапларни гапириб ётибсан? — деб Катерина Ильвовна унинг сўзини бўлди.

Унинг Сергейга раҳми кела бошлаган эди.

— Катерина Львовна! Нега энди бу ҳақда гапирмай? Ахир ҳамма нарса кундай равшан, ҳаммаси аллақачон худди ипга тизгандай аниқ белгилаб қўйилгандан кейин, қолаверса, бир кун келиб эмас, ҳатто эртагаёқ бу ҳовлида Сергейнинг ўзи ҳам, сояси ҳам қолмайдиган бўлганидан кейин, нега гапирмай? Нега?

— Йўқ, Серёжка, йўқ, гапирма буни! Бу айтганинг ҳеч қачон бўлмайди, мен бир зум ҳам сенсиз туролмайман, — деб Катерина Львовна Сергейни юпатаркан, бояги-боягидай уни эркаларди. — Агар иш чатоқлашгудай бўлса... ё у ўлади, ё мен, сен фақат мен билан бўласан.

— Муҳаббатимизнинг давом этиши асло мумкин эмас, Катерина Львовна, — деди Сергей маъюс ва ғамгин бош чайқаб. — Бундай муҳаббат домига илинганимдан ёруғ дунёга келмаганим яхши эди.

Ундан кўра, тенг тенги билан, деганларидек, ўзимга тенгимни топиб, фақир киши панада қабилида, бориға қаноат қилиб яшайверсам бўларди-ку. Нега энди келиб-келиб сизни танладим мангу муҳаббатим деб? Наҳотки, менга жазман бўлиб яшашдан фахрлансангиз? Муқаддас боқий ибодатгоҳ ҳаққи, мен сизнинг эрингиз бўлишни истардим: ана унда мен, гарчи ўзимни ҳамиша сиздан қуйироқ поғонада турган ҳисобласам ҳам, ҳар қалай, сиз, завжаи муҳтарамамни қанчали севиб эъзозлашимни бутун элга кўз-кўз қилган бўлардим.

Катерина Львовна Сергейнинг бу сўзларидан, уни рашк қилаётганини ва унга уйланиш иштиёқида эканини ҳис қилиб, суюнганидан ўзини йўқотиб қўяёзди — аёл қалбини селдек эритиб юборувчи бу иштиёқ шундай ҳузурбахш туйғуки, севилган қиз унинг таъсирида никоҳдан олдинги қисқа муддатли ишқий муносабатнинг кўз очиб юмгунча “ғув” этиб ўтиб кетганини ҳам сезмай қолади. Катерина Львовна ҳозир Сергейни деб, сув келса сувдан кечишга, ўт келса ўтдан ўтишга, ҳатто энг оғир машаққатларни бошидан кечиришга ҳам тайёр эди. Сергей уни ўзига шундай ром қилиб олган эдики, Катерина Львовнанинг бу йигитга бўлган садоқати ҳозир ҳадсиз-ҳудудсиз эди. Ёш бека бундай саодатдан телба бўлиб қолаёзди; унинг томирларида қон гупура, энди ҳеч бир гап қулоғига кирмасди. У шоша-пиша кафти билан Сергейнинг лабларини тўсди ва унинг бошини ўз сийнасига босиб қучоқлаганча деди:

— О, ўзим биламан сени қандай қилиб бой савдогарга айланттиришни ҳам, сен билан қонуний тарзда умргузаронлик қилишни ҳам. Сен фақат то вақти-соати келгунча бекордан-бекорга дилимни ғаш қилмай тур.

Яна устма-уст тотли бўсалар, суйиб-сийпалашлар давом этади.

Пичанхонада ухлаб ётган кекса гумаштанинг қулоғига сокин тунда уйқу аралаш гоҳ худди тўполончи болалар мункиллаб қолган чолни мазах қилаётгандай, пичирлаш ва ҳиринглашлар, гоҳ шўх сув парилари гўё кимнидир қитиқлаётгандай янгроқ ва қувноқ хандалар эшитилар. Ҳолбуки, бул вақтичоғлик ижрочилари фақат ой нурига чўмиб, патгилам устида у ёқдан-бу ёққа думалашиб ўйнашаётган Катерина Львовна билан унинг навқирон маҳбуби эди, холос. Уларнинг бошлари узра қад кўтарган олма дарахтининг оппоқ гуллари дўлдай тўкила-тўкила ахийри тўкилмай қолди. Бу аснода ёзнинг қисқа тунни ўтиб борар, ой ҳам омборларнинг баланд томлари орқасига беркиниб, рўйи заминга қиё боққанича хира торта бошлаганди; ошхона томидан мов бўлган бир жуфт мушукнинг қулоқни тешиб юборгудек чийиллагани, кейин уларнинг жон ҳолатда пишқиргани эшитилди; шунинг кетидан иккита ё учта мушук томга тираб қўйилган бир боғлам тахтага тирмашиб пастга думалаб тушди.

— Кетдик ухлагани, — деди Катерина Львовна худди силласи қуриган одамдай ҳансираб ва гиламга қандай ётган бўлса, шу кийимида, яъни фақат битта кўйлак билан оқ юбкада ўрнидан туриб, қабристон сукунатиға фарқ бўлган ҳовлидан юриб ўта бошлади, Сергей эса гиламни ва бека шўхлик қилиб ечиб ташлаган блузкани кўтариб унга эргашди.

## ЕГТИНЧИ БОБ

Катерина Львовна шамни пуфлаб ўчириб, бутунлай ечиниб момиқ партўшакка ётган заҳоти уни уйқу элитди. Тўйиб-тўйиб ўйнаб, мириқиб кўнгилхушлик қилган Катерина Львовна донг қотиб ухлаб

қолди, энди унинг оёқлари ҳам, қўллари ҳам маст уйқуда эди; лекин унинг қулоғига уйқуси аралаш, яна эшик очилгандай ва кечаги мушук яна унинг кўрпаси устига худди эски чорикдай “дўп” этиб тушгандай бўлди.

— Вой, бошга битган бало бўлди-ку, бу яшшамагур мушук! — деди айшу ишратдан толиққан Катерина Львовна уйқусираб. — Эшикни атайлаб ўз қўлим билан қулфлаб қўйгандим, дераза ҳам ёпиқ, қай гўрдан кирдийкин? Ҳозир отиб юбораман уни, — Катерина Львовна ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин ғафлат уйқусидаги қўллари ҳам, оёқлари ҳам унга итоат этмадилар; мушук бўлса унинг устида юриб, нуқул хуриллар, боз устига, одамга ўхшаб гапиргандай бўларди. Катерина Львовнанинг бутун вужуди бошдан-оёқ жимирлаб кетди.

“Йўқ, — деб ўйлади у, — ортиқ чидолмайман, эртага албатта муқаддас сувдан бир коса қаравотим ёнига қўйиб қўяман, негаки, уйимга танда қўйган бу мушук жуда аломат жонивор кўринади.”

Мана, у яна тумшугини Катерина Львовнанинг қулоғига тираганча, “хур-хур” қилиб гапира бошлади: “Нега энди, — деди у, — мен мушук бўларканман? Қанақасига? Сен ўзинг, Катерина Львовна, оқила жувонсан-ку, биласан-ку ахир, мен ҳеч қанақа мушук эмасман, балки эл таниган нуфузли савдогар Борис Тимофеич бўлман. Фақат шуниси ёмонки, ичимдаги жами ичак-чавоқларим келингинам меҳмон қилиб боққан овқатдан тилка-тилка бўлиб кетган. Оқибатда, — деб хуриллади у, — мен кичрайиб қолдим, энди мени яхши танимаган одамларнинг кўзига асл шакл-шамойилимда эмас, мушук бўлиб кўриняпман. Қани, айт-чи, менга, туриш-турмушинг қалай ўтаяпти, Катерина Львовна? Эрингга бўлган садоқатингни қандай оқлаяпсан? Мен атайлаб келдим қабристондан, Сергей Филипп билан биргаликда эрингнинг тўшагини қандай иситиб обод қилаётганингни кўргани... Хур-хур... Энди мен ҳеч нима кўрмайман. Мендан кўрқма: биласанми, кўзларим косасидан отилиб чиқиб кетган сен берган овқатни еганимдан кейин. Қани, кўзларимга қара-чи, келингинам, кўрқма!”

Катерина Львовна қарадию додлаб юборди. Ўзи билан Сергей ўрта-сида яна ўша мушук ётарди, лекин мушукнинг боши Борис Тимофеичнинг боши эди; у бош марҳумнинг тириклигидагидай катталикда бўлиб, кўзларининг ўрнида бир жуфт оловли доира гир-гир айланарди.

Сергей уйғониб кетди, Катерина Львовнани тинчитиб, яна ухлаб қолди; лекин Катерина Львовнанинг уйқуси бутунлай ўчган эди — айна вақтида ўчганди.

У кўзини очиб ётаркан, бирдан кимнингдир дарвоза оша ҳовлига сакраб тушганини эшитиб қолди. Ана, итлар ҳам вовиллаб ўша одамга ташланишди-ю, лекин дарров жимиб қолишди — эркаланиб унга суйкалишаётгандай туюлди. Мана, орадан яна бир дақиқа ўтди, пастдаги темир лўкидон шиқиллаб, эшик очилди. “Ё менга шундай туюл-япти, ё бўлмаса, менинг Зиновий Борисичим қайтиб келди, негаки, эшик унинг захира калити билан очилди”, — деб қўнглидан ўтказди Катерина Львовна ва шоша-пиша Сергейни туртиб уйғотди.

— Эшит, Сергей, — деди у ва ўзи ҳам тирсагига таянганча хушёр тортиб қулоқ сола бошлади.

Ҳақиқатан ҳам, кимдир зинадан эҳтиётлик билан аста-секин қадам босиб чиқиб, хобхона эшигига яқинлашаётган эди.

Катерина Львовна тунги қўйлақда тўшақдан ирғиб тушиб, деразани очди. Шу заҳоти Сергей болохона айвонига ялангоёқ сакраб

ўтиб, устунга қўл ва оёқлари билан чирмашди — у беканинг кўшикидан неча маргалаб шу устунни кучоқлаб пастга тушган эди.

— Йўқ, тўхта, кетма! Шу ерда ётиб тур... узоқлашма, — деб пичирлади Катерина Львовна ва Сергейга деразадан унинг кийими билан пойабзалини ташлади, сўнг ўзини яна кўрпа тагига олиб кута бошлади.

Сергей Катерина Львовнанинг айтганини қилди: устундан пастга сирпаниб тушиш ўрнига шу болохонадаги чипта бордон панасига беркинди.

Бу пайт Катерина Львовна эрининг эшик тагига келганини ва нафасини ичига ютиб, хонага қулоқ солаётганини эшитиб ётарди. У ҳатто эрининг рашк ўтида ёнаётган юраги тез-тез гурсиллаб ураётганини ҳам эшитгандай бўлди; лекин Катерина Львовнада бу пайт эрига ачиниш эмас, балки уни мазах қилувчи ёвузона истеҳзо уйғонган эди.

“Чучварани хом санабсан”, — деб ўйларди у худди маъсум гўдакдек жилмайиб ҳузур қиларкан.

Бу воқеа ўн дақиқача давом этди; лекин эшик ортида туриб, хотинининг қандай нафас олиб ухлаётганини эшитиш ахийри Зиновий Борисичнинг жонига тегди шекилли, эшикни тақиллатди.

— Ким у? — деб сўради Катерина Львовна бир оз фурсатдан кейин уйқусираган овозда.

— Мен, — деб жавоб қилди Зиновий Борисич.

— Сизми?

— Бўлмасам-чи, эшитяпсан-ку!

Катерина Львовна битта тунги қўйлақда сакраб туриб, эрини хонага киритди ва яна иссиқ ўрнига ётиб олди.

— Негадир тонготар чоғда салқин тушяпти, — деди у кўрпага бурканаркан.

Зиновий Борисич хонага киргач, атрофга кўз ташлаб чўқиниб олди ва яна ҳар томонга олазарак бўлиб қарай бошлади.

— Қалайсан? — сўради у хотинидан.

— Ёмонмас, — деб жавоб берди Катерина Львовна, сўнг ўрнидан кўтарилиб, эгнига олди очиқ хонаки чит кўйлагини кия бошлади.

— Самовар қўйиш керакдир? — сўради у.

— Майли, Аксиньяни чақир, ўша қўйсин.

Катерина Львовна яланг оёғига бошмоғини илиб, югуриб чиқиб кетди. Ярим соатча дараги бўлмади унинг. Бу аснода у ўзи самоварни ўт олдириди ва аста-секин болохона айвонига кўтарилиб, у ерда писиб ўтирган Сергейга:

— Қимирламай ўтир, — деб пичирлади.

— Қачонгача ахир? — сўради Сергей ҳам пичирлаб.

— Вой, мунча калтафаҳмсан-а! Утиравер, ўзим айтмагунимча.

Шундай деб, Катерина Львовна уни яна аввалги жойига ўтқазди.

Бу ердан ётоқхонада бўлаётган ҳамма гап Сергейга эшитилиб турарди. У эшик очилганини ва Катерина Львовнанинг яна хобхонага, эрининг олдига кирганини эшитди. У ерда айтилаётган ҳар бир сўз аниқ эшитилиб турарди.

— Қаёқда қолиб кетдинг шунча вақт? — сўради Зиновий Борисич хотинидан.

— Самовар қўйдим, — жавоб қилди хотин бепарво оҳангда.

Жим бўлиб қолишди. Зиновий Борисич камзулини қозикқа илгани эшитилди. Мана, энди у пишқириб, сув сачратиб ювина бошлади; ана, у сочиқ сўради, яна гапира бошлади.

— Хўш, қандай ўтди дадамнинг маъракаси, қандай дафн этдинглар уни? — сўради эр.

— Қандай бўларди, — деди хотин, — ўлди, кўмдик.

— Ҳайронман, нега бундай бўлдийкин-а?

— Ёлғиз Худога аён бу, — деб жавоб қилди Катерина Львовна, кейин финжонларнинг жаранлагани эшитилди.

Зиновий Борисич хона ичида маҳзун кайфиятда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Қани, айт-чи, бу ерда ўзинг қандай кун кечирдинг менсиз? — деб яна савол бера бошлади Зиновий Борисич хотинига.

— Қандай бўларди — ҳамма қатори: базму зиёфатларга, театрларга бормасак...

— Назаримда, эрингнинг келганига ҳам унча қувонмаётгандайсан, — дея пичинг қилди Зиновий Борисич хотини томонга қиё боқаркан.

— Нима, сен билан биз ёш келин-куёвмидикки, эс-ҳушимизни йўқотсак? Бундан ортиқ қандай қувониш мумкин? Кўриб турибсан, югуриб-елиб ётибман қўнглингни овлаш учун.

Катерина Львовна самовар олиб келгани яна чопиб чиқиб кетди ва яна Сергейнинг олдига ўтиб, унга деди: “Ҳушёр бўлиб тур, Серёжа!”.

Сергей нима бўлишини аниқ билмасди, шунга қарамай шай бўлиб турди.

Катерина Львовна хонага қайтиб кирганида Зиновий Борисич тўшакда тиззалаб туриб, каравот тепасига ўзининг мунчоқ занжирли кумуш соатини осаётган эди.

— Нима учун сен, Катерина Львовна, ёлғиз ўзингга икки кишилик ўрин солдинг? — деб у бирдан худди таажжублангандай сўраб қолди.

— Нимагаки, сени кутаётувдим, — жавоб қилди Катерина Львовна дангал эрига тикилиб туриб.

— О, беҳад миннатдорман сендан бунинг учун... лекин тўшакда ётган мана бу нарса қаёқдан келиб қолди?

Зиновий Борисич чойшаб устида ётган ингичка жун белбоғни (Сергейнинг белбоғини) бир учидан ушлаб, хотинининг кўзи олдига олиб борди. Катерина Львовна ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қилди:

— Боғда ётган экан, — деди у, — олиб юбкамага белбоғ қилгандим.

— Ҳа-а, — деди Зиновий Борисич ўз сўзларига алоҳида урғу бериб, — юбканг масаласида эшитдик биз ҳам.

— Нимани эшитдинг?

— Нимани бўларди, қилиб юрган савобли ишларингизни-да.

— Мен ҳеч қанақа иш қилганим йўқ.

— Биз буни ҳали текшириб, суриштириб кўрамиз, — деди Зиновий Борисич хотини олдига чойдан бўшаган финжонни суриб қўяркан.

Катерина Львовна индамади.

— Биз, Катерина Львовна, сизнинг ҳамма қилган ишларингизни аниқлаймиз, — деди яна Зиновий Борисич узоқ чўзилган сукутдан кейин хотинига қошини чимириб қараркан.

— Сизнинг Катерина Львовнангиз кўрқоқлардан эмас. Бунақа пўписангиз билан кўрқитолмайсиз мени, — деди хотин.

— Нима? Нима? — деб ўшқирди Зиновий Борисич.

— Ҳеч нима — эшитганинг, — жавоб қилди Катерина Львовна.

— Эҳтиёт бўл, эй хотин! Мен йўғимда тилинг бийрон бўлиб қолиб-дими?

— Нега энди тилим бийрон бўлмасин? — деди Катерина Львовна.

— Ундан кўра ўзингни ўйласанг бўларди.

— Нима қилибманки ўзимни ўйлайман? Одамлар тилим бор деб нималарни гийбат қилишмайди; нима мен ҳаммасига чидашим керакми тишимни тишимга қўйиб? Анойи йўқ!

— Гийбат эмас бу, сенинг ким биландир дон олишиб юрганинг ҳам бизга маълум.

— Ким билан қанақа дон олишиб юрган эканман?

— Биладан қанақа дон олишиб юрганингни.

— Билсанг, айт аниқроқ қилиб!

Зиновий Борисич индамади ва яна бўшаган финжонни хотини томон суриб қўйди.

— Нима дейишингни ўзинг ҳам билмайсан, — деди Катерина Львовна эридан ҳазар қилиб ва чой қошиқни унинг финжонига жаҳл билан ташларкан. — Қани, гапир, ким ҳақида чақимчилик қилишди сенга? Ким экан ўша менинг жазманим?

— Биласан ҳали, кўпам шошилма.

— Нима, сенга Сергей тўғрисида бирон нима деб гийбат қилиш-дими?

— Билиб оламиз ҳали, билиб оламиз, Катерина Львовна. Ҳали ҳеч ким бизнинг сенга бўлган ҳуқуқимизни бекор қилмаган, бекор қила олмайди ҳам... Ҳаммасини ўзинг айтиб берасан ҳали...

— Э... Э!.. Сабр косам тўлиб тошди, — дея чинқирди Катерина Львовна тишларини гижирлатиб ва ранги докадай оқариб кетиб, эшикдан ўқдай отилиб чиқди.

Бир неча сониядан кейин у Сергейнинг қўлидан ушлаб хонага кириб келди-да, деди:

— Мана у. Майли, сўроқ қил уни ҳам, мени ҳам, ўз билганингча. Балки, яна бошқа билмаган нарсаларингни билиб оларсан. Хўш, яна нимани билмоқчисан?

Зиновий Борисич ҳатто каловлаб қолди. У гоҳ эшик олдида турган Сергейга, гоҳ, қўлларини кўксига чалиштириб тўшак четида беҳузур ўтирган хотинига қараркан, нималар бўлаётганини тушунолмай гаранг эди.

— Ҳей, нима қилипсан ўзи, илон? — деёлди у зўрға ўтирган еридан кўзгалолмай.

— Бўл, сўрайвер ўша яхши билган нарсаларингни, — деди Катерина Львовна густохлик билан. — Балки ҳали мени калтаклаб кўрқитмоқчидирсан ҳам, — деб гапида давом этди у, ҳеч нимадан тап тортмай, — ҳеч қачон бундай бўлмайди; энди менга келсак, сенинг бунга ваъдаларингни илгариям эшитганман... Мен энди сени нима қилишим кераклигини яхши биладан, айтганимни қиламан ҳам.

— Бу нима қилиқ? Йўқол! — деб бақирди Зиновий Борисич Сергейга.

— Нима қилиқ! — деди Катерина Львовна эрининг жигига тегиб.

У чаққонлик билан эшикни қулфлаб, калитни чўнтагига солди, сўнг яна тунги қўйлагида тўшакка ёнбошлаб ётиб олди.

— Қани, Серёжечка, бери кел, келавер, жонгинам, — деб у гу-машта йигитни ўз ёнига имлаб чақирди.

Сергей жингалак сочларини силкитиб, заррача ҳам тортинмай беканинг ёнига келиб ўтирди.

— Ё тавба! Э Худо! Бу нима, деган гап? Нима қиялпсанлар, махлуқлар?! — деб ўкириб юборди чўгдек қизариб кетган Зиновий Борисич ўрнидан тураркан.

— Ҳа, нима? Ёқмадими сенга? Мана, кўр, томоша қил, шунқорим эрим, қандай маза!

Катерина Львовна кулиб юборди ва эрининг кўзи олдида Сергейни жўшқин ҳирс билан ўпа кетди.

Шу пайт беканинг юзига шарақлаб тарсаки тушди ва Зиновий Борисич очиқ турган дераза томон отилди.

### САККИЗИНЧИ БОБ

— А... а, шунақаи ҳали!.. О, раҳмат, жоним эрим. Мен сендан шуни кутган эдим! — дея чинқирди Катерина Львовна. — Мана, энди кўрасан... Менинг айтганим бўлади, сеникимас...

У бир силтаниб, Сергейни ўзидан итариб юборди-да, эрига қуюндай ташланди. Зиновий Борисич дераза олдига етиб боришга улгурмай, хотин унинг орқасидан бориб, ўзининг ингичка бармоқлари билан унинг томоғидан худди намиққан каноп боғини сиқиб боғлаётгандай, хиппа бўғди ва ерга отиб йиқитди.

Энсаси билан ерга қаттиқ урилган Зиновий Борисичнинг эси оғиб қолди. Можаро ечими бунчалик тез юз беришини ҳеч кутмаган эди у. Хотини томонидан қилинган бу биринчи ҳужум Катерина Львовнанинг эридан қутулиш учун ҳозир ҳеч нимадан тап тортмаслигидан ва айна пайтда, ўзининг ҳам ушбу дамдаги аҳволи ниҳоятда хатарли эканлигидан далолат берарди. Зиновий Борисич буларнинг ҳаммасини ерга йиқилиб тушган лаҳзадаёқ идрок қилди-ю лекин, барибир, бақиргани билан овозини ҳеч ким эшитмаслигини, қайтага, жиноий ишни жадаллаштириши мумкинлигини тушуниб дод солмади. У чурқ этмай ётганча, атрофга олазарак бўлиб қаради ва ахири хотинининг кўзига тикилди — у нозик бармоқлари билан эрининг томоғидан бўғаётган эди.

Зиновий Борисич ўзини ҳимоя қилишга уринмади ҳам; унинг мушт бўлиб маҳкам тугилган қўллари икки ёнида ётар, ўзи даг-даг қалтирарди. Унинг бир қўлини Катерина Львовна тиззаси билан ерга босиб турган бўлса ҳам, иккинчи қўли озод эди.

— Босиб тур буни, — деди аёл Сергейга лоқайд оҳангда пичирлаб ва ўзи эри томон ўтирилди.

Сергей хўжайинининг устига миниб ўтириб, унинг иккала қўлини тиззалари билан босди ва Катерина Львовнага қўшилиб, у ҳам Зиновий Борисични бўғмоқчи бўлди, лекин шу чоқ бирдан Зиновий Борисич жон аччиғида чинқириб юборди. Устига миниб олган рақибини кўрган Зиновийнинг қалбида қонли интиқом ўти аланга олганди: у ўзининг энг охирги кучларини жамлаб, Сергейнинг тиззаси тағидаги қўлларини жон-жаҳд билан тортиб олди ва унинг қора сочларига чанг солиб, бўйнидан худди ваҳший ҳайвондек гарчча тишлади. Лекин бу интиқом узоқ давом этмади: Зиновий Борисич шу заҳоти оғир инграб, боши шилқ этиб осилиб тушди. Ранги докадек оқариб кетган Катерина Львовна эри билан ўйнаши тепасида зилдай оғир куйма шамдоннинг уч томонидан ушлаб, ҳайкалдай қотиб турарди. Энди Зиновий Борисичнинг чаккаси ва ёноғидан қон ингичка из қолдириб оқа бошлаган эди.

— П-попни ч-чақир, — деб ингради Зиновий Борисич устида ўтирган Сергейдан жиркангандай бош силкиб узоқлашишга уринаркан.

— Ис-истиффор қиламан, — деди у ғўлдираб ва сочлари остида лахта бўлиб қуйила бошлаган илиқ қонга кўз қирини ташлади.

— Шундоқ ҳам тўнғиз қўпаверасан, — пичирлади Катерина Львовна, сўнг: — Бас, етар, кўп чўзма, — деди у Сергейга, — маҳкамроқ бўғ томоғидан!

Зиновий Борисич хириллай бошлади.

Катерина Львовна энгашиб, эрининг томоғини бўғаётган Сергейнинг қўллари устидан ўз қўлини босди, кейин Зиновий Борисичнинг кўкрагига қулоқ тутиб бирпас ётди. Беш дақиқали сукутдан сўнг ўрнидан туриб деди: “Бўлди, етар, куни битди”.

Сергей ҳам ҳансираганча ўрнидан турди. Томоғи бўғилиб, чаккаси ёрилган Зиновий Борисич ўлиб ётарди. Унинг боши тагида чап томонда мўъжазгина қон доғи бўлиб, энди у папила сочлар орасида ивиб, лахталаниб, оқмай қўйган эди.

Сергей Зиновий Борисичнинг жасадини ертўладаги гиштин омборчага (бундан бир неча кун бурун марҳум Борис Тимофеич уни, яъни Сергейни шу ерга қамаган эди) олиб тушиб, яна болохонага қайтиб чиқди. Бу пайт Катерина Львовна тунги қўйлагининг енгини шимариб, этагини липпасига қистириб, Зиновий Борисичдан қолган ердаги қон доғларини мочалка ва совун билан аzza-базза ишқалаб юваётган эди. Зиновий Борисич заҳарли чой ичган самоварнинг суви ҳали совимаган эди; ҳамма доғлар осонгина ювиб, йўқ қилинди.

Катерина Львовна идиш-товоқ ювиладиган мис тоғорача билан совунланган мочалкани қўлига олди.

— Қани, шам тутиб тур, — деди у Сергейга ўзи эшик томон юраркан, сўнг Сергей Зиновий Борисични кўтариб ҳамма ерни диққат билан кўздан кечираркан: — Пастроқ, пастроқ ушла, — деб буюрди.

Бўялган полнинг фақат иккита ерида олча донасидай кичкина иккита қон доғи учради. Катерина Львовна уларни мочалка билан ишқалаб йўқ қилди.

— Ўз хотинининг орқасидан айғоқчилик қилишнинг, унинг олдида худди ўғридай пусиб киришнинг жазоси шу бўлади — деди Катерина Львовна қадини тиклаб ва ертўладаги омборча томонга қараб қўйиб.

— Бўлди, тамом, — деди Сергей ва ўз овозидан ўзи сесканиб кетди.

Улар болохонага қайтишганида, кунчиқар томондан балқиган шафақнинг нафис қизғиш шуъласи оппоқ гулга бурканган олма дарахтини заррин нур билан бежаб, боғ атрофидаги яшил панжара орасидан Катерина Львовнанинг хобхонасига мўралай бошлаган эди.

Елкасига калта пўстин ташлаган кекса гумашта пичанхонадан чиқиб, ҳовлидан ошхона томонга ўтиб бораркан, ҳам чўқинар, ҳам ҳомуза торгарди.

Катерина Львовна деразанинг ёпиқ эшигини ипидан тортиб очди ва Сергейга, гўё унинг қалбини ҳис этмоқчи бўлгандай, тикилиб қаради.

— Мана, энди сен савдогарсан, — деди у оппоқ билакларини Сергейнинг елкасига қўйиб.

Сергей ҳеч нима демади.

Унинг лаблари пир-пир учар, бутун вужуди худди безгаги қўзигандай дағ-дағ қалтирарди. Катерина Львовнанинг эса фақат лаблари совуқ эди.

Икки кундан кейин Сергейнинг қўлларида мисранг ҳамда белкурак дастасидан қавариқ ва қадоқлар пайдо бўлди; шу билан бирга,



Зиновий Борисич ҳам ўзининг хандоқли омборчасига шундай пухта жойлаштрилган эдики, энди уни бева қолган хотини ёки хотинининг ўйнашисиз ҳеч ким то маҳшар кунигача топа олмайди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Сергей бўйинини қизил рўмол билан ўраб юрар ва доим, томоғимга қандайдир яра чиққанга ўхшайди, деб зорланарди. Бу орада, Сергейнинг бўйнидаги Зиновий Борисичнинг тишларидан қолган тамға ҳали битиб кетмасидан, одамлар Катерина Львовнанинг эрини эслаб хавотирлана бошладилар. Ҳаммадан кўпроқ Сергейнинг ўзи уни тез-тез тилга ола бошлади. У кечқурунлари дарвоза олдидаги узун ўриндиқда йигитлар билан гурунглашиб ўтираркан: “Ҳайронман, йигитлар, хўжайинимиздан ҳалигача дом-дарак йўқ, нима бўлдийки-а унга?” — деб ўзи гап очарди.

Йигитлар ҳам ҳайрон эдилар.

Ана шунда тегирмондан, хўжайиннинг от-арава ёллаб аллақачон шаҳардаги ҳовлисига жўнаб кетгани ҳақида хабар келди. Уни шаҳарга олиб келган аравақаш, Зиновий Борисичнинг гўё нохуш кайфиятда бўлганини ва унга жуда галати тарзда жавоб бериб юборганини, яъни: шаҳарга етмасдан уч чақирим наридаги монастир тагида аравадан тушиб, қўлига пул солинган халтани олиб, пиёда юриб кетганини айтибди. Бу хабарни эшитиб, ҳамма яна ҳам кўпроқ таажжубга тушди.

Зиновий Борисич дом-дараксиз йўқолган эди, вассалом.

Ана шунда қидирувлар бошланди, лекин ҳеч нима аниқланмади: савдогарзода худди сувга чўккандай ғойиб бўлганди.

Ҳибарта олинган аравақаш берган гувоҳликдан, савдогарнинг фақат монастир яқинда, дарё бўйида аравадан тушиб пиёда юриб кетганигина маълум бўлди. Хуллас, ҳеч нима ойдинлашмади. Катерина Львовна эса бу пайт бева хотин мақомида Сергей билан эркин-эмин вақтихушлик қиларди. Бу ҳам етмагандай, Зиновий Борисич фалон жойдамиш, писмадон жойга жўнаб кетибди, деган тахминларни овоза қила бошлагандилар. Ва лекин Зиновий Борисич ҳамон уйига қайтмасди, ҳолбуки, унинг ҳеч қачон уйига қайта олмаслигини Катерина Львовна жуда яхши биларди.

Орадан бир ой, икки ой, уч ой ўтди, ана шунда Катерина Львовна ўзининг ҳомиладор эканини ҳис эта бошлади.

— Энди, Серёжечка, ҳамма сармоялар бизники бўлади: менинг меросхўрим бор энди, — деди у Сергейга ва дума маҳкамасига бориб, мана шунақа-шунақа гаплар, мен иккиқатман, хўжалик ишлари ўлда-жўлда, уни бошқаришимга рухсат беринглар, деб арз қилди.

Тижорат ишлари таназзулга юз тутса яхшимас-ку, ахир. Катерина Львовна эрининг жуфти ҳалоли; ҳеч кимдан қарзлари ҳам йўқ кўринадди, бинобарин, бева хотинга хўжалик ишларини бошқариши учун рухсат берилса ҳам бўлади. Шу қарорга келиб, рухсат беришди.

Катерина Львовна бутун мулкка ҳукмронлик қилиб яшай бошлади; Сергейни эса, энди маликанинг амри билан Сергей Филипич деб атай бошладилар; шу кунларда, худди томдан тараша тушгандай, яна бир нохушлик содир бўлди. Ливендан шаҳар ҳокимига келган мактубда Борис Тимофеичнинг тижорат ишларда фақат ўзининг сармоясигина эмас, балки унинг кичик ёшдаги жияни Фёдор Захар ўғли Ляминнинг ҳам пули муомалада бўлганлиги, боз устига, Ляминнинг пули Борис Тимофеичникидан ҳам зиёдроқ эканлиги ҳақида, шунга кўра, бу нарсани пухта текшириб чиқиш ҳамда бутун сармояни ёлғиз Катерина Львовнанинг қўлига топшириб қўймаслик ло-

зимлиги масаласи ёзилган эди. Бу хабарни, турган гапки, шаҳар ҳокими Катерина Львовнага маълум қилди; кейин, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай, ҳеч қутилмаганда Ливендан бир кампир кичик бир ўғил болани етаклаб кириб келди.

— Мен, — деди кампир, — раҳматли Борис Тимофеичнинг хола-ваччаси бўламан, бу бола — менинг жияним Фёдор Лямин.

Катерина Львовна уларни кутиб олди.

Келганларнинг Катерина Львовна томонидан қандай қарши олиниб, қандай қабул қилинаётганини ҳовлида туриб кузатаётган Сергейнинг ранги қув ўчиб кетди.

— Ҳа, нима бўлди сенга? — сўради бека мурдадек оқариб кетган Сергейдан; у келганлар орқасидан кириб остонада тўхтаб қолган эди.

— Ҳеч нима, — деб жавоб қилди гумашта орқасига ўгирилиб даҳлизга чиқаркан.

— Хўш, энди нима қиламиз? — деб сўради Сергей Филипич Катерина Львовнадан тунда самовар атрофида ўтиришганда. — Бундан чиқди, Катерина Львовна, энди бутун умидларимиз пучга чиқаркан-да, а?

— Нега энди пучга чиқаркан, Серёжа?

— Негаки, энди ҳамма нарса тақсимланади. Кейин, бу қуппа-қуруқ ерда нимага ҳам бекалик қиласиз?

— Нима, бизга қолгани камлик қиладими, сенингча?

— Йўқ, гап менда эмас; мен фақат, энди бахтли кунларимиздан жудо бўлиб қоламизми, деб кўрқяпман, холос.

— Қанақасига? Нега энди биз бахтли бўлолмас эканмиз, Серёжа?

— Негаки, Катерина Львовна, мен сизни соф муҳаббат билан севаман, шунга кўра, сизни шу чоққача бўлган қиёфада эмас, аслзода хоним-афанди сифатида кўришни хоҳлайман, — деб жавоб қилди Сергей Филипич. — Энди бўлса, ҳамма нарса чаппасига кетиб, ҳали сармойангиз камайгандан кейин аввалги аҳволингиздан ҳам ғариброқ бўлиб қолишингиз мени куйдиради.

— Эҳ, Серёжечка, нима қиламан мен шунча бойликни?

— Тўғри, Катерина Львовна, балки сизга қизиги йўқдир ўша бойликнинг, илло менинг сизга бўлган ҳурматим ҳаққи, шуни эътироф этишим жоизки, ичқора, малъун одамларнинг сизга қандай кўз билан қарашларини ўйласам, юрак-бағрим қон бўлиб кетади. Сизнику, билмайман, аммо мен бундай аҳволда ҳеч ҳам бахтли бўлолмасам керак, деб ўйлайман.

Сергей шундай гапларни қайта-қайта Катерина Львовнанинг қулогига қуявериб, нуқул анави гўдак Федя Ляминнинг касофатидан энг бахтсиз одамга айланаётганини, оқибатда барча тижорат аҳли олдида Катерина Львовнани улуғлаш ва қадрлаш имконидан маҳрум бўлиши мумкинлигини пеш қилаверди. Сергей ҳар сафар бу масала юзасидан гап очганида, агар шу Федя бўлмаганида, Катерина Львовнанинг эри ғойиб бўлганидан кейин тўққиз ой ўтганида бола туғиб бутун бойликка эга бўлиши, ана унда бахтли турмушларининг чеки-чегараси бўлмаслиги ҳақида луқма ташлаб ўтарди.

## ЎНИНЧИ БОБ

Кейин Сергей нимагадир ворис ҳақида бутунлай гап очмай қўйди. Сергейнинг бу ҳақда гапирмай қўйганини кўрган Катерина Львовнанинг фикри-зикри ва қалбига энди Федя Лямин маҳкам жойлашиб олганди. Мана, у хаёлот оғушида бўлганидан, Сергейга ҳам совуқ

муомала қила бошлади. У уйқусида ҳам, хўжалик ишлари билан машгул бўлганида ҳам, ё Худога ибодат қилаётганида ҳам ҳамиша мияси бир фикр билан банд бўларди: “Бу нима деган гап? Нега энди мен шу зумраша деб сармоймдан жудо бўлишим керак? Ахир қанча азоб чекдим, не-не гуноҳ ишларга қўл урмадим, — деб ўйларди Катерина Львовна, — у бўлса, қўлини совуқ сувга ҳам урмай, менинг бойлигимни тортиб олмоқчи... Дурустгина одам бўлсаям майлийди, қаёқдаги бир тирмизак бола...”

Ҳавода илк совуқлар бошланди. Зиновий Борисич ҳақида, турган гапки, ҳануз ҳеч ердан ҳеч қандай дарак келмасди? Катерина Львовна кун сайин тўлишиб борар ва доим хаёл огушида юрарди; шаҳарда унинг тўғрисида ҳар турли миш-мишлар, шов-шувлар тарқалиб, одамлар: “Измайловнинг шу тобгача ҳамиша озгин ва сўлгин бўлган бепушт келини қандай қилиб ва нимадан бирданига қорнини қаппайтириб олдийкин?” — деб суриштира бошлашди. Бу аснода ҳамворис ўсмир бола Федя Лямин олмахон мўйнасидан тикилган пўстинчада ҳовлида ўйнаб юриб, қатқалоқлар устидаги юпқа музларни синдирарди.

— Қўй, Фёдор Игнатъич! Қўй, бойвачча! — деб қичқирарди ҳовлидан югуриб ўтаётган ошпаз Аксинья. — Сен савдогарзодасан, қўлмакларни қовлашинг одобданми?

Ҳамворис Федя бўлса, Катерина Львовнани ҳомиласи билан хи-жолатга қўйиб, кимнингдир йўлига гов бўлаётгани ёки кимнингдир бахтини кемтик қилаётгани ҳақида ҳеч ҳам ўйламай, шўх улоқчадай дик-дик сакраб ўйнар ва уни парвариш қилиб ўстирган бувисига зид ўлароқ, беғам, беташвиш ҳаловатда ухлаб қоларди.

Бир куни Федяга сувчечак тошди, бу ҳам етмагандай, шамоллаб қолиб, кўкраги санча бошлади ва ётиб қолди. Аввалига уни гиёҳ ўтлар билан даволашди, кейин табибга одам юборишди.

Табиб бу хонадонга танда қўя бошлади, болага турфа хил дорилар ёзиб берди, унга гоҳ бувиси, гоҳ бувисининг илтимоси билан Катерина Львовна соат-басоат дори ичириб туришди.

— Ёрдамингни аяма, Катеринушка, — деди ёш бека ўзига ўзи, — сен онасан, ўзингнинг ҳам ҳомиланг бор, ўзинг ҳам қилмиш гуноҳларинг учун Худонинг газабига учрашингни кутиб юрибсан; яхшилик қил.

Катерина Львовна кампирнинг илтимосини ҳеч қайтармади. У “хасталик тўшагида ётган ўсмир Феодор” учун ибодат қилгани кечки ибодатга кетганида ҳам неварасига просфора<sup>1</sup> бўлагини олиб келгани эрталабки ибодатга борганида ҳам Катерина Львовна бемор бола ёнида ўтириб, унга сув ичирар, вақтида дорисини берарди.

Бир куни кампир Ташриф байрами<sup>2</sup> арафасида ўтказиладиган кечки ва ва тунги ибодатга кетаркан, Катеринушкадан Федюшкага қараб туришни илтимос қилди. Бола бу пайт сал тузала бошлаган эди.

Катерина Львовна Федянинг олдига кирди, бола олмахон мўйнали пўстинчасини кийиб, тўшагида патерик китобини ўқиб ўтирарди.

— Нима ўқияпсан, Федя? — сўради Катерина Львовна креслога ўтириб.

— Авлиёлар ҳаётини, холажон.

— Қизиқми?

— Жудаям қизиқ, холажон.

<sup>1</sup> П р о с ф о р а — православ масҳабидаги диндорлар ибодат чоғида истеъмол қиладиган оқ бугдой унидан пиширилган кичкинагина думалоқ қулча.

<sup>2</sup> Т а ш р и ф (введение) б а й р а м и — Биби Марямнинг ибодатгоҳга киришини (21 ноябр) хотирлаб ўтказиладиган черков байрами.

Катерина Львовна иягини кафтига тираганча, китоб ўқиётган Федянинг қимирлаб турган лабларига тикиларкан, шу чоғ бирдан: “Бу бола ҳали менга кўп ташвишлар келтиради, агар гумдон бўлса, қандай яхши бўларди”, деган унинг илгариги ўй-хаёллари яна худди тузоқдан бўшатишган иблислардек ёпирилиб келиб миясини қамраб олди.

“Ҳа-да, нима қипти, — деб ўйларди Катерина Львовна, — бола касал, унга дори бериб ётишипти... касал бўлгандан кейин, ҳар нарса бўлиши мумкин... Табиб дори тайинлашда янглишган, деган баҳона кифоя”.

— Дори ичадиган пайтинг бўлдими, Федя?

— Берақолинг, холажон, — деди бола ва қошиқдаги дорини ичиб юбориб, кўшиб қўйди. — Жудаям қизиқ китоб экан, холажон, бунда авлиёлар ҳақида ёзилган.

— Майли, ўқийвер, — деди Катерина Львовна ва бутун хонага кўз югуртириб чиқиб, деразанинг жимжимадор муз қоплаган ойналарига тикилиб қолди.

— Бориб айтай, дераза қопқаларини ёпишсин, — деди у ва меҳмонхонага, у ердан залга, ундан кейин ўзининг болохонасига чиқиб ўтирди.

Беш дақиқалардан кейин бу ерга қўй терисидан калта пўстин кийган Сергей чиқиб келди; у сукутда эди.

— Дераза қопқаларини ёпишдими? — сўради ундан Катерина Львовна.

— Ёпишди, — деди Сергей шам сўхтасини қайчилаб оларкан; сўнг печка олдига бориб турди.

Хонага жимлик чўкди.

— Бугун тунги ибодат ҳали-бери тугамаса керак? — сўради Катерина Львовна.

— Эртага катта байрам, ибодат анча чўзилади, — жавоб қилди Сергей.

Яна жимлик.

— Федянинг олдига борақолай. У ёлғиз ўтирибди, — деди Катерина Львовна ўрнидан тураркан.

— Ёлғиз, де? — сўради Сергей қовоқ остидан унга тикилиб қараркан.

— Ёлғиз ўзи, — жавоб қилди Катерина Львовна пичирлаб, — нимаиди?

Икковининг кўзидан кўзига қандайдир чақмоқдек шиддатли чизги тортилгандай бўлди; лекин улар бир-бирларига биронта ҳам сўз айтмадилар.

Катерина Львовна пастга тушди, хоналардан ўтди; ҳамма ер осуда эди; шамчиروқлар жимгина ёниб турар, беканинг сояси деворлар бўйлаб лип-лип ўтарди; эшиклари ёпилган деразалардаги муз эриб йиғлай бошлаганди. Федя китоб ўқиб ўтирарди.

— Холажон, — деди у Катерина Львовнани кўриб, — бу китобни олиб қўйинг-да, хув анави икона қутиси устида ётган китобни олиб беринг.

Катерина Львовна жияни илтимосини бажариб, китобни олиб берди.

— Энди ухласанг бўларди, Федя!

— Йўқ, холажон, бувим келишини кутаман.

— Кутиб нима қиласан?

— Бувим менга тунги ибодатдан табаррук кулча олиб келадилар — сўз берганлар.

Катерина Львовна бирдан докадек оқариб кетди, унинг ўз ҳомиласи — ўз боласи бугун биринчи марта юраги остида қимирлаб те-

пинганди, шунда унинг кўксини муз қоплагандай бўлди. У хона ўрта-сида бирпас қимир этмай туриб қолди, кейин музлаб қолган қўллари ишқилаганча хонадан чиқди.

— Хўш? — деди у болохонага аста-аста юриб чиқиб, Сергейни ҳануз печка олдида турганини кўраркан.

— Нима? — деди Сергей эшитилар-эшитилмас ва кўрқиб кетди.

— У бир ўзи.

Сергей қошларини чимириб, оғир ҳансираб нафас ола бошлади.

— Кетдик, — деди Катерина Львовна шахт эшик томон бурилиб.

Сергей апил-тапил этигини ечди ва сўради:

— Нима олай?

— Ҳеч нима, — деди Катерина Львовна ва Сергейни қўлидан ушлаб пастга етаклаб тушиб кетди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

Катерина Львовна учинчи марта келганида, касал бола сесканиб кетиб, китобини тиззасига қўйди.

— Нима қилди, Федя?

— Негадир кўрқиб кетдим, холажон, — деди бола хавотирли жил-ва билан ва тўшак четига сурилиб ўтирди.

— Нимадан кўрқиб кетдинг?

— Сиз билан яна кимдир келаётгандай бўлди, холажон.

— Вой, қачон? Ҳеч ким келгани йўқ мен билан, ўргилай.

— Ҳеч ким, денг?

Бола каравотнинг оёқ томонига энгашиб, холаси кириб келган эшикка қаради-да, сал кўнгли таскин топди.

— Менга шундай туюлди, шекилли, — деди у.

Катерина Львовна жияни каравотининг бош томонидаги тўсиққа суянди.

Федя холаси юзига қараб туриб, негадир рангингиз оқариб кетди, деди.

Катерина Львовна бунга жавобан бесабаб йўталиб қўйди ва меҳмонхонага очиладиган эшикка умид билан қаради. У ёқдан пол тахтасининг оҳиста қисирлагани эшитилди фақат.

— Мен, холажон, ўз фариштам Феодор Стратилат ҳақида ўқиётувдим. — Ана, у Худога жудаям содиқ бўлган экан.

Катерина Львовна чурқ этмай тураверди.

— Агар хоҳласангиз, холажон, ўтиринг, сизгаям ўқиб бераман, — деди жиян навозиш билан.

— Шошмай тур, мен ҳозир келаман, залдаги шамчироқ сўхтасини оламану қайтаман, — деди Катерина Львовна ва шошганча чиқиб кетди.

Меҳмонхонада аллакимлар жуда оҳиста пичирлашарди; шундай бўлса ҳам, бу пичир-пичир сукутга чўмган уйда боланинг динг қулогига эшитилди.

— Холажон! Нима бўляпти ўзи? Ким билан пичирлашяпсиз у ёқда? — деб йиғи аралаш чинқириб юборди бола. — Бу ёққа келинг, холажон, мен кўрқиб кетяпман, — деди у йиғлаб, шунда Катерина Львовнанинг меҳмонхона томондан “хўш” дегани эшитилди; бола бу сўзни ўзига қаратилган деб ўйлади.

— Нимадан кўрқасан? — деб сўради хонага дадил ва шахдам-шахдам юриб кирган Катерина Львовна сал хириллаган овозда, сўнг у каравот олдида туриб, ўз гавдаси билан меҳмонхонага очиладиган эшикни тўсди. — Ёт!

— Ётгим келмаяпти, холажон.

— Йўқ, Федя, гапимга қулоқ сол, ёт, ухлайдиган пайтинг бўлди, ёта қол — деб яна такрорлади Катерина Львовна.

— Нега унақа қилипсиз, холажон? Сираям ётгим келмаяпти.

— Йўқ, сен ёт, ёта қол, — деди Катерина Львовна яна ҳам ўзгарган ва бўшашган овозда, сўнг болани икки қўлтиғидан олиб, тўшагига ётқизди.

Ана шунда Федя жуда ҳам ҳаяжонланиб кетиб, додлаб юборди: унинг кўзи хонага ранги бўзариб ялангоёқ кириб келаётган Сергейга тушган эди.

Катерина Львовна боланинг даҳшатдан ланг очилган оғзини кафти билан тўсиб туриб бақирди:

— Қани, бўл тез! Маҳкам босиб тур, қимирламасин!

Сергей Федянинг оёқ ва қўлларидан ушлади, Катерина Львовна каттакон пар ёстиқни олиб, шўрлик хаста боланинг юзига шартта босиб, устига бақувват, диркиллаган сийналари билан ётиб олди.

Хонада тўрт дақиқача қабристон сукунати давом этди.

— Бўлди, жони узилди, — деб пичирлади Катерина Львовна ва ҳаммаёқни тартибга келтириш учун эндигина оёққа турган эди, не не жиноятларнинг шоҳиди бўлган бу сокин хонадоннинг деворлари гурсиллаб урилган муштлар, зарбалардан қаттиқ ларзага келди: дераза ойналари зириллади, пол тахталари тебрана, осма шамчиروқларнинг занжирлари зорланиб жингиллай бошлади, ғайритаъриф соялар деворлар бўйлаб зир-зир югурди.

Сергей қўрқанидан қалтираб кетди ва оёғини қўлига олганча чопиб чиқиб кетди. Катерина Львовна унинг орқасидан югурди, шовқин-сурон, бақир-чақирлар эса улар орқасидан таъқиб қилиб борарди. Бамисоли қандайдир ғайризаминий кучлар гуноҳ ботқоғига ботган бу уйни таг-туги билан қўпориб ташлашга уринаётгандай эди.

Катерина Львовна қўрқиб кетган Сергейнинг ҳовлига отилиб чиқиб, ваҳимага тушганини сиздириб қўйишидан хавотирда эди; йўқ, у тўғри болохонага чопиб чиқиб кетган экан.

Зинадан югуриб чиққан Сергей қоронғида пешонасини қия очик турган эшик қиррасига уриб олди ва инграганча пиллапоялардан умбалоқ ошиб туша бошлади; бу даҳшатдан у ўзини йўқотиб кўяёзди.

Сергей оёғи осмондан бўлиб, боши пиллапояларга урилиб, йўл-йўлакай, орқасидан етиб келган Катерина Львовнани ҳам ағдариб пахта думалаб тушаркан, нуқул:

— Зиновий Борисич, Зиновий Борисич! — деб гўлдиарди.

— Қани у? — сўради Катерина Львовна.

— Ана, қўлида темир това билан тепамиздан учиб ўтди. Ана, ана, ана! — деб чинқирди Сергей, — мажақлаяпти, ҳамма нарсани мажақлаяпти.

Энди ҳамма нарса ойдинлашган эди: кўчага тўпланган тумонат одам дераза ойналарини қарс-қурс урар, аллакимлар эшикни очиб кирмоқчи бўларди.

— Сен аҳмоқсан! Тур ўрнингдан, аҳмоқ! — деб ўшқирди Катерина Львовна ва шундай деб туриб, физиллаганча Федянинг олдига тушиб кетди, бориб гўдак мурданинг бошини худди ухлаб ётгандай қилиб ёстиққа қўйди, сўнг одамлар қарсиллатиб ураётган кўча эшикни бақувват қўли билан очди.

Манзара ниҳоятда даҳшатли эди, Катерина Львовна эшик олдида тўпланган оломоннинг боши оша қаради: сон-саноқсиз бегона одамлар ҳовлига баланд девордан ошиб тушар, даҳшатли шовқин-сурондан кўча ларзага келган эди.

Катерина Львовна нима бўлганини билишга ҳам улгурмай, эшик олдини қамал қилган халқ уни тутиб роса эзгилади ва ҳибсга олди.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

Бу барча ваҳималар мана бундай содир бўлганди: ўн иккинчи байрам<sup>1</sup> арафасида бўладиган тунги ибодатга ҳамма черковларда, ҳаттоки Катерина Львовна истиқомат қилаётган унча кичик бўлмаган уездда ҳам тумонат одам йиғиларди. Эртаси куни престол<sup>2</sup> бўладиган черковда-ку, халқнинг кўплигидан тангадай жой анқонинг уруғи эди. Бунақа пайтда, одатда, савдогарваччалардан таркиб топган хонишчилар қўшиқ санъати ҳаваскорлари ичидан етишиб чиққан махсус регент<sup>3</sup> бошқарувида диний қўшиқ куйлайдилар.

Бизнинг халқ художўй, худонинг черковига қаттиқ ихлос қўйган, шу билан бирга, ўзига яраша санъаткор ҳам: черковнинг серҳашам қиёфаси ва у ерда уйғунлик билан жўр бўлиб ижро этиладиган диний мадҳиялар халқимиз учун энг улкан, энг мусаффо ҳузур-ҳаловатдир. Бизда хонишчилар куйлаган черковга шаҳарнинг ярим аҳолиси тўпланади, десак муболага бўлмайди, айниқса, савдогар йигитлар: гумашталар, дастёр болалар, фабрика ва заводларнинг ишчи ёшлари яна хўжайинларнинг ўзлари ҳам хотинлари билан — ҳамма-ҳаммалари битта черковга тиқилиб киришади; уларнинг ҳар бири паперт<sup>4</sup> да туриб бўлса ҳам, дераза тагига тўпланиб бўлса ҳам, саратоннинг жазирама иссиғига ҳам, қаҳратон қишнинг аёзига ҳам қарамай, октава (йўгон) овозли қўшиқчининг хонишини ва тенор овози қўшиқчининг чинқориб авжга чиқишини эшитишга муштоқдилар.

Измайловлар хонадонига тегишли бутхонага муқаддас Биби Марямнинг ибодатгоҳга биринчи ташрифи шарафига престол куни бўлиши керак эди, шунинг учун бу байрам арафасидаги оқшомда, яъни Федя фалокатга учраган пайтда, шаҳарнинг барча ёшлари ана шу бутхонага йиғилган эдилар; улар ибодатдан кейин кўча-қўйни бошларига кўтариб шовқин солиб тарқалишаркан, машҳур тенор қўшиқчининг фазилатлари ҳамда бас овозли хонишчининг тасодифий хатолари ҳақида гурунглашардилар.

Лекин барчани қизиқтираётган мавзу фақат хонишчилар эмас эди: оломон ичида бошқа масалаларга қизиққан одамлар ҳам бор эди.

— Қизиқ-а, йигитлар, Измайловнинг келини ҳақида жуда ғалати миш-мишлар юрибди, — деди машинист йигит (уни бир савдогар ўзининг буғ тегирмонида ишлаш учун Петербургдан ёллаб чақириб олган эди) Измайловлар уйига яқин келганида, — одамларнинг айтишича, — деди у, — ўша келин ўзларининг гумаштаси Серёжка билан дон олишиб юрармиш доим...

— Бунга ҳамма билади, — деди эгнига дағал ип газлама билан сирланган пўстин кийган одам. — Бугун бу бутхонада ҳам кўринмади-ёв.

— Бутхона дейсан-а! Бу ярамас хотин шундай қабиҳ ишлар қилганки, энди у виждонсиз на худодан қўрқади, на одамлар кўзига тик қарашдан.

<sup>1</sup> Ў н и к к и н ч и б а й р а м — христианларда 12 та энг муҳим диний байрамлардан бири.

<sup>2</sup> П р е с т о л — бирон муқаддас авлиё ёки йирик диний ҳодиса шарафига қурилган ибодатгоҳда уларни хотирлаш куни.

<sup>3</sup> Р е г е н т — черковдаги хонишчилар раҳбари.

<sup>4</sup> П а п е р т — черковга кираверишдаги очиқ саҳн.

— Ие, қаранглар, уйларида чироқ ёниб турибди, — деди машинист йигит дераза эшикчаси тирқишидан туриб турган шуълага ишора қилиб.

— Қани, мўралаб кўр-чи, нима қилишаётган экан! — дея пичирлашди бир неча кишилар.

Машинист иккита ўртоғининг елкасига таяниб, энди эшикча тирқишига кўзини қадаган ҳам эди, бирданига бақририб юборди ва бўралаб сўкинди:

— Оғайнилар, азизлар! Ичкарида кимнидир бўғиб ўлдиришяпти!

Машинист шундай деб туриб, дераза эшикчасини жон-жаҳд билан гурсиллатиб ура бошлади. Унга кўшилиб яна ўнгача одам дераза қопқасини муштларди.

Оломон лаҳза сайин кўпайиб борар, оқибатда, биз юқорида айтиб ўтганимиз — Измайловлар уйини қамал қилиш бошланганди.

— Мен кўрдим, ўз кўзим билан кўрдим, — дерди машинист Федянинг ўлдирилганига гувоҳлик бериб, — икковлари тўшакда чалқанча ётган гўдакни бўғишди.

Сергейни шу кунидек маҳкамага олиб кетишди, Катерина Львовнани эса, ўзининг болохонасига қамаб, кўриқлагани иккита соқчи кўйиб қўйишди.

Измайловлар уйида совуқ забтига олган: печлар ёқилмаган, эшиклар доимо очик; томошатаалаб, бекорчи бир оломон ўрнини иккинчи шунақа оломон эгаллаб турарди. Одамлар кичкина тобутда ётган Федяни ва қопқоғи устига каттакон мато ёпилган катта тобутни кўрган келишарди. Федянинг пешонасига оқ атлас тасма ёпилган бўлиб, бу тасма мархумнинг мияси ёриб очилганидан кейин, тажриҳдан қолган қизил чандиқни беркитиб турарди. Суд тиббиёт йўли билан ёрилган бошчаноқ Федянинг бўғиб ўлдирилганини аниқлаб берди; ана шунда майитнинг тепасига олиб келинган Сергей попнинг маҳшар куни бўладиган сўров ҳақидаги ҳамда тавба қилмаган бандаларни қандай жазолар қутаётгани тўғрисидаги ваъзларини эшитгани ҳамано йиғлаб юборди ва на фақат Федяни ўлдирганини қасам ичиб бўйнига олди, шунингдек, жанозасиз кетган Зиновий Борисичнинг жасади қаерга кўмилганини ҳам айтиб, уни ковлаб олишларини илтимос қилди. Қуруқ қумга кўмилган жасад ҳали унча бузилмаган эди; уни хандақдан олиб, катта тобутга ётқиздилар. Сергей бу иккала жиноятда ҳам ёш бека унга шерик бўлганини айтиб, ҳаммани даҳшатга солди. Лекин Катерина Львовна ҳамма берилган саволларга фақат: “Ҳеч нима билмайман, ҳеч нарсадан хабарим йўқ”, — деб жавоб қайтараверди. Ана шунда Сергейни бека билан юзлаштиришди. Катерина Львовна Сергейнинг эътирофини эшитиб, бир сўз ҳам айтмади, ўйнашига ҳайрон бўлиб, лекин беғараз қараб кўйди-да, бепарво кайфиятда деди:

— Ҳамонки, у сирни очиб қўйган экан, менинг ҳам тонишимдан фойда йўқ, мен ўлдирганман.

— Нима сабабдан? — деб сўрашди ундан.

— Анавини деб, — жавоб қилди жувон бошини ҳам қилиб турган Сергейни кўрсатиб.

— Жиноятчиларни бошқа-бошқа авахтага қамашди; бутун жамоатчиликнинг диққатини ўзига тортган ва ҳамманинг газабу нафратини кўзгатган бу даҳшатли иш тезда поёнига етди. Феврал ойининг охирида суд жиноят палатасида Сергейни ҳамда учинчи гилдия савдогарининг беваси Катерина Львовнани, ўз шаҳарларининг бозор майдонида қамчи билан савалаш, сўнг икковини сургунга суриш ҳақида ҳукм чиқарганини эълон қилди. Март ойининг бошида эр-



талабки қаҳратон совуқда жаллод Катерина Львовнанинг яланғоч оппоқ елкасига ҳукмда айтилган миқдорда қамчи уриб, баданида кўкарган ва қонталаш излар қолдирди, кейин Сергейнинг ҳам елкасида санокли қамчи изларини қолдириб, унинг чиройли юзига қиздирилган учта сургун тамғасини босди.

Шу ўтган вақт давомида жамоат аҳли негадир, Катерина Львовнага қараганда, Сергейга кўпроқ ачинди. Афтига қатрон сурилиб, қора қонига беланган Сергей жаллод тахтапулидан тушаётганида тиззаси қалтираб йиқилаёзди, лекин Катерина Львовна пиллапоядан оҳиста одимлаб тушаркан, фақат эгнидаги қалин кўйлак билан дағал маҳбуслик чопонини қамчидан жароҳатланган елкасига теккизмасликка ҳаракат қиларди.

Ҳатто авахта касалхонасида ётганида, унга ўзи туққан боласини эмизгани олиб келишганда ҳам у фақат: “Кўрмай ҳам, куймай ҳам!” — деб юзини тескари бурган ва заррача инграмай, зорланмай, тақир каравотга юзтубан ётиб олганди.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

Таркибида Сергей ва Катерина Львовна бўлган маҳбуслар гуруҳи баҳор фасли фақат календар бўйича кириб келган, аммо куёш, халқ таъбирига кўра, “чарақлаб нур сочса ҳам, ҳали унча иситмайди” ган пайтда сафарга чиқди.

Катерина Львовнанинг боласини боқиб тарбиялаш учун марҳум Борис Тимофеичнинг холаваччаси — кампирга беришди; жиноятчи бева аёл туққан бола ўлдирилган Зиновий Борисичнинг қонуний ўгли деб тан олингани сабабли, энди бу мурғак бола Измайловларга тегишли бутун молу давлатнинг ягона меросхўри бўлиб қолганди. Катерина Львовна бундан жуда хурсанд бўлди ва боласини худди кераксиз матоҳдек, мутлақо бепарво қайфиятда топширди. Унинг боланинг отасига бўлган муҳаббатидан бир зарраси ҳам, кўпчилик жўшқин эҳтиросли аёлларда бўлгани сингари, боласига ўтмади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, бу аёл энди на зиёю зулматни, на ёвузлигу эзгуликни, на дилгирлигу шодликни тан оларди; у ҳеч нимани идрок қилмас, ҳеч кимни севмас, ҳатто ўзини ҳам ёқтирмай қўйган эди. У фақат маҳбуслар гуруҳининг йўлга чиқишини сабрсизлик билан кутарди, зеро, ана шундагина у яна ўзининг Серёжечкаси билан учрашиш иштиёқида эди, боласини эса бутунлай унутиб юборганди.

Катерина Львовнанинг умидлари пучга чиқмади: оёғига зилдай кишан солинган, тамғаланган Сергей қамоқхона дарвозасидан Катерина Львовна билан битта гуруҳда йўлга чиқди.

Инсон ҳар қандай изтиробли манфур ҳолатга ҳам баҳоли қудрат кўникаркан ва ўзининг гарибона қувончлари сари интилиш лаёқатини ҳар қандай вазиятда ҳам имкон қадар сақлаб қолар экан; Катерина Львовна орзу қилган одам энди унинг ёнида: У Сергей билан яна кўриша бошлади, ёнида экан, узоқ сургун йўли ҳам бахт гулларида буркангандир.

Катерина Львовна ўзининг олачипор қопчиғига қимматбаҳо буюмлардан озгина солиб олган эди, нақд пули эса ундан-да кам эди. Лекин у шу бойлиги ва пулларининг кўпини ҳали Нижний Новгородга етиб бормасданоқ Сергей билан ёнма-ён юришга розилик олиш ва этап манзилининг торгина совуқ бурчагида қоронғида бир соатгина Серёжечкаси билан қучоқлашиб туриш учун ундер<sup>1</sup>ларга тарқатиб бўлган эди.

<sup>1</sup> У н д е р (унтер офицер) — кичик зобит.

Лекин Катерина Львовнанинг тамғаланган жазмани энди негадир жуда бемехр бўлиб қолганди: унинг ҳар битта айтган гапи аёлнинг дилига ўқдай санчиларди; шундай бўлса ҳам, у кун сайин пучайиб бораётган ҳамёнидан ўзининг еб-ичиши учун жуда зарур бўлган чорак сўмлик кумуш тангани ундерга бериб, Сергей билан хуфёна учрашишга рухсат оларди, лекин Сергей энди бундай учрашувларнинг қадрига етмас, ҳатто бу ҳақда бир неча марта гапирган эди ҳам:

— Сен эстап йўлагининг бурчак-бурчагида мен билан ишқаланиш ўрнига ундерга қистираётган ўша пулингни менга берсанг бўларди.

— Фақат тангамири (25 тийин) бердим, холос, Серёженка, — деб ўзини оқлай бошларди Катерина Львовна.

— Нима, тангамири пул эмасми? Бунақа тангамириларни йўл-йўлакай анча-мунчасини териб олибсан, шекилли, ҳеч аямай, итга-ям, битгаям қистириб ётибсан.

— Эвазига, Серёжа, мана, сен билан кўришяпман.

— Шунча чеккан азобларимиздан кейин, кўнгилни қувонтирармиди бунақа кўришишлар? Менга қолса, бу учрашувларни четга кўйиб туриб, бошимга тушган азобу уқубатларга лаънатлар ўқиган бўлардим.

— Лекин менга, Серёжа, барибир, фақат сени кўриб турсам бўлгани.

— Тентаклик бу, — жавоб қиларди Сергей.

Катерина Львовна бундай жавобни эшитганида лабларини қонат-гудек қаттиқ тишлаб олар, баъзида эса, тун қоронғисидаги учрашув чоғида шу чоққача йиғи нималигини билмаган унинг кўзларида газаб ва алам ёшлари пайдо бўларди; лекин у барибир чидар, индамас ва ўзини ўзи алдамоқчи бўларди.

Улар бир-бирларига бўлган ана шундай янгича муомала билан Нижний Новгородга етиб бордилар. Бу ерда уларнинг гуруҳи Москва йўли бўйлаб Сибирга бораётган маҳбуслар гуруҳига қўшилди.

Таркибида ҳар хил тоифадаги одамлар бўлган бу каттагина гуруҳнинг маҳбусалар бўлимида анча кўзга яқин иккита аёл бор эди: биттаси — ярославлик солдат хотини Фиона худди мўъжизадек гўзал хилқат бўлиб, у сарвқомат, қалин сочлари зулукдек қора, қалин ва узун мижгонлари тимқора хумор кўзларини худди сеҳрли ҳарир ҳижоб янглиғ тўсиб турарди; иккинчи аёл — ўн етти ёшли чувак юзли, сариқ соч, нозик бадани фараҳбахш, оғзи кичкинагина, нафис ёноқларида кулдиргичлари бўлган бу қизнинг заррин соч толалари олачипор маҳбуслик рўмолчаси остидан диккайиб чиқиб турарди. Уни маҳбуслар Сонетка деб чақиришарди.

Соҳибжамол Фиона мулойим ва танбал табиат аёл эди. Уни ўз гуруҳида ҳамма биларди, лекин у билан қовушишга муваффақ бўлган эркак маҳбусларнинг биронтаси ҳам бу қовушишдан ҳузур қилмаган, шу боис, Фionанинг бошқа хушторларга ҳам шу тарзда саховат кўрсатишидан ҳеч ким ранжимас эди.

— Фиона холамининг кўнгли юмшоқ, ҳеч кимга йўқ демайди, — дейишарди маҳбуслар ҳазил қилишиб.

— Лекин Сонетка мутлақо бошқа тоифадан эди.

Унинг тўғрисида шундай дейишарди:

— Илонбалиқ у, кўлинг олдида жилпанглайди-ю, ҳеч тутқич бермайди.

Сонетка дидли қиз эди, ўзига керак кишини “чертиб-чертиб” танларди; унинг учун шаҳвоний эҳтирос оддий ширин ҳолва эмас, балки изтироб ва фидойиликни талаб қилувчи теран ҳиссиёт эди; аммо Фиона бўлса, олдида келган хушомадгўйга: “Нари тур!” дейишга ҳам эринувчи, ўзининг фақат хотин киши эканлигини билувчи оддий

бир рус аёли эди. Бунақа аёллар қароқчилар тўдаларида, маҳбуслар орасида ва Петербургдаги социал-демократик коммуналарда жуда юксак қадрланади.

Бу икки аёлнинг битта қўшилма гуруҳда пайдо бўлиши Сергей билан Катерина Львовна ҳаётида сўнги фожиавий ҳодиса юз беришига туртки бўлди.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Маҳбусларнинг қўшилма гуруҳи Нижний Новгороддан Қозон шаҳрига биргаликда йўлга чиққан биринчи кундан бошлаб Сергей очиқдан-очиқ солдат хотини Фьонанинг кўнглини овлашга киришди ва бу ҳаракати зое кетмади. Соҳибжамол танноз Фьона юмшоқ кўнгили аёл бўлганидан, ҳеч бир эркаки зорлантормаганидек, Сергейга ҳам таранг қилиб ўтирмади. Учинчи ё тўртинчи манзилда тўхташганида, Катерина Львовна Серёжечка билан учрашиш учун пора бериб, қош қорая бошлаган пайтдан мижжа қоқмай, чақириб келишларини кўтиб ётди; ҳали-замон навбатчи ундер кириб уни туртди ва: “Бор тез”, деб пичирлади. Ана, эшик очилиб қайсиям бир аёл йўлакка лип этиб чиқиб кетди; яна бир марта эшик очилди, яна бир маҳбуса сўридан сакраб тушиб, солдат қузатувида ташқарига отилди; ниҳоят, кимдир Катерина Львовнани ёпиниб ётган ётган чопонидан тортқилади. Ёш жувон маҳбусларнинг биқинлари тегавериб, сийқаланиб кетган сўридан сакраб тушди, елкасига чопонини ташлади ва қаршисида турган қузатувчи солдатни туртди.

Катерина Львовна йўлакдан ўтиб бораётганида шабчироқ билан хира ёритилган битта ерда ўзларини сездирмасликка уринган икки ё уч жуфт ошиқ-маъшукларга тўқнаш келди. Эркак маҳбуслар камераси ёнидан ўтиб бораётганида эса, камера эшигидаги туйнукдан босиқ кулги эшитилди унинг қулоғига.

— Шўхлик қилишяпти баччағарлар, — деб тўнғиллади Катерина Львовнани кузатиб келаётган солдат ва унинг елкасидан ушлаб тўхта-тиб, шу ердаги бурчакка итарди-да, ўзи нари кетди.

Катерина Львовна бу ерда бир чопонни ва соқолли юзни пайпаслаб топди; иккинчи қўли аёл кишининг иссиқ юзига тегди.

— Қим бу? — сўради Сергей пичирлаб.

— Ўзинг нима қилипсан бу ерда? Ёнингдаги ким?

Катерина Львовна қоронғида рақибасининг рўмолини юлқиб олди. Аёл ўзини четга олиб қоча бошлади ва йўлакда аллакимга урилиб кетиб, йиқилди.

Эркаклар камерасида гурр кулги кўтарилди.

— Мараз! — деб пичирлади Катерина Львовна ва Сергейнинг янги жазмани бошидан юлқиб олган рўмол учи билан унинг юзига урди.

Сергей уни ургани қўл кўтарди; лекин Катерина Львовна йўлакдан тез югуриб ўтиб, аёллар камераси эшигини очди. Эркак маҳбуслар камерасидан эшитилган бояги кулги энди авжга минганди; шабчироқ яқинида туриб, ўз оёғи остига туфлаётган, ҳамма нарсага бепарво соқчи:

— Жим! — деб ўшқирди.

Катерина Львовна келиб индамай ўрнига ётди ва шу алпозда тонг оттирди. Унинг тили: “Мен уни севмайман-ку, ахир”, демоқчи бўлса ҳам, дили Сергейни янада қизгинроқ севишини ҳис қиларди. Унинг кўз олдида нуқул бир кафтини анави бузуқнинг энсасига қўйиб, иккинчи қўли билан унинг қайноқ елкасидан қучган Сергей қайта-қайта намоён бўларди.

Шўрлик жувон йиғлаб юборди ва беихтиёр ўша кафтнинг ҳозир ўз энсасида бўлишини, иккинчи қўлнинг эса, ўзининг дағ-дағ қалтираётган елкасидан қучишини хоҳлай бошлади.

— Кел, қўй энди, қайтариб бер менинг рўмолимни, — деб уйғотди уни эрталаб солдат хотини Фиона.

— Ие, сенмидинг ҳали?

— Илтимос, бера қол!

— Нега бизни бир-биримиздан жудо қилипсан?

— Қанақасига жудо қилибман? Нима, бу муҳаббатимидики ё ишқий ҳавасмидики, жаҳлинг чиқса?

Катерина Львовна бир лаҳза ўйланиб қолди, кейин қоронғида юлқиб олгани рўмолни ёстиги тагидан чиқариб, уни Фионага отди ва деворга ўгирилиб ётди.

Унинг кўнгли енгил тортганди.

— Туф, — деди у ўзича, — ҳали мен шу ямоқ тоғорага рашк қилиб юрибманми? Ордона! Фирт бемаънилиқ-ку, ўзимни унга тенг қилишим!

— Энди сен, Катерина Львовна, — деди Сергей эртаси куни йўлда кетатуриб, — гапимни эшит, шуни тушунгинки, бирламчи, мен сенга Зиновий Борисич эмасман, иккиламчи, сен ҳам энди савдогарнинг бойвуччаси эмассан: шунинг учун, илтимос, сал ўпкангни бос. Бозоринг касод бўлган энди.

Катерина Львовна бунга жавобан ҳеч нима демади, шундан кейин у бир ҳафтагача Сергейга қайрилиб ҳам қарамай, бир сўз ҳам айтмай кетаверди. Бу унинг Сергей билан биринчи марта жанжаллашиши эди, шу боис ундан қаттиқ хафа бўлганини кўрсатиш ва ярашгани биринчи бўлиб гап очмаслиқ учун, тишини тишига қўйиб чидади.

Катерина Львовна Сергейдан аччиғланиб юрган шу кунларда Сергей оқбадан Сонеткага хушомад қилиб, унинг кўнглини овлай бошлади. У гоҳ “алангали саломлар”, деб қизга таъзим қилар, гоҳ жилмайиб боқар, гоҳ рўпара келиб қолганида, уни қучиб бағрига босишга уринарди. Катерина Львовна буларнинг барини кўрар, кўриб баттар қони қайнаб кетарди.

“Энди яраша қолсаммикин-а, у билан?” — деб кўнглидан ўтказди Катерина Львовна оёғи остига қарамай, йўлда қоқилиб-суқилиб бораркан.

Лекин ярашгани биринчи бўлиб оғиз очишга унинг ғурури йўл қўймасди. Бу орада Сергей Сонеткага астойдил илакиша бошлаган ва худди илонбалиқдек шундоққина қўлинг олдида жилпанглаб ҳеч тутқич бермовчи Сонетканинг кутилмаганда, “гаҳ” деса қўлга қўнади-ган бўлиб қолганини энди ҳамма кўраётган эди.

— Мендан хафа бўлган эдинг, — деди бир куни Фиона Катерина Львовнага, — ахир, нима ёмонлик қилувдим сенга? Мен билан бўлган иш аллақачон ўтиб кетди, ундан кўра, сен анави Сонеткага кўз-қулоқ бўлсанг яхши эди.

“Э, қуриб кетсин ўша ғурурим: шу бугун кечасиёқ ярашганим бўлсин”, деб Катерина Львовна аҳд қиларкан, фақат бир нарса тўғрисида, яъни ярашиш учун бошқачароқ йўл топиш ҳақида ўйлай бошлади.

Лекин бу мушкул аҳволдан уни Сергейнинг ўзи кутқарди.

— Львовна! — деб чақирди у бир кўниш жойида. — Бугун кечаси бир зумга ёнимга чиққин, гап бор.

Катерина Львовна индамади.

— Нима, ҳалиям хафамисан? Чиқмайсанми?

Катерина Львовна яна ҳеч нима демади.

Лекин гап манзилга етишганида, Катерина Львовнанинг бошлиқ ундерга суйкалиб, йўлда одамлар садақа қилган ўзининг етти тийин пулини унга бераётганини Сергей ва бошқа маҳбуслар кўришган,

— Ҳали яна йиққананда қолган ярим тангани ҳам бераман, — деб ёлборганини эшитишган эди.

Шунда ундер пулни шинелининг қайтарма енгига яшириб:

— Майли, — деганди.

Бу музокара охирида Сергей томоқ қириб қўйди, Сонеткага кўз қисди.

— Оҳ, Катерина Львовна! — деди Сергей уни қучоқлаганча, этап уйининг пиллапоясидан кўтарилар экан. — Бу хонимга тенг келадиган аёл, йигитлар, бутун дунёда топилмайди.

Катерина Львовна бу саодатли ондан чўгдай қизарди, энтикиб-энтикиб нафас олди.

Тунда эшик хиёлгина очилган заҳоти, у камерадан отилиб чиқиб кетди, қоронғи йўлакда даг-даг қалтираб, пайпаслаб Сергейни қидирди.

— О, менинг Катям! — деди Сергей уни қучоқлаб.

— Оҳ, менинг золимим! — деди Катерина Львовна йиғи аралаш ва Сергейнинг пинжига кириб ўпа бошлади.

Соқчи йўлакда у ёқдан-бу ёққа юрар, кейин тўхтаб, оёғи остига тупурар ва яна юра бошларди. Эшик ортидан йўл юриб чарчаган маҳбусларнинг хурраклари эшитилар, қаердадир сичқон ниманидир қитирлатиб кемирар, печь остида қора чигирткалар ким-ўзарга чириллашар, Катерина Львовна эса жаннатий ҳузур оғушида эди.

Лекин мана, ниҳоят, фараҳбахш дамлар тугаб, ташвишли жайда-ри гаплар бошланди.

— Бу азоб ўлдиради мени: тўпиқларимдан тиззамгача суягимнинг сирқираб оғриганига ҳеч чидолмаяпман, — деб зорлана бошлади Сергей Катерина Львовна билан йўлакнинг бир бурчагида ерда ўтираркан.

— Энди нима қилмоқчисан, Серёжечка? — деб сўради Катерина Львовна ўзини унинг чопони этаги билан ўраркан.

— Қайдам, Қозонга борганимизда лазаретга ётқизишларини сўрасаммикин?

— Вой, нималар деяпсан, Серёжа?

— Нима қилай, оғриганига чидолмаяпман.

— Унда, сен қоласан-у, мени ҳайдаб кетишадими?

— Илож қанча? Кишан оёқларимни шунақанги ғажиб ташладики, мен сенга айтсам, бу кетишда эртамас-индин суягимниям кемира бошлайди. Ҳар ҳолда, бир жуфтгина жун пайпоқ топсам ёмон бўлмасди, — деб қўшиб қўйди Сергей бир дақиқадан кейин.

— Пайпоқ? Менда бор, Сергей, янги пайпоқ.

— Э, қўйсанг-чи! — деди Сергей.

Катерина Львовна бир сўз демай, физиллаганча камерасига кириб кетди, у ерда ўзи ётган сўридаги халтасини кавлаб, қўлида бир жуфт яшил рангли гулдор қалин жун пайпоқ билан яна шошганча Сергейнинг олдига қайтиб чиқди.

— Мана, энди чидаса бўлади, — деди Сергей Катерина Львовна билан хайрлаша туриб, уни охирги пайпоғидан маҳрум қиларкан.

Бахти кулган Катерина Львовна ўз ўрнига келиб ётиб, тинчгина ухлаб қолди.

У ўзидан кейин Сонетканинг йўлакка чиққанини ҳам, сўнг фақат тонг отар чоғидагина оёқ учида аста кириб келганини ҳам эшитмади.

Бу воқеа Қозонгача яна икки кунли йўл қолганида юз берган эди.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Камералари ҳавоси оғир ва димиққан этапнинг дарвозасидан чиққан маҳбуслар гуруҳини рутубатли совуқ кун қарши олди: шиддатли шамол увиллар, ёмғир қор аралаш бўралаб ёғарди. Катерина Львовна руҳфзо кайфиятда чиқиб келди, лекин сафга туриши билан бутун вужудида титроқ туриб, ранги бўзариб кетди. Кўз олди қоронгилашди; барча бўғимлари зирқираб ҳолсизланди. Катерина Львовнанинг рўпарасида турган Сонетка унинг гулдор яшил жун пайпоғини кийиб олган эди.

Катерина Львовна йўлга тушаркан, ўзини худди мурдадек ҳис қилди; фақат кўзларигина Сергейга даҳшатли ўқрайганча қотиб қолган эди.

Биринчи манзилда у Сергейнинг олдига хотиржам юриб келиб, “аблаҳ” деб пичирлади ва қутилмаганда унинг юзига тупурди.

Сергей уни урмоқчи бўлиб хезланган эди, маҳбуслар ушлаб қолишди.

— Шошмай тур ҳали! — деди Сергей юзидаги тупукни артаркан.

— Қойил, бўш келмади у сенга, — деб Сергейни мазах қила бошлашди маҳбуслар; айниқса, Сонетка қотиб-қотиб кулди.

— Ошиқ-маъшукликнинг айнан шунақа хили ёқарди бу қизга.

— Кўрасан, додингни бераман ҳали бу қилмишинг учун, — деб дўқ қилди Сергей Катерина Львовнага.

Ёгин-сочин ҳаводан ва йўл азобидан тинкаси қуриган Катерина Львовна навбатдаги этап уйининг сўрасида тунда кўнгли безовта бўлиб ухлаб ётаркан, бу аёллар палатасига иккита одам кириб келганини эшитмади.

Одамлар киришган заҳоти, Сонетка сўридан бош кўтариб, товуш чиқармай, Катерина Львовнани кўли билан кўрсатди ва яна чопонга бурканиб ётиб олди.

Шу лаҳзадаёқ Катерина Львовнанинг бошига чопони ёпилди, фақат бўз кўйлақда қолган унинг елкаси аралаш орқасида қўшалок қилиб ўрилган арқоннинг йўгон учи мардона куч билан дарра бўлиб ўйнай бошлади.

Катерина Львовна чинқириб юборди, лекин овози бошини буркаб олган чопон остидан эшитилмади. У бир силкиниб бош кўтармоқчи бўлди, аммо кўлидан ҳеч иш келмади: барзанги маҳбус унинг елкасига миниб ўтириб, икки кўлини маҳкам босиб турарди.

— Элликта, — деб санади кимдир ва бу, шубҳасиз, Сергейнинг овози эди.

Сўнг бу тунги шарпалар зумда хонадан чиқиб кўздан ғойиб бўлдилар.

Катерина Львовна бошидаги чопонни отиб ташлаб, шахт ўрнидан турди: ҳеч ким кўринмади; фақат сал нарироқдан кимнингдир чопон остидан ҳасадли ҳиринглаши эшитилди. Катерина Львовна Сонеткани кулгисидан таниди.

Бу оғир аламнинг чеки-чегараси йўқ; шунингдек, айни чоғда, Катерина Львовнанинг қалбида аланга олиб ёнаётган аччиқ адоват ҳам мислсиз эди. У ўзини йўқотиб қўйиб, олдинга ташланди ва ҳушидан кетиб, уни ушлаб қолган Фионанинг кўксига бош урди.

Катерина Львовна кечагина бевафо ўйнашининг кўнглини овлаб, лазатлантирган бу овсар ва шалвираган рақибасининг лорсиллаган сийнасига худди она кўксига ёпишган гўдақдек бош қўйиб, аччиқ аламига чидолмай юм-юм йиғлай бошлади. Энди улар тенг эдилар: икковларининг ҳам қиймати бир, икковлари ҳам “пүф, сассиқ” бўлган эдилар.

Ҳа, улар тенг!.. Биринчи учрашув асираси Фиона ҳам, муҳаббат можаросини бошлаган Катерина Львовна ҳам энди тенг эдилар.

Очигини айтганда, Катерина Львовна энди ҳеч нимадан афсусланмасди. У тўйиб-тўйиб йиғлаб олгач, бағри тошга айланди ва йўқлама пайтига мутлақо хотиржам кайфиятда чиқди.

Ноғора чалинди; ҳовлига кишанланган маҳбуслар, кишанланмаган маҳбуслар, Сергей ҳам, Фиона ҳам, Сонетка ҳам, Катерина Львовна ҳам, шунингдек, жухуд билан кишанбанд қилинган расколник<sup>1</sup> ҳам, битта занжирга боғланган поляк билан татар ҳам гурра-гурра чиқа бошлашди.

Ҳамма маҳбуслар жам бўлишгач, баҳоли қудрат тартиб билан сафланишди ва юриб кетишди.

Ўта бефайз манзара: жамият орасидан юлқиб олинган ва саодатли келажаклари ҳақидаги жамики орзу-умидларидан тамомила маҳрум этилган бу бир сиқим кишилар йўлнинг совуқ ва чилп-чилп лойига ботиб борардилар. Теварак-атрофнинг кўриниши жуда-жуда хунук: балчиқ йўлнинг охири кўринмайди, осмонни қора булут қоплаган, ҳаммаёқда барглари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган оқ толлар ва уларнинг тарвақайлаган шохларига ҳурпайиб кўниб ўтирган қарғалар. Шамол гоҳ инграб жазавага тушади, гоҳ увиллаб шердай ўкиради.

Дўзах азобини эслатиб, киши қалбини ларзага келтирувчи бу товушлар уқубатли йўл манзараси билан омухта бўлиб авжга минганча, Библиядаги афсонавий пайгамбар Айюбга унинг хотини айтган: “Туғилган кунингга лаънатлар ўқи ва ўл!” деган маслаҳатдай янгарди.

Ушбу калимага амал қилишни истамаган ва мана шу гоят мунгли вазиятда ҳам ўлим ҳақидаги ўйлардан қувониш ўрнига ундан кўрқадиган одамлар ваҳшиёна увилловчи бу овозларни янада даҳшатлироқ наъра билан бўғишлари лозим. Буни оддий одам жуда яхши тушунади: бундай пайтда у ўз табиатидаги жамики ҳайвоний ҳирсларга эрк беради, дабдурустдан тентаклик қилиб, ўзини ҳам, бошқа одамларни ҳам, уларнинг руҳиятларини ҳам мазах қила бошлайди. Шундоқ ҳам унча хуштабиат бўлмаган бу одам энди энг жоҳил зотга айланади.

— Қалайсиз, бойвучча? Хоним-афандим соғ-саломатмилар? — деди Сергей Катерина Львовнага суллоҳлик қилиб; бу пайт маҳбуслар гурруҳи бугунги туналган этапдан йўлга чиқиб, эндигина жиққа ҳўл тепалик ортита ўтган эди.

Сергей шу гапдан кейин Сонетка томонга ўгирилиб, уни ўз чопони барига ўради-да, баралла овоз билан куйлай бошлади:

Ташқарида бир малла соч бош кўринди думалоқ,  
О, ҳали ҳам ухламабди бу муғомбир қизалоқ.  
Кел, яширай чопонининг бари билан, кел тезроқ.

Сергей кўшиқ айтиб туриб, Сонеткани кучоқлади ва ҳамма маҳбусларнинг кўзи олдида уни чўлпиллатиб ўпди.

<sup>1</sup> Р а с к о л н и к — расмий черковга қарши қаратилган диний-ижтимоий ҳаракат мазҳабларидан бирининг аъзоси.

Катерина Львовна буларнинг барини кўрди ҳам, кўрмади ҳам: ҳозир у жони узилган одамга ўхшарди. Гуруҳдагилар уни туртишар, итаришар, Сергейнинг Сонетка билан бадахлоқлик қилаётганини унга имо билан кўрсатишарди. Катерина Львовна ҳаммага масхара бўла бошлаган эди.

Агар биронта маҳбус Катерина Львовнанинг қоқилиб-суқилиб бораётгани устидан мазах қилиб кулмоқчи бўлса, Фиона:

— Тегманглар унга, — деб ёнини оларди, — кўрмайсизларми, ярамаслар, ахир хаста-ку, бу аёл?

— Оёғи ҳўл бўлгандир-да, — деб пичинг қилди бир маҳбус йигит.

— Бўлмасам-чи, савдогарлар хонадонининг бойвуччаси-ку, ахир: нозикойим, — деб луқма ташлади Сергей.

— Аммо-лекин, агар оёғига иссиқ пайпоқ кийса, сал кўзга яқин бўлармиди, — дея гапини давом эттирди у.

Катерина Львовна гўё гафлат уйқусидан уйғонгандай бўлди.

— Яшшамагур заҳарли илон, — деди у аламига чидай олмай, — майли, мазах қил, ярамас, устимдан кулиб қол!

— Йўқ, бегойим, ҳечам мазах қилаётганим йўқ сизни, фақат айт-моқчийдимки, манави Сонетка ажойиб пайпоқ сотмоқчи экан, балки сиз, савдогар хотини, сотиб оларсиз, деб ўйловдим.

Кўплар кулиб юборишди. Катерина Львовна довдираганича жўнаб қолди.

Ҳавонинг авзойи тобора баттар бузила бошлади. Осмонни буркаб олган қора булутлардан паға-паға ёғаётган ҳўл қор ерга инган заҳоти эриб, шундоқ ҳам чилп-чилп лой йўлни ботқоқ балчиққа айлантира бошлади. Ниҳоят, узоқ уфқда қорамтир бир чизик кўринди; унинг иккинчи чети кўринмас эди. Бу дарё узра эсган анчагина кучли шамол аста-аста қад кўтараётган маҳобатли машъум долгаларни гоҳ олға, гоҳ орқага ҳайдарди.

Шилтаи шалаббо бўлиб, дағ-дағ қалтираётган маҳбуслар гуруҳи сув бўйига келиб паромни кута бошлади.

Турқи совуқ жиққа ҳўл паром келди; маҳбусларни унга чиқара бошладилар.

Паром тинмай ёғаётган ҳўл қорга бурканиб тўлқинларда чайқалганча, соҳилдан узоқлаша бошлади. Шу пайт маҳбуслардан бири:

— Айтишларича, бу паромда арақ сотадиган одам бормиш, — деди.

— Ҳа, жуда мавриди эди-да бекорчиликда, — деди Сергей ва Сонетканинг кўнглини овламоқ мақсадида, Катерина Львовнага тега-жоқлик қила бошлади: — Ҳей, бойвучча, эски қадронлигимиз ҳурмати, арақ билан меҳмон қил бизни. Қизганма пулингни. Бир пайтлар қандай севишганимизни, сен билан, жонгинам, кузнинг узун кечалари қандай ишрат қилганимизни, қариндошларингни тавбатазаррусиз, жаноза ўқитмай, нариги дунёга равона қилганимизни бир эсла.

Катерина Львовна совуқдан дағ-дағ қалтирарди. Унинг бутун вужудида шалаббо кийимига сингиб, суяк-суягигача зирқираётган совуқдан ташқари яна бошқа аллақандай ҳолат содир бўлаётган эди. Боши алангаи оташ бўлиб ёнарди: кўз қорачиғлари катталашиб, телбаваш чақнаганча тўлқинларга қадалганди.

— Арақ бўлса, мен ҳам йўқ демасдим: совуқдан қалтираб кетяпман, — деб шанғиллади Сонетка.

— Бегойим, кел энди, меҳмон қила қол! — дея хиралик қиларди Сергей.

— Вой, беҳаё-е! — деди Фиона таъна билан бошини сарак-сарак қилганча.



— Бу ишинг виждонсизлик, — деди маҳбус йигит Гордюшка Фιονанинг гапини қувватлаб.

— Шўрликка тиш қайраганинг камми? Ҳеч бўлмаса, бошқалардан уялсанг бўларди.

— Ким қўйибди сенга гапиришни, жумла-жаҳон тамакидони!<sup>1</sup> Нимага энди уяларканман? Балки уни ҳеч қачон севмагандирман ҳам... Энди менга бу қўтир мушукнинг башарасидан кўра манави Сонетканинг йиртиқ бошмоғи азизроқ: хўш, бу гапимга қарши нима дея оласан? Яхшиси, ана, оғзи қийшиқ Гордюшкани сева қолсин; ё бўлмаса... — Сергей атрофига аланглаб, кўзи чакмон ва ҳарбий фуражка кийган жинқарча отлиқ унтерга тушди ва қўшиб қўйди: — бўлмасам, ана, этап ундерига суйкала қолсин: ҳарҳолда, у чакмони билан ёмғирдан пана қилади-ку.

— Бунинг устига, офицер хотини деган ном ҳам қозонарди, — деб қичқирди Сонетка.

— Бўлмасам-чи!.. Ҳазил-ҳазил билан пайпоққа ҳам пул ишлаб оларди, — деди Сергей Сонеткага жўр бўлиб.

Катерина Львовна ўзини ҳимоя қилишга уринмасди ҳам: у дарё тўлқинларини тобора диққат билан кузатаркан, фақат лаблари пир-пирарди, холос. Сергейнинг разолатли гаплари орасидан унга қутура бошлаган тўлқинларнинг сурони эшитиларди. Ана шу пайт бирдан унинг кўзига бир тўлқин орасидан кўтарилган Борис Тимофеичнинг кўкарган калласи кўринди, яна бир тўлқин қаъридан боши эгик Федяни кучоқлаган эри сувда чайқалиб қад кўтарди. Катерина Львовна диний дуоларни эслашга уриниб, лабини қимирлатар ва пичирлаб дерди: “Ҳа, узун куз кечалари сен билан қандай айшу ишрат қилгандик, не-не одамларни ваҳшиёна ўлдириб, нариги дунёга жўнатгандик...”

Катерина Львовна дағ-дағ қалтирарди. Унинг бир нуқтага тикилган телбаваш нигоҳи ваҳшиёна боқарди. У қўлларини бир-икки марта аллақайққа чўзиб, яна туширди. Орадан яна бир дақиқа вақт ўтди — шунда Катерина Львовна бирдан чайқалиб кетди ва кўзини жўшқин тўлқинлардан узмаган ҳолда энгашиб, Сонетканинг оёғига чанг солди-ю, бир ҳамлада у билан бирга паромдан сувга шўнғиди.

Ҳамма ҳайратдан тош қотиб қолди.

Катерина Львовна тўлқин устида бир кўриниб, яна шўнғиди; бошқа тўлқин Сонеткани кўтарди.

— Чангак! Чангак ташланглар! — деб бақаришди паромдагилар.

Узун арқонга боғланган залворли чангак учиб бориб сувга тушди. Сонетка яна кўринмай қолди. Икки сониядан кейин у, дарё оқизи кетгани сабабли, паромдан анча узоқда яна қўлларини сувдан чиқарди. Лекин шу чоғ бошқа тўлқин қаъридан белигача қалқиб кўтарилган Катерина Львовна, худди митти балиқчага ташланган чўртон балиқдай, Сонеткага ҳамла қилди-ю, икковлари бошқа кўринмай қолдилар.

<sup>1</sup> Жумла-жаҳон тамакидони — суюқоёқ хотинга берилган таъриф.

Марица БОДРОЖИЧ

## Сўзлар ухлар сўз ичра

КЎНГИЛ НИМА ДЕЙДИ

**С**узиб ўтаётган момиқ булутлар  
бир-бири ила туташса, эврилар фариштага.  
Дунё қай тахлит яралганини, ким бошқараётганини  
ич-ичимдан биламан. Қарангки, бандаргоҳда  
нурдек порлоқ кемалар кўринмас. Бунинг ўрнига  
яп-янги моторлар гуриллар тинмай.  
Кувғиндан қутулган жангчилар  
янги аср томон жўнаган гўё.  
Атиргул, айт-чи, улар рўшнолик кўришармикан,  
шамол эшикларини тарақлатган уйлар жим.  
Жавоби йўқ савол. Кўлсам, кўриб қолар яна атиргул.  
Атиргул баридан воқиф... Негаки  
айнан менга ўхшаш менлик йўқ.

\* \* \*

Бир қучоқ бўсада — уммон чексизлиги,  
бугунга етади. Балки асқотар  
эртанги буюкроқ кунлар учун ҳам.  
Шундан сўнг, айт-чи, Илм, атиргул тиконлари  
қовжираб қолмасмикан қўққисдан? Ифори  
етиб борармикан уммонлар ошиб  
олис-олис келажак томон? Шу ҳақда сўйла, Илм,

*Олмончадан  
Мирзаали  
АКБАРОВ,  
Баҳром  
РЎЗИМУҲАММАД  
таржималари*

Марица Бодрожич Европанинг таниқли ёзувчиларидан бири. У 1973 йилда Хорватияда туғилган. 1983 йилдан бери Германияда яшайди. Немис тилида ижод қилади. Инглиз, француз, испан тилларини пухта ўрганган. “Тито ўлди” ҳикоялар тўплами адибага шуҳрат келтирди. Бу китоб учун урта нуфузли мукофот соҳиби бўлди. “Ботиний лаҳзалар ўйинчиси” романи Роберт Бош жамғармаси стипендиясига лойиқ кўрилди. Шунингдек, у Германия жамғармаси йиллик стипендиясини икки марта қўлга киритди. Берлин Бадиий академияси Адабиёт мукофоти билан тақдирланди. М. Бодрожичнинг “Битта пати-да ўзгармаган колибрининг” номли шеърий китоби босилган. 2007 йилнинг 27 феввалида Морицахоним Тошкент Давлат Жаҳон тиллар университети немис филологияси факультети домла ва талабалари меҳмони бўлди.

одамлар чин овозга, чин ўзакка  
 эгамилар тик ўсган қарагай каби? Кўз қорачиқларига  
 гаму ташвишдан айро. Бу ҳақиқий келажак учун  
 татирмикан? Кифоя қиларми экан?  
 Айт, Илм, мен энди сеникиманми,  
 ёки туғилдиммикан кўзгу ичида?  
 Бу ҳақда сўрама, дер Илм. Яшна, яшнайвер,  
 сен ўзимнинг атиргулимсан.

\* \* \*

Жой бўшатиңг қарияларга  
 тотли тушлар, қир чечаклари ифори  
 умр шафағида уларники бўлсин.  
 Қадаҳ жарангини, булут соясини, нон ҳамда  
 ширин сўзларни дариг тутманг қариялардан.  
 Ёшарсин сизга ўхшаб. Хизматини қилиңг.  
 Хўроз уч бора қичқиргунча то  
 хиёнат фош бўлар. Оғир тонг отар.  
 Битар. Мўъжиза рангсизланар. Барибир  
 кундалик ҳаёт ташвишларини бир чеккага улоқтириб  
 иссиқ нон янглиғ бизни лол қолдиришади.  
 Мана шунинг учун ҳам яшашни хоҳлаймн,  
 Асраб-авайламоқ — асл мақсадим.

\* \* \*

Камбағал — аҳдига содиқ,  
 чунки тасодифни тушунганча то  
 сўнги умид билан бирга яшайди.  
 Осмонни гўч йигитдек кайф ичра кўрар.  
 Қирғоқ чеккасида эса дирижабл катталигидаги юрак  
 пирпираб сузиб юрибди.  
 Асални ўпканиңг бурама чизиқларини  
 силлиқлаш учун тайёрлашмаган. Бироқ, йўл — теп-текис,  
 йўловчига панд бермас. Турма қопилари ланг очиқ,  
 нега очиқ бўлмасин, ахир, ичонда  
 ўша бир-бирига содиқ тутқунлар.  
 Дишонда ҳамма нарса муҳайё.  
 Кўп-кўп дала-туз...  
 Кўп-кўп қир, адир...  
 Кўп-кўп ёз, ундан ҳам кўп қиш,  
 Сукунат ҳам  
 кўп-кўп.  
 Ҳамма нарса кўп.

\* \* \*

Европада ҳар куни ҳам,  
 ҳар куни ҳам ўлавермас  
 қуш.  
 Акс ҳолда паррандашунос  
 касбини тез ўзгартирган бўлур эди.  
 Бир гал шу ҳақда ўйлаётиб  
 “Овчилар-чи?” деган сўроқ

миямда кўндаланг турди.  
 Бордим овчининг уйига.  
 Овчи отишни унутиб қўйгандек гўё,  
 шунчаки... ҳавога қараб ҳам ўқ узмади.  
 Милтиқ ўқталмади. Боиси  
 иккаламиз ўз тасаввур доирамизда эдик.  
 Илк маротаба деразам ёнидан  
 зоғ учиб ўтди. Лекин уни ҳам  
 мушук кўрган экан биздан олдинроқ.

### СОАТ МИЛИДАН ЮҚОРИГА ЧИҚДИ ВАҚТ

Танаффус ҳадди аълосида Вақт кўрқинчлари жонсарак:  
 ҳаёт энди вақт сарҳадидан чеккада ўтар.  
 Ҳунармандлар сайёра тутқичини айлантиришар.  
 Қадам товушларида тушки пайтнинг сояси,  
 томирларда қирсиллаётган анор доначалари,  
 юзда аксланаётган — жаннат роҳати.  
 Ярқ этиб очилаётган — “Мен”,  
 давомийлик ҳудудида бир оҳанг устуворлиги,  
 биргина порлоқ нигоҳ,  
 оғиз бурчлари тиниқлигидан тўйинган.  
 Ўпишмоқдан муддао не — сўрайман,  
 бирлик сон нима истар — сўрайман,  
 қовушмоқдан нени истайди  
 ёки лаззат онларини эслашдан не наф?  
 Йўқ, шундайку-я барибир  
 саволим савол  
 одамлар ўпишишлари керак,  
 бир-бирига керакли бўлмоғи керак.

\* \* \*

Ташна, ҳар нарсага интиқ қалб,  
 қароқчининг дум-думалоқ кўзлари,  
 дов-дарахтларнинг ҳилпираган учлари оша  
 чайқалаётган бошқа бир денгизни кўриб қолганди.  
 Гўё падари бузруквор юксакда,  
 ҳавода чордона қуриб ўтирар,  
 жами эзгуликлар — мулки,  
 барча тиллар — тасарруфида,  
 “сен”лашиб гаплашади рубъи маскун билан.  
 Балки кекса бир фаришта ёнида ўтиргандир,  
 оппоққина ҳамда шаффоф болалик,  
 момиққина жажжи фаришта  
 Ирида олдида тургандир найза тутиб.  
 Балки у ерда ипакдан тўқилган мамлакату  
 сиёҳранг муҳаббат офтоби,  
 болаликнинг пок муҳити  
 ҳамда кучи, қуввати, шон-шуҳрати пинҳон.  
 Юрак тадрижи, ишқнинг юлдузли онлари  
 бордир эҳтимол.

\* \* \*

Ёноқларимни ёндириб турган  
 архив рангларини ўқийман.

Нега ҳам ўқимай  
юзи остида битта юз бўлиши мумкин-ку, ахир.  
сизга айтсам, қишнинг қисқагина кундузи чоғи  
баданим остида бадан борлигини  
пайқаб қолганман.  
Эҳтимол, бу кўнгил асали,  
ҳамма қишнинг сўнгги кунларида  
бошқа одам шаклида ўзидан қочгиси келар.  
Сўзлар тили чўгланмоғи учун  
ёзининг иссиқ тилини билмоғинг жоиз.  
Бу гапим Сўз шаклига дахлдор эмас,  
Шунингсиз ҳам чиройлидир Сўзнинг чеҳраси.

\* \* \*

Гоҳо куч бағишлар кутиш онлари,  
Унга қаршилиқ қила олмасман.  
У кутишимни,  
пойига келиб тиз чўкишимни кутади.  
Мен унинг ихчам тузилмасига таъзим қиламан,  
Сабр саройига бориб қолганимни илғайман.  
Бу ерда нима қиламан, — сўрайман ўз-ўзимдан,  
ахир бошқа одамлар муҳаббати билан шодумон.  
Мен эса ҳамон кутаман,  
қимнидир ёки ниманидир.  
Ўйлаб кўрсам Сабрни маҳв этсам бўларкан.  
уй олдидаги бодом пўчоқларини  
супуриб ташлаган каби  
миямдан чиқарсам бўларкан Сабр деган нарсани.  
Ёз бошланди дегунча  
барча югославчасига зерикканидан  
сигарета буруқсита бошлайди.  
Сўзлар аввалдан Сўз ичида ухлайди,  
радиодан мусиқа тинглаш амали  
шубҳа уйғотмайди одамда.  
Бугун мен сабр деб атаган нарсани  
юқорида зикр этилган манзараларни  
томоша қилганимда кашф этгандирман.  
Қанчалик покдоман эсам-да,  
ҳеч ким мени эсга олмас.  
Фақат чўкка тушиб ниманидир кутиб ўтиравераман.  
Гоҳо куч бағишлар кутиш онлари,  
у куч менинг ҳозирги замонимни ўғирлаб қўяр  
ва ўзин дўкон каби сотворар.  
Мен ўтирибман бунда,  
курсининг устида,  
ташқарида чинорлар музлар,  
лекин ҳеч совқотмайман.  
Сабрда  
шундай куч борки —  
кутишдаги кутилмаганлик.  
Ва ҳеч ким бу ерда  
ўзимни унутиб ўтирганимни  
эслатиб қўймайди ҳатто бир бора.

## СЕҲРЛИ КИТОБ

Салмоқлигина бир сеҳрли китоб бор,  
бунда қоидалар йўқдир.  
Чунончи, ким нени хоҳласа шуни қилади.  
У ҳамиша шаклланишда.  
Дарвоқе, у қонунлар мажмуаси эмас,  
ҳар саҳифаси рақамдан иборат,  
ҳеч ким саҳифаларни оча олмайди:  
очқасангиз у — тушки таом.  
Уни тўйиб ейиш — бу яхши амал.  
Кимники кўзи бўлса уни кўргиси келади.  
Поёнсиз отизларда тонгги чиг узра туш учи  
кўр-кўрона тин олади.  
Гўеки кимдир сайр қилиб юргандай,  
далилланмаган хотиротдан гулдаста тузади.  
Шунда посбон ҳамиша баҳор  
“кун ажойиб бўлади” дейди.  
Тонгги ғира-шираликда каттакон ёруғлик мени  
бежиримгина қўлга олиб даст кўтаради.  
Айнан ўша дақиқаларда китоб саҳифалари  
ўз-ўзидан очилади —  
жимгина, сассизгина.  
Бир ҳайрат унинг ёнида,  
митти болакай.  
У бу ерда сокингина яшар,  
гапирмас. Уни момиқ баданини кучиб  
отамни ҳис этаман. Ана у тут тагида ўтирибди,  
нигоҳлари аста-аста сўнмоқда.  
Кўёш унинг суратларини олд ҳовлисига йўллар  
ва у менга худди ўз болаларини санаётгандай туюлади.  
Бармоқларига росмана одамдек қараб турибди,  
дафъатан устида ўрмалаб ётган шиллиққуртларни кўрди,  
шу онда у томон шошилдим.  
Ота, дейман, келақол, китоб иккимизга аталган.  
Мен митти болача бўлишни истамас эдим,  
қон-қардошлик белгиси сифатида  
китоблар битишни хоҳлар эдим.  
Майли дейди у, бир дарахт учига чиқиб келай.  
(Оҳистагина кетди у,  
ҳавода бирдан-бир улуғ нарсани терволди)  
Қарай-қарай ҳеч ишонгим келмади, у алифбони ўғирлаб  
само қаърига ўзи билан олиб кетди.  
Ота, дедим, ахир бу барчамиз учун-ку,  
агарда бошқалар ишонмаса,  
биз китоб ёза билмасмиз.  
Яхши, ундай бўлса, алифбони олақол, деди.  
Мен китобни олиб қўлларимда ушлай туриб  
Сўзларни,  
Яратганнинг йўриғини нима қилишни билолмай  
узоқ вақтларгача ложарам бўлдим.  
Шунда отам китобга — аслига қайтиб дедими: қулоқ сол,  
саҳфаларга оид кетиш танҳо алифбо ила бўлиши керак.  
У дарахтларни худди тушдагидек  
илдиз-пилдизи билан қўлга олиб  
уларнинг учларини

қалбим мамлақати саройи томон йўналтирди.  
Мен эса дарахтлар  
не истаётганини билмай йиғлавордим,  
узоқ-узоқ йиғладим. Сўнг рақсга тушдим.  
Пировардида, кўз ўнгимда сеҳрли китоб қолди,  
сеҳрли китобни аччиқ севги ила севдим.

\* \* \*

Тақдири азал ўз қўлингда бўлса, бўлмаса  
унда мен булут одам шаклида туғилардим, дейман,  
унда мен об-ҳаво ҳудудига эврилардим.  
Чунончи ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам  
Югославияда туғилишимга халал беролмасдим.  
ҳар кунни турлича об-ҳавойим бўларди.  
Қуёш алмашинуви дунёдаги энг оддий ҳодиса саналарди.  
Ўпкаларим билан Андралидага сайр қилган бўлардим,  
Зухро ҳудудини мушукона сакрашга тўлдиар эдим.  
Ҳаво бер, дердим ўшанда. Ва албатта кулиб...  
чунки, ботинимдаги энг жиддий нарса ўзгарган —  
кутаётганларнинг, ўтирганларнинг, чегара очилишидан  
умидворларнинг жўр бўлувчисига айланган бўларди.  
Одамлар билан эллашиб, тиллашиб кетардим.  
Дарахтлар ҳамиша кўз ўнгимда.  
Ўлчами — ўша-ўша.  
Яъни, ёмғирни кутиб олишга қодирдирлар.  
Якшанба кунни эди. Берлинда ёмғирли кун. Шунда учта  
вояга етмаган минорадан биттасини кўриб қолдим.  
Шунда Ердан ўсиб чиқиб гаплашишга фурсат топдим.  
Ўз-ўзимга дедимки, миноралар нурдан ясалганида борми,  
унда тақдири азал билан ишим бўлмаган бўлур эди.  
Шуни ўйлаб турувдим ошхонамда  
куёш манбаи жаранглаб, ўн учинчи минора ўз  
мавжудлигини маълум қилди.  
Рўё рўёби шумикан? Ҳақиқатимдан воз кечдим.  
Барча бўлиб ўтган ҳодисотлардан мосувоман.  
Ўз номимни намунали посбонлар қаторига киритиб  
қўйсам бўларди. Шундан мамнун эдим мен.  
Лекин у одам  
уни маҳкамроқ ушла, деди.  
Кўйиб юборма, деди.  
у сенга у ерда, бу ерда ёрдам беради,  
пойафзал биланми ёки пойафзалсиз  
оёқ биланми, ёки қўнгил билан  
олға босишингга  
бунинг нафи кўп, деди.



Карлос ФУЭНТЕС

**Қувноқ жамоа**

Ҳикоя

## 1

**А**лехандро де ла Гуардианинг онаси ўлимидан сал олдин марҳум Себастьян де ла Гуардиа ўғлига Лилл кўчасидаги илвираб қолган хонадонидан бошқа ҳеч қандай мерос қолдирмаганини маълум қилди. У ҳам бир кори-қолига яраб туради. Лекин сотишга арзимаиди, жуда арзонга кетади. Аввалгидек, уни ижарага бериш мумкин. Фойда эвазига яшаш азалдан оилавий анъана бўлиб келган. Ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Аммо гап бунда эмас.

Ҳамма гап холаларида. Онасининг опаларида. Алехандро де ла Гуардианинг бобоси ва бувиси инқилобнинг биринчи қалдиروқлари янграгандаёқ<sup>1</sup> Мексикадан қочиб қолган эдилар. Улар ишлатилмай ётган пуллари, акциялари, қимматбаҳо зеб-зийнатларини банкларга жойлаб қўйганлари учун сапатачилар ислоҳот ўтказиб, мулкларини тортиб олганда ҳам Европада бадастур кун кечирамиз деб умид қилишганди.

– Отанг исрофгар одам эди. Биласанми, у Францияда фаровон яшаганига қарамай, ўзларини метис, келгинди сифатида кўриб, бегона ҳисоблашларидан чўчир, фақат пули борлиги ва шу пулларни бемалол харжлаётганлари учунгина одам ўрнида кўришади деб ҳадиксираб юрадиган аслзодалар тоифасидан эди.

Исрофгарчиликни бобо бошлаб берганди. У ҳашаматли зиёфатлар бериб, дабдабага тўла қувноқ баллар ўтказиш, кемаларда сайр қилиб, рус балети кечаларига бадавлат одамларни чорлаш йўли билангина европаликлар даврасига кўшилиш мумкин деган тўхтамга келди... Ва кўнгилхушликлар билан ўтган йигирма йил ичида ярим давлатини созуриб қўйди.

Қолган ярмини ота изидан борган ўғил сарфлаб битирди. Бир куни қараса, қўлида бир ҳовуч юз франклик тангалар қолибди.

<sup>1</sup> 1910–1917 йиллардаги Мексика инқилоби назарда тутилмоқда. Унинг раҳбарларидан бири Эмилиано Сапата (1879–1919) бўлиб, у йирик ерларни мусодара қилиш дастурини ишлаб чиққан эди.

Русчадан  
Ортиқбой  
АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси

Карлос Фуэнтес (1928 й.т.). Мексика ёзувчиси. Галилей мукофоти совриндори (2000), «Баҳаво ўлка», «Тоза виждон», «Муқаддас даргоҳ». «Гидранинг боши», «Олисдаги оила», «Диана ёки ёлғиз овчи аёл» ва бошқа кўплаб роман, қисса, драма, ҳикояларнинг муаллифи. XX асрнинг атоқли адибларидан бири. Асарлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Жумладан, «Артемио Круснинг ўлими» асари ўзбек тилига ўгирилиб, журналхонларимизга (2002 й. 1,2,3-сонлари) таништирилган.



Александронинг шикастаҳол ва итоатгўй онаси синьора де ла Гуардиа эса эпчил сеҳргар ўйнатаётган соққаларни томоша қилаётгандек индамай қараб турарди.

– Тангалар ҳам тамом бўлгандан кейин бечора отанг туни билан Париж кўчаларини паришон кезиб чиқди. Эрталаб жасади топилди. Илож қанча, кучи фақат шунга етибди.

Доня Лусия Эскадон де ла Гуардиа Богарнэдаги данғиллама ҳовли ёнида, Лилл кўчасида жойлашган уйини ижарага бериб, ўзи Сен-Сюлпиз майдонидаги уч хонали чордоққа кўчиб ўтди ва пазандалиқдан дарс бериб, тўққиз ёшида етим қолган ўғлини авайлаб парвариш қила бошлади. Мана энди, касаллик адойи тамом қилган, ёлғизлик ва мусибат ичида тилсиз-забонсиз яшашга маҳқум этилган бу муштипар она бир ой, нари борса икки ойлик умри қолганини англаб етиб, кўзининг оқу қораси бўлган Александрога охириг васиятини айтиш учун оғиз жуфтлади. Унинг оналик меҳри ва фидойилиги олдида бир умр қарздор бўлган ўгли оғир бакалаврлик имтиҳонидан аранг «қониқарли» баҳо олгандан кейин бирон мансаб орқасидан қувмасдан испан тилини мукамал билгани туфайли Мексикага қарашли саёҳат идорасида кичик лавозимга қаноат қилиб ишлашга рози бўлган эди. Бу ўринда ҳам «Ҳеч нарса бекорга қўлга кирмайди» деб таълим берган онасининг хатти-ҳаракатлари бежиз кетмаган эди, албатта. У, гарчи янги Мексика ҳукуматида боғлиқ расмий муносабатларни ҳисобга олмаганда, улар билан ҳеч қандай алоқа ўрнатиш ёки ҳамкорлик қилишни рад этганига қарамай, мурсою мадора зарур деб ҳисоблаб келар эди.

У яна нима дер экан?

– Мехикода катта опаларим – холаларинг бор. Улар жамғармаларини Америка банкларида асраб қолишган, чамаси қимматбаҳо буюмларни ҳам яшириб улгуришган. Отангнинг ишларига доим ҳасад ва нафрат билан қараганларини биламан. Улар менга сира ёрдам беришмади, аксинча «нега бу исрофгарга тегдинг» деб кўзимни ўйиб олиш илинжида юришди.

Доня Лусия гўё сўнгги нафасини олаётгандек чуқур хўрсинди.

– Менга нимани таклиф қилмоқчисиз, ойи? Мексикага боришим ва уларнинг васиятномаларига илиниб қолишимними?

– Худди шундай. Бу дунёда уларнинг бошқа ҳеч кими йўқ. Иккаласи ҳам қари қизлар. Уларга ёқишга ҳаракат қил.

У нафаси етмай қолганидан эмас, яна нималарнидир ўйлаб жим бўлиб қолди.

– Иккита ёвуз кампир.

– Уларнинг исми нима?

– Мария Серена билан Мария Сенайда. Фақат уларнинг исмига қараб баҳо берма, ўғлим. Сенайда меҳрибонроқ, Серена<sup>1</sup> жуда ёвуз.

– Балки йиллар ўтиб ўзгариб қолишгандир?..

– Мўъжизага ишониб, бўлмайди. Кичкиналигимда мени қанчалик қийнаганлари эсимда – қўл-оёғимни боғлаб қўйиб, товонимга ёниб турган шамни босишарди, ҳожатхонага қамаб қўйишарди...

– Қариганда ўзгаришмаганмикин?..

– Букрини гўр тўғрилайди, – хўрсинди доня Лусия. Александро унга ҳеч қандай хафагарчиликни тан олмайдиган «замонавий» инсонларга хос мулойим кулимсираш билан жавоб қайтарди.

– Майли, кўнглини олишга ҳаракат қиламан.

<sup>1</sup> С е р е н а (serena) – ювош, итоаткор (исп.).

– Ҳаракат қил, Алехандро. Хизмат ва ижарадан келадиган даромад билан бошинг муҳтожликдан чиқмайди...

У ўғлининг юзини силади:

– Mon perit chouх.<sup>1</sup> Менсиз аҳволинг оғир бўлади.

Она сўнги сўзларини айтаётганини сезмаган Алехандро яна жилмайди.

## 2

У ёш ва ёқимтой эди. Одамлар шундай дейишарди. Ойналар ҳам шундай дер эдилар. Мисранг сочлари жингалак эди. Бадани қорамтир. Бурни тўғри. Кўзлари сарғиш. Оғзи тинмайди. Ияги чўзинчоқ. Бўйи – бир юз етмиш сантиметр. Оғирлиги – етмиш килограмм. Кийимлари кўп эмас, аммо дид билан сараланган. Яна қўли пианиночиларникига ўхшайди дейишади. Бармоқлари узун, аммо хасис эмас. Озми-кўпми танишлари – тасодифий учраган қизлар. Пул нималигини яхши билгани учун меҳмон чорлашни эмас, меҳмондорчиликка боришни ёқтиради. Ҳа, энди «америкалик амакивачча». Ёқимтой метисни ҳамма жойда ҳомийларча самимият билан кутиб олишарди.

Онаси доня Лусиянинг вафотидан кейин Франция билан боғлаб турган ҳеч нарса қолмади, деб ўйлади Алекс. Хизмат кўпдан бери жонига теккан, ижарага қўйилган Лилл кўчасидаги хонадон ҳақи бадастур яшашга етмайди, қизларнинг биронтаси билан жиддий муносабатга киришган эмас... Мексика, холалари, бойлик. Бундай истиқбол бирданига жозибали кўриниб кетди.

У холаларига мактуб йўллади. Шундай, шундай, доня Люсия вафот этди. Францияда энди ҳеч кими йўқ. Узоқ давом этган отамерос хижратдан кейин уйга қайтишни хоҳлайди. Бирон ишнинг этагини тутгунча уларникида яшаб турса бўладими?

Кўришганда дарҳол таниб олишлари учун бор бўйича тушган суратини конвертга солиб қўйди. Кўп ўтмай иккита хат олди. Мария Сенада Эскандон ва худди шу исми шариф қайд этилган Мария Сенайда алоҳида-алоҳида мактуб йўллашган бўлса-да, иккаласи ҳам бир хил жавоб қайтаришган эди:

«Азиз жияним. Сени қабул қилишдан бахтиёримиз».

Нега улар биргаликда битта хат ёзишмади? Нега алоҳида жўнатишди? Бу жумбоқ билан Алехандро қизиқиб ўтирмади. Нима бўлганда ҳам холалари кутиб олишади. Ғалати табиатли иккита кампир. Инжиқликларига чидашга тўғри келади.

Аэропортда ўз исми шарифи – Эскандон ёзилган узун қоғозни кўтариб турган такси ҳайдовчисига кўзи тушди.

– Бу – Сиз бўласизми? Сизни кутиб олишга буюртма беришганди.

Машина уни Рибера-де-Сан-Космадаги кўҳна иморат олдига элтиб қўйди. Париждаги тартиб-интизомга ўрганган йигит Мексика пойтахтидаги алғов-далговни кўриб, дастлаб довдираб қолди, кейин беҳузур бўлди, сўнг ҳайратга тушди. Назарида тўхташ нималигини билмайдиган Мехико ўз тезлигига маҳлиё бўлиб, чексизлик билан баҳс бойлашганга ўхшаб, бир қарич бўш жойи қолмаган тош деворлари, кулбалари, осмонўпар бинолари, тунука томлари, ифлос тор кўчалари ва бир-бирига чирмашиб кетган рекламалари билан бирга қаёққадир шошиб кетаётгандек туюлди...

Ана шу аралаш-қуралаш издиҳом ичида абадий гўзаллик рамзига ўхшаб қад кўтарган улугвор черков биноси, қоя тошдан қурилган

<sup>1</sup> Болагинам (франц.).

баҳайбат иморатлар, қулф урган боғлар кўзга ярқ этиб ташланиб қолади. Алехандро де ла Гуардиа соҳибжамол доня Лусия орқали бу шаҳар ацтеклар, қирол ўринбосарлари, янги классицизм ва модерн бинолар шаҳри эканлигини билиб олган эди...

Шунинг учун ҳам у таксидан тушгач, кўҳна уйни кўриб, ғоят қувонди. Жуда қадимий. Икки қаватли, қулранг тош равоқли, ҳам латофатли, ҳам эски, ҳам гўзал, ҳам хароб, ўйлади Алекс – баъзи жойларига аррасимон чорқиррали тош тахтачалар ўрнатилган ва ясси тунука билан зийнатланган, у Мехикода умуман Европа услубидаги икки томонлама нишаб томлар йўқлигини илғаб олди. Буни қўнаётган пайтдаёқ пайқаган эди. Япалоқ томлар, ёмғир сувлари учун қўйилган беҳисоб ёғоч челақлар тўлиб ётибди, чордоқсиз, Голливудга хос ранг-баранг майда тунукалар кўринмайди...

Иморат кулранг совуқ тошлардан кўтарилган эди. Қора темир эшикка уч босқичли зинадан чиқилади. Икки томонида панжарали деразалар. Ҳар бирдан – парда ортидан кимнингдир боши кўриниб турибди. Алехандро жомадонларини олди.

– Орқа эшикдан кирсин деб тайинлашди, – эслатди ҳайдовчи.

– Нима учун?

У елкасини қисди ва жўнаб қолди.

Мария Серена ва Мария Сенайда. Кейинги пайтлардаги суратларини кўрган эмас, болаликдагиларига кўзи тушган эди. Шу боис, эшикни очган пакана, семиз кампирга қандай мурожаат қилишни билмай, бироз довдираб:

– Холажон, – деб хитоб қилди Алехандро.

– Алехандро! – қичқирди кампир. – Сени нега танимас эканман?! Онасининг худди ўзи! Қуйиб қўйгандай-а! Худо етказди! Қандай катта бахт!

Алекс унинг қип-қизил чиройли юзидан ўпиш учун энгашди. Кампир эса махфий нарса ҳақида гапирётгандек қулоғига шивирлади:

– Мен Сенайда холанг бўламан!

Сочлари пахтадек оппоқ, аммо юзи тоза ва хушбўй эди. Тўгриси, ундан ифор эмас, атир совун иси анқиб турарди. Гимназия толибалари каби оқ ғижим ёқали гулдор кўйлак кийган. Юбкаси тўпигигача тушади. Оёғида пошнасиз оқ туфли, йиқилиб кетишдан қўрққандек аранг тик турибди. Пайпоғи ҳам гимназия толибалариникидек оппоқ.

– Кир, кирақол, болажоним, – деди у қуйлаётгандек кулимсираб – Ўз уйингдасан. Йўлда толиқмадингни? Дам олгинг келяптими? Хонангни кўрсатайми? Сенга шоколад тайёрлаб қўяйми?

Кампир кўлидан даъваткорона ушлади. Улар ошхонага киришди.

– Раҳмат, холажон. Очиғини айтсам, озгина дам олгим келяпти. Учиш оғир бўлди. Холам Мария Серена билан ҳам танишсам дегандим. Кейин сизларни кечки овқатга таклиф қилмоқчиман.

Йигитнинг чехрасидан меҳр ёғилиб турарди.

Мария Сенейданинг юзидаги табассум йўқолди.

– Биз уйдан ташқарига чиқмаймиз.

– А! Майли, мен ҳозир опангиз билан кўришиб келаман. Кейин...

– Биз гаплашмаймиз, – унинг юзидаги чизиқлар йиғилиб, совуқ қиёфа пайдо бўлди.

– Ундай бўлса... – Алекс олий ҳукмдорга бўйсунётгандек қўлларини ёзди.

– Уйни бўлишиб олганмиз, – деди холаси ерга қараб. Уй кундузи менга, кечаси унга қарайди. Юр, ётоғингни кўрсатиб қўяй.

Кампирнинг юзи яна ёришди.

– Болажоним! Ўз уйингдек кўргин! Исо Масих паноҳида асрасин!

### 3

Унга ажратилган хонанинг орқа деразаси кимсасиз, хилват шаҳар боғига қараб очилар эди, ҳозир бу ерда тўққиз-ўн икки яшар болалар футбол ўйнаб юришарди. Узоқда трамвай йўли кўринар, чўзиқ кўнғироқ овозлари эшитилиб турарди.

У янги қўнимгоҳини кўздан кечирди. Ҳеч қандай ҳашамат йўқ. Каравот ёғочдан қилинганга ўхшарди. Ухлаётган аёл ва қўриқчиликда турган жангчи қиёфасида тасвирланган Попокатепель ва Истаксикуатль вулқонларининг сурати солинган, ўн беш йил илгари чиққан эски тақвимни ҳисобга олмаганда – деворлар бўм-бўш. Ёғоч стол стулга туташтириб ишланган бўлиб, мактаб партасини эслатади. Алехандро қопқоқни кўтариб кўриб, ичида ҳеч нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

Ҳожатхонада барча зарур нарсалар – ванна, тос, сув, ойна бор эди... Пардани суриб, симларга кийим илгичлар осиб қўйилган қутичага ўхшаган бир нарсани кўрди.

Буюмларини саранжом қилишга мадори етмади, чарчоқ ғолиб чиқди.

Кечки соат олтида ҳам у қаттиқ уйқуда эди. Самолётда ухлашга ўрганмаган, бунинг устига океан оша узоқ йўлга биринчи чиқиши эди.

Икки соатдан кейин ғала-ғовурдан уйғониб кетди. Совуқ сувда ювинди, таранди, галстугини тўғрилаб, пиджагини кийди.

Холаси Мария Серена билан кўришгани йўл олди, у чамаси шу пайтларда қабул қилса керак.

Холаси қаттиқ диван ўртасида ўзини орқага ташлаб, худди тахтада ўтиргандек жиддий қиёфада қараб турарди. Унда қилт этган ҳаракат асари кўринмади, ҳарҳолда Алексга шундай туюлди, у ҳассаси учигаги мрамар тутқич – бўри калласига кафтини қўйганча қотиб қолгандек эди. Кийими бошдан-оёқ қора, сингисиникига айнан ўхшаш узун қора юбкасининг этаклари пайпоғини бекитиб турибди. Кўйлагига қора тўр тикилган, кўкрагига ягона тақинчоқ – камия – қимматбаҳо чиганоқ қадалган. Бўйни атрофида қора рўмолча.

Оппоқ юзига упу сурилмаган, қошлари «кўзим учиб тургани йўқ» дегандек қаттиқ чимирилган. Бошида қийшайиб қолган қизғимтир ясама сочида биронта ҳам оқ тук кўринмайди. Алекс кулгидан ўзини зўрға тийди ва негадир, бу аёл ҳозир ҳам нозу карашма қилса керак деб ўйлади, қаншаридаги гардишсиз «кведос» пенснесига нигоҳи тушиши билан беихтиёр раҳматли онаси кўз ўнгида жонланди. Алехандро бир пайтлар Ульм кўчасидаги Синематикада кўрган «Потёмкин броненосци» фильмидаги ярадор хотиннинг дарз кетиб қонга бўяган пенснесини айнан кўргандек бўлди.

– Салом, холажон.

Жавоб ўрнига холаси ҳукмфармолик билан унга ўтирадиган жойини кўрсатди.

– Сенга очиқ айтиб қўяқолай, жияним, мен шунга одатланганман. Онанг номуносиб киши, яъни отанг билан ўз тақдирини боғлагандан кейин биз ундан воз кечдик. Барча бойликлар муҳайё бўлгандан кейин уни беҳуда совуриш Худога шак келтириш билан баравар. Билиб қўйгинки, онангнинг ўлимига қаттиқ қайғурдик. Бизни кўрмоқчи бўлганингдан бошимиз осмонга етди.

- Мен ҳам жуда хурсандман, Серена хола.
- Нима иш билан шуғулланмоқчисан, бу менга қоронғи...
- Иш излаб кўраман... кейин...
- Шошилма. Аввал кўникиб ол. Ёдингда бўлсин – бу сенинг уйинг.
- Раҳмат.
- Бизнинг қоидаларимизга амал қилишинг шарт. Очигини айтаман: биз – опа-сингил чиқишолмаймиз. Бутунлай бошқа-бошқа одамлармиз. Яшаш тарзимиз ҳам ҳар хил. Буни тушунишга ҳаракат қил.
- Ташвиш тортманг.
- Иккинчи шарт. Ҳеч қачон кўча эшигидан кириб чиқмайсан. Яширин йўл бор. У сенинг хонанг ёнида, ошхонадан боққа олиб чиқади.
- Ҳа, уни кўрдим.
- Бу ёққа кириб-чиқаётганингни ҳеч ким билиб қолмаслиги керак.
- Сиз қай пайтда тушлик қиласиз? – Алекс тобора оғирлашиб бораётган суҳбатни юмшатишга уринди.
- Соат иккида тушлик қиласан. Синглим билан бирга. Кечки овқат – саккизда. Мен билан.
- Нонушта-чи? Умуман, бу борада ташвишланмасангиз ҳам бўлади... Нонуштани ўзим тайёрлашга ўрганиб қолганман.
- Бундан ташвиш тортма, болажоним,– у бутун суҳбат давомида биринчи марта жилмайди.– Эрталаб соат олтида Панчита келиб, ҳаммаёқни супуриб-сидиради, нонушта тайёрлайди. Билиб қўй, у соқов.
- «Э, худойим, менга тўртта кўз тикилиб турибдими: пенсне ойнаси холамнинг хира кўзларидан алоҳида яшайдиганга ўхшайди.
- Кампир ўрнидан қўзғалди.
- Ҳозир бирга овқатланамиз. Менга ҳамма нарсани сўзлаб берасан.
- Меҳмонхонадагига ўхшаб қандиллар билан ёритилган ошхонада холаси ўз тақсимчасига бир неча бўлак тўғралган чўчқа гўшти, ростбиф, товуқ тўшини солди. Алекс ўрнидан туриб, тақсимчани унга олиб берди, Мария Серена яна жилмайди:
- Бўлди, фаросатли йигит эканингни билдим... Яхшиси, ўзинг ҳақингда гапир.

#### 4

У қотиб ухлади ва барвақт уйғонди. Ўзини тартибга келтириб, ошхонага чиқди. Панчита қаҳва қайнатиб, таом тайёрлаётган экан. Алекс салом бериб, бошини хиёл энгаштирди. Аёл жавоб қайтармади. Қотмадан келган бу ҳинду хотин тим-қора сочларини ихчам ўриб, орқасига танғиб кўйган эди. У эски товада нон қиздира бошлаганда, Алекс кулиб юборишига сал қолди. Аёл тиши йўқлиги ёки соқовлигидан уялибми – лабларини қаттиқ қимтиб олганди. Бекаси каби пакана, аммо озгин ва ингичка эди.

Алекс унга мулойим боқди. Аёл итоаткорона, аммо гамгин нигоҳ билан жавоб қайтарди. Кўлларини ювди. Пешбандини ечди. Шол рўмоли билан кўкрагини ўради. Махфий эшикни очди. Остонадан ўтаётиб, йигитчага қайрилиб қаради. Одатда ҳеч қандай маъно сезилмайдиган юзида қандайдир хавотирлик акс этди, гўё у янги меҳмонни нимадандир огоҳлантирмоқчи бўлаётгандек эди. Чиқиб кетди. Алекс қаҳва ичди, сўнг ойнадан болалар тўп ўйнаётган боғни кузатди. Холалари ўликми-тирикми – билиб бўлмасди.

Алекс аввал боғга чиқди, сўнг уйни айланиб, Рибера-де-Сан-Косма кўчасига ўтди.

Ҳеч зог кўринмайди. Холалариникига ўхшаган эски иморатлар йўқ. Яқинда қурилган уйларнинг деразалари ланг очиқ, баъзиларининг ромлари қийшайган, ойналари синган, эшиклар олдида ахлат солинган қора қоплар ағанаб ётибди, қаватлар орасида тор йўлак чўзилган. У йўлакка кирди. Болохоналарда темир панжараларга кафтини тираган аёллар унга бефарқ қараб туришарди. Худди унга назар солишни ўзларига эп кўришмаётгандек. Катта кўчага чиқиб қолган Алекс йўловчи машиналар ҳаракати ва одамларнинг ғала-ғовурига дуч келди, нархи туширилган арзон моллар магазини лавҳалари, кийим-кечак, боққоллик, атир-упа, ширинликлар, ўткир пишлоқ ҳиди анқиб турган сут дўконлари қалашиб ётибди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Биров парво қилай демайди. Саломига алик оладиган одамнинг ўзи йўқ.

Тайинланганидек, уйга махфий йўл билан қайтди.

Мария Сенайда ошхонада қандайдир овқат пиширмоқда эди.

– Кўзимнинг нури! – у пешонасидан ўпди. – Бугун нима қилмоқчисан?

– Э-э-э, – талмовсиради Алекс, – ҳали шаҳарни кўрганим йўқ. Томоша қилишдан бошласаммикин?

Холасининг лабидан қулги ўчди:

– Мехико нотинч шаҳарга айланиб қолган. Кўчаларда сайр қилиб бўлмайди. Фалокат оёқ остида.

– Автобусга ўтираман. Ё такси ёллайман-да.

– Ўғирлаб кетишлари мумкин, – Мария Сенайда тахтада памилдори, пиёз, сабзини авайлаб тўғрамоқда эди.

У қулиб юборди.

– Ўғирлаб нима қилишади?

– Оломон орасида тез кўзга ташланасан. Чиройли йигитсан. Яхши кийингансан. Сени пулдор деб ўйлашади.

– Унда жинси кийиб, ич кўйлақда чиқаман.

– Қиёфанг ўзгармайди. Лочин осмонда яхши кўринади.

– Жуда ошириб юбордингиз-ку, холажон...

– Кўзичоғим... – холасининг кўзларига ёш тўлди.

– Беринг, пиёзни мен тўғрай.

– Йўқ, йўқ, мен ўзим, – у қулимсираб бош чайқади.

Соат иккигача ўз хонасида қаравотда ётди, сўнг Мария Сенайда билан тушлик қилгани чиқди.

Бу гал фақат бир хил таом – қуюқ сабзавот шўрва тортилди.

– Алекс, овқатланиб бўлганингдан кейин сайрга чиқақол.

– Эрталаб чиқиб келдим... Қизиқарли ҳеч нарса йўқ... Бундан ташқари, ўзингиз огоҳлантирдингиз-ку, мени...

– Қари лақманинг гапига ишониб ўтирибсанми?

– Майли, бажонидил айланиб келаман.

– Биласанми? – унинг кўзлари тик қадалди. – Кўшнилари бу ерда ҳеч ким яшамайди, деб ўйлашади. Чунки биз ҳеч қачон кўчага чиқмаймиз-да.

– Азиз холажон, – деди Алекс маънодор қилиб. – Мен – меҳмонингизман, нимани хоҳласангиз, шуни бажараман...

– Тентаккинам, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан...

– Кечиринг мени...

– Майли, кўчага чиқ... Майли, нима... кимдир... бизлар... ҳали яшаётганимизни билишсин...

Алекс ҳайратини яширолмади.

– Ҳали яшаётганимизни дейсизми? Демак, кимлардир сизларни ўлган деб ҳисоблашар экан-да?

– Кечирасан, нотўғри айтиб қўйдим. Мен «ҳали биз тирикмиз» демоқчи эдим...

– Тушунмадим, холажон. Сизлар тирик эканлигингизни ва ҳали ўлмаганлигингизни билдириш учун кўчага чиқишим керакми?

– Шундай.

– Унда махфий йўл нимага керак? Ахир ҳеч ким мени кўрмайди-ку...

Мария Сенайда бошини эгди ва йиғлаб юборди:

– Мен чалкашиб кетдим. Серена мендан ақллироқ. Майли, у сенга тушунтириб берақолсин.

Шиддат билан ўрнидан туриб, қуёндек сакраб, чиқиб кетди.

Алекс куннинг қолган қисмини китоб ўқиб ўтказди. Кутилмаганда хизмат мажбуриятидан халос бўлиб, бошқа юртга, бошқа бир уйга келиб қолган йигит кўпдан бери орзу қилиб юрган имкониятга эришганига шукур қилиб, ўзи билан бирга олиб келган ва ҳозир уни Париж билан боғлаб турган қадрдон нарса – Алфред Мюссенинг<sup>1</sup> «Аср ўғлонининг дил икрори»ни ўқий бошлади. Францияда яхши маълумот олган Алехандро де ла Гуардиа Мюссенинг шарофати билан Наполеондан кейинги давр муҳитига хос романтик руҳни ёқтириб қолган, лекин бу ҳақда ҳали ҳеч кимга оғиз очмаган эди.

У ҳатто кийиниш ва юриш-туришда ҳам ўша замон кишиларига тақлид қила бошлаганди.

«Одам вужудини эҳтирос эгаллаб олганда, – ўқиди у, – ақл унинг орқасидан эргашиб юради ва бўлажак хавфдан огоҳлантиради, одам ўзини қўлга ола бошлаши биланоқ бўлажак эҳтирос яна бош кўтарди: «Мен нима қиламан? Наҳотки мени ўлдиришни хоҳласанг?»

Бундай эҳтирос ғалаёнини ҳозир Францияда топиб бўлмайди. Чамаси, Мексикада ҳам. Алехандро де ла Гуардиа ёшлиқдан қолган одатига мувофиқ, бўлажак воқеаларни сабр-тоқат билан кутишга қарор қилди.

Ҳа, у даврнинг ҳақиқий баҳосини Мюсседан топган эди.

Айни замонда у Жорж Сименоннинг мўъжаз китобчаси – «Кичкинтой Донже ҳаёти»ни ҳам олиб келганди – бир неча китобни бирваракайига ўқишни ёқтирарди. Мюссе унга замон шиддатига қарши туришга ёрдам берса, Сименон ҳушёр яшашни ўргатарди. Ҳар икки ёзувчи Алексга отасидек бўлиб қолган.

Соат саккизда у овқатланиш учун Серена холасининг ҳузурига борди. Кекса хоним стол тўрида уни кутиб ўтирарди. Жойини эгаллаши биланоқ холаси унга буғи бурқираб турган қаҳвали финжон узатди. Кечки овқат бир бўлак бисквитдан иборат эди. Яна бошқа нарсаларни кутган ёш йигитнинг ҳайратга тушгани Мария Серена эътиборидан четда қолмади.

– Бизнинг Мексикада бунини «Меренда» дейишади. Енгил овқатдан кейин яхши ухлайсан. Денгиз сағҳидан икки минг метрдан баландда турганимизни унутма. Кечқурун бўкиб овқат есанг, мени кечирасан-у, кечаси билан даҳшатли тушлар кўриб чиқасан.

Алекс маъқуллаб жилмайди:

– Мамлакат одатларига амал қиламан.

Серена ниманидир кутиб ташвишланаётгандек унга қаттиқ тикилди.

– Мендан бирон нарса сўрамоқчи эмасмисан?

<sup>1</sup> Алфред Мюссе – француз ёзувчиси.

Алекс у нимага шама қилаётганини англаб, тусмоллади:  
 – Ҳа, ҳа, Сенайда хола кўча эшигидан эмас, махфий йўлакдан юриш зарурлигини яна бир марта эслатиб қўйди.

Серена бисквит бўлагини қаҳвага ботирар экан:

– Тўғри қилган, – деди.

– Яна кўчада кўриниб туришимни тайинлади.

У холасига ўхшаб бисквитни қаҳвага ботирди.

– Одамлар... сизларни... ҳали тирик деб ўйлаши учун...

Тили айланмай қолди. Доня Серена оғзидаги луқмани шошилиб ютди.

– Синглим бефаҳмлилик қилиб, гапини тўғри айтолмапти. У «тирик» эмас, «яшайди» демоқчи бўлган, яъни бу уйда ҳамон одамлар яшайди. Бор гап шу.

Алекс бўш келмади. Француз бакалаври – ақли ва тadbирли одамлар хилидан эди.

– Унда нега махфий йўлдан юрасан деб талаб қилаяпсизлар?

Кампирнинг унга қадалиб турган нигоҳи чил-чил синиб, сочилиб кетгандек бўлди, эски пенсне ойнаси устида сузиб кетаётгандек туюлган хира кўзлари жиянига бақрайиб тикилди. «Кўзи устида яна бир нигоҳи бор, – ўйлади Алекс, – бу виждон нигоҳи, у қоронғи зимистон қаърида, бир лаҳза бўлса-да, нималар кечаётганини кўрсатишга қодир».

– Бу – топишмоқ, – жавоб берди Серена оғзидаги луқмани ютиб.

Алекс мулойим жилмайди.

– Эртақларда одатда учта топишмоқ берилади, доня Серена. Ким еча, мукофот олади.

– Сен ҳам оласан, – жавоб берди кампир ёқимсиз жилмайиб.

«Енгил овқат»га қарамай тунда жуда ёмон ухлади.

Тўзғиб кетган хаёллари уни: «Қаерга келиб қолдим? Бу уйда нима бўлаяпти? Хатарли нарса йўқми? Одатдаги кўрқувми бу? Балки бемаъни ваҳимадир? Ёки мен сезмаган ғалати нарсалар борми?» сингари саволлар ичида ўртаниб чиқиши учун Рибера-де-Сан-Космада ўтказган бир кун етарли бўлди.

Назарида холалари икки ёнига ўтириб олиб, қулоғига тинмай шивирлашарди: «Ҳеч қандай хатар бўлмасин десанг, бирини танлайсан? Махфийликними? Ёки кўрқувними?»

Кўзи илинди дегунча доня Серенанинг оғзидан бояги «*pesadilla*»<sup>1</sup> сўзи қалқиб чиқарди. Бу французлардаги «*cauchemar*» ёки инглизлардаги «*nightmare*» каби ёқимсиз сўз. Сассиқкекирдик, лоҳаслик, хасталикка ўхшайди... Бадбўй нарсалар уфуриб туради.

– Уйимиздан нимани топмоқчи бўлаяпсан? Хужжатми, яширин бойликми, кўрқувми, сирми?..

У кўзини юмди:

– Э, нима бўлса бўлмайдами...

Худди тушида гапираётгандек:

– Танлаш – қопқонга тушиш демакдир, – деб қўшиб қўйди.

## 5

Ҳинду аёл Панчита кетган заҳотиёқ ошхонада Мария Сенайда пайдо бўлди. Алекс биронтасига ҳам эътибор бермади. Деҳқончасига пиширилган қуймоқни ҳузур қилиб еди. Бу ерда ҳамма худди осмонда

<sup>1</sup> Ёмон туш, даҳшат (*исп.*)



учаётгандек оёқ учиди юришарди. У эса, қасдма-қасдига олгандек, полга ётқазилган тахтачаларни тарақлатиб юра бошлади. Нимадир қарсиллаб кетди. Юпқа тахтача бардош беролмай, ёрилиб кетган эди. Алекс ўзини айбдор ҳис қилиб, чўнқайиб ўтирди-да, ёрилган жойни улашга уринди.

– Қўзичогим, нима қилиб қўйдинг?

Алекс қизариб кетди:

– Синдириб қўйдим...

Сенайда жилмайди:

– Болалар ҳамиша шундай. Парво қилма.

У болалар футбол ўйнаётган, чангиб кетган боғни кўрсатди:

– Қара. Улар қандай бахтиёр, беғубор...

Аммо шундай деб болаларга эмас, жиянига қаради.

– Наҳотки улар билан ўйнашни хоҳламасанг?..

– Холажон! – ошқора ҳайрат билан хитоб қилди у. – Мен катта бўлиб қолганман-ку!

– Нима, катта болалар футбол ўйнамайдими?

– Энди, нима десам экан?.. – Алекс вазмин бўлишга уринди. – Ўйнашади. Албатта, ўйнашади. Биласиз-ку, улар профессионаллар...

– Оҳ, болажоним, – хўрсинди кампир. – Наҳотки ҳеч қачон тўп орқасидан югурмаган бўлсанг?

Алекс истехзо билан жавоб қайтаришга оғиз жуфтлади-ю, дарров шаштидан қайтди, холасига гап уқтириб бўлмайди. Атрофингда норасталар тўлиб ётганда, болалар билан тўп ўйнаш... Аммо доня Сенайданинг беғубор нигоҳи ортиқча шубҳага изн бермасди.

– Биронта иш топишга киришмасам бўлмайди.

У оқ сочли бошини ўсмирнинг елкасига қўйди.

– Нега шошиласан, болажоним... Сабр қил. Аввал баландликка кўникиб ол.

Бу гапдан, кулиб юбораёзди. Аммо кейин эшитган гапи олдида буниси холва экан.

– Биз Серена билан шундай ёлғизмизки...

Алекс меҳри товланиб, унинг кафтини силади, аммо бошига қўл тегишига журъат этмади.

– Хавотир олманг, Сенайда хола... Ҳаммаси яхши бўлади.

– Тўғри айтасан. Ҳамма нарсанинг вақти бор.

– Вақтида яшаб, вақтида ўлиш керак, – жилмайиб таъкидлади у.

– Вақтида севиш ҳам керак, – кампир Алекснинг сочини силар экан, хўрсиниб қўйди.

Сенайда чиқиб кетди. Остонадан ўтаётиб, ўгирилиб қаради-да, қўли билан «хайр» ишорасини қилди. Ёш болага ўхшаган ўйинқароқ кампир...

Александр де ла Гуардиа хаёлга толиб қолди. Кун бўйи нима иш қилади, вақтни қандай ўткази?.. Сенайданинг «вақтида севиш керак» деган гапи уни хотиржам қилиш ўрнига баттароқ ташвишга солди. Хавотир уйғотди. У бу ерда бутунлай бегона – тан олиш керак. Холаларига ҳам, бу уйга ҳам, шаҳарга ҳам. Балки улар ҳақдир, кўчага чиқиши, об-ҳавога кўникиши, болаларга қўшилиб футбол ўйнаши керакдир?..

Аммо у доня Сенайда айтганидек, ўтган-кетганга опа-сингил Эскандонлар «ҳали тирик» эканини ёки доня Серена тўғрилаганидек, «ўйда одамлар яшаётганини» кўрсатиб қўйиш учун махфий йўлакдан кўчага чиқиш билан чекланди.

Лицейда муросою мадорага кўникиб қолгани туфайли бундай бири-

бирига зид ҳолатдан ажабланмасликка қарор қилди. Холалари одамларга ўзларининг тирикчилигини, уй кимсасиз эмаслигини билдириб қўйишни ростакамига хоҳласа, катта эшикдан кириб-чиқиб юргани маъқул эмасми?

У кўрган, эшитганларини синаб кўришга қарор қилди. Махфий эшикни очиб, кичкинтойлар футбол ўйнаётган чанг-тўзон боққа чиқди. Уни кўриши биланоқ болалар ёпирилиб келиб, нотаниш ўсмирга қизиқсиниб қарай бошладилар. Алекс уларга жилмайиб қўйди. Бир бола тўп узатди. Алекс уни беихтиёр тепиб юборди. Бошқа бола қабул қилиб олди ва дарҳол изига қайтарди. Алекс қўлбола дарвозани кўриб, кучли зарб билан тўпни дарвозага йўналтирди.

— Гол! — болалар бир овоздан қичқиришди.

Алекс шундагина дарвозабон йўқлигини пайқади.

Ғалаба жуда осон қўлга киритилганди. Аммо мўлжалга урилган тўп уни болалар ўйинига қизиқтириб қўйди. Бундан ташқари, унинг кўнгли кўтарилгандек бўлди, ҳатто хурсанд бўлиб кетди, бу кутилмаган вазият опа-сингил Эскандонлар уйида карахт қилиб қўяй деган эрксиз ҳолатдан қутқазадигандек туюлди, аммо миясига бирдан келиб қолган фикрдан ҳайрон бўлди — гўё бу ўйин ҳаёт йўлини кўрсатаётгандек эди. Футбол ўйнаш керак. Умуман, ўйин қилиш керак.

У боши билан тўпни ураётганда кўзлари беихтиёр юқори қаватга тушди.

Иккинчи қават деразасидан Серена ўқрайиб турарди. Бошқасидан Сенайда холаси меҳрибонлик билан боқарди. Бироз вақт ўтиб, тушликка кирганда иккинчи қаватда ғалати шовқин-сурон бошланди. У нима бўлаётганини англай олмай зинапоя олдида қотиб туриб қолди. Ҳа, кампирлар ўзаро жанжал қилишар, аммо овозлари жуда узоқдан келаётгандек ёки қудуқ ичидан чиқаётгандек босиқ эшитилар эди. Эшиклар икки марта тарақлаб ёпилди, қулоғига ўкириб йиғлаган товуш чалинди. Сенайда хола бу гал овқатланишга келмаслигини Алекс англади.

Ошхонага йўл олди. Мис идиш ичида қўзиқорин шўрва бор эди. Бошқа тақсимчага одатдагидек турли яхна гўшт бўлаклари солинган. Яна бошқасида иссиқ иқлимда пишадиган сархил мевалар тоғдек уйиб қўйилган, бунақасини у умрида кўрмаган эди.

Овқатланиб бўлгач, хонасига қайтди, Мюссени ўқиди, «Дил иқрори...» таъсирида ўзи ҳам бирон нарса ёзгиси келди.

Партага ўтирди. Қути бўшлигини биларди. Қўлини тикди ва нимадир қўйилганини сезиб, ҳайратдан донг қотди.

Қопқоқни кўтариб, расмлари бўяладиган бир қанча болалар китобчаларини кўрди. Ёнида бир уюм бўёқ қаламлар. «Мана сенга совға!» — жилмайди Алекс. Янги жумбоқ. Наҳотки у кеча партани кўздан кечирганда бу нарсаларни сезмаган бўлса? Кимдир — эҳтимол Сенайда — қалам ва китобларни қўйганга ўхшайди. Нима учун? Бу уйда ҳеч қачон болалар яшамаган-ку!

Китобчалар эса, — у варақлаб кўрди, — сана нотўғри қўйилмаган бўлса, роппа-роса ўн беш йил олдин босилган эди.

Китоб муаллифи — унинг ўзи!

Александро де ла Гуардиа. «Кичкина французнинг Мексикадаги саргузаштлари».

Варақлар бўм-бўш эди.

Тўғри фикр юритиш қобилияти уни тарк этаётгандай бўлди. Ўрнини ниҳоясиз кўрқув эгаллади. У ўриндиққа ётиб, кўзини ёстиқ билан

бекитди. Анча вақтдан кейин тинчланди. Кечки овқатни кута бошлади. Овқат пайтида ҳамма нарсга жойига тушади.

Серена хола кечки овқатга чиқмади. Алекс ўн дақиқа кутиб ўтирди... Ўн беш дақиқа ўтди. Столда тушлик қолдиқларини кўрди. Совиган шўрва. Гўшти бўлса, совуб қолгани етмагандек, ҳар жой-ҳар жойидан гажиб ташланган эди: гўё кимдир уларни тирноқлари билан қандайдир ҳайвоннинг тўшидан юлиб олган-у, одамни жиркантирадиган ҳолда ташлаб, кетганга ўхшарди.

Уни ваҳима босди. Уй оғир сукунат ичида эди. Ёш йигитча кўрқап-писа қадам ташлаб зинага яқинлашди. Ҳали бирон марта иккинчи қаватга чиқмаган эди. Холалари таклиф қилишмади. У эса яхши тарбия кўрган...

Зинапояларни оҳиста, қатъиятсиз босиб кўтарилди.

Ва ниҳоят, иккала хона эшиклари бир-бирига қарама-қарши жойлашган тор йўлакда тўхтади.

Ҳар бир хона остонасида патнис турарди.

Таомлар совуб қолган.

– Дарвоқе, улар яхна гўшт ейишади-ку,– ўзига тасалли берди Алекс.

Аммо уни қачон ейишади? Нима учун юқорида ейишади? Таомни ҳар гал пастга мен билан бирга баҳам кўришаётган эди-ку? Панчита азонда кетган бўлса, патнисларни бу ёққа ким олиб келди? Бири иккинчисигами? Аммо уларнинг бир-бирини кўришга тоқати йўқ-ку, бундай текин хизматкорлик нимага керак бўлиб қолди?

У пастга қаради.

Мария Сенайданинг эшиги олдидаги идиш қопқоғини кўтарди. Гўшт ҳашаротларга тўла эди. Қанақа дейсизми? Ўргимчаклар, сувараклар, яна аллақандай куртлар, чумолилар... Ҳаммаси ҳар ёққа ўзини урди.

Алекс шоша-пиша қопқоқни ёпди.

Галати аҳволга тушиб, иккинчи эшик олдидаги идиш қопқоғини ҳам кўтариб кўрди.

Шўрва. Томатдан қилинганми? Лавлагиданми? Карамданми? Сабрсизлик билан идишга бармоғини тикди, сўнг оғзига солди.

Қон. Қонли шўрва.

Қичқириб юборишига сал қолди.

Бармоғини артиб тозалади.

Қичқирмаганига сабаб, айна шу дақиқада Серенанинг эшиги орқсидан хўнграган йиғи овоз эшитилди.

У тақиллатиш учун қўлини кўтарди. «Нима бўлди?!» деб сўрашга оғиз жуфтлади.

Аммо бирдан тўхтади. Бемаъни бир фикр бошидан лип этиб ўтди. Нега энди у унсиз ўтирган Мария Сенайданинг эшигини эмас, Мария Серенанинг ноласи эшитилиб турган эшикни тақиллатиши керак?

У бўшашиб, кўрқиб кетди. Яхши тарбиягина жонига оро кирди. Йўқ, холаларининг шахсий ҳаётига аралашишга ҳаққи йўқ. Майли, улар қари қиз, телбаваш, ҳатто ақли қосир бўлганда ҳам, барибир ўз жигарбандлари. Ва у бу ерда меҳмон.

Қандай сездирмай кўтарилган бўлса, шундай пастга тушди ва ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилиб, ўз хонасига йўналди.

У ерда, худди меҳмонхонадаги каби, ёстигининг тагида зарҳал қоғозли шоколад тахтаси ётарди.

Александро уни очиб ўтирмади. Гўё кўпдан бери қопагон ит каби занжирда ушлаб келган-у, ҳозир бемаҳал уйғонган газаб алангаси ичида шоколадни очиқ деразадан боғ ичига улоқтириб юборди.

Кечки соат ўн эди.

Уйқу жунбушга келган оғир ўйлардан халос қилди.

## 6

Эрталаб уйғониб, эски одатига кўра қўлини ёстиқ остига тиққан Александро де ла Гуардиа яна нимадир борлигини сизди.

Ёстиқни суриб қўйди ва пижамага кўзи тушди. Бировники. Жаҳли кўзиб, уни олиб каравот устига ташлади. Бўйи калта — пакана одамларга мўлжаллангандай. Ёки гўдакларга. Ёқасига осилган ёрлиғига кўз югуртирди: айнан ўйлаганидек — «S», small.

Уни нима қилишни билмади. Холаларининг (улардан бошқа ҳеч ким хонага кирмаган) кераксиз совғасини шоколадга ўхшаб улоқтириб юборгани яхши, мактабдан қайтишида боғдан ўтадиган кичкинтойлардан биронтасига керак бўлиб қолар?

Кейин пижамани қаердан топган бўлса, шу ерда — ёстиқ остида қолдирган маъқул деган тўхтама келди. Бу — холаларига ёқадиган иш. Холаларига? Кечаги жанжални ҳисобга олмаганда, улар гаплашмайдилар. Бу ҳазиллар қайси биридан чиқаяпти экан? Улардан биттаси фақат тентак эмас, росмана ақлини йўқотган, деб ўйлади.

У ҳожатхонага кирди. Яхши душни қўмсаганига қарамай, нобоп ваннага тушди. Аксари идиш артишда ишлатиладиган, ҳозирги юмшоқ сочиқларга қараганда, сувни кам шимадиган бўз сочиқда артинди. Буни ҳам тушунса бўлади, опа-сингиллар бошқа замонда қолиб кетишган-ку, ахир.

Юзи ва энгагига совун сурди — ўн беш йилдан бери эрталаб соқол олишга одатланган. Ўз аксини ойнада кўриш учун беҳосдан бошини кўтарди.

Ойна йўқ эди.

Олиб қўйишибди.

Деворда унинг ўрни — хира тўртбурчак из турибди. Биз унга — ёқимтой ажойиб қиёфадошимизга ҳеч қандай илоҳий тус бериб қарамаймиз. Кундалик рўзгор буюми деб ҳисоблаймиз. Алекс шоирона туйғуларга берилди ва болалигида «Синематика»да кўп марта кўрган «Орфей» кинофильмидаги ойна — Коктони эслади. Бу ойнадан худди сув ичида юргандек нариги томонга — тўғрироғи, ҳаёт бағридан ўлим қаърига ўтиб кетиш мумкин эди. Фильмда шундай тасвирланганди.

Эрталаб ошхонада Панчита кўринмади. Уни чиройли пешбанд тақиб олган сенорита Сенайда қаршилади.

— Бугун қандай ухладинг, кўзичоғим, — меҳрибонлик билан сўради у. — Яхшими?

Александро бошини тебратди ва унинг қўлидан қуймоқли тақсимча билан бирга долчин ва яна нималардир кўшилган қаҳвали чинни финжонни олди.

— Шоколад учун раҳмат, — деди у иложи борича вазмин оҳангда.

— Ёқдимми? — иш билан банд холаси қайрилиб қарамади ҳам.

— Бўлмасам-чи! — лоқайдроқ овозда жавоб берди Алекс.

— Азиз жияним, — Сенайда ишини тўхтатмай туриб давом этди. — Сен ҳам билиб қўйсанг зарар қилмайди... Ёшлигимизда Серена иккаламиз бир-биримизни жуда яхши кўрардик. Ўпишардик, қучоқлашардик, эркаланардик, хушчақчақлик қилардик...

Биласанми, шундай ажойиб одат бор. Бизга мерос бўлиб қолган, доим унга амал қилардик.

– Биладан, биладан, – Алекс жонланди. – Мен XIX аср инглиз романларини ўқиганман. У даврда шундай одат расм эди. Ҳозир бу ғалати кўринади...

Алекс тутилиб қолди. Сенайданинг юзига қандайдир соя чўккандай эди.

– Кексайганда ҳаммаси бошқача бўлади. Қариганингда ҳеч ким керак бўлмайди сенга. Бегоналар қўлида қоласан. Етти ёт бегоналар. Буларнинг бари қариллик талвасаси.

Алекс беихтиёр пайдо бўлган ёқимсиз ғашлик йўқолишини кутиб турди. Ахир холаларига у хат ёзиб мурожаат қилган, холалари эса уни бажонидил қабул қилишга розилик билдирган эди.

Аммо бошқа-бошқа хат ёзишганди. Аслида бирга ёзишлари лозим эди. Доя Сенайда гапини хотиржам давом эттирди:

– Буларни билиб қўйсанг дейман, ўғлим... Нима учунлигини билмайман-у, мен Серенани яхши кўраман. У ёнимда бор экан, бошқа ҳеч ким кўзимга кўринмайди.

– Эшитганимдан хурсандман, Сенайда хола.

– Ростини айтсам... – деди у қандайдир ғалати оҳангда. – Аслида ёвузлигимиз ҳам – муҳаббатимизнинг бир бўлаги.

У қўлини пешбандига артди, бир-бирига ўхшаган бу кекса кампирга Алекснинг меҳри товланиб кетди.

– Холажон... Келинг, бирга айланиб келайлик... Кинога тушамиз. Ёки ресторанга борамиз.

– Мехико кўчаларида юриш хавфли деб сенга айтмаган эдими? – хитоб қилди у ваҳима билан. – Тажовуз қилишлари, талашлари, ўғирлаб кетишлари мумкин. Безорилар ва ҳар хил қаланғи-қасанғилар тўлиб ётибди... Диёнатли аёл эмин-эркин сайр қилолмайди...

– Мен сизни ҳимоя қиламан, – деди Алекс жувонмард меҳмонлигини исботлагиси келиб.

– Йўқ-йўқ, – оқ сочи бошини тебратди кампир. – Ҳеч ким мени ҳимоя қилолмайди. Деразадан қарагин-чи.

Алекс қаради ва полициячи қандайдир кекса дайдини тўхтатганини кўрди.

– Кўряпсанми? – шивирлади Сенайда.

– Албатта, кўраяпман. Демак, шаҳарда кўриқчилар бор.

Сенорита деразага тескари ўгирилди.

– Агар хоним ёлғиз бўлмаса, унда, ким билсин, балки...

– Сиз ҳам, синглингиз ҳам узоқ вақт узлатда қолиб, ўзингизни тириклай кўмиб қўйганингизни наҳотки сезмаётган бўлсангиз?

Холасининг катта-катта очилган кўзларида даҳшат акс этди:

– Кўзичоғим, сен нега тушунмаяпсан? Серена билан биз узлатда эмасмиз. Ана улар, кўчада юрганларнинг ҳаммаси ўлган одамлар...

– Кечирасиз, – Алекс қўлидан финжонни тушириб юбораёзди.

– Худди шундай, кичкинтойим, буни шу пайтгача нега пайқамадинг?! Кўчада орқа-олдига қараб юраётганларнинг ҳаммаси... Улар аслида йўқ одамлар. Йўқ, Алекс. Уларнинг ҳаммаси соялар. Фақат буни ўзлари билишмайди.

Ҳаммаси равшан, ўйлади Алекс, шунча вақтдан бери ёруғ дунёга чиқмаганингдан кейин чирий бошлайсан-да, ҳозир эшитганинг ҳолва, кўзингга бундан баттар сирли ҳодисалар кўриниши тайин. У суҳбатни табиий ўзанга бурмоқчи бўлди, аммо шу заҳотиёқ фойдаси йўқлигини англади, чунки бу уйдан ҳақиқат қувғин қилинган эди.

- Майли, ундай бўлса, мен бу ерда ёнингизда бўламан.
- Йўқ, вақтим бекорга кетади.
- Биз уни бирга ўтказамиз.
- Тентагим, у пайтда бутунлай бошқа вақт бўлади.

Кампир ошхонадан чиқди. Нонуштадаги суҳбатдан безовта бўлган Алекс, жодуга учраган бу уй таъсиридан тезроқ қутулиш учун кўчага чиқиб сайр қилишдан ўзга чора тополмади. Соат эрталабки ўн. Бу пайтда унга ким ҳам ҳужум қилади?

У боққа кириши билан ўлиб ётган кучукваччага кўзи тушди — бундай эгасиз, дайди, қўтир кўппакларни на ит деб, на бўрибосар деб атаб бўлмади.

Унинг мурдаси ёнида Алекс бугун эрталаб деразадан улоқтириб юборган шоколад ўрамаси ётарди. Урама бўш эди. Итнинг иржайган оғзи қора кўпикка беланган.

Кўнгли айнаб, беҳузур бўлди. Вужуди кўркүвдан дағ-дағ қалтиради. Ахир шу шоколадни еб кўйиши мумкин эди-ку. Ҳозир каравотда ўлиб ётган бўларди. Ақл бовар қилмайди! Нима учун? Нега? “Холаларимнинг уйи Мехико кўчаларидан минг чандон хавфли!» — бу фикр миясида чақмоқдек чақнади.

Даҳшатни енгишга қурби етмасдан боғни айланиб ўтди. Рибера-де-Косма кўчасига чиқиб қолди. Биноларининг ғариблиги ва магазинларининг кўплигини ҳисобга олмаганда арзийдиган ҳеч нарса йўқ. Одамлар сийрак, гивирлаб у ёқдан-бу ёққа юришади, магазинга киришади, газета сотиб олишади, оддий ресторанларда тушлик қилишади...

Ногоҳ кўз ўнгида ғалати рўё намоён бўлди.

Мустамлака меъморчилиги услубида қурилган, йўлаги кенг бино. Сўнги барокко санъатининг намунаси. Сирли улуғворлиги билан ҳайратга соладиган бу муҳташам иморатдаги гўзаллик ва нафисликни бирданига англаб олиш қийин, у ўзига хос диққат ҳамда назокатни тақозо этади...

Алекс кираверишдаги тахтачани ўқиб, бу ерда 1955 йилдан бери Мехико университетининг фалсафа ва тил-адабиёт факультети жойлашганини билиб олди. Бинонинг ўзи «Маскаронес» номи билан машҳур эди. У зинадан уч-тўрт поғона кўтарилди ва ҳовлининг кенглиги, барча бурчакларининг бир-бирига мутаносиблигидан ҳайратга тушди. Улкан тош зина икки қаватни бирлаштириб турарди.

У ҳовли ўртасида тўхтади. Оралиқдаги бўшлиқ аста-секин кулаётган, баҳслашаётган, гўнғирлаётган, виқор билан сўзлаётган ҳар хил товушларга тўлиб кетди, улар оҳангдорлигини йўқотмасдан тобора баландлаб, бир-бири билан қоришиб борарди, ана шу шовқин-сурон ичида Алехандро де ла Гуардиа шахсий овозини — бошқаларникига ҳеч қачон аралашиб кетмайдиган ўз овозини ажратиб олди, жонли, аммо илғаб бўлмайдиган, ўзиники эканини билиб турса ҳам, аслида ўзиники бўлмаган бу овоз уни аллақандай ўзидан ташқаридаги даҳшатли, ниҳоятда даҳшатли сирли фалокат сари етаклаб бормоқда эди...

У саройдан отилиб чиқди ва орқа-олдига қарамай, кўча бўйлаб чопиб кета бошлади. Келаётган трамвайни ҳам сезмади, трамвай уни бир лаҳзада қувиб етди ва уриб ўлдирди.

У кўзини очди. Рибера-де-Сан-Космада трамвай қатнамасди. Карахт ҳолда кўча ўртасида туриб қолган эди. Ерга қаради. Бир маҳаллар кўчага ётқазилган рельслар, ейилиб кетган, аммо минг-минглаб ўтадиган автомобиллар изларни йўқотиб юбора олмаган эди...

Совуқ тер чиқиб кетди. Ўлиб қайта тирилгандек бўлди. Соатга қаради — икки. Сенайда хола тушликка қутаяпти. У шайтондан баттар — бирдан вужудида норозилик уйғонди. Ёлғиз ўзи шаҳарда овқатланишни хоҳлаб қолди. Айни шу дамларда одамлар идоралардан, магазинлардан, мактаблардан чиқишаяпти... Ресторанлар, қаҳвахоналар, барлар, тамаддиҳоналар... Гавжум оломон Алексни беихтиёр катта кўчадан ёнбошга — бу шаҳарда ўзи биладиган, ягона бино — холаларининг уйи томон бурилишга мажбур қилди.

Ўлиб ётган ит ва ҳозир юз берган ҳодисадан кейин Сенайда ва Сереналар билан бир столда ўтириб овқатланиш нечоғли оғир бўлишини ҳис қилди. Чўнтагига қўл солиб, яна бир муаммога дуч келди: опа-сингил Эскандонларнинг меҳмондўстлигига маҳлиё бўлиб, Мексика пулларини қолдириб чиқибди. Шунда у боққа қайтиб кириб, сира хаёлига келмаган, ножўя, салгина аввал ҳатто ўйласа, жирканиб кетадиган ишга қўл урди. Назарида бу иш ихтиёрига бўйсунмайдиган ёвуз бир куч таъсирида, кимнингдир талаби билан бўлаётгандек эди.

У қўлини чўзинчоқ ахлат қутисига тикди. Бирон егулик нарса топиш илинжида. Кути ичига энгашар экан, бошқа бир қўлга тегиб кетиб, даҳшат ичида ўзиникини тортиб олди. Бошини буриб, эрталаб полициячи олиб кетаётган кекса дайдининг нигоҳига дуч келди. Алехандро қарияга, қария эса унга тикилиб қолди. Дайди кўра олмасди. Кўр эди. Кўзи тумандек парда тўсиб қўйган оқ суюқлик ичида эриб кетганга ўхшарди.

— Итимни ўлдиришди, — деди қария. — Мени эса қамашди. Гўё мен уни ўлдирган эмишман. Нега мен ўзимнинг ёлғиз дўстимни, йўлбошловчимни ўлдирар эканман, ахир у билан кўчаларда бирга изғиб егулик топар эдик-ку. Менга раҳм қилиб айтинг-чи, нега? Итимни Мирамон деб чақирарди.

У сўқир кўзлари билан Алекснинг юзини пайпаслагандек бўлди.

— Оғайни, бирон марта ит гўшти еб кўрганмисиз? Биласизми бунинг ёмон жойи йўқ.

Оҳиста ҳиринглади.

— Очлик — холанг эмас.

Алекс бу илвиллаб қолган қария олдида бирон сўз айтишга ожиз, эси оғиб турарди. Майли кўр қария уни соқов деб ўйлай қолсин.

— Мендан бошқа ҳеч ким бу ахлат қутисини билмайди. Бутун маҳаллада энг яхшиси. Бу ерда яшайдиганлар ҳеч нарса емайди шекилли, ҳамма нарсани келтириб ташлашади.

У опа-сингил Эскандонлар уйини адашмай кўрсатди.

— Чамаси, муқаддас руҳлар билан озиқланишса керак, — кўр қария хоҳолаб кулди-ю, аммо дарров тушкунликка тушди. — Энди Мирамонсиз қандай кун кўраман? — У кетаётиб, ўзича: вов, вов! — деб қўйди.

Куннинг қолган қисмини Алекс китоб ўқиб ўтказди ва Серена холаси билан овқатланишга ўзини руҳан тайёрлашга уринди. Кампир кечки таомга албатта келади, деб кимдир уни ишонтираётганга ўхшар эди. Ҳақиқатан ҳам холаси олдида одатдагидек гўштли таом қўйиб, уни кутиб ўтирарди.

Алекс у билан мулойим саломлашди, омон қолишнинг ягона йўли шу: гўё фавқулодда ҳеч нарса бўлмагандек ўзини тутиш ва бир-бирини ниҳоятда ёмон кўрадиган опа-сингилларни тумандек чулғаб олган сирли дунёсига кириб қолмаслик...

— Дастурхонга марҳамат, Алехандро, — Серена ўта назокат билан таклиф қилди. — Кечаси сени безовта қилганимиз учун узр.

У хўрсинди.

– Сен тўғри тушунгин, узоқ йиллардан бери бирга яшаб келган ва ҳеч кимга кўшилмаган кекса аёлларда баъзан озгина телбаликлар бўлиб туради...

– Озгина? – қайта сўради жияни муғамбирлик қилиб.

– Буларнинг ҳаммаси жуда ғалати, болагинам... Панчитадан бошқа, биласанки, у ҳам соқов – бизникида ҳеч ким бўлмайди. Бу эса ҳар хил ғийбат ва миш-мишларни туғдиради. Мен синглимга: «Вақти-вақти билан кўчага чиқиб турайлик», – деб айтдим. У бўлса: «Йўқ, уйни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Биронтамиз ҳар доим уйда бўлишимиз керак», – дейди.

У бир оз кавшаниб турди. Ютинди. Салфетка билан лабларини артди. Алехандро кутиб туриб, у гўшт олган жойга қўл узатди, фақат шу йўл билан заҳарланишдан сақланиш мумкин.

– Кейин навбатма-навбат чиқайлик деб таклиф қилдим унга, – кампир гапини тўхтатмади. – У чиқади, мен қоламан, кейин тескариси. Биласанми, у қандай жавоб қайтарди?

Алехандро бош чайқади.

– Агар якка-якка чиқсак, одамлар бошқаси ўлган деб ўйлашади, деди.

– Аммо бирга бўлмаса ҳам, кўчага чиқсангиз, одамлар ундай дейишмас эди.

– Йўқ. Фақат биримизни кўрса, у шеригини ўлдирган деб ўйлашади.

– Бекор гап! Бундай бўлиши мумкин эмас! Нима учун? Нега?

– Меросни эгаллаш учун.

Кутилмаган, айни замонда жуда табиий айтилган бу сўзларга Алекс ишонмаган бўлса-да, ўйинни тўхтатгиси келмади.

– Мерос шунчалик каттами?

– Унинг ҳисоб-китобига етиб бўлмайди.

– Ҳа-а, – чўзилди жияни.

– Қўча эшикдан кирма деб нега огоҳлантирганимизни биласанми?

– Ўйлаб тополмаяпман.

– Бизнинг ўлик ёки тирикчилигимизни ҳеч ким билмаслиги керак.

Меҳмон эса...

– Тушунмадим. Нималар деяпсиз? – Алекс чидаб туролмади.

– Сабр қил. Ортиқча қизиқиш, болагинам, фалокат келтиради.

– Яхши-яхши. Жим туриб эшитаман.

Телбалик билан ғурур кўшилиб кетди шекилли, Серена жиянига тик қараса-да, юмшоқ гапирди:

– У ёқда, шаҳарда бизни соялар деб ҳисоблашади. Уйда меҳмон бўлса, бунга ким ишонади дейсан?

Алехандро холасини ранжитмаслик учун кулгисини яширишга уринди. Бироз истеҳзо аралаш:

– Ҳар бир уйда эгасига қиёфадан шарпа бўлади, деб эшитган эдим, – деди.

– Худди шундай. Аммо у қиммат туради, яхшиси буни суриштирмаган маъқул.

Холасининг кўкрагидан титроқ кулги отилиб чиққандек бўлди. У қўлини силтади. Беўхшовлик қилиб қадаҳни туртиб юборди. Қизил шароб дастурхонга тўкилди. Оқ сурп доғ бўлмади.

Холаси Алехандрога илтижо қилаётгандек қаради.

– Марҳамат қил... Менга ишон... Ёвузчилигимиз – аслида муҳаббатимизнинг бир бўлаги...



– Сенайда холанг билан ҳар замонда тортишиб қолганимизга қарамай, бир-биримизни яхши кўрамиз демоқчимисиз?

– Йўқ-йўқ! – деди у биров бўғаётгандек бошини орқага ташлаб. – Сенга бўлган муҳаббатимиз ҳақида гапираяпман.

– Сизга бир нарса бўлдим, холажон? Оғриб қолмадингизми?

Дўхтир чақирайми?

Кампирнинг кўзлари совуқ ярақлади.

– Дўхтир дейсанми? Эсингни еб қўйдингми? Қани, хонангга жўна! Тез бўл! Сен жазоланасан! Кечки овқатдан қуруқ қоласан.

– Холажон... – Алекс жилмайишга уринди.

– Холанг нимаси?! – ўшқирди у. – Мен онанг бўламан!

Йигит шартта: «Онам Лусия яқиндагина Парижда вафот этди, руҳини безовта қилманг, илтимос», демоқчи бўлди, аммо ўзини босди. Фойдаси йўқ. Кўнгли алағда ҳолда хонасига қайтар экан, қадаҳ тагида қолган кўз зўрга илғайдиган шароб юқини, унинг ҳиди ва рангини хўрсиниш билан эслади.

Доня Серенанинг миясига бояги фикр қаердан келиб қолди? Қандай қилиб у – қари қиз ва тумса кампир – Алехандро де ла Гуардианинг онаси бўламан деб даъво қилаяпти? Наҳотки, у йигирма етти йил олдин Парижда туғилганини Рибера-де-Сан-Косма кўчасидаги уйида қамалиб, бисқиб ётган опа-сингил Эскандонлар билишмаса?!

XIX аср романлари учун зўр мавзу. У, Алехандро, Серена туғиб, яширинча Парижга – онам деб юрган энг азиз кишиси – Лусия Эскандон де ла Гуардига жўнатилган ташландиқ бола. Уни қайсидир етимхона ёки черков эшиги ёнига, қор устига ташлаб кетишган... Зиддиятларга, фитналарга тўла тугунлар, бой сюжет имкониятлари мана-ман деган ёзувчининг ҳам ақлини шошириб қўяди... Лицейдалигида мажбурий ўқиладиган асарлар рўйхатида Дидронинг «Жак-фаталист» номли ажойиб китобчаси ҳам бор эди. Асар қаҳрамонлари – Жак ва хўжайини чорраҳада ғалати жумбоққа дуч келдилар. Энди улар ё ажралиб юришлари ёки бирга кетишлари, ё монастырга бориб назоратчи билан улфатчилик қилишлари ёки меҳмонхонада тунаш каби имкониятлардан бирини танлашлари ва ҳикоя сўзлашлари лозим эди...

Мана энди ўзи шундай аҳволга тушиб ўтирибди. У холаларидан узр сўраб, бу ердан тезроқ чиқиб кетиши, меҳмонхонадан жой олиши, «йўл чек»ларини мексика песоларига алмаштириши, Рибера-де-Сан-Космадаги бу уйни ҳам, ярим телба хонадон эгаларини ҳам бир умрга унутиши лозим.

... Меҳмонхона ёнидан ўтаётганда опа-сингилларнинг ўзаро гўнғир-гўнғири эшитилди. Ҳайрон қолиб, бир оз иккиланиб тургач, қулоқ сола бошлади.

– ...Худога шукур қилишимиз керак, Серенита. Лусия ўлими олдидан сен билан мени ўйлаб, ёқимтой болакайни бизга юборибди, у кексайган чоғимизда овунчоғимиз, меҳрибон йўлдошимиз бўлади... Ундан воз кечмагин.

– Қанчалик донолик қилган-а! Марҳумалар билан бирга бўлсин деб марҳумни юборганини қара.

– Шошилма, опажоним. У ҳали буни билмайди.

– Лусия ҳам билган эмас. Кўп йил бўлди кўришмаганимизга.

– Ҳозир у, шубҳасиз, биздан рози...

<sup>1</sup> Д и д р о – француз файласуф адиби.

– У ёқда арши аёлода...  
 – Ҳозир юқоридан бизга қараб тургандир...  
 – Бу тентакча бўлса, ҳалиям ўлганини билмайди.  
 – Қўй, буни эслатма... Трамвай гилдираклари остидаги бемаъни ўлим... Уйдан икки қадам нарида...  
 – Қандай даҳшат! Ҳали гўр бола! Ўн бир ёшда.  
 – Ўзингни тут, йиғлама. У биз билан бирга ором олади.  
 – У ким биландир ўйнаши ҳам керак-ку.  
 – Ўзинг биласан-ку, бу ёғи бизга боғлиқ.  
 – Агар сен билан мен тотув яшасак...  
 – Бу шарпани тортиб олади деб ўйлайсанми?  
 – Сендан ҳамма нарсани кутиш мумкин, кўзларингда ҳасад бор.  
 – Мени кўзларимда ҳасад борми? Ким шундай деса...  
 – Сеникида! Сеникида! Ҳамма нарсадан маҳрум бўлгансан – севги, эр, оналик бахти – улар менга насиб этди, сен эса биронтасини ҳам кўрмадинг, ярамас ҳасадгўй!

– Бас қил, аҳмоқ!  
 – Ўзинг бас қил! Қайси гуноҳларим учун мени Парвардигор сенга дучор қилди?! Неча йилдан бери шу ярамас аравани судраб келаман, сени гуноҳларингни енгиллаштирай деб ҳамма нарсамни қурбон қилдим, ҳамма нарсадан воз кечдим!

Сенайда ҳўнграб йиғлади.

– Бағринг тош сенинг, Серена. Ёлғизликда ўтаётган умримизга қувонч бағишласин деб тақдир бу болажонни йўллагани учун миннатдор бўлишинг керак.

– Қани у, ўзи йўқ-ку, ахир! У мавжуд эмас! – алам билан ўшқирди Серена. – У бизники эмас!

«Мени йўқ дейишяптими? – ичида унсиз хитоб қилди Алехандро де ла Гуардиа. – Мен мавжуд эмасман» – бу сўзлар уни дастлаб ўта аламли, сўнг бутунлай самимий жилмайишга мажбур қилди. У хоҳолаб юбораёзди.

– Мен йўқман! Мен мавжуд эмасман! – хонасига қайтар экан, шундай деб кулар эди.

Орқасига қарамади, шу туфайли сенорита Эскандонлар уни кузатаётганини сезмай қолди. Сенайда Серенага суяниб олган, Серена мармар тутқичи бўри қаллали ҳассасига таянган эди. Иккаласи ҳам гапларини жияни эшитганидан мамнун, кулимсираб қараб туришарди...

## 7

Алехандро эртагаёқ бу ердан жўнаб кетаман деган қатъият билан хонага кириб борди. У олис парвоздан толиққан, бу ер ҳар жиҳатдан қулай, пули ҳам кўп эмас эди, аммо иложи борича тезроқ бу ердан кетмаса бўлмайди.

Кирди-ю, чироқни ёқди.

Каравотга кичкина пижама тахлаб қўйилганди.

Шу жойда, каравотда, шунингдек, стол устида ўйинчоқлар тоғдек уйиб ташланганди. Духоба айиқчалар, ичига сомон тиқилган йўлбарслар, қўғирчоқлар, вагонлари ва паровози бор темир йўл, жажжи пойга автомобиллари, қизил мундир кийиб, милтиқ кўтарган, қалайдан қўйилган бутун бошли инглиз аскарлари армияси, гилдиракли конькилар, ер шари, чиллак доналари – ҳаммаси ўғил болаларнинг овунчоқлари. Қизлар ўйнайдиган ҳеч нарса йўқ.

У ҳожатхона эшигини очди. Ваннанинг бўғзигача сув тўлғазиб қўйилган, сув устида резина ўрдакча сузиб юрар, елим сув париси қалқиб турар эди. Сув парисидан таралаётган куй Алехандронинг вужудини чулғаб, ерга михлаб қўйгандек, мафтуну лол айлаб, зўр бериб ўзига чорлаётгандек бўлди. Куй гўё денгиз пучмоқларидан чиқар, бу эски тоғора океаннинг шўртанг мусаффо қатраларини бағрига жойлаб олган-у, кундузги толиқишлардан қутқариб, ҳордиқ ва тетик руҳ бағишлашга ваъда қилаётгандек туюлди – у ана шунга муҳтож эди, ақлу ҳушини жойига қўйиб, бу хонадонни чулғаб ётган барча телба-тескариликлардан тезроқ қутулиб кетиш учун озгина бўлса-да ҳордиқ олишни ниҳоятда хоҳламоқда эди.

У шошилмай ечинди ва сув ичига тушди. Кўзларини юмиб, бир парча кир совунни баданига суртиб чиқди.

Сўнг шиддат билан ваннага ўтирди.

Қаншарини ювар экан, нимадир етишмаётганини сезди. Сочлари тўкилиб кетган эди. Пешанасига совун суркади. У ҳам чақалоқларникига ўхшаб силлиқ бўлиб қолган эди.

Алехандро даҳшатга тушиб, ваннадан сакраб чиқмоқчи бўлди, тепасида Сенайда билан Серена кулимсираб қараб туришарди.

– Чўмилиб олдингми?

– Кел, артиб қўямиз.

Алехандро беихтиёр қаддини ростлади, агар бошини кўкимтир – кулранг сув ичига тикса, қайта туриб кетолмаслигидан қўрқди. У уят жойини кафтлари билан тўсди, холалари уни чойшабга ўраб, баданини авайлаб артишар ва мулойим хитоб қилишар эди:

– Болажоним...

– Кўзимнинг нури...

– Хазинам...

– Кўғирчоғим...

– Мунчалар ширин бўлмасанг...

– Шумтака, шумтака...

– Кўчадан ўтаётганда кўзингга қараб юр деб неча марталаб тайинладик-а...

– Оҳ, бу трамвайлар, трамвайлар...

Улар Алехандрони хонадан етаклаб чиқдилар, узун йўлақлар, даҳлизлардан ўтиб, ертўла эшиги олдида олиб келдилар. Алекс ақлини йўқотиб бораётганини сезди, аммо ғира-шира бўлса-да, холалари ўзаро низоларини йиғиштириб, бирлашиб олишганини, уни эркалатмай қўйишганини англади.

Энди улар хавфли кимсаларга айланишган эдилар.

Ертўлага тушиладиган эшикни очдилар.

Ана шунда огоҳлантиришларнинг маъносини тушунди.

– Кўча эшигидан фойдаланма.

– Тирик эканимизни ҳеч ким билмасин.

Йўқ! У бу ерда бўлганини ҳеч ким билмаслиги керак. Бу уйда икки-уч кун тургани махфий сирлигича қолиши керак! – Бу фикр бошида чақмоқдек чақнади.

Пастга тушдилар. Моғор ҳиди нафасни бўғадиган даражада. Ўтган асрдан қолган жомадонлар устма-уст тахланган, ёғоч яшиқлар сочилиб ётибди. Маъюс хира шуъла тушиб турибди. Нега чироқни ёқишмайди? Нега уни тор, аммо ахлат ва кўмир уюмларидан тозаланган бурчакка олиб боришмоқда?

– Нега қочдинг? – сўради Сенайда.

- Кўча хавфли деб кимга айтилган эди? – сўроққа тутди Серена.  
– Қандай қилиб трамвай тагига йиқилиб тушдинг?  
– Ва ҳалок бўлдинг?  
– Энди сен дам оласан, – Сенайда оқ шоҳига ўралган очиқ тобутни кўрсатди.  
– Энди сен бизнинг болажонимиз бўласан, – шивирлади Серена.  
– Бизники? – журъат этди Алехандро. – Қайси бирингизники?  
– Оҳ, – хўрсинди Серена. – Буни ҳеч ким, ҳеч қачон билмайди.  
– Майли, яхши, етади, – гўлдиради Алехандро. – Ўринсиз ҳазил бўлди. Тепага чиқайлик. Эртага кетаман. Хотиржам бўлинглар.  
– Эртага? Нима учун? Уйимиз сенга ёқмаяптими? – чеҳраси очилиб жилмайди Сенайда.  
– Эртага? – бақирди Серена акс садо қайтараётгандек, сўнг иккинчи тобутни кўрсатди. – Йўқ, Алехандро, эртага эмас. Ҳар доим. Болажонимиз ёлғиз зеркиб қолди.  
– Қани, Алехандро, каравотга ёт, мана у – ёнгинангда турибди.  
– Бу жой ниҳоятда қулай. Ипак билан ўраб қўйилган.  
– Ётақол, Алекс. Ўраниб ол, кичкинтойим. Абадий ухла. Энди доим ўғилчамиз ёнида бўласан. Мана шундай.  
– Оҳ, Алекс, нега шоколадни емадинг-а?.. Ҳаммасидан осонгина қутулган бўлар эдинг-ку.  
Ёруғлик аста-секин сўнди.

*«Иностранная литература»  
журналининг 2005 йил,  
10-сонидан олинди.*



## Ошиқ ВЕЙСАЛ

# Саховат тупроққа берилмиш Ҳақдан

### СОДИҚ ЁРИМ

**Д**ўстим дея нечасига ёлвордим,  
Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.  
Беҳуда талпиндим, бекорга ҳордим,  
Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Неча гўзалларга боғландим, чопдим,  
На бир вафо кўрдим, на фойда топдим,  
Ҳамма истаганим тупроқдан топдим,  
Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Қўйлар берди, қўзи берди, сут берди,  
Емак берди, екмак<sup>1</sup> берди, эт берди,  
Токи гўрга кирмагунча қут берди,  
Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Одамдан бу кунга наслим етказди,  
Менга турли-турли мева етказди,  
Ҳар кун мени елкасида юргизди,  
Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

<sup>1</sup> Э к м а к – нон

### СЎЗ ВА СОЗ УСТАСИ

Туркияда саз шеърияти, яъни бахшилиқ санъатининг етук намояндаси Ошиқ Вейсал халқ оғзаки ижодида ўзига хос мактаб яратиб, ўчмас из қолдирди.

Туғма истеъдод соҳиби Вейсал Шотир ўғли 1894 йилда Сивас вилоятининг Шарқишла туманидаги Сивралан қишлоғида туғилди. Вейсал болалигида бахтсиз ҳодиса туфайли бир кўзидан айрилган, кейин сув чечаги касаллигидан иккинчи кўзи ҳам кўрмай қолганди.

Бахши тўққиз-ўн ёшлариданоқ саз чалишни ўрганиб олади. Отаси Ўртақўргондаги Мустафо Абдал хонақоҳидан синган саз топиб келади; “Боланинг кўзи кўрмайди, қишлоқ болалари билан ўйнаб-қулломайди. Ҳеч бўлмаса шу саз билан овунсин”, дейди. Сивралан қишлоғида Ҳусайн деган киши бўларди. Уни Мулла Ҳусайн дейишарди, саз ҳам чаларди. Вейсалнинг синиқ созини таъмирлаб, елимлаб, ичакдан парда тортиб тузатади. Шундан сўнг у ошиқ-бахшиларга қушилиб, қишлоқма-қишлоқ кезади, саз чалиб, шеър – турку айта бошлайди. Али исмли бир бахши унга устозлик қилади. Вейсал турли бахшилар айтган қўшиқ ва термаларни тинглаб, шеър ҳамда мусиқага қизиқиши орта боради. Мустақил шеър тўқиб, қўшиқлар куйлайди.

Бағрин тилдим қазма<sup>1</sup> билан, бел билан,  
 Юзин тилдим тирноқ билан, қўл билан,  
 Яна мени қаршилади гул билан,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Исканжа қиларкан менга, куларди,  
 Бунда ёлгон йўқдир, ҳар кимса кўрди,  
 Битта данак экдим, тўртта боғ берди,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Ҳавога боққанда ҳаво оламан,  
 Тупроққа боққанда дуо оламан,  
 Тупроқдан айрилсам қайда қоламан,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Тилагинг бор бўлса, у ҳам Оллоҳдан,  
 Олмоқ учун узоқ кетма тупроқдан,  
 Саховат тупроққа берилмиш Ҳақдан,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Ҳақиқат изласанг, ҳақиқат Ҳақда,  
 Оллоҳ қулга яқин, қул ҳам Оллоҳга,  
 Ҳақнинг сирли хазинаси тупроқда,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Бутун қусурингни тупроқ беркитар,  
 Малҳам босиб, яраларинг тузатар,  
 Қўлин очиб, йўлларингни кузатар,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

Ҳар кимки, бу сирдан бўлса огоҳ гар,  
 Дунёга қолдирар ўлмас бир асар,  
 Бир кун келиб Вейсални бағрига босар,  
 Менинг содиқ ёрим қора тупроқдир.

---

<sup>1</sup> Қ а з м а — чўкич

---

1931 йилда Сивасда ўтказилган «Халқ шоирлари байрами»да қатнашгандан кейин куй, кўшиқ шайдоси бўлиб, ёнида вафодор дўсти – сози билан Туркия водийларини кезади, юртини, она тупроғини мадҳ этади. Олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижодидан дарс беради. Унинг кўшиқлари Туркия бўйлаб баралла жаранглай бошлайди. 1965 йилда Туркия Буюк Миллат Мажлиси Ошиқ Вейсалга «Она тили ва халқ бирлиги йўлида кўрсатган хизматлари учун» муносиб маош тайинлайди. Ошиқ Вейсал давлатнинг «Расмий шоири» деб тан олинади.

Жарангдор сози, ширали овози билан қалбларни жунбушга келтирган, халқ юрагидан чуқур жой олган ажойиб бахши — Ошиқ Вейсал Шотир ўғли 1973 йили оламдан ўтди. Таниқли турк бахшилари — Юнус Эмро, Пир Султон, Қоражаўғлон анъаналарининг ажойиб давомчиси Ошиқ Вейсал юртини жондан севар эди. Ошиқ Вейсал бир умр юрти учун, Ватан йўлида аскарлик бурчини ўтай олмаганидан ўксиниб ўтди. Кўзи ожизлиги туфайли ҳарбий хизматга бора олмади. У ҳис-туйғуларини шеърга солди.

Афсус менга бўлмади насиб,  
 Юртимга ёв келганда босиб,  
 Мен ҳам ёвқур қуролим осиб,  
 Қилич солмоқ душман бошига.

\* \* \*

Сен бир жайрон бўлсанг, мен эса овчи,  
 Овласам чўлларда соз билан сени,  
 Топилмас чораси, йўқдир иложи,  
 Отсам, яраласам сўз билан сени.

Нозланма, севгилим, гўзалим, дейин,  
 Киймагин қорани, қизиллар кийин.  
 Мен бир чўпон бўлсам, сен-чи бир қўйин<sup>1</sup>,  
 Тўйдирсам қўлимда туз билан сени.

Қўй бўлсайдинг ўтлардим яйловда,  
 Йиртқишларга олдирмасдим мен овда,  
 Балиқ бўлсанг, сузиб юрсанг гар сувда,  
 Туширсам тўримга ҳиз<sup>2</sup> билан сени.

Вейсал дер, исмингни қўйсам тилимдан,  
 Айри тушдим ватанимдан, элимдан,  
 Қуш бўлсанг ҳам қутулмасдинг қўлимдан,  
 Агар кўрсам эди кўз билан сени.

## ДЎСТЛАР МЕНИ ЭСЛАБ ТУРСИН

Мен кетаман, номим қолар,  
 Дўстлар мени эслаб турсин.  
 Тўйлар бўлар, байрам келар,  
 Дўстлар мени эслаб турсин.

Жон қафасда турмас, учар,  
 Дунё бекат, қўнар, қўчар,  
 Ой айланар, йиллар кечар,  
 Дўстлар мени эслаб турсин.

<sup>1</sup> Қ ў й и н – қўй

<sup>2</sup> Ҳ и з – тезлик билан

---

Олти фарзанднинг отаси ва ўн беш набиранинг бобоси бўлган Ошиқ Вейсал Сивралан қишлоғида дафн этилди. Бахшининг қабри устида халқ Вейсалнинг чўндан ишланган ва қўлда сози билан тасвирланган ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал тагига шундай тўртлик ёзилган:

Яшнар, сўлар турли чечак,  
 Мурод ёлғон, ўлим бу — ҳақ,  
 Кимлар кулган, ким кулажак,  
 Дўстлар мени эслаб турсин.

Ошиқ Вейсал дўстлари хотирасида, халқи қалбида яшамоқда. Эл орасида машхур бўлиб кетган, Туркиянинг ҳар гўшасида бугун ҳам жаранглаб турган бахшининг оташин шеърлари бунинг далилидир.

Ошиқ Вейсал халқ шеърятининг абадийлигини XX аср китобига ёздирган, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, Онадўли халқ истеъдодларининг маънавий бойликларини териб-тердирган шоирдир. Унинг сози, сўзи ва ўзи элга танилди. Бир оламга ёпик, минг оламга очик кўзи билан ўз тупроғига содиқ бахши 79 йил умр кўрди. Бутун ҳаётини бахшида этган она тупроқ бағрига қўйилар экан, ўзидан одамлар қалбига муҳрланган шеърый бир салтанат қолдириб кетди.

Жон танадан айрилар чоқ,  
Тутмас<sup>1</sup> мўри, ёнмас ўчоқ,  
Салом бўлсин қучоқ-қучоқ,  
Дўстлар мени эслаб турсин.

Келмасайдим, кетмас эрдим,  
Кундан-кунга ортар дардим,  
Ғариб қолар ерим, юртим,  
Дўстлар мени эслаб турсин.

Яшнар, сўлар турли чечак,  
Мурод ёлгон, ўлим бу — ҳақ,  
Кимлар кулган, ким кулажак,  
Дўстлар мени эслаб турсин.

Кун намозгар, оқшом бўлар,  
Қара, бошга нелар келар,  
Вейсал кетар, номи қолар,  
Дўстлар мени эслаб турсин.

### ГЎЗАЛЛИГИНГ БИР ПУЛГА ҚИММАТ

Гўзаллигинг бир пулга қиммат,  
Ғар мендаги ишқ бўлмаса,  
Яшаш учун ер тополмам,  
Кўнглимдаги кўшк бўлмаса.

Таърифинг сизмас қаламга,  
Дардинг дармондир ярамга,  
Исминг ёйилмас оламга,  
Ошиқларда машқ бўлмаса.

Ким ўқирди, ким ёзарди,  
Бу тугунни ким чўзарди,  
Кўйлар бўри-ла кезарди,  
Ўй бошқа-бошқа бўлмаса.

Гўзал юзинг кўрилмасди,  
Бу ишқ менда тирилмасди,  
Гулга қиймат берилмасди,  
Ошиқу мошиқ бўлмаса.

Сендан олдим бу фарёдни,  
Шу экан дунёнинг тотди,  
Эсланмасди Вейсал оти,  
У сенга ошиқ бўлмаса.

### ЯНА МАКТУБ ОЛДИМ...

Яна мактуб олдим гул юзли ёрдан,  
Йўлларга термулма, кел, деб ёзибди,  
Сивралан кўйидан, бизнинг диёрдан,  
Тоғларда бинафша, гул деб ёзибди.

<sup>1</sup>Т у т м а с — тутамас



Бесеракда қир-адирлар гул тақди,  
 Гулдадада лола гулханлар ёқди,  
 Қоратошда қорлар эриди, оқди,  
 Оқар кўзим ёши, сел деб ёзибди.

Қолмагин гурбатда яйлов замони,  
 Оллоҳни севсанг гар, йиғлатма мени,  
 Соғинч мактубларим бунинг нишони,  
 Кўз ёшим мактубда пул<sup>1</sup>, деб ёзибди.

Ҳамон димоғимда Сивралан бўйи,  
 Салқиндир тоғлари, совуқдир суви,  
 Ёр рўмол юбормиш, эсдалиқ дея,  
 Кўзинг ёшларини сил<sup>2</sup>, деб ёзибди.

Вейсал, бу гурбатлик қор этди жонга,  
 Етиштир кўчингни улкан карвонга,  
 Кун ўтказиб фурсат берма замонга,  
 Асло узаймасин йўл, деб ёзибди.

## ТУРКМИЗ, ТУРКУЛАР КУЙЛАЙМИЗ

Дунё тўлса турку<sup>3</sup> билан,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз,  
 Йўлга чиқдик қўрқув билан,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

Туркмиз, турклар йўлдошимиз,  
 Ҳисоби йўқдир ёшимиз,  
 Қайда бўлса курашамиз,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

Турклардир бизнинг отамиз,  
 Холис туркмиз, қони тамиз.<sup>4</sup>  
 Қўшиқ, газалдир хатомиз,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

Байрамларда, дугун<sup>5</sup>ларда,  
 Анжуман ҳам йиғинларда,  
 Сиқилганда танг кунларда,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

Яйловларда, ётоқларда,  
 Хоналарда, ўтоқларда,  
 Қўйлар каби ўтлоқларда,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

Сув бошида сувлоқларда,  
 Туркнинг саси қулоқларда,  
 Бешиқларда, йўргакларда,  
 Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

<sup>1</sup> Пул – марка

<sup>2</sup> Сил – арт

<sup>3</sup> Турку – қўшиқ

<sup>4</sup> Тамиз – тоза, соф.

<sup>5</sup> Дугун – тўй.

Биргалашиб келин, қизлар,  
Ҳатто қувнашар юлдузлар,  
Қўшилишиб жуфт-жуфт созлар,  
Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

Инграр Вейсал ари каби,  
Булбулларнинг зори каби,  
Турналар қатори каби,  
Туркмиз, туркулар куйлаймиз.

### УМИД ЯШАР

Дунё ширин, кечиб бўлмас,  
Соғ экансан, умид яшар.  
Саксон, тўқсон, юзга тўлсанг,  
Яна дилда умид яшар.

Умид Оллоҳдан узилмас,  
Бу не ҳикмат биров билмас,  
Турли азоб чекар, кулмас  
Яна дилда умид яшар.

Кўнгил умиднинг йўлдоши,  
Тинмай кезар тоғу тошни,  
Сўнг нафасда бўлса киши,  
Яна дилда умид яшар.

Ёлвор Вейсал, кундуз-кеча,  
Оллоҳнинг амри шундайча,  
Тана тобутга киргунча,  
Яна дилда умид яшар.

### СОЗИМГА

Мен кетсам, эй созим, сен қол дунёда,  
Яширин сирларим ошикор этма,  
Лол бўлсин тилларинг, куйлама асло,  
Ғариб булбул каби оҳу зор этма.

Яширин дардларим бир сенга айтдим,  
Овозим овозинг бирла сайратдим.  
Чақалоқдек қўлларимда яйратдим,  
Мени эслаб тургин, зинҳор унутма.

Боғимда тут эдинг, билмасдинг созни,  
Булбул қўнармиди ё баъзи-баъзи,  
Қайси қушдан олдинг сен бу овозни,  
Сўйлагин ростини, кел, инкор этма.

Менинг ҳар дардимга сен шерик бўлдинг,  
Йиғласам йиғладинг, кулсам гар кулдинг,  
Созим, турнаданми овозни олдинг,  
Панжа уриб нозик торни инграта.

Ой ўтар, йил ўтар, узайса ора,  
Қора либос кийиб суян девора,  
Бағрингда, кўксингда кўз очар яра,  
Ёр келмаса яраларинг боғлатма.

Киоко НАКАЯМА

## Ўзбекистон Сакураси

### ФАХРИЙ ЁРЛИҚ ТОПШИРИШ

**И**мператор Ҳазрати Олийларидан олган Ишонч ёрлигини Президент Каримов Жаноби Олийларига топшириш маросими Ўзбекистонга келганимнинг бешинчи куни, яъни 1999 йил 12 августда бўлиб ўтди. Маросим Президент саройида тантанали вазиятда кечди.

Биз ўзбек тилида «Оқсарой» деб аталадиган Президент қароргоҳига келдик. Протокол бошлиғи бизни катта залга таклиф қилди. Ушбу тантанали маросимда япон тарафидан элчи сифатида мен, ўша пайтдаги Элчихона маслаҳатчиси жаноб Такахаши, Элчихонанинг биринчи котиби жаноб Сесомэ, ўзбек тарафидан ҳам бир неча расмий кишилар Президент чиқишини кутардик.

Хонанинг тўридаги эшик очилиб, бир неча шахслар билан бирга Президент чиқиб келди. У кулимсираб, биз томонга меҳр билан тикилиб турарди. Унинг ушбу нигоҳини кўриб, бу мамлакатда ишлаш менга осон кечишига ишондим. Улкан залнинг маркази томон одимлар эканман, тўхтаб, секин-аста сўзимни бошладим. Жаноб Сесомэ менга эргашди ва нутқимни таржима қилиб турди.

Мен нутқимни тугаллаб, Ишонч ёрлигини Президентга топширар эканман, унинг чеҳрасида табассум жилваланди. Ўзимни худди қадрдон амаким билан учрашгандек ҳис қилдим. Президент бир қарашдаёқ одамни ич-ичидан кўра олишини англадим. Бундан анча хотиржам тортдим. Ва яна бир бор бу раҳбарга ҳар томонлама ишониш мумкин деган фикр кўнглимдан ўтди. Менимча, у менинг ўй-ҳиссиётларимни тўлиқ тушунди.

Президент ҳузурда расмий учрашувдан сўнг оддий ўзбекистонликлар билан гаплашиш имкониятига эга бўлдим ва шуни билдимки, ўз кўзинг билан ҳақиқий вазиятни кўрмагунча уни тушуна олмайсан. Японлар қоса тагидаги нимкосани уқиб олишга уста. Ўзбеклар ҳам гапиришдан олдин озгина сукут сақлашади, бу япон одатига жуда ўхшаб кетади. Шунинг учун биз бир-биримизни оғиз жуфтламасданоқ тушунамиз. Англадимки, вазиятга европалик ёки америкалик кўзи билан эмас, япон кўзи билан қараш ва бундан муносиб хулосалар чиқариш зарур. Нима бўлганда ҳам, бу Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ҳудуд. Улар ҳатто японлардан ҳам ўтказиб суҳбат қуришар, айтганимдек, биздан ўтказишар ҳам экан. Мен Япониядан жуда олисда яшайдиган шундай жиддий, софдил, илтифотли ва хушмуомала кишилар билан учрашганимдан гоят хурсанд эдим.

*Япон тилидан  
Беҳзод ГУЛМЕТОВ  
ва  
Сувон МЕЛИ  
таржимаси*

Киоко Накаяма 1940 йил Токио шаҳрида туғилган. 1963 йил Токио дорилфунунини тугатиб, иш фаолиятини Япония молия вазирлигида бошлаган. Молия ва иқтисодий тадқиқотлар соҳасида турли вазифаларда хизмат қилган. Дунёга машҳур Япон фондининг ижрочи вице-президенти бўлган. К.Накаяма шу кунда Япония парламенти Юқори палатасининг депутати ва Япония Бош вазирининг махсус маслаҳатчиси дур. К.Накаяма 1999 – 2002 йиллар мобайнида Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасида ишлаб, мамлакатимиз маданий ҳаётида фаол иштирок этган. Накаяма хонимни Ўзбекистоннинг ҳақиқий шайдоси дейиш мумкин. Ушбу фикрнинг исботи бўлмиш Накаяма хонимнинг “Ўзбекистон Сакураси” таассуротлари мажмуасидан айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Элчи вазифасидаги ваколатим тамом бўлгандан кейин ҳозирги кунда ҳам мен Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини янада қаттиқроқ боғлаш учун бор куч-қудратимни сарфлашга тайёрман.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲАЁТ

Ўзбекистон замини 3 минг, ҳатто 4 минг йиллик қадимий тарих, бой маданий анъаналар гувоҳи. Ўзбекистон 1991 йилнинг 31 августида мустақилликка эришди. Мустақиллик куни 1 сентябр. Шундан буён 16 йил ўтди. Бу унчалик узоқ муддат эмас. Қилинадиган ишлар эса ниҳоятда кўп. Ҳозир Президент Каримовнинг зийрак раҳбарлиги остида халқнинг таълим даражасини ошириш устувор йўналишга кўтарилган сиёсат олиб борилмоқда. Кўплаб сиёсатчилар, иқтисодчилар, маданий соҳа ходимлари мамлакатда барқарорликни таъминлаш йўлида меҳнат қилмоқдалар, жамият гуллаб-яшнаши учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Масъул раҳбарлар ва ҳукумат идоралари ходимлари ҳар куни кечқурунлари ҳам ишлайдилар, шанба, якшанба нима эканини билмайдилар. Баъзан биз уларни қабулга, зиёфатга чақирганимизда, улар 10-15 дақиқа ўтириб, яна ишга шошадилар. Талабалар илм-фанни эгаллашга қаттиқ берилганлар. Бу ҳол Европа мамлакатлари ва Америка тарихида бўлган шундай ижобий белгиларни эслатади.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг асосий вазифаси — жамиятни янгилаш ва иқтисодни либераллаштириш деб ўйлайман.

Агар кўчада йўловчиларни тўхташиб, бугунги ҳаёт ҳақида сўрайдиган бўлсангиз, улар мамнунлик билан жавоб беришади: Мустақил давлат бўлганимиз қандай яхши. “Мустақилликкача ҳамма нарса бошқача эди. Аввал, Иттифок даврида, жамият ичида махфий маълумот етказиш одатдаги ҳол бўлиб, ўз фикрингни эркин айта олмасдинг. Ҳозир эса ҳамма нарса ҳақида хотиржам гапириш мумкин».

Одамни лол қолдирадиган ҳақиқат шундаки, ўзбеклар узоқ давом этган совет даврига қарамай, ўз миллий маданиятларини, тарихини сақлаб қолишнинг уддасидан чиқишган, ҳозир уни секин-аста замонавийлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада намуна сифатида Японияни олишмоқчи. Ахир Япония ҳам ўз анъаналарини сақлаган ҳолда секин-аста замонавийлашган эмасми. Улар Японияга ўхшашни исташади. Улар Японияни синчиклаб ўрганишади. Улар Японияда таълим олишни хошлашади. Бу — кўплаб ўзбекистонликларнинг дил ихори.

## АНЪАНАВИЙ ЖАМИЯТ ҲУДУДИ. МАҲАЛЛА

Ўзбеклар билан яқиндан танишганим сайин бир нарсани тушундим, ён-веридагилар билан бирор нохуш ҳодиса рўй берса, улар биргаликда ташвиш чекар эканлар. Ҳатто хизмат пайтида ҳам улар бировни ортиқча безовта қилишга тортинишар, агар кимгадир қўнғироқ қилмоқчи бўлишса, аввал симнинг нариги томонидаги одамнинг тинчлигини ўйлашар, шундагина қўнғироқ қилишга журъат этишар экан. Ана шунақа тортинчоқ одамлар. Кимдир кулфатга учраса, унга кўмак, далда беришга шошилишар, бу уларнинг шу кунгача сақлаб келаётган қадимий удуми экан. Улар бир бурда нонни бўлиб ейишар экан ҳатто. Ўзбеклар бир-бирларини самимий ҳурмат қилишарди, бу жиҳатдан японларга жуда ўхшаб кетадилар.

Хизмат жойида баъзан совет давридан мерос бўлиб қолган кўпол муомала учрайди, лекин маиший турмушда оддий ўзбеклар яқин кишилари учун қайғурадилар, бу улар учун одатдаги ҳол. Улар кўҳна тарихга эга зироатчи миллат сифатида шундай ажойиб жамият барпо қилганлар.

Ўзбек жамиятининг пойдевори — маҳалла, у японларнинг квартал кенгашига ўхшайди. Бу давлат идораси эмас. Ҳар бир маҳалланинг шу ерда бўлаётган барча воқеа-ҳодисалардан кўз-қулоқ бўлиб турадиган оқсоқоли (раиси) бор. У маҳалладаги ҳамма нарсани ипидан-игнасигача билади, кимнинг қизи қаерда ишлайди, кимнинг ўғли ўқишга кирди, уйланди, фарзанд кўрди, бирор

корхонага ишга жойлашди. Агар кимнингдир бошига кулфат тушса, у бутун маҳаллани йиғиб, унга кўмак беришга чорлайди.

Ўзбекистонда болаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бутун жамият уларни асраб-авайлашга чоғланган. Албатта, ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳамма жойида ҳам катта оилаларни (бу ота-она, фарзандлар ва неваралар бир хонадонда яшайди дегани) учратиш қийин. Лекин маҳаллаларда ҳозир ҳам кўплаб оилалар борки, бир том остида ота-она ва фарзандлар бирга яшашади ва агар оилада фарзанд тугиладиган бўлса, унга фақат ёш ота-она эмас, балки бобо, буви ва амаки, аммалар ҳам қарашади. Бу — болалар йўрғакдан бошлаб атрофдагиларнинг гамхўрлигини ҳис қилган ҳолда ўсиб, бундай гамхўрликни катталардан ўрганиб боради деган гап. Маҳалланинг кундалик асосий таомили — бу катталарга ҳурмат, ёлғон сўзламаслик, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, бировнинг жонини оғритмаслик, айниқса, одам жонига қасд қилмаслик.

Агар болалар кўча-кўйда шўхлик қилишса, маҳалла аҳли уларга танбەҳ беради, тартибга чақиради. Катта ёшдагилар бола тарбияси билан астойдил шуғулланишади, улар доим болаларга кўз-қулоқ бўлиб туришади, бу кундалик удумга айланган, ўз навбатида болалар ҳам бобо ва бувиларига қулоқ қоқмай бўйсунушади.

Маҳалла шу кунги замонавий Тошкентда ҳам мавжуд. Бир сафар Буюк Британияда ўзбек элчиси бўлиб ишлаган ходимнинг аёли бир маҳалладаги мукофотлаш маросимига таклиф қилди. Кеч куз эди. Ўша йили энг чиройли ва шинам уй қурган (айтмоқчи, мени таклиф этган аёлнинг эри), йилнинг энг серҳафсала уй бекаси бўлган оилани мукофотлашди, мукофотни эса маҳалла оқсоқоли топширди. Маросим жуда мароқли бўлди, мусиқа янграр, ҳамма ўйинга тушарди.

Япон элчисининг қароргоҳи шу маҳаллада жойлашган. Бизни маҳалла билан боғлаб турадиган одам ходимимиз Анвар эди. У ўзи яшайдиган маҳалланинг оқсоқоли ҳам экан.

## КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИГАН ЖАМИЯТ

Ўзбек жамиятидаги осойишталикка асосий сабаб — бу ёши катта ва кекса кишиларга ҳурмат-эҳтиром. Агар маҳаллада бирон масала юзасидан қарор қабул қилмоқчи бўлишса, оқсоқолнинг фикри кўпчилик томонидан ҳисобга олинади ва қўллаб-қувватланади. Ёшлар катталарни нафақат маҳаллада, балки жамиятнинг кундалик ҳаётида ҳам иззат-ҳурмат қилишади. Кекса кишилар у ёки бу масала юзасидан ўзларининг аниқ фикр-мулоҳазаларини билдиришади ҳамда жамиятда анчагина муҳим ўрин тутишади.

Мен ўзим кўрмаганман, лекин айтишларича, жамоат транспортида, у автобус ёки метро бўлсин, кекса киши пайдо бўлиши билан оқ ёшлар дарҳол туриб жой бўшатар эканлар ва бу одатдаги ҳол экан. Японияда таълим олган бир киши менга шундай деганди: «Мен Японияда поезд вагонидан кетар эканман, кекса бир киши кириб, менинг тепамда туриб қолди, мен дарҳол туриб, унга ўрнимни бўшатдим. Буни кўрган вагоннинг деярли барча йўловчилари менга ҳайрон бўлганларича тикилишди, бундан ўзимни ноқулай ҳис этиб, бошқа вагонга ўтиб кетдим. Катталарга ўрин бўшатиш Ўзбекистонда кундалик ҳодиса. Японияда шундай бўлса керак деб ўйлаб хато қилибман». Бу гапга жавобан чурқ эта олмадим.

Кекса кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган жамият бу чинакам яхши жамият. Бу «чангалзор қонуни» ҳукмрон бўлган жамият эмас. Кекса одамлар ҳамшиша диққат-эътиборда. Бу маънавий бой жамият, у фойдадан анча юксакда туради. Фақат фойда кетидан қувган жамиятда яшаш қийин. Ўзбек жамиятида сақланиб қолган ва бизнинг руҳимизга яқин жиҳатлардан япон жамияти мосуво бўлган.

## ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё мамлакатлари ниҳоят мустақилликка эришгач, ўз анъанавий маданиятларини жаҳонга кўз-кўз қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда анъанавий мусиқа, рақс, амалий санъат буюмларини яшаш яна тараққий этмоқда, ҳукумат бу жараёнга ҳар томонлама кўмак кўрсатаётир.

Маданий тадбирларни ўтказишда ҳукуматга Халқаро ҳамкорлик Япон агентлиги (ЈСА), Япон фонди ва Савдони ривожлантириш Япон ташкилоти катта ёрдам кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотлар фаолияти Японияга қизиқиш билан қараётган Ўзбекистон халқи томонидан юксак баҳоланмоқда. Иқтисодий муносабатлар, техникавий ва маданий ҳамкорликдан мақсад ушбу мамлакатлар ўртасидаги алоқани кучайтириш бўлиб, бу нарса Япония ва Ўзбекистон орасидаги дўстона муносабатларни янада чуқурлаштиради.

ЈСА ваколатхонаси 1999 йил май ойида Тошкентда очилди, шундан бери ЈСА кўмаги билан Япониядан Ўзбекистонга турли соҳа мутахассислари юборилди. Ўзбекистондан синов муддатини ўтовчи ишчилар қабул қилинди. 2000 йилнинг декабр ойида эса Тошкентда Инсон ресурсларини ривожлантириш Япон маркази ўз фаолиятини бошлади. Бу марказда япон тили ўқитилади, ўзбекистонликларни япон маданияти билан таништириш бўйича тадбирлар ўтказилади ва айтиш жоизки, марказ мамлакатларимиз орасидаги маданий алмашувни чуқурлаштиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқда.

Тошкентдаги ЈЕТРО ваколатхонаси 2000 йил октябрдан иш бошлади. ЈЕТРО кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон ҳукуматига ҳар тарафлама кўмак бермоқда. Ташкилот идораси япон корхоналари ҳақида ахборотга қизиқаётган ёш ўзбек ишбилармонлари билан ҳамшиша тўла.

## ЯПОН ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистонга келганимнинг кейинги йили, яъни 2000 йилнинг баҳоридан бошлаб биз ўша йилнинг кузидаёқ Ўзбекистонда Япония маданияти кунларини ўтказишга тайёргарлик кўра бошладик. Ўшанда Япон фонди Ўзбекистонга япон кўғирчоқлари кўргазмаси ва «Вадайко» ногорачилар гуруҳини юборишга қарор қилди. Булар дастуримизнинг гуллари бўлишини билардим ва мен яна қандай японча дастур билан ўзбекистонликларни таништириш мумкин, дея узоқ ўйладим. Маълумки, Ўзбекистонда япон жамияти тузилган, бу ерда яшайдиган япон фуқаролари шу жамиятга аъзо бўлиб киришган. Бир кун ишбу жамият аъзолари билан учрашганда уларга шу саволни бердим ва бир зумда жавоб ҳам олдим: «Япон фестивали ўтказсак, нима дейсиз?» Лекин бу осон бўлмайди. Бунинг учун нима қилиш лозим? «Олтин балиқча», «Тунги бозор», «Дўконча», «Бон рақслар фестивали». Бу Японияда ўтказиладиган фестиваллар. Бундай фестивалларни бу ерда қандай ўтказиш мумкин, қанча маблағ керак бўлади?

Шундан сўнг биз яна учрашдик ва ҳаракат дастурини пишига бошладик. Барча японлар гуруҳларга бўлиниб, ушбу маданий байрамда иштирок этишга, унга ўз ҳиссаларини қўшишга интилдилар. Турган гап, Элчихона ўз тарафидан «Япон фестивали»ни Япония маданияти кунлари доирасида ўтказишга қарор қилди. Шундай қилиб, бу дастур Япония элчихонаси ва Ўзбекистондаги япон фуқароларининг қўшма тадбирига айланди.

## МИЯДЗАКИ ПРЕФЕКТУРАСИДАН ДЎСТОНА ТАШРИФ

Шу йилнинг баҳорида менинг турмуш ўртоғим таваллуд топган Миядзаки префектурасидан Ўзбекистонга дўстона вакиллик юборишга қарор қилинди, тузилган дастур асосида бунинг учун Миядзаки префектурасидан Тошкентга учалган ёлланма рейслардан фойдаланишга келишилди.

Бир самолётга 180-190 одам сиғарди. Миядзакидан ташқари бутун Япониядан бу вакилликка иштирок этишни истаганлар кўп эди. Дўстона вакиллик аъзоларини ҳафта давомида уч ёлланма рейс билан жўнатишга келишилди. Барча рейслар тигиз бўлиб, вакиллик аъзоларининг жами 500 кишига яқин эди.

Япон кўғирчоқлари кўрғазмаси ва «Вадайко» ногорачилар гуруҳини октябр ойида жўнатишга қарор қилинди, шу тариқа Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари ўтиш муддати октябрга белгиланди. Ташриф дастурини тузишда биз, турган гап, вакиллик иштирокчиларининг истаklarини инобатга олдик. Ташриф дастури ва қатнашувчилар сони аниқ бўлгач, биз улардан «бизга ёрдам беришга, яъни Ўзбекистонда Япония маданияти кунларида иштирок этишга розимисизлар» деб сўраганимизда, улар бир овоздан: «Албатта ёрдам берамиз» дейишди.

Дўстона вакиллик иштирокчилари орасида чой маросими, икэбана ва каллиграфия усталари, мусиқачилар, кўғирчоқ ясовчи усталар, шунингдек, Миядзаки префектурасининг аъъанавий рақси «Боккен-одори»нинг раққослар гуруҳи ҳам бор эди. Мен хурсандлигимдан ўзимни қаерга қўйишни билмасдим.

Мен бўлаётган ишлардан мамнун эдим ва дўстона вакилликни кутиб олишга ҳозирлик кўриш қолганди, холос. Элчихона атташеси Сея хоним маданият масалаларига масъул бўлиб, ўзбек томони билан кунора боғланиб турарди.

Кўғирчоқлар кўрғазмасини Ўзбекистон санъати музейи биринчи қаватидаги катта залда намойиш этишга қарор қилинди, залга кираверишдаги йўлак деворларига япон плакатларини осиб қилишди. Залнинг бетон деворларини чиройли мато билан безадик, натижада зал жуда шинам хонага айланди. Музей директори Насиба Иброҳимова хоним ва соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда ҳар бир кўғирчоқни муайян мато фонидида жойлаштирдик.

Бу залда соф япон руҳи ҳукм сурарди. Уч ҳафта мобайнида япон кўғирчоқларини умум назарга қўйдик, ҳафтада бир марта миядзакилик усталар томошабинларни япон маданияти билан таништириб турдилар. Миядзакилик усталарнинг хизмати текин бўлиб, улар кўнгилилар сифатида ишлашарди. Чой маросими, икэбана, каллиграфия, кўғирчоқларни намойиш этиш учун зарур бўладиган барча ашёлар Япониядан келтирилганди. Улар шунингдек, олти дона «Като» кўпторли мусиқа асбоби ҳам келтиришганди.

Кўрғазманинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари қатнашиб, нутқ сўзлади, япон маданияти билан танишиб, завқ олиш мақсадида кўрғазмага кўплаб ўзбек томошабинлари ташриф буюришди.

Чой маросимини икки уста намойиш қилди. Томошабинлар ерга тўшалган гиламнинг ҳусн-тароватидан завқланишарди, улардан айримлари чой маросими санъатини ўрганишга ҳавас билдирдилар.

Кўғирчоқлар намойиш этилганда, баъзи кўғирчоқлар яхши кўринмаяпти, деган шикоятлар сабаб айрим столларни четга суриб қўйишга тўғри келди. Каллиграфия (хуснихат) кўрсатилаётган пайтда кўплаб аёллар ва ўқувчи болалар тўпланди, шунинг учун усталар бу санъат ҳақида баланд овозда сўзлашга мажбур бўлдилар.

Япон мусиқачилари эса шу ернинг ўзида, музей залида ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Икэбана Ўзбекистонда маълум ва машҳур, унинг тақдимотида келган болалар, ота-оналар қизиқиб кетишиб ҳатто маслаҳатлар беришарди: «Калтароқ қилса бўлмасмикан?» ёки «Агар новдани аниқ горинзонгал тарзда қўйса нима бўлади?» Бу кишилар ҳозир уйларида ўз икэбаналарини ясаётган бўлсалар ажаб эмас. Чунки ўзбекистонликлар, ўзбек халқи гулни жуда севади.

\* \* \*

2000 йил 18 октябрда ўтмишда япон асирлари иштирокида қурилган Алишер Навоий театри биносида «Вадайко» япон ногорачилар гуруҳининг илк концерти бўлиб ўтди. Эртаси 19 октябр роппа-роса 18.00 да Навоий театри олдидаги майдонда «Вадайко» ногорачиларининг иккинчи концерти бошланди. Майдонга ййилган томошабинлар ногорачиларимизни қизғин олқишладилар, улкан ногоралар садоси кечки Тошкент бағрига таралиб сингиб кетди.

«Вадайко» гуруҳи билан биргаликда у билан мусобақалашган каби «Аббос» ўзбек доирачилар гуруҳи ўз санъатини намойиш қилди. Ўзбек найи ва танбурининг ёқимли янгроқ овози ногоранинг шиддатли оҳанги билан уйғун

жаранглашини тинглаш жуда мароқли эди. Кўнглим сезганидек, шу оқшом япон ва ўзбек мусиқа гуруҳлари ялакат мағиз бўлиб бирлашиб кетгандек эдилар.

Сўнг Миядзаки префектурасининг «Беккен-одори» анъанавий рақс гуруҳи раққослари ўз чиқишларини бошлашди. Улар қадимий япон кийим-кечаги билан ясанган эдилар, айгиш жоизки, ўшанда Ўзбекистонда қадимий япон рақслари илк бор намойиш этилаётганди. Бу қадимги японларнинг кундалик киядиган либослари бўлиб, уст сидра оппоқ, бошда ва белда гунафшаранг белбоғ, белда яна ёғоч қилич тақилган, улар рақсни ўзига хос японча оҳангда ижро этишарди. Саҳнада мўъжизакор сеҳрли кайфият ҳукм сураб, миядзакилик қизлар терлаб-пишиб астойдил рақсга тушишарди.

Кейин саҳнада «Япон фестивали» бошланди.

Навоий театри олдидаги кенг майдон одамлар билан лиқ тўлган, ҳамма ерда туманот одам. Тунги савдо дўкончалари ўриндиқларида Япон жамияти аъзолари ўтиришар, дўкончалар бўйлаб ҳар бир метрда қўлбола «Бонъяри» япон чироқлари ўрнатилганди.

Бу нарсаларнинг ҳаммаси Япониядан ёлланма рейс билан олиб келинган эди.

Тошкентда истиқомат қилувчи япон биродарларимиз учун махсус «Якисоба», «Такояки» номли япон таомлари тайёрланди, шунингдек, кабоблар шу ернинг ўзидаёқ дастурхонга тортилди.

Ушбу тadbирда тошкентликлардан ташқари япон тили муаллими Ямамото етакчилигидаги Самарқанд чет тиллар институти талабалари ҳам иштирок этдилар.

Газеталарнинг якшанба сонларида тadbир кенг ёритилди, айтишларича, ўша кунни майдонда 30 мингга яқин одам йиғилган эди.

## “ЮДЗУРУ” ОПЕРАСИ

«Япон фестивали» ўтишидан сал олдин, яъни 2000 йилнинг ёзида мен собиқ Бош вазир жаноб Цугому Хата рафиқаси билан Навоий театрига ташрифи пайтида унга ҳамроҳлик қилганман. Бу театр олис совет замонларида япон асирлари иштирокида қурилган. 1966 йилда Тошкентда рўй берган қаттиқ силкинишларда «бино атрофидаги деярли барча иморатлар дарз кетди, лекин Навоий театри қилт этмай туриб берди» дейишади ерли аҳоли. Шу кунларда ҳам ушбу театрда опера, балет асарлари қўйилади, турли концертлар бўлиб ўтади, театр ўзининг ҳусн-таровати билан бутун Марказий Осиёда машҳур.

Театр биносининг чап биқинида лавҳа ўрнатилиб, унда ўзбек, рус ва япон тилларида шундай сўзлар ўйиб ёзилган:

«Алишер Навоий театри қурилишида 1945-1946 йиллар мобайнида Узоқ Шарқдан келтирилган бир неча юз япон фуқаролари иштирок этган».

Илгари ушбу лавҳада «Япон асирлари» деб ёзилган эди. Лекин Президент Каримов, Ўзбекистон ҳеч қачон Япония билан урушмаган ва японларни асирга ҳам олмаган, дея матнни «япон фуқаролари..» деб ўзгартиришга буйруқ берганди. Бу Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Президентнинг Японияга нисбатан илк гўзал дипломатик қадами эди.

«Шундай ўтмишга эга шундай машҳур театрда бирон бир япон тadbири ўтказиш айна муддао бўларди», — дедим мен жаноб Хата ва рафиқасига. Биз лавҳа билан танишиб, театрнинг орқа томонида одимлар эканмиз, жаноб Хатанинг рафиқаси шундай таклифни ўртага ташлади: «Шу театрда «Юдзуру» операси намойишини ташкил қилса қандай бўларкан?!».

Айтилган сўз — отилган ўқ. Шундай қилиб 2001 йил 28 ва 29 август кунлари бастакор Дан Икума ва жаноб Судзуки ёрдами билан «Юдзуру» операси ушбу театрда намойиш этилди. Бу катта миқёсдаги илк япон маданий тadbири эди. Тadbир Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди ҳамда Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари дастурига киритилди. У япон жамғармаси томонидан молиялаштирилди.

«Юдзуру» операсининг биринчи кунги намойишига Президент рафиқаси, талай расмий шахслар, маданият арбоблари, дипломатик корпус аъзолари ташриф буюрдилар, театр залидаги барча ўриндиқлар лиқ тўла эди. Келаси кун



театр оддий томошабинлар учун очилди ва қизиғи шундаки, бу кун ҳам театрга одам сиғмай кетди. Анчадан буён одамларнинг операга ва умуман маданий тадбирларга қизиқиши кучли бўлиб, шунинг учун япон балети ҳам қизгин қарши олинганди.

Парда кўтарилди, мусиқа шунчалик сокин таралардики, одамларнинг нафас олишлари эшитиларди гўё. Асарнинг мазмуни титрда ёзилиб борди. Навоий театрининг Давлат оркестри ўз ўрнини эгаллаганди. Опера бошланиши биланоқ ҳаммининг нигоҳи сахнага қадалди. Мусиқий асбоблар хониши ажойиб сахна чироқлари билан ажиб уйғунлик касб этарди. Сахнада ўзбек болалари калта бежирим кийимларда япон тилида қуйлашарди. Улар худди фаришталарга ўхшашарди. Болалар сахнада тўлиб-тошиб қуйлашаркан, аксар томошабинларнинг кўзларида ёш қалқиди. Сахна ва томоша зали гўё бир бутун бўлиб кетганди. Бу чинакам муваффақият эди. Парда тушиши биланоқ томошабинлар оёққа қалқиб, узоқ чапак чалдилар. Сахна япон тилидаги ёзувлар билан ярқираб кўринар, қарсақлар бетиним янграрди. Улар ҳозир ҳам қулоғимда ўша кунгидек жаранглаб турибди.

Шу кун театрда яна бир ҳаяжонли воқеа содир бўлди дейиш мумкин. Гап шундаки, дўстона вакиллик аъзолари орасида Нагата Икуо (рафиқаси билан) бошчилигидаги йигирмадан ортиқ кишилар бўлиб, улар бир пайтлар шу театр қурилишида ишлаган, ҳозир эса «Юдзуру» операсини берилиб томоша қилардилар. Шу билан бирга улар ўшандаги оғир пайтлар бирга ишлаган ҳамкасблари билан учрашиш бахтига муяссар бўлишганди. Уларнинг ҳис-ҳаяжонларини кўрсангиз эди...

Бундай маросим журналист, «Япония-Ўзбекистон жамияти» НПО раиси томонидан уюштирилган эди. «Юдзуру» операси янграган Навоий театри биноси қурилиши ҳақида ушбу жамият томонидан тафсилотларга бой «Навоий театри қурилиши ҳақида эсдаликлар» деган китоб тайёрланган эди. Бундан ташқари жаноб Нагата бир пайтлар бирга ишлаган ҳамкасблари ҳақида эсдаликлар тўплаб, уни «Навоий театри қурилиши ва 4-лагер ҳақида хотиралар» китобига киритган эди.

Оркестрга раҳбарлик қилмоқчи бўлган жаноб Дан Икума, минг афсуски, ўша йилнинг май ойида вафот этганди. У опера томошасида оркестрга шахсан ўзим бошчилик қиламан, деганди, бахтга қарши у бу орзусига эришолмади. Бу биз учун катта йўқотиш бўлди.

Қароргоҳимизда зиёфат пайтида бир дақиқа сукут сақлаш билан биз жаноб Дан хотирасига ҳурмат бажо қилдик. Зиёфатда барча ижрочилар, мусиқачилар ва тадбирда иштирок этган ҳамма кишилар йиғилдилар. Бунда японлар ва ўзбеклар биргаликда улкан муваффақиятдан мамнун бўлишиб, ярим тунгача суҳбат қурдилар. Ўзаро мулоқотлар, пианино чалишларга кўшилиб кетди, хуллас, оқшомни ажойиб тарзда ўтказдилар. Навоий театридаги томошада бўлган қароргоҳ ходимлари меҳмонларни самимий олқишладилар. Бизнинг Анвар эса боғ ўртасида катта гулхан ясаб, барчанинг кўнглини хушнуд қилди.

Ушбу маданий дастурдан кейин Ўзбекистондаги кўплаб одамлар анча вақтгача: «Сиз «Юдзуру» операсини кўра олдингизми?», – деб бир-бирларидан сўраб юришди.

## ЯПОН БОҒИ

2001 йилда Япония маданияти кунлари ва «Юдзуру» операси кўрсатилиши арафасида биз Тошкентда япон боғини очдик. Япон боғи ўзбекистонликларнинг азалий орзуси эди. Ўзбекистон ҳукумати Бизнес маркази ва болалар паркига тегишли бўлган катта майдоннинг ярмисини бизга ажратди. Бу боғни яратишда Ўзбекистондаги япон компанияларининг ваколатхонаси катта ёрдам кўрсатди, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини олиб бориш жаноб Кишино зиммасига тушди.

Япон боғининг очилиш маросимида Президент Каримов шахсан қатнашиб, шундай сўзларни айтди: «Бу ерга келар экансан, ўзингни худди Япониядагидек ҳис қиласан. Уйлайманки, энди бу ер Тошкентнинг энг гавжум жойига айланади, келган барча одам ўзини японча кайфият ва японча маданият оғушида ҳис қилади». Сўнг бу сўзлар маҳаллий газеталарда босилди ва телевидение орқали намойиш этилди.

2005 йилнинг март ойида, мен Япон боғида эдим. Ташқари анча салқин эди. Лекин шунга қарамасдан, боғ бўйлаб бир келин-куёв тўй либосларида сайр қилишарди. Шу кунда ҳам япон боғи ёш келин-куёвлар зиёрат қиладиган жой ҳисобланиб, ташриф дастуридан ўрин олган. Япон боғидан ташқари ёш келин-куёвларнинг суюкли сайргоҳи Олий Мажлис биноси яқинида жойлашган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ бўлиб, у ерда ҳамиша кўплаб келин-куёвларни учратиш мумкин.

## ЯПОНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМИ

Агар икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлашга назар ташлайдиган бўлсангиз, Япония Ўзбекистондан олтин, тўқимачилик хомашёси, ва буюмлари — жами 93 млн. доллар миқдорда (2004 йил бўйича Молия вазирлиги манбаларидан), импорт қилиши, у Ўзбекистонга турли ускуналар, кимёвий моддаларни умумий 56 млн. доллар миқдорда (ўша манба бўйича) экспорт қилишини кўриш мумкин. Агар Ўзбекистоннинг бой хомашё ресурсларини ҳисобга олсак, бу товар айирбошлаш жуда кам ва агар Ўзбекистон товар сифати устидан назорат қилишни кучайтурса, келажакда савдо-сотиқни ривожлантиришнинг катта имкониятлари очилиши аниқ.

Агар иқтисодий ёрдамни оладиган бўлсак, бундаги кўрсаткич бошқа мамлакатларга таққослаганда анча паст. Мен келажакда бизга анча яқин регионга кўрсатадиган иқтисодий ёрдамимиз фоизи кўтарилишини чин дилдан истайман. 2004 йилга қадар бўлган манбалар бўйича иена билан бериладиган кредит орқали умумий миқдори 97,5 млрд. иенага тенг 8 лойиҳа амалга оширилган, бадалсиз ёрдам йўли билан 16,7 млрд. иена, техникавий ҳамкорлик орқали 5,2 млрд. иена, инсонпарварлик ёрдами орқали эса 15 млн. доллар (Ўзбекистондаги Япония элчихонаси манбаларига асосан) ажратилган. Кредит лойиҳалари орасидан «Телекоммуникация тармоғини кенгайтириш лойиҳаси», «Уч маҳаллий аэропортни замонавийлаштириш лойиҳаси», «Таълимни тараққий эттириш лойиҳаси», «Тош ГРЭСни аввалги ҳолда тиклаш лойиҳаси», «Темир йўлнинг янги тармоғини қуриш лойиҳаси»ни алоҳида таъкидлаш мумкин. Мен бу ерда таълим соҳасига ёрдам тариқасидаги «Таълимни тараққий эттириш лойиҳаси» борасида тўхталмоқчиман. Яна кичик миқёсдаги лойиҳаларга бадалсиз ёрдам кўрсатиш ҳақида икки оғиз тушунтириш бермоқчиман.

## ТАЪЛИМГА ЁРДАМ

Ҳозир Ўзбекистонда таълим соҳасига катта эътибор қаратилган. Турган гап, маълумотлилик даражаси анча юқори, мамлакатда 100 фоиз саводхонликка эришилган, лекин бунга қарамасдан ҳукумат ушбу даражани яна бир поғона юксак кўтармоқчи.

Масалан, 2005 йилда Давлат бюджетининг 33 фоизи таълим соҳасига ажратилди. Ёш авлодга юқори малакали таълим бериш, улар учун иш ўринлари яратиш, яшаш шароитини яхшилаш — бу Ўзбекистон ҳукумати ўз олдида қўйган асосий мақсад. «Бунинг учун балки анча вақт зарур бўлар, лекин таълим мамлакатни ҳимоя қилиш ва тараққий эттиришнинг асосий йўлидир» дейди ўзбекистонликлар.

2000 йилнинг май ойида Япониянинг ўша пайтдаги Бош вазири жаноб Кейдзо Обучи вафот этди, таъзия билдириш учун элчихонага кўплаб кишилар келди, улар орасида ҳукумат аъзолари, дипкорпус вакиллари бор эди. Шунда биз қутилмаганда элчихонага Президент Каримов ташриф буюрмоқчи экани ҳақида хабар олдик. Бу Президент Каримовнинг элчихонамизга биринчи бор келиши эди. Жаноб Обучи 1997 йил июл ойида Парламент аъзоси сифатида Ўзбекистонга келган ва Президент Каримов билан учрашганди. Айтишларича, у Президентда хуш таассурот қолдирган экан. Президент Каримов таъзия китоби қўйилган хонага кириб, ўз таъзиясини билдирди ва суҳбат чоғида жаноб Обучи чинакам дўст бўлганини таъкидлаб, унинг бевақт ўлиmidан қаттиқ қайғуда эканини айтди.

Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта мактаб ўртасида бўлиниш йўқ, болалар 1-синфдан 9-синфгача битта мактабда ўқишади. Тўғри, академик лицейлар ҳам мавжуд, лекин аксар болалар 9 йил ўқишади.

Университетлар даражаси жуда юқори, ўрта мактабни тугатиб университетга кирадиганлари ҳам бор, лекин мактабдан сўнг болаларнинг аксарияти иш топишга ҳаракат қилишади.

Иқтисодни либераллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жараёнида, умуман иқтисодни ялпи тараққий эттиришда ёш техник мутахассисларнинг тақчиллиги сезилади. Шунинг учун ҳам ихтисослашган ўқув муассасалари яратишга эҳтиёж катта. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, 1997 йилнинг октябр ойида Ўзбекистон ҳукумати энг муҳим давлат дастурларидан бири «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури»ни эълон қилди, натижада таълим соҳасидаги ислохотлар бошланди.

Юқоридаги суҳбатдан кейин ўша пайтдаги элчихона маслаҳатчиси жаноб Макиядан тортиб ҳамма ходимлар бу таклиф қондирилиши зарур, деган фикрда эдилар. Мен Президентнинг «биз Японияга ишонамиз» деган гапини эсладим ва учрашувдан кейин зудлик билан япон ҳамкасбларимни бу илтимос ҳақида хабардор қилдим.

Илтимосномадан кейин бир неча ой ўтди, бу орада масъул вазирликлар Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан ҳамкорликда бу муаммони ўрганиб чиқди. Натижада кредит ажратишга қарор қилинди. Шундай келишиб олинди – ОТБ саноат соҳасига, Япония эса қишлоқ хўжалик соҳасига васийлик қиладиган бўлди.

2001 йил кузида Япониядан Ўзбекистонга қишлоқ хўжалик бўйича мутахассислар юборилди, Ўзбекистондан эса Япониянинг турдош соҳадаги олий ўқув юртларига кўплаб масъул шахслар малака оширишга жўнатилди. Бизнинг ёрдамимиз фақат ўқув муассасалари очиш билан чекланмай, инсоний бордикелдиларни ҳам йўлга қўйдики, мен бундан гоят мамнунман.

## УНИВЕРСИТЕТЛАРАРО АЙИРБОШЛАШ

Япония ва Ўзбекистон университетлари орасидаги ҳамкорлик юксак баҳоланади ва қадрланади. Бундай ҳамкорлик доирасига ўзбек талабаларини япон олий ўқув юртларига қабул қилиш, шунингдек, ўзбек олийгоҳларига япон профессорларини юбориш киради.

Мен Ўзбекистонда бўлган пайтимда бу ерга Васэда университетининг ректори жаноб Окушима ташриф буюриб, Ташқи ишлар ва Олий таълим вазирлари билан учрашди. Бу ташриф икки мамлакат университетлари орасидаги айирбошлашни янада кенгайтиришга кучли туртки бўлди. Васэда университети жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига, Иқтисодиёт университетига, Тошкент тўқимачилик институти ва Самарқанд чет тиллар университетига ўзбек томонида юксак қадрланган 20 минг нусхага яқин ўқув материалларини тақдим қилди. Ўзбек талабаларини япон олий ўқув юртларига қабул қилиш ҳам йилдан йилга кўпайиб бораётганини менга айтишди.

## ЯПОН ТИЛИ

Мамлакатда япон тилини ўрганишга қизиқиш кучли. Тошкент ва Самарқанддаги университетларнинг кўплаб талабалари япон тилини ўрганишмоқда. Мамлакатдаги етакчи ўқув муассаса – Ўзбекистон Миллий университетида япон филологияси кафедрасини очиш ҳам режалаштирилган. Марказий Осиёда япон тили бўйича ўтадиган конкурсларда кўпинча ўзбек талабалари ғолиб бўлишади. 2001 йилда Москвада ўтган МДХ мамлакатлари ўртасидаги япон тили конкурсида ўзбекистонлик талаба бош совринни қўлга киритдики, бу бежиз эмас.

Ўзбекистонда япон тилини ўқитиш борасида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Тошкентда иш олиб бораётган Рейко Сугано хоним фаолияти муҳим ўрин тутди, шунингдек, ундан бошқа кўплаб юқори малакали япон ўқитувчилари бу соҳада хизмат қилишмоқда. Бу ерда япон ўқитувчилари

кўнгилли сифатида ишлаб, ўзбеклар билан бирга яшаб, бир ҳаводан нафас олмоқдалар ва япон тилини алифбодан бошлаб сидқидилдан ўргатмоқдалар.

Фарғона вилоятидаги Риштон шаҳрида эса япон тилидаги мактаб «Норико гаккю» иш олиб бормоқда. Бу мактаб «Комацу» фабрикаси Риштонда иш юритаётган пайлари жаноб Озаки ва унинг рафиқаси Норико хоним томонидан очилган бўлиб, бу ишда уларга ўша ердаги одамлар ҳам ёрдам беришганди, албатта. «Норико гаккю» мактабида қизиқиш билан таълим олган болалар Японияга ҳам ўқишга боришмоқда. Қисқаси, «Норико гаккю» мактабининг имконияти бениҳоя катта. Айтишларича, яқинда ушбу мактаб ҳақида фильм яратилар экан.

\* \* \*

Биз ўзбек тупроғига сакура<sup>1</sup> кўчатларини ўтқазар эканмиз, мезбонлар билан бир нарсага келишдик. 15 – 20 йил ўтгач, кўчатлар вояга етиб, улкан дарахтларга айланади. Бизда сакуранинг гуллаш мавсуми байрам қилинади. Кўплаб японлар дарахт ёнига тўпланиб, сакура гулларига тикилганларича узоқ-узоқ хаёл сурадилар.

Донишмандимиз Доген ёзганидек, «Сакура гуллаши қалбимиз табассумига йўлак эмасми?» Биз, насиб этса, 20 йилдан сўнг, айтайлик, 2022 йилда Тошкентда тўпланиб, шу гўзал манзарага биргаликда тикиламиз.

Йигирма йил оз фурсат эмас, албатта, ҳеч қурса, ўн йилдан кейин мен баҳорда, албатта, Тошкентга келаман. Мутахассислар фикрича, ўзбек сакуриси аввалроқ, март ойи ўрталарида гуллар эмиш. Демак, сакура гуллашидан завқ олмоқ учун аввал Ўзбекистонга келиш, кейин Японияга қайтиб, завқли томошани давом эттириш мумкин. Шундай кун келишини орзиқиб кутмоқдаман.

Мен Ўзбекистонда кўп дўстлар орттирдим, улар менга ҳамма соҳада, жумладан, сакура ниҳолларини ўтқазилда ҳамжиҳат бўлишди. Уйлашимча, бу кўчатлар барчамизга ўз болаларимиздек азиз бўлиб қолди. Уларни биргаликда парвариш қиламиз, зеро улар аллақачон Япония ва Ўзбекистон дўстлиги рамзига айланиб қолишди.

---

<sup>1</sup> С а к у р а – япон олчаси, меваси майда, аммо гули гоёт кўркем дарахт.

Хосе ОРТЕГА-и-ГАССЕТ

## Севги сехри

### МУҲАББАТ АЛОМАТЛАРИ

**М**уҳаббат ҳақида суҳбатлашамиз, бироқ келишиб олайлик, «ишқий машмаша-можаролар»га тўхталмаймиз. Хилма-хил «ишқий можаролар» эркаклар ва аёллар ўргасида юз бериши табиий. Уларни келтириб чиқарувчи кўпдан-кўп сабаб-баҳоналар ишни шу даражада мураккаблаштирадими, бундай муносабатларни ҳақиқий муҳаббат деб ҳисобламаслик учун етарли замин ҳозирлайди. «Муҳаббат можаролари» психологияси туссиз антиқалиги билан тадқиқотчининг диққат-эътиборини маҳлиё этиши шубҳасиз, бироқ даставвал муҳаббат асли қандай туйғу эканини ойдинлаштирмасак, калаванинг учини қўлдан чиқаришимиз ҳеч гап эмас. Боз устига, мавзуни ўта торайтириб, эркак ва аёл бир-бирига нисбатан ҳис этувчи ишқий-ҳирсий муносабат атрофида ўралишиб қоламиз. Ҳолбуки, муҳаббат мавзуи гоят кенг қўламли, шу боис Дантенинг айтишича, қуёш ва бошқа юлдузларни ҳам муҳаббат ҳаракатлантиради.

Бу қадар фазовий қамровдан тийилганимизда ҳам муҳаббатнинг жамики ранг-баранглигини ҳисобга олишимиз зарур. Наинки йигит-эркак қиз-жувон-аёлни, қиз-жувон-аёл эса йигит-эркакни севади; биз шунингдек санъат ва илм-фанни севамиз, она фарзандга меҳрини бахшида этади, мўмин Оллоҳга эътиқод қўяди. Муҳаббат қонун-қоидаларига бўйсунувчи хилқатларнинг беадад ва хилма-хил экани эҳтиёткорликка ундайди ва моҳиятан, аксарият, муайян кимса меҳр қўйган хилқат хусусиятлари ва хоссаларини муҳаббат аломатлари деб ҳисобламаслик учун асос яратади.

Сўнги икки юз йил мобайнида ишқий можаролар жуда кўп тилга олингани ҳолда муҳаббат ҳақида деярли баҳс юритилмади. Кўҳна Юнонистон билан боғлиқ дориломон замонлардан бошлаб деярли барча даврларда ўзига хос кўнги кечинмалари назариялари яратилган бўлса, сўнги икки аср хусусида бундай деб бўлмайди. Антик дунё даставвал Афлотун назариясини, кейин эса стоиклар таълимотини афзал билди. Ўрта асрларда Фома Аквинский ва арабларнинг муҳаббат таълимоти ҳукмронлик қилди; ўн саккизинчи асрда эса Декарт ва Спинозанинг қалб тугёнларига оид назариялари қунт билан ўрганилди. Ҳамма гап шундаки, тарихда бирон-бир буюк файласуф йўқки, бунга оид ўз таълимотини таклиф қилишни бурч-мажбурият ҳисобламаган бўлсин. Сўнги даврларга келиб, ҳис-туйғуларни таърифлаш-таснифлаш мавзусига бирон-бир

Хосе Ортега-и-Гассет (1883 –1955) испан идеалист-файласуфи, публицист. ҳаёт фалсафаси оқимининг вакили, “оммавий жамият”, “оммавий маданият” концепциясининг йирик вакилларида бири. У эстетикада модернизм назариётчиси сифатида танилган эди. Муҳаббат ҳақидаги фалсафий рисоаларидан ташқари “Омма исёни”, “Санъатнинг инсонга қарши қўйилиши” сингари асарлар муаллифидир.

буюк сиймо қўл урмади. Фақат Пфендер ва Шелер<sup>1</sup> нинг бироз олдин эълон қилинган асарлари бу мавзунини муносиб давом эттирди. Айни пайтда маънавиятимиз тобора мураккаблашиб, ҳиссиётларимиз эса янада кескинлашиб бораётир.

Шу боис муҳаббат кечинмаларига оид эски назариялар билан қаноатлана олмаймиз. Жумладан, Кўҳна Юнонистон анъаналари билан йўғрилган Фома Аквинскийнинг муҳаббатга берган таърифи нотўғри экани шубҳасиз. Унга кўра, муҳаббат ва нафрат — истак-майлнинг икки хил намоён бўлиши, нимагадир интилиш ҳисобланади. Муҳаббат — бирон-бир яхшиликка, эзгуликка интилиш-талпиниш, унга хос яхшилик-эзгуликка интилиш-талпиниш; нафрат ёки аксилантилиш — “бирон ёмонлик-ёвузликни, унга хос айни ёмонлик-ёвузликни қабул қила олмасликдир. Бу ўринда майл-мойиллик ва истак-хоҳишнинг кечинма ва ҳис-туйғулар билан чалкаштирилиши кузатилади, кўҳна-қадимий психология XVIII асрга қадар бу хато фикрдан холи бўла олмади. Бундай чалкашлик Уйғониш даврида, дарвоқе, эстетик категория ақидасини ниқоб қилиб олди. Жумладан, валламати Лоренцо<sup>2</sup> «Муҳаббат — гўзалликка ташналик» дея эътироф этган.

Бу жиддий фарқлардан бири бўлиб, муҳаббатнинг ўзига хослиги ва мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи жиҳат эътиборимиздан четда қолмаслиги учун уни теран идрок қилиш керак. Қалбимиз ишқий кечинмалар, ҳис-туйғуларнинг туганмас чашмаси; бу ўзига хос меҳр-муҳаббат ҳотамтойлиги сифатида талқин қилинса ҳам муболага бўлмайди. Инсоний хосса-хусусиятларнинг кўпчилиги: истак-хоҳиш, фикр-мулоҳазалар, иродавий аъмоллар пировард-натижлада муҳаббат билан боғлиқ, буларнинг барчаси уруғ ниш уриб, ўсиб-улғайиб, мева бергани каби меҳр-муҳаббат натижасида юзага келганидан қатъи назар, ҳали муҳаббат эмас, лекин муҳаббат мавжудлигини тасдиқлайди. Ниманики севсак, нимагаки меҳр қўйсак, у ёки бу даражада оҳанрабодай маҳлиё этиши шубҳасиз; бироқ биз севмайдиган, кўнглимизда бирон-бир кечинма пайдо қилмайдиган нарсаларга ҳам мойил бўлишимиз шубҳасиз. Яхши шаробни кўнглимиз тусайди, лекин унга муҳаббат қўйишимиз шарт эмас; наshawанд нашасиз ўзини қўярга жой тополмайди ва айни пайтда бунинг хатарли оқибатлари билан боғлиқ равишда улардан жирканади.

Муҳаббат ва истак-майлни фарқлаш-чегаралашнинг яна бир, бирмунча салмоқли ва нозик сабаби бор. Сирасини айтганда, бирон нарсани ишташ — унга эғалик қилиш, қўлга киритишга йўналтирилади, бунда айни нарсага эғалик қилиш мазкур объектнинг ҳаётини доирамизга жалб қилиниши ва секин-аста шахсиятимизнинг муайян таркибий қисмига айланишини у ёки бу маънода англатади. Шу боис қондирилгани ҳамон истак-хоҳиш ғойиб бўлади; эғалик қилиш, қўлга киритиш унинг учун — ҳалокат. Аксинча, муҳаббат — абадий қониқмаслик, ташналик. Истак-хоҳиш заиф-суёт, кўнглимизда истак пайдо бўлиши асносида, моҳиятан, ягона мақсадни — кўнглимиз тусаган нарса менга интилиши, талпиниши, йўналишини кўзлайман. Ва аксинча, муҳаббатда, қуйида бунга яна ишонч ҳосил қиламиз, барча-барчаси фаол ибтидо билан йўғрилади. Объект менга яқинлашиши ўрнига мен объектга интиламан-талпинаман ва унга бутун борлигимни бахшида этаман. Муҳаббат ҳис-ҳаяжонлари оғушида, муҳаббат қиёмида ошиқ ўзининг «мен»и доирасидан чиқади; бу она-Табиатнинг, эҳтимол, эзгу хусусиятидир, чунки шу асно ўзлгимиздан воз кечиб ҳалос топади. Нажот топиб, бошқа бирон нарсага интиламиз-талпинамиз. Бу ўринда объект эмас, балки мен объектга мойил, маҳлиёман.

Авлиё Августин муҳаббатга оид мулоҳазалари гоёт теран сиймо, балки қалбан жуда кучли муҳаббат соҳиби бўлгани туфайли, муҳаббатни аксарият истак-хоҳиш ва майл сифатида эмас, балки ўзгача талқин қилган. Илҳомланган лаҳзаларда завқу шавқ билан шундай деган: «**Amor meus, pondus meum; illo feror, quocumque feror**» — «Ишқим менинг, азобим менинг; ихтиёрим қўлида, қаландарман йўлида». Муҳаббат — бу севимли ёр оҳанрабоиси.

<sup>1</sup> М.Шелернинг Кёльн университетидаги фалсафий фаолияти (1919-1928) билан боғлиқ илмий асарлари назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Л о р е н ц и о М е д и ч и — Флоренция ҳукмдори ва шоир; неоплатонизмга ўхшаш фалсафий мулоҳазаларини шеърини асарларга шарҳларида баён этган.

Спиноза хато қилмасликка уринган ҳамда майлини бир томонда қолдириб, муҳаббат тугёнлари ва нафратни эмоционал-ҳиссий изоҳламоқчи бўлган; унинг фикрича, муҳаббат — бу муҳаббат предмети-объекти, яъни маъшуқани идрок этиш, ҳис қилиш, англаш завқу шавқи. Нимагадир ёки кимгадир йўналтирилган муҳаббат — бу гўё бор-йўқ шоду хуррамлик, завқу шавқ ва шу билан бирга айни шу туфайли нимадандир ёки кимдандир мамнун эканимизни англашу идрок қилишдан иборат. Ва биз яна муҳаббатни унинг эҳтимолий оқибат-натижалари билан чалкаштириб юборамиз. Муҳаббат предмети маҳлиёга қувонч бахш этишига ким ҳам шубҳа қиларди? Бироқ айни пайтда ишқ-муҳаббат ўлим-жудолик сингари қайғу билан йўгрилгани, иложсиз ҳалокатли азоб-изтироб экани ҳам шу қадар шубҳасиз. Боз устига, чинакам ҳақиқий муҳаббат аслиятини, таъбир жоиз бўлса, ўз қадр-қиммати ва азоб-изтироблар домидаги қўламларини яхши англайди.

Севги дардига мубтало аёл учун меҳри тушган сиймо етказувчи азоб-уқубатлар эҳтироссиз ғариб турмушдан минг чандон афзал. Португалиялик роҳиба Марианна Алькофарало<sup>1</sup> нинг бевафо ёрига йўллаган мактубида қуйидаги изҳори дилга дуч келади: «Айни пайтда сиз туфайли кўнглимни изтиробга солаётган умидсизлик — тушкунлик учун беадад шукроналар айтаман ва сиз билан танишишдан аввалги хотиржамликни кўрарга кўзим йўқ». «Мен бу барча бемаъниликларга малҳам бўладиган беназир давони топдим ва, башарти, сизни севмаганимда улардан осонгина кутулар эдим; бироқ, минг бора афсус! Бу қандай беназир даво! Йўқ, сизни унутгандан кўра азоб-уқубат чеккан минг карра афзал. Эвоҳ! Бу инон-ихтиёримдами? Сизни ортиқ севмасликни бир лаҳза бўлса ишташ борасида ўзимга таъна қила олмайман; менга нисбатан аҳволингиз ачинарли ва француз маъшуқаларингиз бахш этаётган усти ялтироқ, ичи қалтироқ сийқа эркалашлардан ҳузурланишдан кўра, мен мубтало учун барча азоб-уқубатларга бардош бериш ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас». Дастлабки мактуб шундай якунланган: «Алвидо, ҳамиша мени севинг ҳамда янада зиёда азоб-уқубат чекишга мажбур этинг». Орадан икки аср ўтгач, синьорита де Леспинасс<sup>2</sup> ёзади: «Мен сизни қандай севиб керак бўлса, шундай — умидсизлик билан, иложсиз-чорасиз севаман».

Спиноза янглишган: муҳаббат ва қувонч айни бир кечинма, ҳис-туйғу эмас. Ватанига садоқатли мард сиймо, керак бўлса, жонини ҳам қурбон қилади ва имон-эътиқоди мустақкам мўминнинг ҳаёти ҳам фожиали тугайди. Ва аксинча, нафрат ва қаҳру газаб, аксарият ўз ҳолича қаноатланади ва нафратга дучор кимса бошига ёғилган қулфатлардан беҳад шодланади.

Бу маълум таъриф-таснифлар барчани қаноатлантира олмаслиги боис, фикримча, энтолог ўрмонда тутган ҳашаротни қанчалик синчиклаб ва минг бир бўлакка ажратиб ўрганса, муҳаббат туйғусини ҳам шу асно таҳлил этиш керак. Умид қиламанки, китобхонлар севги дардига чалинган ёки қачонлардир севганлар ҳамда муҳаббат кечинмаларига қайта қанот бахш этиб, унинг парвозига бутун диққат-эътиборни жамлай оладилар. Мен ҳам асал йиғадиган, ҳам аччиқ чақадиган гужгон боларининг асосий, энг умумий хосса-белгиларини бирма-бир санайман. Китобхонлар муҳаббат кечинмаларига қайтадан синчиклаб назар ташлаб, фикр-мулоҳазаларим қанчалик мос келиш-келмаслигини холисанилло баҳолайдилар.

Даставвал келишиб олайлик, ишқ-муҳаббат истак-хоҳиш билан қатор муштаракликларга эга, чунки муҳаббат объекти — инсон ёки нарса-ашё - қалбни ҳис-ҳаяжонга солади. Объектни чулғаб олган ҳаяжон қалбга кўчади. Шу асно бу ҳис-ҳаяжон тўлқини марказга йўналган: бу тўлқин объектдан биз томонга, яъни қалбимизга ёғилади. Муҳаббат туйғуси хусусида шунини айтиш мумкинки, унга кучли ҳис-ҳаяжон дебоча бўлади. Ҳаяжон-ҳаяжонланиш ниши-найзаси жароҳатидан муҳаббат чечаги унади, у бизни объект томон муттасил даъват

<sup>1</sup> Абадий афсонавий сиймо. Бу мактубларнинг асл муаллифи Мольер, Буало ва Расиннинг дўсти — виконт де Гийераг. (Қаранг: Гийераг. Португальские письма. Пер.А. Левинсона. М., 1973.

<sup>2</sup> Жюли Жанна Элеонора де Леспинасс асли Даламбернинг маъшуқаси бўлган, лекин генерал Гиберни қаттиқ севган. Гибернинг шайрий бекаси 1809 йилда мадемуазель де Леспинасснинг «Мактублар»ини чоп эттиради.

этади: бинобарин, ҳис-ҳаяжон-ҳаяжонланиш ва исталган истак-хоҳишга нисбатан қарама-қарши йўналишда ҳаракатланади. Унинг йўли — севгандан севилганга, менадан бошқага томон, яъни марказдан қочма тарзда йўналган. Бу борада — доимий қалб тугёнида, объект сари ҳаракатланишда, шахсий «мен»имдан маҳбуба-маъшуқанинг жозибали тимсолига йўналганликда — муҳаббат ва нафрат уйғунлашади. Куйида уларнинг фарқи ҳақида сўз боради. Айни пайтда муҳаббат хилқатига интилиш асносида фақат ўзаро яқинликка ва бирга майиший турмуш кечиришга интиламиз, деб ўйламаслик керак. Бу белги-аломатлар барчаси муҳаббат натижаси сифатида ҳақиқатдан ҳам унинг ҳосиласи эканидан қатъи назар муҳаббат моҳиятини ойдинлаштиришда бирон аҳамиятга эга эмас ва шу боис таҳлил давомида уларни батамом инкор этамиз. Менинг мулоҳазаларим ботиний ҳаёт-кечинма сифатидаги қалб гавҳари ҳисобланувчи ишқ-муҳаббатга оид.

Оллоҳга эътиқоди кучли мўмин унга жисмонан интилмайди-талпинмайди, бундан қатъи назар Унга эътиқод — Унга интилиш билан баробар. Ишқ-муҳаббат исканжасида ҳаловатимиздан айриламиз, эс-ҳушимизни йўқотамиз ва бутун фикру зикримиз, диққат-эътиборимиз маҳбуба-маъшуқа атрофида парвонадай чарх уради. Муҳаббат фикр-мулоҳазаларнинг айни узлуксизлиги, давомийлиги, барқарорлигидир.

Гап шундаки, буни қайд этиш жоиз, фикрий ва иродавий аъмоллар — оний тусга эга. Уларга дохил бўлишда ҳаяллашимиз мумкин, бироқ улар бундай имиллашга тоқат қилолмайди: барчаси кўз очиб-юмгунча рўй беради; улар яшиндай югурик. Башарти, ибора-гапни тушунсам, бирйўла, бир ондаёқ англайман. Муҳаббат эса замон ичра давом этади. Ўзгарувчан ток генераторидаги гоҳ ёниб, гоҳ ўчадиган учкунлар сингари кутилмаганда ўқтин-ўқтин жунбушга келувчи ишқий тугён, ишқий галаёнлар силсиласи тарзида севмайдилар; маҳбуба-маъшуқага узлуксиз меҳр қўйилади, севги дарди — узлуксиз дард. Шу асно мазкур туйғунинг яна бир ўзига хослиги ойдинлашади: муҳаббат муқаддаслашган кечинмаларнинг чашмаси, узлуксиз қайнаб чиқадиган булоқ сингари жўшади. Ҳотамтой интуиция манбаи ҳисобланувчи ва бизни қизиқтираётган туйғу хоссаларига шу қадар яқин-уйғун муболагани қўллаган ҳолда айтганда, муҳаббат дафъатан узилган ўқ эмас, балки узлуксиз эманация, ошиқдан маъшуқага, яъни маҳбубдан маҳбубага йўналувчи маънавий-руҳий нурланиш. Зарба эмас, балки оқим.

Муҳаббат ва нафратга хос оқимлилиқ ва узлуксиз давомийликни Пфендер фавқулодда некбинлик деб таъкидлаган.

Муҳаббат ва нафрат барабар марказдан қочма тусга эга бўлиб, фикр-мулоҳазаларда объектга йўналади, ва ниҳоят, оқувчан ва узлуксиз, — уларга хос уч белги ёки аломат шулардан иборат.

Ниҳоят муҳаббат билан нафратнинг туб фарқини аниқласа бўлади.

Башарти улар марказдан қочма тусга эга бўлиб, инсон шу туйғулар воситасида объектга интилар экан, уларнинг собитқадам йўналганлиги муштарак; бунда улар қарама-қарши мазмун-моҳият билан йўғрилган бўлиб, турли мақсадларни кўзлайди. Нафратда объектга интиладилар, бироқ ганимлиқ маъносидан йўналиб, объект бошига бало-қазодай ёғилади; ва шу боис ҳалокатли мазмун-моҳиятга эга. Муҳаббат-меҳр қўйиш асносида ҳам фикр-мулоҳазалар объектга йўналади, бироқ бу объектнинг бошидан илоҳий нур сингари ёйилади.

Фикр-мулоҳазаю истак-хоҳишлар қалб ҳароратидан маҳрум, ҳолбуки муҳаббат ҳам, нафрат ҳам қалб тафтидан холи эмас. Математик вазифа устидаги мулоҳазагўйликдан фарқли равишда муҳаббат ва нафратдан ҳарорат уфуради, улар ёлқинланади, устига-устак, улар турли ҳароратга эга. Кундалиқ ҳаётда айни бир мавзуда жуда аниқлик билан гапиришлари бежиз эмас, яъни кимдир севги дардига чалингач, ғамгин-совуққон бўлиб қолгани қайд этилса, бошқа бир кимса маъшуқасининг бефарқлиги ва совуққонлигидан шикоят қилади. Туйғулар ҳарорати билан боғлиқ бу мулоҳазалар психологик қонуниятларнинг антиқа соҳалари узра тортилган пардани беихтиёр кўтаради. Биз башарият тарихининг айрим жиҳатларига эътибор қаратишимиз мумкин, янглишмасам, улар этика ва санъат соҳасида ҳамон эътибордан четда қолиб келаётир. Турли буюк цивилизация — тамаддунлар ва маданий давронларнинг хилма-хил ҳарорат-қизгинликка эга экани — Кўҳна



Юнонистоннинг, Хитойнинг ёки XVIII асрга хос совуққонлик ёхуд романтика-орзумандлик ва бошқалар ҳақида сўз юритиш мумкин. Қолаверса, турфа одамларга хос турлича ботиний ҳароратнинг ўзаро муносабатлардаги роли ҳақида сўз бориши мумкин: икки инсон учрашганда улар кўнглидан ўтадиган дастлабки кечинма — бу уларнинг ҳар бирига хос ҳиссий жўшқинлик. Ниҳоят, турлича бадий, хусусан, адабий асарлар, услублар у ёки бу даражадаги ҳароратга эга экани ҳам эътиборимизни тортади. Бироқ бу қадар кўламдор мавзуга йўл-йўлакай бирров тўхталиб ўтиш енгилтаклик бўлар эди.

Агар диққат-эътиборимизни объект ҳам жалб қилса, муҳаббат ва нафратга хос мазкур ҳарорат-қайноқлик-жўшқинликни англашга имкон қадар яқинлашмаймизми? Севгани — аёл ё бола, санъат ёхуд илм-фан, она-Ватан ёки Парвардигори олам эканидан қатъи назар — муҳаббат йўналган объект атрофида ҳамиша парвонадай айланиб-ўргилади. Истак-хоҳиш ниманики истаса, ўша билан қониқади, қаноатланади, бироқ ҳеч вақо бахш этмайди, ҳеч нарсани қурбон қилмайди, бирон-бир ён бермайди ҳам. Муҳаббат ва нафратнинг эса бирон лаҳза ҳам ороми — ҳаловати йўқ. Муҳаббат қандай масофада эканидан қатъи назар тамомила объект домига тушади, ундан ҳузурланади, завқланади, ҳаловат топади — ҳуллас, шу асно ўзини еттинчи осмонда ҳис этади. Нафрат эса объектни айни шундай қизгин жўшқинлик билан ғанимлиқ домига тортади, зиён-заҳмат еткази, ҳалокатли ҳазон сипоҳидай ёприлади, аста-аста емириб, охир-оқибат бошига этади. Буларнинг барчаси, юқорида қайд этганимдек, амалда рўй бериши шарт эмас; гап нафрат йўғрилган мурод-мақсад, унинг ўзақ-негизини ташкил қилувчи ирреал аъмол хусусида бораётир. Шундай қилиб, муҳаббат ўз буюмига ҳаётбахш ҳарорат ва фаровонлик уфуради, нафрат эса оғу-заҳар пуркайди.

Бу икки туйғу аъмолидаги мазкур қарама-қаршилиқ бошқа тарзда ҳам юзага чиқади. Муҳаббат асносида гўё объект билан бир тану жонга айланамиз. Бу асли қандай ҳолат? Аслида бу жисмоний қовушув эмас, қолаверса, умуман яқинлик сирасига кирмайди. Дейлик, дўстимиз — муҳаббат хоссалари ҳақида баҳс юритар эканмиз, дўстликни ҳам унутмаслигимиз керак — олисда истиқомат қилгани боис ҳаётдан тамомила беҳабармиз. Бундан қатъи назар у билан ғойибона ришталар воситасида боғланганмиз қалбимиз ҳайратомуз жунбушга келиши асносида ҳар қандай олис масофани ҳам босиб ўтади ва қаерда эканидан қатъи назар дўстимиз билан ғойибона дийдорлашганимизни ҳис этамиз. Бошига кулфат тушган яқин қариндошимиз ёки танишимизга фикран мурожаат қилганимизда ҳам айни шундай ғойибона ҳодиса содир бўлади: саросимага тушманг, токи ёнингизда шай эканман, ҳар қандай мушкулни ҳал қиламиз; бошқачароқ айтганда, сизнинг истак-хоҳишингиз мен учун жуда азиз, шу боис менга ўзингизга ишонгандай ишонаверинг.

Ва аксинча, нафрат, жирканадиган-ҳазар қиладиган буюмга ёки одамга йўналганидан қатъи назар объектдан рамзий шу маънода узоқлаштирадигани — икки ўртада ўпқон-жарлик ҳосил қилиб, дастимиз етмайдиган масофага улоқтиради. Муҳаббат — ёнгинамиздаги ҳамоҳанг қалб; нафрат — нифоқ, нафрат объекти билан метафизик жангу жадал, абсолют зиддиятдир.

Муҳаббат ва нафратга хос ҳамда қувонч ва қайғу сингари суст — заиф ҳис-туйғуларга бегона фаоллик, қизгинлик, қизиққонлик нимадан иборат эканига оид айрим тасаввурга, ниҳоят эга бўлдик. Бежиз қувноқ ёхуд ғамгин ҳолат дейишмайди. Булар ҳақиқатдан ҳам фаоллик, жўшқинлик, қизиққонлик эмас, балки шунчаки ҳолат. Ғамгин аламдийда қувонган кимса каби айни ҳолати билан кифояланади, фаолият юритмайди. Муҳаббат эса фикран объектни кучади ва ғойибона, бироқ жамики ишларнинг муқаддас ва энг ҳаётийси билан машғул бўлади — объектнинг мавжудлигини қайта-қайта эътироф этади. Санъат ёки Ватанни севиш хусусида мулоҳаза юритинг: бу уларнинг мавжудлик ҳуқуқига бирон лаҳза ҳам шубҳа қилмасликдан иборат; бу уларнинг мавжудлик ҳуқуқини идрок этиш ва лаҳза сайин эътироф этишдан иборат. Дарвоқе, бу қонун-қоидаларни пухта ўзлаштирган, шу боис ҳукмлари эҳтиросдан, қизиққонликдан, ҳароратдан холи ҳакам — қози сингари эмас, балки оқловчи ҳукм бир пайтнинг ўзида ҳам изланиш ва яқунлаш бўлиши хоссасига эга бўлиши керак. Ва аксинча, нафратланиш — муҳаббатимиз объектини фикран қатл этиш, уни мулоҳазалар

воситасида ҳалокатга дучор қилиш, замин узра ҳаёт кечериш ҳуқуқи борасида аёвсиз баҳслашишдан иборат. Қимдандир нафратланиш — уни фақат мавжудлигидан газабланиш демак. Ёлғиз завол топишигина қаноатлантиради.

Муҳаббат ва нафратнинг ҳозиргина тилга олинган аломатидан ўзга хусусияти бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ниманидир севиш, нимагадир меҳр-муҳаббат қўйиш — унинг мавжудлик ҳуқуқини азбаройи ҳимоялаш-ёқлашдан; мазкур объект мавжудлигини истисно қилувчи дунёвий тартиб-қоидаларни инкор этишдан иборат. Бу айна пайтда, моҳиятан, инсоний фикр-мулоҳазалар воситасида мазкур объектга узлуксиз ҳаётбахш нафас уфуришдан иборат эканини ҳам назардан соқит қилманг. Муҳаббат — абадий ҳаёт бахш этиш, қалбда муҳаббат объектининг қайта-қайта яратилиши ва камолга етказилиши ҳисобланади. Нафрат — фикрий қирғин-қотиллик; боз устига фақат бир марта содир этиладиган чинакам қотилликдан фарқли равишда нафратланиш нафратимизга дучор кимсани заминда ҳатто биронта из-асоратини ҳам қолдирмасдан қайта-қайта, такрор-такрор узлуксиз равишда дорга тортишдан иборат.

Аниқлик киритилган ўзига хосликларни айна шу баланд пардада умумлаштиргудай бўлсак, шундай хулосага келиш мумкин: муҳаббат — марказдан қочма қалб тугёни бўлиб, узлуксиз оқим сингари муҳаббат объектига йўналади ва уни қайноқ ҳарорат ҳамда хайрихоҳ мамнуният билан йўғиради, бизларни у билан яхлит-ягона бир тану бир жонга айлантиради ҳамда унинг шубҳасиз мавжудлиги ҳаётийлигини эътироф этади, қарор топтиради.

## СТЕНДАЛНИНГ МУҲАББАТ ТАЛҚИНИ

### I

#### Сохта муҳаббат

Стендалнинг ҳаёлида жуда кўп назариялар чарх урган, бироқ у мутлақо назариётчи эмас. Мана шу, қолаверса, бошқа қатор хислатлари билан юртдошимиз Барохани эслатади, Бароха учун ҳам исталган инсоний мавзу зудлик билан ғоялар силсиласи тусини олади. Юзаки қараганда уни ҳам, буни ҳам тақдирнинг қалтис ҳазили туфайли ёзувчи бўлган, моҳиятан эса файласуф деган хулосага келасиз. Ҳолбуки, аслида тамомила бунинг акси. Уларнинг ҳар иккаласи яратган назариялар жозибаторлиги билан маҳлиё этади. Ҳолбуки, файласуфнинг якка-ягона назарияси бўлади. Айна мана шу — чинакам назариётчилик салоҳияти билан уни шунчаки эслатувчи қобилият ўртасидаги жиддий фарқ ҳисобланади.

Назариётчи муайян тизимни, яъни воқеликни айнан ўхшаш тарзда акс эттириш билан боғлиқ азбаройи интилиш юзага келтирган тизим-тартиботни шакллантиради. Бу уни юксак даражада эҳтиёткорликка ундайди ва бошқа бир қанча талаблари қаторида хилма-хил фикр-мулоҳазаларини қатъий ягона-яхлитликка бўйсундиришга ундайди. Бинобарин, воқелик — яхлит-ягона. Буни англаган Парменид қанчалар даҳшатга тушган! Бунинг акси ўлароқ, фикр-мулоҳазаларимиз ва ҳис-ҳаяжонларимиз кўнимсиз, нимта-нимта, пароканда, зиддиятли ва хилма-хил. Стендал ва Бароха ғоялари бадиий баён, адабий жанрлар қиёфасини касб этади ва шу асно лирик эманация рўй беради. Қўшиқлар — уларнинг назариялари. Улар *pro* ва *contra*<sup>1</sup> (мутафаккирга бегона хусусият) асносида мулоҳаза юритадилар, тушунчалар воситасида севадилар ва нафратландилар. Шу боис хилма-хил ва айна пайтда бир-бирини инкор қилувчи, лаҳзалик кайфият натижасида пайдо бўлган назарияларининг сони бор, саногии йўқ. Қўшиқ-ашула тарзидаги назариялар ҳам ҳақиқатни акс эттиради, бироқ нарсаси-ашёлар моҳиятини эмас, балки хонандага оид ҳақиқатни, яъни нуқтаи назарни ифодалайди.

Шу боис уларни қоралаш фикридан йироқман. Моҳиятан, на Стендал, на Бароха файласуфлик даъво қилишмаган; ва мен ҳар кимга холисона ёндошишдек

<sup>1</sup> Тарафдор ва қарши — (*лом.*).

хушнудлик бахш этувчи эҳтиёж нуқтаи назаридан бу икки шахс маънавий қиёфасига эътиборни жалб қилдим. Уларни файласуф ҳисоблашади. Бироқ улар файласуф эмас.

Бароҳа масаласида бу борада у ёки бу даражада ҳеч қандай шубҳа йўқ. Стендаль хусусида бундай деб бўлмайди, чунки муайян мавзулар устида файласуфона фикрлашга уринган. Вазият тақозоси билан барча файласуфларнинг пушти паноҳи Сукрот ҳақим ҳам мазкур мавзу билан шуғулланган. Та erotika — муҳаббат масаласи.

Стендалнинг “Муҳаббат ҳақида”ги рисоласи — мароқ билан ўқиладиган китоб. Маркиза, актриса ёки шунчаки маърифатли жувоннинг маиший турмуши билан танишяпман, деб тасаввур қилинг. Уй бекасини кутиш асносида хонани кўздан кечирасиз. Дастлаб, албатта, тасвирий санъат асарлари (дарвоқе, нима учун деворларга, албатта, шундай асарлар илинган бўлиши керак?) эътиборингизни жалб этади. Ва деярли ҳамиша ўзингизни ҳашаматли саройда ўтиргандек сезасиз. Бу ўринда санъат асаридаги манзаранинг таъсири шундай; бироқ тамомила бошқача бўлиши ҳам мумкин. Аввалдан тахмин қилинган алланарса билан учрашганда қалбимизни даъфатан қамраб олувчи орзиқтирадиган ҳаяжонни ахтарамиз. Сўнг мебелларга, гоҳ у, гоҳ бу ерда ётган китобларга назар ташлаймиз. Улардан бирининг муқоваси эътиборимизни тортади — китобнинг номи нима экан? “Муҳаббат ҳақида”. Маркиза, актриса ва маърифатли жувон муҳаббат мазмун-моҳиятини англашим керак деган ният билан мазкур китобни харид қилган, худди шундай кимдир машина сотиб олар экан, ички ёнув двигателига оид қўлланмани ҳам харид қилади.

Китоб мароқ билан ўқилади. Стендал мулоҳаза юритганда ҳам, асослаш асносида ҳам ва назариябозлик қилишга уринганида ҳам қиссахонликка берилади. Назаримда, у жуда яхши қиссанавис, Яратган эгамнинг қошида беназир ҳикоянавис. Бироқ унинг “кристалланган” муҳаббат назарияси асослими? Бу масала билан нима учун ҳеч ким жиддий шуғулланмаган? Бу масала хусусида мулоҳаза юритишган, лекин лозим тарзда ҳеч ким таҳлил қилмаган.

Наҳотки арзимаса? Моҳиятан, мазкур назарияга биноан, муҳаббат ҳаёлот ҳосиласидан бўлак ҳеч вақо эмас. Гап муҳаббат борасида тез-тез янглишиш, ҳатога йўл кўйишда эмас, балки муҳаббат ўз хоссасига кўра янглишишдан иборат. Тасаввуримиз кимгадир ҳаёлий фазилат-хоссалар бахш этганида муҳаббат дардига мубтало бўламиз. Кейинчалик бундай хомхаёл саробдай гойиб бўлади-ю, муҳаббат ҳам завол топади. Муҳаббатни, одатда, сўқир-кўр дея таърифлаганга нисбатан бу таъриф яна ҳам ҳаққоний. Стендаль учун эса муҳаббат наинки сўқир — боз устига уйдирма, сохта. Унинг талқинидаги муҳаббат воқеликни кўрмайдигина эмас — уни алмаштиради, сохталаштиради.

Мазкур назария яратилган замон ва маконни ойдинлаштириш учун бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиш кифоя: бу XIX аср Европасига тўла-тўқис хос ақида. Айни шу асрнинг пессимизми ва позитивизми Стендалнинг муҳаббат ақидасига ҳам муҳр босган. «Кристалланиш» идеалистик назария, чунки фикр-мулоҳазаларимиз жамланган объект юзасида ёлғиз субъект проекциясини илғайди. Ренессанс давридан буён европаликлар дунёни руҳ эманацияси<sup>1</sup> сифатида талқин қилишга мойил бўлиб келяпти. XIX асргача мазкур идеализм, аксарият қувонарли бўлган. Субъект орқали проекция қилинган дунё-олам ўзича реал, ҳаққоний ва жиддий-аҳамиятли. Айни пайтда «кристалланганлик» назарияси пессимистик руҳга эга. Унинг мақсади — бизнингча табиий ҳис-туйғулар ҳеч бир қолипга сигмайдиган фавқуллодда ҳодисалар эканини исботлашдан иборат. Жумладан, Тэн меъерий қабул қилиш — идрок этиш замон тақозо қилувчи жамоавий янглишишдан бўлак ҳеч вақо эмас, дея ишонтирмоқчи бўлади. Ва бу ўтган, XIX аср назариялари учун муштарак хусусият. Нормал ҳолат анормал ҳолат воситасида, улувворлик — тубанлик воситасида анланлади. Жумла ҳақон — абсолют

<sup>1</sup> Ортеганинг «цивилизация»га оид мулоҳазалари, чамаси, фанда қабул қилинган нуқтаи назардан фарқ қилади. Гап шундаки, Афлотуннинг яхлитлик ва қояларга оид таълимотини ривожлантирувчи «эманация» назарияси даставвал неоплатониклар томонидан ўрганилган ва айни шу тарзда Уйғониш даври фалсафаси томонидан Ж.Бруно тимсолида қабул қилинган.

quid pro quo, мустақил мундарижали бемаънилик эканини исботлаш эҳтиёжи ажабланарли, албатта. Ахлоқшунос альтуризм – пинҳоний шахсиятпарастлик эканига ишонтирмоқчи бўлади. Дарвин ҳаётни тартибга солиш фаолиятини бирма-бир баён этади, бу дарвоқе ўлим тақозосига кўра қилинади ва ҳаётнинг негизи яшаш учун курашдан иборат дея хулоса ясади. Айни шу асно Карл Маркс синфий курашни тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи дея таърифлайди<sup>1</sup>.

Айни пайтда ҳақиқат мазкур қайсар пессимизмдан шу қадар йироққи, бу маҳдуд мутафаккирнинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмаганидан қатъи назар, аксарият пессимизм қиёфасини ҳам касб этади. Бунга «кристалланиш» назарияси мисол бўла олади. Ундан пировард-натижада шундай хулоса келиб чиқади: инсон меҳр-муҳаббатига лойиқ нарса-ашё, шахс-сиймони севади. Бироқ ҳаётда муҳаббатига лойиқ объектни топа олмагач, ҳаёлоти, таҳайюлидан нажот ахтаради. Айни уйдирма-сохта фазилатлар муҳаббатга сабаби бўлади. Бирон-бир баркамоллик-такомилни хомхаёл сифатида тасаввур қилишдан осони йўқ. Бироқ шундай йўл тутадиган одам, шубҳасиз, бир нарсани унутади. Бирон-бир баркамоллик токи мавжуд эмас экан, унинг борлигини қаёқдан била қолдик? Токи муайян аёл-жувон қалбимизни эҳтирослар гирдобига гирифтор этувчи фазилатларга эга эмас экан, қайси бир малаксиймо ville l'еuax<sup>2</sup> мафтун-маҳлиё қилувчи фариштани учрата қолдик?

Муҳаббат моҳиятидаги алдоқчи хуфиёна жоду масаласида шубҳасиз муболаға қилинади. Меҳримиз тушган сиймонинг фазилатлари аслида қандай эканини пайқагач, муҳаббат туйғусининг ўзи сохта-уйдирма эмасмикан, деган масала устида бош қотиришимиз зарур. Муҳаббат психологияси таҳлил қилинаётган туйғунинг айни чинакамлигига ғоят ишончсизлик билан ёндашиш керак. Менимча, Стендал рисоласининг энг кучли жиҳати – муҳаббатга ҳеч қандай дахли бўлмаган ишқий можароларнинг борлигидан иборат. Муҳаббатнинг amour-gout, amour-vanite, amour-passion<sup>3</sup> сингари тур, хиллар сифатида таъриф-таснифланиши нимани англатади? Башарти эндигина тугилиб келаётган ҳиссиёт-кечинна янглиш тарзда муҳаббат ҳисобланса, у билан боғлиқ нарсаларнинг барчаси, ва даставап шу туйғунинг келтириб чиқарган объектнинг ўзи сохта-уйдирма бўлади.

Стендалнинг фикрича, фақат “муҳаббат-эҳтирос” – чинакам муҳаббат. Ҳолбуки, бу жуда кенг маънога эга тушунча. “Муҳаббат-эҳтирос” муайян даражада табақалашади, турланади. Сохта муҳаббатнинг сабаби шуҳратпарастлик ёки “gout” дагина эмас. Бунинг бошқа, анчайин бевосита ва азалий илдизи ҳам мавжуд. Муҳаббат – жаҳоншумул шон-шуҳрат касб этган ҳиссий фаолият. Шоирлар қадим-қадимдан ишқ-муҳаббатни куйлайдилар, таърифлаш-таснифлаш асносида унга ғаройиб, ҳайратомуз сайқал берадилар, натижада, бу дардга мубтало бўлиб улгурмасданоқ ундан атрофлича хабар топамиз, ишқий ўй-хаёлларга бериламиз ва гўё бирон-бир санъат ёки ҳунармандчилик туридай унга бутун борлигимизни бахшида этишга шай ҳолатга келамиз. Шундай қилиб, муҳаббатни аллақандай абстракт, ҳаётий идеал ҳисобловчи эркак ва аёлни кўз олдингизга келтиринг. Улар мудом сохта муҳаббат билан кун кечирадилар. Муайян объектдан меҳр-муҳаббат ёғилишини қутишнинг улар учун кераги йўқ; улар дастлабки дуч келгани билан кифояланадилар. Қолаверса, ишқ-муҳаббатнинг ўзини севадилар, уларнинг меҳри тушган сиймо эса бор-йўғи сабаб-баҳона, важ-карсон, холос. Шундай ҳолатни бошдан кечирадиган одам, башарти мулоҳазакорлик бегона бўлмаса, “кристалланганлик” назариясини яратиши муқаррар.

Стендал – ишқ-муҳаббатни севадиларнинг биттаси.”Стендалнинг маиший ҳаёти” деб номланган, яқинда чоп этилган китобида Анри Боннар ёзади: “У аёллардан хомхаёл-таҳайюлотини тасдиқлашни талаб қилади, холос. Ёлғизлик исканжасида изтироб чекмаслик учун севади; дарвоқе, тўғриси айтганда, унинг муҳаббат муносабатлари – ўз ҳаёлотининг самараси” дир.

<sup>1</sup> К.Маркс синфий курашни бутун тарих мобайнидаги эмас, балки синфий жамиятдаги тарихий ўзгаришлар омили деб билган (*таржимон изоҳи*).

<sup>2</sup> Курортда (*фр.*).

<sup>3</sup> М у ҳ а б б а т – қониқш, м у ҳ а б б а т – шуҳратпарастлик, м у ҳ а б б а т – эҳтирос (*фр.*).

Икки хил муҳаббат назарияси бор. Улардан бирини исботталаб материал жозибадорлиги амалийлигидан келиб чиқмайдиган бозори чаққон-харидоргир, барчага аён тасаввурлар ташкил этади. Навбатдаги назария эса анча теран, шахсий тажрибага таянувчи фикр-мулоҳазалар, тасаввур-тушунчалардан иборат. Муҳаббатга оид фикр-мулоҳазаларимиз, хулосаларимизда ҳар биримизнинг муҳаббат муносабатимиз харитаси чизиқлари кўзга ташланади.

Стендалнинг ҳолати тўла-тўқис аён. Гап наинки қачонлардир чинакамига муҳаббат дардига мубтало бўлган, балки ҳеч қачон ҳеч ким севмаган кимса ҳақида бораётир. Унинг ҳаёти сохта муҳаббат гирдобиди хазон бўлган. Айни пайтда сохта муҳаббат кўнгилда аччиқ баҳонаи сабаб чўкиндиси-догани, қай асно ғойиб бўлганига оид хотира асоратини қолдиради. Стендал назариясига жиддий ёндошиб, таҳлил қиладиган бўлсак, ҳамма-ҳаммаси тескари, яъни оёғи осмондан эканининг; олий муҳаббат калимаси сўнгги марра эканининг гувоҳи бўламиз. Обьекти ҳамон ўзгармай қолгани тарзда муҳаббат заволга юз тутишини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, англаш-билиш назариясида Кант қандай йўл тутган бўлса, шу асно иш тутиш керак, яъни инон-ихтиёримиз ишқий ҳис-туйғулар кўлида эмас, балки аксинча, ҳаяжонланган, тугёнга келган ҳаяжон-эҳтирос, таҳаюлот объектини яратади. Башарти, янглиш дунёга келган бўлса, муҳаббат завол топади.

Шатобрианнинг ҳиссий тажрибаси тамомила тескари хулоса чиқаришга сабабчи бўлган. Мана сизга теран кечинмаларни ҳис этишга яроқсиз, фақат ҳақиқий муҳаббат туйғусини ўзгаларда келтириб чиқаришга қобилиятли шахс намунаси. У ҳаёти мобайнида жуда кўп жувонларга дуч келган, ва истисносиз барчасини дарҳол ва умрбод маҳлиё қилган. *Дарҳол ва умрбод*. Шу боис Шатобриан муайян ақида яратиши муқаррар бўлган ва яратган ҳам: чинакам-ҳаққоний-ҳақиқий муҳаббат абадий ва кўз очиб юмгунча дунёга келади.

## II

### Дарҳол ва умрбод

Шатобриан ва Стендалнинг муҳаббати тарихини психологик нуқтаи назардан қиёслаш Дон Жуан тимсоли ҳақида енгил-елпи мулоҳаза юритадиганлар учун бағоят ибратли ва кони фойда. Мана улкан ижодий салоҳиятга эга икки сиймо. Уларни ҳеч ким шилқим ёхуд хотинбоз демайди. Ҳолбуки, гўл ва калтафаҳм кимсаларнинг наздида Дон Жуан баайни шундай. Бундан қатъи назар иккаласи ҳам кимгадир меҳр-муҳаббат қўйиш учун қалб ҳароратини аямаган. Бу иккаласига ҳам насиб этмагани шубҳасиз. Чамаси, савдойи муҳаббатдан лаззатланиш буюк қалблар толеига битилмаган. Шунга қарамай, улар айни мақсад сари жон-жаҳди билан интилган ва ҳамиша муҳаббат дардига чинакамига мубтало эканларига ишончлари комил бўлган. Муҳаббат можаролари улар учун ижоддан ҳам катта аҳамият касб этган. Шуниси қизиққи, фақат ижодий салоҳиятга эга бўлмаган одамлар илм-фанга, санъатга ёки сиёсатга жиддий ёндашиши керак, муҳаббат можароларидан эса тубанлик ва бемаънилик сифатида нафратланиши кераклигига ишонадилар. Бу борада менга барибир: фақат қўйидаги далилни қайд этиш билан кифояланаман, яъни буюк сиймолар, одатда, башарти мазкур фазилатга майда буржуа нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у даражада жиддий бўлмаганлар.

Бироқ донжуанликни англаш учун Стендал билан Шатобриан ўртасидаги фарқ муҳим аҳамиятга эга. Айни Стендал аёлларга шоён диққат-этибор қаратган. Ҳолбуки, ҳақиқий Дон Жуан тамомила аксинча йўл тутган. Дон Жуан тамомила бунинг акси; азбаройи ҳаяжонланиш унга бегона, ҳамиша гам-ғусса исқанжасида ва бирон-бир аёлга жиддий этибор бергани амри маҳол.

Умр бўйи аёлларнинг меҳр-муҳаббатини қозонишга уринадиган кимсаларни Дон Жуанга ўхшатиш жуда катта хато. Энг яхши ҳолатда бу ярамас ва беҳаё Дон Жуан типини ойдинлаштиради, лекин эҳтимолдан холи эмаски, бу фикр-мулоҳазалар пировард-натигада тамомила ўзгача инсоний тип шаклланишига олиб келади. Шоирни таърифлаш асносида номигагина назм аҳлига этиборни қаратадиган бўлсак, қандай ҳол рўй беради? Ёмон шоир аслида шоир-поир

эмас экани, жамики уринишлари зўриқишлару самарасиз чиранишлардан бўлак ҳеч вақо эмаслиги ойдинлашади. Ёмон шоир салоҳияти йўқлиги, илҳом нима эканини билмаслигини юзаки безаклар, ялтироқ зеб-зийнатлар — елкасига тушадиган саватдай сочию энг сўнгги моладаги бўйинбоғлар билан ниқобламоқчи бўлади. Худди Дон Жуан каби — муҳаббат сахнида эртаю кеч тер тўкадиган меҳнаткаш, Дон Жуанга икки томчи сувдай “ўхшайдиган” бу сохта “Дон Жуан” аслида унинг тамомила акси, нухаси, холос.

Дон Жуан аёлларга эмас, аксинча, аёллар унга маҳлиё бўладилар. Инсон феъл-атвориға оид шубҳасиз ҳақиқатлардан бири шу бўлиб, муҳим донжуанлик мавзуга кейинги пайтда тез-тез мурожаат қилаётган ёзувчи-шоирлар айни ҳақиқат — муаммо устида бош қотирсалар, фойдадан холи бўлмасди. Аёллар айрим эркакларга алоҳида хайрихоҳлик ва кучли диққат-этибор билан қарашлари сир эмас. Айни шу масала устида истаганча фикр-мулоҳаза юритиш мумкин. Бундай гаройиб фазилат қандай изоҳланади? Бундай жозибдорлик негизида қандай сир-синоат яширинган? Бошқа томондан кимнингдир бемаъни хаёлотининг самараси ҳисобланувчи у ёки бу даражадаги мавҳум Дон Жуан тимсолини танқид қилиш гўллик, боз устига ҳеч қандай наф келтирмайди. Руҳоний-ваъзхонларнинг азалий заифлиги бор — лақма-ландавур манихейни ўйлаб топадилар-да, сўнгра манихейизм устидан истаганча мағзава ағдарадилар.

Аёл жинси — маликалар қалъасини Стендал қирқ йил қамал қилди. У бошланғич сабаблару пировард-натижалардан иборат яхлит дастур яратди. Чекинди, яна ҳужумга ташланди, мақсад сари қайсарона жон-жаҳди билан интилди. Мақсад — натижа эса сариқ чақага қиммат! Стендал бирон-бир аёлнинг меҳрини қозона олмади. Ва бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Аксарият эркакларнинг қисмати шундай. Кўпинча мағлубиятлар аламини беркитишга уриниб, аёлларнинг ўта ғарибона садоқати ва итоатгўйлиги алоҳида меҳр-муҳаббат сифатида талқин қилинишига қайта-қайта дуч келамиз, ҳолбуки бу ҳам узлуксиз саъй-ҳаракатлар натижасида қўлга киритилади. Эстетик — нафис таассуротлар борасида ҳам шундай ҳолат рўй беради. Жуда камдан-кам одамгина санъатдан чинакамга завқлана олади. Шу боис жозибдор рақс томоша қилаётганимизда етмиш икки томиримизда ҳаяжон жўш ургани ёки ўта қизиқарли китоб мутоаласи натижасида ҳис қилинадиган ҳайрат тимсолида тасаввур этилади.

Стендалнинг муҳаббат тафсилотлари шунга ўхшаш сохтакорлик билан йўрилган. Авел Боннар “Стендалнинг маиший ҳаёти” китобида бу фикрни қатъий ёқламайди, айни шу жиҳат мени мазкур фикрларни баён этишга ундади. Мазкур ойдинлаштириш этиборга молик, илло Стендал илгари сурган муҳаббат назариясининг жиддий нуқсонларини фош қилади. Зеро унинг назарияси негизини сохта, юзаки тажриба ташкил этади.

Стендал ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, хулоса ясайди: муҳаббат “яратилади” ва нобуд бўлади. Униси ҳам, буниси ҳам сохта муҳаббатга хос.

Шатобриан учун эса, аксинча, муҳаббат — аллақандай “мавжудлик”. Бу борада у ўзини зўриқтирмайди. Аёллар у билан танишгани ҳамано аллақандай афсунгар жоду қармоғига илинади. Натижада бутун борлигини шубҳасиз баҳшида этади. Нечун? Донжуанлик тадқиқотчилари айни мана шу жумбоқ жавобини топишлари керак эди. Шатобриан хунук. Пакана, боз устига букридай букчайган, ҳамиша даргазаб, шубҳагар ва мугамбир. Маҳлиёсига айланган аёл билан андармонлиги саккиз кундан ошмаган. Ҳолбуки, йигирма ёшда унга меҳр қўйган аёл, гарчи кейинчалик уни кўриш ҳеч қачон насиб қилмаса ҳам, саксон ёшгача Шатобриан “даҳо”сининг маҳлиёси бўлиб қолаверган. Бунга талай исботлар бор.

Улардан бири: маркиза де Кюстин<sup>1</sup> — Франциянинг “шалола соч соҳибаси” сифатида машҳур бўлган. Аслзода оилалардан бирига мансуб маркиза тенгсиз ҳусни жамол соҳибаси эди. Инқилоб чоғида навниҳол маркизанинг бошида росмана қора булутлар тўпланади. Уни аллақандай этикдўзга муҳаббати кутқаради. У Англияга бош олиб кетади. Ватанига қайтиб келганида Шатобрианнинг

<sup>1</sup> Маркиза де Кюстин дипломат Рено-Филипп де Кюстиннинг (1768-1793) хотини ва генерал Адам Филипп де Кюстиннинг (1748-1793) келини бўлган. Иккаласи ҳам инқилоб чоғида қатл этилган; маркиза ёлғиз бахтли тасодиф тўфайли омон қолган.

“Атала”<sup>1</sup> қиссаси дунё юзини кўради. Муаллиф билан танишгани ҳамано маркиза ақлу ҳушини йўқотади. Инжиқ Шатобрианнинг кўнглига йўл топиш учун Генрих IV атиги бир кеча тунаган кўҳна Фервак қалъасини сотиб олиш тадоригига тушади. Англияда жон сақлаб юрган йилларида издан чиққан ишларини амал-тақал қилиб, бироз ўнглаган маркиза зарур маблағ тўплаб, қалъани харид қилади. Бироқ Шатобриан унинг ҳузурига ошиқмайди. Пировард натижада бир неча кун меҳмон бўлади — бу муҳаббат дардига чалинган жувон ҳаётида юлдузли лаҳзаларга айланади. Генрих IV каминга ов пичоғи билан ўйиб ёзган фардни Шатобриан ўқийди:

“Фервак моҳи адил,  
Хужумга арзир дадил”.

Юлдузли лаҳзалар кўз очиб-юмгунча ўтади ва ортиқ такрорланмайди. Шатобриан бадар жўнаб кетади: уни янги муҳаббат маъволари чорлайди. Ойлар, йиллар ўтади. Маркиза де Кюстин ёши етмишни қоралаб қолади. У аллақандай меҳмонни қалъаси бўйлаб сайр қилдиради. Меҳмон улкан камин ўрнатилган хонада хонимни дафъатан саволга тутуди: «Шатобриан айни шу жойда қаршингизда тиз чўкканмиди?» У эса бирданига қизишиб, ажабланиб ва ҳатто қаттиқ ҳақоратлангандай жавоб беради: «Нималар деяпсиз, азизим, йўқ-йўқ, аксинча: айнан камина Шатобриан қаршисида таъзим бажо айлаганман!»

Бутун борлигини маҳбубага бахшида этишни талаб қилувчи бундай муҳаббатни Стендал билмаган. Шу боис муҳаббат вақт ўтиши асносида заифлашиб боришига ишончи комил бўлган, аслида эса бунинг тамомила акси рўй беради. Қалб қаърида туғилган чинакам ҳаққоний муҳаббат, чамаси, заволга юз тутмайди. Бундай муҳаббат қалб ганжигга айланади. Вазият — жумладан, ҳижрон — уни ҳаётини манбадан маҳрум қилиши мумкин; оқибатда бундай муҳаббат ҳолдан тояди ва заиф риштага, кўнгил кунжақларида аранг жон сақловчи, юракни орзиқтирувчи хотирага айланади. Бироқ шу ҳолда ҳам завол топмайди. У бахш этадиган ҳис-ҳаяжон ўзгармайди. Айни шундай шубҳасиз негиз-асос шарофати билан севган одам — ошиқ кейинчалик ҳам маҳбуба билан ўзини муҳаббат ришталари воситасида чамбарчас боғланган ҳис этаверади. Қисмат жисмоний оламдаги ва ижтимоий муҳитдаги мақомини ўзгартириб, севганидан жудо қилиши ҳеч гап эмас. Ҳатто бу ҳам ошиқ қаршисида ожиз — муҳаббати қалбида кетади. Чинакам муҳаббатнинг олий, илоҳий аломат-нишонаси шундай: маҳбуба билан ҳамнафас-ҳамроҳликка, сирли-синоатли яқинликка талпинади. Бу росмана ҳаётини ришталар билан чамбарчас боғланишни билдиради.

Яна ҳам аниқ, гарчи бирмунча махсус, илмий атама, яъни — маҳбуба билан антологик ҳамнафаслик, унинг ўзгарувчан тақдирга садоқатли бўлиш атамаси ҳам мавжуд. Жиноятчини севадиган аёл, қаерда эканидан қатъи назар, қалбан қамоқда ҳам у билан бирга бўлади.

### III

#### Комиликка муҳаббат

Стендалга муҳаббат назариясини аниқ ифодалаш имконини берган «кристалланганлик» сўзи метафора сифатида жуда яхши маълум. Башарти, Зальцбург туз конларига шохчани ташлаб, кейинги кунни олсангиз, ўзгарганини кўрасиз. Ялтироқ нуқралар билан қопланиши натижасида шохча гаройиб тарзда товланади. Стендалнинг эътирофича, муҳаббат билан йўғрилган қалб ҳам шундай жилва касб этади. Муайян аёлнинг сиймоси эркак-ошиқ қалбига муҳрланиб, аста-секин ошиқона таҳайюл воситасида жило топади, пировард-натижада илоҳий гўзаллик касб этади.

Бу маълум назария менга ҳаммиша ўта сохта туюлган. Унда ёлғиз хулоса, яъни муҳаббат маълум маънода комилликка, баркамолликка интилиш (бу ҳам мантиқий

<sup>1</sup> Шатобрианнинг «Атала, ёки икки ёввойиннинг муҳаббати» қиссаси 1801 йили чоп этилган.

хулоса эмас, балки тусмоллаб топилган) эканининг эътирофи диққатга сазовор. Шундан келиб чиққан ҳолда Стендал мажбуран комиллик, баркамоллик – тасаввуф-таҳайюлотимиз самараси, деган хулосага келади. Бироқ бу мавзуга тўхталмайди, чунки бу унинг назариясида ўта камтарона ўрин тутувчи шундоқ ҳам аён ҳақиқат; гап муҳаббатнинг энг муҳим, энг теран, энг сирли-синоатли хусусияти ҳақида бораётгани унинг хаёлига ҳам келмайди. «Кристалланиш» назариясини асосан муҳаббатдан кўнгил қолиши сабаблари, хомхаёлларнинг чиппакка чиқиши қизиқтиради; яъни маҳлиё бўлиш ўрнига нима учун бефарқ бўлишлари қизиқтиради.

Стендал, чинакам французларга хос йўл тутиб, умумий мулоҳазалар юрита бошлагани ҳамано саёзлашади. У ниҳоятда улкан, бошланғич муҳимликка эга мавзу ёнидан, бирров назар ташлагани ҳолда ажабланмасдан, ҳайратланмасдан ўтиб кетади. Ҳолбуки, шубҳасиз ва табиий туюлган ҳолатлардан ҳайратланиш қобилияти айнан файласуфларга ато этилган. Афлотун муҳаббатнинг жон томирини тутиб олади, дадил илдамлайди. «**Муҳаббат – бу гўзалликда тажассум топилган иборат абадий-мангу эҳтирос**»<sup>1</sup>. «Бу яна қанақа лақмалик!» – дейишади муҳаббат борасида аллома ҳисобланган жувонлар дунёнинг исталган бурчагидаги исталган қаҳвахонада қаҳвахўрлик қилиш асносида. Назокатли қалбларга ҳотамона илтифот бахш этганидан мийиғида кулиб қўйган файласуфни қанчалар мамнун этганликлари аёлларнинг ҳатто хаёлига ҳам келмайди. Файласуф муҳаббат ҳақида гапирар экан, жувон уларга ҳазил қилиш у ёқда турсин, ҳатто уларга тамомила бефарқ эканини ҳам билмайдилар. Фихте қайд этганидек, фалсафа юритиш – ҳаёт кечирмасликдай гап, худди шундай ҳаёт кечириш, яшаш – фалсафа юритмасликдан бўлак ҳеч вақо эмас. Ҳаётдан тамомила узилиш, нигоҳлардан пинҳон маъволар оғушида ғойиб бўлиш қобилияти қанчалар тотли! Ва файласуф бу қобилиятни қанчалик пухта эгаллаган бўлса, аёл-жувон наздида шунчалик гўл, лақма, содда, бўш-баёв туюлади. Аёлларни, дарвоқе Стендални ҳам муҳаббат назариясида психологик қалтис нозикликлар ва латифалар қизиқтиради. Улар ҳам диққатга сазовор экани шубҳасиз, бироқ ҳамма гап мазкур энгил-елпи муносабат-ёндошувлар билан ҳаддан ташқари андармон бўлиб, қалб кечинмаларининг энг муҳим муаммолари, хусусан, йигирма беш аср муқаддам Афлотун айтган таъриф-таъбир эътиборимиздан четда қолиб кетмасмикан, деган хавотир ташвишлантиради.

Мавзудан четлашиб, жуда муҳим шу масалага тўхталамиз.

Афлотун лугатида «гўзаллик» атамаси наздимиздаги «баркамоллик» сифатида талқин қилинади. Муайян эҳтиёткорлик билан, айна пайтда Афлотуннинг мулоҳазалари доирасидан четга чиқмаган ҳолда айтиш мумкинки, у илгари сурган ақиданинг моҳияти қуйидагича: муҳаббат ошиқ-маҳбубнинг бошқа одам – маҳбуба билан қовишувини шубҳасиз ўз ичига олади, маҳбуба маҳбубнинг наздида ғаройиб баркамоллик соҳибаси. Бошқача айтганда, бу кўнглимизнинг маълум маънода аҳамиятлиликка, бетимсол гўзалликка, олиймақом мақомотга талпиниши. Кўнгил кечинмалари – аниқроғи, муҳаббат эҳтироси – бевосита аслиятимиздан келиб чиқмайди, аксинча, бизларни ҳайратлантирган объект таъсири натижасида юзага келади. Айна пайтда у табиатан баркамол бўлишининг, шунингдек, ёлғиз бизнинг наздимизда шундай фазилат соҳибаси эканининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Муҳаббат объекти – маҳбуба маҳбубнинг наздида бирон-бир баркамоллик фазилатидан маҳрум бўлиши мумкин эмаслигига китобхон шундай ҳолатини тасаввур қилиб, ишонч ҳосил қилиши мумкин. Шундай қилиб, севиш – сеvgи дардига мубталолик нимагадир маҳлиёлик, нимадандир ҳайратланиш (бунинг тафсилотини қуйида баён этамиз) бўлиб; айна пайтда фақат баркамол ёки шундай туюлган нарсагина ҳайратлантира олади. Маҳбуба ҳар жиҳатдан баркамол, бекаму кўст бўлиши керак, дея даъво қилмоқчи эмасман, – Стендал айна шу масалада янглишган. Айна нарса-сиймо бирон-бир маънода баркамол бўлиши кифоя, чунки инсоний тасаввурдаги баркамоллик – абсолют идеал комиллик

<sup>1</sup> Афлотун шу асно муҳаббатни кўнгил кечинмаси сифатида англайди («афлотунча муҳаббат» атамаси шундан келиб чиққан). Шогирди Арасту муҳаббатни шахвоний майл шаклида ёки шахвониятдан холи дўстлик сифатида эътироф этган. Унинг инсон руҳ ва тана уйғунлигидан иборат, деган ақидаси моҳияти шунда акс этади (Қаранг: Аристотель. О душе. 403 а 3. Соч. 1. М., 1975).



эмас, балки ён-атрофдагилардан алоҳида юксак фазилатлари билан фарқланиш-афзалликни билдиради.

Бироқ бу масаланинг фақат бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, биз айни шу юксак фазилатларга эга инсон билан яқинликка, унга яқинлашишга талпина бошлаймиз. «Яқинлик, яқинлашиш» деганда нимани тушуниш зарур? Севги дардига телбаларча мубтало бўлганларнинг самимий эътирофига кўра, улар — нима бўлмасин, бутун фикру зикрини таслим айлаганидан қатъи назар, маҳбуба билан жисмоний яқинлик эҳтиёжини сезишмаган. Бу тўла ойдинликни талаб қилувчи нозик мавзу. Гап маҳбубнинг маҳбуба билан интим-жинсий яқинликка ҳам ташна экани хусусида эмас. Бироқ шундай «ташналик» мавжуд бўлгани ҳолда ҳам маҳбуб фақат «шунга ташна» деган тахмин нотўғри бўларди.

Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш фурсати етди. «Муҳаббат эҳтироси» билан «муҳаббат инстинкти» ўртасидаги фарқни ҳеч ким — дарвоқе, ёлғиз Шелердан бўлак — аниқ идрок этмаган, оқибатда «муҳаббат инстинкти» «муҳаббат эҳтироси» тарзида талқин этилади. Инсон феъл-атворида инстинктлар деярли ҳаминша инстинктдан холи кўнгил кечинмалари ва ҳатто руҳий хоссалар билан уйғун бўлиши шубҳасиз. Соф инстинктга камдан-кам дуч келамиз. «Жисмоний муҳаббат»га оид кенг тарқалган тушунча, назаримда, тўла асосга эга эмас. Фақат ва фақат жисмоний мойилликни ҳис этиш мушкул ва бу ҳам камдан-кам учрайди. Одатда, ҳиссий кўтаринкилик, гўзалликдан ҳайратланиш, хайрихоҳлик, мойиллик сингари кечинмалар ҳиссиёт сезгирлигига ҳамроҳлик қилади ва у билан уйғунлашади. Айни пайтда абсолют ҳиссиётлилик, инстинктив мойиллик ҳолатлари уни «муҳаббат эҳтироси»и етарли даражадан ҳам зиёда. Бундай фарқ-тафовут икки қалтис вазиятда: яъни жисмоний мойиллик ахлоқий мезонлар ёки муайян меъёрлар воситасида жиловланганида ёки аксинча, тийиқсиз ҳиссиётларнинг шаҳватпарастлик тусини олишида, айниқса, яққол кўзга ташланади. Бу ҳар икки ҳолатда, муҳаббатдан фарқли равишда, ўта шаҳватпарастлик — аникроғи беҳад шаҳватпарастлик — объектдан қатъи назар ҳукм суриши шубҳасиз. Майл-мойиллик инсон ёки уни қондирадиган вазият юзага келишидан олдин исканжага олади. Оқибатда ким қониқтиришининг аҳамияти қолмайди. Инстинкт соф ҳолатда танлаш-саралаш салоҳиятидан маҳрум. Шу боис у баркамоллик сари талпиниш-юксалиш бўла олмайди.

Муҳаббат инстинкти насл-уруғни сақлашни кафолатга ҳам, унинг баркамоллигини таъминлай олмайди. *Ва аксинча, чинакам-ҳақиқий муҳаббат эҳтироси, ўзга инсонга, унинг қалби ва чиройига муштарак маҳлиёлик-мафтунлик, азал-азалдан бани башарни баркамоллаштирувчи буюк куч-қудрат бўлмаслиги мумкин эмас.* Объектдан мустақил-айри ҳолатда мавжуд бўлиш ўрнига йўлимизда учрайдиган, қалбга тугён солувчи аллақандай фавқуллодда фазилатлари билан фарқланувчи, афзал, зиёда инсондан ёғилаётган ҳаётий куч-қувватдан шубҳасиз баҳраманд бўлади.

Бу туйғу ҳис қилингани ҳамоно маҳбуб ўз шахсиятини бошқа инсон — маҳбуба шахсиятига сингиши ва, аксинча, маҳбуба шахсиятини ўз шахсиятига синдириш, жо этишдан иборат тушунуксиз эҳтиёжни ҳис этади. Фаройиб эҳтиёж! Ҳолбуки, ўзгача ҳолатларда шахсий ҳаётимизга бирон-бир кимсанинг аралашуви, суқилиб киришига мутлақо чидай олмаймиз, муҳаббат наъшаси шундаки, ўзга кимса-маҳбуба шахсиятини тўлалигича ўз шахсиятимизга шу даражада синдириб оламизки, натижада «икки жисму жондан иборат яхлит жисму жон» сифатида олий саодатга мушарраф бўламиз. Бу сенсимончилар ақидасини ёдга солади, унга биноан муайян реал инсон шахси бир пайтнинг ўзида ҳам эркак, ҳам аёл саналади. Дарвоқе, бу ақидада азбаройи қовушув эҳтиёжи ҳеч бир акс этмаган. Муҳаббат сохта, юзаки бўлмаса, фарзанд сиймосида муайян рамз-тимсолни ва айни пайтда маҳбуба фазилатларининг амалий тажассумини кўриш билан боғлиқ анланган истакка айланади. Муҳаббатга таянувчи бу учинчи бўгин, чамаси, унинг моҳиятини бутун бошланғич софлиги билан акс эттиради. Фарзанд-бола — ота ҳам, она ҳам эмас, балки ҳар иккисининг муайян шахс тимсолида яхлитлашуви жисмоний ва маънавий воқелик тусини олган баркамоллик сари ташланган қадамдир. Соддадил Афлотун ҳақ: **«Муҳаббат — бу гўзалликда тажассум топишдан иборат абадий-мангу эҳтирос»**, ёхуд неоплатониклардан бири, Лоренцо де Медичи айтганидек, *appetito di beieza* («Муҳаббат — гўзалликка талпинишдир»).

Янги давр назарияти космологиядан безди ва ёлғиз психологик масалалар қабрига шўнғиди. Муҳаббат психологиясининг мушқулотлари, сабабият тўрларига ўралиб, севгининг мана шу туб ва айна пайтда самовий жиҳатидан эътиборимизни чалғитди. Шундай қилиб, психология соҳасига қадам қўямиз, гарчи унинг қоидалари-мезонларига зид бўлса ҳам, ишқий кечинмаларимизнинг қашшоқ солномаси жамики ранг-баранглиги ва важ-карсонлари билан айна шу туб ва самовий куч-қудратнинг фаолияти натижасидан бўлак ҳеч вақо эмаслигини ёдда тутиб, бу куч-қудратни — ибтидоий ёки назокатли, соддадил ёки заковатли, у ёки бу даврга мансуб — руҳиятимиз олами фақат турли шаклларда ўзлаштиради ва тажассум қила олади.

#### IV

### Муҳаббат хилма-хиллиги

«Кристалланиш» назарияси дастлаб назар ташлаганда, шубҳасиз, ҳақиқатга эга эканини инкор этиб бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам, ишқий муносабатларда ёлғиз шахсий хато-камчиликлар туфайли кўзимиз мошдай очилади. Маҳбубани унга хос бўлмаган фазилатлар ва комилликлар соҳибаси сифатида тасаввур қиламиз. Башарти шундай экан, Стендал ҳақ эканини эътироф этиш керак эмасми? Бунинг ҳолати йўқ. Ёлғиз ҳаққонийлик ҳақ бўлиш учун кифоя қилмайдиган ҳолатлар ҳам учрайди. Воқелик билан ўзаро муносабатларда ҳар қадамда хато содир этган ҳолда, муҳаббат масаласида мутлақо зийрак бўлишимиз ақлга сизмайди. Бусиз ҳам нарса-ашёларнинг хаёлий-таҳайюлий хоссаларини амалий-мавжуд тарзда талқин этамиз. Инсон учун бирон-бир нарса-ашёга назар ташлаш, боз устига баҳолаш — уни муайян маънода тўлдириш-тўйинтириш-бойитишни билдиради. Бир пайтлар Декарт деразадан термилар экан, одамларни кўраётган дея ўйлаши асносида янглишаётганини эътироф этган. Аслида у нималарни кўрганми? *Chareaux et manteaux, rien de plus!*. (Бундай кузатиш усули импрессионист-рассом учун жуда мос келган бўларди: кўз олдимишга беихтиёр Веласкеснинг “*Les petits chevaliers*”<sup>2</sup> асари келади. Луврда сақланаётган бу асардан Мано нусха кўчирган). Қатъий айтганда, воқелик аслида қандай бўлса, айна шу ҳолатда ҳеч ким уни кўрмайди. Аксинча, буюк зийраклик-донишмандлик санаси Заминий ҳаётнинг сўнги куни бўларди. Бундан қатъи назар тасаввуримиз воқеликни айнан акс эттиради ва ҳарир парда орқали ўтиб, оламнинг тархини, буюк тектоник қатламларни кўздан кечириш имконини беради, деб ўйлаймиз. Кўпчилик, ҳатто аксарият одамлар, шундан ҳам маҳрум: улар муайян калима-иборалар билан кифояланади, нисбий тушунчалар билан чекланиб, ойпарастлар сингари гафлат чанғалида тентирайдилар. Биз даҳолик деб атайдиган хислат аслида мана шу хаёлотлар тумани ичра ойдinлик доирасини ғойибона кенгайтириш ва янги, ўта яланғочлиги-очиқ-ошкоралигидан хижолатга тушгандай титраётган чинакам воқеликни кўра билиш қобилиятидир.

Шундай қилиб, кристалланиш назариясида тўғри туюлган жиҳат атиги умумий қонунийликнинг айрим юзага чиқиши, холос. Бутун ҳаётимиз маълум маънода — кристалланишдан иборат. Бинобарин, муҳаббатнинг мазкур ўзига хослиги — умумий тусга эга хусусият. Пировард-натижада севиш-маҳлиёлик асносида кристалланиш жараёни бирмунча кучаяди, деб тахмин қилса ҳам бўлар эди. Бироқ бу тамомила нотўғри тахмин, ва нимаики бўлмасин, стендалона англаш ва талқин қилиш — сохта, юзаки. Бизнинг сиёсатчи, артист, тадбиркор ва бошқаларга оид тасаввуримизга нисбатан маҳбубнинг тасаввурлари бирмунча сохта-саробий. Умунан, одамлар ўз яқинларига оид хулосаларида бўлганидек муҳаббат масаласида ҳам ожиз ёки зийрак. Дунёдаги энг мураккаб ва назокатли — инсонни баҳолашда деярли барчамиз калтафаҳмлик қиламиз.

Кристалланиш назарияси таҳлилига чек қўйиш учун мазкур жиҳат мутлақо учрамайдиган ҳолатларни эслаш кифоя: бу энг кўп тарқалган муҳаббат шакли

<sup>1</sup> Шляпа ва ёмғирпўшлардан бўлак ҳеч вақони (*фр.*).

<sup>2</sup> «Митти кавалерлар» асарини кейинги пайтларда Веласкеснинг шоғирди ва куёви Хуан Масо чизган деб ҳисобланмоқда.

бўлиб, унда маҳбуб ҳам, маҳбуба ҳам эсини йўқотмайди ва имкон қадар хато қилмайди. Муҳаббат майллари назарияси таҳлилини фавқуллодда жиҳатларга эътибор қаратишдан олдин энг типик шакллари оидинлаштирган маъқул. Гап шундаки, ўзи қадрлаган аллақандай фазилатлар соҳибаси бўлган аёлни ахтариш ўрнига эркак киши бирон-бир аёлда ҳаёлига ҳам келмаган фазилатларни дафъатан кашф этади. Гап фақат ва фақат аёлларнинг фазилатлари ҳақида бораётганини эсдан чиқарманг. Бу хосса-хусусиятлар қай асно эркак тасаввуритаҳайюлотининг самараси бўла олади? Ва аксинча, эркак фазилатлари қай асно аёл тасаввуритаҳайюлотини натижаси бўлиши мумкин? Мавжудлиги моҳиятан эътироф этилмаган фазилатларни ҳис этиш, тахмин қилиш ва ўйлаб топиш билан боғлиқ ҳаққониятнинг Стендал гоёлари билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Бу пинҳона, хуфиёна жиҳатга яна тўхталамиз.

Даставвал, мазкур назария негизини ташкил қилувчи кузатув тарзида қўпол хатога йўл қўйилган. Афтидан, маҳлиёлик-севиш ҳолати онг-тафаккурнинг фавқуллодда фаоллиги ила кечадиган жараён сифатида тахмин қилинаётгандай туюлади. Стендалона кристалланиш қалбий қувватнинг жўш уриши, ботиний оламнинг бойиши ила содир бўлади. Айни пайтда эътироф этиш жоизки, **севиш-маҳлиёлик - қалбий қашшоқлик ҳолати бўлиб, бунда ички-ботиний оламимиз ғарибланиши, қашшоқланиши ва фалажланиши – шол бўлиб қолади.**

Мен “севиш-маҳлиёлик” дедим. Муҳаббатга оид мулоҳазаларда қалашиб ётган, минг қарра чайналган, сийқа таърифу тавсифларга берилмаслик учун қўлланилаётган атамаларга муайян аниқлик киритиш зарур. Оддий ва лўнда “муҳаббат” калимаси хилма-хил маъно-мазмунга эга, улар шу қадар хилма-хилки, барчасига муайян муштараклик хос деб бўлмайди. “Аёлга муҳаббат” деймиз, айни пайтда “Оллоҳга муҳаббат”, “Ватанга муҳаббат”, “санъатга муҳаббат”, “фарзандлик муҳаббати” сингари муҳаббат турлари бор. Айни бир калимаи шарифа шу қадар ранг-барангки, у безовта оламни ҳам ифода этади, ҳам ҳар бири ҳақида алоҳида тасаввур беради.

Башарти бирон сўз ўзаро боғланмаган, умумий негиздан тамомила маҳрум тушунчаларни ифода этса, уни қўллаш борасида баҳслашса бўлади. Жумладан, жониворлар султонини ифодаловчи “лев” (“шер”) сўзи айни пайтда ҳам Рим папалари исми, ҳам Испаниядаги шаҳарлардан бирининг номи. Шу асно атиги бир сўз бир неча маънони ифодалайди, натижада кўз ўнгимизда хилма-хил манзара пайдо бўлади. Лингвинист-тилшунос ва мантиқшунослар бир сўзнинг хилма-хил маънога эга эканини “полисемия” деб аташади.

Юқорида келтирилган ҳолатларда “муҳаббат” калимаси айни бир маънони ифодалайдими? “Илм-фанга муҳаббат” билан “аёлга муҳаббат” ўртасида бирон-бир узвий алоқадорлик борми? Бу икки ҳолат қиёсланганда, бир-биридан даярли тамомила фарқ қилиши ойдинлашади. Лекин синчиклаб назар ташласак, уларга ягона муштараклик хос экани маълум бўлади. Айни шу икки ҳолатга хос бошқа хоссаларни инобатга олмасдан, фақат муштарак жиҳатга эътиборни жалб қилиш асносида “муҳаббат” деганда нимани англаш кераклигини билиб олиш мумкин. Муайян ҳолат чегараларини кенгайтириш билан боғлиқ юзаки одатга кўра, айни шу калима билан муайян кўнгил кечинмасини таърифлаймиз, ҳолбуки бу ёлғиз “муҳаббат”нинг ва ҳатто ёлғиз кечинмаларнинг эмас, балки қатор омилларнинг натижасидир.

Афсуски, кейинги юз йил мобайнида психология маданиятнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилмади, психологларнинг саъй-ҳаракатларига эса, одатга кўра, ҳали-ҳануз инсон психологиясини ўрганишда фойдаланилаётган заррабинга назар ташлаш сифатида қараб келинди.

Муҳаббатга аниқ таъриф берадиган бўлсак<sup>1</sup>, бу – жонли ёки жонсиз исталган объектга йўналган етарли ҳиссий-ҳаяжонли фаолият. “Ҳиссий-ҳаяжонли” фаолият бўлгани боис бир томондан – англаш, тинглаш, фикрлаш, эслаш, тасаввур қилиш сингари ақл-идрок вазифаларидан фарқланса, иккинчи томондан истак-хоҳишдан фарқ қилади. Ҳолбуки, муҳаббат аксарият истак-хоҳиш билан чалкаштирилади. Ташна одам сув ичишни истайди, бироқ бунинг учун сувни севишнинг ҳожати йўқ. Муҳаббат, шубҳасиз, истак-хоҳишни юзага келтиради,

<sup>1</sup> Маҳбуб ҳолати эмас, балки фақат муҳаббат назарда тутилади.

лекин истак-хоҳиш ва севги-муҳаббат ўз ҳолича айни бир хил эмас. Биз Она юртимизда яшашни ва унинг равнақ топшини истаимиз, чунки уни севаимиз. Меҳр-муҳаббатимиз айни истак-хоҳишлар дебочаси, улар Она юртга меҳримиз уругидан ниҳол сингари ўсиб чиқади.

Муҳаббат “ҳиссий-ҳаяжонли” фаолият сифатида қувонч ёки қайғу каби суст-заиф туйғулардан ҳам фарқ қилади. Қувонч ва қайғу баайни қалбимизни безайдиган хилма-хил ранг-бўёқ. Қайғу ва шодлик — шундай “ҳолат”ки, инсон мазкур туйғулар оғушида бўлади. Қувонч ўз ҳолича фаолиятсизлик, ҳаракатсизлик, лекин хатти-ҳаракатлар сабаби бўлиши мумкин. Айни пайтда муҳаббат наинки “ҳолат”, балки маҳбубага йўналган фаолият. Мен муҳаббат келтириб чиқарадиган тана ва руҳда кечадиган юксалиш-туғёнларни эмас, балки муҳаббат табиатида инсоннинг ўзи севадиган ашё-сиймога интилиши асносида шахсий “мен”ининг чегара-сарҳадларини бартараф этиш эҳтиёжи мавжудлигини назарда тутаяпман.. Маҳбубадан минг чақирим олисда ҳам уни ва у билан учрашишни ўйламаган тақдирда ҳам, башарти севгимиз ростакам бўлса, маҳбубани ҳаёлан қайноқ бағримизга оламиз. Муҳаббатни нафрат билан қиёслаш буни тўла-тўқис исботлайди. Бирон-бир кимса ёхуд юирон-бир ашёддан нафратланиш аламкашлик каби “сусткаш-заифона” ҳолат бўлмасдан, аксинча, муайян хатти-ҳаракат, тасаввурда, ҳаёлан нафратланиш объектини инкор қилувчи, яқсон этувчи ҳаракатдир. Танамиз ёки қалбимизнинг бирон-бир ҳолатидан фарқли махсус ҳиссий-ҳаяжонли — хоҳ интеллектуал, хоҳ ҳиссий ёки хоҳ иродавий эканидан қатъи назар фаолият мавжудлигини эътироф этиш чинакам муҳаббат психологияси учун, наздимда, фавқулодда муҳим аҳамиятга молик. Шу масалага тўхталишда, одатда, натижалар тавсифи билан чекланадилар. Камдан-кам ҳолатларда муҳаббат жамики хилма-хиллиги ва бошқа психологик ҳолатлардан фарқлари батафсил таҳлил қилинади.

Эндиликда “илм-фанга муҳаббат” билан “аёлга муҳаббат” ўртасида аллақандай муштараклик борлигига оид тахмин тамомила ақлга зид туюлмайд. Бу ҳиссий-ҳаяжонли фаолият, мазкур муайян ҳодисага қайноқ ва ҳаётбахш муносабатимиз айни самарали тарзда аёлга ҳам, муайян заминга (ватанга) ёки бирон-бир фаолият турига — спортга, илм-фанга ва бошқаларга йўналтирилиши мумкин. Айни пайтда шунини қўшимча қилиш жоизки, “илм-фанга муҳаббат” ёки “аёлга муҳаббат”да бевосита ҳиссий-ҳаяжонли фаолиятга дахли бўлмаган жиҳатларнинг барчаси муҳаббат билан бевосита боғлиқ эмаслиги шубҳасиз.

Аксарият “муҳаббат мोजаролари”да чинакам ишқ-муҳаббат бўлмайди. Истак-хоҳиш, қизиқувчанлик, савдойилик, туйғуларнинг самимий алдови мавжуд, лекин бизга муносабати қандай эканидан қатъи назар ўзга шахс — маҳбубанинг эҳтиросли эътирофи бу эмас. “Муҳаббат мोजаролари” хусусида шунини унутмаслик керакки, уларнинг таркибида муҳаббатдан ташқари талай ўзга унсурлар ҳам бор.

Муҳаббатни кенг маънода “маҳлиёлик” деб аташга қўниққанмиз — маҳлиёлик ўта мураккаб ҳолат бўлиб, унда севги аслида иккинчи даражали аҳамиятга эга. Стендал айни мана шу ҳолатни назарда тутиб, рисоласини кенгайтирилган маънода “муҳаббат ҳақида” дея номлайди ва айни шу асно фалсафий дунёқарашининг чекланганлигини намойиш этади.

Шундай қилиб, кристалланиш назарияси қўнгилда кечадиган ҳаддан ташқари кучли фаоллик — туғён сифатида талқин қилинувчи “маҳлиёлик”, менимча, аслида онг-тафаккуримизнинг қашшоқланиши ва қисман фалажланиши ҳисобланади. Унинг тасарруфига, домига мубтало бўлган ҳолда одатий ҳолатимизга қиёсан нимагадир мушарраф бўлмаймиз, аксинча, алланарсаларни бой берамиз. Бу қўнгил-қалб туғёнлари психологиясини умуман таърифлаш-тавсифлашга мажбур этади.

## V

### Қизиқувчанлик ва савдойилик

«Маҳлиёлик» қизиқувчанлик билан бевосита боғлиқ эканини даставвал қайд этамиз.

Онг-тафаккуримиз тарзига назар солганимиз ҳамано ташқи ва ички — ботиний оламнинг кўпдан кўп ҳолатларига дуч келамиз. Хотирамизда кетма-

кет саф тортадиган бу ҳолатлар пала-партиш тартибсиз эмас. Улар муайян тартибда, зарур иерархия асосида жойлашган. Ҳақиқатдан ҳам, уларнинг бирортаси бошқаларига нисбатан алоҳида мавқе-мақомга эга, қалбимиз зиёси уни нурга чулғаб, алоҳида мазмун-моҳият бахш этади. Қизиқувчанлигимиз ҳамisha кашфиётларга устаси фаранг: бирон-бир нарсага диққат-эътиборимизни жамлаш асосида муқаррар кўплаб бошқа нарсаларни четга сурамиз, улар шу асно жўровоз хонандалар ёки фон — орқа манзара каби иккинчи ҳолатга ўтиб қолади.

Ҳар биримизнинг ички-ботиний оламимизни ташкил қилувчи ҳолат-кечинмалар беадад бўлиб, онг-тафакқуримиз имкониятлари эса чеклангани боис улар ўртасида диққат-эътиборимизга сазовор бўлиш учун ўзига хос беллашув кечади. Моҳиятан, кўнглимиз ва руҳиятимизда кечадиган жамики жараёнлар айни шундай мунавварлик ҳудудида рўй беради. Бошқа барчаси — онгли эътиборсизлик худуди-саҳни, онгости сезгиси ва бошқа жиҳатларни айтмай ҳам қўяқолайлик, — ҳаётийликка даъвогарлик, унга тайёрланиш, омбор, заҳира. Шахсиятимизнинг ҳаётий саҳни сифатида зийрак идрокни ўзимизча тасаввур қилишимиз мумкин.

Бирон нарса-ашё эътиборимизни бироз жалб этади-ю, кўп ўтмай, ўрнини бошқа нарса-ашёга бўшатиб беради. Бинобарин, қизиқувчанлик муайян объектдан бошқасига ўтади, бу борада ҳаётий қимматига боғлиқ равишда уларнинг ҳар бирига муайян муддат боғлиқ бўлади. Ажойиб кунларнинг бирида диққат-эътиборимиз фақат бир нарсага мафтун-маҳлиё бўлади-ю, фалажланади дея тасаввур қилайлик. Бошқа нарсаларнинг барчаси онг-тафакқур-тасаввуримиз доирасидан сиқиб чиқарилади, инкор этилади, тамомила ғойиб бўлади ва қиёсланадиган бирон-бир объектнинг йўқлиги сабабли диққат-эътиборимизни тамомила ром айлаган нарса-ашё-сиймо мислсиз кўлам касб этади. Натижада бутун фикру зикримизни забт этиб, қайсарона эътиборсизлигимиз боис рад-инкор этилган жамики олам ўрнини ёлғиз ўзи эгаллайди. Кўлимизни кўзимизга олиб борганимизда, моҳиятан, шунга ўхшаш ҳолат рўй беради: кафтимиз қанчалик кичик бўлмасин нигоҳимиз қаршисидаги бутун оламни тамомила кўра олмайдиган тарзда тўсиб қўяди. Диққат-эътиборимизни жалб қилган нарса-ашё-сиймо-маҳбуба, наздимизда, эътиборимиздан четда қолган, саробий ва ҳаётийликдан маҳрум, онгимиз-идрокимиз бўсағаларида мудраётган нарсаларга нисбатан *ipso facto*<sup>1</sup> — чинакам воқелик. Аксарият воқелик сифатида тасаввур қилиниши асосида яна салмоқли, янада қимматли, янада аҳамиятли бўлиб, бошқа жамики олам ўрнини эгаллаши шубҳасиз.

Башарти бирон объект диққат-эътиборимизни тез-тез ва одатдагидан зиёда жалб қиладиган бўлса, «савдойилик» ҳолатига дуч келамиз. Савдойи — ноноормал қизиқувчан одам. Деярли барча буюқлар савдойи, фақат уларнинг савдойилиги оқибат-натijasи, уларнинг «ёпишқоқ ғоялари» бизларга фойдали ва ҳурмат-эҳтиромга лойиқ туюлади. Ньютондан бутун олам тортишиш қонунини қандай кашф этгани ҳақида сўрашганида: «*Nokte dieque inkubando*» («Бу хусусда кечаю кундуз мулоҳаза юритиш натижасида») дея жавоб берган. Бу — савдойилик, муайян ғояга мубталолик эътирофи. Ҳақиқатдан ҳам бизлар қизиқувчанлигимиз даражасига кўра бир-биримиздан кескин фарқланамиз. Бу хислат ҳар кимда ҳар хил намоён бўлади. Жумладан, ҳар бир муаммонинг ўта яширин жиҳати мазмун-моҳиятини кашф этишга аҳд қилган мулоҳазакор тафакқур соҳибини оми кимсанинг диққат-эътибори бир мавзудан бошқасига капалакдек тез ва енгил учиб-қўниши ғазаблантиради. Ва, аксинча, файласуфнинг дарё қуйи оқими сингари ўзаннинг ҳар тепалиги атрофида гирдоб ҳосил қилиб айлангандек вазмин мулоҳазакорлиги оми кимсанинг юрагини хуфтон қилиб, асабийлаштиради. Ниҳоят, қизиқиш, ҳавас, майлга қараб, ҳар бир инсон ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилса бўлади. Иқтисодий ҳисоб-китоблар қулоғига чалингани ҳамано кимдир эс-ҳушини йўқотиб, тубсиз чоғга қулаётгандек туюлади. Бошқа бир одамнинг қизиқувчанлиги ўз-ўзидан нишабликдан санъат ёки майишатпарастлик томон йўналади. Хуллас, нимага диққат-эътибор қаратишингни айтсанг, аслида қандай инсон эканингни айтиб бераман, деган

<sup>1</sup> Ўз-ўзича ҳаётий воқелик (*лот.*)

қоидани муайян мезон-андоза сифатида қабул қилиш фойдадан холи бўлмасди.

Шундай қилиб, ишончим комилки, «маҳлиёлик» – қизиқувчанликнинг намоеън бўлиши, унинг нормал одам феъл-атворидаги нономал ҳолатидир.

«Маҳлиёлик»нинг дастлабки босқичи буни исботлайди. Жамият ўзаро яқин муомала қилувчи кўплаб аёллар ва кўплаб эркаклардан иборат. Индифферент ҳолатда ҳар бир эркакнинг – аини шундай аёлнинг диққат-эътибори қарама-қарши жинснинг бир вакилидан иккинчисига қаратилади. Одатий хайрихоҳлиги, жуда яқин ўзаро муносабатлар каби омиллар туфайли аёл муайян эркакка бошқаларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратади; бироқ муайян инсонга диққат-эътибор билан ўзга барчага нисбатан эътиборсизлик-бефарқлик ўртасидаги номутаносиблик у қадар катта эмас. Моҳиятан – жуда аҳамиятсиз жиҳатларни истисно қилганда – аёл биладиган барча эркаклар унинг қизиқиши чегарасига нисбатан баравар масофада, аини бир қаторда жойлашадилар. Бироқ ажойиб кунларнинг бирида диққат-эътибордаги мувозанат бузилади. Аёл эркаклардан бирига беихтиёр алоҳида эътибор қарата бошлайди ва ҳеч қанча вақт ўтмай, уни тамомила фароғуш айлаб, бирон-бир кимса ёки бирон бир машғулотга диққат-эътиборини жамлаши қийинлашади. Бараварлик – тенглик қаторида бузилиш бўлади: эркаклардан бири аёлнинг наздида нисбатан яқин масофага келтирилади.

«Маҳлиёлик» юзага келиши – бу бошқа одам-маҳбуба билан фавқуллодда қизиқишидан иборат. Агар эркак устун мавқеидан омилкорлик билан фойдаланса ва ўзига нисбатан қизиқишни устомонлик билан сақлаб қола билса, бошқа ишлар барчаси кўз очиб-юмгунча рўй беради. Умумий, қиёфасиз кимсалар сафидан кун сайин тобора йироқлашади; қалбини ром айлаган сиймога кун сайин мафтун-маҳлиё бўла боради. Диққат-эътиборига сазовор сиймо фикри зикрини тобора забт этади. Бошқа одамлару, нарса-ашёллар аста-секин унинг учун иккинчи даражали нарсага айланади. «Маҳлиё» аёл қаерда бўлмасин, нима билан машғул эканидан қатъи назар фикру зикри ўша эркакда бўлади. Ҳатто турмуш ташвишларига диққат-эътибор қаратиши ҳам қийинлашади. Авлиё Августин муҳаббатнинг муболагага мойиллигини зукколик билан ифодалаган: «Amor meus, pondus meum; illo feror, quosumque feror» - («Ишқим менинг, азобим менинг; ихтиёрим қўлида, қаландарман йўлида»).

Дарвоқе, бу ўринда қалбимиз олами ранг-баранглашуви, бойиши ҳақида гап бораётгани йўқ. Аксинча. илгари ҳаяжонлантирган нарса-ашёлларнинг доираси кескин қисқаради. Онг-идрок-тафаккур маҳдудона тус олиб, фақат ягона объектни жо этади. Диққат-эътибор фалажланади: битта, ягона нарса-сиймодан ортиқ бошқасига чалғимади. Қотиб қолган, фаолиятдан тўхтаган диққат-эътиборни ягона-ёлғиз инсон-сиймо-маҳбуба ром айлайди. Бу, Афлотун таърифи билан айтганда, *Theia mania* («илоҳий савдойилик»). (Шу қадар ҳайратанарли ва беадад «Илоҳийлик» ниманинг тақозоси эканини ойдинлаштиришимиз керак бўлади).

Бироқ маҳбубнинг наздида ҳаёти камалакдай ранг-баранглик касб этаётгандек туюлади. Ҳолбуки олами торайиб, кўп қирраликни бой беради. Қалб куч-қудратининг барча-барчаси ягона нуқтага жамланиб, руҳий ҳаёт шиддатли-жўшқин тус олганига оид сохта тасаввур ҳосил этади.

Айни пайтда бундай бир ёқламалик алоҳида ажратиб олинган объект маҳбубага ҳайратомуз фазилятлар бахш этади. Гап асли йўқ фазилятларнинг унга нисбат берилишида эмас (мен бу эҳтимолга тўхтадим; бироқ бу Стендал янглиш тахмин қилганидек, энг муҳим ҳам, муқаррар ҳам эмас). Объект – маҳбубани росмана қамал қилиб, бутун диққат-эътиборимизни жамлаб, унга онг-тафаккуримиз, ақл-идрокимиз, фикру зикримизда фавқуллодда ўрин эгаллаш, гоят юксак мақомга эга бўлиш имконини берамиз. Фикру зикримизда ҳар лаҳза мавжуд; ҳамиша ҳамроҳ, ёнма-ён, бошқа барча нарсаларга нисбатан ҳаётий

<sup>1</sup> И н д и ф ф е р е н т – лоқайд, бепарво.

<sup>2</sup> Афлотун «Илоҳий савдойилик»ни тўрт турга ажратади: 1) илҳомий кароматгўйлик. Тажассуми – *Аптолон*; 2) сир-синаатга бағишлов – *Дионис*; 3) ижодий савдойилик – муза-илҳом парилари; 4) ишқий тийиқсизлик, эҳтирос ташналиги – *Афродита*, *Эрот* (Қаранг: Платон. Федр, 265. Соч., т.2, с. 204).

тус олади. Бошқа нарсаларга истаб-истамай мажбуран эътибор қаратамиз, чунки муҳаббатимиз тимсоли фикру зикримизни батамом ром айлаган.

Шу ўринда маҳлиёлик билан мистик-азбаройи диндорлик ўртасида аллақандай боғлиқлик борлигини пайқаймиз. Оллоҳга таважжуҳ қилган мўмин ҳам шундай савдойи ҳолатига тушади ва бу шунчаки қуруқ гап эмас. Дуолар ва азбаройи таважжуҳ воситасида диндор илоҳий Оллоҳ тимсолини аниқ кўрмаган тақдирда ҳам, тўла-тўкис ҳис этади-илғайди, натижада, илоҳий ишқи қон-қонига сингиб, ички оламининг таркибий қисмига айланади. Шундан эътиборан, диққат-эътибори токи сусаймас экан, диндор Оллоҳ билан рамзий маънода бир бутун, яхлитга айланади. Исталган ботиний кучли ҳис-ҳаяжон уни Илоҳиётга доҳил этади, яъни ёлғиз Унинг фикру зикрига такроран қайтади. Дарвоқе, бунда фавқуллода диндорлик йўқ. Диндорни Оллоҳ тимсоли тамомила ром этгани сингари исталган нарса-ашё инсон диққат-эътиборини тўла-тўкис ром этиши, тасарруфига олиши ҳеч гап эмас. Муайян муаммо устида йиллаб бош қотирган мутафаккир олим, муайян тимсол яратиш ила фикру зикри узлуксиз машғул адиб бундай ҳолатни бошдан кечирган. Бальзак: «Сафсатани бас қилиб, Цезар Биротто<sup>1</sup> га оид зарур мавзуда суҳбатлашайлик» дея амалий суҳбатга чек қўйганини эслашнинг ўзи кифоя. Худди шундай маҳбуб учун ҳам маҳбуба ҳамини ҳар ерда ҳозир у нозир. Бутун олам айни маҳбуба тимсолида тажассум топади. Моҳиятан, маҳбуб учун дунё йўқ, ғойиб бўлган. Маҳбуба бутун дунёни сиқиб чиқарган ва унинг ўрнини ёлғиз ўзи эгаллаган. Шу боис ирланд кўшиқларидан бирида маҳбуб шундай нола қилади: «Дунё ҳам, олам ҳам сенсан мен учун!».

## VI

### Ихтиёрий ва муқаррар

Орзумандликка берилмасдан айтганда, «маҳлиёлик — ишқ» яна такрорлайман, гап *sensu strikto*<sup>2</sup> ҳақида бораётгани йўқ — кўнглининг телбаликка дучор бўлиши, аллақандай муваққат қарахланиши. Ақл-идрокимиз шу асно қарахланиб, дунёқарашимиз тораймагунча, дарди ишққа мубтало бўлолмаймиз.

Муҳаббатнинг бундай талқини Стендал даъвосига шубҳасиз зид. Кристалланиш назарияси тақозо қилгандек, объектнинг кўплаб хилма-хил хосса-хусусиятларни жамлаш ўрнига, аслида объектни сунъий ихоталаймиз-яккалаймиз, сеҳрланган хўроздай ҳаракатсиз ва қарахт ёлғиз унинг ўзи билан қоламиз.

Бу борада жамият ва айрим шахслар тарихини сон-саноксиз юлдузлар ила мунаввар этган қалб кечинмаларининг буюк зафарларига шубҳа билан қараш фикридан йироқман. **Муҳаббат — буюк санъат асари, жисм ва жон уйғунлигининг сир-синоати.** Бундан қатъи назар кўпдан-кўп дафъатан, сийқа ва моҳиятан, маънавий қашшоқлик — ғариблик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ноёб эканига қарамасдан, ишқ дардига чалинганларнинг ҳар бири ўта чекланган ва, ҳалигина айтганимдай, сийқа андозаларга биноан фаолият юритади.

Муҳаббат жинсий майлсиз бўлмайди. Елканни шамол ҳаракатга келтиргани сингари муҳаббат жинсий майлдан кўпол куч-қувват сифатида фойдаланади. Муҳаббат тасарруфидаги ва ихтиёридаги табиий куч-қувватнинг иккинчиси “маҳлиёлик — ишқ дарди” бўлиб, уни маҳоратли чавандоз каби бошқаради. Шунини унутмаслик керакки, маданий жиҳатдан ғоят эъзозланадиган исталган олий маънавий-руҳоний фаолият-аъмолни сон-саноксиз ғайриихтиёрий хатти-ҳаракатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мазкур ақлий чекланганлик-маҳдудлик, кўнгил телбалиги-жазаваси ҳолатига тушгач, яъни ишқ дардига йўлиққанимиз ҳамано тамомила эс-ҳушимизни йўқотамиз. Дастлабки кунларда бирон-бир қаршилик кўрсата оламиз; бироқ муайян қиз-жувонга эътибор билан бошқа барчага, бинобарин, жамики оламга эътибор ўртасидаги оқилона нисбат бузилгач, вазият қўлдан чиқади.

<sup>1</sup> Бальзакнинг «Цезар Биротто улугворлиги ва таназзули салномаси» романи қаҳрамони.

<sup>2</sup> Юнонча: айнан маънодаги эмас.

Қизиқувчанлик шахснинг намоён бўлишида ғоят беназир; бу ботиниятимизни идора қилувчи механизм. Қарахтланган ботиният хатти-ҳаракатлар, аъмоллар эркинлигини исканжага олади. Наҳот топиш учун идрокимиз сарҳадларини яна кенгайтиришни, бу эса тасаввуримизга муҳаббат буюмини афзал-зиёдалик макомидан маҳрум қилувчи янги объект-манбаларни киритишни тақозо этади. Башарти ишқ дардига чалинган пайтимизда муҳаббат буюми — маҳбубага меъерий нуқтаи назардан ёндаша олсак, антиқа ҳукмфармолиги барҳам топган бўларди. Бироқ бунинг учун бутун теварак-атрофга алоҳида қизиқиш билан нигоҳ ташлашимиз ва шу асно токи меҳримиз тушган маҳбубадан бўлак ҳеч вақо манзил-макон топа олмаётган ботиниятимиз чегара-исканжасидан чиқишимиз зарур.

Биз маҳдуд ташқи оламдан тамомила ёлғизланган-иҳоталанган ишқ исканжасига тушиб қоламиз. Қалбимиз қасрига ташқаридан ҳеч вақо киролмайди ва бирон-бир тешик-туйнуқ орқали қочиб чиқиб, наҳот топишимиз учун имкон бермайди. Ошиқ-маҳбуб қалби бамисли тоза ҳаво кирмайдиган бемор хонаси.

Айни шу боис ҳар қандай ишқ дардига йўлиққанлар асабийлик, жазавага беихтиёр мойил бўладилар. Улар ўзлигидан тамомила кечиби, исталган хатти-ҳаракатдан тап тортмайдилар.

Қиз-жувонлару йигит-эркакларнинг қалбини “забт этиш” борасида устаси фаранглар буни билади. Эркак аёлга хиёл эътибор қаратгани ҳамона деярли ҳеч қандай куч-ғайрат сарфламасдан унинг фикру зикрини эгаллайди. Гоҳ “ҳа”, гоҳ “йўқ” деб, гоҳ эътибор қаратиб, гоҳ бефарқлик билан, гоҳ ғойиб бўлиб, гоҳ яна намоён бўлиб, исталган ўй-ниятга эришса бўлади. Бундай изчил кетма-кетлик аёлнинг қўнглига чақмоқ сингари таъсир этади ва пировард-натижда бутун дунёни саҳройи биёбонга айлантиради. Оддий қилиб айтганда, “бошини айлантириб, эс-ҳушидан айиради”. Ҳақиқатдан ҳам, муҳаббат оқибатида калаванинг учини батамом йўқотади! “Муҳаббат савдолари”нинг аксарияти маҳбубага шундай оддий, ҳашаки муносабатдан иборат.

Маҳбубни фақат кучли ташқи таъсир, бирон-бир мажбурий муносабат халос этади. Шу боис айрилиқ, саёҳат маҳбуб-ошиқ учун беназир малҳам-даво. Муҳаббат буюми — маҳбубанинг олисда экани унга эътиборни сусайтиради-заифлатади; янги таассуротлар қизиқувчанлик кучайишига монелик кўрсатади. Саёҳат тамомила янги ҳаёт бошлашга, кўпдан-кўп майда-чуйда ташвиш-муаммоларни ҳал қилишга мажбур этади, кундалик ғарибона турмуш исканжасидан халос қилиб, номаълум сон-саноксиз объект-манбаларга ошна этади, — шу асно онг-идрокнинг нотабий маҳдудлигига ва зич ёпиқлигига барҳам бериш имконияти юзага келиб, тафаккуримиз тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш билан бирга рисоладагидек истиқболга юз тутаяди.

Аввалги бобда китобхонда юзага келиши мумкин эътирозга ниҳоят тўхталиш мавриди келди. Маҳлиёлик — ишқ дардини муайян инсон — маҳбубага йўналган диққат-эътибор сифатида таърифлаш асносида мазкур қизгин қизиқиш-маҳлиёлик фавқуллода сиёсий ёки иқтисодий воқеалар юзага келтирадиган кечинмалар билан кўплаб муштарақликка эга эканига шохид бўламиз.

Айни пайтда жиддий фарқланади. Маҳлиёлик-ошиқликда диққат-эътибор ихтиёрий маҳбубага йўналтирилади. Фавқуллода ҳолатларда эса, аксинча, беихтиёр, мажбурий диққат-эътибор жамланади. Диққат-эътиборимиз асабийлаштирган-ғазаблантирган воқеа-ҳодисаларга ғайриихтиёрий жалб қилинади ва бу ўта ранжитади. Суст ва фаол диққат-эътибор орасидаги фарқни — мана етмиш йилдирки — биринчи бўлиб Вунт қайд этган. Дейлик, кўчада янграган ўқ овозига суст эътибор қаратилади — кутилмаган қарсиллаш онгимизга монеликсиз суқилиб киради ва диққат-эътиборимизни жалб этади. Маҳбуб-ошиқ эса ҳеч қандай мажбурийлик сезмайди, илло диққат-эътибор ихтиёрий муҳаббат буюми — маҳбубага йўналган бўлади.

Севишни хоҳлаган кимса ишқ дардига мубтало бўлиши зийрак фаҳм-фаросат соҳибига кундай аён. Моҳиятан ғоят табиий ошиқлик-маҳлиёликнинг нотабий савдойилик-телбалик ҳолатидан фарқи мана шундан иборат. Савдойи-телба ўй-ниятларни эркин танлай олмайди. Бундай ҳолатнинг даҳшати шундаки, фикри зикрини забт этган ўй-фикр ботиниятига ташқаридан зўравонлик билан тиқиштирилади, аллақандай хуфиёна, ғайриоддий қувват томонидан сингдирилади.



Фақат бир ҳолатда муайян инсонга нисбатан қизиқишимиз ич-ичимиздан чиқиб келади ва аини пайтда ошиқлик-маҳлиёлик бўлмайди. Хусусан — нафратланганда. Муҳаббат ва нафрат аслида ўхшаш ва ўзаро зид, қарама-қарши, эгизак-ганим. Бинобарин, севганлар аини шундай, аксарият, нафрат ҳиссини ҳам туядилар.

Ошиқлик ҳолатидан халос топарканмиз, туш кўргандагидек тубсизликдан рўшноликка чиқиш сингари уйғонишга ўхшаш туйғуни бошдан кечираемиз. Ошиқликда тамомила биқиқ-маҳдуд ботиниятимизда об-ҳаво қанчалик бузилганини фақат шундан сўнг англаймиз ва ҳаётгий майдонда ҳамиша шамол эсиб туриши ва етарли кенликка эга бўлиши кераклигини пайқаймиз. Маълум муддат тузалаётган бемор каби ҳолсизлик, заифлик ва шикоятбозликни бошдан кечираемиз.

Ошиқ бўлганимиз ҳамоно кечинмалар алам қиларли даражада якранглик касб этади. Бу борада ошиқ бўлганларнинг барчаси ақллию нодон, ёшу кекса, буржуй ва санъаткор — барча-барча айнан бир хил кечинмаларни бошдан кечиришини назарда тутяпман. Бу муҳаббатнинг бегиدير эканини тасдиқлайди.

Муҳаббатнинг ягона бегиدير хусусияти — юзага келиши билан боғлиқ. Аини шу боис бу жиҳат ошиқликнинг исталган бошқа босқичига нисбатан психолог сифатида диққат-эътиборимизни жалб этади. Муайян эркакнинг қайси фазилати муайян аёл эътиборини ёки муайян аёлнинг қайси фазилати муайян эркакнинг диққат-эътиборини жалб этади? Бегона одамларнинг қиёфасисиз силсиласидан бирортасига афзаллик берилишида қайси фазилатлар қадрланади? Бу жиддий қизиқишга арзийдиган муаммо. Ва аини пайтда ўта мураккаб. Башарти ошиқлар барчаси ишқ дардини бир хил бошдан кечириши баробарида ҳар бири айнан бир сиймога меҳр қўймайди. Шубҳасиз муҳаббат дардига мубтало қилувчи фазилатлар йўқ.

Қайси фазилатлар мафтун-маҳлиё этиши ва кўнгил кечинмаларининг типларига оид нозик масалага эътибор қаратишдан олдин ошиқликнинг диққат-эътибор қарахтлиги ва мистик ҳолат, шунингдек, яна ҳам жиддий, сеҳр ҳолати ўртасидаги кутилмаган ўхшашликни қайд этиш зарур.

## VII

### Ошиқлик, жазава ҳамда сеҳр

Оқсочнинг паришонхотирлигини кўрган бекач унинг севиб қолганини пайқайди. Диққат-эътибори муҳаббат исқанжасига тушиб қолгани боис бечора жувон теварак-атрофдаги оламга қизғин муносабатда бўла олмайди. У кўнгил мулкига биқинганча қалбига муҳрланган маҳбуби сиймосидан бир лаҳза ҳам нигоҳ узмай мастона яшайди. Шахсий ботиниятида шундай биқиниб олган ошиқ-маҳбуб ойпарастга, “савдойи-жинни”га ўхшайди. Ҳақиқатдан ҳам, ошиқ — савдойи. Тристаннинг муҳаббат шароби азалдан “муҳаббат”нинг сирли хусусиятини нафис нафосат ила кашф этади.

Минглаб йиллар мобайнида сайқалланиб келаётган оғзаки нутқда психологик-руҳий кузатувларнинг тоза булоқлари қайнаб-тошади, улар тўла-тўкис ҳаққоний бўлгани ҳолда ҳамон муносиб баҳосини топмаган. Ошиқ қилувчи хусусият — бу ҳамиша “сеҳру жоду”. Ва муҳаббатга нисбатан қўлланаётган бу магия - сеҳру жоду атамаси тилни яратувчи халқ тафаккури диққат-эътиборидан гайритабийй ва маълум маънода ноҳўя ошиқлик ҳолати четда қолмаган.

Қадимий шеър — *cantus* ва *carmen* — сеҳру жоду формуласи бўлган. Бу формуланинг намоён бўлиши ва жодуланган натижаси *incantatio* бўлган. «Сеҳру жоду» шундан келиб чиққан, французчада эса *carmen* дан *charme* келиб чиққан.

Бироқ ошиқликнинг сеҳру жоду билан муносабати қандай эканидан қатъи назар, менимча, у билан мистик ҳолат ўртасида шу пайтгача эътироф этилганга нисбатан бирмунча теран алоқа мавжуд. Диндор ҳис-туйғуларини ҳайратланарли изчиллик билан шубҳасиз ифодалаш учун ишқий калималарга ва тимсолларга мурожаат қилиши мазкур туб алоқадорликка оид фикрга олиб келиши керак. Диний таълимотларга мурожаат қилиш асносида бунга ишонч ҳосил қилмаслик қийин, бироқ гап фақат метафоралар ҳақида бораётир дея эътироф этиш билан барча чекланган.

Метафорага мода сингари муносабатда бўлинади. Шундай тоифа борки, улар бирон-бир нарсани мода ёки метафора дея эътироф этиб, шу асно унинг устидан қора чизиқ тортадилар ва тадқиқ этиш бахтидан маҳрум этадилар. Метафора ва мода бошқа барча нарсалар сингари воқелик эмасдай, ва улар сайёраларни ҳаракатлантирувчи шубҳасиз қонуниятларга бўйсунмайдигандай.

Мистицизмни барча ўрганувчилар унда ишқий калималар кенг қўлланилишини эътироф этган бўлса ҳам битта шахсий, маънодор ҳолат эътибордан четда қолган. Хусусан, ошиқ ҳам диний ифодаларга мойил экани инобатга олинмаган. Афлотуннинг эътирофича, муҳаббат — “илоҳий” савдойилик, ҳар бир маҳбуб-ошиқ эса ўз маҳбубасини илоҳийлаштиради, унинг ёнида ўзини еттинчи осмонда ҳис қилади ва ҳоказо. Муҳаббат ва мистицизм-тақводорлик-динпарастлик ўртасидаги бундай луғавий ўзаро айирбошлаш - ўзаро боғлиқлик уларнинг илдизлари муштарак, деган хулосага олиб келади.

Азбаройи тақводорлик ҳақиқатдан ошиқликни эслатади. Улар ҳатто зерикарли яқранглиги билан ҳам уйғун. Ошиқлик дардини барча бир хил бошдан кечиргани каби барча даврлар ва халқлар диндорлари айни бир хил йўлни босиб ўтган ва, моҳиятан, бир хил тавба-муножот қилган.

Ҳиндча ёки хитойча, юнонча ёки арабча, олмонча ёки испанча исталган диний китобни олайлик. Уларда фақат гаройиб раҳномаю, қалбнинг худога талпиниши хусусида сўз боради. Мазкур илоҳий йўл босқичлари ҳам, мадад берувчи куч-қувват ҳам юзаки ва тасодифий фарқларни ҳисобга олмаганда, ҳаммиша айнан бир хил<sup>1</sup> дир.

Жазавадор руҳнинг аъмоли дин асосларига жиддий пугур етказишидан хавфсираган черков азал-азалдан мистикларга шубҳа билан қараганини жуда яхши тушунаман ва лозим топилса, бу фикрга қўшиламан. Жазавадор — маълум маънода телба. Бундай кимса кўнгил равшанлиги масаласида меъёрни билмайди. Оллоҳ билан бирлашувга ҳаддан ташқари зўр беради, бу чинакам руҳонийнинг итоаткорона феъл-атвориға зид. Гап шундаки, хитойлик мандарин мистик-даоистдан қанчалик нафратланса, жазавога тушган роҳиба католик илоҳиёт олимини шунчалик газаблантиради. Ялпи хаос тарафдорлари мистикларнинг анархияси ва девонаворлигига нисбатан руҳонийларнинг равшан ва рисоладагидек фаҳм-фаросатини, яъни черковни афзал биладилар. Бу борада уларнинг фикрига қўшилишим қийин. Мен учун шубҳасиз исталган теология-илоҳиёт фани Тангрига яқинлаштириб, жамики мистикларнинг барча жазавасига нисбатан илоҳийлик ҳақида кўп тушунча беради. Башарти жазавадор кимсага шубҳа-гумон билан қараш ўрнига, унга қулоқ тутиб, унинг зикру самога тушиши нималар ваъда қилишию, маънавий-руҳий тажрибаси эътиборга моликлиги масаласида мулоҳаза юритилса, ундан фақат жамъини фикрлар чиқаётганини эътироф этишга мажбур бўламиз. **Фикри ожизимча, Оврўпо тафаккури Тангрига оид янги кашфиётлар, Унинг мавжудлигига оид янги, ғоят жиддий эътирофларга жуда яқин келиб қолди. Илоҳий моҳиятга оид тасаввурларимиз таҳлилий тафаккурнинг нурафшон йўли орқали эмас, балки мистиканинг илонизи ер ости нақиблари орқали бойишига жиддий шубҳам бор. Жазавадор эмас, теология, яъни илоҳият фани зарур.**

Мавзуга қайтайлик.

Мистицизм ҳам манфаатдорлик, қизиқувчанликнинг намоён бўлиши. Мистик услубият дастлаб бирон бир нарса-ашёга диққат-эътибор қаратишни таклиф этади. Айнан нимага? Ўта назокатли, жиддий ва машҳур услубият, хусусан йоғлар таълимоти маҳлиё қилувчи ҳолатнинг масъулиятсизлигини соддадиллик билан фош этади, чунки бизни қизиқтираётган саволга исталган нарса-ашёга эътибор қаратинг, дея жавоб беради. Шу асно, ҳолат-воқеликни объект мутлақо белгиламайди ёки юзага келтирмайди: аксинча, кўнгил-руҳ гайриоддий ҳолат касб этиши учун баҳонаи сабаб вазифасини ўтайди, холос. Ҳақиқатдан ҳам, бошқа барча нарсаларга эътибор бермаслик учун бирон-бир нарсага, диққат билан қаралади. Мистик нуқтаи назарга амал қилиш асносида ботиниятимиздаги

<sup>1</sup> Ягона жиддий фарқ шундаки, айрим диндорлар “барча хислатлари билан” бир қаторда буюк мутафаккир бўлганлар ва диний фикрлар билан бирга қатор ҳолатларда доҳиёна нуқтаи назарини баён этадилар. Плотин ёки Майстер Экхарт шундай. Лекин бевосита диндорлик борасида ўта ашадий тақводорлардан фарқ қилмайди.

М а н д а р и н — амалдор.

бирон объектдан бошқасига осон ва енгил эътибор қаратиш имконини берувчи хилма-хил объектларни қувиб чиқарамиз. Жумладан, Сан Хуан де ла Круснинг фикрича, хилхона нариги дунёга исталган сайру саёҳат учун замин вазифасини ўтайди. Майл ва қизиқишларнинг жиловланиши; “жамки нарса-ашёлардан доҳиёна юз ўгириш” – Авлиё Терезанинг таъбири билан айтганда, “руҳнинг нажот топиши”; яъни, сон-саноксиз ҳаётгий манфаат-қизиқишларнинг илдилари ва кишан-ҳалқаларидан “бирлашишга тайёргарлик кўриш мақсадида” батамом халос бўлиш — буларнинг барчаси ягона мақсадга хизмат қилади. Айни шу асно ҳинду мистицизм сир-синоатларини ўзлаштириш шартларини шакллантиради: оломон ва ранг-барангликка эътибор бермайди.

Диққат-эътиборимиз сирпанадиган нарса-ашёлар руҳнинг шубҳасиз нажот топиши натижасида қувиб солинади, улардан нажот топилади. Ҳиндистонда исталган нарса-ашё мазкур мақсадга хизмат қила олади, бунга оид фан эса *kasina* деб аталади. Жумладан, лойдан нон-кулчалар ясаб, атрофга териб қўйиш ва уларга диққат-эътиборни жамлаш мумкин. Ёхуд тепаликдан йўрга жилгани қузатиш, ёки сатҳида қуёш нурлари жилваланаётган қўлмакка тикилиш мумкин. Ёхуд олов ёқиб, рўпарага туйнукли гов тиклаб, туйнуги орқали алангага қараса бўлади. Натижада ҳаво насоси самарасига ўхшаш алланарса юзага келади, бу хусусда маълум маънода баҳс юритдик, шунинг шарофати билан маҳбуб-ошиқлар “бегона инон-ихтиёрига итоат қиладилар-бўйсундилар”.

Рим никоҳ маросимида патриархал келин ўғирлаш маросими ҳозиргача сақланган: келин қуёв хонадонига ўзи қадам ранжида қилмаслиги керак — унинг пойи остонага тегмаслиги учун қуёв уни қўтариб киради. Мистик роҳибанинг «транс» ҳолатга тушиши ва жазавага берилиши, шунингдек, ошиқ-маҳбубнинг эс-ҳушини батамом йўқотиши сўнгги рамзий ифодаланиш ҳисобланади.

Бироқ яна бир гайриоддий кўнгил ҳолати — гипноз — сеҳр билан қиёсласак, жавадорлик ва «ларди ишқ»нинг мазкур ҳайратланарли ўхшашлиги яна ҳам яққол кўзга ташланади.

Мистик ҳолат гипноз ҳолатига фавқулодда ўхшаш экани қайта-қайта такрорланди. Гипноз транс, галлюцинация ва ҳатто ҳушдан кетиш ва каталепсия сингари ўхшаш тана ҳолатлари қузатилади.

Бошқа томондан, менга гипноз ҳолати билан ошиқлик ўртасида ҳам ҳайратланарли яқинлик мавжуддай туюлади. Гипноз — сеҳрланиш ҳолати ҳам қизиқувчанлик натижаси эканига ишончим ягона асос бўлгани боис бу тахминни илгари суришга журъат қилмагандим. Бундан қатъи назар, билишимча, ягона шубҳасиздай туюлган ҳолат: уйқу психик ҳолат сифатида диққат-эътиборимизга боғлиқ эканига қарамаздан гипнозда айни нуқтаи назардан, янглишмасам, ҳеч ким ёндошмаган. Нарса-ашёларга қизиқишимиз барҳам топишига мутаносиб равишда уйқу диққат-эътиборимизни карахт қилиб, енгинини Клапаред аллақачон қайд этган. Уйқусизлик билан курашнинг бутун услубияти бирон-бир объект ёки механик аъмолга, дейлик, санокқа эътиборимизни жамлашдан иборат. Меъёрий уйқу жазава сингари автогипноз-шахсийгипноз саналади.

Айни шу боис замонамизнинг зукко психолог-руҳшуносларидан бири Пауль Шильдер гипноз ҳолати билан сеvgи ўртасидаги яқин боғлиқликни шубҳасиз ҳисоблаган. Менинг далилларимга нисбатан тамомила ўзгача сабабларга асослангани боис унинг фикр-мулоҳазаларини қисқача келтирмоқчиман, қайсики улар ошиқлик, жазавардорлик ва гипноз ҳолати ўртасидаги рисоламизда келтирилган ўхшашликлар доирасини яқунлайди.

\* \* \*

Ошиқлик ва гипноз ҳолати ўртасидаги ўхшашликларнинг дастлабки сафи қуйидагича:

Гипноз қилишда эротик-шаҳвоний жиҳат шубҳасиз; қўллар эркалаётгандай майин сийпалайди; ишонтирувчи ва айни пайтда тинчлантирувчи мурожаат; «маҳдиё қилувчи нигоҳ»; ҳаракатлар ва аксарият шубҳасиз қатъиятли овоз.

<sup>1</sup> Т р а н с — ҳушдан кетиш, мия карахтланиши.

<sup>2</sup> Г а л л ю ц и н а ц и я — йўқ нарсанинг кўриниши.

<sup>3</sup> К а т а л е п с и я — руҳий касаллик.

Башарти гипноз объекти аёл бўлса, уйқуга кетиш ёки уйғониш асносида гипноз қилувчига шаҳвоний безовталаниш ёки қониқишга жуда хос ҳолсиз нигоҳ ташлаши ўқтин-ўқтин учрайди. Гипноз давомида бутун аъзои баданда илиқлик ва ҳаловат-ҳузурланиш ҳис қилингани қатор ҳолатларда эътироф этилади. Айрим ҳолатларда уларни ёлғиз шаҳвоний ҳис-туйғулар қамраб олади. Шаҳвоний қўзғалиш гипноз қилувчидан йўналади, у очиқдан-очиқ ишқий муносабатга ундайди. Баъзида гипноз ҳолатидаги кимсанинг шаҳвоний хаёлотли ҳатто сохта хотиралар тусини олади ва гипноз қилувчини зўрлаганликда айблайди.

Жониворларни гипноз қилиш ҳам шундай натижалар беради. Марказий Осиёда яшовчи захарли чаён ургочиси қовушишга уринаётган эркагини ейишга чоғлайди. Ва чаён эркаги ургочисининг қорнидаги муайян жойини тишлагач, батамом жондан умид узиб, қовушувга изн беради. Ургочи чаёни тажрибахона шароитида ҳам шундай ҳолатга келтирса бўлади — унга бироз тегиниш кифоя. У дарҳол гипноз ҳолатига тушади. Бундай натижа фақат урчиш даврида қўлга кириши мумкинлиги ҳам муайян аҳамиятга молик.

Шильдер мазкур кузатишларидан шундай хулоса чиқаради: “Булар инсоний гипноз ҳам шаҳвониятга хизмат қилувчи биологик аъмол, дея тахмин қилиш имконини беради”. У шу тариқа гипноз ва “севги” ўртасидаги ошқора интерпритация муносабатларидан воз кечиб, сурункали фрейдизмга берилади.

Унинг гипноз ҳолатидаги одамнинг кўнгил кечинмаларига оид мулоҳазалари эътиборга молик. Шильдернинг фикрича, бу борада гап одам гипноз таъсирида болаликка қайтиши хусусида боради: бутун инон-ихтиёрини бегона кимсага мамнуният билан ишониб топширади ва унинг обрў-эътибори-нуфузи таъсири остида тинчланади. Фақат шу тарздаги муносабат гипноз таъсирини таъминлайди. Гипноз қилувчининг нуфузини эътироф қилувчи барча омиллар — шуҳрати, ижтимоий мавқеи, олижаноб рафтори — унинг ишини осонлаштиради. Бошқа томондан мойил бўлмаган одамга гипноз таъсир қилмайди.

Бу ўзига хосликларнинг барчаси севги-ошиқликка ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Айни шундай севгини ҳам — юқорида бунга тўхталдик — барчанинг кўнгли ҳамини “тусайди”, “ташна”, севги инон-ихтиёрни маҳбубага қўш-қўллаб топширишни ва шу асно ҳузур-ҳаловат топишни тақозо этади, бу ҳайратланарли ҳоқиш-истак. Ошиқ ҳам бошдан кечирадиган маълум маънодаги инфантиллик хусусида эса шуни айтиш мумкинки, мен “кўнгил қашшоқланиши” деб атаган, қизиқувчанлигимиз доирасининг бачканалашуви ва тарайиши билан нисбат берилади.

Гипноз услубиятининг асосий унсури кўзгу, олмос, нур толаси сингари бирон-бир объектга диққат-эътиборни жамлашдан иборат бўлиб, қизиқувчанликни гипнознинг бу гоят шубҳасиз жиҳати сифатида Шильдер ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Бошқа томондан турли инсоний типларнинг гипнозга берилувчанлиги нуқтаи назаридан қиёслаш уларнинг севиш қобилияти билан максимал мутаносиблигини кўрсатади.

Жумладан, эркакларга нисбатан аёллар гипноз таъсирига осон берилдилар. Бироқ айни аёллар эркакларга нисбатан аксарият эҳтирос оғушида бўладилар. Бу мойилликни бошқа исталган ваз-карсон билан изоҳламайлик, бунда ҳар икки жинс вакиллариининг диққат-эътибори юзага чиқишидаги фарқ яққол кўзга ташланиши шубҳасиз. Баравар шароитларда аёл қалби эркак қалбига нисбатан бирлашув имкониятига осон майл кўрсатади, чунки аёл қалби ўз қизиқишларига бирмунча алоҳида эътибор қаратади, бирмунча эврилишларга мос. Юқорида ишонч ҳосил қилганимиздек, ботиний оламнинг узлуксиз силсиласио тизимини қизиқувчанлик идора қилади. Ботиният қанчалик яқраган бўлса, бир хилликка шунча майл кўрсатади. Аёл қалби фақат битта қизиқиш ўзагига эга бўлишни афзал билади, у ёки бу даврда якка-ёлғиз нарса-ашёга йўналади, деб ҳисобланади. Уни гипноз қилиш ёки маҳлиё-мафтун этиш учун диққат-марказидаги ўша ягона нарса-ашёни ўзлаштириш кифоя. Аёл қалбининг концентрик тузилишига қиёсан эркакнинг ички дунёси, яъни ботинияти бир пайтнинг ўзида унда неча эпицентрларга эга. Эркак феъл-атвори қанчалик шакланган бўлса, шунга мос равишда қалб-кўнгил яхлитлиги шунча оз бўлиб, гўё бир-бирига дахл қилмайдиган бўлимларга ажралгандай туюлади. Унинг бир қисми сиёсат ёхуд тижоратга йўналтирилади, айни пайтда бошқа бир қисми

заковат-тафаккурга, яна бири – жисмоний лаззатланиш ўй-хаёлларига бахшида этилади. Шу асно ягона нуқта, манбага диққат-эътибор қаратилмайди. Қизиқиш ўзак-негизлари кўпдан кўп. Кўпқирралилик негизда, ранг-баранг, хилма-хил ва турфа ботиният соҳиби бўлган биз эркаклар учун бирон-бир нарса-ашёга диққат-эътиборни жамлашнинг қийин жойи йўқ, бу айна пайтда бошқа барча нарсалар билан қизиқишимизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Севган аёл наздида меҳр қўйган “шаҳзода” бошдан-оёқ ихтиёрида эмасдек туюлади. Ҳамиша бирмунча паришонхотирдай, йўл-йўлакай аллақандай учрашув чоғида қалбининг бир бўлагини, меҳрининг маълум қисмини қолдириб келгандай кўринади. Ва аксинча, аёл сингари муҳаббатга бутун ҳаётини бахшида эта олмаслик, бу борада максимализм, яъни энг юксак чўққини забт эта олмаганлик армони виждонли эркакни қатор ҳолларда ранжитади. Эракк муҳаббат борасида иқтидорсизлигию бу борада камолотга етишиш масаласида нўноқлигини Ҳамиша намоён этади, ҳолбуки бу масалада аёлларнинг олдига тушиб бўлмайди.

Бинобарин, аёлнинг мистицизмга, гипнозга ва муҳаббатга мослигию мувофиқлиги айна бир хил далил-сабаблар билан изоҳланади.

Шильдер тадқиқотларига яна мурожаат қилсак, муҳаббат билан мистицизм ўртасидаги яқинлик-уйғунликни жуда антиқа ва муҳим соматик хоссага эга сабаб билан изоҳлашининг гувоҳи бўламиз.

Гипноз натижасидаги уйқунинг табиий уйқудан пировард-натижада ҳеч фарқи йўқ. Шу боис уйқучи кимса гипноз қилувчи учун беназир объект. Шундай қилиб, аён бўладиги, уйқу вазифаси билан бош мия қобиғидаги учинчи қоринча деб аталувчи қисм ўртасида яқин алоқадорлик бор. Уйқусизлик ва летаргик энцефалит бош миянинг шу қисмидаги хасталик билан боғлиқ. Шильдернинг фикрига кўра, айна шу аъзода гипноз ҳолатининг соматик замини жойлашган. Ва айна пайтда учинчи қоринча шаҳвоний соҳадаги кўплаб ўзгаришларни тақозо қилувчи “органик шаҳвоний бўгин” ҳисобланади.

Миянинг бундай турли бўлақларга ажратилишига бироз шубҳа билан қарайман. Танадан бошни жудо қилсак, одам на фикрлайди, на бирон таъсирни ҳис этади. Бироқ асаб тизимидаги ҳар бир психик вазифа учун бошланғич нуқтани топишга уринсак, мушкул аҳволга тушиб қоламиз. Бундай уриниш самарасиз эканининг кўпдан-кўп сабаблари бор, лекин яққол кўзга ташланиб тургани шундан иборатки, психик вазифаларнинг реал ўзаро боғлиқлигини, уларнинг бир-бири билан алоқадорлигини ва иерархиясини рад этамиз. У ёҳуд бу вазифани амалий тартибда ихоталаш ва “кўриш”, “эшитиш”, “тасаввур қилиш”, “хотирлаш”, “фикрлаш”, “қизиқиш” сингари мавзуларда мулоҳаза юритса бўлади; бироқ “кўриш” асносида аввалбошдан “фикрлаш” ҳам пинҳон эмаслиги ва бунинг аксини билмаймиз. Бир вазифанинг бошқасидан ихоталангани ўта шубҳали бўлгани боис уларни шундай ҳолатга келтириш ҳам амри маҳол.

Айна пайтда мазкур шубҳаланиш навбатдаги, яна ҳам пухта тадқиқотларга рағбатлантириши керак. Жумладан, юқорида келтирилган мисол воситасида қизиқувчан диққат-эътиборлилик қобиляти Шильдернинг фикрига кўра, уйқу, гипноз ва муҳаббатга алоқадар бош мия қобиғи қисми билан бевосита ёҳуд бавосита боғлиқлигини текшириш мантиқдан холи бўлмасди. Мазкур уч ҳолат билан жазава ўртасидаги қайд этилган яқин уйғунлик миянинг учинчи қоринчаси, шунингдек, мистик қарахт ҳолатига ҳам алоқадор, деб тахмин қилиш имконини беради. Бу муҳаббат истилоҳлари азбаройи тавба-газарру-муножотда, мистик истилоҳлар эса росмана изҳори дил асносида қўлланилишини ниҳоят ойдинлаштирган бўларди.

Психиатр Аллер Мадридда қилган маърузасида мистицизмни муҳаббат майлининг намоён бўлиши ва сублимацияси сифатида талқин қилишга ҳар қандай уринишларни рад этди. Бу нуқтаи назар, менимча, жуда тўғри.

Яқин-яқинларгача ялпи эътироф қилинган мистицизмни муҳаббат кўриниши сифатида талқин қилиниши энсани қотирадиган даражада сийқалашиб кетган эди. Ҳозир масала бошқача қўйилган. Гап мистицизм “муҳаббат” ҳосиласи эканида эмас, балки уларнинг илдиэлари муштараклиги ва улар кўплаб параметрлари ўхшаш икки психик ҳолатнинг мазмун-моҳияти эканидир. Ҳар

<sup>1</sup> С о м а т и к – жисмоний.

икки ҳолатда онг-идрок-тафаккурда ҳиссий даражада уйғун ҳолатларни келтириб чиқарувчи ўхшаш жараёнлар содир бўлади, айна жараёнларни ифодалаш учун мистик ёки шаҳвоний истилоҳ-иборалар мутлақо лоқайдликка хизмат қилади.

Рисоланинг мазкур қисмини яқунлар эжанман, бетимсол муҳаббат сир-синоатининг ягона босқичи — “мафтунлик-маҳлиёлик” босқичини таърифлашни мақсад қилганимни эслатишни жоиз биламан. Муҳаббат — шубҳасиз теран ва кўпқиррали, гарчи ҳаддан ташқари жазавадорлик билан йўғрилмаган бўлса-да, чинакам инсоний туйғу. Муҳаббат ҳамisha тийиқсиз “мафтунлик-маҳлиёлик” босқичи — довонидан ўтади; айна пайтда қаёққа назар ташламанг, чинакам муҳаббат билан пировард-натига — мақсадига етмайдиган “мафтунлик-маҳлиёлик” кўзга чалинади. Дарвоқе, камдан-кам учрайдиган ҳолатга оммавий тус бермаганимиз маъқул.

Муҳаббат қанча телбавор бўлса, шунча кучли, дегувчилар ҳам бор. Мазкур одатий янглиш фикрни рад этиш мақсадида айна мулоҳазалар қоғозга тушди. Муҳаббат тийиқсизлиги, телбалиги унинг мазмун-моҳияти билан ҳеч қандай алоқага эга эмас. Бу “мафтунлик-маҳлиёлик” — паст, жўн-жайдари, чинакам севги-муҳаббат шарт бўлмаган, уни тақозо қилавермайдиган кечинма ҳақиқий муҳаббатнинг бир шаҳобчаси, холос.

Инсон феъл-атвори қанча жўшқин бўлса, туйғулари ҳам шунга мос қайноқ бўлиши мумкин. Бироқ, айна жиҳатни қайд этган ҳолда шуни ҳам айтиш зарурки, ҳиссий жўшқинлик қанча кучли бўлса, қўнгил пиллапояларида унинг мақоми шунча паст бўлади, гайришуурий жисмоний қўзғалишларга шунча яқин бўлади, маънавийлик-руҳонийлик унда шунча оз бўлади. Ва аксинча, ҳис-туйғуларимиз руҳоният-маънавийлик билан йўғрилгани сайин ҳис-туйғуларимиз тийиқсизлик-жўшқинликдан ва шиддатли зўриқишдан халос бўлади. Очлик билан курашувчининг сабй-ҳаракатларига нисбатан оч кимсанинг очлик туйғуси ҳамisha кучлидир.

*Давоми бор*

*«Эстетика. Философия культуры»  
китобидан олинди.*

*Русчадан  
Абдуҳамид ПАРДАЕВ,  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси*



Али Шомил ХУСАЙН ўғли

## Қатағон қурбони

*Ўтган асрнинг 30-йилларида юзага келган қатағон тўлқини халқимизнинг не-не асл фарзандларидан жудо қилмади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Усмон Носир... Санайверса, адоғи кўринмайди. Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз, қатағон йилларида шаҳид кетган юртдошларимизнинг қутлуғ номлари қайта тикланди. Ёш авлод улар яратиб қолдирган асарлардан баҳраманд бўлди.*

*Аммо ҳали яна қанчадан-қанча маърифатпарвар зиёлиларимизнинг номлари, бебаҳо асарлари, ҳаёт йўли ва ижоди биз учун қоронғи бўлиб келаётир. Асли тошкентлик бўлган маърифатпарвар зиёли, истеъдодли олим ва таржимон, чин миллат фидойиси Холид Саид Хўжаевнинг ҳам номи узоқ йиллар тилга олинмай келди. Холид Саид нафақат ўзбек, озар, балки бутун туркий халқларнинг тарихи, адабиётини пухта ўрганган етук аллома эди. Ушбу мақолада шу ҳақда сўз юритилади.*

*Мақола муаллифи Али Шомил Хусайн ўғли Озарбайжондаги таниқли ижодкорлардан бири. У озар-ўзбек адабий алоқалари борасида ҳам кенг қамровли изланишлар олиб борган. Маърифатпарвар юртдошимиз Холид Саидга бағишлаб ёзган ушбу мақоласида унинг ўзбек халқи ва зиёлиларига бўлган эҳтироми сезилиб туради.*

**М**енинг талабалик йилларим (1968-1973 йиллар) Шўролар иттифоқининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатидаги туб бурилишлар даврига тўғри келади.

Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида жамиятдаги барча камчилик ва нуқсонларни бир шахс — Сталиннинг номи билан боғлаш одат тусини олган эди. 1929-1953 йилларда дунёқараш, илмий ва сиёсий маслағи боис қамалган, сургун этилган, отилган юз минглаб одамлар оқлана бошлаганди. Бироқ... оз сонли тадқиқотчиларгина ёпиқ архивларда ишлашга ижозат оларди. Архивлардаги ҳужжатларнинг юзага чиқиши, махфий маълумотларнинг матбуотда чоп этилиши натижасида фақат Сталин эмас, бутун бошли совет ҳукуматининг кирдикорлари очилиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам 60-йилларда архивлар ва матбуот устидаги назорат янада кучайтирилган. 20-50-йиллар ҳақидаги ҳаққоний фактларга таянган китоб ва мақолаларнинг нашр этилиши қийинлашган эди.

Лекин вақт ўз оқимида давом этарди. Етишиб келаётган авлод ўтмишга имкон қадар теран ва холис кўз билан боқишга уринарди. Уларнинг дунёқараш шаклланишига ҳибсдан озод этилганларнинг аччиқ хотиралари ҳам кучли таъсир кўрсатарди. Шундай хотираларни тинглашга, 20-30-йиллар ҳодисаларини ўрганишга ўч ёшлардан бири мен эдим.

Миллий уйғониш даврида жуда кўп маърифатпарвар зиёлиларнинг камолотида 25 йил давомида орада танаффуслар билан Тифлис, Табриз ва Бокуда нашр этилган «Мулла Насриддин» журналининг хизмати катта бўлган. Таҳсил асносида мен ҳам «Мулла Насриддин» журнали ҳақида янада кенгрок маълумот йиғарканман, асли ўзбек миллатига мансуб бўлган Холид Саид Хўжаевнинг 1929 йилда Бокуда нашр этилган «Янги алифбо йўлларида эски туйғуларим» китоби кўлимга тушиб қолди. Муаллиф менга янги бир дунёни очди. Бу асар руҳимга алланечук қадрдон ҳисларни уйғотгандек бўлдими, кугубхонада ягона нусха ҳисобланган бу асарни қайта-қайта ўқидим. Дўстларимга ўқишни маслаҳат бердим.

Бу китоб бир зиёлининг Қрим, Татаристон ва Туркистон бўйлаб саёҳатномаси эди. Китоб орқали илк марта бутун борлигини Озарбайжонга бахшида этган

Холид Саид Хўжаевнинг ўзбеклардан эканини англадим. 148 саҳифали бу китобга Боку университети Шарқ факультети профессори, Қозон татарларидан бўлган Азиз Убайдуллин ихчам ва ўта қизиқарли сўзбоши ёзган.

Аслида бу китоб Озарбайжон зиёлиларининг кўп йиллик курашлари мавзусига бағишланган, десак хато бўлмас. Оврўпонинг тезкор ривож шартликлари ҳам ҳаракатга келтирмай қўймасди. Шарқ халқлари тараққиётини кимдир давлат қурилишида, кимдир иқтисодий муносабатларда, кимдир эса, диний маърифатда кўрарди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Мирзо Фатҳали Охунд (1812-1878) араб алифбосини ислоҳ қилиш мақсадида лойиҳалар тайёрлади. Орзусини амалга ошириш учун Эрон ва Туркияга борди. Бироқ бирор натижага эришолмади. Муҳаммад оға Шоҳтахтли ва бошқалар ҳам Охунд бошлаган ишни давом эттирдилар. Ҳатто Озарбайжон Халқ Жумҳуриятининг парламенти ҳам алифбони ислоҳ қилиш — араб алифбосини лотинчага ўқатиш ташаббуси билан чиқди.

Большевиклар бу ишга монелик қилса-да, жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши натижасида бу гоё ўтган асрнинг 20-йилларида амалга ошди. 1922 йилда Бокуда туркий халқлар зиёлилари конференцияси ўтказилди. Унда янги алифбо кўмитаси ташкил этилди. Унинг мақсади собиқ иттифоқ ҳудудидаги туркий халқларнинг ягона лотин алифбосига ўтишини таъминлашдан иборат эди. Ана шу мақсад билан кўмита аъзолари поездда йўлга чиқишди. Улар орасида Холид Саид ҳам бор эди.

Холид Саид ўз саёҳатномасида йўлда кўрган-кечирганларини шундай баён қилади: «Сталнинг бош тарафида С.Ағамали ўғли, ўнг томонда «Мулла Насриддин» журналининг 25 йиллик мудири Мирза Жалил ўтирарди.

Сухбат пайти ҳамма савол берар, янги алифбонинг қаерда қабул қилиниши билан қизиқарди. С. Ағамали ўғли «қайси республикада ақлли одам кўп бўлса, ўша ерда қабул қилинади», деди.

Савол: Қайси республикада ақлли одам кўп экан?

С.Ағамали ўғли: Буни янги алифбо борасида чиқарилажак қарор кўрсатади. Кейин мендан «сен ўзбекларинг ҳақида қандай фикрдасан?» деб сўрашди. Мен «бизнинг ўзбеклар янги алифбони шубҳасиз қабул қилишади» дедим. Ҳамроҳларим кулишди: — Демак, сизларда ақлли одам кўп экан!

Мен буни некинлик учун айтаётганим йўқ. Шу ўринда 1921 йилдаги бир воқеани тилга олишни лозим топдим. Тошкентда Олий дорилфунун (Олий педогогика институти бўлса керак — *тарж.*) мудири эдим. Уша пайтларда ҳам имло масаласи ўртага чиққан эди. Маориф комиссарлиги конференция чақирди. Уч хил фикр ўртага ташланди: 1. Алифбони асл ҳолича қолдириш. 2. Ислоҳ қилиш. 3. Янги алифбо яратиш».

Ислоҳотчилар озгина тафовут билан ғолиб чиқишди. Уч йил ўтса-да, бу бирор фойда бергани йўқ. Холид Саид Боғчасаройда профессор Бакир Чўпонзода, Маориф комиссарлигининг ижтимоий тарбия мудири Одабаши, Маориф комиссари Ҳасан Сабрий, Усмон ва бошқаларнинг суҳбатларини, шунингдек, йўл-йўлакай Татаристон, Оренбург ва бошқа шаҳарларда олиб борилган ишларни кенг тасвирлаган.

Кўмита аъзолари Тошкентга етиб келишади. Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ўша пайтда зарур ишлар билан Москвага кетишгани учун учраша олишмайди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Дастурхончи мадрасасига боришади. Шаҳарда илк усули жадид мактабини очган Мунавварқори (Абдурашидхонов — *тарж.*) билан танишадилар. Оқшом Мунавварқори уларнинг вагонига келади. Суҳбатлашадилар. Зиёлилар ва муаллифлар билан учрашишга келишиб оладилар. Кейин Шаҳобиддин афандининг уйида меҳмон бўлишади.

Хуллас, бу китоб Холид Саид шахсияти ва ижодига қизиқишимни орттирди. Лекин кўшимча маълумот ололмадим. Холид Саид ҳақида деярли бирор маълумот топишнинг имкони бўлмади. Эски газета ва журналларни, 20-30-йилларда чоп этилган китобларни варақлай бошладим. Ниҳоят, Холид Саиднинг икки китобини — «Усмонли, ўзбек, қозоқ лаҳжаларининг қиёсий грамматикаси» (Боку — 1926) ва 1933 йилда А.Тағизода билан бирга ёзилган «Мухтасар услубият» асарларини топиб ўқидим. Яна бирор жўяли маълумот топиш умидида



Холид Саиднинг оила аъзоларини қидиришга киришдим, аммо тополмадим. Озарбайжоннинг адреслар бюросида Хўжаев фамилияли одамлар жуда оз эди. Уларнинг орасидан ҳам мен қидирган одамлар топилмади.

Университетни битирганимдан кейин мени Нахичевондаги «Шарг гаписи» газетасига ишга юборишди. Марказдан узоққа кетганим боис, бой китоб фондига эга кутубхоналарда ишлаш имкони йўқ эди. Ушанда ҳам имкон топдим дегунча Бокуга қайтиб, Амин Обид (озар маърифатпарвар зиёлиларидан бири— *тарж.*) ҳаёти ва ижодига бағишланган диссертациямни тугатишга ошиқардим.

Бу орада ҳам бир қанча қийинчиликларга дуч келдим. Яхши одамлар кўмагида Озарбайжон Фанлар Академиясида ишлаган кўпгина ходимларнинг шахсий «Дело»лари сақланадиган архивни қидириб топдим. Керакли «Иш»ни қўлга киритганимдан кейин, ўзимни кўпдан бери қизиқтириб келётган масалага ўтдим. Архивчи Холид Саиднинг «Иш»ини бераётиб менга айтдики, «бу ерда чорак асрдан бери ишлаётган бўлсам, шу вақт мобайнида Холид Саид билан қизиққан иккинчи одам сиз бўлдингиз».

Ҳар қалай «биринчи одам» тилшуносларимиздан ёки озар-ўзбек адабий алоқаларини ўрганаётган олимлардан бири бўлганини тушундим. Яқин орада мақоласини ўқиб қолсам, ўша одамнинг кимлигини биламан, деб кўйдим. Асосий эътиборни Холид Саиднинг шахсий ишига қадалган ҳужжатларга қаратдим. Бу ерда Холид Саиднинг ҳаёт йўлини ўрганишга етарли материал бор эди. Лекин бу маълумотларни қалб огрифисиз ўқишнинг имкони йўқ эди. Шахсий ишнинг биринчи саҳифаси Холид Саиднинг Қабарда-Болқор вилояти кўмитаси — Кумиковга 1937 йил 1 июлда ёзилган мактуб билан бошланади.

«Сизнинг 4.П.37. санада ёзган мактубингизни олдим. Катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Саволларингизга кечроқ жавоб қайтараётганим учун узр. 1. Маҳмуд Кошғарий асарининг ягона нусхаси Истанбулдадир ва ўша ерда кўпайтирилган. 2. Мен бу асарнинг таржимасини 1935 йил 1 сентябрдан бошлаб, шу йилнинг апрел ойида тугалладим. Асарни нашрга тайёрлаяпман. Яқин орада таҳрир қилиш учун И.Крачковский ва С.Маловнинг ёнига Ленинградга олиб бораман».

Мактуб тепасига кичкина бир қайд-гриф битилган эди: «Хўжаев ҳибсга олингани учун мактуб юборилмасин ва шахсий ишга илова қилинсин». Гриф 1937 йилнинг 9 июнида қўйилган. Демак, Х.Саиднинг ана шу икки сана ораллигида ҳибсга олинганини тахмин қилиш мумкин эди. Кейинчалик, ДХК (КГБ) архивларида тадқиқотчиларга ишлаш учун ижозат берилгач, Зиё Бунёдов унинг иши билан танишиб чиқди ва Холид Саиднинг 3 июнда ҳибсга олинганини аниқлади.

«Дело»нинг 2-7-саҳифалари меҳнат дафтарчаси нусхаси, доимий ишга ўтиш ҳақида 1934 йилнинг 26 апрелида ёзилган аризани ва анкета сўровномаларини ўз ичига олади. 10-15-бетларда эса Холид Саид ёзган, чоп этилган ва этилмаган асарлар рўйхати ва уларнинг умумий мазмуни ҳақидаги қисқача маълумотлар. Бундан Холид Саид асарларининг умумий ҳажми 125 босма тобоқ бўлгани, унинг таржимасида нашрга тайёрланган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит-турк» асари 70-80 босма тобоққа тенг бўлганини англаш мумкин.

Шахсий ишнинг 16-саҳифасида профессор Чўпонзоданинг билдиргиси ҳам киритилган. Унда айтилишича, Х.Саиднинг 12 та илмий асари бўлган. Улар орасидан туркий тилларининг синтаксисига доир охириги асари алоҳида қимматга сазовор. Унда муаллиф шарқ ва рус тилшунослигининг синтаксис назарияси соҳасидаги барча фикрлардан фойдаланиб, туркий тилларининг синтактик қурилиши ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган. Шу боис, профессор Чўпонзода илмий ишни ҳимоя қилмасдан туриб, унга фан номзоди унвони беришни таклиф қилган. Ана шу йилларда Х.Саиднинг «Янги алфавит яратиш бўйича хотиралар», «Қисқача стилистика», «Туркий мактаблар учун рус тили», «Қиёсий грамматика» каби асарлари ҳам босилиб чиқади. Олим таниқли туркшунос сифатида кенг эътироф этилади.

Холид Саид нафақат илмий изланишлар, балки таржимонлик билан ҳам шуғулланган. У рус тилидан ташқари, эски туркий тилдан, ҳозирги замон ўзбек тилидан кўпгина асарларни озар тилига таржима қилган. Ўзбекнинг буюк адиби Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини аслиятдан ўгириб, 1928-

1929 йилларда Бокуда чоп эттирган. «Гянчлик» нашриёти бу асарни 1979 йилда Исо Иброҳимовнинг русчадан таржимаси асосида нашр қилди. Холид Саид таржимаси эса, афсуски, тамомила унутилди.

Туркшуносликнинг бугунги нуқтаи назаридан қараганда, Холид Саиднинг хизматлари унчалик, кўзга кўринмаслиги мумкин. Аммо 20-йиллар шароитида унинг ишлари қанчалик салмоқли ва улкан бўлганини тан олиш лозим. Ўлка ҳукуматининг асосий мафкураси пролетаризм ва байналмилалчилик бўлган ва туркчилик билан машғул бўлганларга пантуркист тамғаси босилиб, таъқиб остига олинган бир пайтда Холид Саид «Турк тиллари тарихий грамматикаси», «Туркистон тарихининг қисқача ижмоли», «Турк адабиёти назарияси», «Чигатой адабиётидан мулоҳазалар», «Қиёсий грамматика» ва бошқа асарларни яратди. Ўрхун-Энасой битикларини тилимизга ўгириб, унга шарҳлар битди.

Холид Саиднинг шахсий ишида, 9-10-саҳифаларда унинг рус тилидаги таржимаи ҳоли ўрин олган. Қуйида айнан ўша таржимаи ҳолдан иқтибос келтирамиз.

«Мен 1888 йилда Тошкент шаҳридан 25 км. узоқликдаги Кашкурчай (аслида Кўшқўрғон бўлиши керак, муаллиф негадир бу топонимни шу тарзда келтирган — *тарж.*) қишлоғида туғилганман. Қишлоқ мактабини битирганимдан кейин мени Тошкентдаги мадрасага юборишди. Чунки у пайтлар рус мактабини «кофирнинг мактаби» деб ҳисоблашарди. Мадрасада беш-олти йил ўқидим. 1905 йилда инқилоб юз берди. Шу инқилобдан кейин туғилган ва бутун Шарқни қамраб олган ҳаракат менга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳаётимни янгитдан қуришга бел боғладим. Аммо ҳали консерватив муҳит ҳукмронлиги боис, рус ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришнинг имкони йўқ эди. Мен бошқа бир чорасини қидирардим. Ён-веримдаги мулла ва ҳожилардан Истанбул ҳақида шундайин ширин ва афсонавий суҳбатларни кўп эшитганим боис, шу шаҳарни кўриш иштиёқига тушдим. Лекин орзуимга етиш учун моддий имкониятим етарли эмасди. Отам менга жуда кам ёрдамлашар, менга нисбатан бироз зиқнароқ эди.

Нажот йўли кутилмаганда топилди. Яқин орадаги қишлоқларнинг бирида белгиланган солиқларнинг умумий ҳисобига уйғун равишда бўлиниши лозим бўлган ерларни ўлчаш керак эди. Мадрасада ўқиб юрганимда арабча китоблардан ер ўлчаш техникасини етарлича ўрганган эдим. Шу тариқа ўз хизматим эвазига беш-олти ойга етарли пул ишлаб олдим.

Пул топганимдан кейин яна бир тўсиққа дуч келдим. У пайтлар Генерал-губернатор томонидан туркистонликларга хорижий паспорт бериш тақиқланган эди. Шунда бир танишимнинг маслаҳати билан уч-тўрт сўм эвазига янги, на Хитой паспортини сотиб олдим. Ҳар қалай, шу паспорт билан мен Истанбулга келдим. Бу ердан кейин Миср ва Сурияга ҳам саёҳат қилиш ниятим бор эди. Лекин тасодифан газетадан Истанбул университети қошида икки йиллик тайёрлов курслари очилгани ҳақида эълон ўқидим. Шунда қарорим ўзгариб, шу курсда таҳсил олиш фикрига тушдим.

Имтиҳонга киритилган 1750 нафар кишининг ичида мен ҳам бор эдим. Шу тариқа олти-етти йил Истанбулда қолиб, таҳсилни тугатдим.

1918 йилда Туркистонга қайтиш ниятида Озарбайжонга келдим. Аммо алоқа йўллари ёпилгани боис, шу ерда қолишга мажбур бўлдим ва Ганжа гимназиясида муаллимлик қила бошладим. 1922 йилда Туркистонга қайтишга муваффақ бўлдим, аммо номутаносиб иқлим шароити мени 1922 йилда яна Озарбайжонга қайтишга мажбур қилди. Ўшандан бери ўрта ва олий мактабларда муаллимлик қилиб келяпман.

*Боку, 1934 йил, 26 апрель».*

Муаллифнинг 1918 йилдан кейинги таржимаи ҳоли биз учун шубҳали туюлди. Чунки хотираларда 1918-1920 йилларда юзлаб кишилар Озарбайжондан Ўзбекистонга, у ердан эса, бу ёққа қайтишганини билардик. Унда нега Холид Саид Тошкентга кетолмади экан?

Кўлимизда ҳужжатлар бўлмаса-да, ўша даврнинг тарихий ҳодисалари бизни бошқача фикрлашга мажбур этади. Биринчи жаҳон урушида мағлуб бўлган Россия ўз мустамлакаларини осонликча қўлдан чиқаришни истамасди. У ўзини

ўнглаб олгунча, истило остидаги юртларнинг бир-бири билан урушиб туришини истарди.

Шу ниятда XIX асрда Туркиядан ва Эрондан келтирилиб, Қорабоғ ва Эриван хонлиги ҳудудида жойлаштирилган арманларни қуроллантириб урушга жалб этганди. Фронтдан қайтган рус қўшинлари билан бирлашган бу жангарилар. Кавказда мусулмонларни оммавий қатлиом қилишга киришиб кетган эди.

Янги ташкил этилган Озарбайжон Халқ Республикасининг мунтазам армияси ва полиция тузилмалари бўлмагани учун тинч аҳолини ҳимоялай олмасди. Таҳликага тушиб қолган халқ ягона умид билан Усмонли давлатига мурожаат қилди. Усмонийлар ҳукумати Иккинчи жаҳон урушида катта талафотлар кўрган эса-да, қисқа муддатда Нури Пошо раҳбарлиги остида Кавказ ислом армиясини тузди ва Озарбайжонга юборди. Усмонли аскар ва зобитлар ҳамда кўнгилчилардан иборат Кавказ ислом армияси Ганжада жойлаштирилди. Армия фақат ҳарбийлардангина иборат эмасди. Унинг раҳбарлари орасида Аҳмад Бей Оғаўгли сингари маърифатпарварлар ҳам бор эди. Кавказ ислом армияси ўз олдаги вазифаларни катта шараф билан адо этди. Кучли бир ҳамла билан боққинчиларни тор-мор келтириб, 1918 йилнинг 15 октябрида Боқуни жангарилардан озод этди. Озарбайжон ҳукумати Ганжадан Боқуга кўчди.

Лекин Мудрос сулҳи Олмониянинг иттифоқчиси бўлган Туркияни Кавказдан узоқлаштириш талаби билан Усмонли давлатини қийин вазиятга солиб қўйди. Кавказ ислом армияси ортга қайтишга мажбур бўлди.

КГБ архивида 1937 йилларда ҳибсга олинганлар ва отилганларнинг тергов материаллари билан танишиш асносида Холид Саиднинг қуйидаги иқрорини ўқиш мумкин: «1918 йилда мен Истанбул университетининг бир гуруҳ талабалари билан бирга Нури Пошонинг Турк армиясида (Кавказ ислом армияси демоқчи — А.Ш.) Озарбайжонга юборилдим. Биз армиянинг махсус бўлимига олинган эдик».

Холид Саид 1918-1920 йилларда Ганжадаги муаллимлар семинариясида ва ўғил болалар гимназиясида дарс берганини ёзади. Қўлимизда материаллар бўлмагани учун қатъий бир фикр айтмасак-да, Холид Саид каби миллатсевар бир кишининг икки йил фақат муаллимлик билан кифояланиши ишонарли эмасдир. Унинг Ганжадан Тошкентга қайтиши Озарбайжоннинг ишғол этилишидан кейинроқ Ганжада юз берган қўзғолон (28 май) билан бир вақтга тўғри келади.

Ганжа қўзғолони туфайли ҳибсга олинганларнинг тўлиқ рўйхати қўлимизда йўқ. Бу исёнга алоқаси бўлмаган таниқли олим ва педагог Фирудин бей Кўчарлини шафқатсизларча отиб ташлаган болшевиклар у билан яқин таниш бўлган ва миллатпарварлиги билан танилган Холид Саидни омон қўйишармиди? 1937 йилдаги тергов пайтида КГБ терговчисининг «Озарбайжондан, Турк армияси чиқариб юборилгач, сизнинг турк разведкаси билан боғланиб турганингиз ҳақида бизда етарлича маълумотлар бор дегани фикримизни яна бир қарра исботлайди. Таниқли олимга «турк жосуси» ёрлигини ёпиштириш учун хавфсизлик хизмати ходимлари катта хизмат қилгани очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Бу ҳозирча тўла тадқиқ этилмаган мавзу бўлиб қолаётир. 1920 йилнинг сентябридан Тошкентдаги Олий педагогика мактабида муаллим, кейин мудир бўлиб ишлаган Холид Саид 1922 йилнинг октябрида Боқунинг Балахани туман бўлимида ишчи факультетига ишга қиради. Холид Саид ҳужжатларда Боқуга қайтишининг сабабини «Тошкент ҳавосининг ёқмагани»да деб кўрсатади. Биз Холид Саиднинг совет идораларига ёзган ҳужжатлари билан танишимиз. Унинг айнан шундай ёзганини ҳам тушуниш мумкин.

Аммо ҳушёр тадқиқотчилар Тошкентдан Боқуга қайтиши сабабларини пухта ўрганишлари зарур. Фақат шуни тахмин этишимиз мумкинки, Холид Саид таъқибдан қутулиш учун ёхуд янги бир туркиёт марказини шакллантириш учун Боқуга қайтган бўлса керак. Холид Саиднинг Боқудан чекка ва тоғли Гусар туманида ташкил қилинган педагогик курсда ишлашга кетиши ва мусовотчиларнинг оммавий қамоққа олиниши бир вақтга тўғри келади. 1924 йилда Холид Саид Боқуга қайтади. Унга Самарқанддан келиб таҳсил олаётган талабаларга раҳбарлик қилиш топширилади. Бироқ, кўп ўтмай, талабалар орасида

аксилнқилобий ва миллатчилик гоёларини тарғиб қилгани учун ишдан четлатилади.

Бу таъйиқ ва таъқибларга қарамасдан, Холид Саид Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг Озарбайжонда ўқиётган талабалар бўйича вакили бўлган пайтлари ҳам, Озарбайжон Олий педагогика институтида, Тупроқшунослик техникумида, Озарбайжон Давлат университетида, Гидромелиорация техникумида ишлаган пайтларида ҳам талабаларнинг миллий онгини шакллантиришга жиддий эътибор қаратган.

Озарбайжон Давлат Сийсий идораси (КГБ нинг илгариги номи) раиси Наврўз Ризаевнинг Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетига 1929 йил 15 майда ёзган махфий мактубида мактабларни миллатчи муаллимлардан тозалаш учун комиссия тузишни ва комиссияга яширин равишда уларнинг ҳам ходимларини киритишни тавсия этади. Мактубда ёзилишича, асосан турк адабиёти, жўгрофия, ижтимоий фанлар муаллимларига қарши йўналтирилган бу тозалаш амалиёти оммавий норозилик келтириб чиқармаслиги учун турли вақтларда, бошқа-бошқа мактабларда олиб борилиши лозим эди. Холид Саид ҳам бу амалиётдан ташқарида қолиши мумкин эмасди. Унинг тез-тез иш жойини алмаштирилишида КГБнинг қўли борлиги тайин эди. Илмий-педагогик фаолиятдан ташқари ижтимоий ишларда ҳам фаол иштирок этган Холид Саид 1926 йилда Бокуда ўтказилган Биринчи Туркология қурултойига махсус таклиф қилинган. У қурултойнинг кун тартибидаги масалалар музокарасига қатнашган, қурултойнинг юксак савияда ўтиши учун қўлидан келган меҳнатини аямаган. Албатта, унинг иши совет махсус хизматларининг эътиборидан четда қолмаган. 1937 йилда қамоққа олинган пайтида терговчи ва унинг орасидаги суҳбат ҳужжатларда қуйидагича қайд этилган:

«Терговчи: — Аксилнқилобий пантуркист ташкилотга қачон аъзо бўлгансиз?

Жавоб: — 1925 йилда машҳур пантуркист А.С.Губайдуллин Бокуга келганидан кейин.

Терговчи: — Пантуркистик ташкилотида сизнинг амалий аксилнқилобий фаолиятингиз нимадан иборат эди?

Жавоб: — Мен талаба ёшлар орасида пантуркист тарғибот олиб боришим, Совет Иттифоқиқа қарши пантуркист кадрлар тайёрлашим керак эди».

... Холид Саиднинг шахсий «дело»си билан танишарканман, архив ходимининг «25 йиллик фаолиятим давомида Холид Саид билан қизиққан иккинчи одам сиз бўлдингиз» деган гаплари хаёлимни тез-тез бўлиб турарди. Диққат билан матбуот саҳифаларини кузатиб бордим. Холид Саид ҳақидаги бирор-бир мақолага кўзим тушмади. Узимча ўйлардим: «Холид Саиднинг ҳаёти ва ижоди билан таниш одамнинг жим туриши мумкин эмас. Унда мендан аввалроқ бу ҳужжатлар билан танишиб чиққан одам ким экан?» Кейинги гал ишлаш учун архивга келганимда ўша одамнинг кимлиги билан астойдил қизиқдим. Архив ходими иши тугаганидан кейин саволимга жавоб беришини айтди ва ваъдасига амал қилди. У менга берган кичкина варақчада шу битикни ўқидим: «Мамедова Байжа Холид Саидовна, чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, адреси: Боку, Хусрав Рузбеҳ кўчаси, 44-46, блок 2, 31-хонадон».

Ўқишим билан ўша одамнинг тадқиқотчи эмас, Холиднинг қизи бўлганини англадим. Ё раб, ахир мен бу аёлни қачондан бери қидираман! Холид Саиднинг шахсий «дело»сида кўрсатилган Қосим Исмоилов кўчаси 12-уйга неча марталаб бордим. У ердан жиддий ҳужжат тополмаслигимни яхши билардим. Қатагон қурбонларининг кўпгина оила аъзолари каби улар ҳам мени кўз ёш ва ғам-андух билан қарши олишларини билардим. Холид Саиднинг оила аъзоларидан ёки таниш-билишларидан бирини топишни қанчалик орзу қилгандим. Афсуски, қўшнилари ҳам ўзгариб кетган, бир хабар бергувчи йўқ эди. Ва ниҳоят унинг қизи яшайдиган манзилни топдим!

Бир даста гул олишни, уст-бошимни эпақа келтиришни ҳам унутиб таксига ўтирдим. Ўн дақиқадан кейин кўрсатилган уй эшигининг кўнгирагини босиб турардим. Ҳаммаси ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Кўз ёшлари Байжа хонимни гапиргани қўймасди. Отаси қамалганидан бери орадан қирқ йил ўтган бўлса-да, ҳодисани худди кечагина юз бергандек, аниқлик ва ишонч билан гапириб йилларди. Орадаги танаффуслардан фойдаланиб, суҳбатни ўзим истаган тарафга

буриш, хужжатларда дуч келганим — фактларни аниқлаштириш учун саволлар бера бошладим. У эса, менинг саволларимга бирданига жавоб бермас, эслаб-эслаб гапирарди:

Кичкина эмасдим, йўқ-йўқ. 12 ёшли қизча эдим. У даҳшатли кечани унутиб бўлармиди? Ҳозир ҳам тушимга кирса, сапчиб уйғонаман. 1937 йилнинг 3 июнида олиб кетишди. Ўзи билан бирга уч чамадон қўлёзмаларини йигдилар. Фақат отам уларнинг кўзини шамғалат қилиб биттасини онамга бериб: «Буни асраб қўйсангиз, қора кунингизга ярайди, сизларни боқади» деди.

— У қайси асар эди, Кошғарийнинг «Девони» эмасмиди?

— Йўқ, йўқ, «Девон»ни яхши эслайман. Китобга ўхшамасди у. Қалин папкаларга солинган эди. Отам берган қўлёзма эса, китобга ўхшатиб жилдланган эди.

— Балки «Турк тилларининг тарихий грамматикаси»дир?

— Йўқ.

— «Услубият назарияси» бўлиши мумкинми?

— Йўқ.

Шу тариқа менга маълум бўлган барча асарларни номма-ном санаб чиқсам-да, «йўқ» жавобини олдим.

Онамга берган китобни эндигина ёзиб битирган эди. Онам қамоққа олиниши билан уни ҳам йўқотиб қўйдик. Отамнинг ишхонасидаги асарларнинг тақдирдан ҳам беҳабар қолдик. Онамни ҳибсга олиш учун келишганда, қулоғимга пичирлади: «Қоч холангникига!» Ўша йиллари ота-онаси қамалганларни зўрлаб интернатга олиб кетишарди. Болаларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашни исташарди. Қариндошларининг ҳимоясида қолган болалар антисовет руҳи билан улғайишидан қўрқишарди.

— Бейжа хоним, онангизни нимага қамадилар?

— Онам Озарбайжондаги машҳур заргарлар авлодидан эди. 1924 йилда отам билан турмуш қурган. Отам билан шунчаки салом-алик қилиб юрганларни қамаганларидан кейин, у билан бир том остида яшаган жуфти ҳалоланиннг қамалишига ажабланмаса ҳам бўлади. У пайтларда «Мени нимага ушлаб кетяпсиз?», «Фалончининг гуноҳи нима?» деб сўраб бўлармиди? Онам Сора Ризо қизи саводсиз бўлса-да, закий аёл эди. Қамоқда Сталинга ёзган шикоят мактубидан кейин 1941 йилда уни озод қилишди. Қайтганидан кейин кўп яшамади. Маънавий жиҳатдан толиқиб бўлганди.

— Бейжахоним, отангиз университетни кеч тугатган экан.

— Ҳа, буни биламан. Отамнинг тиббиётдан ҳам хабари бор эди. Оиламизнинг табиби эди у. Аввал Истанбул университетининг тиббиёт факультетига кирган, кейин фикрини ўзгартириб, тарих-филология факультетига ўтган экан.

— Тошкентга бориб, отангиз туғилиб ўсган жойларни, аммангиз, амакингиз, қариндош-уруеларингизни кўрганмисиз?

— Йўқ, бормаганман. Аммо яқинларимиз ҳақидаги айрим гаплар ёдимда қолган. Бобомлар Тошкентдаги машҳур хўжалар авлодидан экан. Фамилиямиз ҳам шундан олинган. Отамлар беш ака-ука бўлишган. Каттасининг оти эсимда қолмаган. Иккинчисининг исми Солихўжа, учинчиси Холхўжа, тўртинчиси Аҳмадхўжа, бешинчиси Султонхўжа бўлган. Холхўжа отамнинг исми эди. Кейинчалик Холидга айланиб кетган. Бобомларнинг қишлоғи Қўшқўрғон Чирчиқ дарёсининг бўйида, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган. Менинг отим хужжатларда Байжа (шоир ва таржимон Усмон Қўчқорнинг айтишича, аёлниинг исми Баҳижа бўлган — *тарж.*) Отам ва уйдагилар Бейжа деб чақирришарди.

Байжа хоним афсус билан давом этади:

— Узоқ йиллар Академияда аспирантларга чет тилидан дарс бердим. Турмуш ўртоғим ҳам олим. Боку Олий партия мактабида дарс беради. Аммо ҳали-ҳануз отам ҳибсга олинганидан кейин бошига не кунлар тушганини билмаймиз. Оғиздан-оғизга ўтиб юрган гап-сўзларга қараганда, 1937 йилни 12 октябрида отиб ташланган экан. Қанчалик тўғрилигини билмайман. СССР Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг 1957 йил 16 майдаги Қарори билан отам оқланди. Бу қандай оқлов бўлди? Отам қамалганидан кейин орадан ўттиз йилга яқин вақт ўтса-да, мен уйимиздан олиб кетилган қўлёзмаларидан, китобларидан хабар тополмасам. Бу қандай оқлов бўлдики, отамнинг номини абадийлаштириш ҳақида гап ҳам бўлмаса.

Бейжа хоним гапираркан, хаёлимдан «туғма хотира» деган ибора ўтади. Холасининг қарамоғида яшаган, ота юртидан минглаб километр узоқларда туғилиб ўсган аёл ўз Ватанидан кечагина айрилган одамдек гапирди.

Шогирдлари, ҳамкасблари, танишлари ва қариндош-уруғлари ҳам Холид Саидни ана шундай хотираб, қаламга олсалар эди, қандай соз бўларди. Холид Саиднинг ўзи оқланса-да, у илгари сурган гоёлар, миллий мустақиллик мафқураси ҳали оқланмагани боис, унинг асарлари тўпланиб, на Озарбайжонда, на Ўзбекистонда чоп этилган эди. Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан бери ўн беш йилдан зиёд вақт ўтди. Аммо ҳали-ҳануз истиқлол учун жонини фидо қилган буюк миллат фарзандининг ҳаёти ва ижоди муносиб қадр топганича йўқ.

Бейжа хоним билан учрашганимиздан сўнг орадан икки йил ўтгач, 1988 йилда Озарбайжонда митинг тўлқинлари бошланиб кетди. КГБ архивларидаги баъзи ҳужжатлар билан танишиш имкони юзага келди. Оғизма-оғиз юрган хабарлар тўғри чиқди. Холид Саид Хўжаев 1937 йилнинг 12 октябрида Бокуда отиб ташланган экан...

Архив қопқаларининг очилиши билан тадқиқотчилар ҳам бир қанча ойдинлик киритдилар. Филология фанлари номзоди Асқар Қулиевнинг ёзишича, «Синтаксис» ва «Услубият», «Услубият назарияси»дан ташқари ҳам Холид Саиднинг чоп этилмаган илмий асарлари кўп экан. Унинг «Турк тилларининг тарихий грамматикаси» номли ўн икки босма табоқ ҳажмидаги асари бўлган. Бу тадқиқот М.Кошғарийнинг «Девони луготит турк» асари асосида умумтурк грамматикасига бағишланган бўлиб, СССР ФАнинг Озарбайжон филиалининг махсус топшириғи билан ёзилган. Аммо бу қимматли асар ҳам йўқолиб кетган.

А.Қулиев М.Кошғарийнинг «Девон»и ҳақидаги фикрларини қуйидагича умумлаштиради: «Баъзи маълумотларга кўра, «Девон»нинг тўлиқ таржимаси (!) 1939 йилда ниҳоясига етказилган ва шу йили С.Малов ва А.Кононов тарафидан таҳрир қилинган, нашрга берилган... Лекин 60-йилларда таржимани муқаммаллаштириш ишлари (...) олиб борилган (...)».

Ўша пайтларда ҳам бу таржима ҳар замонда нуфузли «комиссия»лар томонидан текширилиб, «муқаммаллаштириш» асносида таржимонлар рўйхатига кўплаб фамилиялар қўшиб борилган... Хайриятки, Холид Саиднинг исми ҳам сақланиб қолган. А.Қулиевнинг Холид Саидга бағишланган «Икки халқ фарзанди» мақоласи Усмон Кўчқор томонидан ўзбекчага ўтирилиб, «Гулистон» журналида чоп этилган.

Холид Саид ва унинг маслакдошлари орзуси кеч бўлса-да, амалга ошди. Аслида тарих олдида гоёларнинг ҳақиқатга айланиши учун 50-100 йил нима деган гап?

*Озарбайжончадан  
Рустам ЖАББОРОВ  
таржимаси*

## Илья СМЕРНОВ

## Ли Бо: «Яшма тошли зиналар ноласи»

**Х**итой шеърятти – дунёдаги энг қадимий шеърятлардан бири. Эрамизгача бўлган иккинчи мингйилликдан буён яшаб келаётган бу шеърят XX аср бошларига қадар ташқи кўринишини деярли йўқотмаган. Демак, бундай шеърятни теран англаш ҳам осон кечмайди. Бунинг учун ўқувчи ўзини тайёрлаши лозим. Хитой шеърятининг бахти шундаки, ўқувчи у билан уч минг йилдан буён айрилмай келаёттир. Мумтоз таълим барча анъанавий маданиятларни билишни талаб этади, бунинг устига, энг муҳим матнларни ёддан ўқий билиш шарт. Қадимги Хитойда шеър ёза билиш давлат миқёсида мартабага эришиш учун мажбурий дастурларга киритилган эди. Ўрта асрда Хитойда шоир ўқувчига нафақат нозик пардали шеърят услублари билан, балки анъанавийлик руҳи билан сугорилган иқтибослар, имо-ишоралар, тилдан-тилга кўчиб юрган номалар орқали мурожаат қилар, у билан юзлашарди. XX аср бошларида мумтоз таълимнинг олиб ташланиши Хитойда бундай ўқувчиларнинг сафини анча камайтирди.

Хитой шеърятитай мураккаб шеърятни ўзга маданий анъаналарга асосланиб яшаётган ўқувчиларга етказиш осон эмас. Ўқувчиларга хитой шеърятини яққол кўрсатиш учун битта шеър мисолида ҳамон ҳукм сураётган қадимги шеърят анъаналари хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Энг аввало, ўрта аср шеърятитда шаклланган қадимий тил ҳақида. Вэнь янь – («маданият сўзи» маъносини англатади) тили бутун Узоқ Шарқнинг ўзига хос логин тили сифатида Хитой, Япония, Курия, Вьетнамда қабул қилинган, бу тил юз йилликлар мобайнида юксак маданий бойликка эга миллий тил ҳисобланган.

Бу тилда ҳар бир сўз бир бўғинга эга ва битта иероглиф билан ёзилади. У ҳеч қандай олд қўшимчага ҳам, турловчи қўшимчага ҳам эга эмас. Гапда исталган жойда туриши мумкин, исталган бирикмада иштирок эта олади, матнда у ёки бу даражадаги маълум грамматик хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Насрий тилда синтаксис етарли даражада мустаҳкам, қисман ҳолда эга – феъл ўрнининг тартиби одатдагидай бўлади, шеърый тилда эса феъл сатрнинг бошида келиши ҳам кузатилади. Бундай грамматик эркинликка эга маълум

---

Илья Сергеевич Смирнов (1948 йилда туғилган) – филология фанлари номзоди, мумтоз ва замонавий хитой шеърятининг етук тадқиқотчиси. Унинг хитой шеърятига бағишланган кўплаб асарлари нашр этилган. «VIII -IX асрлар хитой шеърятти» (1978), «Яшма тошли зиналар. Мин даври – XIV-XVII асрлар шеърятти» (1989), «Хаёлий соялар. Мин даври шеърятти» (2000), «Осмон кўприги. Гао Ци (1336-1374) шеърятти» (2000). Шунингдек, адабиётшунос олим томонидан таржима қилинган ўрта аср хитой шеърятидан намуналар (1986), Чжай Сянлянинг «Мимоза қиссалари» (1988), Аньци Миннинг «Алвон Азалия», «Хитой муҳаббати ва ҳаёти» (1996), Ян Ляннинг шеърлари (2004) кабилар «Иностранная литература» журнали орқали ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинган.

Эътиборингизга тақдим этилаётган мақола-эсседа ҳам хитой шеърятитда муҳим ўрин эгаллаб келаётган Ли Бонинг биргина – «Яшма тошли зиналар ноласи» шеърининг таҳлили мисолида муаллиф бу қадим шеърятнинг улугворлигини кўрсатибгина қолмай, таржима санъатининг ўзига хос мураккаб йўллари хусусида Сизни ҳам мушоҳадага чорлайди.

алоҳида сатр ва шеър шу кунгача турли-туманлик рамзи саналиб келмоқда. Улар маълум маънода турли фикрларнинг тўқнашувига сабаб бўлса-да, кўпчилиги шарҳлаш аънаналарини ўзида сақлаб қолган. Изланувчилар мавқеи, ҳаракатлари сабаб қадимги хитой шеъриятининг йўлчи юлдузига айланган бу тил асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда. У хорижий тадқиқотчи ва таржимонлар учун ҳам бой манба вазифасини ўтамоқда.

Бу тилнинг омиллари хусусида шуни айтиш мумкинки, хитой шеъриятининг изоҳлаш, шарҳлашдаги нозик томонлари маълум маънода унинг архаик тахминий амалиётига бориб тақалади. Бу амалиёт ўз ўрнида аънавий хитой умуммаданиятига асосланади. Кўп маънолилиқ, фикрлар оламига очиқ кириб бориш хитой шеърияти учун одатийдир. Шеъринг рисолаларда ўзига хос тушунча – хан суй – «сиргалувчи жамгарма» сифатида киритилган дейилади академик В.М.Алексеевнинг таржималарида.

Ўрта асрнинг машҳур шеършуноси Сикун Ту (XI аср) хан суйнинг маъносини шундай ифодалайди: «Шоирни биргина сўз билан атаб бўлмайди. Жонли оловни унинг илҳомига қиёслаш ўринли. Шеър сўзи унга тегишли эмас. Уни қайғу ҳеч қачон тарк этолмаслигини ҳис этади».

Бу идеал шеъринг ташқи томондан қаралганда оддий кўринади ва анчайин камсуқум ҳам, ҳатто «таъмсиз»дай (дань), аммо у ўз ичига «хаёлнинг тубсизликлари»ни яширади (ли хэнь мэнь). Исталган тубсизликни қўлга киритиш учун кенг фойдаланиб келинаётган реминисценция, иллюзия, мумтоз хотиралардан олинган иқтибос, жўгрофий номлар, биографик деталлар, шеър сарлавҳасига оид тин – яъни, «шундай – шундай шеърлар ижод қиламан, шундай-шундай қофиялардан фойдаланаман», баъзан берилаётган матннинг семантикаси – маъноси, дейлик, «дўстимни кузатайпман», туйғуларимни куйлайман», «сарой арз-додлари» кабилар ва ниҳоят, ҳатто шахс олмошлари ҳам иштирок этмайди.

Энди хитой шеъриятини англаб етиш учун муҳим қадам ташлаймиз – танланган шеъримизнинг таҳлиliga киришамиз.

Ли Бо (701-762) нинг адабиёт китобларига киритилган «Яшма тошли зиналар ноласи» («Юй цзе юань») сарлавҳали шеъри хитой огзаки ва ёзма адабиётда ниҳоятда кам учрайдиган ҳолатларга кўра, аънавий шеъринг танқидшунослигида шеър туркуми деб қаралмайди ва қабул қилинмайди, ҳатто шоирнинг ижодий меросидан айри ҳолатда ҳам кўрилмайди. Аксинча, кўп ҳолларда ва умуман, турли шоирларнинг асарлари, бирлашган династия, хронологиялар, умумий мавзу ёки шакллар, маълум маъноли тартибга солинган рақамларга («уч юзта шеър, уч юз шоир ва бошқалар) нисбатан эркин ва белгилidir.

«Яшма тошли зиналар ноласи» шеъри Ли Бонинг энг кўп тарқалган асарлари сирасига киради. Биринчидан, машҳур хитой мажмуалари уни четлаб ўтолмайди. Европаликлар хитой шеъринг билан таниша бошлаган пайтлариданоқ эътиборларини узю эцз юй шакли – узук-юлуқ, сачраб кетган ёки сачратиб юборилган сатрларга қаратишган. Улар шаклан шундай кўринишса-да, аслида, қадимий хитой лирикасининг моҳиятини ўзида сақлайди. Учинчидан, бу шеър ташқи томондан одамни ўзига тортадиган даражада оддий, содда. Улардан ортиқча изоҳ талаб қилинадиган номлар, қабул қилиниши қийин кечадиган жўгрофий атамалар, одамни чўчитадиган образлилиқ ҳам учрамайди. Тўртинчидан, унда шеъринг барча унсурлари мавжуд – куз, тун, ой. Улар европаликларни гарангситмайди, кўзларини шамғалат қилмайди. Аксинча, ўзига хос хитой шеъринг сифатида қабул қилинади. Аънавий хитой адабиётшунослиги бу шеърни юқори, жуда юқори баҳолайди.

## ЯШМА ТОШЛИ ЗИНАЛАР НОЛАСИ

Остонада – яшма тошли зиналар!  
Тўкилади шудринглар оппоқ.  
Узайиб-узайиб боради оқшом...  
Асирга тушади жуфт ипак пайпоқ.



Ортига қайтар у, пастга тушади  
 Сувранг биллур мармар пардалар  
 Жаранглаб кетади тиниқдан тиниқ  
 Кўкда кузги ойни хаёллар чулгар...

Маълумки, сўзма-сўз таржима ҳамиша фақат юзада турган мазмунни беради, холос. Бунинг устига, грамматик жиҳатдан бундай ташбеҳларга тўла тил учун қадимги хитой тили сифатида — вэнъянь — синтаксис таъсирчанлик иллюзиясини яратади ва шундан сўнггина ҳақиқатдан ҳам шеърни шаклан ва мазмунан чуқур таҳлил қилиш имконияти тугилади.

Шундай қилиб, қаршимизда мумтоз беш бўғинли сўздан иборат тўртлик (у-янь цзюэуэюй). Икки сўз - белгидан сўнг пауза ва ҳар бир сатрнинг охирида қофиялар билан келади — а-б-с-б. Хитой шеърлярида шеър сарлавҳаси муҳим ўрин тутаети. Айнан сарлавҳа матн ичидаги мавжуд ҳолатлар ҳақида аниқлик киритади ва тасаввур ҳосил қилинишига кўмаклашади. Чунки хитой тили ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тил ва шеърлий қурилмаларни ўрнатиш мураккаб кечган ҳолатларда сарлавҳанинг роли беқиёс. Сарлавҳа шеърнинг моҳияти ва грамматик тузилишини очиб беради.

Биз намуна сифатида келтирган иероглифлар юань (аслиятда учинчи, сарлавҳадаги белгидан сўнг келган), бир томондан шартли равишда «ноласи» маъносини беради, ҳис-туйғулар маъносидеги кенгликни англатади. У ўзида синоним кенгликлар қайғу, алам, соғинч, қалб изтироблари, нолаю фиғон, титраш, тебраниш, чайқалишларни акс эттиради. Хитой лирикасининг туб моҳиятида соғинч туйғуси жуда кенг қўлланилади. Биринчи машҳур хитой шоири Цюй Юань (эрамизгача бўлган IV-III аср) шундай ёзади: «кўпдан буён юракда на қувонч бор, на ором. Қайғу кетидан қайғу ўтади турнақатор.» Биз учун муҳими, Ли Бо фойдаланган узун қаторда турган юань белгисининг синонимлар орасидеги ўрнини белгилаш ва унинг индивидуаллик моҳиятини англашидир.

Кўплаб шеърлий намуналарда юань белгиси маънони уқиб олишда нафақат ўзида номаълум ёки чуқур гам-гуссани, балки тўлиқ, маълум афсус-надоматларни ҳам ифодалаган. Шунинг учун ҳам юань феъл кўринишида (ёзма хитой тилининг грамматик ифодасида юанга ном сифатида ҳам, феъл сифатида ҳам морфологик тус бериш мумкин) одатда, «айбламоқ, топтамоқ, қарғамоқ» маъноларида келади. Хитой шеърларида юань сўзининг типик ҳисобланган параллел қурилмалари, одатда унинг синоним сўзларига нисбатан кучлироқ ва фаолроқ маънога эга, жумладан, унга энг яқин ҳисобланган хэнь ҳам афсус-надоматларга тўла соғинч ёки қайғу маъносидега тушунилади.

Ли Бонинг юйзе — яъни, шеърнинг бошланиши грамматик меъёрлар бўйича аниқловчи цзе сифатида кўрилиши лозим, чунки унинг олдида юй аниқловчиси мавжуд. Цзе нинг луғавий маъноси — «остонадаги зина», «зиналар» бўлиб, уни тушуниш қийин бўлмайди. Фақат шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хитойча остонадаги зиналар жуда кенг бўлиб, бинонинг бутун олд қисмига кўшилиб кетади, кўп ҳолларда ён томонлар ва ҳатто бутун террасани (луғатда кам учрайдиган «тахтасупа» сўзи шу ердан келиб чиққан ) ҳам эгаллайди.

Юй эпитети «яшмали» деган маънони англатади. Аслини олганда, «яшма» дейилганда нефрит тоши назарда тугилади. Бу тош қадимги Хитойда жуда эъзозланган, ундан турли маросимлар учун жиҳозлар тайёрлашда фойдаланилган. Бу тошнинг хусусиятлари илоҳийлаштирилиб, асосан, ҳукмдорларга лойиқ деб топилган. В.М.Алексеевнинг ёзишича: «Хитой шеърляти учун бу эпитет энг яхши, энг қимматбаҳо ва ноёб, бу ноёблик тушунчаларга ҳам тааллуқлидир. Хитой шеърлятида «яшма» илоҳийлик, бегуборлик, жарангдорлик, илиқлик ва намхушликни ўзида қамраб олгучи тиниқ овоздир». Сутранг «яшма» аёллар гўзаллиги, юз, бадан териларининг нозикликларига қиёс этилиб, идеал гўзалликни ифодалаши ҳам тасодиф эмас.

Таржимада луғатга мурожаат қилиниши табиий. Бизга «Пэй вэнь юньф»да жамланган матнлар («Машҳур адабий хазиналар», 1711 йил) ёрдам бериши мумкин. Юйзе сўзининг ишлатилишини илк бор «Ғарбий пойтахт одаси»да учратамиз (Бань-гу); «Яшма тошли зиналар — бу айри-айри яшма тошли

остонадир», иккинчидан, 1 асрда яшаб ижод этган машхур шоира Бань-Цзеюйнинг элга манзур «Қайгуларим одаси»дан олинган сатрларини келтириш мумкин:

Харобага айланибди гулгун сарой,  
Яшма тошли остонада пўпанаклар;  
Ўт-ўланлар бир-бирига чирмашгандай  
Кенг ҳовлини босиб ётар тиканаклар...

Худди шу ерда аниқлик киритиш лозим, чунки «Ода» Ли Бонинг биз таҳлил этаётган шеърда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хитой шеърлятида чуқур из қолдирган шоира Бань император Чж Дининг асираси (бу ҳақда тарихий маълумотлар мавжуд) эди; у бир умрга мавқеидан четлаштирилиб, узоқроқдаги сарой оромгоҳларининг бирида ёлғизликда умр кечиради. Шоира ўз тақдирини «Қайгуларим одаси»да алам, изтироб билан тўкиб солади. Демак, «Яшма тошли зиналар» нафақат сарой шоирларининг улугвор рамзларига айланади, балки ҳукмдор марҳаматларидан йироқда яшаган ҳарам қизлари, севгилисидан айро умр кечирганлар, кенг маънода, шоираларнинг шеърлари, ижодида ҳам муқим ўрин эгаллайди.

Бу ҳолат Се Тяо (464-499) нинг «Яшма тошли зиналар ноласи» шеъри (бу шеър номи сўзма-сўз Ли Бони такрорлайди) «Пэй вэнь юньф» бўйича таҳлил этилса, янада мустаҳкамланганлигини кўрамиз:

Шом. Кўшк. Мармар парда энади,  
Шамчироқ шуъласи, эрийди зулмат.  
Олис тунда шоҳи кўйлак тикаман,  
Мен сизни ўйлайман узоқ, бетоқат...

Сарлавҳа Ли Бонинг шеърини аниқ мавзуга олиб киради, унинг кейинги таҳлилларига ҳам кўмаклашади. Биринчи ўринда, аёл образи лирик ҳолатда берилади. Шунинг учун ҳам матнда бошқа асослар учрамайди: яъни, шахс олмоши вэнь яннинг шеърий ифодаси жуда кам ишлатилади.

Биринчи сатр:

Яшма тошли зиналар оқ шудринглар тугдирар...

Аслида, буни тушуниш қийинмасдай. Грамматик томондан олганда, уни: «Яшма тошли зиналарда оқ шудринглар туғилади» дейиш мумкин. Лекин хитой тилининг грамматик жиҳатини эътиборга олсак, эга-фелънинг кетма-кетлиги, давомийлиги, бундан ташқари, янада муҳим хулосалар ҳам мавжуд. Демак, сўз катта аҳамиятга молик бўлган император саройи ҳақида кетар экан, зиналар ўз-ўзидан нефрит тошидан қилинган; бу тошнинг хусусияти шундаки, у ўзидан иссиқ ҳавода совуқликни, совуқ ҳавода иссиқликни чиқаради. Кўриниб турибдики, у табиатан ҳам совуқ, ҳам иссиқ ҳолатга кела олади, айни пайтда ўзида намликни сақлайди ва буғланиб туради. Шунинг учун ҳам бу образлиликни йўқотиб бўлмайди. Бу ерда субъектив позиция (ёндашув) асосий рол ўйнайди. Ли Бо томонидан қўлланилган юйцзе — «яшма тошли зиналар» — сўзларни ихчамлаштириш жараёни, айниқса, тўртликлар учун муҳим аҳамият касб этади. Метафорали феъл сифатида қўлланилган «туғилмоқ» етарлидай кўринади:

Зумрад нилуфарлар, архидеялар  
Кўз очдилар хилват гўшада олис  
Қалин боғлар ичра ёлғиздан-ёлғиз..

«Оқ шудринг» ўзининг тўғридан-тўғри маъносидан ташқари метафорик маънога ҳам эга. «Қиров» маъноси «Шиц зин» («Кўшиқлар китоби» — эрамизгача бўлган XII-VI асрлар) да шундай дейилган: «Оқ шудринглар — қировлар кабидир». «Оқ» эпитети қадим-қадимдан оқариб келаётган тонг ранглари сифатида ғарбда ҳам қўлланилиб келинмоқда. Йилнинг мавсумларидан бири «оқ шудринг» деб

аталиши ҳам тасодиф эмас. Бу йилнинг сентябр ойи 7-8 кунларидан бошланиб, 23-24 кунларигача давом этади, куз фаслининг кетаётган олтин даврини ифодалайди. Шеърятда бу образлилик яққол намоён бўлади. Ли Бода:

Оқ шудринг...  
 Қовжираб боради гуллар, мевалар,  
 ишонгинг келмайди қачондир улар  
 гуллаган, ҳосилга кирган тўлиқиб.

ёки:

Оқ шудринг...  
 Куйиб борар кун.  
 Қиров тўкилади алвон рангларга,  
 Рангсизланиб борар ранглар ҳам бу кун.

Бу ерда Ли Бо учун иккита муҳим эпитет бор: «Кузги оқ шудринглар яшма тошига ўхшайди». Хань Юянинг (768-821) «Кузги қайғу» шеърида эса;

Оқ шудринг тўшалди оқ майсаларга,  
 Ўт-ўлан, архидея, неки яшиллик  
 Бирма-бир қовжираб, сўлимоқдадир.

«Шудринг» хитой шеърятда энгил кўчадиган рамз. Қадимдан уни инсон умрига, абадийликка, умидга қиёслашган. Қадимги хитойликлар муқаддас осмондаги маъбудалар фақат шудринглар билан тўйинишган, деб ўйлашган. Умрнинг қисқалигига ишора сифатида илк бор шудринг Хань давридаги халқ кўшиқларида учрайди (эрамизгача бўлган III аср — эрамиздаги III асрлар) .

Шунчалик тез кўздан йўқолди шудринг,  
 Тортилди бамисли ёввойи камон.  
 Аммо тонготарда яна туғилди,  
 Инсон ҳам у каби тирилар қачон?!...

Бу образ шоир ва саркарда Цао (155-220) ижодида ҳам учрайди:

Тонгги оппоқ шудринглар каби  
 Эмасмикан инсоннинг умри?

«Оқ шудринг», айтиб ўтилганидек, «қиров» маъносида ҳам келар экан, «қиров» сўзи билан боғлиқлик (шу ан) ни ҳам унутмаслик лозим. Шеърятда «қиров» сочининг оқаришига қиёсланади, инсоннинг қайғу ва изтиробларини ифодалайди. Ли Бонинг «Кузнинг зарҳал кўшиқлари»даги 15-кўшиқда бу яққол кўринади:

Оппоқ сочлар — уч мингта саржин,  
 Узун қайғу, узун изтироб.  
 Қайдан пайдо бўлди оқ қиров?  
 Умр ўтиб кетдими шитоб...  
 Кўринади тиниқ ойнада  
 Оппоқ сочлар — кузги қировлар...

Ли Бодан анча олдин У Цзюнь (459-520) шундай ёзади: «Кузги қировлар — уймалашиб турар кокилларда ҳам...». Бо Цзюда (772-846) эса: «Кузги қировлар — кокилларнинг илдизи қадар кирарлар».

Кузги шудрингни «яшма тоши»га қиёслаш Ли Бо шеърятига хосдир. Биринчи сатраёқ «Кузги шудринг — оппоқ яшма тошидай» дейилиши уқтириш маъносини билдиради. «Шудринг» сўзини хитой шеърятда ишлатиладиган бошқа маъноларига ҳам тўхталмоқ лозим. Булутлар оралаб тўкилган ёмғир, эр

ийгитлар матонатига қиёслаш шулар жумласидандир. Яна «яшма тошли» сўзига қайтиб, уни кей фон – «никоҳ ҳаловатлари», юэ юань – «яшма тошли булоқ» каби уйғун сўзлар билан ҳам боғлаш мумкин, бу сўзлар яшовчанликни англатади. «Яшма тошли банд», «Яшма тошли дарвоза» кабилар ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Матндаги биринчи сатр чуқур маънога эга бўлиб, хитой билимдонлари томонидан қадрланиб келинади. Иккинчи сатр очиқдан-очиқ Се Тяонинг «Олис тун» (чан е) шеърига яқинлашади. Бироқ Ли Бода тун – эга, навбатдаги белги – цзю феъл сифатида келган. Балки таржимада сифат ўрнида ўтирилгандир («бурч туни») ёки феъл («тун узайиб борар». Энг сўнггиси эътиборга молик кўринади, чунки у вақт ўтишини ифодалаб келмоқда. Бу – охири йўқ соғинч туни. Шунинг эътиборга олиш керакки, феъл ўрнида келаётган узю «ушланиб қолмоқ», «халақит бермоқ», «муддатини узайтирмоқ» маъноларини ҳам англатади.

Шундан сўнг узун ва кучли пауза кузатилади, унинг олдидан учта белги қўйилади. Бу белгилар «узун ипак пайпоқлар» тарзида таржима қилинади. Цинь- кучли ҳис-туйғули сўз, рангни англатади, кўп ҳолларда, «забт этмоқ», «ўғирламоқ», «қамраб олмақ», «сингимоқ», «бостириб кирмоқ»ни билдиради. «Узайиб борар тун» хитой шеърини учун типик эмас, унда субъект («оқ шудринг») объект («ипак пайпоқ»)дан ажратилади.

Шудрингдан ҳўл бўлган узун ипак пайпоқлар кўпроқ узун бўлмаган этикчаларга ўхшаб кетади. Узун ипак пайпоқларни олий табақали хонимлар кийишган. Демак, шеърдаги ипак пайпоқлар «яшма тошли зиналар»дан сўнг шеърнинг лирик субъекти аёл эканлиги, аёл бўлганда ҳам оддий аёл эмаслиги, бунинг устига, у ўта ҳаяжонда турганлиги айтилмоқда. Биринчидан, у узун пайпоқларда чикди, туфли ҳам киймади, иккинчидан, («узайиб борар тун»)да зиналар ич-ичигача ҳўлланиб бораётганини анча пайтгача пайқамади. Бундан ташқари, «ипак» эпитети тимсол тарзида Се Тяо шеърда иштирок этади ва унда ёлғиз аёл севгилиси учун ипак қўйлак тикади.

Иккинчи иккита иккита феъл билан бошланади. Уларда шахс ва вақтнинг грамматик кўрсаткичлари мавжуд эмас, эҳтиёт юзасидан «қайтмоқ» (цзюе) ва «туширмоқ» (ся) тарзида таржима қилинган. Шеър грамматикаси шундай сифатдош билан феълнинг жуфт ҳолда келишини талаб этади – «қайтаётиб, пастга туш» орқали шеърнинг умумий атмосфераси мавҳумлик ёки ортиқча аниқликдан ўзини олиб қочади.

«Сувранг – мармар парда» бу ерда чодир назарда тутилмоқда. Чодир тоғ атақларидаги биллур мармардан қилинган. Хитойлар уни «сув манбаи» деб аташади. Қадимда биллур мармарни қотиб қолган муз сифатида қабул қилинган. Биз учун муҳими, бу ерда биллур мармарни шудрингга, «парда» сўзининг эса муҳаббатга боғлиқлигини англашдир. Кўтаришган парда аёл ёлғизлигининг рамзи, пастга туширилгани эса – бахтли висол онлари сифатида келади. Бу шеърга Се Тяонинг шеъри ҳам мазмуман, ҳам руҳан яқинлашади – «пардани туширди», аммо айрим деталларда фарқ сезилади. Яъни, суванг биллур эмас, «марварид», «чодир» сўзи ҳам бошқача иероглифда ёзилган, фақат иккаласи ҳам бирдай жаранглайди.

Сўнгги сатр иккита иероглиф билан бошланади, уларнинг грамматик родини аниқлаш қийин. Дейлик, лин-мун – бу оҳангга тақлид, энгил садо беради. Бу садо мармар парданинг туширилишини англатади, шунинг учун ҳам бу сатр олдинги сатрларга яқинроқ. Бироқ умумий синтаксисда иккинчи иккилик – лин-лун – биринчи ибора – е цзю ўйнаган ролни бажаради, яъни, «узайиб борар тун» эга – «шудринг»ни «асирга тушмоқ» феълдан қандай айирган бўлса, лин-лун ҳам бир ўзакли феълларни (исталган морфологияда), масалан, «қайтмоқ», «туширмоқ», «тикилмоқ»лардан айириб ташлайди.

Товушга тақлидлик хитой шеъринида кенг тарқалган. Белгилар фонетик негизга асосланиб, танлаб олинади. Бироқ биз таҳлил қилинаётган шеърда эътиборимизни айрим нозик томонлар ўзига тортади. Юқорида қайд этилган иккита белги товуш шаклидан ташқари умумий луғавий маънога ҳам эга. «Яшма тошлар товуши» ёки «Яшма тошли шилдироқлар товуши» – изоҳлаб ўтамизки, яшма тошли шилдироқлар белда бўлиб, сарой аёллари либосларидаги муҳим

детал ҳисобланади. Тань шоири Ван Цзяня (766-830) нинг «Яшма тошли шилдироқлар жаранглайди тонги шафақда» сатрларини эсланг. Иккала шоирда ҳам бир хиллик: «яшма» — бутун шеърнинг калити шу сўз билан очилади. Бин томонидан англашилган шеърий тилдаги лин-лун кўп ҳолларда қор метафораси сифатида келади, лин — «сув» сўзи бўлиб, «совуқ», «муздай», «совқотмоқ» маъноларида ишлатилади (биллур мрамор — совуқлик билан боғлиқлигини унутмаслик лозим).

Кучли паузадан сўнг учта сўнгги иероглиф келади: Ван цз юэ — «кузги ойга тикилмоқ». Ван — баланд пардали лексик сўз. У одатдагидай цзянь га боғланмаган, аксинча, айнан, «тикилмоқ», «олисларга қарамоқ»ни англатади (кўп ҳолларда баланд миноралардан қараш хитойликлар тасавурида илоҳий ва самовий маънога эга); Ли Бода: «Шаҳар чеккасидаги Ланье этаklarини кузатдим» (Ван) ёки «Баландлайман, янада баландроққа кўз ташлайман тўртта денгизга» (Ван) дейилади. (Хитойни тўртта денгиз мамлакати деб аташган, аммо бир қарашда тўртта денгизни бирдан кўриб бўлмайди. Яъни, бу ерда Ван — «нигоҳларим қадайман» маъносида келмоқда). Бироқ бу белгида ҳам маъно бор: «умид билан тикилмоқ», «умидланмоқ», «умид билан қутмоқ»ларни биз таҳлил қилаётган шеърда эътиборга олиш зарур.

Ойнинг хаёлчанлиги, айниқса, кузда — хитой лирикаси учун асосий мотивлардан ҳисобланади. Эҳтимол, бу мотивнинг энг аънавий оҳангларини Ли Бонинг «Осуда тун ўйлари» номли машҳур шеъри орқали кўрсатиб ўтиш ўринлидир:

Тиниқ ой шуъласи чодирга тушар,  
Оппоқ қировларга ўхшайди бу зар.  
Бошимни кўтариб ойга қарасам,  
Юртим ёдга тушар, бошим эгилар...

Қисқароқ тушунтириш мақсадида иккита иборани берамиз. Бу сўзлар орқали ой мотивига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз. Шоир ёт ўлкаларда она юртини соғинади, бу соғинч, айниқса, тунда кучаяди. Бундан ташқари, ой чодирга шуъласини тўшайди, қировларга ўхшаш. Бу қировлар шоирга кузни эслатади, демак, йил охирлаб бормоқда. Яна бир йили ёт ўлкаларда ўтди унинг. Қировлар аънавий шеъриятда оқарган соч толаларига қиёсланади. Ой нури («қировлар») шоирга умрнинг тез ўтишини ёдга солади, шунинг учун ҳам у туғилган уйини соғинади. Пастга қараб, ҳали ранглари, манзаралари, ҳар кунги кундалик ташвишларини ўзгартирмаган уйига қайтишни орзу қилади. Шоирнинг «Осуда тун ўйлари»да ҳам ойга тикилиш чуқур моҳият касб этади. Таянч сўзлар биз таҳлил қилаётган шеърда ҳам моҳиятни очиб боради: қиров (шудринг) — куз — оқ сочлар — тун — ой — соғинч. Ойнинг доимий метафораси сифатида «яшма» қадимги шоир, Лян династиясининг (VI асрлар) амалдорларидан бирининг шеърида ҳам учрайди: «Тунги ой — бамисли кузги қировдай». Бизни бу ерда Ли Бонинг шеъри шеърий формула билан учраштиради: қиров — оқ шудринг — ой — қиров — ой — оқ шудринг — яшма. Шеърга совуқлик ва оқлик чуқур сингиб боради.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, сўнгги сатр ҳаққоний тарзда мунозарали, аммо барибир асосдан айрилмаган ҳолда хитой шеърияти иероглифларнинг сай-ҳаракати туфайли мазмун-моҳиятни очиб берувчи ўзига хос ёрқин манзараларни ўз ичига қамраб олади. Лин-луннинг жуфтликда келаётган белгилари моҳиятан битта — «яшма», Ванда эса «тикилмоқ» ва «ой» очқич сўзлар ҳисобланади («ойга тикилмоқ» — энг қадимий ибора, белги, сўз), сўнгги икки иероглифлар эса чуқур этимологик мазмун касб этмайди ва бу уларнинг луғавий маъносида кўринади. Қайд этилган иероглифларнинг таянч белгилари ўз ўрнида навбатдаги ёнма-ён келувчи таъсирчанликни келтириб чиқаради: яшма - яшма — ой — куз — ой.

«Белгилар остида» таҳлил қилиш шеър моҳиятини тўла англаб олиш учун етарли эмас. Шунинг учун биз кўраётган тўртлик композицияси қай даражада эканлигини кўриб ўтамиз. Ҳар бир иккилик нафақат алоҳида, балки бир-бирига кескин равишда қарама-қарши қўйилган. Биринчи иккиликда жараён

бинодан ташқарида — сарой зиналарида кечади; бу макон маъносида олиб қаралса, пастда (шартли равишда: ер билан тенг) ҳисобланади, навбатдагиси ундан баландроқда, яъни остонадан баландда кечади. «Катта Вақт» — йил мавсумининг номи очиқ айтилмаган, фақат унинг аломатлари берилган — шудринг; муҳими, вақт кўрсатилган — тун, деразалар намланган, тун узайиб боради. Ҳаракат субъектлари — жонсиз нарсалар: зиналар, тун, ипак пайпоқ. Шу уч нарса бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳаракатни билдиради: зиналар шудрингни туғдиради, ипак пайпоқ асирга тушган, шунга қарамай, барча иккиликлар турғун бўлиб қолади. Уларда тўлиқ жим-житлик ҳукм суради.

Иккинчи иккиликда субъект қатнашмайди, аммо — қайтмоқ, тушунмоқ, тикилмоқ феъллари туфайли унинг борлиги сезилади. Воқеалар бино ичида рўй беради, жонсиз нарсалар биринчи иккиликлардагидай бўлса-да, иккинчисида жараён тезлашади. Бу ерда учта феъл ҳам ҳаракатлардаги давомийликни билдириб келади. Вақт кўрсатилмаган, айтилмаган, фақат унинг аломати мавжуд — ой, мавсум эса — куз. Яъни, бу ердаги ҳолат биринчи иккиликдагига бутунлай зид. Товуш эшитилади — лин-лун — парданинг туширилиши. Сўнгги сатрда берилган «ойга нигоҳ ташлаш» шеърнинг кенглигини англаиб, уни кўкка қадар кўтаради. Шеърга биринчи белги — «яшма тошли зиналар» (ер)дан тортиб, сўнгги — «Кузги ой»(осмон) гача баланд руҳ сингиб кетган. Демак, шеърда номсиз одам иштирок этади. У ўзининг одатий осмон ва ер орасидаги ўрнини эгаллайди. Бу хитой донишмандлигининг пойдевори сифатида — осмон — одам — ер (тянь-жэнь-ди) олий табиат гармониясини англатади.

Ли Бонинг йиғирма сўздан иборат шеъри грамматик ва лексик маъносидан тортиб маданий-фалсафий тушунчаларгача ўта мураккаб тузилмага эга. Бу бирдан кўзга ташланмайди, англаб етиш учун кўп куч талаб этади.

Шу ерда иккита изоҳ бериб ўтиш ўринлидир. Матн устидан олиб борилган таҳлил анъанавийлик чегаралари ва мазмун-моҳиятини бузмаган, аксинча, унга таянган ҳолатда олиб борилди. Масаланинг бошқа томони шундаки, аҳолининг маълум қатлами учун тавсия этиладиган ва уни таъминлайдиган маданий доиралар (шоирлар ва шеърият ихлосмандлари ҳам киришган) учун ўқимишлилик даражаси муҳим ҳисобланган (ёддан ўқиш маҳорати!). Юксак бадиият намуналаридан то фундаментал шеърият антологияларига ҳар қандай шеърнинг ўқилиши нафақат маҳорат саналган, балки унинг ҳар бир сўзи тушунарли бўлиши, ўқувчига етиб бориши учун ишлатиладиган кўчирмалар, имо-ишоралар, образлиликка катта эътибор қаратилган. Бу мумтоз шеърият учун хос хусусият эди, аммо шеър ичида шеърий алоқаларга меъёрийлик даражаси кўйилгач, бу ўқимишлилик ўзини анча йўқотди.

Бугунги кунда ҳам шеърият билимдонларини хитой мумтоз шеъриятининг бағрига сингдирилган яширин ҳолатлар, маҳорат, гўзал тимсоллар мафтун этиб келмоқда...

“Иностранная литература” журнали  
2007 й. 2-сон.

Русчадан  
Ойгул СУЮНДИҚОВА  
таржимаси

# Лев Толстойнинг ажабтовур тақдири

**Д**унёда ўлмас асарлар қолдириб кетган буюк ёзувчи хусусида сўз юритиш осон эмас.

Аввало машҳур сўз устасининг нодир романлари, қиссалари, ҳикоялари тўғрисида юз йилдан ошиқ вақтдан бери тинимсиз таҳлилий мақолалар чоп этилаётганини алоҳида таъкидлашнинг ўзиёқ кифоя қилар, деб ўйлайман. “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Тирилиш” каби шоҳ асарлар, қисса ҳамда ҳикояларни ўқимаган, улардаги бадиий қудрат ҳамда сеҳрдан баҳра олмаган ким бор?

Афсус... Улуғ адибнинг бадиий олами етарли даражада тадқиқ этилаётгани ҳолда унинг шахсий ҳаётидаги бўҳронлар, нурли ва соя томонлар ҳамон адабий ҳаётдаги очилмаган қўриқлигича қолиб келаётир.

Орадан анча йиллар ўтиб кетди. Буюк ёзувчининг ҳаёти қанчалик мураккаб бўлмасин, у ҳақдаги мулоҳазалар, ўйлар ва кузатишлар, ҳатто мактублар ҳам кам сақланиб қолган.

Аммо... Барибир дунёга донги кетган адибнинг шахсий ҳаётидаги нозик жиҳатлар кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Истеъдод – худо берган улуғ бир неъмат. Лекин шу неъматни асрай олиш, уни ардоқлаш, ундан бошқаларни ҳам баҳра олдиришнинг ўзи бўладими? Бунинг учун кишида битмас-туганмас истеъдоддан ташқари, ирода, қатъиятлилик, ўта даражада меҳнаткашлик ва тиниб-тинчимаслик фазилатлари ҳам мужассам бўлиши зарур эмасмикан?

Лев Толстойни олинг. У одам ўйкуни хушламаган, тонг саҳарданоқ ўрнидан туришга сираям эринмаган. Бир-икки соатлаб табиат қўйнида бўлишни ёқтирганлигини айтмай-сизми? Боғларни, далаларни тонг отиши биланоқ айланиб чиқиш унинг

жони-дили эди, десак янглишмаган бўламиз.

Энг муҳими, жисмоний машқларни яхши кўрарди. Тош кўтариш-ку, кундалик юмушга айланиб қолганди. Спортга қизиқиш беқиёс эди. Шахмат ўйнаб, унча-мунча одамларни мот қилишни ҳам ўрнига қўя оларди. Ҳатто теннис ҳамда городки ўйнаш бўйича унинг олдига тушадиганлар кам топилган, деса ишонаверинг. Дарёларда сузишни-ку, қойилмақом қилиб уддалаган. Қизиғи шундаки, ёши бир жойга бориб қолганида велосипед миниб юришни энг асосий машғулотларидан бири, деб билган.

Улуғ ёзувчи ўзидаги бу жиҳатларни қуйидагича изоҳлайди: “Агар мушакларимни ишсиз қолдирганимда аҳволим аллақачон ёмонлашган бўларди. Ана шу ишгина менга ширин уйку, тетик кайфият бахш этади», дея эътироф этганди машҳур адиб.

Демак у фақат ақлий меҳнат билангина машғул бўлгани йўқ. Жисмоний машқларни ҳам унутиб қўймади. Ўз соғлигини ўйлади. Ер ҳайдаш, ўт ўриш сингари бошқалар учун оғир туюлган юмушлардан ҳам ўзини олиб қочмади.

Ўз асарларида юксак инсоний туйғуларни бутун мураккаблиги билан тасвир этган адиб ҳаттоки оддий воқеалардан ҳам таъсирланиб кетадиган нозик дидли киши эди. Буни салкам ўттиз йил ёвгон шўрва ичиб, гўштдан воз кечиб кун кўрганлигидан ҳам билиш қийин эмас. Бундай аянчли қарорга келишига эса уй ҳайвонлари шафқатсиз равишда қассоблар томонидан сўйилиши унинг руҳиятига беадад таъсир этганлиги бўлди.

Шу ўринда Лев Толстойнинг таржимаи ҳоли хусусида қисман тўхталиб ўта қолайлик. У 1828 йилнинг 28 августида дунёга келган. Тула губерниясининг Ясная Поляна қишлоғида дворян хонадонида

таваллуд топган бу улуг инсон кейинги ҳаётини ана шу жонажон қишлоғисиз тасаввур эта олмади. Қаранг, қанчалик мўл-қўл бойлик соҳиби бўлгани ҳолда оддий мужикдек яшашни хуш кўрди. Қишлоқларга моддий жиҳатдан кўмак беришни бир зум ҳам унутмади. Бойликдан воз кечди. Ҳарбий ҳаракатларда артиллерия зобити сифатида жанг олиб борди.

Буюклар ҳар жиҳатдан мукамал бўлишини тарихдаги юзлаб мисоллар орқали далиллаш мумкин.

Бир кун денг, Толстой жаноблари қизи Татьянанинг куёви М.Сухотинга бирор нарса ҳадя қилгиси келиб қолди. Ҳайлаб-ҳайлаб, ўз қўли билан этик тикади. Уни куёвига совға сифатида тақдим этади.

Куёв эса ҳеч ҳайлаб-нейтиб ўтирмасдан этикни китоб жавонидаги Лев Толстой китоблари ёнига қўяди. Кейин эса: “Граф Л.Н.Толстойнинг сўнги асари” деб ёзилган қоғозни этикка ёпиштириб қўйди.

Улуг ёзувчи таниқли шоир А.Фетга ҳам этик тикиб берганлиги мозий манбаларидан маълум. Лекин шоир этикларни китоб жавонига қўймасдан маза қилиб кийиб юрган экан.

### ТОЛСТОЙ ДАҲРИЙМИ Ё ДИНДОР?

Ёзувчилик асл тадқиқотчилик эмасми? Адибнинг “Ҳожимурод”, “Севастополь ҳикоялари”, “Казаклар”, “Декабристлар” асарларини ўқиган китобхон ёзувчи инсон қалбининг нечоғлик ич-ичидан ёритиб берганини кўради, ҳис этади.

Буюк ёзувчи “Икромнома” асарида эса ҳаётга инсон нега келади, нима учун яшайди, умуман олганда умр кечирешнинг маъноси нималарда эканлигини тадқиқ этади.

Китобнинг бош қисмидаёқ динга муносабатини яшириб ўтирмайди. “Эсимда, ўн бир ёшда эдим. Володенька М. деган гимназия талабаси (аллақачон оламдан кўз юмиб кетган) якшанба кун бизникига келиб, гимназияда кашф этилган бир гапни катта янгилик сифатида гапириб берди. Кашфиёт шундан иборат эдики, Худо йўқ ва бу борада бизга ўргатилаётган жамики нарсалар беҳуда экан (Бу 1838 йилда бўлган). Эсимда, акаларим бу янгиликка қизиқиб

қолдилар ва мени маслаҳатга чақирдилар. Яна шу нарса эсимдаки, биз ҳаммамиз анча ҳаяжонга тушиб, бу янгиликни гаройиб ва жуда гаройиб ва бўлиши мумкин гаплар тарзида баҳоладик”.

Қизиқ, дастлаб Худо ҳақида гап кетганда, беписанд қўл силтаган, бу хусусда тушунчалар ибтидоий бўлган улуг адиб умрининг кейинги йилларида ҳаёти ҳақидаги мулоҳазалари бутунлай остин-устун бўлиб кетди. Бошқа дин руҳида тарбияланган ёзувчи эндиликда ислом дини, Оллоҳ-Таоло ҳақида ҳам ўйлай бошлайди!

Бу ўзгариш, инсон характери ва эътиқодига туб ўзгариш қандай пайдо бўлди? Эҳтимол, даҳолар ҳаёт мағзини, илоҳиётни бутун вужуди билан ҳис қиладилар, салкам башоратчига айланиб қоладилар, шекилли. Акс ҳолда яшашдан бутунлай кўнгли қолиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлган буюк ижодкор умр дафтариининг сўнги саҳифаларини қоралаётганида “қандай яшамоғим керак?” деган оғриқли саволни ўртага ташламаган бўларди. Хулоса эса сиз учун нотабиий: гўё ўрис эмас, балки Ўрта Осиёда яшаётган мусулмонники каби: “Худонинг қонун-ларига амал қилиб” яшамоқни афзал кўргандир.

Тавба, “ҳаётимда ўлим маҳв этолмайдиган қандай маъно бор?” дея наъра тортади буюк адиб. Яна сизни ҳайратга солиб қўйидагича жавоб қайтаради: “Ҳақнинг жамолига эришиш, жаннат”.

Биз ўзимизни мусулмон, деб биламиз. Аммо, кўпларимиз рўза тутиш, намоз ўқиш, охират, Оллоҳ-Таоло ҳақида кам ўйлаймиз. Гоҳида имон, эътиқодни ҳам унутиб қўямиз. Буни қарангки, бундан анча йиллар илгари умр кечирган улуг рус адиби бутун ҳаётининг мазмунини ислом динига амал қилишда деб билгани бизга алам қилади, ҳам ҳасад оловини сачратади.

Узоқдан далил изламай, Лев Толстойнинг бир неча мактубларини ўқиб чиқдим ва ҳайратим баттар ошди. Унинг Вакиловага ёзган мактубини ўқиганимда, адиб дунёқарашини ва тушунчаларини бениҳоя чексиз-чекгарасиз эканлиги, Шарқ халқлари динига ҳурмати беқиёслигини яна бир карра англаб етдим.

Бу мактубда Вакилова деган бир аёл



фарзандлари ислом динига сажда, этиқод қилмоқчи бўлганлиги ҳақида сўз юритади. Толстой хатга жавобида қуйидагиларни ёзади: “Энди Муҳаммад динининг масиҳийликдан юқори қўйилаётгани масаласи (айниқса, сизнинг ўғилларингиз кўрсатаётган олижаноб сабабларга) келсак, мен бундай ўтишга жон-дилим билан хайрихоҳман. Айтсам, галати бўлади, лекин, ҳамма нарсадан масиҳий гоёларни ва чин маъносида масиҳийлик таълимотини юқори қўядиган мендай бир одам ҳам Муҳаммад дини ўзининг ташқи кўриниши билан черков масиҳийлигидан қиёслаб бўлмайдиган даражада баланд туради деб биламан. Шундай экан, одам олдида черков дини ё Муҳаммад динини танлаш масаласи кўндаланг бўлса, ҳар қандай онгли одам иккиладан ўтирмайди ва ҳаммаси Муҳаммад динини танлайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки черков дини троица (учлик) гуноҳ ювиш, яширин топинишлар, Худонинг оналари, авлиёлар ва уларнинг суратлари... сингари қийин ва тушунарсиз ибодатлардан, маросимлардан иборат илоҳиётдир. Исломда эса бу нарса йўқ. У якка Худонинг битта йўлини ва у юборган пайгамбарларнигина тан олади”.

Ё Қудратингдан, ўзи ўрис бўла туриб, ислом динини кўкларга кўтарганини айтмайсизми, бу айрим мусулмонман, деб кўкрагига уриб юрганларга-да сабоқ бўлиши керак эмасми?

Шу улуг адиб насронийлик диндан воз кечиб юборганлигини айтмай-сизми? Ҳа, шу ислом динини деб! Қизиқ-да...

Толстой бобонинг неварачеваралари ҳали-ҳануз ўз боболарининг бундай қарорига ҳайрону лол. Ҳатто яқин йиллардагина Ясная Полянадаги уй-музей директори, адибнинг чевараси Владимир Толстой ўз бобосининг черковдан четлаштирилиши тўғрисидаги қарорнинг бекор қилинишини илтимос қилади. Аммо бу мурожаат инobatга олингани йўқ.

Ҳа, Лев Толстой 1901 йил февралда Муқаддас синод қарори билан черковдан мосуво қилинган эди. Энди бу қарорнинг бекор қилишнинг нима кераги бор экан?

Шу боисдан бўлса керакки, Москва Патриархати ташқи черков алоқалари

бўлими раисининг ўринбосари Всеволод Чаплиннинг таъкидлашича, черковдан чиқиш буюк ёзувчининг дил амри билан юз берган эди.

Шу боисдан анафема (христиан динида динга хилоф иш қилган кишига лаънат ўқиб, уни христиан динидан чиқаришни, черковдан четлатишни англатади)дан улуг адибни соқит қилиш масаласи ҳамон очиклигича қолмоқда.

## ТОЛСТОЙНИНГ ҚИЗИ ОТАСИГА ТОРТГАНМИ?

Машхур кишиларнинг фарзандлари ҳам қайсидир жиҳатдан оталарига ўхшаб кетиши табиий. Мисол учун, Лев Толстойнинг қизи Александра Львовна қай тарафдан отасига тортганми? У отаси ҳақида бекорга қуйидаги сўзларни айтмагандир? “Отам билан қалбимиз жуда яқин эди, очик гаплашардик, бир-биримизни англардик”.

Эҳтимол, шу сабабли ҳам Лев Толстойга когиба бўлиб ишлагандир? Балки шунинг учун ҳам буюк адиб 1910 йили 22 июнда ижодига меросхўрлик ҳуқуқини шу жонидан азиз қизига бермаганмикин?

Буни қарангки, ҳатто характери ҳам отасига тортиб кетганга ўхшайди. Акс ҳолда, минг азобда отасининг китобини чиқариб, тушган пулларга минг гектар ер харид қилиб, уларни деҳқонларга текинга бўлиб бермаган бўларди-ку!

Тавба, ҳаттоки ўз онаси Софья Андреевнани ҳам унчалик хуш кўрмасди. Сабаби отаси билан онаси ўртасидаги алоқани дуруст, деб бўлмасди. Отасини ниҳоятда яхши кўрганлиги учун ҳам онасининг бу хатти-ҳаракатини маъкуллай олмасди.

Александра Львовнанинг кейинги тақдири дастлаб мақтайдиган даражада бўлмади. Ҳатто уни қамоққа ҳам олишди. Кейин эса...

Сўнгра Луначарскийнинг кўмаги билан Японияга кетиб қолади. У ердан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетади. Тақдир тақозоси билан хорижда бир умр ўз ватанини кўмсаб яшайди. Ўз юртига қайтиш орзуси билан ҳаёт кечиради. Афсус... Шаффоф орзулари чилпарчин бўлади.

Америкадагилар ҳам унга кўзлари учиб тургани йўқ эди. Дастлабки

пайтларда ишлари орқага кета бошлади. Чикагода, Сан-Францискода иш ахтаравериб тинкаси қуриди. Россияда жуда бой-бадавлат кишининг қизи бўлгани ҳолда Америкада камхаржликда умр кечирди. Лекин... Александра Львовнанинг отасига меҳри чексиз эди. Отасининг характери, кучли ҳамда заиф жиҳатларини беш қўлда яхши билар эди. Шу боисдан бўлса керакки, 1953 йилда “Отам” деб номланган китоб яратди. Бу асари Нью-Йоркда нашр қилинди.

Буюк шахсларнинг фарзандлари ҳам бир хил бўлавермас экан-да. Лев Толстойнинг Сергей деган ўғли бор эди. У отасининг қўлзма-ларини сариқ чақага ҳам олмасди. Уларни қаёққадир улоқтириб юборган эди. Қизи Александра Львовна бўлса, отасининг асарларини кўз қорачиғидек асрар, уларга алоҳида ҳурмат билан қарар эди.

Гапнинг очигини айтганда, Толстойнинг ўғли отаси асарларининг қадрига етмайдиган киши бўлиб ўсгани билан қизлари анча бамаъни, отасининг ҳурмат-иззатини ўрнига қўядиган инсонлар бўлиб етишганди.

Тўнғич қизи Татьяна Львовнани олинг. Александра Львовнадан йигирма ёш катта эди. Турмуш ўроғини Сухотин дея аташарди. Энг муҳими, отаси сингари кундалик тутишни яхши кўрарди. Бу кундаликларида отаси ва оиладаги бошқа фарзандлар, онаси нима ишлар билан машғул бўлганлигини кунма-кун ёзиб боришдан сираям эринмасди. Бунинг устига, расм чизишни ўлгудай хуш кўрарди. У кундаликларида отаси ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Дадам, ойим ва Таня холам яхши яшашни ким қандай тушуниши, инсоннинг олижаноблигига бойлик келтирадиган зарар ҳақида мунозара бошлашди. Дадам жуда чиройли гапирди. Ойим бизни ухлаш учун жўнатди. Мен ва Машага кўшилиб, Таня холам ҳам кета бошлаган эди, дадам йўлдан қайтарди. Биз яна чамаси бир соатча мунозарада қатнашдик. Умримизнинг асосий қисми Фифи Долгорукаяга ўхшаб интилиш билан ўтиб кетяпти, аллақандай безаклар учун энг яхши ҳис-туйғуларимизни бой беряпмиз, деди дадам”. Мен бу фикрга батамом қўшилишимни яширмадим. Бирок яхши яшашни хоҳлашимни, масалан, янги кўйлак ёки шляпа ваъда қилганлари заҳоти севинчдан сакраб кетишимни мен

ҳам айтдим. “Ундай бўлса, — деди дадам, — истаган кўйлақларингни кийиб юравер. Шопенгауэрдан (Шумахерни у киши шундай деб айтарди) ковушларни олавер. Коля Кислинскийга нозланавер, бироқ бошингга жойлашиб олган ҳавойи фикр эртами-кечми ўз ишини қилади”.

Жуда кўп нарсаларни сўраб олишим керак эди-ю, кўз ёшларим гапиришга йўл бермади”.

Беназир адиб қанчалик доно ва одамхун, файласуф бўлганлигини юқоридаги сўзлар, Толстой ҳақидаги фикрлар тасдиқлаб турибди.

Юқорида ёзувчининг яна бир қизи Александра не азоблар билан чиқарган китоблари пулига минг гектар ер сотиб олиб, деҳқонларга текиндан-текинга улашиб юборганлигини айтиб ўтдик. Толстой бобонинг ўзи қизларидан минг чандон кўли очик, сахий бир инсон эди. Бир куни денг терлаб-пишиб пичан ўради. Ўзи тинмай ўриб кетаверади. Қизи йигиб бораверади.

Анча кун шу тарзда тинимсиз ишлайди. Бир неча арава пичан гамлайди. Ана шу пичанларни буюк адиб нима қилади? Уларни яқиндагина эри оламдан ўтган, қаровчиси йўқ бир аёлга элтиб беради. Агар бирор одам ҳозир шу ишни қилса, кўпчилик ҳеч иккиланмай: “Мияси айниб қолган” деб очикчасига таъна қилади.

Тавба, бир куни Лев Николаевич бева хотин учун яна пичан ўраётган эди. Бирданига оёғи жароҳатланиб қолди. Бир неча ойгача азоб тортди. Ҳатто ҳарорати кўтарилиб кетди. Бундай мисоллар оз эмас.

Ўғиллардан кўра қизлар ота-онага меҳрибон бўлишади, деган гаплар рост экан. Лев Толстойнинг қизи Татьяна Львовна ҳам отаси ҳақида гапирганида шундай жўшиб кетдики, асти қўяверинг. Қизи ҳам отасининг хатти-ҳаракатлари, ўзига хос феъл-атворини кўриб улғаяди ва отаси сингари гўзал фазилатлар эгаси бўлиб етишади. Мана, унинг ёзганлари: “Ҳаётимдаги бирдан-бир мадакорим, ҳамма дардимга малҳамим — биргина дадам. Мен у кишига оз қувонч бахш этаётганимдан жуда-жуда қийналаман.

Шундай кун келадик, дадам оламдан ўтади, деган фикр мени қаттиқ азоблайди. Бисотимдаги барча диний тушунча, ақл-идрок, мантиққа таяниб, бу заруратни тушуниб етишга ҳаракат қиламан. Бу унча кўрқинчли

эмас, нохуш бўлгани билан табиий ҳол деб ўзимга ўзим уқтираман. Мени қийноққа солаётган ва айни пайтда қувонтираётган бир нарса бор. Дадам мен ҳақимда жуда юқори фикрда. Мени овози бор, ёзиш, расм солиш қобилиятига эга, деб ўйлайди”.

Бу аёл буюк шахснинг қизи эканлигини жуда яхши билар, ана шу номга муносиб бўлишга интилар эди. Отасининг ишончини қозонишдан ҳам улуг бахт йўқ, деб ҳисобларди ўзига-ўзи.

Қизиқ, Толстойнинг иккинчи қизи Татьяна Львовна-Сухотина ҳам онаси эмас, балки отасига кўпроқ ён босишни хуш кўради. Шу сабабли бўлса керак, кундаликларида: “Мен ойимга узундан-узоқ мактуб ёзиб, оилада ҳукмини ўтказишга интилишлари маънисиз эканини ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилдим”.

Ҳа, Толстойнинг қизлари кўп жиҳатдан отасига, аслида жуда бой, лекин камбағал бўлишга интилган отасига тортиб кетишган эди.

### БУЮКЛИК ВА БАХТСИЗЛИК ЁНМА-ЁНМИ?

Улуг инсонларнинг шахсий ҳаёти, оилавий можаролари, айниқса, ўзи севган аёли билан турмуши ҳақидаги тафсилотлар ҳам нечоғлик қизиқарли, айни пайтда фожиали ҳодисаларга бой эканлиги сир эмас. Буни Толстой ҳаётининг қора ва хушнуд кунлари мисолида кўриш мумкин.

Толстой оилавий ҳаётда бахтли эдими? Бу саволга Дейл Карнегидан кўра яхшироқ жавоб тополган киши йўқ: “Муҳаббатни маҳв этиш учун жаҳаннам мункирлари ўйлаб топган барча макр-ҳийлалар орасида энг осони, нишонга беҳато урадигани – хархашадир. Чақса тирик қўймайдиган кўзойнакли илондай хархаша қилавериш ҳамisha кишини заҳарлайди, ўлдиради”.

Бу аччиқ ҳақиқатни Лев Толстойнинг рафиқаси жуда кеч тушунди. “Отангизнинг бошига мен етдим” деганди у ўлими олдидан қизларига. Иккала қиз ҳам нима дейишларини билмай, оналари бошида юм-юм йиғлашган, чунки у ҳақ гапни айтаётган эди. Падари бузрукворларини адоқсиз ишваю итоблари, кўз очирмайдиган таъналари, хархашаю машмашалари билан оналари адои тамом қилганини

улар яхши билишарди. Бир қарашда ҳеч нимадан кам-кўсти йўқ Толстой ва унинг рафиқаси дунёдаги энг бахтли инсонлардай эдилар. Толстой барча замонларнинг энг машҳур адибларидан бири...

Толстой ва унинг рафиқаси шон-шуҳратдан ташқари, катта мол-мулкка ҳам эга эдилар. Серфарзанд эдилар. Аслида битта оила учун бундан ортиқ нима керак? Дастлаб улар шу қадар бахтиёр эдиларки, тотув ҳаётларига кўланка ташлайдиган нарсанинг ўзи йўқдай эди. Шунинг учун баъзан ёнма-ён ибодат қилиб, меҳру мурувватингни бундан кейин ҳам биздан аяма, деб худодан илтижо қилишарди”. Охир-оқибат нима бўлди? Улар чиндан ҳам умр бўйи бахтли бўлиб яшашгандир? Йўқ, ундай бўлса кошки эди...

Дейл Карнеги бутун айбни Толстойнинг хопини Софья Андреевнада деб билади. Шу боисдан аёл киши буюк кишиларни хароб қилиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларни шундай ифода этади: “Софья Андреевна дабдабаю ҳашаматга жуда ўч, Толстой эса бундай нарсаларни кўрарга кўзи йўқ эди. Софья Андреевна шон-шуҳрат, мартаба истаги билан куйиб ёнар, Толстой учун буларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди. Софья Андреевна пул, мол-давлат ортидан қувар, Толстой эса даҳоликни тан олмас, хусусий мулкка эга бўлиш гуноҳ, деб биларди. Ноширларга асарларни қалам ҳақисиз нашр этиш ҳуқуқини бергани учун хотини уни тинимсиз эговлар, қарғар, жанжаллашар, эрининг китоблари учун ҳақ талаб қиларди.

Толстой андак эътироз билдирса, жазаваси тутиб ерда думалар, бу кунимдан ўлганим яхши, деб афюн ичиб ўзимни ўлдираман ёки ўзимни қудуққа ташлайман деб кўрқитарди”.

Аёл киши қанчалик жанжалкаш бўлса, эркакнинг шўри. Бундай дийдиёлар охир-оқибат Толстойлар оиласи кўргонини ҳам нурутди. Улар бир-биридан безиб қолишди. Айниқса, Лев Толстой хотинидан қутулиш учун дунёнинг нариги четига бўлсаям қочишга тайёр эди. Шундай бўлди ҳам. Охири боши оққан томонга жўнаб қолди.

Тўғрироғи, аёли эмас, балки Толстой ундан безор бўлган эди. Шу сабабли Софья Андреевнадан қочиб қутулишдан ўзга чора қолмаган эди. 1910 йилнинг қаҳратон кунларидан

бирида уйдан чиқиб кетди. Буюк адиб уйдан бош олиб чиқиб кетаётиб, темир йўл бекатида зотилжам касаллигига чалинди ва дунёни абдул-абад тарк этди. Бундан қарангки, умрининг сўнггида, шундай васият қилди: “Хотинимни ёнимга киритманглар!”

Тавба, қирқ саккиз йил бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошидан шунчалик безор бўлиш мумкинми? Наҳотки, буюклик ва бахтсизлик каби тушунчалар кўп ҳолларда ёнма-ён юрса, деган аламли ўй юракни тимдалайди.

Аслини олганда Лев Николаевич фақатгина Софья Андреевнага кўнгили қўйганми? Бошқа кўпгина улуғлар сингари у ҳам жуда кўп қизларни юрак-юракдан севиб қолганди! Унинг ҳам хушторлари озмунча эмасди! Яхшиси, бу ҳақдаги фикрларни Толстойнинг сўзлари орқали далиллай қолайлик: “Болалигимда Сонечка Колошинага ошику бекарор бўлгандим. Шундан кейинроқ Зинаида Молостовага ишқим тушди. Бу муҳаббат жисму жонимни қамраб олганди. Ҳойнаҳой Зинаида бу ҳақда бирон нарса билмаган ҳам. Йиллар ўтиб, бекатдаги казак аёл ўзига ром этди. Вақт ўтиб буни “Казаклар” номли қиссада тасвирлаганман. Сўнг киборлар доирасининг гули бўлган Шерватова-Уварова ақлу ҳушимни ўғирлади. У ҳам севгимдан беҳабар эди. Мен ҳамиша тортинчоқ бўлганман. Бора-бора ҳақиқий, асл муҳаббат ҳам насиб этди. Севгим соҳибаси Валерия Арсенева эди. Уйланиб олишимга бир баҳя қолди. “Оилавий бахт”ни ўқигандирсиз. Унга ёзган ишқий мактубларни жамласак катта бир боғлам бўлади”.

Буни қаранг, шунча қизни севиб қолиш бир киши учун кўпми ёки оз? Наҳотки муҳаббат деганлари шу қадар бекарор туйғу бўлса? Аммо, охир-оқибат севмаган киши билан турмуш қуриб, бахтли бўлолмаслик қисмати улуг адибни оилавий ҳаётда хору-зор қилди, беада азоблади. Дейл Карнеги Толстойнинг фожиаси учун кўпинча унинг аёли Софья Андреевнани қоралайди, унга аёвсиз таъна-дашном беради. Яна бир тадқиқотчи Руслан Киреев бўлса, аслида катта фожианинг бош айбдори Лев Толстойнинг ўзи, деган фикрни зўр бериб илгари сурмоқчи бўлади.

Аммо, нима бўлганда ҳам, оилавий жанжаллар, келишмовчиликлар бутун бошли оила қасрини кунпаякун қилгани рост!

## СИР ОЧАР МАКТУБЛАР

Толстой ҳаёти, характери, ижоди, кимларни севиши, ёмон кўриши ёки қайси ижодкорларга хайрихоҳ эканлигини унинг бир талай мактублари орқали билиб олса бўлади.

Мана, Софья Андреевнага ёзган мактубларидан бир кўчирма: “1910 йил 28 октябр.

Хонадонимни тарк этиб кетишим сени албатта хафа қилади. Бундан афсусдаман. Аммо, мени тушунгин, бошқа иложим йўқ. Уйдаги ҳаётим чидаб бўлмас даражага етди. Талай сабаблардан ташқари, гап шундаки, атрофимда очлик, қашшоқлик ҳукм суриб турган бир пайтда менинг мазкур — тўқ-тўкин ҳаёт кечиршим мумкин эмас. Шунинг учун мен бу ҳаётдан кечиб, қолган умримни бир хилват — фақир гўшада ўтказишга аҳд қилдим.

Менинг қаерда яшаётганлигимни билсанг ҳам сўроқлаб борма, илтимос”. Бу кўнгилидан тўкилган туйғулар, дардли сўзлар шундан далолат берардики, Толстой уйдаги ҳаётдан унчалик қониққан эмас. Бундан ташқари, жамиятдаги чиркин иллатлар: қашшоқлик, кишилар ҳаётидаги битмас-туганмас кемтиклар адибнинг юрагини беадад эзиб юборган, уни ҳаяжонга солган. Бошқаларнинг дарди, ташвишига шерик ҳолда яшаш... буни ҳис қилиш, бундай олижанобликка эришиш учун буюк қалб керак. Толстой ана шундай инсон эди.

Буюк адиб кучли маҳорат соҳиби, шу билан бирга ўта камтар инсон эди. Унинг камсуқумлигини турли кишиларга ёзган мактубларидан яхши илғаб олиш мумкин. Хусусан, барча таҳририятларга 1908 йилда ёзган мактуби улуг ёзувчининг шу хислатини яққолроқ намоён қилади: “Бир воқеани эслайман. Бундан ўттиз беш йиллар муқаддам Пушкинга ҳайкал қўйилиши муносабати билан унинг таваллуд кунини нишонлаш арафасида азиз Тургенев уйимга келиб, шу байрамда иштирок этишимни сўради. Тургенев мен учун қанчалик азиз ва қимматли бўлмасин, бунинг устига Пушкинни нечоғлик улуг шоир деб билмайин (ҳамон шундай деб биламан), мен анжуманда қатнашишдан бош тортдим. Аниқ сездим: Тургеневни ранжитдим, аммо, ўшандаёқ бунақанги дабдабалар менга

нотабий туюлар, менинг қалб эҳтиёжларимга жавоб бермас эди. Энди келиб-келиб бу кун бошимга тушар экан, бу ҳол мен учун азоб эмасми?”

Лев Толстой ўзининг 80 йиллик юбилеи ўтказилишига доир тadbирлар тўхтатилишини сўраб ёзмаган жойи, нуфузли одами қолмади. 1908 йил 28 августда унинг юбилейини ўтказиш учун Петербургда қўмита ташкил этилганди. Профессор Ковалевский раислигида тузилган бу қўмита улуг адиб юбилейини нишонлашга тарадуд ишларини қизгин бошлаб юборди. Аммо, бундан хафа бўлган Лев Толстой шу қўмитанинг аъзоси Михаил Александрович Стаховичга мактуб ёзди.

Ҳозирги пайтда баъзи ўртамиёна адиб ёки шоирлар ҳам ўзининг 50 ёки 60 йиллик юбилейларини нишонлаш учун елиб-югуриб юришларини ўйлаганимда Лев Толстойнинг юқоридаги хатти-ҳаракати ўта камтарликдек туюлиши мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам, Лев Толстой бундай дабдабалар билан оддий халқнинг кўзига бало-қазодай кўриниб қолишдан ҳадиксираб турганлиги рост.

Улуг адиблардан бири И.С. Тургеневнинг Лев Толстойга ёзган мактуби икки буюк ижодкорнинг нечоғлик бир-бирига азиз ва қадрдон эканлигидан далолат беради. “Азиз ва қадрли Лев Николаевич. Узоқ вақт сизга мактуб ёзмадим. Чунки, тўғриси айтсам, ўлим тўшагида ётган эдим, ҳозир ҳам шундай. Мен тузалмайман — бу тўғрида ўйлаш ҳам ортиқча. Сизга хат ёзишдан мақсадим эса, аслини олганда, мен сизнинг замондошингиз бўлганимдан қандай хурсанд эканлигимни айтишдир ҳамда Сизга сўнгги самимий илтимосимни изҳор этмоқчиман. Жон дўстим, адабий фаолиятга қайтинг! Ахир бу тўхфа сизга у ёқдан-ку, барча нарсалар ҳам ўша ёқдан. Эҳ, агар менинг илтимосим сизга таъсир этади, деб ўйлай олсам,

нақадар бахтли бўлган бўлардим. Мен-ку, тутаган одамман — докторлар менинг дардимни қандай деб аташни ҳам билмайдилар... На юриб бўлади, на ейиш мумкин, на ухлаб бўлади, нимасини айтмай. Ҳатто буларнинг бирини айтишнинг ўзи ҳам азоблидир! Менинг дўстим, рус ерининг улуг ёзувчиси, менинг илтимосимни инобатга олинг!” Бу илтижоли сўзлар улуг ёзувчи С.И.Тургеневнинг ўз қўли билан ёзилган сўнгги мактубидир. Қаранг, икки дўст ҳаётининг охириг кунларида ҳам бир-бирларига қанчалик меҳрибон бўлганлар.

Бу фикрни қанча кўп такрорласак, шунчалик оз: улуг одамлар ниҳоятда камтар бўлишади. Буюк ёзувчиларнинг ҳаётига дахлдор қуйидаги воқеа ҳатто латифага айланиб кетганлигининг ўзиёқ фикримизни далиллайди.

Бу воқеа йигирманчи асрнинг бошларида бўлиб ўтган. Москвада нашр этилаётган журналнинг раҳбари оддийроқ базм ташкил этади. Табиийки, у ерда журнал ходимлари муҳаррирни роса мақташди. Ижодкорлар қиттак-қиттак олишди ҳам. Хулласи калом, базм қизигандан қизиб кетди.

Ҳаш-паш дегунча орадан бирор соатлар ўтиб кетди. Шундан сўнг журнал муҳаррири тушмагур қандайдир хаёл билан қабулига бирор киши келган ёки келмаганлигини суриштира бошлади. — Ҳеч ким келгани йўқ, — деди котиба. Аммо пўстинга ўраниб олган қандайдир чол сизни анчадан бери кутиб ўтирибди.

— Кутса қутаверсин, — дея муҳаррир даврадошлари билан кайфу сафо қилишда давом этади.

Яна бир соатдан кейин кайфдан юзи қип-қизил бўлиб кетган муҳаррир қабулхонага чикди-ю, ранги қув оқариб кетди.

У ерда Лев Толстой ўтирарди.

Мана сизга камтарликнинг юксак чўққиси. Жаҳонга машҳур шоҳ асарлар яратган улуг ёзувчи ана шундай одам эди.

*Жовли ХУШБОҚ*

## СОНЕТЛАР ГУЛЧАМБАРИ ВА ЖАНР ТАРАҚҚИЁТИ

**С**онет жанрининг дастлабки намуналари Италияда яратилгани маълум. Унинг асосчиларидан бири итальян гуманист шоири Франческо Петрарка саналиб, у гўзал аёл Лаурага бағишланган сонетлари билан Римда донг таратган. Шоирнинг севгилиси Лаура ҳақидаги шеърлари «Концоньере» («Кўшиқлар китоби») деб аталади. Ундаги сонетлар 317 та бўлиб, шеърларига нисбатан кўпроқдир. Петрарка шеърини шаклга эътибор билан қараб, унга мустақил маъно беради ва шеърларининг бежирим, нафис бўлишига эришади.

Петраркадан руҳланган Данте ва Микеланжело ҳам ажойиб сонетлар яратганлар. Петрарка яратган сонет Европага тарқалди. Дастлаб Францияга, кейинчалик Англияга ўтди. Агар сонет жанри Францияда Ронсар ва Барролар ижодида, Англияда Сиррей, Даниэль ва Шекспир ижодида кўринса, Германияда Гёте ва Гейнелар ҳам сонет жанрида ўзларини синаб кўрганлар.

С.Маршак Шекспир сонетларини оригиналидан рус тилига маҳорат билан таржима қилган.

1965-66 йилларда М.Шайхзода таржимасида Шекспирнинг бир қанча сонетлари ўзбек китобхонида тақдим этилди. Кейинчалик Шекспир сонетларини Юсуф Шомансур ҳам ўзбек тилига таржима қилган.

Шекспир сонетларида адиб ҳаётининг турли даврлари акс эттирилгандек туюлади. Унинг 1-126-сонетларида дўстга садоқат ифодаланса, 127-154-сонетларида севгилисига муҳаббат тасвирланади. Дўстлик туйғулари шоир ижодининг муҳим қисмини ташкил қилади. Бир сонетда қуйидагиларни ўқиймиз: шоир иш билан бошқа томонга кетаётганда, севгилисини дўстига ишониб қолди-

ради-ю, лекин улар ўртасида яқинлик туғилиб, бири дўстига, иккинчиси севгилисига бевафолик қилади. Демак, унинг қайғуси икки томонламадир. Шунинг учун ўз ёрига у: «Сенинг юзинг эмас, балки ишларинг қора» деб таъна қилади. Лекин дўстидан воз кечмайди.

Шекспир сонетларида рамзлардан самарали фойдаланади. У ёшликни баҳор ёки тонга ўхшатади, гўзаллик ажойиб гулларга таққосланади, одамнинг қайтиши кузга, қарилги қишга ўхшатилади: йигитнинг чиройида ёз латофати мужас-самланади.

Шекспирнинг баъзи сонетларида драматик ва лирик ҳолатлар уйғунлиги яққол сезилади:

Ким қулай соатда туғилган экан,  
Шухрату давлатдан баланд димоғи.  
Менга илғифотни толе кам қилган,  
Менга муҳаббатдир бахтлар булоғи.

Шаҳзода маҳрами, бекнинг улфати,  
Валломат лутфидан шароб ичади.  
Қачонким офтоб ботиб кетади,  
Кунгабоқарнинг ҳам зари ўчади.

Зафарлар эркаси, машҳур саркарда,  
Охирги урушда енгилса бир кун,  
Аввалги хизмати пуч бўлар бирдан,  
Унинг қисмати шу: инқироз, сургун.

Менинг унвонимга йўқ завол куни,  
Севдим, севарман, севарлар мени.

*(М.Шайхзода таржимаси)*

Бу сонет қабоҳат ҳукмронлик қилган муҳитда азобланаётган кишининг ноласи — Ҳамлетнинг монологини эслатади. Лекин сонетнинг охири умидворлик руҳи билан тугайди. Жуда оғир пайтларда фақат

муҳаббатгина қаҳрамонни ўлим  
хаёлидан қайтаради, унга куч  
бағишлайди. Шекспирнинг ҳақиқий  
инсоний ҳис-туйғулар ифодаланган  
сонетлари инглиз шеърлятида чуқур из  
қолдирган.

Узоқроқ сафарга кетар чоғимда,  
Мен бори бисотим қулфлаб жўнайман.  
Токи бирор қўли эгри йўғимда,  
Унга чангалини солмасин дейман.

Сен эса жонимдан азизроқсан, ёр,  
Қаршингда олтин-зар ялтироқ сомон.  
Менга сен — тасалли, сен — фироқсан, ёр,  
Ҳар бир гаддор сени ўғирлар осон.

Сени яширмоққа юраккинамнинг  
Қаъридан кўра ҳам жой борми кулай.  
Бироқ бу қамоқда истаган пайтинг,  
Қочиб чиқмоқлигинг мумкин, на қилай?

Қалб қаърида ётса сендай бир олмос,  
Ҳар қандай кўзлардан яшириб бўлмас.

(Ю.Шомансур таржимаси)

XX асрнинг бошларида рус поэзиясидан ўзбек шеърлятига ўтиб ўзлашган сонет жанри шу асрнинг 80-йилларига келиб анча тараққий топди. Бу нарса ўзбек поэзиясида сонетлар гулчамбарининг вужудга келиши билан бирга изоҳланади. Аммо ушбу поэтик ҳодисанинг юзага келиши сонет жанрининг тараққиётини белгилай оладими ёки йўқми, бу ҳақда адабиётшунослигимизда бирорта ҳам жўяли фикр билдирилмаган.

Сонетлар гулчамбари мураккаб поэтик тузилишга эга бўлиб, унда ўн беш сонет ягона поэтик гоё ҳамда мотивни тараннум этишга хизмат қилади. Айрим изоҳли лугатларда ўн бешинчи сонет «Магистрал» деб номланиб, унинг ҳар бир мисраси олдинги сонетларнинг биринчи мисраси сифатида тақдим этилади<sup>1</sup>. Мазкур поэтик ҳодисанинг муҳим шартларидан яна бири ўн тўртинчи сонетнинг сўнгги мисраси магистралнинг биринчи мисраси билан яқунланиши шарт.

Кўриниб турибдики, сонетлар гулчамбари маълум даражада шаклбозликдан ҳам холи эмас. Чунки мураккаб бирор мавзу магистралда ўртага ташланса, унинг ранг-баранг қирралари гулчамбарга кирган ўн тўрт сонетда ёритилиши зарур. Немис шоири ва олими И.Р.Бехернинг таъкидлашича, сонетлар гулчамбари қай даражада мукамаллик даъво қилса ҳам муайян даражада шаклбозликдан қутула олмайди. Бундан ташқари И.Р.Бехер адабиётшуносликда қабул қилинган ўн бешинчи сонет — «магистрал» атамаси ўрнида «тож» (корона) атамасини қўллайди.

Яна шуни айтиш лозимки, сонетлар гулчамбари яратиш учун, аввало, шоир сонет жанрининг поэтик табиати ва техникасини яхши билиши лозим. Иккинчидан, гулчамбар учун танланган мавзу кенг қамровли бўлиши шарт. Ана шу икки омил ҳар бир миллий шеърлятида сонетлар гулчамбари яратишда муҳим аҳамиятга эга. XX асрнинг 80-йилларида ўзбек шеърлятида бундай поэтик ҳодисани марҳум шоир Б.Бойқобилов ижодида кўрамаиз. Унинг «Самарқанд», «Олтин тўй» сингари асарлари ўзбек сонетлар гулчамбарининг яхши намунаси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Самарқанд аждола-римизнинг муқаддас шаҳри, унинг шон-шухрати ва кўрки қадим замонлардан буён таъриф тавсиф этиб келинади. Самарқанд шуқуҳига ошуфта бўлган ҳар бир шоир унинг васфида ўз сўзини айтишга интилади. Б.Бойқобилов ўз гулчамбари учун яхши мавзу танлаган. Чунки Самарқанднинг жойлашиш ўрни, об-ҳавоси, жасоратли кишилари ва тарихимиз саҳифаларида тутган ўрни билан гулчамбар қилишга арзирли мавзудир. Гулчамбарнинг магистрал сонетидаги биринчи мисра гулчамбар таркибидаги биринчи сонетнинг бошланғич мисраси бўлиб келади. Масалан, магистралда биринчи мисра «Зарафшон қўйнида фусункор шаҳар» деб бошланган бўлса, аини шу мисра гулчамбардаги биринчи сонетнинг биринчи мисрасини ташкил этади. Қолган мисралар эса, ана шу мисрага мос вазн, оҳанг ва қофияда давом этади:

<sup>1</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиёт-шунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т. «Ўқитувчи», 1983 й., 57–58-бетлар.

Зарафшон кўйида фусункор шаҳар,  
Товланиб ётибди гулбоғлар аро.  
Бошидан одамзод тўкиб сийму зар,  
Гулдай чиройига бермоқда оро.

Шу тариқа магистралнинг ҳар бир мисраси гулчамбарнинг барча сонетлари учун поэтик асос вазифасини ўтайди.

Шу ўринда яна бир масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бу — сонетлар гулчамбари яратишда олдин магистрал сонет ёзиладими ёки ўн тўртта сонет ёзиладими, деган масала. Бу ҳақда адабиётшуносликда ягона муҳим фикр йўқ.

Баъзилар дастлаб ўн тўртта сонет ёзилиб, кейин уларнинг биринчи мисраларидан магистрал ярагилади, деб ҳисобласалар, айримлар аввал магистрал сонет ёзилиб, кейин унинг ҳар бир мисрасидан алоҳида сонетлар юзага келади, деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, иккинчи фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки сонетлар гулчамбарининг етакчи поэтик концепциясини магистрал сонет ўзида ифодалайди. Унинг таркибига кирувчи ҳар бир мисра шу даражада салмоқдор бўладики, уларнинг мазмунини бадиий талқин этиш янги сонетларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Агар ўн тўрт сонетнинг биринчи мисраларидан сонет ташкил этилса, у ҳолда магистрал сонет поэтик образни яхлитликка эришишига имкон беролмайди; барча бандлар алоҳида мисраларнинг улоқ-қуроқ йиғиндидан иборат бўлиб қолади. Бинобарин,

бундай сонетнинг поэтик мазмун ҳамда бадиий шакл жиҳатидан мукамаллиги таъминланмайди. Агар сонетлар гулчамбарига назар ташланса, магистрал сонетдаги поэтик ғоянинг гулчамбар таркибидаги сонетларда алоҳида-алоҳида талқин этилиши энг олдин магистрал сонетнинг яратилишини, қолган ўн тўрт сонет эса ана шу асосда юзага қелганлигини илғаб олиш қийин эмас. Ўн бешинчи сонетнинг «магистрал» деб номланиши ҳам унинг бошқа сонетлар учун етакчи ғоявий-бадиий йўл вазифасини ўташини аниқлатади.

Хулоса қилиб айтганда, Б.Бойқобиловнинг сонетлар гулчамбари ўзбек сонетчилигининг ана шу даврдаги тараққиётини белгилашга имкон беради. Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, ўзбек сонетчилигида шаклбозликдан иборат айрим шеърый намуналар ҳам учраб туради.

Жанрнинг ҳақиқий ғоявий-бадиий ривожини Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Фаҳриёр каби шоирлар ижод этган сонетларни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш орқали аниқлаш тўғрироқ бўлади. Чунки мазкур шоирлар сонетлар гулчамбарининг шаклий талабларига мажбуран бўйсундирилмаган гўзал, мазмунан барқамол, шаклан мукамал сонетлар яратдиларки, уларнинг ҳар бири ўзбек сонетларининг такомиллига эришган намуналари деб ҳисоблашга арзийди. Ушбу сонетлар алоҳида тадқиқот учун мавзу бўла олади.

*Сайёра РАҲМОНОВА,  
Ўзбекистон Консерваторияси  
ўқитувчиси*





## Туркистонда жадид мактаблари

**Х**ар гал “Эски мактаб” сўзига дуч келганда хаёлимизда Садриддин Айнийнинг шу номдаги қиссаси ва унда тасвирланган даҳшатли манзаралар жонланади. Айниқса, “ўқувчиларнинг товонларига таёқ билан аямай урилгани, оёқ ёрилиб, қон отилиб турган яра ичига туз сепилгани ва ёш боланинг дод солиб чинқиргани вужудимизни ларзага солади. Беихтиёр: “Наҳотки барча эски мактаблар худди шундай бешафқат қалтак тизими асосига қурилган бўлса?” – деб ўйлаб кетамиз. Агар ҳамма жойда шундай машъум тартиблар ҳукм сурган бўлса, асрлар давомида ўлкамиздаги эски мактаблардан Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийдек буюк алломалару шоирлар етишиб чиқиши мумкин эмас эди. “Балки 1480 йилдан кейин юртимиздаги мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш жуда чеклаб қўйилгани туфайли улар Айний тасвирлаган аҳволга тушиб қолганмикин? Ундай десак, адиб тасвирлаган ўта аянчли манзара ҳукм сурган мактабдан Садриддин Айнийдек ёзувчининг ўзи қандай етишиб чиқди экан?”, – деган навбатдаги қонуний савол туғилади. Шунда яна беихтиёр: “Садриддин Айний эски мактаб иллатларини биров бўрттириброк, ошириброк кўрсатган бўлса ажаб эмас”, – деган хулосага келамиз. Онгимизда шу хилдаги мушоҳадалар туғилишига таниқли адабиётшунос олим Улуғбек Долимовнинг “Туркистонда жадид мактаблари” номли китоби (Т., “Университет”, 2006 й.) туртки берди. Бунга сабаб шуки, китоб муаллифи қайсидир ўқитиш усулини қоралаш ёки оқлаш йўлидан бормай, қадим замонлардан то XX асрнинг бошларигача ўлкамизда мавжуд бўлган деярли барча мактаблару мадрасалар ҳақида холис

ва ҳаққоний тасаввур туғдиришга интилган. Китобда ўша мактабларнинг уч хил кўриниши, яъни усули тааҳажжи (ҳижо усули), усули маддия (чўзиш усули) ва усули савтия (товуш усули) ҳақида тарихий ҳамда назарий йўсинда муфассал маълумот берилади. Тарихимизда мавжуд бўлган уч хил мактаб ва мадрасалар тўғрисида мушоҳада юритар экан, муаллиф уларнинг ўзига хос хусусиятлари, чекланган томонлари ҳамда афзалликларини рўйроост кўрсатишга ҳаракат қилган. Жумладан, у XX аср бошларигача юртимизда энг кенг тарқалган мактабларнинг келиб чиқишини куйидагича изоҳлайди: “VIII асрдан бошлаб, Марказий Осиё араблар томонидан босиб олинган, халифа ҳамма масжидлар қошида мактаблар очиш ҳақида буйруқ берди. Асосан масжид имоми ўғил болаларни йигиб ўқита бошлади”.

У.Долимов холислик юзасидан ўтмишда қизлар учун ҳам мактаблар бўлганлигини, фақат улар махсус биноларда эмас, балки отинойилар уйида жойлашганлигини аниқ далиллар, хусусан, чор ҳукуматининг маҳаллий мактаб ва мадрасалар бўйича назорат комиссияси бошлиғи В.Наливкин хатлари воситасида кўрсатиб берган. Эски мактаблардаги ўқитиш тартибини таҳлил қилар экан, муаллиф ана шу ўқув юртларидаги таълимнинг моҳияти, кўлами, асосий фанлари ва услубияти ҳақида атрофлича маълумот беради. Юқорида тилга олинган усули тааҳажжи, усули маддия, усули савтия атамалари илгарилари ҳам унда-мунда қулоғимга чалинган бўлса-да, уларнинг юзага келиши, ўзаро фарқлари ва методикаси юзасидан илк бор Улуғбекнинг мана шу китобидан атрофлича тасаввур олгандек бўлдим. Бунга сабаб шуки, бизларга университетда педагогика фани ўқитилган бўлса-да, кўпроқ

Европа ва Россиядаги таълим тизими юзасидан билим берилиб, Ўрта Осиёдаги эски мактаблар моҳияти, асосан, “қора” бўёқларда кўрсатилар эди.

Мазкур китобнинг фазилатларидан яна бири шуки, муаллиф ҳозирги педагогика илми учун янгилик бўлган асарларни таҳлил доирасига киритади. Жумладан, у эски мактабдаги ўқитиш усуллари хусусида фикр юритар экан, 1851 йилда худди шу масала юзасидан Вождид Али Мужмалий деган муаллимнинг “Матлаъ-ул улум ва мажмаъ ул-фунун”, яъни “Илмларнинг боши ва фанлар йиғини” номли китоби яратилганлигини эслатади. Бу далил педагогикага оид аввалги нашрларнинг биронтасида учрамаган эди. Демак, таълим методикасига доир махсус китоб яратилган экан, ўз-ўзидан эски мактабларни тўлигича яроқсиз деб ҳисоблаш ўринсиз эканлиги маълум бўлади. Шунга ўхшаш илмий янгиликлар ва педагогика фанимизни бойитувчи умумлашмалар У.Долимов асарида ниҳоятда кўп.

Айни замонда У.Долимов вақтлар ўтиши билан Европада ҳам, Туркистонда ҳам улардан воз кечиш зарурати туғилганлигига боғлиқ тарихий ҳақиқатдан қўз юммайди, балки бу ҳодисанинг сабабларига доир, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий шароитларни ва илмий омилларни муфассал таҳлил қилиш йўлидан боради. Албатта, муаллиф мактабларни янгилаш заруратини туғдирган асосий сабабни, биринчи навбатда, мазкур ўқув юртлари ривожининг ички қонуниятларидан, яъни XIX асрда улар тушиб қолган вазиятдан қидиради ва буни қуйидагича изоҳлайди: “Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий каби буюк жаҳоний мутафаккирларни тарбиялаб етиштирган аънанавий миллий мактаблар XVI асрдан бошлаб жаҳон тараққиётдан бутунлай узилиб қолган, бунинг устига, мустамлака тузуми туфайли пароканда аҳволга тушган” эди (3-бет).

Кўрамизки, эски мактабларнинг янгиланишини тақозо қилган иккинчи муҳим ижтимоий омил сифатида Туркистоннинг Россия мустамлакасига айланишидек тарихий ҳодиса қайд қилинади. Фақат муаллиф аввалги тадқиқотчилар каби Россияга қўшилишнинг нуқул прогрессив аҳамиятини таъкидлаш тамойили изидан бормайди. У Россияга қўшилишнинг Туркистон халқлари, хусусан, маҳаллий мактаблар тақдирида муайян аҳамиятга эга бўлганлигини, яъни газеталар чиқарилганию рус-тузем мактаблари очилганлигини

этироф этгани ҳолда мазкур тарихий ҳодисага илгаригидан бошқачароқ, аниқроғи, халисроқ назар ташлашга ҳаракат қилади. Натижада У.Долимов тарихимиз ёки педагогикамизда илк бор чор ҳукумати, мустамлакачилар таълим соҳасида маҳаллий халқларни иттифоқда тутиш, тараққиётини чеклаш ҳамда пировардида руслаштириш сиёсатини амалга ошириш йўлидан борганлигини ишонарли далиллар ёрдамида исботлаб беришга муваффақ бўлган. Жумладан, бу фикрнинг исботлашда Россия маориф ва таълим вақтлари бўлган. Уларнинг бири Д.А.Толстойнинг 1870 йилда билдирган бир фикри, аниқроғи: “Бизнинг Ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охириги мақсади, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак”, – деган фармойиши таянч нуқта сифатида хизмат қилган. Мазкур фикр фақат чор амалдорларигагина тааллуқли бўлиб қолмай, анча машхур, нуфузли рус зиёлилари томонидан ҳам сиёсат даражасига кўтарилганлигини тўлиқ намоян қилишга интилар экан, китоб муаллифи ғоятда кутилмаган ва кишини чексиз ҳайратга соладиган далилларни келтиради. Улар орасида, айниқса, машхур шарқшунос Н.Ильминскийнинг мустамлака халқларига муносабат ҳақидаги қарашлари ўқувчида бу олимга нисбатан зиддиятли мулоҳазалару туйғулар уйғотади. Анча вақтдан бери биз Н. Ильминскийни “Бобурнома”дек улкан асарни рус тилига таржима қилган билимдон олим ва ўзга халқлар маданиятини беҳад қадрловчи зиёли сифатида тасаввур қилиб келар эдик. Олимнинг У.Долимов китобида келтирилган қарашлари бундай тасаввурларни чилпарчин қилиб ташлайди. Чунончи, Н.Ильминский қуйидаги ёвуз мулоҳазани илгари сурган экан: “Олимлардан ва ўта билимли ўқитувчилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларга нисбатан уларни қаттиқ кузатув остига олинглар. Рус билимини олмаган, рус тилини билмайдиган фанатик, биз учун русча билим олган татарга қараганда яхшироқ, янада ёмони аристократ, ундан ҳам ёмони университет билимини олган кишидир. Биз учун энг муносиб одамлар рус тилини яхши билмаслигидан қизарадиган, анчагина хато билан ёзадиган, губернатордангина эмас, оддий маъмурларимиздан ҳам кўрқиб турадиган кишилардир” (36-бет).

Бу сўзлар Н.Ильминскийни маърифатпарвар олим эмас, балки мустамлакачиларнинг маддоҳига, улар учун зулм пичоғини қайраб берувчи малайлардан бири эканини очиқ кўрсатади. Китобда келтирилган яна бир кўчирма мустамлакачиларнинг маҳаллий мактабларга нисбатан қай даражада разил сиёсат юргизганини очиб ташлайди. Мана, Н.Ильминскийнинг жадид мактаблари тўғрисидаги сўзлари: “Тараққиёт сари юз тутиб, ислоҳ бўлаётган мусулмонлик фарб маданияти келтириб чиқарган техник имкониятлардан фойдаланса, шу билан бирга, замонавий мактаблар очишга кучини сафарбар этса, у янги тарихий босқичга чиқади ва насронийлик учун жиддий хавф туғдиради. Шу сабабли Гаспрали илгари сураётган жадидчилик оқимиغا қарши чиқишга мажбурмиз. Рус ҳукумати ва зиёлилари жадид мактабларининг очилишига рухсат бериш билан ўзлари ўтирган дарахт шохини кесмоқдалар” (36-бет).

Энди бу сўзлар Н.Ильминскийни шарқ маданияти дурдоналарининг кадрловчисидан мустамлака халқларнинг равнақини кўролмайдиган, уларни абадий қулликка маҳкум этувчи ашаддий душман қиёфасига тушириб қўяди. Унинг сўзлари воситасида У.Долимов ўз китобида чор мустамлакачиларининг Ўрта Осиё халқларига ва хусусан, таълим тизимига нисбатан юргизган сиёсатининг авра-астарини очиб беради. Китобдаги илмий таҳлиллардан чор мустамлакачилари Ўрта Осиё халқларини абадий жаҳолатда сақлашга интилгани ва шу сабабли янги усул мактабларига ҳар жиҳатдан тўсқинлик қилганлиги, натижада маҳаллий аҳоли орасидан мазкур сиёсатга қарши жадидчилик ҳаракати ҳамда унинг таълим дастури етилиб чиққанлиги табиий, қонуний ҳодиса эканлиги яққол англашилади. Янги усул мактабларининг юзага келишини тақозо этган мана шу ижтимоий шарт-шароитларни асослашга хизмат қилган юқоридаги каби далилларни китоб муаллифи Россия марказидаги архивлар, кутубхоналар, хорижий мамлакатлардаги нашрлар ва Ўзбекистондаги матбуот ҳамда бошқа кўп муасса-салардан қидириб топган. Жумладан, Н.Ильминскийнинг юқоридаги сўзлари унинг муқаддас синод обер-прокурори К.П.Победоносцевга ёзган хатидан ҳамда Меҳмет Саройнинг 1987 йилда Анкарада нашр этилган “Турк дунёсида таълим ислоҳоти ва Гаспрали Исмоил” номли китобидан олинган. Демак,

У.Долимовнинг тадқиқоти узоқ йиллик изланишлар ва заҳматга тўла меҳнатнинг самараси ҳисобланади.

Агар У.Долимов юқоридаги каби фикрларни келтириш билан чекланганда, “ҳа, энди улар баъзи рус мустамлакачиларининг шахсий мулоҳазаси-да”, деб ўйлашимиз мумкин эди. Лекин муаллиф китобининг кейинги саҳифаларида шундай қизиқ далиллар келтирадики, улардан юқоридаги қарашлар қуруқ сўзгина бўлиб қолмай, айти ўша мақсад, яъни мустамлака халқларни жаҳолатда сақлаш йўли билан руслаштириш учун кураш чоризмнинг Шарқ сиёсатидаги асосий муддао бўлганини яққол англатади. Бунга исбот сифатида китобда Мунавварқори Абдурашидхонунинг Сирдарё вилоят халқ ўқув юртлари директори С.М.Граменискийга йўллаган “Илтимоснома”си келтирилади. 1911 йилда ёзилган бу хатида Мунавварқори Тошкент шаҳрида ўзи очган янги усул мактабида рус тили ўқитишга рухсат сўраган эди. Юзаки қараганда, бу илтимос маҳаллий халқларни руслаштириш учун курашаётган мустамлакачиларга айти муддаодек кўриниши мумкин эди. Ахир уларга ҳам бироз бўлса-да, рус тилини билган одамни руслаштириш осонроқ кечиши маълум эди-ку? Аммо рус амалдори Мунавварқорининг илтимосига жавоб қайтаришга, яъни унинг мактабида рус тили дарслари ўтилишига рухсат беришга шошилмайди, чунки у Н.Ильминский таклиф этган сиёсатдан келиб чиқиб, маҳаллий ёшларни имкон борича кўпроқ жаҳолатда сақлашни маъқул кўрар эди. Шунга кўра, оддий бир “Илтимоснома”га уч йилдан кейин ижобий жавоб қайтарилади. Бироқ шунда ҳам барча илм даргоҳларида эмас, балки фақат Мунавварқорининг мактабида рус тили дарслари ўтилишига рухсат берилади. Бундай қизиқарли маълумотлар маҳаллий халқларни жаҳолатда сақлаш йўли билан руслаштириш мақсади мустамлакачилар томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда давлат сиёсатига айлантирилганлигини шубҳа туғдирмайдиган даражада исботлашга имкон берган.

Чоризмнинг мана шу ғайриинсоний давлат сиёсатига нисбатан акс-садо сифатида майдонга келиб, миллат равнақи, ёшларнинг келажаги йўлида кураш зарурати туфайли жадидчилик ҳаракати юзага келган эди. Жадидчилик ҳаракати билан усули савтия мактаблари орасидаги мазкур узвий боғлиқлик китобда аниқ ва лўнда

ифодаланган: “Жадидчилик ҳаракатининг тамал тоши усули жадид мактабларидир. Бу – жадидшунослар томонидан яқдил эътироф этилган фикр. Бу ҳаракатнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини танитиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ қилиш, миллат, Ватан истиқлоли эди” (3-бет).

Мазкур қарашини асослаш учун китоб муаллифи жадидчилик ҳаракати намояндаларидан Исмоил Гаспрали, Мунавварқори Абдурашидхонов, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Исоҳон Ибрат, Сўфизода, Ҳамза каби миллат фидойиларининг усули савтия ҳақидаги таълимотларини ва янги мактаб яратиш йўлидаги курашларини чуқур таҳлил қилади. Китобда XX аср бошларида Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларида бирин-кетин янги мактаблар очилиши, ёпилиши ва қайтадан оёққа кўйилиши манзаралари мароқ билан чизилади. Чор мустамлакачилари ва маҳаллий мутаассибларнинг қаршилигига қарамай, Урта Осиёнинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида усули савтияга асосланган ўқув юртлари кўпайиб бориши манзарасидан жадид мактабларининг пайдо бўлиши миллат тараққиётидаги қонуний ҳодиса эканлиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади. Худди шу умумлашма У.Долимов тадқиқотининг бош илмий концепцияси ҳисобланади.

Жадид мактабларининг юзага келиши муқаррарлигига ишонтириш учун муаллиф унинг эски билим даргоҳларидан фарқли хусусиятларини ва энг муҳими, ноёб устунликларини, афзал томонларини қиёсий таҳлил воситасида намоён қилади. Қиёсий таҳлил билан танишар эканмиз, муаллиф эски ва янги мактаб ўртасидаги фарқлар ҳамда усули савтиянинг устунликлари юзасидан педагогикамизда илк бор ғоятда аниқ маълумот берганлигига иқроор бўламиз. Унинг муфассал ҳикоясидан англашилича, эски мактаблардан фарқли ҳолда жадид ўқув юртларида, аввало, диний дарсларни қисман камайтириш ҳисобига дунёвий фанларга кенгроқ ўрин берилган. Иккинчидан, янги мактабларда гуманитар илмлар, хусусан, адабиёт дарслари асосий ўрин тутгани ҳолда, табиий фанларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Учинчидан, уларда Беҳбудийнинг икки тил эмас, тўрт тил зарур”, – деган шioriдан келиб чиқиб, чет тиллар чуқурроқ ўргатила бошланган. Тўртинчидан, янги мактаблардаги таълим тизими имкон

борича дунёдаги ривожланган мамлакатлар маорифи даражасига яқинлаштирилган. Шунга кўра, уларда калтак тизими тугатилиб, ўқувчиларни жазолаш ёки рағбатлантиришнинг маданийроқ шакллари қўлланилган. Ва ниҳоят, бешинчидан, жадид мактабларида ўтиладиган фанларнинг, айниқса, адабиёт дарсларининг ўқитилиш методикаси ишлаб чиқилган. Китоб муаллифи мазкур хусусиятлар амалиётда мавжудлигига Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Намуна” мактаби ҳақида атрофлича маълумот бериш воситасида ишонтиради.

Дастлабки дарсликлару қўлланмалар таҳлилидан жадид мактабларида тил ва адабиёт ўқитиш методикасининг айрим замонавий куртаклари ниш ота бошлаганлиги англашилади, чунки У.Долимов кўплаб мисоллар ёрдамида бадиий асар ўқитишнинг баъзи ҳозирги усуллари ўша вақтлардаёқ шакланганлигини исботлаб берган. Чунончи, у беҳисоб далилларга таянган ҳолда жадид мактабларидаги тил ва адабиёт ўқитиш методикаси юзасидан қўйидаги умумлашмани илгари суради: “Хулоса қилиб айтганда, Саидрасул Саидазизов, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шакурӣ, Ҳамза каби жадид педагоглари XX аср тонгида биринчилардан бўлиб, ўқитишда янги педагогик технологияларга асос солдилар, оғзаки ва ёзма нутқ ўстиришнинг, ифодали ўқишнинг янги шакллари ишлаб чиқдилар” (115-бет).

Энг муҳими, жадид мактабларидаги тил ва адабиёт ўқитиш услубиятини таҳлил қилар экан, муаллиф унда ҳозирги кунларимиз учун ибратли жиҳатлар борлигини ҳам аниқлашга муваффақ бўлган. Хусусан, жадид мактабларида ёзма нутқ ўстиришга катта аҳамият берилганини эслатар экан, У.Долимов ҳозирги даврда битирув ва кириш имтиҳонларидан иншо олиб ташлангани ўша самарадор аънадан чекиниш бўлганлиги ҳамда шу кунларнинг ўзидаёқ ачинарли оқибатларга олиб келаётганлиги тўғрисида куюнчаклик билан мушоҳада юритади. Мушоҳадалар орасида китоб муаллифи жадид мактабларида тил ва адабиёт ўқитиш соҳасида яна бир ибратли ҳамда қизиқарли жиҳат бўлганлиги, яъни Абдулла Авлоний оғзаки нутқни ўстиришда техника воситаларидан фойдаланганлиги ҳақидаги унутилган ҳодисани эслатади. Унинг ёзилича, Абдулла Авлоний 1911 йилда мактаб ўқувчиларидан болалар хори тузиб, ўзининг “Мактабга тарғиб”

шеърини айттирган ва граммофон пластинкасига ёздирган. Сўнгра дарсларда ўша пластинкалардан фойдаланиб, болаларга шеърни ифодали ўқиш ўргатилган. Албатта, бундай далилларни ҳам тадқиқотчи осмондан олмаган, балки отаси – машхур педагог ва адабиётшунос олим Субутой Долимов хотиралари асосида жонлантирган.

У Долимов китоби фақат педагогикамизга эмас, балки адабиётшунослигимизга ҳам қўшилган сезиларли ҳисса ҳисобланади, чунки унда жадидлар яратган ва янги мактабларда ўқитган бадиий асарларни тушунишга, ҳис қилишга, ғоявий-услубий хусусиятларини, ижтимоий-эстетик моҳиятини англаб етишга имкон берадиган кўплаб ўй-мушоҳадалар, кузатишлар мавжуд. Жумладан, муаллиф Абдулла Авлонийнинг “Нима кимники” шеърини таҳлил қилар экан, унда “аччиқ кинояли оҳанг носоғлом тузумни фош этишда асосий қурол вазифасини ўтаган”, – деган қизиқ бир кузатишни (109-бет) ўртага ташлайдики, бу фикр асарнинг ғоявий моҳиятини очишда жуда ўринли топилган калитга айланади.

Китобнинг айрим нуқсонлари тўғрисида гапирганда, аён кўриниб турган бир камчилик устида тўхталиб ўтиш ўринли туюлади. Баъзи бадиий асарлар устида фикр юритганда, муаллиф уларнинг ғоявий моҳиятини анча ишонарли очгани ҳолда, мазмуннинг қандай ифода-ланганлиги, яъни бадиий қийматини етарли даражада ёритишга жиддий эътибор бермаганлиги сезилади. Бунга иқрор бўлмоқ учун яна “Нима кимники?” шеърини эслаш ўринли кўринади. Бу шеър бадиий жиҳатдан анча жўн, саёз ёзилганини қайд этиш лозим эди.

Хайриятки, китобда бундай ўринлар кўп эмас. Шунга кўра, бу илмий асарни ўзбек адабиётшунослигини бойитувчи тадқиқотлар қаторига қўшиш мумкин.

Энг муҳими, ушбу китоб манбаалардан келтирилган лавҳалар билан миллатимиз учун озодлик ва мустақиллик нечоғлик зарур бўлганлигини далиллаган ҳолда ёшлар қалбида чинакам Хурриятга нисбатан эҳтиром ва муҳаббат туйғуларини уйғотади.

*Санжар СОДИҚ,  
филология фанлари  
доктори, профессор*

## «Кутадғу билиг»да «Қарши» атамаси

**Қ**аршининг ташкил топганига 2700 йил тўлиши муносабати билан ўтмиш тарихимизга оид ёзилган қўлёзмаларнинг баъзи саҳифаларини очиб кўришга тўғри келди. Қўлёзмаларда ёзилган ғоятда муҳим далиллар замондошлар эътиборидан четда қолмасин деган умидда, баъзи тарихий манбалардаги талқинлар ҳақида хабар бермоқ истагида қалам сурилди.

840 йилдан 1212 йилгача ҳукмронлик қилган Қорахонийлар империяси давридаги фан, маданият ютуқларига доир 30 дан ортиқ махсус асар ёзилганлиги жаҳон маданияти тарихида муҳим воқеа саналади. Бу давлатнинг маданият, иқтисод ва илм-фан соҳаларида улкан юксалишларга эришгани маълум. Жаҳон илм-фанига буюк ҳисса қўшган Форобий, Муҳаммад Хоразмий Ибн Сино, Беруний Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий ва бошқалар Мусулмон уйғониш даврининг даҳолари даражасига кўтарилди. Айни ўша даврда «Девону луғотит-турк», «Кутадғу билиг», «Тарихи Кошғар» каби йирик асарлар майдонга келди.

«Кутадғу билиг» асарининг учта қўлёзма нусхаси жаҳон фанига маълум. Улар: 1. Уйғур битигида ёзилган «Вена» қўлёзмаси. 2. Араб битигида ёзилган «Қоҳира» қўлёзмаси. 3. Араб битигида ёзилган «Фарғона» қўлёзмаси. Ушбу қўлёзмалар асосида жаҳондаги бир неча мамлакатда таниқли олимлар тадқиқотлар олиб бордилар ва асарнинг бир неча тилдаги нашрларини рўёбга чиқардилар. Улар:

1. 1891-1910 йилдаги В.Радлов нашр этган матн.
2. 1952 йилдаги Ришат Араг тайёрлаган матн.
3. 1972 йилдаги ўзбекча матни нашри.
4. 1984 йилдаги уйғурча нашри.
5. 1986 йилдаги асарнинг қозоқ тилига таржимаси.
6. 1990 йилдаги асарнинг русча таржимаси.

Асарнинг булардан бошқа немисча, инглизча, хитойча таржималари ҳам нашр этилди. Айни замонда «Фарғона» нусхасининг факсимили нашри ҳам майдонга келди.

Бунинг сабаби «Кутадғу билиг»нинг мазмунан теранлиги ва бадийий юксаклигидир. Ҳукмдорлар, давлат бошлиқларига панд-насихатлар ва йўл-йўриқлар тарзида ёзилган бу йирик асарда Қорахонийлар, умуман Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожини, ҳарбий санъатга доир ҳаётий масалалар чуқур ёритилган. Шу сабабли ушбу асарга бўлган эҳтиёж бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда.

Асарда ҳукмрон «амир»лар «Баг» деб аталган. Ҳозирги кунимизда бу атаманинг «Баг» ва «Бек» шакли мавжуд. Юсуф Хос Ҳожиб 1068-1070 йилда ёзган «Кутадғу билиг» асарида бу атама «Баг» шаклида қўлланган.

Баг эса, арабча «амир», форсча «подшоҳ» демакдир. Шу боис Алишер Навоий Соҳибқирон Амир Темурни Темурбек деб, Бобур эса Навоийни Алишербек деб атайди. Биз асардаги «Баг»ларнинг макони бўлган Қарши атамаси ҳақида фикр юритамиз. Жумладан, «Кутадғу билиг»нинг 1971 йилги Тошкент нашрида

қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

«Бу бағлар эви оти қарши турур,  
Бу қарши ичиндоки қарши турур»,

Изоҳида: «Бу бағлар уйининг оти қарши (саройдир),  
Бу қарши (сарой) ичидагилар қарама-қаршидирлар», — деб тушунтирилади.

«Табизлик бўлур бу қопуғда ўкуш,  
Табиз қайда эрса тўқуш ул уруш».

Изоҳи: «Бу даргоҳда ҳасадликлар кўп бўлади:  
Ҳасад қаерда бўлса, у жанжал (ва) урушдир», — деб берилган.

Ушбу матндаги «Қарши» атамаси билан унга берилган изоҳ менга шубҳали туюлди. Шу сабабдан қўлёзмани кўришга эҳтиёж сезилди.

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган «Кутадғу билиг» нинг Фарғонадан топилган қўлёзмаси ва «Қоҳира» деб шартли аталган фотонусхасини қайта кўриб чиқдим. Қўлёзмани синчковлик билан ўрганиш, нашрни қиёсий солиштиришга тўғри келди.

Юқоридаги матнни қўлёзма асосида қиёслаганимизда: матн хато ўқилгани ва тўғри изоҳланмагани аниқланди. Эътибор беринг. Қўлёзмада асл матн қуйидагича ёзилган:

Бу бағлар эви оти қарши турур,  
Бу қарши ичиндаки қорши турур.  
Табизлик бўлур бу қопуғда ўкуш,  
Табиз қайда эрса тўқуш ул уруш.  
Санингда улуғунг сани тепсагай,  
Сани ўтқи этгай ўз итлур тагай.  
Йама тапсагай кўр санга тенг тушунг,  
Кўрмагай эдунг тунаргай кунунг.  
Бу йанглиг учун Қарши Қорши бўлур,  
Эки кун қоришса бириси ўлур.

*(Қўлёзма, 153 б-варақ)*

Ушбу матндан келиб чиқсак, қуйидаги масалалар аён бўлади. Яъни «бағ»ларнинг турадиган уйи — макони Қарши экан. У ёвга — душманга қарши чиқувчи макон эканини билдиради. Ана ўша сабабга кўра ёвга қарши кураш олиб борувчи, мунтазам ҳарбий қўшинга эга, аниги олдинги жанговар — ҳужумчи қўшинларнинг ҳарбий қароргоҳи «Қарши» экани маълум бўлади. Арабча айтганда, у ҳарбий билоддир (шаҳардир), форсча айтганда «ҳисори лашкар»дирки, бу атама ҳеч қачон «Сарой» маъносини бермайди.

Атама ва ибораларни ёзилишига кўра қиёсий кўриб чиққанимизда, қўлёзмада «Қарши»даги «Қоф» алифсиз ёзилгани маълум бўлди. Бу «Қарши» ёвга қарши, яъни душманга юзма-юз жанг билан қарши турувчи — форсча айтсак «пешво» чиқувчи маъносини билдирувчи атамадир. Ҳеч қачон бу атама «сарой» эмас. Чунки бир шаҳарда бир неча саройлар бўлганки, улар Оқсарой, Кўксарой, Қорасарой, Карвонсарой, Боқчасарой каби номлар билан аталади, буларнинг кўпчилиги форсча меҳмонхона маъносини билдиради. Саройни Юсуф Хос Ҳожиб «Қопуғ» атамаси билан ёзади. Демак, «Қарши» «қопуғ» эмас! «Сарой» ҳам эмас! «Қаср» ҳам эмас! «Қарши» атамаси «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари» китобида ҳам «Сарой» деб янглиш берилган, «Сарой» русча «дворец» демакдир. Шу китобда бу шаҳар «XVI асрдан бошлаб Қарши, яъни «сарой» номини олган» деб нотўғри изоҳланган.

(Ўша асар, 188-бет).

Шундан келиб чиқсак, «Қарши» мулк ва ватанни ташқи ёв-душманлардан қўриқлашга, сақлашга мослашган, катта биноларга эга бўлган стратегик макон экани маълум бўлади.

Демак, «Қарши» ўз даврида мудофаа шаҳри, аниги «Ҳарбий ўрда» бўлган катта истеҳком маъносини билдиради.

Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарини ёзган давр — XI асрда қорахонийлар империясига қарши газнавийлар ҳамда салжуқийлар жиддий хавф солиб турарди. Ана шу сабабларга кўра «Қарши» ёвга зарба берувчи олдинги ҳарбий истеҳком бўлгани аниқ кўринади.

«Қарши» атамасини В.В. Бартольд уйғурча деб ёзади. Муаррих Мулла Салоҳиддинхожа ибни Мулла Алоуддин Яздийнинг (XIV—XV) «Амир Темур Кўрагон ҳақида қисса» асарида: «Соҳибқирон минг бир жафолар билан охир Қаршига келди», деб ёзилади. «Шарафнома» муаллифининг тушунтиришича, «Қарши» уйғур тилида катта иморатлар дегани экан.

Шундай экан, «Қарши» атамаси «кўргон» маъносини ҳам беради. «Кўргон» арабчада «қалъа»дир. Нақл қилишларича, Қаршида 5 000 отлиқ кўшин жойлашар экан. Агар ҳар бир аскар — черикка 2 та от берилса, демак, 10 000 от бўлади. Отбоқар ва бошқа хизматчилар ҳисобга олинса, одам сони ҳам 10 000 кишини ташкил этади. Олдинги илғор кўшин, пиёда ёки ўқчи чериклар-чи? Бундан бошқа гўл, ўнг ва сўл қанот жангчилар-чи? Демак, бундай кўшинларга бир неча «баг»лар раҳбарлик қилиши табиий.

Қаршида туриб, кўшинга раҳбарлик қилувчи баглар (беклар) — «Тегинбаг» (шаҳзода), «Инончбаг» ва бошқа баглар бўлганки, уларнинг ҳар бири махсус кўшинларга эга бўлиб, агар табизлик (ҳасад-фасод) чиқса, у ҳолда бир-бири билан тўқнашиб, тахт-мулк талашганида яна уруш чиқаради деган ўғит берилади «Кутадғу билиг» асарида. Ушбу атамани янада аниқ билиш учун Маҳмуд Кошғарийнинг машҳур «Девону луғотит-турк» асарига мурожаат қиламиз:

«1. Қарши — шоҳ қасри (хон ўрдаси ҳам дейиш мумкин — Ҳ.И.). 2. Қарши — тескари, қарши; кеча кундузнинг қаршисидир. 3. Қарши — икки баг орасидаги қарама-қаршилиқ» деб ёзган эди ўз замонасида бу қомусий олим («Девон», 1-жилд, 399-400-бет).

Манбаларда ёзилишича, «Қарши» кўргонининг атрофи айланасига сув тўлдирилган хандақ билан ўралган экан.

Баъзи тарихчилар «Қарши» атамасини мўғулча сўз деб изоҳлашга уринганлар.

Эътибор беринг: Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий ўз асарларини ёзган чоғда мўғулларнинг етти отаю онасининг қадами бу жойларга тегмаган бўлса, қандай қилиб бу атама мўғулча бўлади? Аксинча, бу атама мўғул тилига туркий тил орқали кирган иборадир. «Бобурнома»да: «Қарши мўғулча оттур. Гўрхонани мўғул тили билан Қарши дерлар. Фолибо, бу от Чингизхон тасаллудидин (босиб олишидан) сўнг бўлгондур» деган жумлага дуч келамиз («Бобурнома», 47-бет.) Наҳотки, Бобур янгилишган бўлса?

Ай «а оқи<sup>3</sup> çai í í eadāai aó. í oí í 'dāañē á' eēá eāēāai £ adø è, í '2óēēadā ai ñeá í eāai āai eāeéí eēadí eí āāe<sup>3</sup> adēí è 'çeāā eēēá<sup>3</sup> eēāai āā 'oø eēāē. Aai ø óí āāēē, «ç í eēái » eái dāñē «ýmèl í è» í aúí í ñeāā á' eāai è ó-óí aóí è Aí aóó í óçēí<sup>3</sup> āā<sup>3</sup> adūēē eēòí eāai . Í àø dāā aó ñ' ç «ç í eēái » āāá ýí eēèø āādeēāai eēð. Oādeōēé í aí āāēadāā, çeēèø è-à, ×e<sup>2</sup> adí é í '2óēēadēāai á' eí è ø É āāēēoí í 1318 eēēē eēēēí -è í adāā oí í eēē oādōēāā -e<sup>3</sup> āāē. Aí à 'ø à çai í í āā oí í 'dāañē É eē āāð, ñe áí eēēñeāāē Í eí eēē<sup>3</sup> ø àpōēāā á' eāai ýāē. Aí eēái eēadí eí āō eōí à-ò añí ā, çeāāēýeēādeēāai āāçeá, eēāōāai oçí<sup>3</sup> oōðeø í è í ā<sup>3</sup> ñāā<sup>3</sup> eēēāí è ñāāāēē, É āāēēoí í ×e<sup>2</sup> adí è eēōñē í í eēōdōēé í 1320 eēēēāōāā Í eí eēē<sup>3</sup> āai £ adø eāā e' -eōāāē. Ø àpōēāai oçí<sup>3</sup> eē eāā 'çe ó-óí ñāōí é<sup>3</sup> oōāēdāāē. Í '2óēēad eñdōēí ñeāā<sup>3</sup> adø è á' eāai eēè eēādí è<sup>3</sup> adē ýdēø ó-óí aí à 'ø à £ adø è móáōāē<sup>3</sup> eēāē eāēāai á' eñā eāōāē, ø ó áí eñ aó ø pādí è 'çeāde-à «Á' dōí í à» āāā adāø eāai eā



ўхшайди. Шубҳа йўқки, «Қарши» атамаси мўғуллар ўзлаштирган атамасидир. Ҳар бир халқ ўзлашган, ўз тилига сингиб кетган ҳар қандай сўзни ўзиники деб билади.

Бундан ташқари, мўғулларнинг ёзуви йўқ бўлгани учун Чингизхон буйруғи билан улар уйғур битигини қабул қилганлар. Ҳозир ҳам Мўғулистонда ва ХХРдаги Ички мўғул автоном ўлкасида уйғур битиги сақланиб қолган. Мўғулларнинг давлат идораларида туркий бахшилар, девонбегилар ёзув ишларини олиб борганки, буни тарихий далиллар, қўлёзма манбалар тасдиқлайди.

Биобарин, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳукмронлар тўғрисида битилган дастурлар Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганишда ҳам оламшумул аҳамият касб этади. «Қутадғу билиг» асарини қайта тадқиқ этиб, матн моҳиятини тўғри изоҳлайдиган луғат билан таъмин этиш навбатдаги жиддий вазифалардан биридир.

*Ҳамидхон ИСЛОМИЙ,  
ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний  
номидаги Шарқшунослик  
институтининг катта  
илмий ходими*



СОМДЕВ

## Достонлар уммони

УЧИНЧИ КИТОБ

ЛАВНАК

БИРИНЧИ ДОЛФА

**Ф**ов ва тўсиқларни бартараф этувчига шарафлар бўлсин! Менимча, фалакнинг яратилишини бемалол ниҳоясига етказиш учун Яратувчининг Ўзи унинг хайрихоҳлигига муте бўлган эди.

Бешта пайкон билан қуролланган Ишқ маъбуди дунёга ҳукмронлик қилар эди. Ҳар гал севгилиси уни қучганида ҳатто Шанкар ҳам унинг ҳукмидан даг-даг титрар эди.

Вателар ҳукмдори шоҳ Удаян Васавдатга уйлангач, аста-секин бутун фикру зикри, жону тани билан унга бутунлай вобаста бўлиб қолди. Унинг бош вазири аъзами ва сипаҳсолори Руманват кунни кун демай, тунни тун демай шоҳ ҳокимиятининг барча юкини ўз гарданларида кўтарар эдилар.

Бир куни тунда вазир Яугандҳрайан Руманватни уйига олиб келди ва ташвиш билан унга деди: «Вателар ҳукмдори – Панду наслининг зуррўдилар, бутун ер юзи унга қарамоғи фарзи айнди, шу жумладан Фил шаҳри<sup>1</sup> ҳам. Шоҳимизнинг эса бу нарса етти ухлаб тушига кирмайди, ҳарбий шон-шавкатлар унга бир пул ва унинг бутун салтанати бор-йўғи ўзимизнинг мамлакатимиз билангина кифояланиб қолган. Жуда ҳам беғам, унга фақат аёллар, шароб ва шикор бўлса бўлди, салтанат борасидаги барча ташвишларни эса икковимизнинг гарданимизга юклаб кўйган. Шунинг учун энди икковимиз дўппини ерга кўйиб, ўйлаб кўришимиз керак, ахир унинг ўрнига ўзимиз бобомерос барча мулкларни эгасига, яъни шоҳимиз Удаянга қайтариб олиб беришимиз лозим. Агар шу ишни дўндирилсак, ўзимизнинг ҳам фуқаролик, ҳам вазирлик бурчимизни ҳалол адо этган бўламиз. Ақл-фаросат билан ҳамма ишни қилса бўлади. Масалан, шу ҳақдаги бир ривоятга кулоқ солгин-а.

### ШОҲ МАҲАСЕН ВА МОҲИР ТАБИБ ҲИКОЯСИ

Бар вақтлар Маҳасен исмли шоҳ бўлар эди, унинг устига бошқа, янада қудратлироқ шоҳ ҳужум қилди. Шунда Маҳасеннинг вазирлари жон сақлаб қолиш учун тўпланишиб, душманга таслим бўлишни маслаҳат беришди. Ҳокимиятни бой бериб, мағрур шоҳ кўп изтироб чекди. «Қандай қилиб душманга бўйин эгдим?» – деб ўйлар эди у ҳар доим. Фамдан унинг бадани ичида зиндони касаллиги пайдо бўлди ва бир томондан зиндонидан, иккинчи томондан ғам эзиб ташлаганидан шўрлик шоҳ ўлим ёқасига келиб қолди.

Бунга дори-дармон қор қилмаслигига амин бўлиб, бир доно табиб ёлғон ишлатишга мажбур бўлди: «Шоҳим, хотинингиз ўлди!» Кутилмаган хабарни

<sup>1</sup> Ф и л ш а ҳ р и – Ҳастинапур бўлиб, Деҳлидан 100 км. шимоли-шарқда харобалари топилган.

Давоми . Боши 2007 йилнинг 11- 12 сонларида.

эшитиб, шоҳ гушпа ерга йиқилди ва гамдан пайдо бўлган кучли ҳаяжондан зиндони ўз-ўзидан ёрилиб кетди. Касалликни енгиб, шоҳ яна узоқ вақтлар малика билан умргузаронлик қилди ва яна душманларини мағлуб этди.

Донолиги билан Маҳасенга бахт келтирган мана шу табиб каби биз ҳам Удаянни бахтиёр қиламиз ва унга ер юзини олиб берамиз.

Бу ерда йўлимизда биргина Могадх ҳукмдори Прадйўт турибди. У бизга душман ва мудом зимдан таҳдид солади. Аммо унинг Падмаватий деган соҳибжамол қизи бор ва биз уни ватслар шоҳига олиб бериш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани қўришимиз лозим. Бунинг учун Васавдаттани бирон жойга яшириб қўямиз-да, кейин унинг хобхонасига ўт қўйиб юборамиз ва малика ёниб кетди деб овоза тарқатамиз. Агар шундай қилмасак, Могадх шоҳи Удаянга қизини бермайди. Мен аллақачон ундан сўраб кўрганман ва у шундай жавоб берган: «Мен жонимдан ортиқ кўрадиган қизимни ватслар ҳукмдорига бериб бўлибман, чунки у хотини Васавдаттани ҳаддан ташқари яхши кўради». Ватслар шоҳи ҳам то малика тирик экан, бошқа ҳеч кимга уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аммо маликанинг ёниб кетгани ҳақидаги овоза тарқалгач, ҳамма иш хамирдан қил сугургандек осон битади. Падмаватийни кўлга киритишимиз ҳамон Могадх шоҳи қариндошимиз бўлиб қолади, бизга таҳдид қилмайди ва биз билан иттифоқ тузади. Шунда биз шарққа қараб юриш қиламиз, кейин дунёнинг бошқа мамлакатларини забт этгани кетамиз, шу тариқа қадам-бақадам ватслар ҳукмдори учун бутун ер юзини эгаллаб оламиз. Бунга фақат астойдил бел боғлаб киришишимиз керак бўлади, шоҳимиз ер юзига эгалик қилади, зеро, самовий овозлар шундай каромат қилган».

Яугандхрайаннинг бу гапларини диққат билан тинглаб, Руманват унинг калта ўйларидан хавотирга тушиб, эътироз билдирди: «Падмаватий деб ишлатган ёлгонимиз ўз бошимизга бало бўлмасайди. Бир ривоят айтай, кулоқ сол:

### ЁЛҒОНДАКАМ РОҲИБ ҲИКОЯСИ

Ганга дарёси соҳилида Макандик номли шаҳар бор. Унда сукут онтини ичган бир тиланчи роҳиб яшар эди. У фақат садақа билан кун кечирарди. Унинг атрофидан тавба-тазарру қилувчилар тўдаси аримасди, турар-жойи эса эҳром девори ичидаги танҳо ҳужрача эди. Бир куни у садақа йиғиб юрганида аллақандай савдогарнинг уйига бориб қолди ва у ерда унга садақа бергани чиққан бир соҳибжамол қизни кўрди. Қизнинг гўзаллигидан лол қолган иймонсиз роҳиб юрагида тошган ҳирс туйғусини босолмай, «Оҳ-оҳ-оҳ!» деб юборди. Савдогар бунини эшитиб қолди.

Садақа йиғиб, роҳиб ҳужрасига қайтгач, савдогар ҳеч кимга билдирмай унинг ҳужрасига келди-да, ҳайрон бўлиб сўради: «Нима учун сен бугун тўсатдан сукут онтингни бузиб, гапириб юбординг?» Савдогарнинг гапини эшитиб, роҳиб шундай деб жавоб берди: «Қизингда хосиятсиз аломатлар бор экан. Унинг тўйи бўладиган кунларда сен ҳам хотинингдан, ҳам ўғлингдан, албатта жудо бўласан. Ана шунақа, унга қўзим тушганида мен чуқур қайғуга ботдим, зеро, сен мени ҳурмат қиласан-да. Сени деб мен ҳозир ҳам онтимга хилоф равишда гапириб турибман. Шунақа, тунда қизингни саватга ўтқаз, сават қопқоғига шам ўрнатиб қўй ва саватни Гангага оқизиб юбор».

«Хўп», – рози бўлди савдогар ва уйга қайтиб, қўрққанидан шу туннинг ўзидаёқ роҳиб айтганларини бажо қилди. Зеро, қўрқоқлар доим калтафаҳм бўладилар.

Бу орада тиланчи роҳиб ўзининг мухлисларига қараб деди: «Гангага боринглар, борди-ю, унда устига шам ўрнатилган сават оқиб келаётганини кўрсангиз, ҳеч кимга билдирмай, уни бу ерга олиб келинглар. Аммо саватни очишга зинҳор-базинҳор журъат қилманглар, ҳатто ичидан қичқариқ овози келса ҳам ишларинг бўлмасин». – «Хўп бўлади, пирим!» – деб жавоб беришди унинг толиблари ва кетишди, бироқ улар Гангага етиб улгурмай, дарё бўйига қандайдир шаҳзода келиб қолганди. Шаҳзоданинг кўзи сувдаги устида шам ёниб турган саватга тушди ва навкарларига саватни олиб келишни буюрди, ўша заҳотиёқ қизиқсиниб саватни очди. Шаҳзода сават ичида хуснда тенгсиз қизни кўрди-ю, унинг ишқида девона бўлиб қолди ва зудлик билан гандҳарвлар удуми бўйича унга уйланиб олди. Саватга эса тегмади, фақат ичига бир бадбашара маймунни солиб қўйди ва шамли қопқоқни қайта ёпиб, саватни дарёга оқизиб юборди.

Кейин шаҳзода қўлга киритган ёмби қиз билан у ердан кетди, кўп ўтмай саватни излаб тиланчи роҳибнинг толиблари келишди. Улар саватни топишди, тутиб олишди ва роҳибга олиб келишди. Роҳиб ўзида йўқ суюниб кетди ва шундай деди: «Мен бу саватни юқорига олиб чиқаман-да, дуо-афсунлар ўқийман, сизлар эса пастда қоласизлар ва бу тунни сукутда ўтказасизлар», Шундай деб роҳиб саватни ҳужра томига олиб чиқди ва савдогарнинг қизига ошифта бир ҳолда уни очди. Шунда унинг ичидан маймун сакраб чиқди-да, газаб билан роҳибга ташланди. Уша заҳотиёқ у ярамас роҳибнинг бурнини тишлаб узди, ўткир тирноқлари билан қулоқларини тимдалади. Ана шундай афтода бир ҳолда роҳиб пастга тушиб келган эди, толиблар ўзларини тутолмай, ичаклари узилгудек кулишди. Эртасига эса воқеадан хабар топиб, одамлар ҳам роса кулишди. Савдогар билан қизининг эса бахтлари очилганидан ўзларида йўқ шод эдилар, ахир кимсан — куёв тўра шаҳзода эди-да.

Ана шунақа, қулгига қолган роҳиб сингари, агар биз ҳам ёлгон ишлатадиган бўлсак, ишимизнинг пачаваси чиқиб, элга масхара бўлганимиз қолади. Чунки шоҳ билан Васавдатгани бир-биридан жудо қилиш бошимизга зўр офат келтиради.

Руманватнинг бу сўзларига Яугандҳрайан шундай деди: «Мақсадимизга етмоқ учун бизда бошқа ҳеч қандай йўл йўқ; борди-ю, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтираверадиган бўлсак, бисотимизда боридан ҳам маҳрум бўлишимиз ҳеч гап эмас. Шунда доно вазирларимиз қўлга киритган шон-шавкатни бой берган ва шоҳимизга бўлган садоқатимизга хиёнат қилган бўламиз. Зеро, агар шоҳ ўз ишларида фақат ўзига ишонадиган ва вазирларини барча амру фармонларини лаббай деб адо этадиган қурол деб ўйлайдиган бўлса, унда уларнинг бир чақалик қиммати қолмайди; аммо агар шоҳ ўз амалларида вазирларига таянадиган бўлса, уларнинг донолиги — муваффақиятнинг ягона гаровидир. Агар улар чиндан ҳам лаллайиб қараб ўтираверадиган бўлишса, шоҳ ўзининг бахтидан ҳам, тахтидан ҳам бирйўла қўл ювиши мумкин.

Дарвоқе, сен тагин маликанинг отаси Чандмаҳасен туфайли иккиланаётган бўлмагин? Шуни билки, у ҳам, унинг ўғли ҳам ва маликанинг ўзи ҳам мен қандай маслаҳат берсам, шундай иш тутишадди».

Доноларнинг доноси Яугандҳрайан ана шундай деди. Бироқ кўнгли яқинлашиб келаётган хатарни ҳис қилиб, Руманват яна деди: «Хатто энг мулоҳазакор одам ҳам севгилиси билан айрилиқ азобига бардош беролмайди. Унда ватслар шоҳига нима бўлади? Сенга бир ҳикояни мисол қилиб келтирай, сен қулоқ сол:

## ШОҲ ДЕВСЕН ВА УНМАДИНИ ҲИКОЯСИ

Бир замонлар Девели деган бир шоҳ бўлар эди, донишликда ҳеч ким унга тенг келолмасди, Шравастий деган шаҳар унинг доруссалтанаси эди. Шу шаҳарда бир бой савдогар яшарди, у бир қиз кўрди, қизки, ой деса ой, кун деса кун дегундай. Қиз вояга етгач, унга Унмадини<sup>1</sup> деб исм қўйишди, чунки уни кўрган ҳар қандай одам гўзаллигидан ақлини йўқотарди. «Қизимни шоҳнинг изнисиз эрга бериб бўлмайди, акс ҳолда у газабланади», — деб кўнглидан ўтказди савдогар ота ва Девсен ҳузурига келиб, унга шундай деди: «Шоҳим, менинг ҳуснда тенгсиз қизим бор. Агар кўнглингизга ёқса, сиз унга уйланинг».

Унинг гапини эшитиб, шоҳ ўз ҳузурига браҳманларни чорлади, чунки уларга қаттиқ ишонар эди ва амр қилди: «Бориб қаранглар-чи, бу қизнинг хосиятли аломатлари борми ё йўқми?» — «Бош устига!» — жавоб беришди икки бор туғилганлар ва кетишди. Савдогарнинг қизи Унмадинини кўришлари заҳотиёқ улар каловланиб, ўзлари унга ошуфта бўлиб қолишди. «Агар шоҳ унга уйлангудек бўлса, — деб ўйлай бошлашди браҳманлар сал ўзларига келгач, — у бутун фикру зикри билан қизга андармон бўлиб қолади, давлат ишларини ташлаб қўяди ва ҳамма нарса барбод топади. Бу қизни деб бошимизга бало орттирайликми?» Улар шоҳ ҳузурига келишди-да, ёлгонлаб дейишди: «Бу қизда хосиятсиз аломатлар бор экан».

Шунда савдогар шоҳ рад этган ва ўзини камситилган деб ҳис қилган Унмадинини шоҳ саркардасига эрга берди. Бир куни энди эриникида яшаётган

<sup>1</sup> Ақлни олувчи дегани.

Унмадини ёнларидаги йўлдан шоҳ ўтишини билди-да, уни кўриш учун томга чиқди. Севги тангриси Ком дунёни алгов-далгов қилиш учун ишлатган сеҳрли пайконга ўхшаган Унмадиниға кўзи тушиши ҳамон шоҳ ақлини йўқотди. Саройға қайтиб келгач, бу жувон ўша ўзи рад этган қиз эканидан дарак топди-ю, вужуди ҳам афсус-надоматдан, ҳам ишқу муҳаббатдан алангайи оташ бўлиб ёна бошлади.

«У сизга чўри бўлсин, мен уни сизга илиндим, шоҳим, акс ҳолда сиз у билан ишрат қилишингиз учун уни эҳромда фоҳиша қилиб қўяман», — азбаройи шоҳға раҳми келганидан саркарда унга очикдан-очик шундай деди, бироқ шоҳ унга куйидагича жавоб қилди: «Менга бировнинг хотини керак эмас, борди-ю, сен уни ташлаб қўядиган бўлсанг, қонунбузарлик қилган бўласан ва мен сени жазолайман». Буни эшитиб, саркарда ҳам, бошқа вазирлар ҳам нафасларини ичга ютишга мажбур бўлишди, шоҳ эса ишқ азобларида ёна-ёна кўп ўтмай қабрдан жой олди.

Гарчи иродаси маҳкам бўлса-да, Унмадини дардида шоҳ ана шу тариқа ўлиб кетди. Борди-ю, Васавдатдан ажрагудек бўлса, ватслар шоҳнинг ҳоли нима кечади?»

Руманватнинг сўзларини эшитиб, Яугандҳрайан деди: «Ўз бурчини англаган шоҳлар азобларга чидашни ҳам билишади. Ахир Рованни йўқ қилиш учун тангрилар малика Ситабонудан айирганларида, Рам айрилиқ дардида ёнмаганмиди?»

Бунга Руманват бундай жавоб қилди: «Рам ва унга ўхшаган тангрилар ҳамма нарсага бардош бера оладилар. Бироқ бандаларнинг иродаси унақа маҳкам бўлмайди. Бу борада ҳам бир ривоят бор:

### САВДОГАР ЯИЛЛАК ҲИКОЯСИ

Ер юзида қимматбаҳо тошлари мўл-кўл бир Матхура деган шаҳар бор. Унда Яиллак исмли бир савдогарвачча яшарди, унинг эса юраги фақат эригагина боғлиқ суюкли хотини бор эди. Улар ҳеч қачон айрилиқ нималигини билмай, аҳил-иноқ умргузаронлик қилар эдилар. Бироқ бир куни савдогарвачча муҳим иш билан бошқа мамлакатга борадиган бўлиб қолди. Шунда хотини ҳам у билан бирга кетмоқчи эканини айтди, зеро, агар муҳаббатга мойил бўлса, аёл иродаси фиरोқ дардига бардош бериши қийин бўлади. Бироқ гарчи тугунларни тайёрлаб кўйган бўлса-да, Яиллак хотинини ўзи билан бирга олмади ва керакли расм-удумларни адо этиб, йўлга чиқди.

Йигит кетганида жувон эшик кесакисига суяниб, ҳовлида турарди, жиққа ёш кўзларини бир зум ундан олмасди. Ҳатто эр бутунлай кўздан йўқолган бўлса ҳам у гўё қотиб қолгандай жойидан жилмади, кейин эса айрилиқ ўтига бардош беролмай, жони узилди.

Бундан дарак топган заҳоти савдогарвачча гирра изига қайтди, бироқ гамдан юрак-бағри тилка-пора бўлган хотинидан ҳаёт асарини кўрмади. Шунда ҳам, гарчи ранги оқариб кетган бўлса-да, у ҳамон гўзаллигини йўқотмаган, паришон сочлари орасидаги руҳсори эса осмондан ерга билдирмай нозил бўлган ойдан сира фарқ қилмасди. Йигит уни тиззасига олди ва шу қадар хўнграб йиғладики, гўё унинг йиғисидан чўчиб кетгандек, гам алангасида жизгинак бўлган жони жуссасини тарк этди.

Шундай қилиб, бир-бирдан айрилганига чидолмай, ёшгина эр-хотин бекорга жувонмарг бўлиб кетди. Шу боис шоҳимиз билан маликамузни айрилиқ балосидан эҳтиёт қилишимиз керак».

Юраги хавотирга тўла Руманват ҳикоясини шундай тугатди-да, жим бўлиб қолди. Битмас-туганмас матонат уммони бўлган доно Яугандҳрайан эса унга шундай деб жавоб берди: «Мен бир тўхтама келиб бўлдим. Бундай феъл-атворли подшоҳлардан бурч шуни талаб этади. Бунга мисол қилиб бир ривоят келтираман:

### ШОҲ ПУНЬАСЕН ҲИКОЯСИ

Бар замонлар Ужжайнда Пуньясен исмли шоҳ бўлар эди. Бир куни унга қудратлироқ бир шоҳ ҳужум қилди. Шунда унинг доно вазирлари душманга бас келиш қийинлигини кўриб, чор-атрофга шоҳ ўлди, деган ёлғон хабар

тарқатишди. Пунйасенни махфий жойга яшириб қўйишиб, улар бошқа бир кимнингдир жасадини ёқишди, душман томонга эса қўйидаги хабар билан чопар юборишди: «Ҳозир бизнинг подшоҳимиз йўқлиги боис сиз бизга подшоҳлик қилсангиз». Бундан суянган душман томон рози бўлиши биланоқ булар қўшинларини бир жойга тўпладилар-да, қутилмаганда ҳамла қилиб, душман қўшинларини янчиб ташладилар. Сўнг вазирлар махфий жойдан шох Пунйасенни ташқарига олиб чиқишди, узил-кесил галабага эришиб, қудратини тиклаб олгандан кейин унинг душманини қатл этишди.

Кўрдингми, подшоҳлар гоҳо қандай йўл тутишлари керак. Агар малика ёниб кетди деб ёлгон хабар тарқатсак, биз ҳам ўз бурчимизни мардонавор адо этган бўламиз».

Юраги қатъиятга тўла Яугандҳрайаннинг гапини эшитиб, Руманват деди: «Модомики сенинг қароринг шундай экан, кел, маликанинг солиҳ акаси Гўпалакни чақирайлик, уни ҳамма гапдан воқиф қилайлик-да, шунга қараб иш тутайлик». «Жуда яхши-да», — деб жавоб берди Яугандҳрайан ва унга қаттиқ ишонган Руманват ҳамкасбининг таклифини бажо этишга киришди.

Эртаси куни ҳар иккала вазир бир кўришмоқ баҳонаси билан Гўпалакни хузурларига чорлаб, чопар юборишди. Вазият тақозоси билан Каушамбидан яқинда кетган бўлишига қарамай, чопарнинг илтимоси билан Гўпалак яна бу ерга ташриф буюрди, унинг ташрифи байрам сифатида қарши олинди.

Ўша куни Гўпалак пайдо бўлиши ҳамон унинг розилиги билан Яугандҳрайан уни Руманват билан биргаликда ўз уйига олиб келди. У ерда у аввалдан ўйлаб юрган ва Руманват билан келишиб олган ишлар ҳақида унга сўзлаб берди. Шоҳга яхшилик қилиш ниятида Гўпалак ҳам Яугандҳрайаннинг фикрига қўшилди, ҳолбуки Яугандҳрайан ҳам унинг синглизига зимдан жон куйдириб юрар эди, зеро, яхшилар қандай маслаҳат беришса, шундай йўл тутиш лозим.

«Ҳаммаси жуда яхши ўйланган. Бироқ маликанинг ёниб кетганини эшитиб, ватслар шоҳи ҳаёт билан видолашиши ҳеч гап эмас. Биз шундай бўлишидан уни сақлаб қолмоғимиз керак. Зеро, муваффақиятга эришиш, айниқса, энг кўпроқ ниямининг ташвишини қилиш учун барча зарурий вოსиталар мавжуд бўлганда, — бу эса бошга тушган тасодифий мусибатни баргараф этишдир», — деди яна ҳадик билан Руманват ва аҳволни ҳамма томонлама чуқур ўйлаб кўрган Яугандҳрайан унга шундай деб жавоб қилди: «Бу ёғидан ташвиш қилмаса бўлади, ахир ёш маликалар кимсан Гўпалакнинг сингиллари бўлади-я, сингиллари ул зотга жонларидан ҳам азиз. Шу боис, Удаян Гўпалакнинг парвои фалаклизини кўрганда малика тирик бўлса керак, деб ўйлаши ва ўзини йўқотмаслиги мумкин. Руҳи тушмагандан кейин у Падмаватийга уйланишга қаршилиқ кўрсатмайди, шунда Васавдатнинг яна пайдо бўлиши ҳам анча осонлашади».

Ҳар жиҳатини ўйлаб кўриб, Яугандҳрайан, Гўпалак ва Руманват охири мана бундай режа тузишди: «Бирон-бир баҳона топиб, бизлар шоҳ ва малика билан бирга Лавнакка жўнаймиз, зеро, бу ер чегара вилояти бўлиб, Могадҳга яқин жойда жойлашган. У ерда шикорбоп ажойиб жойлар бор ва шоҳ кўпинча шикор билан андармон бўлиб юради. Маликани эса олиб кетамиз-да, биронта баҳона топиб, уни саройга Падмаватийнинг олдига жойлаштирамиз. Токи Васавдатта яшириниб ётганида Падмаватий унинг олийжаноблигини ўз кўзи билан кўриб олсин».

Улар биргаликда тунда ана шундай режа тузиб олишди, эртаси куни эса Яугандҳрайан бошчилигида саройда ҳозир бўлишди. У ерда Руманват ватслар шоҳига қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: «Шоҳим, Лавнакка йўл олсак жуда соз бўлар эди, бу гоьтда ажойиб жой, у ерда шикорбоп ерлар мўл ва ҳамма жойда маза қилиб шимадиган шакарқамишлар ўсади. Бунинг устига Лавнакка яқин бўлганидан Могадҳ ҳукмдори дам-бадам ўша ерга бориб туради. Шу боис ҳам уни ҳимоя қилиш, ҳам истироҳат учун Лавнакка жўнаш маъқул бўлар эди».

Бунинг эшитиб, ватслар шоҳи азбаройи кайф-сафога ўчлигидан Васавдатта билан биргаликда Лавнакка жўнашга қарор қилди.

Эртаси куни сафар тайин қилиниб, жўнаш учун қулай фурсатни пойлаб туришганида ҳукмдор хузурига қутилмаганда донишманд Норад ташриф буюриб қолди. Осмондан нозил бўлиб, у ўзининг тажаллийси билан чор атрофни мунаввар қилиб юборди ва бамисоли ҳешу ақроболарига муҳаббати туфайли

ерга нозил бўлган тўлинойдек ҳозир бўлганларнинг кўзларини севинч ёшларига тўлдирди. Муносиб тарзда қутиб олгани учун муҳтарам донишманд қаршисида етти букилиб тиз чўккан шоҳга жаннат дарахти Парижат гулларидан гулчамбар тақди. Уни чуқур эҳтиром билан муборакбод этган Васавдатгани эса ажойиб қаромат билан мамнун этди, яъни у видийадҳарлар ҳукмдори бўладиган ва тангри Комнинг ердаги тажассумини ўзида намоён этадиган ўғил фарзанд кўражагини айтди.

Сўнг у ёнида Яугандҳйаран турган Удаянга мурожаат қилди: «Гапимга қулоқ сол, эй шоҳ, хотининг Васавдаттага кўзим тушиши ҳамон бир нарсани эсладим. Бир замонлар ер юзида сенинг ажлодларинг — Юлдҳиштр ва укалари яшар эди. Бешала ака-уканинг хотини Драупадий бўлгувчи эди. Васавдатта каби бутун сарзаминда гўзалликда унга тенг келадигани топилмасди, унга кўз-пўз тегишидан хавотирланиб, ўшанда ака-укаларга қараб шундай дегандим: «Уйланганларингда жанжаллашиб қолишдан эҳтиёт бўлинглар, зеро, етти офатдан бири мана шунақа жанжал бўлади. Сизларга насиҳат тариқасида бир ривоят сўзлаб берай, сизлар эшитинглар:

### СУНД ВА УНСУНД ҲИКОЯСИ

Сунд ва Унсунд деган икки асур ака-ука бўлар эди, ҳар учала оламда уларнинг курагини ерга теккизадиган мард йўқ эди, бинобарин улар шону шавкатда ҳаммадан юқори турар эдилар. Уларни йўқ қилиш ниятида Браҳма Вишвкармана илоҳий фаришта Тилўттамани яратишни амр қилди. Унинг гўзаллигини назардан қочирмаслик учун таомил бўйича фаришта уни чапдан ўнгга қараб айланиб ўтаётганда, Вишвкарман тўрт рухсорли Шарвга айланди ва оламнинг ҳар тўрттала томонини баб-баравар кўриб тура оларди. Браҳма амри бўйича Тилўттама Сунд ва Унсундни улар яшаётган Кайлас тоғидаги боққа авраб олиб кириши учун юборган эди. Фаришта яқинлашиши ҳамон ҳар иккала асур уни пайқаб қолди ва ишқ оташида ақлларидан жудо бўлиб, соҳибжамолнинг қўлларидан тутишди. Ўзаро келишолмай жанжал кўтариб, улар фариштани икки томонга қараб торта бошлашди ва кўп ўтмай бир-бири билан жангга киришиб, иккови ҳам нобуд бўлди.

Энди ўзингиз айтинг: аёлларга ўчлик кимнинг бошига мусибат келтирмаган? Сизлар эса, нафсиламрига, бу ерда кўпчиликсиз, хотинларингиз эса битта — Драупадий. Шу боис сизларга айтадиган гапим шу, уни деб бир-бирингизнинг кўнглингизни оғритманг, сизлар, менинг гапимга кириб, битта қондага риюя қилинглр: агар Драупадий энг тўнғичингизга келса, кичиклар уни онадай эъзоласинлар, агар у энг кенжангизга келса, катталар унга келин деб қарасинлар».

Ажлодларинг, эй шоҳ, маслаҳатимга кирдилар ва ўз зехну заковатларини кўпчиликнинг фаровонлигига қаратдилар. Улар менинг дўстларим бўлиб қолдилар. Азбаройи уларга муҳаббатим кучлилигидан сизлар билан кўришгани бу ерга келдим, эй ватслар ҳукмдори! Шу боис сенга айтадиган икки оғиз гапим бор, сен қулоқ сол.

Улар менинг маслаҳатимга кирганлари каби сен ҳам ўз вазирларинг маслаҳатларига риюя қил. Шунда кўп ўтмай сенга буюк омад ёр бўлғай. Бироқ оз вақт бошингга мусибат тушади. Аммо сен бундан ортиқча изтироб чекиб юрма, зеро, ҳаммаси кўнгилдагидек анжом топғай».

Ҳаққоний қаромат санъатида беназир донишманд Норад шу тариқа ватслар шоҳига истиқболдан, саодатли равақдан дарак берди-да, кўздан ғойиб бўлди. Шунда Яугандҳрайан бошчилигидаги барча вазирлар ушбу донишмандлар аълосининг сўзларидан режалари рўёбга чиқишига юз фоиз амин бўлиб, уни ижро этишга энг шимариб киришиб кетишди.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Лавнак» китобининг биринчи долғаси ана шулардан иборат.

### ИККИНЧИ ДОЛҒА

Орадан бирмунча вақт ўтгач, олдин тилга олиб ўтилган баҳона билан Яугандҳрайан ва ёрдамчилари ватслар шоҳи ва унинг хотини билан биргаликда

қайдасан Лавнак деб йўлга тушдилар. Шоҳ шаҳарга яқинлашганда чор-атрофни тўлдириб турган қўшинлар шовқинида гўё вазирлар режалари муваффақиятидан каромат эшитилгандай бўлди. Удаян ва ақорибларининг Лавнакка етиб келганларидан воқиф бўлиб, Могадх ҳукмдори душман ҳамласига йўлиқибмизда, дея даҳшатдан титраб кетди. Ақлли одам эмасми, дарҳол Яугандхрайанга чопар юборди, тажрибали ва ўзининг вазирлик бурчини яхши биладиган Яугандхрайан эса у билан очиқ чеҳралик ила муомала қилди.

Бу ёқда Лавнакда жойлашиб олган ватслар ҳумдори шикорбозликка берилиб, ҳар куни ўрмонда узоқ-узоқ ов овлар эди. Бир куни шоҳ шикорга йўл олганида ҳамма гапни Гўпалак билан бир жойга қўйиб олган доно Яугандхрайан Румантак ва Васантак билан бирга билдирмай малика Васавдатта ҳузурига келди. У маликани ақаси унга олдиндан айтиб қўйган ишда ёрдам беришига базўр кўндирди. Гарчанд айрилиқ азобини тортишига тўғри келса ҳам малика ўзини қурбон қилишга рози бўлди. Дарҳақиқат, агар эрига вафодор бўлса, тагли-тахтли хотинлар ҳар нарсага чидашга тайёр!

Шунда донишманд Яугандхрайан одамнинг ташқи кўринишини ўзгартирадиган афсунни ўқиди ва маликани браҳман хотинга айлантириб қўйди. Васантакни бир кўзи кўр ўсмир браҳман қилди, улардан кейин ўзи ҳам кекса браҳман қиёфасига кирди. Сўнг бир қарашда таниб бўлмайдиган маликани етаклади-да, Васантакни ёнига олиб, бу буюк маҳорат соҳиби олдиндан келишилганидек, Могадхга қараб равона бўлди. Шундай қилиб, Васавдатта уйдан қаниб кетди ва унга олдиндан айтиб қўйилган йўлдан равона бўлди, ҳолбуки у эри билан айро тушишни хаёлига ҳам келтиролмасди.

Шу вақтнинг ўзида Руманват унинг саройига ўт қўйиб юборди ва ўша заҳоти дод-фарёд янгради, «Бу қандай мусибат! Малика билан Васантак ёниб кетди!» Олов ва қичқириқлар баравар ҳавога кўтарилди. Бироқ олов тезгина сўнди-ю, оҳ-воҳлар ҳамон тинмаётган эди.

Бу орада Яугандхрайан Васавдатта ва Васантак билан биргаликда Могадх шоҳи пойтахтига етиб келди. У ерда малика Падмаватийнинг боққа чиқиб келганини кўриб, Яугандрайан ҳамроҳлари билан биргаликда, посбонлар уларни тутиб олишга ҳаракат қилишганига қарамай, унинг истиқболига ошиқди. Падмаватий браҳман қиёфасига кириб олган илоҳий Васавдаттани кўриши билан бир қарашдаёқ юрагида унга нисбатан меҳр туйғусини ҳис этди. Посбонларни ҳайдаб юборди-да, шоҳ қизи браҳман кийимидаги Яугандхрайанни ўзи томон чорлади. «Муҳтарам браҳман, — деди шоҳ қизи, — ёнинггаги қиз ким? Унинг бу ерга келишидан муроди не?» Яугандхрайан эса шундай жавоб қилди: «Бу, маликам, менинг қизим Авантика бўлади. Ярамас эри уни ташлаб, аллақачон гумдон бўлди. Шу боис мен уни сенинг ихтиёринга топшироқчи бўлиб келдим, мен эса, эй муборак зот, унинг эрини қидириб топиб, тезроқ бу ерга олиб келгани кетмоқчиман. Йўқ демасангиз, мана бу бир кўзи сўқир бола, унинг уқасини ҳам қўшиб олинг, бўлмаса қизим ёлғизликда зерикиб қолиши мумкин». Доно вазир шу гапларни айтди ва малика розилик билдиргандан кейин у билан хайрлашди-да, дарҳол Лавнакка қайтди.

Меҳмондорчиликни иложи борича ўрнига қўйишга интилиб, оққўнгил Падмаватий уникида Авантика исми билан қолган Васавдаттани, шунингдек бир кўзи бола қиёфасидаги Васантакни ўз саройида жойлаштириб, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Васавдатта саройда яшай бошлагач, унинг саройи деворларида Рам ҳаётидан олиб чекилган лавҳаларни ва ундаги Ситабону тасвирларини томоша қилиб, ўз бошига тушган гамларга бардош беришни ўргана бошлади. Падмаватий ҳам Васавдаттанинг ташқи кўринишига, унинг сарв қоматига, ухлаганда ва овқатлангандаги нозик хатти-ҳаракатларига, унинг танасидан анқиган мовий нилуфар бўйига ўхшаш муаттар бўйларга қараб туриб шу нарсани фаҳмладикки, унинг ёнидаги аёл оддий аёл эмас ва унга унинг ўзи фойдаланадиган барча ҳашаму хизматларга кенг йўл очиб берди. Кейин ўзича шундай тўхтамга келди: «Аслида бу қиз менинг уйимда яшириниб ётибди. Ахир Драупадий ҳам Вират шоҳи уйида яширинмаганми?»

Бир куни Васавдатта азбаройи маликага меҳри тошганидан унга сўлмайдиган гуллардан гулчамбар ясаб берди ва ўчмайдиган бўёқлардан унинг манглайига чиройли хол суриб қўйди, бундай ҳунарни ўз вақтида унга ватслар шоҳи



ўргатганди. Падмаватийнинг онаси қиздаги бу безакларга кўзи тушиб, хилватда ундан сўради: «Бу гулчамбару холни сенга ким қилиб берди?» Бунга жавобан Падмаватий деди: «Менинг уйимда Авантика исмли бир қиз туради. Буларни ўша қилиб берди». Буни эшитиб, онаси деди: «Ундай ҳолда, қизим, у оддий бандардан эмас экан, қандайдир маъбуда экан, йўқса унинг кўлидан бундай хунарлар келмас эди. Чунки маъбудлар ва авлиё донишмандлар кўпинча яхши одамларнинг уйига кўниб, уларни йўлдан урадилар. Мен сенга битта ривоят айтиб берай, сен қулоқ сол.

## КУНТИЙ ҲИКОЯСИ

Кунтибхўж деган бир шоҳ бўлар эди. Кунларнинг бирида уникага Дурвасас деган донишманд келиб кўнди. Унинг биргина камчилиги бор эди — одамларни йўлдан уришга ишқибоз эди. Шоҳ донишмандга гамхўрлик қилишни қизи Кунтийга топширди ва қизгина оёғи олти, қўли етти бўлиб хизматга шўнғиб кетди. Бир куни шу донишманд Кунтийни синаш учун унга деди: «Мен гусл қилгани бораман, уйда сен ширгуруч пишириб қўй ва келганимда ейман», Шундай деб донишманд апил-тапил чўмилиб олди-да, келиб дастурхонга ўлтирди, зеро, бунгача Кунтий овқат солинган товоқчани дастурхонда муҳайё қилиб қўйганди. Овқат иссиқ бўлганидан буғ бурқсиб турар ва идишни кўлда ушлаб бўлмасди. Буни кўриб, донишманд Кунтийга унинг елкасини имлаб кўрсатди. Қиз унинг имосини англаб, товоқни елкасига қўйиб олди. Донишманд-ку овқатни бемалол туширди, бироқ Кунтий елкасини куйдириб олгани қолди; елкаси куйиб, қаттиқ оғриганида ҳам у қилт этмади. Бундан мамнун бўлган донишманд овқатни еб бўлгач, яхши дуолар билан уни сарафроз қилди.

Дурвасас Кунтибхўжнигида ана шундай яшарди, менинг назаримда Авантика ҳам сеникида бежиз тургани йўқ. Шунинг учун унга иложи борича яхши муомала қил».

Онасидан бу ривоятни эшитиб, Падмаватий зот-зурёди ва ўй-ниятни номаълум бўлиб турган Васавдатнинг кўнглини олишга янада астойдил киришди. Бироқ эрининг фиоғида Васавдатта худди ярим тундаги нилуфардай тобора ранги қочиб, сўлиб борарди. Фақат Всантакнинг болаларга хос шўхчан қилиқларигина аҳён-аҳёнда унинг ҳижрондан сарғайган юзида хира табассум пайдо қилар эди.

Бу ёқда ватслар шоҳи олисдаги ва узоқ чўзилган шикордан кеч оқшом Лавнакка қайтди. Келиб не кўз билан кўрсинки, ёнгиндан саройнинг ҳарам қисми кулга айланибди, вазирлар эса Васавдатта билан Васантак ёниб кетишганини хабар қилишди.

Шулар барчасидан воқиф бўлган Удаян ҳушидан айрилиб, ерга қулади ва бу беҳушлик мусибат ҳақидаги хабардан етган дастлабки зарбани енгиллаштириш учун шоҳга махсус юборилгандек эди. Бироқ орадан озгина вақт ўтиб, шоҳ ўзига келди ва қайғу унинг юрагини шу қадар ўртай бошладики, бамисоли маликани куйдириб кул қилган олов кўксидан лангиллаб турарди. Азбаройи ҳасрату дардларнинг зўридан шоҳ ўзини ўлдиришга ҳам тайёр эди, бироқ шу он миясининг бир жойида шундай фикр йилт этди: «Малика хотининг туққан ўғил фарзанд видйадҳарлар ҳукмдори бўлажак!» — ахир донишманд Норад шундай деган эди-ку! Аммо бу ёлғон бўлиши ҳам мумкин. Донишманд яна унга яқинда бошинга бир мусибат тушади деб каромат қилганди. Бунинг устига Гўпалак у қадар қаттиқ қайғу чекмаётир, Яугандҳрайан ҳам бошқалар каби ўта гуссага ботгани йўқ. Булар барчаси мени малика ҳойнаҳой тирик бўлса керак деган ўйга томон етакляпти. Вазирларим бу ерда бирон сиёсий найранг ишлатишмаганмикин? Унда мен жондан азиз ёрим билан яна дийдор кўришишим мумкин. Қани, қарай-чи, бу нима билан тугаркин». Шундай хаёллар билан шоҳ вазирлар далдаси билан ўзини тутиб олди. Гўпалак эса бетўхтов сингисига махфий чопар юборди, унга бу ёқда ишлар қандай кетаётганини айт ва кўнглини кўтар, деб қаттиқ тайинлади.

Бу орада Могадҳ шоҳи Лавнакка ўз айғоқчиларини юборди. Барча воқеалардан бохабар бўлиб, улар шоҳ ҳузурига қайтиб келишди ва билганларидан уни воқиф этишди. Уларнинг гапини диққат билан тинглаб, шоҳ айни пайт деган қарорга келди ва ватслар шоҳига қизи Падмаватийни бериш нияти борлигини

билдирди, боз устига Удаяннинг вазири ундан илгарироқ қизга оғиз солган эди. Шунда у совчи юборди, совчи унга ва шунингдек Яугандҳрайанга унинг хоҳишини етказди. Яугандҳрайаннинг маслаҳати билан Удаян ўз розилигини билдирди ва кўнглидан шундай фикрни ўтказди: «Ҳойнаҳой, малика шу боисдан ҳам яшириб қўйилгандир?!»

Шундан кейин тақдир унга кулиб боқаетганига амин бўлган Яугандҳрайан зудлик билан Могадҳ шоҳига уч чопарини юборди. «Биз сенинг илтимосингни инобатга олдик. Олти кун ўтиб, еттинчи кунни ватслар шоҳи Падмаватийга уйлангани Могадҳга йўл олади. Шундан у Васавдаттани дарҳол эсдан чиқаради», — доно вазир Могадҳ шоҳига ана шундай хабарни маълум қилди. Чопар жўнаб кетди ва тайинланган гапни эгасига етказди. Могадҳ шоҳи эса уни улуг қувонч билан қарши олди.

Сўнг Могадҳ ҳукмдори ўз хоҳишига мувофиқ ва қизига муҳаббати важдан тўйга тайёргарликларни бошлаб юборди. Муносиб куёв ҳақида хабар топган Падмаватий бахтиёр эди, Васавдатта эса бу хабарни эшитиб, чуқур қайғуга ботди. Бу янгиликдан унинг ранги шу қадар оқариб кетдики, бусиз ҳам ўзини тамом олдириб қўйганидан биров кўрса танимайдиган бир аҳволга тушиб қолганди. Фақатгина Васантакнинг: «Шу туфайли душман дўстинга айланади, эр эса барибир душманлигича қолаверади», деган сўзлари дугонасига тасалли бериб, унга матонат бағишлади. Падмаватийнинг тўйи яқинлашиб қолгани боисдан Васавдатта юрагини босиб олиб, малика учун сўлимайдиган гултож ва илоҳий гўзалликка эга манглайхол тайёрлай бошлади.

Худди айтилганидек, еттинчи кунни қўшини ва вазирлари билан биргаликда Могадҳдаги тўйга ватслар шоҳи етиб келди. Фақат шу йўл билан яна ўз суюкли ёри висолига етишишдек пинҳоний умиди бўлмаганида, хотинидан айро тушиб, у янги хотинга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаган бўларди! Қувнаб-яйраётган фуқароларнинг кўз ўнгида уни қарши олгани, худди чиқиб келаётган ой истиқболига кўтарилган уммон сингари Могадҳнинг мағрур шоҳи чиқиб келди. Шундай қилиб, ватслар шоҳи Могадҳ шоҳи доруссалтанасига оёқ босди, бутун шаҳар аҳли учун эса буюк айём бошланди. Гарчанд айрилиқ туфайли чўп-устихонга айланган бўлса-да, ўз хушрўйлиги билан қалбларни ром айловчи ватслар шоҳига у ерлик аёллар Ратисидан айрилган Смар га қарагандай қарамоқда эдилар.

Могадҳ ҳукмдорининг саройига кириб, Удаян ўша заҳоти хотин-халажлар тўлдириб ўтирган тўйхонага қараб одимлаб кетди. Тўйхона ўртасида шоҳ никоҳдан ўтишга ҳозирлаб қўйилган Падмаватийни кўрди, унинг думалоқ юзи ўз латофаги билан ўн тўрт кунлик ойни ҳам хижолатга солгудек эди. Ўзидаги каби илоҳий нафосат барқ уриб турган гулчамбари ва манглайхолини кўриб, шоҳ беихтиёр кўнглидан ўтказди: «Бу нарсалар унда қаёқдан пайдо бўлиб қолди экан?» Сўнг меҳробга чиқиб, шоҳ унинг қўлидан тутди, гўё у забт этган заминдан эҳсон қабул қилгандек! Меҳробдан кўтарилаётган дуд эса унинг нигоҳини ёш билан тўсиб қўйди, гўё Васавдаттага муҳаббати туфайли байрам тантаналарини томоша қилишга тоб-тоқати қолмагандек. Афғидан Падмаватий куёвнинг кўнглидаги пинҳоний фикрни англаб қолганди, чунки у оловни чапдан ўнгга қараб айланиб ўтаётганда газаби қўзигандек икки юзи ял-ял ёниб турарди.

Тўй тугар-тугамас ватслар ҳукмдори келиннинг қўлини қўйиб юборди, бироқ Васавдаттани бир лаҳза ҳам юрагидан чиқаргани йўқ. Сўнгра Могадҳ шоҳи унга шу қадар кўп қимматбаҳо жавоҳирот топширдик, гўё улар қазиб олинган ер ўз хазинасидан бутунлай маҳрум бўлгандек туюлиб кетди. Шу аснода Яугандҳрайан Агнини гувоҳликка чақириб, Могадҳ шоҳини Удаянга қарши ёмон фикрларга бормасликка онт ичирди. Шундан кейин тўй тантаналари узоқ давом этди, тантана давомида беҳисоб сарполару тақинчоқлар ҳадя қилинди, энг яхши қўшиқлар айтилди, ўйинчи-яллачи хотинлар чарх уриб рақс тушишди.

Эрининг масрурлигидан ич-эти ёниб, Васавдатта ўзининг борлигини билдирмасликка ҳаракат қиларди, у ўзини ухлаб ётганга солмоқда эди ва унинг гўзаллиги куппа-кундузи пайдо бўлган тароватли тўлинойга ўхшарди. Бир вақт ватслар шоҳи саройнинг аёллар турадиган қисмига йўл олди ва унинг малика билан учрашиб, барча сирни фош қилиб қўйишдан юраги така-пука бўлиб

<sup>1</sup> Р а т и ва С м а р — ҳинд шеърятда фироқ тимсоллари.

кетган доно Яугандхрайан Могадх шоҳига қараб деди: «Ватслар ҳукмдори шу бугуноқ уйингни тарк этмаса бўлмайди, ҳазратим». Могадх шоҳи бунга розилик билдиргач, у бу ҳақда ватслар шоҳини огоҳ этди ва Удаян ҳам дарҳол бу фикрни маъқул топди. Шу боис кўп ўтмай ватслар ҳукмдори ўзи билан емак-ичмак олиб, вазирлари ва хотини Падмаватий билан биргаликда йўлга тушди. Ўзининг олийшон тахтиравонини эса Падмаватий Васавдатга бўшатиб берди, унга яна хизматида бўлгани сарой мулозимларини ҳам қўшиб берди. Шу тариқа ҳеч кимнинг кўзига тушмай, Васавдат ҳам ўзи билан бошқача қиёфага кириб олган Васантакни олиб, қўшин ортидан равона бўлди.

Бирмунча вақт ўтиб, ватслар ҳукмдори Лавнакка етиб келди ва янги қайлиги билан биргаликда ўз уйига дохил бўлди, аммо фикр-зикри фақатгина ўзининг маликаи олиясида эди. Лавнакка Васавдатга ҳам етиб келди. Сарой мулозимларини қўйиб юбориб, у тунда Гўпалакнинг уйига келди. У ерда уни қувонч билан қарши олган акаси Гўпалак билан юз кўришиб, бўйнидан маҳкам қучоқлади, кўзларидан отилиб чиққан ёшларига эрк берди. Айни дамда ваъдаларига вафо қилиб, бу ерга Руманват билан биргаликда Яугандхрайан ҳам келди ва малика унга ўзига яраша иззат-икром кўрсатди. Бироқ то у Васавдатга эри билан айрилиқда торган қайгуларини енгиллаштиришга ҳаракат қилгунча сарой мулозимлари Падмаватий ҳузурига келишди ва шундай дейишди: «Бу ерга малика Авантика келиб эди. Лекин бизни жўнатиб юбориб, у негадир шаҳзода Гўпалакнинг уйига қараб кетди». Сарой мулозимлари оғзидан бу гапни эшитиб, Падмаватийнинг юраги гаш тортиди ва Удаян ҳозирлигида уларга шундай амр қилди: «Тезда Авантиканинг олдига боринглар-да, унга шундай денглар: «Сени менинг ихтиёримга топширишган. Гўпалакда қандай ишинг бор эди? Мен қаерда бўлсам, сен ҳам ўша ерда бўлишинг керак».

Шоҳ буни эшитди ва мулозимлар кетиб, Падмаватий билан танҳо қолганда ундан сўради: «Мана бу гултож билан манглайҳолни сенга ким қилиб берди?» Падмаватий жавоб берди: «Уйимизда аллақандай браҳман Авантика деган қизни қолдирган эди. Бу ўша қизнинг ажойиб санъати». Ватслар ҳукмдори унинг сўзларини эшитиб, ўйланиб қолди: «Гўпалакнинг уйига келган қиз Васавдатдан бошқа ҳеч ким эмас», – ва ўша ёққа отилди. Келиб, ичкарига кирди, эшик олдида мулозимлар кутиб туришарди, ичкарида эса малика, Гўпалак, иккала вазир ва Васантак бор эди. Шу топ у бир йўқолиб яна топилган, бамисоли аввал тутилиб, яна ўз ҳолига қайтган тўлинойдек порлаб турган Васавдаттани кўрди, гам-андух наштарлари беаёв санчилган юрагини чангаллаб, у ерга юзгубан йиқилди, бундан қаттиқ хавотирга тушган Васавдатнинг ҳам юраги ҳиққилдоғига келди. Айрилиқ изтиробларидан вужуди қилдай иккига бўлиниб қолган малика ҳам ерга кулади, қилган ишидан минг-минг пушаймонлар чекиб, ўзини қарғар ва ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди. Бу эр билан хотин дарду ҳасратлардан эзилиб шундай йиғлаб-сиқтар эдиларки, ҳатто Яугандхрайаннинг юзи кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлди. Охир бу оҳ-воҳлар узоқдан қулоғига чалинган Падмаватий ҳам бу ерга етиб келди. Удаян ва Васавдатга нима бўлганини аста-аста, битта-битта била бошлагач, у ҳам улардай қаттиқ изтиробга тушди, зеро, олийжаноб аёллар оққўнгил ва раҳмдил бўладилар. Васавдатга эса ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча нуқул бир гапни такрорлар эди: «Ўз эримнинг бошига бу мусибатларни солганимдан, кўра ўлиб қўя қолсам бўлмасми!»

«Шоҳим, булар барчасини мен қилдим, сенинг олий ҳукмдор бўлишингни ва бунинг учун Могадх шоҳи қизига уйланишингни истагандим. Маликада эса заррача гуноҳ йўқ. Гарчи кундош бўлса-да, Падмаватий Васавдатнинг узлатдаги покиза ҳаётига гувоҳдир», – ватслар шоҳига иродаси метин Яугандхрайан ана шундай деди. «Опажонимнинг покликларини исботлаш учун мен ўзимни оловга ташлашга тайёрман», – нидо солди Падмаватий рашқдан мутлақо холи бир алпозда. «Бу офатнинг бошимизга тушишида фақат мен айбдорман, мен туфайли малика кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жабру жафолар тортиди», – айбни ўз бўйнига олишга ҳаракат қиларди Удаян. «Шоҳимиз кўнглини шубҳалардан поклаш учун мен ўзимни оловга ташлашим керак», – оёқ тираб туриб олганди Васавдатга.

Шунда саховатпешалар зумрасида энг аълоси доно Яугандхрайан оғзини сувда чайди-да, юзини машриқ томон ўгириб, нидо солди: «Агар мен шоҳга яхшилик қилиш гамини еган бўлсам, агар малика бегуноҳ бўлсалар, буни

ўзингиз айтинг, эй ёруғ олам муҳофизлари. Акс ҳолда мен ўзимни ўлдираман». Шу гапларни айтиб, у жим бўлиб қолди ва шунда илоҳий садо янгради: «Яугандҳрайандай вазири аъзамнинг борлигидан нақадар бахтиёрман, эй шоҳ. Яна олдинги туғилишида маъбуда бўлган Васавдаттадай хотининг борлигидан ҳам бахтиёрсан. Унда қилча ҳам гуноҳ йўқдир».

Шу сўзларни айтиб, овоз жим бўлиб қолди. Осмони фалакнинг тўрт томонини тўлдириб янграган, ҳозиргина пайдо бўлган булут ичидан эшитилган, момақалдиरोқдай гумбурлаган бу овозни эшитиб, узоқ муддат оғир азобларни бошидан кечирган бу одамларнинг бари бамисоли товуслардай яйраб, бошларини осмонга кўтаришди. Гўпалак билан биргаликда Удаян ҳам Яугандҳрайаннинг барча амалларини астойдил қўллаб-қувватлади ва худди тушда бўлгандай энди бутун ер юзи ватслар шоҳининг амрига итоат этиб турар эди.

Енида ўзи учун Лаззат ва Бахт тажассуми бўлган икки хотини билан шоҳ буюк севинч ҳиссини туймоқда эди. Қалбидаги муҳаббат эса кундан-кун жўшиб борарди.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Лавнак» китобининг иккинчи долғаси ана шулардан иборат.

### УЧИНЧИ ДОЛҒА

Эртаси куни Васавдатта ва Падмаватий билан хилватда айшини суриб ватслар ҳукмдори ўз ҳузурига Гўпалак, Руманват, Васантак ва Яугандҳрайанни чорлади-да, биргаликда дўстона суҳбат қуришди. Суҳбатдошларининг ҳикояларини тинглаб, буюк шоҳ ўзи ҳам бир ривоятни сўзлаб берди, бу ривоят унга севгилисидан жудоликдаги изтиробларини эслатгандай бўлди:

### УРВАШИ ВА ПУРУРАВАС ҲИКОЯСИ

Пуруравас исмли бир шоҳ яшарди, у Вишнунинг энг содиқ муҳибларидан эди, худди ер каби осмони фалак ҳам унинг учун оёғи остидагидай бир гап эди. Айтишларича, бир куни у фалакдаги афсонавий Нандан боғини айланиб юриб, тангри Ком пайконидай ақлдан оздирувчи Урваши исмли фаришта — апсарага дуч келди. Унга кўзи тушиши билан апсара ақл-хушини йўқотди, бундан Рамбҳа бошчилигидаги унинг дугоналари даҳшатдан нима қилишларини билмай қолишди. Шоҳ эса фариштанинг обиҳаёт тўла жамолини кўрди-ю, дилида жўш урган ташналик ўтига бардош беролмай, у ҳам ҳушдан кетиб йиқилди. Шунда сут уммонида ястаниб ўтирган, ҳар нарсадан воқиф Ҳари уни ажзи ниёз қилгани келган донолар доноси Норадга қараб деди: «Эй илоҳий донишманд, Урваши Нандан боғида сайр қилиб юрган шоҳ Пурураваснинг юрагини ўғирлади ва шоҳ ундан жудо бўлишни ўйлашга ҳам қурби етмай, беҳуш ётибди. Шу боис, эй авлиё донишманд, зудлик билан Шатакрату ҳузурига бор ва менинг сўзларимни етказ: тезда Урвашини мана шу шоҳга никоҳлаб берсин».

«Худди айтганингиздай бўлади», — деб жавоб берди Норад Ҳарининг амрига. Дарҳол Пуруравас ҳузурига етиб келиб, уни ҳушига келтирди ва деди: «Тур ўрнингдан, эй шоҳ! Вишну мени сенинг олдинга йўлламиш, зеро ўзига содиқ бўлганни у мусибат дамларида чорасиз қолдирмагай». Шундай деб, доно Норад кўнгли тинчланган Пуруравас билан бирга маъбудлар шоҳи — Индр ҳузурига борди. У Индрга Ҳарининг сўзларини етказди ва у бажонидил Урвашини Пуруравасга никоҳлаб берди. Урвашининг эрга чиқиши маъбудлар учун қақшатқич зарба бўлди, аммо Урвашининг ўзини ўлимдан сақлаб қолди.

Шундан кейин Пуруравас хотини билан ерга нозил бўлди ва одамларнинг нигоҳи буюк мўъжизани кўриш шарафига муяссар бўлди — уларнинг қаршисида илоҳий сиймо намоён бўлган эди-да. Шундан бошлаб Урваши ва шоҳ иккаласи бир он ҳам ажрамай, умргузаронлик қила бошлашди, улар бамисоли бир-бирига тикилиб турган нигоҳлари занжири билан маҳкам боғлаб кўйилган эди.

Кунларнинг бирида момақалдироқ сийратли Индр донавлар — девлар билан жангга киришиб қолди, ёрдамга Пуруравасни чақирди ва Пуруравас осмонга йўл олди. Асурлар раҳнамози Майадҳар жангда ўлдирилгандан кейин

Шакрникида байрам бўлди, унда барча илоҳалар рақс тушдилар, Бир вақт Рамбҳа устози Тумбуру ҳозирлигида «Чалита» деб аталган рақсни ижро этаётганида Пуруравас тўсатдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. «Назаримда, ҳой банда, бу илоҳий рақс сенга танишга ўхшайди. Шундай эмасми?» — ичиқоралик билан сўради ундан Рамбҳа. «Урваши туфайли мен, — деб жавоб берди унга Пуруравас, — ҳатто сизнинг Тумбурунгиз билмайдиган рақсни ҳам биламан». Буни эшитиб, Тумбурунинг қаҳри келди ва уни дуойибад қилди: «То Кришна шафқатига ноил бўлмагунингча сен Урваши билан айрилиқ жабрини тортгайсен».

Бу тавқи лаънатни олиб, Пуруравас у ердан кетди ва Урвашига бўлган воқеани сўзлаб берди, Урваши томдан тараша тушгандай айтилган бу хабардан ларзага келди. Шундан сўнг тўсатдан осмондан шоҳнинг кўзига кўринмайдиган гандҳарвлар нозил бўлдилар-да, Урвашини ўғирлаб, аллақасққа олиб кетдилар. Бунга дуойибад сабабчи эканини билиб, Пуруравас Вишнунинг Ҳимолайдаги қароргоҳи Бадрикка йўл олди ва Ҳари, яъни Кришна кўнглига йўл топиш учун тавба-тазарруга берилди. Урваши эса гандҳарвлар юртида қолиб кетди, ҳижрон азобига чидолмай, у ўликка ё ухлаётган одамга ўхшаб чўзилиб ётарди ёки мато юзига чизилган сувратга ўхшарди. Дарҳақиқат, унинг жон бермай ётиши ўзи бир мўъжиза эди. Дуойибад муддати ўтиб кетишига бўлган биргина умид уни ушлаб турарди, айрилиқнинг узоқ тунлари давомида ҳам умид чакравак қушини ана шундай тутиб туради.

Бу орада Пуруравас тавба-тазарру ва риёзатлар билан Ачют — тангри Кришна мурувватига ноил бўлди ва унинг марҳамати билан гандҳарвлар Урвашини шоҳга қайтиб беришди. Дуойибад муддати ўтгач, шоҳ ҳам қайта ўз апсарасига эга бўлди, гарчи заминда истиқомат қилса-да, у Урваши билан биргаликда фалак ҳаловатларидан масту мустағриқ эди.

Ушбу ривоятни сўзлаб бўлиб, шоҳ сукут қилди, Васавдатга эса Урвашининг вафодорлигини эшитиб, хижолат тортди, чунки Урваши айрилиқ азобларига бардош берган эди-да. Шунда шоҳнинг шамаси малика кўнглига оғир ботганини сезган Яугандҳрайан шоҳни ҳам бир хижолатга солиб қўйиш ниятида деди: «Агар эшитмаган бўлсангиз, шоҳим, қулоқ солинг, мен сизга бир ривоятни сўзлаб берай:

## ВИХИТСЕН ВА ТЕЖОВАТИЙ ҲИКОЯСИ

Ер юзиде Тимир номли бир шаҳар бор, у Шрининг масканидир. Шу шаҳарда Вихитсен исмли машҳур шоҳ яшарди ва унинг Тежоватий исмли, одамлар орасидаги апсара хотини бор эди. Шоҳнинг дунёга келишдан мақсади ҳам биргина шу хотиннинг қучоқларида ҳузурланиш эди ва жон-жаҳди билан унга интилар экан, шоҳ бирон-бир нарсанинг, ҳаттоки баданидаги зирҳнинг ҳам ҳалақит беришига бир лаҳза чидай олмас эди. Бир куни шоҳ касал бўлиб қолди — у тинкани қуритувчи безгақдан адойи тамом бўлди ва табиблар унга маликага дахл қилишни тақққлаб қўйдилар. Шунда хотинининг муҳаббатидан маҳрум бўлган шоҳ юрак дардига чалинди, унга на шифобахш гиёҳлар, на бошқа дорилар кор қилар эди. «Бу дард, — дейишди вазирга табиблар касаллик сирини ошкор қилиб, — шоҳ бир нарсдан қаттиқ қўрққанида ёки бошига ногаҳоний мусибат тушганида йўқолиши мумкин». — «Бир куни улкан бир илон унинг устига босиб тушганида ҳам қўрқмагани, душман аскарлари унинг ҳарамига бостириб кирганида ҳам пинагини бузмагани — бу матонатли шоҳни тагин нима билан қўрқитса бўлади? Йўқ, бу ерда биз нима билан ёрдам қилишни билмаймиз. Энди нима қилайлик?» — вазирлар ана шу тариқа ўзларини ўтга-чўққа ура бошлашди; бироқ малика билан маслаҳатлашиб, улар уни яшириб қўйишди, шоҳга эса бундай дейишди: «Малика ўлиб қолди». Шўрлик шоҳ бу қайгудан бутунлай ўзини йўқотиб қўйди ва касаллик унинг юрагини тарк этди. Касаллик балоси даф бўлгандан кейин вазирлар шоҳга унинг хасми ҳалол бўлган маликани қайтариб беришди ва бу билан уни янги бахт сурурига шоён муяссар этишди. Жонини омон сақлаб қолгани учун шоҳ маликадан бир умр миннатдор бўлиб, ўз донишмандлиги билан райат меҳрини қозонди; ундан ўзини яширгани учун у маликадан тирноқча газабланмади.

Зеро, ўз тан маҳрамининг бахту иқболи гамида бўлган маликагина ана шундай олий рутбага мушарраф бўлгай; эрининг шу нарсани хоҳлагани билан маликалик рутбаси қўлга кириб қолавермайди. Вазирларнинг энг биринчи

бурчи – салтанат эҳтиёжлари гамини емоқдан иборатдир, шоҳнинг хоҳишларига эрк бермоқлик эса фақатгина мулозимларнинг вазифасига киради. Шу боисдан ҳам ер юзини эгаллашимиз учун йўлимизга гов бўлиб олган Могадх шоҳи билан иттифоқ тузишга бор кучимизни ташладик. Сенга содиқлиги туфайли малика оғир айрилиқ азобига бардош бериши сабаби ҳам шунда, у шунчаки ноҳўя ишлардан ўзини тийибгина қолмай, ҳатто, эй шоҳ, сенга буюк хизмат ҳам кўрсатди».

Ўз вазири аъзами оғзидан бу ҳаққоний сўзларни эшитиб, ватслар шоҳи гуноҳини ҳис этди ва енгил нафас олди. У деди: «Мен буни биламан, бамисоли қайта тажассум топган Нитидек, сизларнинг чизигингиздан чиқмайдиган малика менга ер юзини инъом этди. Яна бир гап: агар оғзимдан билиб-билмай гапириб юборган битта-яримта бежо сўз чиқиб кетган бўлса, буни азбаройи севгимнинг буюклигидан деб билинг. Эҳтирос кўзини кўр қилган одам фаросатдан бегона бўлур».

Ватслар шоҳининг ушбу кунни ана шундай хангомаю сўхбатлар билан кечди ва шу билан бирга малика олдидаги хижолатпазлик ҳам ўтиб кетди.

Эртасига содир бўлган воқеадан хабар топган Могадх ҳукмдорининг элчиси Удаян ҳузурига келди ва унга шундай номани топширди: «Вазирларинг бизни бошлаб чув туширгани учун шундай бир иш қилишимиз керакки, токи бу олам биз учун гам-андуҳлар маскани бўлиб қолмасин». Элчининг хабаридан воқиф бўлиб, ватслар ҳукмдори унга зўр ҳурмату эҳтиромлар бажо айлаб, жавобни бизга унинг ўзи айтсин, деб Падмаватий ҳузурига қайтариб юборди. Васавдатга чин дилдан кўнгил қўйган Падмаватий эса элчини унинг кўзи олдида қабул қилди. Зеро, муҳаббат ва дўстликка вафо қилмоқ аёл учун зийнатдир.

«Қизим, сени алдабдилар, эринг бошқа аёлни севар экан. Қиз фарзанд кўришининг аччиқ мевасини тотиш пешанасига ёзилган экан!» – отасининг хабарини элчи ана шу тариқа тескари етказди. Бунга Падмаватий бундай жавоб қилди: «Дўстим, отам ва онамга менинг мана шу сўзларимни етказ: «Шунга ҳам ота гўри қозихонами! Менинг меҳрибон эрим менга эзуликдан ўзгани раво кўрмагай, малика Васавдатга эса менга сингил бўлиб келибди. Шу боис отам менинг вафодор эрим ҳақида бошқача хаёлга бориб юрмасинлар, акс ҳолда ичган онглари куйиб, менинг ҳаётим хазонга айлангусидир».

Падмаватий ана шундай муносиб жавобни бергач, Васавдатта элчини иззат-ҳурмат билан кўйиб юборди. Бироқ у кетгандан кейин ота уйидаги ўз ҳаётини ўйлаб, Падмаватий қандайдир англаб бўлмас бир гамдан эзилгандай бўлиб кетаверди. Шунда унинг кўнглини кўтармоқ ниятида Васавдатнинг илтимоси билан ҳузурига Васантак кириб келди-да, мана шу ҳикояни айтиб берди:

## СЎМПРАБҲА ВА ГУҲЧАНДР ҲИКОЯСИ

«Паталипутра деб аталган, ер юзининг ҳусни бўлган бир шаҳар бор. Унда Дҳармгупт деган бир бой савдогар яшар эди. Савдогарнинг Чандрирабҳа исмли хотини бор эди. Бир кун у ҳомиладор бўлди ва ой деса юзи, кун деса кўзи бор бир қизалоқ туғди. Онасининг қорнидан тушибоқ, ўзининг ҳусни таважжуҳи билан бутун хонадонни чароғон қилиб юборди ва ўрнидан туриб ўтирди-да, бурро-бурро гапира кетди. Буни кўрган доя хотинлар саросима ва кўркүвдан нақ юраклари ёрилаёзди, янги туғилган чақалоқ қизнинг олдида Дҳармгуптнинг ўзи келишга мажбур бўлди. У қизалоқ узра аста энгашиди-да, паст овозда, шивирлаб сўради: «Кимсан, эй фаришта қиз, менинг хонадонимга нега нозил бўлдинг?» Чақалоқ эса шундай деб жавоб берди: «Ҳеч бир ҳолда ҳам мени ҳеч кимга эрга берманг. Уйингизда қолиб, мен сизга ажойиб бахт ато этгайман. Бошқа гапнинг нима кераги бор, отажон!» Унинг жавобини эшитиб, кўрқиб кетган Дҳармгупт ҳеч кимга билдирмай уни ўз уйида қолдирди, элга эса қизим ўлиб қолди деб эълон қилди. Сўмпрабҳа деб исм қўйилган бу қизалоқ аста-секин вояга ета бошлади, қалди-басти билан оддий банда бўлса, ҳусни таровати билан самовий илоҳанинг ўзи эди.

Бир кун қизалоқ уйлари томида ўтириб олиб, баҳор байрамидан завқланар экан, унга Гуҳчандр исмли бир савдогар йигитнинг кўзи тушиб қолди. Ишқ маъбудининг пайкони каби қиз ўша заҳоти йигитнинг қалбига ёриб кирди ва

сал бўлмаса ҳушдан кетаёзиб, йигит базўр уйига етиб келди. Шундан кейин у ишқ дардидан азоб чека бошлади ва унинг нимадан қийналаётганини сўрайвериб ҳол-жонига қўйишавермагач, йигит дўстини чақирди-да, ҳамма гапни ота-онамга айтиб бер, деб илтимос қилди. Отасининг исми Гуҳсен эди, у азбаройи ўглини яхши кўрганидан савдогар Дҳармгуптнинг уйига борди-да, ундан қизининг қўлини сўради. Бироқ Дҳармгупт унинг совчилик илтимосини рад этиб, шундай деди: «Нима деяпсан! Қизимнинг ақли жойида эмас-ку». Гуҳсен рад этиш учун ота жўрттага баҳона қилганини англади-да, мулзам бўлиб уйига қайтди. Бироқ ўглининг ишқ дардида ранглари сўлгинлашиб, ўзини бутунлай олдириб қўйганини кўрдию, ўйлай бошлади: «Шоҳга бориб айтсам-чи, ахир бир вақтлар унга хизмат қилган эдим. Қизни ўғлимга олиб беришга шоҳнинг ўзи мажбур қилмаса бўлмайди, ўғлим усиз бекорга ўлиб кетади».

Шундай қарорга келиб, савдогар саройга борди, шоҳга ажойиб қимматбаҳо тош ҳадя қилди ва ўз хожасига не муродда келганини баён этди. Унинг ўзига ихлосини кўриб, шоҳ унга ёрдам кўрсатгани доругасини кўшиб берди ва Гуҳсен у билан Дҳармгуптнинг уйига йўл олди.

Мулозимлар чор атрофдан уйини ўраб олганини кўриб, Дҳармгупт тамом бўлдим деб ўйлади. Шунда Сўмпрабҳа отасига қараб деди: «Мен туфайли мусибатга қолмаслигингиз учун, майли, отажон, мени шу йигитга эрга беринг. Бироқ бўлажак қариндошларингиз сизга эримнинг мен билан ҳаргиз тўшақда бирга ётмаслиги учун онт ичиб, сўз беришсин». Қизининг гапини эшитиб, Дҳармгупт уни эрга беришга рози бўлди, лекин эр у билан тўшақда бирга ётмасин, деб шарт қўйди. Бу гапни эшитиб, Гуҳсен қулиб юборди ва шартни қабул қилди. «Аввал тўй қилиб, келинни тушириб олаверайлик-чи, у ёғи бир гап бўлар», деб ўйлади у.

Тўй ҳам бўлиб ўтди, Гуҳсеннинг ўғли Гуҳчандр Сўмпрабҳа билан никоҳдан ўтиб, уни уйига олиб келди. Кечқурун отаси унга қараб деди: «Ўғлим, хотинингни гўшангага олиб кир. Ўз хотинидан ким бошқа тўшақда ётибди!» Сўмпрабҳа бу гапни эшитиб, қайночасига ўқрайиб қараб қўйди ва бармоғи билан дўқ урди, шугина ишора Ям<sup>1</sup> нинг амри фармони эди. Савдогарнинг кўзи қизнинг бармоғига тушган заҳоти ёруғ дунё билан видолашиб қўя қолди, яқин-атрофда турган одамлар даҳшат ичида қотиб қолишди.

Отасининг ўлиб қолганини кўриб, Гуҳчандр ўйлади: «Уйимга келин қилиб, соҳибжамол қизни эмас, вабо маъбуди Марини туширган эканман». Шу ондан Гуҳсен хотинига яқинлашишга ҳаракат қилмай қўйди, ҳолбуки қиз унинг уйида истиқомат қиларди, бу «қиличнинг тиғи»<sup>2</sup> га ўхшаган онтнинг ўзгинаси эди. Шу онтга риоя қилар экан, ғам-андуддан адойи тамом бўлган ва ҳаётдаги барча шодликлардан этак силкиган куёв бола ҳар куни браҳманларга таом тортар эди. Хотини эса илоҳий жилва ила гул-гул очилганча сукут сақлаган қўйи ҳар гал браҳманларга тортиқлар улашар эди.

Кунларнинг бирида гўзаллиги билан олам аҳлини тонг қолдирувчи Сўмпрабҳа овқат тановул этгани Гуҳчандрниқига қадам ранжида қилган бир кекса браҳманни кўрди. Ҳайратдан оғзи очилиб, браҳман аста куёвдан сўради: «Уйингдаги анови қиз ким? Айтиб бер-чи». Сўрайвериб ҳеч қўймагандан кейин юраги дарду ҳасратга тўлган Гуҳчандр ноилож бўлган воқеаларни битта қўймай сўзлаб берди. Браҳманлар ичида яхши ном орттирган мана бу меҳмон барча гапдан хабар топгач, азбаройи ҳамдардлик ила Гуҳчандрга маъбуд Агнининг кўнглига йўл топиш ва шу орқали ўз муродига етишишга ёрдам берувчи дуони ўргатди.

Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин бир хилват жойга бориб, Гуҳчандр ҳалиги дуони ўқиди ва бир вақт шундоқ рўпарасида оловга чулганган одамни кўрди. Бу браҳман қиёфасидаги маъбуд Агни эди ва Гуҳчандр ўзини унинг оёғига ташлади, шунда Агни деди: «Бугун сеникида овқатланаман-да, бир тун шу ерда қоламан. Ҳақиқатни билганимдан кейин эса сен истаган нарсани бажо этурман». Шу сўзларни айтиб, у Гуҳчандрнинг уйига кирди. У бошқа браҳманларга қўшилиб, таомлардан тановул қилди, кечқурун эса тун бўйи

<sup>1</sup> Я м — ажал фаришгаси Азроил.

<sup>2</sup> Келин билан тўшақда ётмаслик онти бўлса керак.

бедор ўтириб чиқиш учун Гуҳчандрнинг гўшангаси ёнгинасидан жой олди. Туннинг аввалидаёқ ҳамма бир уйқуни урганда Гуҳчандрнинг хотини Сўмпрабҳа уйдан чиқиб кетди. Шу заҳоти браҳман Гуҳчандрни уйғотди ва унга деди: «Юр, борайлик-чи, хотининг нима қилар экан». Сеҳр кучи билан ўзи ва Гуҳчандрни иккита асаларига айлантирди-да, ташқарига чиқишди, сал нарига бориб-бормай, у Гуҳчандрга уйдан узоқлашиб кетаётган Сўмпрабҳани кўрсатди. Соҳибжамол қиз шаҳардан анча узоқлашиб кетди, Гуҳчандр эса браҳман билан бирга унинг изидан бораверди.

Шаҳардан анча йироқлашгач, Гуҳчандр қалин ва соядор шохлари тарвақайлаган улкан бир дарахтни кўрди. Унинг тагида илоҳий мусиқа янграр ва унга уд ва най овозлари жўрлигидаги бир қўшиқ эш бўлмоқда эди. Дарахт шохлари орасида Гуҳчандр тахтда ўтирган илоҳий қиёфадаги бир қизни кўрди. Унинг гўзаллиги бамисоли хотини Сўмапрабҳанинг гўзаллигидан қолишмас, осмондаги тўлин ойни уялтиргудек эди. Унинг атрофида оқ елпигичлар чайқалиб ҳилпираб ва ўзи ой хазинабони бўлмиш маъбудадан сира фарқ қилмасди. Кейин Гуҳчандр хотинининг дарахтга чиққанини, тахтда қиз билан ёнма-ён ўтириб олганини кўрди. Бир-бири билан дийдор кўришган икки соҳибжамол илоҳий қизни бутун томоша қилган вақти давомида улар унга тунни бирваракайига учта ой ёритиб тургандек туюлди. Ҳайрат ичида у ўйларди: «Бу тушимми ё ўнгимми? Йўқ, униси ҳам эмас, буниси ҳам. Бу донишманд билан учрашув гулгунчаси ичидан чиқиб, аёло хулку атвор дарахтига келиб қўнган ва барқ уриб очилган гуллардир. Бу дарахт мени муносиб мевалари билан сарафроз этгай».

У шуларни кўнглидан ўтказар экан, у ёқда қизлар ўзларига мос таомлардан тановул қилдилар ва илоҳий шаробдан нўш этдилар. Кейин Гуҳчандрнинг хотини деди: «Бугун, сингилжон, уйимизга муқаддас ёғду билан қуршалган бир браҳман қадам ранжида қилди. Шу боис кўнглимда гашлик – нимадир бўладигандай. Бўпти, энди мен борай». Шундай қилиб, Гуҳчандрнинг қайлиги ҳалиги қиз билан хайр-хўш қилди-да, дарахтдан тушди. Буни кўриб, асаларига айланган браҳман ва Гуҳчандр тун қоронгулигида ундан илгарилаб кетишди ва уйга биринчи бўлиб етиб келишди. Кўп ўтмай улардан кейин уйга Гуҳчандрнинг хотини кириб келди ва ҳеч кимга билдирмай хобгоҳига яширинди.

Шунда браҳман жимликни бузди ва Гуҳчандрга қараб деди: «Хотинингнинг илоҳий табиатли эканини, одамзод наслдан эмаслигини ўз кўзинг билан кўрдинг. Бугун сен ундан қош-кўзни олгандай ўхшаш сингисини ҳам кўрдинг. Илоҳий зотнинг оддий бандадан севги умидвор бўлиши зарур келибдими? Лекин муддаога етишинг учун мен сенга бир афсун ўргатаман, сен бу афсунни уйингдаги эшикларга битиб қўйишинг керак бўлади, унинг кучлироқ таъсир кўрсатиши учун эса яна бир воситани айтаман. Олов ўз-ўзидан алангланиб ёнади, борди-ю шамол уни елписи, у яна ҳам кучлироқ ёнади. Афсун ҳам шундай: у ўзи фойда келтиради, аммо уни яна бирон нарса билан мустаҳкамласа, яна яхши». Шу гапларни айтиб, браҳманлар ичида мақтовга сазовори Гуҳчандрга афсун ўргатди, муваффақиятга эришиши учун яна аллақандай воситани ҳам тушунтириб қўйди, кейин эса, тонг отгач, гойиб бўлди.

Гуҳчандр бу афсунни хотинининг хобгоҳи эшигига ёзиб қўйди ва шундан кейин унинг муҳаббатини қозониш учун кечқурун бир ҳийла ишлатди. Ўзининг энг башанг кийимларини кийиб олди-да, хотинининг кўзи олдида бир гўзал аёл билан айланиб юриб, суҳбатлаша бошлади. Илоҳий қиз буни кўрди-ю, юрагида рашк тугён уриб, эрини қақирди – афсуннинг шарофати билан у Сўмпрабҳанинг овозини биринчи марта эшитиб туриши эди – ва қиз сўради: «Ким бу?» – «Бу бир соҳибжамол аёл. У мени севиб қолибди ва мен бугун унинг уйига бораман», – деб жавоб берди Гуҳчандр макқорона жилмайиб. Шунда қиз кўзининг қири билан эрига қараб ва чап қўли билан эгма қошлар безаб турган ой жамолидан пардани олиб ташлаб, деди: «Шунақами! Нега бунақа сатанг бўлиб олибсиз десам, гап бу ёқда экан-да. Лекин у ёққа бормайсиз, у сизга ким бўлибди! Юринг уйга, ахир мен сизнинг хотинингизман». Юрагида ишқ олови тўсатдан аланга олган қиз ана шу сўзларни айтди, вужудини титроқ босиб, бадани жимирлаб кетди. Шунда Гуҳчандр тезда уйига қайтди ва гарчанд оддий одамзод бўлса-да, шунақанги илоҳий лаззатлардан баҳраманд бўлдики, бунақасини ҳеч ким ҳеч қаерда кўрмаган.



Шундай қилиб, Гуҳчандр афсун туфайли итоаткор бўлиб қолган хотинининг муҳаббатини қозонди, хотини ҳам ўзининг илоҳий табиатидан воз кечди-да, у билан бирга ошини ошаб, ёшини яшади.

Кўрдингми, ерда туғилишга маҳкум этилган илоҳий зотлар, малоикалар гоҳ қурбонлик, гоҳ яхшиликлар қилиш билан савоб ишлардан боши чиқмайдиган одамларнинг уйларига кириб оладилар. Зеро, маъбуд ва браҳманларга сифиниш ҳақли равишда бандалар учун Орзулар сиғири<sup>1</sup> ҳисобланади. У орқали сен нималарга эришмайсан! Айниқса, муваффақиятга эришишнинг машҳур усули – «нафсни тийиш» ва ҳоказоларнинг кони фойда экани барчага маълум. Илоҳий мавжудотларнинг ерга нозил бўлиб, тубан туғилишига маҳкум бўлишларининг бирдан-бир сабаби – улар содир этган куфр ишларидир. Гулларнинг дув тўкилишига сабаб – кучли шамолдир».

Васантак шоҳ қизига шуларни ҳикоя қилиб берди, сўнг давом этиб, деди: «Энди яна битта ҳикоя тингла, буниси Аҳалиянинг бошидан ўтганларидир».

### АҲАЛИЯ ҲИКОЯСИ

Бир замонлар нима бўлганини, нима бўлаётганини ва нима бўлажагини биладиган Гаутам исмли бир буюк донишманд яшаган экан, унинг апсара – малоикалар ичида ўзининг ҳусни таважжуҳи билан ҳаммани тонг қолдирадиган Аҳалия исмли хотини бўлган экан. Кунларнинг бирида Аҳалиянинг ҳуснига шайдо бўлиб қолган Индр киши билмас шилқимлик билан суйкала бошлади. Зеро, ўз улуғлигидан маст бўлган ҳукмдорнинг ақли унга тегишли бўлмаган нарсага талпинади. Аҳалия ҳам аҳмоққина, кайф-сафони яхши кўрадиган аёл эди ва жазманининг тузоғига тезда илина қолди. Бироқ ҳар нарсани кўрмасдан билгувчи зеҳнга эга донишманд Гаутам бундан хабар топди-ю, улар учрашган жойга етиб келди. Қўрқиб кетган Индр ўша заҳоти мушукка айланди, Гаутам эса хотинидан сўради: «Ёнингдаги одам ким эди?» – «Мушукдан бошқа ҳеч ким йўқ», – жавоб берди хотини маҳаллий тилдаги икки маъноликка рия қилган ҳолда<sup>2</sup>. «Жуда тўғри айтдинг, бу мушук сенинг ўйнашинг бўлади», – кулди донишманд ва шундай бир дуойибад ўқидики, у унда ҳақиқатга мойилликни кўргани учун ҳам абадий бўлиб қолмади: «Эй хулқи бузуқ хотин, токи ўрмон кезиб юрган Рағҳу авлоди<sup>3</sup> сенга дуч келмагунча шу ерда тошга айланиб ётавер». Айни вақтда Гаутам Индрга ҳам дуойибад ўқиди: «Сен аёл кучогини жонингдан яхши кўрасан, шундай кучоқлардан мингтаси баданинга ёпишиб қолсин. Вишвакарман яратган илоҳий малоика Тилуттамни учратганингдан кейингина улар сенда мингта кўзга айлангусидир».

Дуойибадларни ўқиб, ўз хоҳишларига итоаткор донишманд риёзатига қайтди. Аҳалиянинг қисмати тошга айланишдек машғум якун топди, Индрнинг баданида эса аёл кучоқларидан бўш қолган тирноқча ҳам жой қолмади. Дарҳақиқат, чаккибосарлик кимларнинг қисматини шўр қилмаган дейсиз!

Шундай қилиб, ҳар қанақанги куфр ишнинг замирида, албатта, ярамас самара ётган бўлади. Зеро, қанақа дон эксанг, ўшанақа ҳосил йиғасан. Шу боис инсофли, диёнатли одамлар яқин кишисига зиён етказишга қодир эмаслар. Кимнинг қалби буюк, кенг бўлса, ундай одам учун муқаддас қонун белгилаб қўйилган, бу қонун – саховатбахш хулқ-атвордир.

Сиз иккаловингиз олдинги туғилишингизда опа-сингил маъбудалар эдингиз, фақат қарғиш туфайлигина ерда туғилишга маҳкум этилгансиз. Шу боис қалбларингиз рашкдан холи ва бир-бирингизга яхшилик қилиш иштиёқида ёнганингиз-ёнган.

Васантакнинг сўзларини эшитиб, Васавдатнинг ҳам, Падмаватийнинг ҳам юрагида рашк деган туйғудан ном-нишон қолмади. Малика Васавдатта Падмаватийни ўзига ўхшаб эрининг хотини дея эътироф этиб, унга гамхўрлик қилар ва ўзи қанчалик ҳаётдан лаззатланса, унга ҳам шунчалик лаззат бахш

<sup>1</sup> Орзулар сиғири – донишманд Васиштҳнинг баҳри муҳитга пишиб чиқариб олган ва ҳар қандай орзуни рўбга чиқарадиган афсонавий сиғири.

<sup>2</sup> Улар қадимги пракрит тилида гаплашганлар, унга кўра мушук (билла) сўзи яна «жазман, хуштор» деган маънони ҳам англатади.

<sup>3</sup> Шоҳ ва маъбуд Рам назарда тугилипти.

этишга ҳаракат қилар эди. Могадҳ султони Падмаватий унга юборган элчилардан маликаи олия бу қадар олижаноблик кўрсатганини билиб, ўзини бахтиёр ҳис этар эди.

Эртаси куни вазири аъзам Яугандҳрайан ватслар шоҳи ҳузурига келди ва малика ҳамда ақориблари ҳузурига унга қараб деди: «Эй жаҳоноро шоҳ, энди Каушамбига қайтиш ва мақсад қилган ишимизни бошлаш палласи етмадимкин? Гарчи биз Могадҳ ҳукмдорини алдаган бўлсак-да, ундан хавотирланишимизга ҳожат йўқдир. «Қизига уйланиш» деб аталадиган сулҳ усулини қўллаб, салтанатга ҳос донишмандлик қонунлари бўйича биз уни йўлимиздан бартараф этмадикми? У энди бизга қандай ҳамла этиши мумкин? Шундай бўлган тақдирда, у жонидан яхши кўрадиган қизининг баҳридан ўтишига тўғри келмайдими? Бунинг устига у ичган онтида собит турмоғи лозим. Аслида сиз уни алдаганингиз ҳам йўқ эди — нима қилган бўлсам, мен қилдим ва унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етган эмас. Айгоқчиларимдан шу нарсани билиб олдимки, у бизга тиш қайрамаётган экан, шунинг шарофати билан биз неча кундан бери шу ерда турибмиз».

Ўз бурчига содиқ Яугандҳрайан шу сўзларни айтиб турган бир паллада Могадҳ шоҳидан унинг қариндошларидан бири элчи бўлиб келиб қолди. Дарбон дарҳол бу хабарни ичкарига маълум қилди ва элчини шоҳ ҳузурига олиб кириш ҳақида фармон бўлди. Ватслар шоҳига таъзим бажо айлаб, элчи ўлтирди ва унга шундай пайғомни етказди: «Малика Падмаватий юборган муждадан боши осмонга етган Могадҳ султони шоҳга куйидагиларни маълум қилади: «Гапни кўпайтиришга не ҳожат: мен ҳамма гапдан воқиф бўлдим ва гоят мамнунман. Қай мақсадда бу ишни бошлаган бўлсангиз, шундай қилинг. Валлоҳи аълам биссаваб».

Ватслар шоҳи бу очиқ ва самимий айтилган гапни бамисоли Яугандҳрайаннинг ҳикмат дараҳтида қийғос очилган бир дона гулдек қарши олди. Сўнг Падмаватий билан малика Васавдатгани чорлаб, у элчига инъом-эҳсонлар топширди ва ҳурмат-иззат билан уни қўйиб юборди.

Кўп ўтмай унинг ҳузурига Чандмаҳасендан ҳам элчи келди. Уни ичкарига олиб киришганида, у шоҳга бақоюда чуқур таъзим ила салом берди-да, шундай деди: «Эй тангри ёрлақан шоҳ, ҳақиқат билимдони шоҳ Чандмаҳасен сизнинг ишларингиз ҳақида эшитдилар. Ул зот бағоят хурсандлар ва сизга ушбуларни ҳавола этмишлар: «Яугандҳрайан — сизнинг вазири аъзамингиз эканлигининг ўзиёқ ҳазратининг буюкликларидан нишонадир! Бунга қўшимча қилиб яна нимани айтиш мумкин? Васавдатганин олижаноблигига офарин ва тасаннолар бўлсин! Сизга яхшилиқ қилиш йўлида у амалга оширган ишлар ҳатто саховатпеша одамлар орасида ҳам бизнинг бошимизни мағрур кўтариб юришимизга мужиби мустадом бўлмай. Мен Падмаватийни Васавдатгадан қилча ажратгим йўқ, чунки уларнинг жисмлари бошқа-бошқа бўлгани билан юраклари — битта. Хулласи калом, ишларингизни иложи борича тезроқ анжомига етказинг».

Ватслар ҳукмдори ўз қайнотаси элчисининг гапларини эшитиб, қувончи ичига сиғмай кетди ва малоикаларга бўлган муҳаббати, вазири аъзамига бўлган ишончи яна ҳам мустаҳкамланди. Малоикалар билан биргаликда у элчига зўр ҳурмату эҳтиромлар кўрсатди ва жуда кўнгилхушликлар билан уни ватанига кузатиб қўйди. Сўнгра азбаройи сабри чидамаганидан ўз ниятларини амалга оширомоққа шошилиб, шоҳ вазирлари билан машварат ўтказди-да, Каушамбига қайтишга қарор қилди.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Лавнак» китобининг учинчи долғаси ана шулардан иборат.

## ТЎРТИНЧИ ДОЛҒА

Эртаси куни ватслар шоҳи вазирлари ва хотинлари билан Лавнақдан Каушамбига йўл олди.

Чақиндай чақнаб, унинг лашкари йўлга тушганида сув кўтарилиши пайтида баҳри муҳит қирғоқларга сиғмай тошгани каби қўшин шовқини борлиқни тўлдирди. Шоҳ соллона-соллона юриб бораётган улкан фил устида ўлтирарди, у Шарқ тоғи билан бирга осмонда юриб кетаётган қуёшга ўхшарди. Шоҳ устидаги оқ соябон муздек соя ташлаб турарди, унинг қуёш нурини тўсганидан мамнун бўлган ой эса гўё тинмай олқишлаётгандек бўларди. Шоҳнинг эғнидаги либослар

жилваси кўзни қамаштирарди, уни чор атрофдан қуршаб олган вассаллари ўртасида у сайёралар қуршовидаги Кутб юлдузини эсга соларди. Орқасидан эса филлар устида савлат тўкиб, икки малика келарди, улар ўзларининг шоҳга бўлган самимий муҳаббатлари боис Шри ва Бху<sup>1</sup> тимсоли эдилар. Шоҳ ва унинг қўшини ўтганидан ҳатто оёқ тагидаги ер ҳам севинчдан Худоба шукроналар айтарди, шамолдай учиб бораётган аргумоқларнинг учқун сачратган туёқлари қолдирган излар эса унга ишқий лаззат чоғида тирноқларнинг тирнаб қолдирган изидек туюларди.

Шоирларнинг олқишли қасидалари остида ватслар ҳукмдори ана шу тариқа олға кетиб борар эди ва бир неча кун деганда у тантаналар еру кўкни ларзага солган Каушамбига етиб келди. Узоқ айрилиқдан сўнг севикли ёрини қарши олган дилгир аёлдай, пойтахт гул-гул яшнаб эди: чўғдай қип-қизил алвон байроқлар унга бамисоли либос эди, уйларнинг доирасимон деразалари – кўз, дарвозалар ортидан териб қўйилган мусаллас тўла баланд кўзалар – гўч сийналар, ҳалойиқнинг қувончли ҳайқириғи – ишқ ноласи, саройларнинг жилваси – муҳаббатли табассумни эсга соларди.

Иккала малика ҳамроҳлигида дабдабаю асъаса билан шоҳ шаҳарга кириб келди ва бу воқеа шаҳарликларнинг хотинлари учун байрам бўлди. Ранг-баранг қилиб безатилган уйларнинг тагига чиқиб олган юзлаб ва минглаб гўзал қизларнинг чеҳралари осмонни тўсиб олган эди, бу малика гўзаллигидан мағлуб бўлган ой лашқари унга ўз эҳтиромини бажо этгани келгандай. Шоҳ ва маликалардан кўз узмай қараб турган аёлларнинг деразалар олдида қалдирғочдай тизилиб турганлари эса азбаройи ўзларини тутиб туролмай самовий араваларида бу ерга нозил бўлган фаришталару малоикаларга ўхшарди. Узун-узун киприкли кўзларини дераза панжараларига қадаб олган қизлар Ишқ тангриси пайконларидан ясалган қафасни тўлдириб тургандай гўё. Шоҳни кўришга азбаройи қаттиқ муштоқлигидан бир аёлнинг кўзлари гўё яхши кўролмаёпман деб дардини қулоққа айтмоқчи бўлгандай, нақ қулоқлари олдигача сузилиб борди. Яна бири эса ўқдай учиб келиб, шунақанги ҳансираб нафас олардики, гўё шоҳга бир бора назар солмоқ учун сийналари қўйлаги ўмизини ёриб чиққудек бўлмоқда эди. Яна бир жувон азбаройи шошганидан билагузугини синдириб олди ва мунчоқлари юрагидан отилиб чиққан севинч ёшлари каби ер билан битта бўлиб сочилди.

«Агар олов Лавнакка зиён етказгудек бўлса, қуёш ҳам ерга томон зулмат сочган бўлар эди», – деб ясама ташвиш билан гап сотар эди айрим хотинлар, Васавдатга қараб ва унинг ёниб кетгани ҳақидаги миш-мишларни эслаб. «Маликанинг кундош олдида ҳеч нима бўлмагандай бемалол ўтиришини қаранг, ё тавба. Иккаласи икки томчи сувдай ўхшаш-а!» – дея Падмаватийнинг ҳуснига ҳавас қилиб бир қиз дугонасига шипшиди. «Яхшиямки, Ҳар билан Мураий бу икки соҳибжамол ҳуснини кўришмаган, акс ҳолда улар Ума билан Шрининг гўзаллигидан бунчалик кеккаймас эдилар», – дерди яна бир жойда икки дугона бир-бирига, гўё мовий нилуфар гулчамбари отгандек, Васавдатта ва Падмаватийга ҳайрат тўла нигоҳларини ташлаб.

Шу тариқа фуқароларининг кўзларини шодлик нурларига тўлдириб, ватслар ҳукмдори маликалар билан бирга бахту иқбол муждасини олиб сарой ичкарасига қадам қўйди. Сарой таровати ҳам ушбу онда тонг палласидаги қўл тароватига ёхуд ой тулу бўлгандаги баҳри муҳит жилвасига ўхшарди.

Кўп ўтмай сарой бошдан-оёқ шоҳ иноятига маҳтал вассалларнинг совғасаломларию инъом-эҳсонларига тўлиб кетди; бу совға-саломлар, афтидан, Удаян ер юзидаги жамиқи шоҳлардан олишга муяссар бўладиган инъом-эҳсонлардан бир даракдай эди. Уз вассалларига миннатдорликлар билдириб, ватслар ҳукмдори тантанаю асъаса билан саройнинг ички хоналарига кириб борди, ҳолбуки у шу тариқа ҳар бир фуқароси қалбига аллақачон кириб бўлган эди. Рати ва Прити ўртасида ўлтирган Смар каби у иккала малика ўртасида ўлтирар экан, шоҳ куннинг қолган қисмини шаробхўрлик ва бошқа кайф-сафолар билан ўтказди.

Эртасига шоҳ вазирлари билан дарборга келганида, эшик тагидан бир браҳман қичқириб деди: «Браҳманларнинг кўрган куни кўрсин! Эй ҳукмдор,

<sup>1</sup> Ш р и – бахт маъбудаси. Б ҳ у – ер маъбудаси.

золим подачилар ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ, менинг ўғлимнинг бир оёғини чопиб ташлашди!» Буни эшитиб, шоҳ дарҳол иккита ёки учта подачини тутишни буюрди ва улар тутиб келтирилиши заҳотиёқ сўроқ бошланди. Подачилар унга мана бундай ҳикоя қилиб беришди:

«Эй тангри ёрлақан шоҳ, бизлар — подачилармиз, ўзаро бир ўйин ўйнаймиз, бу ўйин мана бундай: Орамизда Девсен деган бир подачи бор. У ўрмонда бир жой топиб олган, ўша ердаги бир тошга ўлтириб олади-да: «Мен сизнинг шохингизман!» дейди, ўша подачи бизга бошчилик қилади. Орамиздан биронтамиз унинг чизган чизигидан чиқмаймиз, шу подачи бутун ўрмонни зир титратади. Бугун эса мана бу браҳманнинг ўғли наридан ўтиб кетаётиб, подачилар шоҳини назар-писанд қилмади. Шоҳ бизга: «Бориб айтинглар, то етти букилиб тазим қилмагунча қўйиб юбормайман денглар», — деди. Лекин йигитча бизни ҳайдаб юборди ва калака қилиб кула бошлади. Шунда подачилар шоҳи одобсизлиги учун жазолашни, бир оёғини кесиб ташлашни амр этди. Биз йигитчани тутиб олдик-да, унинг бир оёғини чопиб ташладик. Биз оддий подачилар бўлсак-да, ўз хўжайинимиз амрига зид иш тута олармидик?»

Подачи ҳикоясини тугатгач, Яугандҳрайан яхшилаб ўйлаб олди-да, шоҳни бир четга тортиб, деди: «Оддий бир подачининг бундай шоҳона ҳукмлар чиқариши бежиз эмас, ҳойнаҳой у ўлтирган тош тагида бирон хазина-пазина яшириб қўйилган бўлса керак. Тезда ўша жойга борайлик».

Вазирнинг сўзини эшитиб, шоҳ подачиларга йўл кўрсатиб боришни буюрди-да, қўшини ва аёёнлари билан ўрмоннинг ҳалиги жойига борди. Ерни яхшилаб қараб чиқиб, ҳунармандлар кавлашга киришиб кетдилар ва бирдан ер остидан катталиги тоғдек келадиган якш чиқиб келди. Якш деди: «Ҳой шоҳ, мен бир замонлар сенинг ажодларинг кўмиб кетган хазинани кўриқлаяпман. Ол уни ўзингга!» Шу сўзларни айтиб ва ватслар шоҳининг таъзимини қабул айлаб, якш кўздан йўқолди, қазилган чуқурлик ичидан эса жуда катта хазина чиқди. Дуру гавҳарлар билан безатилган тахт ҳам шоҳга насиб этди. Дарҳақиқат, омад бир кулиб боқса, қайта-қайта кулиб боқаверар экан.

Шундан кейин топилган хазинани олиб ва подачиларни жазолаб, ватслар ҳукмдори байрам кайфиятида ўз доруссалтанасига қайтди. Шоҳ олиб келган, жавоҳирлари чўғдай порлаб турган олтин тахт ўз соҳибига барча етти иқлим шон-шухратидан даракдек туюлмоқда эди. Унинг ўтқир учли кумуш суянчигига садафлар шу қадар маҳорат билан қадалган эдики, кўрган одам шоҳ вазирининг донолигидан мамнун бўлиб, табассум қилиб турибди деб ўйлар эди. Шаҳар аҳли бу тахтни кўриб, ҳайқириб юборди, кўс ноғоралар гумбуради, карнаю сурнайнинг байрамона садолари ҳавони тўлдирди. Шоҳнинг бахтиёрлигига амин бўлган вазирларнинг ҳам севинчлари ичига сигмасди, зеро, ҳар бир ишнинг яхши бошланиши унинг тўла муваффақияти нишонасидир. Осмон ҳам туғ ва яловлар яллиғидан чақмоқдай чарақларди, шоҳ эса момақалдироқли булутдай ўз фуқаролари бошидан олтин тангалар жаласини ёғдирди.

Бутун кун байрам шодиёналари билан ўтди, эртасига эрталаб эса ватслар ҳукмдорининг кўнглида не гап борлигини билмоқ учун Яугандҳрайан унга қараб деди: «Олампаҳоқ, ажодларимиздан сизга мерос қолган мана бу тахтга марҳамат қилсинлар ва уни ўз салобату салоҳиятлари ила музайян айласинлар», — «Менинг ажодларим, — деб жавоб берди Удаян, — бутун дунёни буйсундириб, кейин тахтга ўлтирганлар. Ҳали лоақал мамлакатни тугал эгалламай туриб, мен унга қандай ўлтира олар эдим? Бу бепоён, қирғоқларини баҳри муҳит сувлари ювган гўзал ерни эгаллаб олганимдан кейингина ажодларимдан қолган муборак тахтга ўзимнинг шон-шавкатиму шоҳона улугворлигим билан зийнат бера оламан». Шундай деб, шоҳ тахтга минишдан бош тортди, зеро, олий насабдан таркаган инсонлар шунақа туғма ғурурга эга бўладилар.

Бундан хурсанд бўлган Яугандҳрайан шоҳга қараб деди: «Қойил, эй Тангри ярлақан ҳукмдор! Аввало Машриқ ерларини босиб олиш учун бор кучингизни сарф этинг». Буни эшитиб, шоҳ гап келганини англади-ю, ўз вазири аъзамидан сўради: «Ахир, Шимол ва яна бошқа ерлар ҳам бор-ку, нима учун шоҳлар доим аввал Шарққа қараб юрадилар?» Бунга Яугандҳрайан шундай жавоб берди: «Эй шоҳим, гарчи бой мамлакат бўлса-да, Шимолда кўшни босқинчи эллар

уни булгаб турадилар. У ерга қуёш ва бошқа ёритқич сайёралар ботгани учун ҳам гарб, яъни Мағриб у қадар эътиборга молик эмас. Жанубни эса рақшаслар ишдан чиқаришган ва у ерларда ажал гирибондан олади. Шарқда эса қуёш чиқади. Шарқда Индр хукмронлик қилади, Шарқда Ганга оқади. Шу боис ҳамма жойда Шарқ алқаб-олқишланади. Виндхйа ва Ҳималай тоғлари оралигида жойлашган ерлар ичида энг яхшилари бу Ганга ювиб турган ерлардир. Шу боис омад кетидан қувган шоҳлар аввал Шарққа келадилар ва Худолар дарёси — Ганга оққан мамлакатда ўрнашиб оладилар. Шу боис сизнинг ажодларингиз ҳам жаҳон мамлакатларини Шарқдан босиб ола бошлаганлар, пойтахт қилиб Ганга яқинидаги Ҳастинапурни танлаганлар. Шатаник эса пойтахтни Каушамбига кўчирган, бу шаҳарнинг гўзаллиги уни ўзига қаттиқ маҳлиё қилган, ердаги олий ҳокимият пойдеворини шон-шавкат ташкил этади, деб ҳисоблар эди у, қайси мамлакатда яшаганнинг эса унчалик аҳамияти йўқ».

Шу ерга келганда Яугандхрайан жим бўлиб қолди, шон-шавкатни ҳамма нарсдан аъло кўрувчи шоҳ деди: «Олий ҳокимият мамлакатнинг қаерда жойлашганига боғлиқ эмас. Зеро, мард инсонлар учун уларнинг шон-шавкати — муваффақиятнинг ягона манбаидир. Шавкатли одам бирон-бир киши ёрдамисиз бахтга мушарраф бўлувчи ягона зотдир. Бир шавкатли одам ҳақидаги ривоят ҳеч қулоғингизга чалинганми?» Шундай дея ватслар хукмдори вазирлари илтимоси билан иккала малика ҳузурда ажойиб ва ҳайратангиз ривоятни сўзлаб берди.

### ВИДУШАК ҲИКОЯСИ

«Шонли Ужжайн шаҳрида бир вақтлар Адитйасен деган шоҳ яшар эди. У мардлик тимсоли бўлиб, ёруғ оламнинг олий хукмдори эди, жанг араваси ҳеч қачон йўлдан тойилмас эди. У ҳавода кўзни олгудек оппоқ шамсиясини ёйганида бошқа шоҳлар шамсияларини йиғиштириб қўя қолар эдилар, чунки энди жазирама офтоб уларни куйдирмас эди. Унинг шамсиясига қадалган қимматбаҳо тошлар шу қадар хилма-хил ва рангдор эдики, гўё баҳри муҳит барча дарёлар келиб қуйиладиган жой бўлганидек, шамсия ҳам дунёдаги жамики қимматбаҳо тошларни ўзида мужассам этган хазина эди.

Кунларнинг бирида шу шоҳ қандайдир иш билан сафарга отланди ва қўшини билан Ганга дарёси соҳилидан сал нарига келиб кўнди. Мамлакат доманасидаги аҳоли ичидан биринчи бўлиб унинг ҳузурда Гунварман исмли аллақандай савдогар ҳозир бўлди ва шоҳга инъом қилиб, ўзи билан бирга бир хурлиқо қиз ола келди. «Бу қиз менинг хонадонимда дунёга келган. У ҳар учала оламнинг зийнатидир. Уни шоҳ бўлмаган бирон-бир одамга турмушга бериш мумкин эмас, зеро, фақат Индра ўхшаган шоҳгина унга муносиб завж бўлиши мумкин», — ўзининг эшиқбони орқали Гунварман шоҳни ана шу тариқа огоҳ этди, сўнг эса шоҳ қошида пайдо бўлди-да, етти букилиб таъзим қилди ва қизини унга кўрсатди. Қизнинг исми Тежасватий эди, унинг чехрайи тобонидан порлаган нур Ананг эҳромидаги қимматбаҳо жавоҳиротдай бутун коинотни мунаввар қилиб юборди. Қизни кўриб, шоҳнинг юраги ишқ оловида ёна бошлади, вужудини қайноқ тер қоплади, бамисоли Ком чўғлари каби қизнинг хусни таважжуҳи уни жизғин кабоб қилиб юборди. У ўша заҳоти хужастафол шоҳ саройининг маликаи улёси бўлишга муносиб қизни саройида қолишга изн берди, Гунварманни эса бағоят хушнудлик ила тахтига тахтдош қилиб тайинлади.

Шундай қилиб, шоҳ уни ишқи ила асиру басир қилиб қўйган Тежасватийга уйланди ва дилидаги барча орзу-армонлари битта қолмай ушалганидан кўнгли тўлганча янги малика билан Ужжайнга қайтди. У ерда шоҳ нигоҳини Тежасватийнинг моҳпора чехраси шу қадар ўзига ром қилиб олдики, энди ҳар қанча муҳим бўлмасин, биронта ҳам тахт ишига назар солишни у хаёлига ҳам келтирмай қўйди. Қулоғи эса малика товушидан ҳосил бўлган сеҳрли мусиқага шу қадар вобаста бўлиб қолган эдики, унинг бепарволигидан азият чекаётган аҳли фуқаронинг оҳ-воҳлари қани энди озгина қулоғига кирса. Шоҳ ҳарамга бир кириб кетганича, қайтиб чиқишни хаёлига ҳам келтирмаётганди, аммо бундан душманлари чапак чалиб хурсанд бўлса бўлаётгандики, заррача ташвиш қилмаётганди.

Бироқ вақт ўтиб борар эди, малика эса шоҳга бир чиройли қизалоқ туғиб берди, ҳамма севинчдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди, шоҳнинг кўнглида эса шон-шуҳратга ташналик баттар авж олди. Қизалоқнинг ҳусни чинданам тенгсиз эди, барча уч олам унинг қошида бамисоли ердаги хасдай беқадр бўлиб қолди, шон-шуҳратга ташналик улугворлик ҳада этганидай, қизалоқ шоҳга битмас-туганмас шодлик келтирди.

Кунларнинг бирида шоҳ Адитйасен калондимоғ кўшни ҳукмдорга қарши Ужжайндан кўшин тортиб чиқди. Бамисоли кўшинлар ҳомий-маъбудаси сингари малика Тежасватий фил устида савлат тўкиб ўтирганча унга ҳамроҳ бўлди. Шоҳнинг ўзи эса эгар-жабдуқлари олтину кумушдан ясалган, жингалак ёллари ўмровига осилиб тушган, тоғдай баҳайбат, шаршарадай тошқин асов отда борар эди. От ҳар сакраганда афсонавий Гаруда қушини эсга солар, шиддатда ундан ўтса ўтар эдики, аммо сира қолишмасди. Бошини мағрур кўтарганча, «Қани, менинг шитобимни тўхтатиб қоладиган мард борми?» дегандек, теваарак-атрофларга, узоқ-узоқларга кўз ташлаб қўярди.

Шоҳ йўлнинг ярмига етганда, бир текислик водийда кўнди-да, Тежасватий томоша қилиб роҳатлансин дея, отни бор кучи билан югуртирмоқчи бўлди. Бироқ у отни товонлари билан ниқтагани заҳоти тулпор бамисоли ёйдан отилган пайкон сингари шиддат ила ўрнидан кўзғолди-ю, бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлди. Буни кўриб бутун кўшинни ваҳима босди ва гарчанд сарбозлар минг гуруҳга бўлиниб, ғойиб бўлган шоҳни ҳар қанча қидиришмасин, ундан ном-нишон топишолмади. Шунда мусибатдан ҳушёр тортган вазира қўнғ-қўнғ йиғлаётган маликани олишди-да, кўшин билан аста-секин Ужжайнга қайта бошлашди.

Бу орада тулпор кўз очиб-юмгунча шоҳни даҳшатли арслонлар маскани бўлмиш қоп-қоронғи Виндҳйа ўрмонига олиб борди. Тақдир тақозоси билан от ўша ерга бориб тўхтади ва энди бу кимсасиз ўрмондан тирик чиқа олмаслигига ақли етган шоҳ кўрқиб кетди. Бошқа иложи йўқлигини кўриб, шоҳ ўзининг бемисл фазилатли отидан тушди-да, ўтган туғилишларида бу от оддий жонзот бўлмаганини ҳис этиб, унинг қаршисида етти букилиб тиз тўкди. Сўнг шундай деди: «Сен оддий махлуқ эмассен, сен илоҳий зотсан, сендай муқаддас хилқат ўз эгасига хиёнат қилиши мумкин эмас; менинг ҳаётим ҳам, мамотим ҳам сенинг қўлингда — мени бу ўрмондан олиб чиқ!» Бу гапларни эшитиб, дарҳақиқат илоҳий хилқат бўлган от ўзининг олдинги туғилишини эслади ва қаршисида кўзларидан шашқатор ёш тўкиб турган шоҳнинг қайғусидан кўнгли юмшади. Шоҳ қайтадан эгарга ўтиргач, от қайси йўлдан келган бўлса, ўшандай изига қайтди. Йўлда муздек ва зилолдай тиниқ сувли ҳовуз ёқалаб ўтди, бу эса узоқ йўлдан ҳориб келаётган отга ҳам, шоҳга ҳам анча қувват бағишлади. Кечга яқин юз йўжан йўл босган тулпорлар аълоси шоҳни Ужжайн чеккасига олиб бориб қўйди.

Бу орада ўзининг ҳаммаси бўлиб еттита тулпори бўлган, аммо еттови ҳам шоҳ тулпорининг шиддаткор шитобидан хижолатда қолган куёш ғарб тоғи ортидаги чоҳга аста маҳв бўлди. Атрофни зим-зиё қоронғулик чулғади. Ужжайн дарвозалари ёпиқлигини кўрган ва шаҳар чеккасидаги қабристон тун чоғи ғоят хатарли бўлишини ҳис қилган ақли тулпор ҳордиқ чиқариб олсин дея шоҳни шаҳардан сал наридаги хилват жойда жойлашган браҳманларнинг чоққина ибодатхонасига олиб борди. Бу ибодатхонада ўзи ҳам, тулпори ҳам бемалол тунаб, ўзларига келиб олишларига кўзи етган шоҳ Адитйасен бинога кирмоқчи бўлди. Бироқ у ерда истиқомат қилаётган браҳманлар уни қоровулми ёки битта-яримта қароқчи-талончим деб ўйлаб, шовқин кўтаришди. Сўкинган ва турли-туман бўҳтонлар ёғдирганча улар югура-югура чиқишди-да, шоҳни ибодатхонага яқин ҳам йўлатишмади; зеро, ҳаттоки ведаларни сув қилиб ичиб олган браҳманлар ҳам кўрқоқлик, бағритошлик ва қўполликда ҳаммадан ўтиб тушадилар.

Бироқ улар шу тариқа ғалва кўтариб туришганида ибодатхона ичидан Видушак исмли олийҳиммат, мардоналикда тенгсиз яна бир браҳман чиқиб келди. Бу жасур йигитча ўз вақтида риёзатлар чекиб, маъбуд Павакнинг илтифотини қозонган ва ундан ўйлаган заҳоти қўлида пайдо бўлиб қолувчи ажойиб бир шамшир олишга муяссар бўлган эди. Ярим тунда қадам ранжида қилган шоҳнинг

хусну жамолини кўриб, доно Видушак: «Бу ҳойнаҳой инсон либоси кийган аллақандай илоҳ бўлса керак», – деб ўйлади. У ана шундай одамшавандаларча ҳаёл билан тўполончи браҳманларни ҳайдаб юборди ва иззату икром ила шоҳни ибодатхонага олиб кирди. Шоҳ яхшилаб ҳордиқ чиқариб олгач ва чўрилар унинг либосларидаги чангларни битта кўймай, қоқиб-суқиб обдон тозалаб бўлгач, доно браҳман йигит уни шоҳона таомлар билан сийлаб, меҳмон қилди. Шоҳнинг киши кўзини ўйнатадиган тулпори устидан эгар-жабдуқларни олдиртириб кўйди-да, унинг олдига ўт ва емишларнинг энг сарасидан ташлашни буюрди. Тулпор ҳам кўп ўтмай вужудидаги ҳамма ҳордиқ чиқиб кетиб, қушдай енгил ва тетик бўлиб қолди. Сўнгра Видушак шоҳга ўрин солди-да, унга қараб шундай деди: «Мен сизнинг ҳаётингизни ўзим кўриқлайман. Шунинг учун, эй хожа, ҳеч нарсани ўйламай, тинч ухлайверинг». Дарҳақиқат, шоҳ ўринга чўзилиб уйқуга кетганда, браҳман йигит қўлида Агни шамшири билан тун бўйи эшик тагида бедор қоровуллик қилди.

Эрталаб шоҳ уйғонгач, Видушак, гарчи ҳеч ким айтмаган ё сўрамаган бўлса ҳам, меҳмон учун бир отни шайлатиб кўйди. Шоҳ браҳман йигит билан хайр-хўш қилди-да, отга миниб Ужжайн шаҳрига дохил бўлди. Унинг келаётганини (ўйлаб, ёқа ушлайсан, киши!) узоқданоқ билиб турган шаҳар халқи севинчдан ўзини кўйгани жой тополмаётганди. Барча фуқаролари унга томон югуриб кела бошлади ва шоҳнинг қайтиб келганидан дарак берувчи ҳайқиригу қичқириқлардан ер-кўк баравар ларзага келди. Шоҳ ўз вазирлари билан саройга кириб келар экан, малика Тежасватий юрагини эгаллаган чуқур гам-қайғу ҳам аста-секин гоийб бўла бошлади. Қалтаий саҳарданоқ тантана нишонаси сифатида ҳамма жойга осиб кўйилган байроқлар ҳам шамолда ҳилпираб, гўё шаҳарни чулғаб олган маъюсликни ҳайдар эди. Куннинг охиригача малика ташкил этган буюк байрам шодисналари бир зум тинмади, севинч ва ҳаяжондан бутун шаҳар аҳлининг каттасидан кичигигача юзлари қуёшдай қирмизи тус олди.

Эртасига эрталаб шоҳ Адитйасен ҳалиги ибодатхонадан доно Видушак ва барча браҳманларни олиб келишга фармойиш берди. Ўтган тунда содир бўлган воқеани маълум қилиб, у ҳеч бир ўйлаб-нетиб ўтирмасдан кўрсатган хизматлари учун Видушакка минг қишлоқ ҳадя этди. Олийҳиммат Адитйасен ҳамма ҳавас билан кўз узмай қараб турган бу браҳман йигитни сарой коҳини қилиб тайинлади ва унга тахтиравонли фил инъом этди. Шу аснодан бошлаб, Видушак шоҳ вассаллари ичидаги энг мўтабар вассал билан бир даражага етишди. Дарвоқе, олам ҳукмдорига кўрсатилган хизмат бесамар кетиши мумкинми, ахир?

Кўли ҳам қалби каби очиқ Видушак шоҳ унга ҳадя этган барча қишлоқни ибодатхонада у билан бирга яшаган браҳманларга улашиб юборди. У ҳам браҳманлар қатори қишлоқлардан тушган даромадларга тенг шерик сифатида улуш олар эди, ўзи эса шоҳ хизматини сидқидилдан адо этиб, саройда истиқомат қиларди.

Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, бойликдан кўзларини шира боғлаган ва мутлақ ҳокимиятга интилган мана шу браҳманлар Видушакни ўйламай ҳам кўйдилар. Ҳар бир ноҳияга етти киши-етти кишидан гуруҳларга бўлиниб, худди бир-бирини кўрарга кўзи йўқ адоватли сайёраларга ўхшаб, бири иккинчисидан қолмай, ўз қишлоқларидаги аҳолининг қонини ича бошлашди.

Видушак уларнинг бебошликларига кўпда парво қилмади, зеро, олийжаноб одамлар пасткашлар билан тенглашишни ўзларига эп кўрмайдилар, Бироқ браҳманларнинг зўравонлик ва жанжалга мойилликлари авж олиб кета бошлагач, уларнинг ҳузурига бир Чақрдҳар исмли баджаҳл браҳман ташриф буюриб қолди. Гарчи унинг кўзи битта бўлса-да, ўзгалар атворидаги қилча нуқсонни ҳам аниқ кўрар, гарчи ўзи букри бўлса-да, гап-сўзлари ўқдай тўғри ва кескир эди. Шу браҳман уларга қараб деди: «Ҳой ярамаслар, ўзи-ку садақадан базўр кун кўриб келаётувдиларинг, энди бойиб, одамни танимайдиган бўлиб қолдиларингми? Хўш, нега бир-бирингиз билан муроса қилолмай, қишлоқларни хонавайрон қиляпсанлар? Бунга Видушак айбдор, у сизларни тергамай кўйган. Мана, мени айтди дерсанлар, ҳали-замон садақа излаб, яна тиланчилик қила бошлайсанлар. Бир-бирларингиз адоват қилиб, оддий халқ жатингизга қолгандан кўра, адоватсиз ҳар бирингиз ўз кунингизни ўзингиз кўргангиз маъқул. Шунинг учун гапимга қулоқ солинг: ўзларингизга тўлиқ ҳокимиятли сардор

танланглар. Зора ўша раҳнамонинг назорати остида дориламон умргузаронлик қилсаларинг».

Буни эшитиб, браҳманларнинг ҳар бири «мен ҳоким бўламан, мен ҳоким бўламан» деб даъво қила бошлади, шунда ўйлаб туриб, Чакрдҳар нодон браҳманларга қараб шундай деди: «Модомики, бир-бирларинг билан бунақа жанжал қилар экансанлар, мен сенларга бир нарсани маслаҳат берардим. Ҳов анови қабристонда уч ўғри қозиққа ўтқазиб қўйилган. Ичингизда ким тунда бориб, ўғриларнинг бурнини кесиб келтирса, ўша ҳоким бўлади, чунки мард ва жасур одамгина ҳоким бўлишга арзийди».

Чакрдҳар шу таклифни айтгач, браҳманлардан сал нарида пайдо бўлган Видушак уларга деди: «Қани, бўла қолинглар. Бунинг нимаси қўрқинчли экан?» Шунда ҳалиги браҳманлар шундай жавоб қилишди: «Бу бизларнинг қўлимиздан келмайди. Майли, қўлидан келган одам уришиб кўраверсин, шунда бизлар аҳил-иноқ яшайверамиз». Бунга жавобан Видушак деди: «Бўпти, мен қилганим бўлсин шу ишни. Тунда қабристондан ўғриларнинг бурнини кесиб, олиб келаман». Шунда бундай иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслигига лаққа тушган нодон браҳманлар унга шундай ваъда беришди: «Агар шундай қилсанг, сен бизнинг раҳнамомиз бўласан, ёлгон гапирсак, Худо урсин». Хуллас, ҳаммалари шунга келишишди. Тун чўкқандан кейин эса Видушак браҳманлар билан хайрлашди-да, қабристонга қараб йўл олди.

Шундай қилиб десангиз, бизнинг қаҳрамон ўзи қандай ўйлаган бўлса, ўшандай қўрқинчли қабристонга кириб борди. Қўлида ўйлаган заҳоти пайдо бўлиб қоладиган ўша мўъжизавий Агни шамширидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Атрофни Дакина деган одамхўр аёлнинг, иблисларнинг дод-фарёди, қарға-қузғунларнинг қичқирқилари босиб кетган, ўлик куйдириладиган гулханларнинг олови осмонга ўрларди, олов пурковчи иблислар оғзидан отилаётган аланга дуч келган нарсани куйдириб, кул қилаяпти. Қабристоннинг қоқ ўртасида Видушакнинг кўзи қозиқда ўтирган одамларга тушди, гўё бурунларини биров кесиб олишдан қўрққандай, барчалари юзларини осмонга қилиб олишган. Видушак уларга яқинроқ борган эди, ичига ветал — мурдахўр жинлар ўтириб олган ҳалиги учта мурда уни муштлаб дўппослай кетди. Бироқ Видушак пинагини ҳам бузмай, уларни қиличи билан бартараф қилди. Зеро, ботирларнинг жасорати ҳеч қачон қўрқув билан маслаҳатлашиб, ўтирмайди. Жинлар гойиб бўлгач, ўғриларнинг мурдалари шалвираб қолди ва Видушак ўз ишини бажарди — уларнинг бурунларини кесиб олди-да, қийиқчасига тугди.

Бироқ у изига қайтаётганида сал нарида қабрлар орасида бир мурда устида ўтириб олиб, аллақандай афсунларни ўқиётган тиланчи роҳибга кўзи тушди. У нима қилаяпти экан деб азбаройи қизиққанидан Видушак билдирмай юриб келди-да, унинг орқасида туриб олди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин роҳибнинг тагидаги мурда қаттиқ қичқириб юборди, оғзидан олов отилиб чиқди, киндигидан эса хантал доналари тўкилиб тушди. Шунда роҳиб хантал доналарини териб олди-да, мурдани кўтариб тургазди ва кафти билан шап-шап ура бошлади. Ичида қудратли ветал ётган ҳалиги мурда қаддини ростлади, роҳиб эса унинг елкасига миниб олди ва юришга ундаб, товонлари билан ништай бошлади, Видушак нафасини ичига ютганча, унинг орқасида яшириниб тураверди.

Қабристондан сал нарида Видушакнинг кўзи маъбуда Катяянага бағишланган бўм-бўш эҳромга тушди. Эҳром олдида роҳиб веталнинг елкасидан тушиб, ичкарига кириб кетди, ветал эса ерга узала тушиб ётиб олди. Яширинишнинг ҳадисини олган Видушак ҳам роҳибнинг изидан эҳром ичкарисига йўл олди.

У ерда роҳиб аввал Маъбуда шаънига ҳамду санолар ўқиди, кейин эса мана бундай таваллолар қила бошлади: «Агар мендан рози бўлсанг, эй маъбуда, менинг бир илтимосимни ижобатингга ол. Борди-ю, рад этгудек бўлсанг, сенга ихлосу эътиқодим ҳаққу ҳурмати ўзимни ўлдиргайман». Бу гаплар охирига етар-етмас эҳром қаъридан аламноқ илтижоларнинг ижобатга олиниши учун маъбуда мана бундай нидо берди: «Шоҳ Адитйанинг қизини бу ерга олиб кел ва шу ерда уни қурбонлиқ учун сўй. Шунда кўнглингдаги барча хоҳишлар равову бажо бўлгай».



Буни эшитиб, роҳиб эҳромдан чиқди ва яна туришга ундаб, кафти билан ветални тарс-турс қилиб урди, веталнинг оғзидан чарақлаб олов отилди ва у ўрнидан туриб, қайдасан шоҳ қизи дея ҳавога кўтарилди.

Булар барчасини кўриб, Видушак ўйга толди: «Токи тирик эканман, у шоҳ қизини ўлдиролмайди. Мен ҳеч қачон жилмайман ва девнинг қайтиб келишини кутаман». Шундай дея Видушак эҳромдаги киши билмас бир пана жойга яхшилаб беркиниб олди.

Бу орада роҳиб саройнинг ҳарами тагига келиб кўнди ва деразадан ичкарига кирди. Ярим тун бўлгани учун малика маст уйқуда эди. Қизни кучоқлаб кўтарди-да, роҳиб тун чодири остида аста парвоз қилиб йўлга тушди, шу кетишида у Раҳунинг ўзгинаси эди, қиз эса янги чиққан ҳилолдай зулмат кўйнида товланиб турарди. Қиз нуқул: «Отажон, онажон, қаердасизлар?!» деб инграрди, бироқ дев бунга парво қилмай, йўлда давом этаверди, ниҳоят оҳиста пастга инди-да, Девий эҳроми ҳовлисига келиб кўнди. У ветал устидан тушиб, дарҳол ичкарига йўл олди, маликани эса ҳамон қўлларида кўтариб турарди. Бироқ қизни қурбонлиққа сўйиш учун қиличини қинидан суғурган ҳам эдики, унинг рўпарасида тўсатдан Видушак пайдо бўлди. «Ҳой ярамас, ёсуман гулини тош билан мажақламоқчи бўлдингми? Шундай маъсум хилқат олдида қилич яланғочлаб туришинг бошқа нимани ҳам англатарди?» — шу сўзларни айтиб, Видушак қалт-қалт титраётган роҳибнинг сочидан тутамлади-да, бошини сапчадай узди. Видушак уйғониб кетиб, жон талвасасида фарёд ураётган маликани бир амаллаб тинчитди, қиз ҳам азбаройи кўрқанидан унга чиппа ёпишиб олган эди, таскин-тасалли сўзларидан кейин аста-секин ўзига кела бошлади.

Кейин ботир Видушак мулоҳаза қила бошлади: «Энди бу маликани саройдаги ҳарамхонага қандай элтиб кўйсам экан?» Шунда осмондан шундай овоз унинг қулоғига чалинди: «Ҳой Видушак, қулоқ сол! Сен ўлдирган роҳиб веталнинг ҳукмдори, шунингдек, хантал доналарининг соҳиби бўлишдек шарафга ноил эди. Шундан кейин у ер юзининг эгаси ва барча шоҳ қизларининг хожаси бўлишни орзу қилмоқда эди; аммо унга калтабинлиги панд берди, у сенинг кўлингда жон таслим қилди. Ҳой ботир йигит, энди бу хантал доналарининг эгаси сен бўлдинг, уларни ол-да, шу бугун тундаёқ қаёқни хоҳласанг, ўша ёққа қараб парвоз қилавер, аммо бугундан ҳаялламаслигинг керак». Осмондан келган овоз шу сўзларни ирод қилиб, Видушакнинг кўнглини севинчга тўлдирди, зеро, гоҳо тангрилар ҳам мана шундай аъло хулқли, зукко, зеҳнли бандаларга ён босади.

Шундан кейин Видушак роҳибнинг кўйлагидан хантал доналарини олди, бир қўлига маликани ўтқазди-да, эҳромдан ташқарига чиқди. Шу заҳоти яна осмондан садо янгради: «Ойнинг охирида сен яна шу ерга, Девий эҳромига қайтиб келишинг керак. Бу эсингдан чиқмасин, ҳой ботир ўлгон!» Бу сўзларни эшитиб ва ҳўп дегандек бош ирғаб, Видушак маъбула марҳамати ила ўша ондаёқ маликани ўзи билан олиб ҳавога кўтарилди. Осмони фалақдан учиб ўтиб, тез орада ҳарамхона эшиги тагига келиб кўнди ва энди унга ўзидан ҳам кўра кўпроқ ишониб қолган маликага шундай деди: «Эрталаб бу ердан учиб кетолмайман, бу ердан чиқаётганимни ҳамма кўради, шунинг учун иссиғида, ҳозироқ қайтиб кетганим маъқул». Бироқ кўрқиб кетган қиз унга жавобан деди: «Агар сен кетсанг, кўрқув ва ваҳимадан кутуллолмай, жон беришим муқаррар. Мени ташлаб кетма, ҳой жўмард йигит. Мени яна бир ўлимдан сақлаб қол. Ахир бошлаган ишни охирига етказиш — олийҳиммат одамларга тўғма одат эмасми!» Маликанинг сўзларини эшитиб, шавкатли Видушак ўйланиб қолди: «Бўлди, нима бўлса — тақдирдан, мен ҳеч қачон кетмайман. Акс ҳолда бечора қиз кўрқув ва ваҳимага чидолмай, ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шоҳга бўлган садоқатимни билдириш учун бундан яхши баҳона борми?» Шундай қарорга келиб, у тонг отгунча ҳарамда қолиб кетди. Бошига тушган машаққатлару уйқусиз тун уни бутунлай толиқтириб кўйганди, бошини ерга қўйиб, у андак пинакка кетди. Малика эса бу ёғи қандоқ бўларкин, дея ваҳима ичида тун бўйи мижжа қоқмади. Ҳатто тонг бўзаргандан кейин ҳам йигитга раҳми келиб, уйғотмади: «Яна бир оз дам олиб олсин».

Бироқ шу аснода канизақлару чўрилар ҳам уйқудан туриб, воқеани ўз кўзлари билан кўришди. Фала-ғовур кўтарганча улар бу ҳақда шоҳга маълум қилгани

чопдилар. Шоҳ эса гап нимадалигини билиш учун ҳарамга ўзининг тан қўриқчисини юборди. У дарҳол ҳарамга етиб келди ва у ҳам Видушакка рўбарў бўлди. Шунда маликанинг ўзи нималар бўлганини тан қўриқчисига ҳикоя қилиб берди, тан қўриқчиси эса ўз навбатида бориб шоҳга ҳаммасини оқизмай-томизмай ҳавола қилди. Унинг гапларини диққат билан тинглаб ва Видушакнинг олийҳимматлигига тўла амин бўлиб, шоҳ нима қилишини ва нима дейишини билмай боши қотди. Шунда у қизининг хобгоҳидан Видушакни ўз ҳузурига олиб келишга фармон берди ва Видушакни олиб чиқиб кетишлари ҳамон ундан бир лаҳза ҳам ажралишни истамай, малика юрагини ҳовучлаганча унинг ортидан талпиниб қолди.

Видушак пайдо бўлиши биланоқ, шоҳ ундан нималар бўлганини суриштира кетди ва браҳман унга тундаги гапларни миридан-сиригача ҳикоя қилиб берди. У рўмолчага тугиб олган қароқчиларнинг бурунларини ва тиланчи роҳибдан олган, одатдагига ўхшамайдиган хантал доналарини кўрсатди. Видушак тўғри ёки нотўғри гапирётганини аниқлаш учун шоҳ Чакрдҳар ибодатхонасидан бошқа браҳманларни ҳам келтиришни амр қилди. Ҳамма гап нимадан бошланганини у шулардан сўраб билиб олди. Сўнгра у ўзи қабристонга йўл олди ва у ерда бурунлари кесилган одамларни ва бўйнидан чопиб ташланган разил роҳибни кўрди.

Ҳикоянинг ростлигига амин бўлган олижаноб шоҳ ўз бурчини садоқат ила адо этган ва қизининг жонини сақлаб қолган Видушакдан шунчалик хурсанд бўлдики, қизини унга бериб, куёв қилиб олишга аҳд қилди. Яхшилик қилган одамларга ўз миннатдорчиликларини билдириш учун олийжаноб кишилар нималар қилмайди дейсиз!

Маликага уйланиб, Видушак чинакам бахтга эга бўлди, чунки ҳақиқатан ҳам бу қизнинг қўлида уни суюкли нилуфари деб билган маъбуда Шри истиқомат қиларди. Шоҳ хизматига камарбаста бўлиб, Видушак хотини билан Адитйасен саройида умргузаронлик қила бошлади, атрофдагилар уни азбаройи хурмат қилганидан бошларига кўтарар эдилар.

Кунлар шундай ўтаверди, бироқ бир куни шомда тақдир тақозоси билан малика Видушакка шундай деди: «Эсингиздами, бегим, Девиий ибодатхонасида ўша тун чоғи илоҳий садо сизни ой охирида у ерга қайтиб боришингизни огоҳлантирган эди. Бугун ойнинг охириги куни, сиз эса бепарво ўлтирибсиз». Хотинининг сўзлари Видушакни ҳушига келтирди ва у суюниб кетди. «Буни эслатиб жуда яхши иш қилдинг, жонгинам. Мен бутунлай эсимдан чиқарган эканман»,— деб жавоб берди у хотинига ва эркалаб, уни бағрига босди.

Малика уйғониб қарасаки, қайлиғи тундаёқ қиличинини ўзи билан олиб, Девиий ибодатхонасига жўнаб қолибди.

Эҳромга яқинлашаркан, Видушак овозининг борича қичқариб деди: «Мана, мен келдим!» Шу топ ичкаридан кимнингдир овози қулоғига чалинди: «Бу ёққа кир!» Ичкарига кириб, не кўз билан кўрсинки, рўбарўсида илоҳий сарой қад кўтариб турибди, саройнинг ўртасида паридан ҳам гўзалроқ бир қиз илоҳий либосларда табассум қилаяпти. Унинг ҳусни жамолидан тун қоронғулиги парчаланиб, теварак-атрофни чароғон қилиб юбораяпти. Бу Ҳарининг ғазаб алангасида куйиб кетгандан кейин Смарнинг қайтадан барқ уриб яшнашига сабабчи бўлган сеҳрли гиёҳнинг ўзгинаси эди.

Бунинг нима эканига ақли етмай, Видушак тўхтади, бироқ қизнинг ўзи гул-гул очилиб, унга пешвоз юриб кела бошлади ва муҳаббат у чуқур эҳтиром ила йигитни кучоғига олди. Сўнгра Видушак қизнинг ростдан ҳам унга дўст эканига амин бўлиб, ўзини бутунлай унинг ихтиёрига топширганча қиз билан ёнма-ён ўлтирди. Йигитнинг кўнглидагини сезиб тургандек, қиз ўзини унга таништира бошлади. «Мен зодагонлар наслидан видйадҳар қизиман ва исмим Бҳадрадир. Сайр қилиб юриб, бир куни шу ерда сени кўриб қолдим. Сенинг мардоналигингга ошифта бўлиб қолиб, кўзга кўринмасдан яна бу ерга қайтиб кел, дея қичқирган мен эдим. Бугун ўзимнинг сеҳрли санъатим билан шоҳ қизини ўша гапимни сенга эслатишга ундаган эдим. Мен бу ерга сени деб келдим. Ҳаётимни сенга бахшида этгум, ол, мана менинг қўлим!»

«Майли, шундоқ бўла қолсин!»— деб жавоб берди Бҳадрага Видушак ва гандҳарвлар одати бўйича шу жойнинг ўзидаёқ қизга уйланди. Худо берган

шон-шавкати меваларидан баҳраманд бўлган ва илоҳий лаззатлардан мириқиб хузурланганча у хотини билан унинг саройида умргузаронлик қилаверди.

Энди гапни нариги шоҳ саройидан эшитинг. Бир вақт тонготарга яқин малика уйғониб қарасаки эри ёнида йўқ. У қўрқиб кетди. Тўшакдан турди-да, тиззалари бўшашиб, онасининг хузурига ошиқди, қўрқув тўла кўзларидан ёш жилгадай оқар эди. «Эрим тунда аллақаяққа кетиб қолибди», – деди у онасига, бунинг учун унинг ўзи айбдорлигини бўйнига олган қўйи ғам-андух ва пушаймон ичида. Қизига азбаройи раҳми келганидан она ҳам қаттиқ қайғурди, бироздан сўнг воқеадан хабар топган шоҳ ҳам аввалига гангиб қолди. «Менимча у қабристон ортидаги Девий эҳромига кетган бўлса керак», – деди унга маликаи олия. Ўша заҳоти шоҳнинг ўзи қабристон томонга йўл олди. Бироқ минг қидирмасин, эҳромда Видушакдан ном-нишон йўқ эди, чунки уни шоҳнинг кўзидан видйадҳарларнинг сеҳрли санъати яшириб турарди.

Шоҳ қайтиб кетди, қизи эса азбаройи аламига чидолмай жонига қасд қилмоқчи бўлди. Бироқ шу аснода унинг олдига бир донишманд келди-да, шундай деди: «Мусибатдан қўрқма. Эринг ўлмаган, у илоҳий лаззатлардан хузурланаётир ва кўп ўтмай ёнингга қайтиб келади». Буни эшитиб, малика иродасини тўплади, эрининг қайтиб келишига умид боғлаб, юрагига тош босди.

Бу орада севгилиси Видушак билан видолашмаган Бҳадранинг хузурига Йогешвара исмли бир дугонаси келди. У Бҳадрани бир четга тортди-да, унга куйидаги гапларни айтди: «Дугонажон, видйадҳарлар сенинг оддий бир банда билан турмуш қурганиндан қаттиқ ғазабдалар. Улар сенга қарши тиш қайрашаяпти. Шу боис тезда бу ердан қорангни ўчир. Шарқий баҳри муҳитнинг нариги томонида Каркотак деган бир шаҳар бор. У ерда Шитод деган бир муқаддас дарё оқади. Агар ундан кечиб ўтсанг, сиддҳлар яшайдиган Удай деган улкан тоғни кўрасан. Бу тоққа видйадҳарлар чиқолмайдилар. Тезда ўша ёққа жўна ва севиб қолганинг анови одам боласидан ташвиш қилма. Кетишингдан олдин унга ҳаммасини гапириб бер ва шундан кейин чинакам мардларча иш тутиб, у олдинга етиб боради».

Бҳадра дугонасидан бу сўзларни эшитиб, вужудини даҳшат чулғайди ва гарчи у Видушакка садоқатли бўлса-да, дугонасининг маслаҳатига киришдан бошқа чора тополмади. Видушакка Удай тоғи ҳақида сўзлаб берди-да, ёрдами тегиб қолар деб унга узугини топширди ва тун қоронғуси ичига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Видушак ўша заҳоти сал илгари ўзи бўлган Девий ибодатхонасига чопди, ибодатхона бўм-бўш эди, на Бҳадрадан ном-нишон бор эди ва на саройдан.

Ўзининг сеҳру жоду таъсири остида экани эсига тушиб ва Бҳадранинг узугига қараб, Видушак қаттиқ изтиробга тушди ва нима қилишини билмай, боши қотди. Бироқ шу он Бҳадранинг хайрлашув олдидан айтган сўзларини эслади: «Кетаётиб, менга Удай тоғи ҳақида бир нима дегандай бўлувди. Бҳадрани топиш учун тезроқ ўша ёққа жўнашим керак. Бироқ одамлар мени пайқаб қолишса, мени шоҳга тутиб беришади ва ҳеч қаяққа юборишмайди. Шу боис мақсадимга етмогим учун бирон ҳийла ўйлаб топмасам бўлмайди». Шуларни кўнглидан кечириб, бу доно одам ўзининг ташқи қиёфасини ўзгартиришга аҳд қилди. У кийимларини дабдала қилиб йиртди, кир-чир суртиб, ирқитлади ва тинмай: «Оҳ, Бҳадра! Оҳ, Бҳадра!» деб фарёд урганча эҳромдан чиқиб кетаверди.

Кўп ўтмай шу атрофда турувчи одамларнинг унга кўзи тушиб, шовқин солишди. «Ана Видушак, у топилди!» Бундан дарак топган шоҳ яна эҳромга қараб югурди ва афтодаҳол, ўзини телбаликка солган Видушакка дуч келиб, уни тутиб олди ва саройга олиб келди. Саройда мулозим ва қариндош-уруғлари ундан нима гап сўрашмасин, барчасига у бир хилда: «Оҳ, Бҳадра!» деб жавоб қайтарарди. Табибларнинг қадимги китобларида айтилган суртмаларни баданига сурсалар, у аъзои баданини кул билан ишқалаб, суртмаларни ювиб ташларди. Малика ўз қўли билан тайёрлаб келган шириндан-ширин таомларни эса олиб ерга урар ва оёқлари билан топтар эди. Видушак саройда бир неча кунни ана шу алпозда ўтказди, у ҳеч нарсага парво қилмас, қўйлақларини парча-парча қилиб йиртар, жиннилардай дод солиб қичқирар эди. «Унга дори кор қилмайди. Уни қийнашнинг ҳожати йўқ. Ҳаммадан ёмони, борди-ю, у ўлиб қолса, браҳманни ўлдирди деган гуноҳи азимга қоламиз. Уни ўз ҳолига қўйиб

қўйлик-чи, балки вақти билан тузалиб қолар», – деди охири шоҳ Адитйасен ва Видушакни қўйиб юборди. Эртасигаёқ жўмард Видушак энди унга ҳеч халақит бермаслигини тушуниб, узукни ўзи билан олди-да, қайдасан Бҳадра деб йўлга тушди.

У Машриқ томон йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди ва охири Паундравардхан деган бир шаҳарга етиб келди. Шаҳар унинг йўли ўртасида жойлашганди. У ерда Видушак бир браҳман кампирнинг уйини тақиллатди ва ундан илтимос қилиб сўради: «Уйингизда бир кеча тунагани рухсат бера оласизми, онажон?» Кампир браҳман уни ичкарига олиб кирди, яхшилаб меҳмон қилди, сўнг тўсатдан ҳазин бир ҳолда йигитнинг олдига келиб, деди: «Болажоним, бу уйни сенга топширмақчиман. Йўқ дема, ол, чунки уй-ку уй, ҳатто жоним ҳам ўзимга омонат бўлиб турибди». «Нега бундай деяпсиз, она?» – ҳайрон бўлиб сўради баҳодир йигит. Кампир эса бундай жавоб берди: «Мен айтай, сен эшит». Сўнг ҳикоясини давом эттирди: «Бу шаҳарда Девсен деган шоҳ юрт сўрайди. Унинг бир қизи бор – ҳусну жамолда унга тенг келадиганини ёруғ дунёда тополмайсан. «Бу қизалоққа мен осонликча етмадим», деб ўйлади уни жонидан ортиқ севувчи отаси қиз оламга келганда ва унга Дукҳлабдҳика деб исм қўйди, бу «қийинчилик билан қўлга кирган» деган маънони англатарди. Вақти-соати келиб, қиз бўй етди, отаси уни Каччҳпанатҳ деган шоҳга эрга берди ва бирга яшаш учун уни саройга чақириб олди. Тунда Каччҳпанатҳ гўшангага кириб келди, бироқ ичкарига қадам қўйиши ҳамон жон берди. Бундан қаттиқ изтиробга тушган шоҳ уни яна бир шоҳга эрга берди, бироқ буниси ҳам худди ўшандай ёруғ дунёни тарк этди. Қолган шоҳлар энди Дукҳлабдҳикага уйланишдан юрак олдириб қўйишди, шунда шоҳ сипоҳсолорига шундай фармон берди: «Кунда-кунда мамлакатдаги ҳар бир уйдан бу ерга навбати билан браҳман ва кшатрий йигитларини олиб келасан. Олиб келаётганингда уларни тунда қизимнинг хобгоҳига юбор. Кўрайлик-чи, улардан қанчаси у ерда бўлади-ю, қанчаси ўлиб кетаркин. Агар ичидан битта-яримтаси тирик қолса, ўша менинг қизимга куёв бўлади, зеро, тақдир йўли шунақа чалқаш ва унинг ўйинлари гоятда мароқдан!» Шоҳдан шундай буйруқни олгач, сипоҳсолар ҳар куни ҳар бир уйдан навбати билан саройга йигитларни жўната бошлади. Юзтача азамат аллақачон у ерда жувонмарг бўлди. Ўтмишдаги ҳаётимда савоб ишларни кам қилган эканманми, пешонамга биттаю-битта ўғил битилган. Худди бугун ажал комига бориш менинг ўғлимнинг навбати. Эртага эрталаб у ёруғ дунё билан хайрлашади-да, мен ўзимни гулханга ташлайман. Шунинг учун ҳозир кўзим тириклигида ҳовли-жойимни сендай бир диёнатли инсонга ўз қўлим билан топширсам деган хаёлда эдим. Зора кейинги туғилишимда мана шу савоб ишим туфайли бошимга тушадиган мусибатлардан худойим мени дархон қилса».

Браҳман кампир ҳикоясини тугаллагач, руҳи тетиклашган Видушак унга шундай жавоб қилди: «Агар гап фақат шунда қолган бўлса, бу ёғи ҳеч гап эмас. Мен бугун саройга бораман, худо хоҳласа ўғлингиз омон қолгай. Менга ачинманг, онажон. Мени ажал комига кетаяпти деб хавотир ҳам олманг. Менда қудратли туморлар бор, у ёққа боришдан асло тап тортмайман». Видушакнинг бу гапларига жавобан браҳман кампир шундай деди: «Сен тагин битта-яримта маъбуд эмасмисан, жон болам? Мени балодан қутқаргани осмондан тушмаганмисан? Илоё ниятларингга худойим ўзи тўзим берсин, болам, ол-у олдирма!»

Браҳман кампир унинг аҳду қарорини ана шундай маъқуллади ва сипоҳсолор унга қўшиб юборган мулозим ҳамроҳлигида Видушак малика хобгоҳи томон йўл олди. У ерда уни ёшлик шаробидан маст шоҳ қизи қарши олди. У қийғос гуллари залворидан эгилган ёш новданинг ўзгинаси эди. Тун чўккач, малика тахтиравонга чиқиб чўзилди, Видушак эса эслагани заҳоти пайдо бўлувчи Агни шамширини қўлида маҳкам тутганча хобгоҳда қолди. «Қани, кўрай-чи, одамларни бу ерда ким ўлдираркин», – деб ўзича ўйлади баҳодир; мана, ниҳоят ҳамма уйқуга кетгач, эшик аста очилди ва останада даҳшатли рақшас – дев кўринди. Эшик тагида турганча, у Яманинг бир сермашда юз одамнинг ёстигини қуритишга қодир чўқморига ўхшаш қўлини хобгоҳга суқди. Ўша заҳоти Видушак олдинга ташланди-да, ғазаб билан ҳалиги қўлни чўрт узиб, учуриб юборди.

Бир қўлини йўқотиб, тунги меҳмон даҳшатга тушди ва шавкати Видушакнинг шавкати олдида ҳеч нимага арзима қолганини ҳис этиб, бадар кетганича бу ёқларда бошқа қорасини кўрсатмади.

Шоҳ қизи уйғониб қарасаки, ёнида девнинг узилган қўли ётибди, қиз ҳам кўрқиб кетди, ҳам суюнди, ҳам ҳайратга чўмди. Эрта тонгда қизининг хобгоҳи олдида келиб, Девсен ҳам у ерда чопилган қўлни кўрди, Видушак сингари бундан кейин маликанинг хобгоҳига ундан бошқа ҳеч ким кириши мумкин эмаслигини огоҳлантирганидек, қўлни эшикка лўкидон қилиб осиб қўйди.

Суюниб кетган шоҳ ўша заҳотиёқ қизини илоҳий куч соҳиби Видушакка никоҳлаб берди ва беҳисоб бойликлар инъом этди. Видушак саройда бир неча кун қолиб кетди, у маликадан бирпас ажрамас эди, бамисоли икковининг жони ҳам, тани ҳам биттадай. Бироқ кунларнинг бирида малика ухлаб ётганида йигит барибир билдирмай чиқиб кетди-да, Бҳадрани қидириб топишга азму қарор этди. Эрталаб малика унинг жойида йўқлигини кўриб, қаттиқ қайгурди, бироқ отаси эринг, албатта қайтиб келади деб, қизини юпатди.

Бу орада Видушак бир кун ҳам тўхтамай узоқ йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, охири Шарқ баҳри муҳитидан сал нарида жойлашган Тамрлипти деган шаҳарга етиб келди. Бу шаҳарда у нариги қирғоққа сузиб ўтишга жаҳд қилиб турган Скандадас исмли савдогарни учратиб қолди. Ўша савдогар билан бирга унинг беҳисоб бойлиги ортилган кемага чиқди ва улар ҳайё ҳув дея баҳри муҳитдан йўлга тушишди. Бироқ кема баҳри муҳит ўртасигача етиб борди, йўқми, бирдан худди биров маҳкам ушлаб қолгандек, жойида қотди-қўйди. Гарчи шафқат қилиши учун талай жавоҳирот қурбонлик келтирилса-да, кема барибир ўрнидан қимирламади. Шунда савдогар Скандадас азбаройи газабдан қичқириб деди: «Кимки кемамни ҳалокатдан сақлаб қолса, бойлигимнинг тенг ярмини ва қизимни ўшанга бераман!» Баҳодирликда тенгсиз Видушак бу сўзларни эшитиб, деди: «Мен сувнинг тубига тушиб, нима гаплигини билиб келаман. Тўлқинлар орасида қолган кемангизни мен қутқараман. Лекин сиз мени арқон учига маҳкам боғлаб, ушлаб туришингиз керак бўлади. Кема ҳалокатдан сақланиб қолганидан кейин шу арқон билан мени тортиб оласизлар», «Бўпти, гап битта», — суюниб кетиб деди савдогар унинг сўзларини эшитиб. Денгизчилар Видушакни арқон билан маҳкам боғлаб, сувга туширдилар. Дарҳақиқат, эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, деб бежиз айтишмаган экан.

Ўйлаши ҳамон қўлида пайдо бўлиб қолган Агни шамширини маҳкам тутганча баҳодир ўғлон кема тагидан баҳри муҳит қаъри томон тушиб кетди. Қараса, қандайдир бир улкан махлуқ ухлаб ётибди, кема шу махлуқнинг тиззасига қадалиб қолган экан. Узоқ ўйлаб ўтирмай, баҳодир Видушак шамшири билан махлуқнинг тиззасини чопиб, узиб ташлади ва кема ўша заҳоти сузиб кетди.

Бироқ энди кеманинг бемалол сузиб кетаётганини кўрган ва Видушакка ваъда қилинган бойлик қўлдан чиқиб кетишини истамаган муттаҳам савдогар у боғлаб қўйилган арқонни кесиб ташлашни амр этди. Шу тариқа ҳеч бир тўсиққа учрамай, у кемаси билан унинг ҳирси каби чек-чегарасиз баҳри муҳитни тез кундаёқ сузиб ўтди.

Энди Видушакка нима бўлганини эшитинг. Уни ушлаб турган арқон кесиб ташлангандан кейин аввалига у сув тубига тушиб кетди, кейин эса юқорига сузиб чиқди ва нима бўлганини билганидан кейин ҳам парвосига келмади. У ўйлай бошлади. «Бу савдогар нега бундай қилди? Одамлар тўғри айтар экан, мол-дунёга ўч бўлган одамда инсоф бўлмайди деб. Лекин, мана, мардлик-жасоратни кўрсатиш гали энди келди, чунки агар одам жасоратини йўқотса, зигирдай мусибат ҳам кўзига бало-қазо бўлиб кўринади». Шундай гапларни дилидан кечириб, у ўша заҳоти ҳалиги девнинг чопиб ташланган оёғи устига тармашиб чиқди ва оёқни қайиқдай миниб олиб, қўллари билан сувни эшкакдай эшиб, баҳри муҳитдан бир амаллаб ўтиб олди. Зеро, сендан ҳаракат, мендан баракат деган гап бекорга айтилмаган-да, худо ҳамisha ҳаракат қилганга ёр бўлади.

Севгилиси деб Хануман сингари баҳодир Видушак баҳри муҳитни сузиб ўтгач, осмондан кимнингдир овози янгради: «Қойил! Қойил, Видушак! Дунёда ҳеч бир баҳодир сенга тенг келолмайди! Мен сенинг жасоратинга тан бердим. Энди қулоқ сол, сенга бир гапни айтмоқчиман. Ҳозир сен кимсасиз жойда турибсан. Йўлга туш ва етти кун деганда Каркотак деган шаҳарга кириб борасан.

У ерда юрагинга кўр олиб, яна йўлга тушасан ва кўп ўтмай қидириб юрган нарсангни топасан. Бу гапни сенга мен, яъни бир вақтлар сен марҳаматингни дариг тутмаган, тангри ва аждодлар номига қилинган садақаю қурбонлиқлар билан кун кўрувчи бир зот айтаётирман. Энди мен сенга бошқа бир марҳаматни муносиб кўрурмен: ҳозирдан бошлаб то умрингнинг охиригача очлик ва ташналик нималигини билмай яшайсан. Шу боис мақсудинг манзили томон ҳеч тап тортмай йўлга туш, баҳодир!» — шу сўзларни айтиб, кўзга кўринмас зот жим бўлди. Видушак эса бу сўзларни эшитгач, суюнганидан Агни шарафига олқишлар айтганча йўлга тушди. Еттинчи кун деганда у Каркотак деган шаҳарга кириб келди.

Шаҳарда у Орийаварман деган маҳаллий ҳоким тиклаган муҳташам ибодатхонага кирди. Ибодатхонанинг гир атрофи бошдан-оёқ олтиндан ясалган чиройли майда ибодатхоначалар билан қуршалган эди. Бу ибодатхонада мамлакатнинг турли бурчақларидан келган кўплаб инсофли-диёнатли браҳманлар истиқомат қилар эдилар. Улар Видушакни очиқ чеҳра ва иззат-икром билан кутиб олдилар, улардан бири эса уни бошқа хоналарга етаклаб борди, у ерда Видушак ювиниб-тараниб олди, овқатланди ва либосларини янгилади. Ибодатхонада ётар экан, шом чоғи қулоғига жарчининг ногора қоқиб шаҳарда жар солгани чалинди: «Эртага тонг билан шоҳ қизига уйланишни хоҳлаган ҳар бир браҳман ёки кшатрий бугунги тунни маликанинг хобгоҳида ўтказиши мумкин! Ҳо эшитмадим деманглар-о!»

Буни эшитиб, ҳар қанақа офатни назар-писанд қилмайдиган бўлиб қолган Видушак бу ерда бир сир бўлса керак деб ўйлади ва ўша заҳоти маликанинг хобгоҳига боришга қарор қилди. Бироқ ибодатхонадаги браҳманлар унга шундай дейишди: «Ҳой азамат йигит, эсингни йиг. Бу сенга маликанинг хобгоҳи эмас, балки ажал чоҳидир. Унга қадам изини қилган одам борки, ҳеч қачон тирик қолмайди. Эҳ-ҳе, қанақанги мана мен деган баҳодир йигитлар жувонмарг бўлиб кетмади». Бироқ браҳманлар уни йўлдан қайтаришга қанча уринишмасин, Видушак уларнинг сўзига кирмади. Шоҳ навкарлари билан саройга йўл олди. У ерда уни шоҳ Орийаварманнинг ўзи хушнуд кутиб олди, тунда эса бамисоли кўёш олов ичига шўнгигандек, Видушак шоҳ қизи хобгоҳига дохил бўлди.

Маликани у шу ерда кўрди, баҳодирнинг дилидан беихтиёр «Ё алҳазар, ҳусн дегани ҳам шундоқ бўлурму», — деган ўй кечди. Аммо нимагадир малика кўзларида филт-филт ёш ўйнади, бу унинг юрагида тузалмас бир дард ва алам борлигидан нишона эди. Видушак бутун тунни унинг хобгоҳида ўтказди, йигитнинг руҳи тетик, ақли тийрак эди, у хаёлига келтиргани ҳамон пайдо бўлувчи Агни шамширини қўлида маҳкам тутганча қоронғилик қўйнига жим тикилиб турарди. Тўсатдан эшикда даҳшатли дев — рақшас пайдо бўлди. Унинг ўнг қўли чопиб ташланган бўлиб, шунинг учун бошқа қўли билан ҳавони сермаб-сермаб келарди. Уни кўриб, Видушак ўйлади: «Эҳ-ҳе, гап бу ёқда экан-да! Бу мен Паундрваордҳан шаҳрида қўлини чопиб ташлаган ўша тунги меҳмоннинг ўзи-ку. Бу гал мен унинг иккинчи қўлини чопиб ўтирмайман, бўлмаса олдинги сафаригдек, у яна жуфтакни ростлаб қолади. Яхшиси, мен уни бир ёқли қилиб қўя қолай». Шундай дея у олдинга интилди ва рақшаснинг сочидан тутамлаб, бошини чопмоқчи бўлган эди, жон-пони чиқиб кетган рақшас унга деди: «Йўқ, йўқ, мени ўлдирма! Сен чинакам баҳодирсан, илтимос, менга раҳм қил, ўлдирма!» Ботир Видушак уни қўйиб юборди-да, сўради: «Кимсан ва нима иш қиласан?» Бунга жавобан рақшас деди: «Менинг отим Ямданштр, менинг икки қизим бор: биттаси мана бу кўриб турганинг малика, иккинчиси эса Паундрвардҳанда туради. Маликаларнинг фақат баҳодирга турмушга чиқиши учун сен ҳаракат қилишинг керак, — Ишвар тангриси менга шу нарсани вожибуламр қилган эди. Мен бу муборак амрни адо этдим: аввалига Паундрвардҳанда кимдир бир қўлимни чопиб ташлади, энди эса бу ерда мени сен мағлуб этдинг». Буни эшитиб, Видушак кулиб жавоб қилди: «Паундрвардҳанда қўлингни чопган мен эдим». Шунда Рақшас деди: «Сен оддий банда эмассан, балки тангрининг ердаги тажассумисан. Вожибуламр берганда Шарвнинг менга мурувват кўрсатгани бежиз эмас экан-да. Энди, холисона гап шуки, бундан бу ёғига бизлар бир-биримизга адув-душман эмас, дўстмиз, мени хаёлингдан

ўтказсанг бас, ўша заҳоти ёрдам бергани қошингда пайдо бўламан». Дев Ямданштр Видушакка ана шундай дўстона таклифларини баён этди-да, баҳодирнинг кўнглини кўтариб, кўздан ғойиб бўлди.

Видушак бу тунни жуда қувноқ ва бардам кайфиятда ўтказди, малика унинг шавкатини алқаб, бири-биридан гўзал сўз ва ибораларни тақрир қилди. Эрталаб воқеадан хабар топган шоҳ унга беҳисоб жавоҳироту бойликлар инъом этди ва қизини унга никоҳлаб берди, бу эса баҳодир учун узукка кўз кўйгандай ярашиб тушди. Видушак ҳарамда малика билан талай кун қолиб кетди, малика унинг жасорату матонатига офаринлар айтишдан тўхтамас, бамисоли маъбуда Лақшмий каби унинг ёнидан бир лаҳза ҳам жилмас эди.

Бироқ кунларнинг бирида бирдан севгилиси Бҳадра эсига тушиб кетди-ю, шартта ўрнидан турди ва зар чопонини елкасига ташлаб, саройни тарк этди. Ахир, илоҳий лаззатлардан бир бора баҳраманд бўлган одам бошқа лаззатларни писанд қилармиди?

Шаҳар ташқарисига чиқди-да, рақшас девни эслади, ҳали бутунлай хаёлига келиб улгурмаёқ дев унинг рўпарасида пайдо бўлди. Видушак унга таъзим бажо айлаб, шундай деди: «Дўстим, мен сиддҳлар мамлакатига, Удай тоғига бормоқчиман, у ерда видйадҳар гўзали Бҳадрани кўришим керак. Илтимос, мени ўша ерга олиб бориб қўй». «Яхши», деб жавоб берди дев ва Видушакни елкасига миндириб олди. Биргина тун давомида у олтмиш йўжанлик масофани бемалол босиб ўтди. Шу пайтгача бирор зот кечиб ўтолмаган Шитод дарёсидан ўтди-да, тонг отар-отмас, гўё ҳеч нарса бўлмагандай ва кўрмагандай, Удай тоғи этагида пайдо бўлди.

«Мана сенга ўша айтганинг Удай тоғи, — деди рақшас, — мен унинг устига чиқолмайман, чунки у ерда сиддҳлар истиқомат қилади». Видушакнинг рухсати билан Рақшас кўздан ғойиб бўлди ва Видушакнинг кўзи сал нарида ястаниб ва мавжланиб ётган ажойиб қўлга тушди. Унинг жимжимадор сатҳи узра нилуфар япроқлари олтиндай товланар ва тинимсиз гув-гув қилиб гужғон учиб юрган боларилар уни: «Хуш келибсиз!» дея олқишлар эди гўё. Видушак соҳилга чўкди ва бир вақт шундоқ ёнгинасида нафис оёқ изларига кўзи тушди — ўта нозиклигидан унинг аёл оёқ излари эканлиги шундоқ билиниб турарди. Бу излар гўё унга: «Мана, севгилинг ҳузурига олиб борувчи йўл», — деётгандек бўлаверди. «Бу тоққа одам боласи оёқ босолмас эди, — ўйлади баҳодир. — Шунинг учун бирпас сабр қилай, бу оёқ излари кимники эканлигини билай». Шу топ кўйдан сув олгани олтин кўзалар кўтарган бир гала аёл шу ёққа тушиб келаверди. То аёллар кўзаларини сувга тўлатиб олгунларича жим қараб турди-да, кейин Видушак очик чеҳра ва мулоимлик билан улардан сўради: «Бу сувни ким учун олиб кетаётибсизлар?» — «Мана шу тоғда Бҳадра исмли видйадҳар қизи яшайди. Бу сувни, сизга айтсак, эй барно йигит, унинг чўмилиши учун олиб кетаётимиз», — деб жавоб беришди аёллар унга.

Во ажабо! Яратган парвардигор мардонавор инсонларнинг дадил одимларидан хурсанд бўлгандек, доим уларнинг фойдасини кўзлаб иш тутади! Шу аснода аёллардан бири Видушакдан: «Ҳой зодагон йигит, мана бу кўзани елкамга кўйиб юбор», — деб илтимос қилса бўладими. Пайтдан фойдаланиб, Видушак бир маҳаллар Бҳадра унга инъом этган қимматбаҳо узукни билдирмай кўза ичига ташлади. Сўнг яна кўл бўйига келиб ўлтирди, аёллар эса сувли кўзаларини кўтариб, Бҳадранинг уйига равона бўлишди. У ерда аёллар Бҳадранинг гўсл қилишига қараша бошладилар ва бир вақт узук маликанинг тиззасига келиб тушди.

Узукни кўриб, Бҳадра уни дарров таниди ва дугоналаридан сўради: «Шу яқин-атрофда биронта таниш одамга кўзларинг тушмадими?» — «Тушди, — деб жавоб беришди аёллар, — қирғоқда бир йигит ўтирувди, у бизга мана бу кўзани елкамизга олишда ёрдам берди». Шунда Бҳадра ҳаяжонланиб деди: «Дарров боринглар, йигитни ювинтириб-тарантиринглар-да, яхшилаб оройиш беринглар, кейин уни менинг ҳузуримга олиб қиринглар, мени кўргани қайлиғим келибди-ку!» Бҳадранинг гапига бир овоздан «хўп» деб, дугоналари Видушакнинг олдига қайтиб боришди, унга бўлган гапларни айтиб беришди ва уни ювиб-тараб, бош-оёғига хушбўй атирлар сепиб, суюқлисининг ёнига олиб киришди.

Тонг гира-ширасида йигит унинг йўлига кўзлари тўрт бўлиб қараб турган ёри Бҳадрани узоқданоқ кўрди, шу туришда Бҳадра нақ ўн тўрт кунлик ойдек,

порлаб турган қуёшдек, ҳусну малоҳатда тенгсиз малакдек кўринарди. Қиз ҳам уни кўрди, отилиб унга томон пешвоз чиқди, оппоқ, момик қўллари билан йигитнинг бўйнидан кучиб, мунчоқ бўлиб осилди, кўзларидан шашқатор оққан ёшлари йигитнинг бош улкасидан тушиб, уни баҳор ёмғири каби чўмилтирди. Улар бир-бирини азбаройи маҳкам кучганидан ҳатто баданлари нам тортиб кетди, жисмлари қаърида қачонлардан буён йўл тополмай ётган тер инжулари икки ёрнинг висолга бўлган иштиёқлари зарби ила ташқарига отилиб чиққандек гўё! Сўнгра иккаласи парку тўшакка ўлтирди, аммо бир-бирини бир кўришга муштоғу интизор нигоҳлари ҳамон чирмалиб ётар, улар бир-биридан ажралиш ўрнига ўн баробар, ҳатто юз баробар кўпроқ чирмалиб бормоқда эди.

«Бу элларга қандай шамол учириб келмиш сизни, ҳой бегим?» – сўради охири Бҳадра. Ёри унга бундай жавоб берди: «Бу ерга келишим осон бўлмади, не-не офату балоларни бошдан кечирмадим. Аммо сенга бўлган муҳаббатим ҳамма ерда жонимга ора кирди, қўлади. Шундан бошқа сенга нима ҳам дей олардим, сузук кўзлигим?!» Буни эшитиб ва йигитнинг ўз муҳаббатини жонидан ортиқ кўрганини ҳис қилиб, юраги тўлиқиб кетган Бҳадра ҳаяжон билан деди: «Ҳой вафодор ёр, энди менга дугоналарим ҳам бир пул, жодугарлик санъатим ҳам бир пул! Сиз менинг йўқ-у боримсиз! Сиз мени шавкату шонингизни шафе келтириб қўлга киритдингиз, мен сизнинг чўрингизман, сиз менинг хўжамсиз!» Бунга жавобан Видушак деди: «Модомики шундай экан, кетдик бу ердан. Ужжайнга бориб, биргалликда умргузоронлик қиламиз, себгилем. Бизга осмоний фараҳларнинг асло кераги йўқ!» Бҳадра унга «майли» деб жавоб қилди ва ўзининг жодугарлик санъатини бир бўлак кўпик каби «пуф» дея учириб юборди ва чинакам инсон сифатига кириб олди.

Биринчи тунни Видушак Бҳадра билан унинг уйида ўтказди ва уларга қизнинг Йогешварий деган дугонаси маҳрамлик қилди. Эртасига эрталаб у қайлиги билан хоҳиши амалга ошганидан бахтиёр бир алпозда Удай тоғини тарк этди. Тоғдан тушгач, у рақшас Ямандаштрни эслади ва эслагани ҳамон дев унинг ўтрисида пайдо бўлди. Видушак унга борадиган жойининг номини айтди ва Бҳадра иккаласи яна девнинг елкасига миниб олди. Жувон рақшаснинг елкасига чиқишдан заррача ҳайиқмайди ҳам, чўчимамайди ҳам, зеро, аёллар, агар ишқ балосига гирифтор бўлсалар, ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.

Видушак билан севгилиси иккови девни миниб олиб йўлга тушди ва кўп ўтмай яна Наркотак шаҳрига келиб тушди. Шаҳарликлар рақшасни кўриб, нақ юраклари ёрилаёзди – ҳақиқатан ҳам Ямандаштрнинг башараси гоёта кўрқинчи эди. Видушак шоҳ Оряварман ҳузурида бўлди ва ундан хотинини қайтиб беришини сўради. Шоҳ унга қизини қайтиб беришдан бошқа иложи йўқ эди, чунки уни Видушак кўлининг кучи билан энгиб олганди-да. Қайлиги билан девнинг елкасига миниб, йигит шаҳардан чиқиб кетди.

Денгиз ёқалаб ўтиб боришар экан, Видушакнинг кўзи у баҳри муҳит тагига тушганида ушлаб турган арқонини кесган аблаҳ савдогарга тушса бўладими. Баҳодир савдогардан кемани ҳалокатдан қутқаргани учун унга ваъда қилинган қизни олди ва довлашиб бўлса ҳам унинг бойлигини қўлга киритди. Бундай ярамаслар учун аслида ўлим жазоси ҳам камлик қилади, деб ўйлади Видушак, аммо мана бунақа пасткаш ва разил одамлар учун уларни бойликларидан маҳрум қилиш ҳам ўлим жазоси бериш билан баравардир.

Сўнгра савдогарнинг қизи Бҳадрани ва шоҳ қизини ёнига ўтказди-да, ўзи ҳам рақшаснинг елкасига миниб, осмонга кўтарилди. Шу тариқа осмони фалакдан у баҳри муҳитни ошиб ўтаркан, севикли ва дилдор ёрларининг ҳусни жамоли ва қадди камолидан олам-олам завқ ва лаззатлар олар эди. Пастда эса унинг ботир юрагига ўхшаб, баҳри муҳит қутуриб-тошар, бир-биридан улкан тўлқинлар қирғоққа сагчир эди. Кейин у Паундрвардҳан шаҳрига келди. Унинг девни миниб олганини кўриб, одамлар: «Оббо баҳодир-ей, девни қандай миниб олди экан-а?» деб ҳайратдан ёқа ушлар эдилар. У ерда Видушак хотини, шоҳ Девсеннинг қизи билан кўришди, у бу маликани рақшас хотин билан бўлган жангда ютиб олган эди. Малика қачонлардан бери унинг йўлига кўз тутиб, тоқати тоқ бўлиб кетганди. Шоҳ қуёвини шунча қолишга ундаса ҳам ватанини қаттиқ соғинганидан Видушак маликани олди-да, қайдасан Ужжайн деб йўлга тушди.



Ракшас уларни кўз очиб-юмгунча Ужжайнга олиб бориб қўйди, боёқиш йигит азбаройи ватанини софинганидан тупроғини кўзига тўтиё қилиб суртди, етти букилиб унинг хокини ўпди. Ҳали маликалар ҳусни тобидан ярақлаб кетган рақшаснинг елкасида ўтирганидаёқ Видушак ҳамюртлари кўзига осмондаги тўлинойдек порлаб кўринмоқда, бу ой майсаси бахмалдай майин Шарқ тоғи узра қўниб тургандай туюлмоқда эди. Шаҳар аҳлининг ҳайрат ва ҳаяжонга тўлганидан воқиф бўлган шоҳ Адитйасен Видушакни кутиб олгани шаҳардан чиқиб келди. Шоҳга кўзи тушгани ҳамон Видушак рақшасдан тушди ва шоҳга яқин бориб эҳтиром ила таъзим бажо келтирди, шоҳ эса унга жавобан севинч ила куёвини бағрига босди. Сўнг Видушак хотинларини битта-битта девнинг устидан тушира бошлади, девни эса энди қаёққа борсанг ўзинг биласан деб қўйиб юборди. Дев билан хайр-маъзур қилиб бўлгач, у шоҳ қайнатаси ва хотинлари билан биргаликда саройга кириб келди. Унинг саройда пайдо бўлишидан биринчи хотини, шоҳ Адитйасеннинг қизи узоқ айрилиқ туфайли тортган ғам-андуҳ ва изтиробларини бирданига унутди ва ўзини чиндан бахтиёр ҳис қила бошлади.

«Бунча хотинни қаердан топдинг ва анови рақшас ким эди?» – деб сўради шоҳ Видушакдан. Унга жавобан куёви бўлган воқеаларни миридан-сиригача ҳикоя қилиб берди, унинг жасорати ва мардоналигидан ҳайратда қолган шоҳ салтанатининг тенг ярмини унга инъом қилди ва бу билан ўзининг ҳам шоҳлик, ҳам оталик фарзини адо этган бўлди. Шу тариқа, гарчи Видушак ўзи туғма браҳман бўлса-да, тахтга миниб шоҳ бўлди, боши узра улкан шамсия куёшини тўсиб, муздек соя ташлаб турар, ҳар томондан момик патли шоҳона елпуғичлар майин ва равон тебраниб, оромижон шабадаси ила чексиз ҳаловат бағишлар эди. Деярли бутун Ужжайнни шодиёна байрам кайфияти чулғаб олганди – чор-атрофини кўс ногораю карнайларнинг тантанавор садоси тутган, оломоннинг бахтиёр ҳайқириқларидан бутун шаҳар ларзага келган эди.

Тахтга мингач, Видушак аста-секин бутун ер юзини эгаллади. Барча ҳоқиму ҳукмдорлар бир-бир келиб унинг оёғини ўпа бошладилар. Шу тариқа у офтобжамол Бҳадра ва қолган хотинлари билан узоқ йиллар биргаликда аҳли-иноқ ва оқибат билан умргузаронлик қилди, хотинлари рашк ё ҳасад деган нарсани билмас эдилар. Шунақа, худо ярлақанган бандаси борки, унинг шон-шавкати дунёга таралиб кетаверади, куч-қудрати чегара билмай ортаверади, бахти тўкис ва баркамол бўлгандан-бўлади.

Ватслар шоҳи оғзидан бир-бирдан ажойиб ва гаройиб саргузаштларга тўла бу ҳикояни эшитганларнинг барчаси – Удаян ёнида ўтирган вазирлар ҳам, шоҳнинг хотини маликаи улё ҳам беҳад завқландилар.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Лавнак» китобининг тўртинчи долғаси ана шулардан иборат.

## БЕШИНЧИ ДОЛҒА

Шунда Яугандҳрайан ватслар ҳукмдорига қараб бундай деди: «Эй карами кенг шоҳ, барчага беш қўлдай маълумки, тақдири илоҳий ҳам сизни қўллаб турибди, шон-шавкатингиз ҳам ортгандан-ортмоқда. Бир чети биз ҳам қуруқ ўтирганимиз йўқ – сиёсату диёнат ишларида баҳоли қудрат ўзимизни кўрсатиб келаяпмиз. Шунинг учун аввалдан кўнглингизга туғиб қўйган яширин ва олий мақсадингизни рўёбга чиқариш вақти етиб келди – жаҳонни забт этишга жидду жаҳд қилинг».

Вазирнинг бу сўзларига ватслар шоҳи бундай жавоб қилди: «Майли, шундоқ бўлсин! Аммо қўллаб хатарларни бартараф этмай туриб, чинакам бахтга эришиб бўлмайди. Шу боис мен энг аввало тавба-тазаррулар чекиб, Шамбху (Шива) марҳаматига ноил бўлмоғим керак. Борди-ю, у бу ишни хоҳламаса, менинг хоҳаганимдан ҳеч қандай наф йўқ». Шоҳнинг гапларини эшитиб, барча вазирлар уни маъқулладилар. Рам баҳри муҳит устидан кўприк қурмоқчи бўлганда маймунларнинг раҳнамолари ҳам худди шундай қилган эдилар.

Хотинлари ва вазирлари билан биргаликда шоҳ тавба-тазарруга берилди ва уч куну уч тун рўза тутгандан кейин унинг тушига маъбуд Шива кирди ва шундай деди: «Мен сендан мамнунман. Тур ўрнингдан! Ҳеч бир хатар сенинг галабанг

йўлига гов бўлолмайди, боз устига яқинда бир ўғил фарзанд кўрасан — у бутун видйадҳарлар қавмига ҳукмдор бўлгай».

Шоҳ уйғониб кетди, қуёшнинг дастлабки шафағидан кўкдаги ой номнишонсиз гойиб бўлгани каби Шива марҳамати ила унинг баданидаги толиқшидан асар ҳам қолмади. Эрталаб тушини айтиб бериб, ўзи билан бирга рўза тутиб, риёзат чеккан вазирлари ҳамда гулдай нафис икки хотинини хурсанд қилди. Улар шоҳнинг туши ҳақидаги таъбирларни жон қулоқлари билан тингладилар ва бундан вужудларига икки баробар куч оқиб киргандай бўлди. Чеккан тавба-тазаррулари шарофати ила шоҳ бутун аждодлари кудратига тенг қудрат соҳибига айланди. Васавдатга ва Падмаватий эса эрига вафодор хотин деган улуг шараф эгаси бўлишди.

Рўза ва риёзат ниҳоясига етиб, барча шаҳар аҳли тантаналарга берилганда, Ядугандҳрайан шоҳга куйидаги сўзлар ила мухотиб бўлди:

«Парвардигори олам Ҳарнинг марҳаматига ноил бўлиб, эй шоҳ, дунёдаги энг хужастафол ҳукмдорга айландингиз. Энди душманларингизни бир-бир ер тишлатиб, галаба нашъасини сурсангиз бўлади. Модомики, бахт — шон-шавкат мукофоти экан, у шоҳ насли учун муқаррардир; агар чинакам, ҳалол меҳнат билан қўлга киритилса, у ҳеч қачон тугаш нималигини билмайди. Сизнинг муборак аждодларингиз хазинаси ҳам ана шундай бемисл; гарчи у ерга чуқур кўмилган ва узоқ вақтгача кўздан панада қолиб кетган бўлса-да, сиз уни барибир топдингиз. Бунга ибрат бўлгулик бир ривоят бор, малол келмаса шунга қулоқ берсангиз.

### ВАЙШ (ҲУНАРМАНД) ДЕВДАС ҲИКОЯСИ

Паталипутра шаҳрида қачонлардир жуда ҳам бой хонадон зуррәди бўлган Девдас исмли савдогар ўғли яшарди. У Паундрвардҳан шаҳрилик бир ўзига тўқ савдогарнинг қизига уйланган эди. Отаси дунёдан ўтгач, Девдас ёмон йўлга кириб кетди ва қиморда ютқазиб-ютқазиб, бор бисотидан маҳрум бўлди. Қизининг ўтдай куйиб-ёнганини кўрган ота бир куни келди-да, уни ўзи билан уйига, Паундрвардҳанга олиб кетди.

Бироқ вақти-соати билан Девдаснинг кўзи очилди, тирикчилик қилиш пайига тушди ва янги бир иш бошлашга аҳд қилди. Шунда у пул қарз олгани қайнатасиникига йўл олди. Паундрвардҳанга у кеч шомда етиб келди, энгил-бошини қалин чанг босган, кўйлаги эса титилиб, жандага айланган эди. Буни кўриб, Девдас ўйланиб қолди: «Бу аҳволда қайнатамнинг уйига қандай кираман? Йўқ, қариндошига ўзининг қашшоқлигини кўрсатгандан кўра, номусли одамнинг ўлгани яхши». Шундай хаёллар билан у бозор майдонига қараб кетди ва у ерд тунни ўтказиш учун қандайдир дўкон хужрасига кирди-да, ойдиндаги нилуфардай, гужанак бўлиб ётиб олди.

Бироқ не кўз билан кўрсинки, лўкидонни суриб, хужрага қандайдир ёш савдогар йигит кириб келди. Бироздан сўнг бозорда оёқ учида юриб келаётган бир аёл пайдо бўлди ва у ҳам тўғри шу хужрага шўнғиди. Дўконда шам ёқилди ва Девдас ичкарига мўралаб қаради, ё алҳазар, ҳали аёл унинг ўз хотини бўлиб чиқса-я. Шундан кейин аёл эшикни ичкаридан қулфлаб олди, буни кўриб яшин ургандай бўлган Девдас ўйлади: «Пулини бой берган одам унга кўшиб ҳаётини ҳам йўқотар экан. Аёллар бунинг олдида нима бўлибди? Ахир аёл севгиси ўзи табиатан чақмоқ каби лаҳзалиқдир. Мусибат гирдобига тушган эркакнинг шўри қурсин; эрдан чиқиб, ота уйига келган қизнинг ҳолига юз минг вой!» Хужра девори ортида туриб у шуларни ўйлар экан, ишқий ўйинлардан кейинги ҳордиқдан лаззатланаётган хотинининг товуши қулоғига чалинди. Шунда у яқинроқ борди-да, эшикка қулоғини қўйди, худди шу лаҳзада лаънати хотин ўйнаш савдогарнинг қулоғига мана бу гапларни шивирлаб гапирди: «Сени жонимдан ортиқ севаман, шунинг учун сендан ҳеч нарсани сир тутмайман. Қулоқ сол, эримнинг бир вақтлар Варварман деган бобокалони бўлар эди. Уйининг ҳовлисига у олтин солинган тўртта хумни кўмиб қўйган — ҳар бир бурчақда биттадан хум. Кейин у бу ҳақда хотинларидан бирига айтиб берган, хотини эса ўлимдан олдин буни келинига айтган. У эса — ўзининг келинига, менинг қайнонамга, қайнонам

эса менга айтди. Ана, кўрдингизми, бу сир бир қайнонадан бошқасига ўтиб, эримнинг хонадониди сақланиб келаётир. Эрим қашшоқлашиб қолганида мен бу сирни унга айтмадим, чунки қиморга берилиб кетганидан кейин мен уни ўлгудай ёмон кўриб қолдим. Сизни эса дунёдаги ҳамма одамдан яхши кўраман. Эримнинг олдига боринг, унинг ҳовлисини сотиб олинг-да, олтинга эғалик қилинг. Кейин қайтиб келасиз-да, мен билан маза қилиб яшайверасиз».

Хиёнаткор хотин бу гапларни ўйнашига сўзлар экан, ўйнаш йигит севинчидан терисига сиғмай кетди, хазинани осонгина қўлга киритишига шакшубҳа қилмаётганди. Ташқарида турган Девдас эса ярамас хотинининг ҳар бир сўзидан юрагига чаён ниш ургандай ҳис қилмоқда эди, шу билан бирга яна бойиб кетишига умид ҳам уйғонганди.

Ўша кунийёқ у Паталипутрага қайтди, уйига келди, хазинани олди ва яшириб қўйди. Кўп ўтмай тижорат ишлари баҳонаси билан Девдас хотинининг пинҳоний ўйнаши бўлган савдогар йигит Паталипутрага келди. Хазина борасидаги гўзал орзулар билан у жуда катта пулга Девдаснинг ҳовлисини сотиб олди. Кейин Девдас эски уйининг ўрнига янгисини олди ва бир айёрликни ўйлаб, хотинини отасининг уйдан тезроқ қайтариб олиб келди. У ёқдан хотинини олиб келдию, бу ёқдан хазинани тополмаган савдогар йигит пайдо бўлиб, Девдасга дағдага қила кетди: «Ҳовлинг жудаям эски экан, у менга тўғри келмайди, шунинг учун ҳовлингни ол, пулимни қайтар». Савдогар йигит минг талаб қилмасин, Девдас унинг гапларига қулоқ солмади; можаро катталашиб, иккаласи шоҳ қозиси хузурига борди.

Бу ерда Девдас хотини нималар қилган бўлса, ҳаммасини миридан-сиригача сўзлаб берди, ҳикоя юракни куйдираб даражада аламли эди. Шоҳ Девдаснинг хотинини келтиришларини айтди, барча ҳақиқат аён бўлгач, у суюқоёқ савдогарни қаттиқ жазолади, бор мол-мулкни мусодара қилди. Девдас эса хотинининг бурнини кесиб ташлади<sup>1</sup> ва бошқатдан уйланиб, ҳалол топган пулидан муроду мақсадига етди.

Шунақа, агар ҳалол йўл билан топилган бўлса, ундай бойлик авлоддан-авлодга ўтиб, хизмат қилаверади, бошқа ҳар қанақаси офтобда эриган қировдай ном-нишонсиз йўқолади. Шу боис бойлик тўплаётган ҳар бир одам ҳалолликни эсдан чиқармаслиги керак; айниқса, шоҳлар бундан эҳтиёт бўлмоқлари лозим, зеро, бойлик унинг салтанати дарахтининг илдиридир.

Шундай қилиб, эй султони бокарам, эришган муваффақиятларингиз учун вазирларингиздан миннатдор бўлинг-да, шон-шавкатингизга муносиб бахтни қўлга киритмоқ учун ер юзини фатҳ этишга отланинг. Қўш қайнона билан иттифоқлигингизни билган шоҳлар сизга қаршилик кўрсатишга ботинмағайлар, уларнинг барчаси сизга келиб юкунгайлар. Аммо сизнинг қон душманингиз бор — бу Браҳмадатт деган Варонаси шоҳи. Шу боис сиз энг аввало шунинг шохини синдирмоғингиз лозим. Уни енггач, машриқдан тортиб мағрибгача — етти иқлим пойингизда тиз чўккай, Панду насли шонини кўкларга кўтаринг, токи у «оқ нилуфардай ҳаминша порлаб турсин».

Бош маслаҳатчисининг сўзларини диққат билан тинглаб ва маъқуллаб, галаба иштиёқида ёнган ватслар ҳукмдори вазирларига ҳарбий юришлар учун тайёргарлик кўришларини буюрди. Юришда иштирок этиш учун Удаян хузурига қайниси Гупалак келди: яхши кўрганидан шоҳ унга Видеҳ мулкни берган эди. Ёрдам бергани қўшини билан Падмаватийнинг акаси Санҳварман келди; ҳурмат қилганидан шоҳ унга Чеди вилоятини ҳадя этган эди. Ниҳоят, қудратли Удаян ўз хузурига дўсти, бҳиллар шоҳи Пулиндакни чорлади. Пулиндак олиб келган қўшин шу қадар кўп эдики, баҳорда булутлар осмонни тўлдиргандай, чор-атрофни бутунлай қўшин босиб кетди.

Ер юзиди буюк ҳукмдор ҳарбий юришга тараддуд кўрар экан, унинг душманлари юрагида беҳад гулгула пайдо бўлди. Яугандҳрайан эса шоҳ Браҳмадатнинг режаларидан воқиф бўлгани ўз айғоқчиларини Варонасига юборди.

Кейин галабадан дарак берувчи кароматлардан суонган ватслар ҳукмдори хосиятли бир куни Браҳмадаттга қарши машриқ томон музаффар юришини

<sup>1</sup> Ҳиндистонда бузуқ аёл учун бериладиган олий жазолардан бири. (Тарж.)

бошлади. У тахтиравони узра баланд соябон соя ташлаб турган тоғдек улкан ва қудратли фил устига ўлтирди, шу кўринишида у чўққисида дарахлари чаппор уриб гуллаган тоғ устидаги шерга ўхшарди. У зафардан дарак бераётгандек, дарёлардаги сувни қуритиб, барча йўлларни ўтишга мослаб қўяётгандек бўлган куз фаслидан жуда-жуда миннатдор бўлмоқда эди. Гарчи осмонда бир парча булут бўлмаса-да, худди ёмғирлар фасли бошлангандай, қўшинлар борлиқни гумбур-гумбур овозларига тўлдириб юборди. Қўшинлар юришидан баравар ваҳимага тушган каби ёруғ оламнинг тўрттала томони бу гумбур-гумбурлардан акс садо берар эди. Отларнинг тилла жабдуқлари қуёш нурларидан чарақлар эди, гўё қўшиннинг шу шуқуҳли юриши баробарида унинг устидан муборак сув сепилиб тургандай. Йўлдан чайқалиб-чайқалиб келаётган тоғкелбат филлар қўшинга келиб қўшилиш учун юраклари така-пука бўлган оталар ҳарба яуборган тоғлик ўғлонларни эсга туширарди; уларнинг елпуғичга ўхшаган қулоқлари тоғ чўққиларидаги пага-пага оқ кузги булутларнинг ўзгинаси; пешоналаридан оққан реза-реза ёқут ранг терлар тошдан-тошга сакраб жилдираётган майда шаршаралардан фарқ қилмасди. Қўшин оёғи остидан кўтарилган чанг гўё шоҳнинг рақиблари табассумини кўришга тоқати йўқлигини сезмагандек қуёшни бутунлай тўсиб қўйганди. Шоҳнинг сийёсат бобидаги зукколиги туфайли бош этиб келган Шак ва Нусрат маъбудалари каби ҳар иккала маликаи олия тан маҳрамларидан бир қадам ҳам ортда қолмай келарди. Шамолда гоҳ пастга эгилиб, гоҳ юқорига кўтарилиб тинмай ҳилппираётган жанговар яловлар гўё ганимларга қараб: «Кунинг битди! Бўйин эг!» деб ҳайқираётгандек.

Шоҳ Удаян ана шундай шуқуҳ ва шижоат билан кетиб борар экан, бутун йўл давомида унинг қўшинларини ер ёрилишидан ваҳимага тушиб, бошларини юқорига чиқарган Шеш аждаҳоси янглиғ нилуфарлар олқишлар эди.

Энди гапни капаликларнинг<sup>1</sup> онтини ичиб чиқиб кетган Яугандҳрайаннинг айғоқчиларидан эшитинг. Улар Варонаси шаҳрига етиб келишди. Улар орасидан каззобликда пих ёрган биттаси ўзини кароматгўй қилиб кўрсатди ва мен устозман, мана булар эса менинг шогирдларим бўлади, деб эълон қилди. «Бизнинг суюкли устозимизга ўтмиш, ҳозир ва келажак кундай равшан»,— дейишди уни қўллаб-қувватлаб шогирдлари. Айниқса, «устоз» садақа тиланиб гоҳ у, гоҳ бу ерда кезиб юрганида ростданам шогирдларнинг гапи исботини топгандай бўлиб кетар эди. Борди-ю, сўраган одамларга эрта-индин бўладиган воқеа-ҳодисалардан башорат қилса, дейлик ёнгин бўладими ё шунга ўхшаган бирон фалокатми, нотўғри чиқмаслиги учун шогирдлари билдирмай бажариб келар эдилар. У ана шу тариқа элга овоза бўлиб кетди.

Кўп ўтмай у шоҳнинг эркатойи ва мулозими бўлган бир маҳаллий рожпут йигитнинг тўлиқ ишончини қозонди. Бу йигит қандайдир кучли жодугарлик сирларини билади деган миш-мишлар ҳам юрарди. Ватслар ҳукмдори билан уруш бошланганида мана шу рожпут воситасида шоҳ Браҳмадатт кароматгўй билан бамаслаҳат иш юрита бошлади. Кароматгўй шу тариқа шоҳнинг барча режаларини билиб олди. Масалан, Браҳмадаттнинг вазири Йогкаранд ватслар шоҳи юриб келган барча йўлларга тузоқлар қўйган, йўл бўйидаги барча дарахтлар, гуллар, мевалар ва майсаларни турли заҳарли сувлар билан сугориб чиққан, фоҳишалар ўрнида Удаян қўшини ичига заҳарловчи қизларни қўйиб юборган ва ўша ёққа бошқача кийиниб олган тунги жаллодларни йўллаган эди. Фақат ўзини кароматгўй қилиб кўрсатган жосус ёрдамидагина бу ҳақда ўз ёрдамчилари орқали Яугандҳрайанга маълум қилди. Бу сирлардан воқиф бўлган Яугандҳрайан қўшини босиб келган барча йўллардаги ўт-ўланларнинг заҳрини ўлдириб чиқди, сувлар ва набототни тозалади, аскарларига яқинда хузурларида пайдо бўлган аёллар билан жимо қилмасликни буюрди, Руманват билан биргаликда эса ёлланган қотилларни тутиб ўлдирди.

Барча режалари чиппака чиққанини ва мамлакатини ганим қўшини тутиб кетганини кўриб, Браҳмадатт ватслар ҳукмдорини енгиб бўлмаслигига кўзи етди. Ҳаммасини обдон ўйлаб кўриб, у сал нарида мақом тутган ватслар шоҳи хузурига элчилардан юборди, кейин ўзи у ёққа йўл олди, сулҳ ва таслим

<sup>1</sup> Вишну мазабларидан бири.

маъносида у ҳар иккала қўлини бошига қўйиб олганди. Браҳмадаттнинг кўплаб ажойиб совға-саломлар билан келганини кўрган Удаян уни иззат-икром ва эҳтиром ила қабул қилди. Зеро, қулоқ солмоқ ботирларга зеб беради.

Браҳмадаттни енгиб, шундан кейин Удаян унга ҳеч бир эътирозсиз бош эгган шоҳларга мурувват кўрсатди ва бўйсунмаганларни таг-томири билан йўқ қилиб, бутун Машриқ дунёсини қўл остига олди. Қудратли шоҳ Шарқ баҳри муҳитигача етиб борди ва баҳри муҳит уни фотиҳ Ванга қаршисида даҳшатдан титроқ босган каби бир-бирини қувлаган ёлдор ва пишқирган тўлқинлари билан кутиб олди. Баҳри муҳитнинг шундоқ соҳилида у музаффарият минорасини тиклади. Бу минора бамисоли ер ости оламига тегмасликни ёлбориб сўрагандек, айни наг (илон)лар шоҳи салтанати, яъни ернинг остидан кўтарилган эди.

Шундан кейин Удаян Калининга забт этди ва унга ўз эҳтиромини бажо этди, сўнг унинг шон-шухрати шу мамлакат аҳолиси билан изма-из Маҳендр тоғи устига муртафе бўлди. Виндҳйя тоғи чўққиларини эсга солгучи филлари билан Маҳендр қисмати даҳшати туфайли унга келиб қўшилган каби, у бир қанча шоҳликларни енгди ва жануб томонга мутаважжиҳ бўлди.

У ерда душманларининг ҳам кучини, ҳам унини ўчириб, рангининг қонини қочирди, кузда паноҳ излаб югурган булутлар каби барчалари тоғ бағрига кириб яширинди. Фолибона юришлари билан у Кавери дарёсини кечиб ўтди ва чоулар шоҳининг шон-шавкати ер билан яксон қилди. У на Мурал аҳолисининг такаббурона кўтарилган бошларини кўришга тоқат қила оларди — хирож солиб, ҳаммасининг попугини пасайтириб қўйди, на хотинларининг тирсиллаган сийналарини аяб ўтира олди — барчаларини баҳодир аскарларининг метин қўллари анордай сиқиб, халта қилиб ташлади. Шоҳнинг жанговар филлари етти ирмоққа бўлиниб кетган Годаврий дарёсига ёпирилиб тушди, улар хартумлари билар дарё сувидан қанчалик симиришса, етти ирмоқли жилгага айланиб, манглайларида яна дарёга қуйилиб тушар эди.

Шундан сўнг ватслар шоҳи Реву дарёсини кечиб ўтди ва Ужжайнга етиб келди. У ерда уни шоҳ Чандмаҳасен кутиб олди ва ҳурмату эъозлар ила пойтахтига бошлаб кирди. Шаҳар ичидан ўтган бутун йўл бўйлаб уни Малва аёллари ишвали нигоҳлари билан кузатиб қўймоқда эдилар, бошларидаги гулчамбару тақимларига тушган тим-қора паршон сочларидан ўзга бирон-бир безакка уларнинг ҳусни латофатлари эҳтиёж сезмас эди. Барча ташвишу ғамлардан холи Ужжайнда у бир мунча муддат қарор топди, қайнотаси унга шунақанги ғамхўрликлар қилар эдики, ҳатто у юрагини қачонлардан бери ўртаб келаётган она-Ватан соғинчини ҳам унутди. Васавдатта эса ҳеч отаси ёнидан жилмас, ёшлигини қўмсар, шу боисдан ҳатто бахт-саодат сурур-нашъаси ҳам кўзига кўринмай кетмоқда эди. Шоҳ Чандмаҳасен эса Падмаватий билан танишиб, ўз қизи билан дийдор кўришганидан ҳам ортиқ даражада суюнар эди.

Бир неча кун ва тун ҳордиқ чиқаргач, ватслар ҳукмдори қувноқ бир кайфиятда қайнотасининг қўшини билан биргаликда Мағриб сари равона бўлди. Унинг ўтқир дамли шамшири шавкати ёнғиндан кўтарилган дуддек кўринар эди, чунки Лата аёлларининг нигоҳларини улардан тўкилган кўз ёшлари хиралаштириб юборди. «Баҳри муҳитни чайқаб, ғавго солмоқ учун мени таг-туғи билан кўпориб ташламаса гўрга эди», — деб ўйлаган бўлса керак Мандар тоғи, унинг филлари ён-бағирдаги ўрмонларга қирон солаётган вақтда. Дарҳақиқат, у куёшдан ва бошқа сайёралардан мутлақо ўзгача бўлган қудратли, янги ёритқичнинг ўзи эди, чунки унинг узоқ муддатли ва ғолибона юксалиш жараёни Мағрибда ҳам давом этмоқда эди.

Сўнгра у Кубернинг ташрифи билан нишонланган, Кайлос тоғининг мўъжаз табассуми Алак билан висолни ваъда этган мамлакат томонга қараб юрди. Кейин Синдху шоҳини бўйсундириб, у сарбозлари раҳнамолигида Рағху зуррёди маймунлар бошчилигида рақшасларнинг кунини битиргани каби млечқларни қиличдан ўтказди. Унинг филлари турушкалар<sup>1</sup> сарбозларининг минглаб галаларини эзиб-янчиб ташлади, буни кўрган одам қутурган баҳри муҳитнинг тоғдай тўлқинлари қирғоқдан дов-дарактни ямлаб ташлаётир деб ўйлаши ҳеч гап эмасди. Маъбуд Вишну ўзига нодўст маъбуд Раҳунинг бошини чўрт узиб

<sup>1</sup> Т у р у ш к а л а р — қадимги туркистонликлар, яъни скиф ва тохарлар.

ташлагандек, одамзод наслининг энг пок ва беғубор авлоди бўлмиш Удаян ярамас Форс шоҳларининг бошини танидан жудо қилди, қаршилик кўрсатган аҳолисига оғир хирожлар солди. Хунлар устидан қозонилган ғалабадан кейин унинг шон-шухрати етти иқлимдаги жамики мамлакатлар осмони узра баландроқ жаранглай бошлади, бамисоли иккинчи Ганга каби бутун кўк гумбазини қамраб олди. Кўшинининг зафарли ҳайқириқлари таралгани ҳамон сўнгсиз даралар акс садо қайтарар, ганимларининг эса даҳшат ва қўрқувдан баттар нафаслари ичига тушиб кетарди. Унинг олдида бошини эгган Камруп ҳукмдори, бошида шоҳона соябони бўлмагани етмагандай, на фақат кўлкаси, балки оби-тобидан ҳам маҳрум бўлса, бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Шундан кейин жаҳонгир фотиҳ уйига қайтиш тараддудига тушди, Камруп шоҳи ҳада эгган жанговар филлар унга бутун йўл давомида ҳамроҳлик қилди.

Ёруғ оламни забт этиб, Удаян аёнлари ва кўшини билан Падмаватийнинг отаси Могадх шоҳининг пойтахтига кириб келди. У иккала моҳитобон билан пайдо бўлганида Могадх ҳукмдорининг қанчалик суюнганини, бахтиёрлик туйғуларини таърифлашга қалам тили ожиз. Қоп-қора тунни ой ўз нури билан чарақлаган ойдинга айлангирганда ишқ Тангриси ана шундай фараҳманд бўлади. Бир вақтлар саройида ҳеч кимга ўзини танитмай яшаган Васавдатга билан яна дийдор кўришиб, шоҳларга хос бағрикенглик ва саховатпешалик ила унга эҳтирому эъзозлар кўрсатди.

Сўнгра Могадх шоҳи ва пойтахт аҳолисининг олқиш ва тараннумлари остида фуқаролар қаблани ўзига бутунлай ром қилиб, қудратли лашкари билан арзу самони баравар ларзон этиб, музаффар ватслар ҳукмдори ўз юртига қайтиб келди ва Лавнакка келиб қўнди.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Лавнак» китобининг бешинчи долғаси ана шулардан иборат.

## ОЛТИНЧИ ДОЛҒА

Кўшинига дам бергани Лавнакда қўнган ватслар ҳукмдори Удаян Яугандхрайан билан хилватда қолганда унга қараб шундай деди: «Сенинг донолигинг туфайли мен ер юзидаги барча шоҳларни енгдим. Биз бўйсундирганларнинг барчаси давлат қонунларига кўра, энди меники ҳисобланадилар, энди улар менга хиёнат қила олмайдилар. Фақат Варонаси шоҳи Браҳмадатгина бундан мустасно – унга ишониб бўлмайди, менимча, у кўзғолон кўтаришни кўнглига туғиб юрибди. Сурбетларга ишониб бўларканми?» Ватслар ҳукмдорининг бу сўзларига Яугандхрайан шундай жавоб берди: «Йўқ, олампазоҳ, Браҳмадатт энди сизга асло хиёнат қилмайди. Гарчи сиз уни енгиб, пойингизга чўқдирган бўлсангиз-да, ўзига яраша иззат-икром кўрсатдингиз. Қайси ақл-ҳушли одам яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтаради? Борди-ю, бирон-бир одам шундай қилишга журъат этгудек бўлса, унда ўзига ёмон бўлади. Қулоқ солинг, худди шу борада мен сизга бир ривоят сўзлаб бераман.

## ПҲАЛБҲУТИ ҲИКОЯСИ

Бир замонлар Падми мамлакатаида Агнидатт деган бир инсоф-диёнатли браҳман яшаган экан. У шоҳ томонидан васиқа қилиб берилган ерда меҳнат қилиб, кун кечирган экан. У иккита ўғил кўрди, каттасининг исми Сомдатт ва кичигининг исми Вайшванардатт эди. Биринчиси хушрўй, кўримликкина бўлса ҳам жоҳил бўлиб, қилиқлари совуқдан-совуқ эди. Иккинчиси эса ақлли, тарбияли бўлиб, ўқишга ҳаваси баланд эди. Вақти етиб, иккаласи ҳам уйланди, оталари ўлгандан кейин эса иккаласи бор мол-мулк ва ер-сувни теппа-тенг қилиб бўлашиб олди. Укаси шоҳнинг назарига тушиб, унинг муруватига сазовор бўлди, каттаси Сомдатт эса ўз бурчини тўғри англамади ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Иттифоқо Сомдаттни шудра – энг тубан тоифа ордамлари орасида турганига кўзи тушиб, отасининг дўсти бўлган қайсидир браҳман унга шундай деди: «Ҳой нодон бола, кимсан Агнидаттнинг зуррёди бўла туриб, шудралар орасида нима қилиб юрибсан? Уят эмасми, ахир укангни шоҳ ҳам ҳурмат қилишини наҳотки билмайсан?» Бу гапларни эшитиб, газаб

билан ҳалиги браҳманни тепиб юборди, ўзидан катталарга бундай қилиб бўлмаслиги хаёлига ҳам келмади. Шунда тепки еган браҳман азбаройи газабидан чидолмай гувоҳликка бошқа браҳманларни чақирди ва шоҳга арз қилгани йўл олди. Сомдаттни тутгани шоҳ ўз мулозимларини юборди, бироқ Сомдаттнинг дўстлари қўлларига қурол олиб, мулозимларни ҳайдаб юбордилар. Шунда шоҳ кўпроқ мулозимларини жўнатди ва Сомдаттни ҳибсга олдириди, газаби келгани шунчаликки, у бечора йигитни қозиққа ўтқазिशга фармон берди. Бироқ браҳман йигитни қозиққа энди ўтқазмоқчи бўлишган ҳам эдики, гўё биров атайлаб қилгандай, қозиқ қулаб тушди. Жаллодлар иккинчи бор йигитни кўтаришга уринишганида эса, барчаларининг кўзи қамашиб, ҳеч нарсани кўрмай қолишди. Шунақа, худо қўллайман деса, бу ёғи ҳеч гап эмас экан. Кўп ўтмай воқеадан шоҳ ҳам хабар топди, бунинг устига ука аканинг гуноҳидан ўтинг, деб шоҳдан илтимос қилди ва шоҳ унинг илтимосини ижобатсиз қолдирмади. Шундай қилиб, Сомдатт жазодан қутулиб қолди.

Ўлимдан қутулган бўлса-да, шоҳнинг кўзига балодай кўриниб қолган Сомдатт хотини билан бошқа мамлакатга кетишга қарор қилди. Бироқ қариндош-уруғлари унинг бу қарорини маъқул деб топмадилар, у мусофирликда яшайдиган бўлса, унга шоҳ томонидан васиқа қилиб берилган жами мол-мулк ва ер-сувнинг тенг ярми баҳридан ўтиши керак бўларди. Тирикчилик қилишнинг бошқа чораси қолмагач, у деҳқончилик билан кун кечиришни маъқул топди. Ҳаво очиқ яхши бир кунда у деҳқончиликбор ер топгани ўрмонга йўл олди. Кўп ўтмай, катта ҳосилдан дарак берувчи худди ана шундай ер майдонига дуч келди, майдоннинг қоқ ўртасида улкан ашваттх дарахти шовуллаб турарди. Бу дарахтнинг ёмғирлар фаслидаги булутдай муздек соя ташлаб турганини кўриб ва ишлаган вақтида ловуллаган офтоб тафтидан ҳимоя қилишини ўйлаб, Сомдатт ўзида йўқ суюнди. «Бу дарахтда қандай жонзот истиқомат қилмасин, мен унинг қулиман», – деди. Сомдатт дарахт олдида етти букилиб тиз чўкди, сўнг унга ўз ҳурмати белгиси сифатида аввал ўнг, кейин сўл томондан айланиб чиқди. Шундан сўнг кўш ҳўкизни омонча тиркади, ишимни бароридан келтир, деб худога илтижо қилди, дарахтга қурбонлиқ-садақа расмини адо этди ва ерни ҳайдашга киришди. Кунларини ҳам, тунларини ҳам шу дарахт тагида ўтказарди, хотини эса ҳар сафар овқатни шу ерга олиб келиб берарди.

Орадан анча вақт ўтди, ҳосил етилди, нима бўлди-ю, ҳеч қутилмаганда мамлакат устга душманлар бостириб келди ва Сомдаттнинг ерини остин-устин қилиб ташлади. Душман кўшини бутун ҳосилни ер билан яксон қилиб кетгач, мард Сомдатт хўнграб йиғлаётган хотинини тинчлантирди ва ўзида қолган озгина нарсани унга берди. У яна қурбонлиқ-садақалар расмини бажо келтирди ва ўша-ўша ҳалиги дарахт тагида яшайверди, зеро, мард одамлар шунақа бўлади: мусибатлар кўпайгани сайин уларнинг чидами ҳам ортиб бораверади.

Бир кун тун чоғи Сомдатт ташвишларга ботганидан уйқуси келмай ёлғиз ётганида ашваттх дарахтидан бир овоз эшитилди: «Ҳой Сомдатт, мен сендан хурсандман! Адитйапрабх деган шоҳ ҳукмронлик қилаётган Шрикантх мамлақати сари отлан. Шоҳ сарой дарвозаси олдига бориб тур ва Агни ҳақиқа тонги қурбонлиқ маросими вақтида ўқиладиган дуоларни замзама қил. Қуйидаги сўзларни қайта-қайта такрорла: «Мен Пҳалбхути исмли браҳманман. Айтмоқчи бўлган сўзларимга қулоқ беринг: Яхшилик қилган одамга яхшилик билан қайтсин, ёмонлик қилган одамга эса – ёмонлик билан». Агар шу гапларни айтсанг, буюк муваффақиятларга эришгайсан. Энди эса мен сенга Агнини шарафловчи дуоларни ўргатаман. Бир нарсани билиб қўй, мен – якшман<sup>1</sup>». Шу гапларни айтиб ва тилсим ёрдамида Сомдаттга дуоларни кўз очиб-юмгунча ўргатиб, дарахтдан чиқаётган овоз жим бўлди. Ўзида йўқ суюнган Сомдатт эса унга якш берган Пҳалбхути исминини қабул қилиб, тонгласи хотини билан йўлга тушди.

У кўплаб ўрмонларни оралаб ўтди, ўрмонлар ўз қисмати сингари қоронғи ва чалқаш эди, охири Шрикантх мамлақатига етиб келди. У ерда дарвоза олдига келиб, Агни шарафига қилинган қурбонлиқ маросимида ўқиладиган дуоларни ирод этди: «Яхшилик қилганга – яхшилик билан қайтсин, ёмонлик қилганга эса – ёмонлик билан».

<sup>1</sup> Я к ш – Бойлик маъбуди Кубернинг ёрдамчиси.

Унинг бу гапларидан халқ ҳайрон бўлибди. Қарашсаки, у бу гапларни тўхтовсиз қайтараётди. Шоҳ Адитйапрабх ҳам бунга қизиқиб қолди ва Пҳалбхутини ҳузурига келтиришни буюрди. Шоҳ саройига кириб бораётди, Пҳалбхути ҳалиги сўзларини қайта ва қайта такрорлади, бундан шоҳ ҳам, унинг аъёнлари ҳам кула бошлашди, кейин эса уни зарбоф кийимлар, қимматбаҳо тақинчоқлар ва ҳаттоки бир қанча қишлоқлар билан сарафроз этдилар. Дарҳақиқат, қудратли одамларнинг кўнглини олган зарар кўрмайди!

Шу тариқа якшнинг шарофати билан аввалда ночор ва қашшоқ бир одам бўлган Пҳалбхути шоҳнинг саховатларидан баҳраманд бўлиб, бой-бадавлат шахсга айланди. У ўргатган сўзларни узлуксиз такрорлаб, кўп ўтмай шоҳнинг энг яқин одамларидан бирига айланди, чунки ҳукмдорларнинг кўнгли доим дилхушликларга мойил бўлади. Шоҳнинг эркатоийга айланган, вақти-соати билан у саройда ҳам, ҳарамда ҳам ва бутун мамлакатда ҳам катта обрў ва меҳр қозонди.

Кунларнинг бирида ўрмондаги шикордан қайтаётди, шоҳ Адитйапрабх кутилмаганда ҳарамга кириб келди. Посбоннинг шошиб қолганини кўриб, шоҳнинг кўнгли ғаш тортиди ва ичкарига кириб, тангрилар ҳақиқа галати-галати маросимлар ўтказётган малика Кувалявалийга кўзи тушди. Малика қип-яланғоч эди, сочлари ҳурпайиб, тикка бўлиб қолган, кўзлари қисилган, манглайида қизил бўёқ чўгдай ёниб турарди, хиёл очиқ лаблари эса қандайдир дуоларни замзама қиларди. Чор атрофида эса қон, шароб ва одам гўшти билан қилинадиган мудҳиш қурбонлиқ маросимига мўлжалланган идиш-товоқлар ёйилиб ётарди.

Шоҳ кириб келиши билан Кувалявалий уялганидан кийимларига ёпишди ва қилмишлари учун жазо бермаслигини ялиниб, шоҳнинг саволларига қуйидаги сўзлар билан жавоб қайтарди: «Мен бу маросимни сизнинг тахтингиз равнақи учун адо этаётган эдим, султоним. Кулоқ солинг, олампаҳо, жодуларим маъноси қанақа экани ва уни қандай ўрганиб олганимни сизга айтиб берай:

### КУВАЛЯВАЛИЙ ҲИКОЯСИ

Баҳор айёми авж палласига етган кунлардан бирида, мен ҳали ота уйида яшаб, эндигина бўйга тортиб қолган қизалоқлик вақтимда боғда сайр қилиб юрганимизда дугоналаримдан бири менга шундай деб қолди: «Мана шу кўнгилочар сайрлар боғидаги дарахлар орасида тангрилар тангриси, фаровонлик соҳиби, қудрати жамики фалакларда маълуму-машҳур Ганешнинг ҳайкали бор. Ушанинг олдига бор ва тез орада ҳеч бир гап-сўзсиз ўзингга муносиб қайлиқ топишингга ёрдам берувчи шафқатсиз зотга чин ихлосу муҳаббат ила бош уриб, юкин». Дугонасининг сўзларини тинглаб, мен туғма гўллимга бориб сўрадим: «Наҳотки Винаякка юкинмиш билан қизлар қайлиқли бўлиб қолаверса?» Бунга жавобан қизлар бундай дейишди: «Нима деётганингни ўзинг ҳам билмаяпсан, чоғи. Шунини билиб қўйки, унга юкинмай туриб дунёда биронта ҳам қизнинг пешонаси очилмайди. Ганешнинг қудрати ҳақидаги бир ривоятни айтиб берай, сен кулоқ сол». Шундай қилиб, дугоналарим менга мана бу ривоятни сўзлаб беришди:

### ГАНПАТИ (ГАНЕШ) ҲИКОЯСИ

Бир замонлар Торак деган асур — дев бостириб келганида Шакр кўшинига шаҳарлар заволкори Шиванинг бўлғуси ўғли кўмондон бўлишини истаб қолди. Бироқ гул пайконли Ишқ тангрисини Шива ёқиб юборди ва Уч кўзли тангри (Шива) ўз жисмини поклаш билан машғул бўлган ҳолда риёзатини беканда давом эттираверди. Шунда Гаурий (Шиванинг хотини) тавба-тазарруга ружу қўйди ва унинг хотини бўлишга ва ундан ўғил фарзанд кўришга муваффақ бўлди, шу билан Мадан (Смар ёки Ком) — ишқ тангрисини тирилтиришга аҳд қилди. Бироқ ҳаёлидаги муваффақиятга эришаман деб у Тўсиқлар ҳукмдори (Ганеш)га сизинишни эсдан чиқариб қўйди. Эри Шивадан хоҳишини рўёбга чиқаришни тилаган эди, у хотинига бундай жавоб берди: «Жонгинам, Смар жуда қадим замонларда Пражапати — Браҳманинг шууридан дунёга келган эди.



У оламга келиши биланоқ унга хос бўлган дангаллик ила шундай деб нидо солди: «Кимнинг эсини эсхонасидан чиқарсам экан-а?» Шу боис Чорчехра (Брахма) унга Кандари («Кимнинг эсини эсхонасидан чиқарсам экан-а?») деб исм қўйди ва бундай деди: «Сен жудаям шўхсан, ўғлим! Аммо Учкўз (Шива)га даф қилишдан эҳтиёт бўл, акс ҳолда ўз бошинга ўзинг етишинг тайин!» Парвардигорнинг бу огоҳлантиришига қарамай, бу ўзбошимча бола менинг ақлимни чалғитаман деб чирана бошлади. Шунда мен уни қуйдириб, кул қилдим ва у энди моддий жисм сифатида дунёга келолмайди. Аммо ўз қувватим билан бир ўғлимни дунёга келтиришга қурбим етади. Зеро, мен оддий бандалардай зуррэд кўриш учун Маданнинг чиранишларига муҳтож эмасман. Байроғида хўкиз тасвири бўлган Тангри Парватий (Шива) ана шу гапларни айтди. Шу топ Шатмақх (юз қурбонлик соҳиби, Шива) ҳамроҳлигида унинг олдига Браҳма келди. Шивага алқов сўзлари айтиб, Шива Браҳмадан асур — дев Торакни тийиб қўйишни илтимос қилди ва шунда Шива Девий (маъбуд Парватий)нинг ундан ўғил туғишига рози бўлди. Браҳманинг илтимоси билан у яна Ком (ишқ тангриси)ни тирилтиришга ҳам кўнди, бироқ олдинги жисмоний қиёфасида эмас, балки одамлар юрагида ҳиссиёт шаклида, шунда ҳам инсон наслининг куриб кетмаслиги шарти билан кўнди. Шундан сўнг у Ишқ тангриси учун ўз юрагида йўл очиб берди ва Парвардигор ундан хурсанд бўлиб ўз йўлига кетди. Парватий эса бахтиёрликдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди.

Бир неча кундан кейин хилват ва кимсасиз жойни топиб, Шанкар ва Ума (Шива ва Парватий) ишқий лаззатлар гирдобига шўнгиб кетишди. Орадан неча юз йил ўтиб, ҳар учала олам учун охирзамон хавфи соя солиб турганда ҳам иккаласининг ишқий эҳтирослари сусаяй демасди. Охират бошланиб қолишидан кўрқиб, тангрилар Браҳма маслаҳати билан Шиванинг ишқий жазаваларига чек қўяр деган умидда маъбуд Агнига мурожаат қилдилар. Бироқ Шива исмини эшитиши билан Агни қочиб қолди. У Маданни ўлдирган зотни енгиб бўлмайди, деган хаёлга борди ва тангрилардан сув остига тушиб яширинди. Бироқ ундаги ҳароратдан қийналиб кетган бақалар Агнини қидириб юрган фаришталарга унинг сув тагида яшириниб ётганини айтиб қўйишди. Агни ўша заҳоти бақаларни дуойибад қилган эди, бақалар тушуниб бўлмайдиган тилда «вақ-вақ» дейдиган бўлиб қолишди. Агни яна Индр жаннатида ўсувчи дарахтлардан бирининг шохлари орасига кириб яширинди. У шиллиққурт қиёфасига кириб, дарахт қаваги ичига яширинди, бироқ филлар ва тўтилар уни маъбудларга чақиб қўйишди ва улар Агнини ўша ердан топиб олишди. Агни филлар ва тўтиқушларни дуойибад қилди ва уларнинг овозлари хунук чиқадиган бўлиб қолди, унга ҳурмату иззат кўрсатган маъбудларга эса илтимосларини адо этишга ваъда берди.

Агни Шиванинг ҳузурига қайтди, ўзининг оловлари тафти билан унинг ишқий эҳтиросларига барҳам берди, кейин эса унинг дуойибад қилишидан кўрқиб, пойига тиз чўкди-да, маъбудлар томонидан унинг зиммасига юклатилган вазифани баён этди. Ҳамон ишқий эҳтирослар суруридан маст Шива эса ўзининг эркаклик уруғларини олов ичига тўкиб юборди. Агни ҳам, Антика ҳам кўлларида ҳеч нарса келмаганча ағрайиб қолаверди.

«Мен сендан ҳеч қанақа ўғил-пўғил туғмайман!» — алам ва газаб ичида нидо солди Девий ва шунда Ҳар унга қараб бундай деди: «Йўлингга энди тўсиқ пайдо бўлди, чунки сен Тўсиқлар ҳукмдорининг ҳурматини жойига қўлмадинг. Тезроқ унга ҳурмат кўрсатгин, шундагина ўғлимиз оловдан дунёга келгай». Шамбхунинг сўзига итоат қилиб, Девий Тўсиқлар ҳукмдори шаънига атаб тавалло сўзлари айтди ва Шиванинг эркаклик уруғлари Агни қорнида ниш ура бошлади. Етти тилли маъбуд (Агни) ўзида Шамбхунинг уруғларини олиб юргани боис у тунда ҳам, кундузи ҳам, худди ичига қуёш кириб қолгандай, кўзни олар даражада чарақлаб турар эди. Бироқ бу уруғларни ушлаб туришга мажоли қолмагач, у уни Гангага тўкиб ташлади, Ганга эса Ҳарнинг амри билан уни Меру тоғидаги муқаддас ғорга олиб кетди. У ерда бу уруғларни Шива аёнлари ичидан ганлар кўриқлар эди ва минг йил ўтгандан кейин у олти чехрали болакайга айланди. Унга Гаурий доялари ёпиштирган олти Криттик (Ҳулкар юлдузлар тўплами ичидан олти юлдуздан олтига оғзи билан сут эма бошлади ва бир неча кун ичидаёқ кап-катта ўсмир болага айланди.

Бу орада Торак дев билан бўлган жангда Маъбудлар тангриси (Индр) жанг майдонини ташлаб чиқди ва Меру тоғининг одам оёғи етмас чўққисига кўтарилди. Шунда маъбудлар ва авлиё донишмандлар бошпана истаб, Олти чехрали йигитча хузурига келишди. Уни чор атрофдан қуршаб олган меҳмонларни яши қарши олиб, улардан паноҳини дариф тутмади. Бундан воқиф бўлган Индрнинг дили ранжиди. У менинг салтанатимни ўғирлаб олибди, деган тўхтамга келди у. Ичидан куйиб-тутаққанча у Кумар хузурига кирди. Индрнинг чақмоғи Олти чехраликни келиб урган эди, ўсмирнинг танасидан куч-қудратда тенгсиз Шаққ ва Вишакқ деган икки ўғил фарзанд оламга келди. Шунда ўглининг олдига Шиванинг ўзи келди, ўғил матонатда отасидан қолишмас, балки унданда ўтар эди. Шива Олти чехралик ва болаларидан урушни тўхтатишни илтимос қилди. Йигитча Кумарга қараб бундай деди: «Сен Торакни ўлдириш ва Индрнинг салтанатини сақлаб қолиш учун туғилгансан. Қани, ўз бурчингни бажар-чи». Шундан кейин суюниб кетган Вритрининг Душмани (Индрнинг сифати) Кумар хузурида бошини эгди ва бетўхтов уни ўз сипоҳсолори этиб эълон қилиш маросимини ҳозирлашга киришди. Тантанали сув қуйиш маросимини адо этмоқ учун у кўзани кўтарганида, унинг қўллари ўз-ўзидан ҳавода муаллақ қотиб қолди. Шаққ бундан ҳангу манг бўлди. Шива эса унга қараб деди: «Сен ҳарбий бош кўмондонлик мансаби олишни хоҳладинг-у, аммо Филчеҳра (Ганеш)га сифинишни эсдан чиқардинг. Сенинг бу тўсиққа дуч келганинг сабаби шунда. Уни ўзига яраша иззату икром билан сарафроз этгил». Шива нима деган бўлса, Индр худди шундай қилди ва қўллари тагин аввалгидай бемалол ҳаракат қиладиган бўлди. Шундан сўнг у барча расм-русумларга кўра сипоҳсолорликка бағишланган расм-русумларни тугатди. Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин эса унинг сипоҳсолори дев Торакни ер тишлатди, барча орзулари рўёбга чиққан маъбудлар ҳам, ўғиллик бўлган Гаурий ҳам роса севинишди.

Ана шунақа, маликам, агар Ганешга сифинмасалар, ҳатто маъбудларнинг ҳам иши чатоқ. Шу боис агар хоҳишинг бажо бўлишини истасанг, сен унга эътиқод қўй».

Дугоналаримнинг маслаҳатини қулоғимга қуйиб олиб, мен шу заҳотиёқ йўлга тушдим, вафодор эрим иккаламиз боғнинг хилват тўрида қад кўтариб турган Тўсиқлар ҳукмдорининг тошдан йўнилган сиймосини тавоф қилдик. Тавоф маросими тугар-тугамас бундоқ қарасам, дугоналарим жоду кучи билан осмону фалакка чиқиб кетиб, ўша ёқларда парвоз қилиб юришибди. «Оббо шумтака қизлар-ей», деб кўнглимдан ўтказдим-да, мен уларни пастга тушинлар, деб чақирдим. Ҳаммалари қайтиб тушишгач, бу тилсимни қаердан ўрганиб олишганини суриштра бошладим. Бунга жавобан улар шундай дейишди: «Бу санъатни бизга ўргатиб қўйгани учун дакиналар, яъни одамхўр аёл девлардан гоят миннатдоримиз. Бу тилсимни ўрганмоқчи бўлганлар аввал одам гўштидан тотиб кўрмоғи керак. Бунда Калратрий исмли бир браҳман хотин бизга мураббийлик қилди».

Дугоналарим менга ана шундай гапларни айтишди, гарчи парвоз қилишга ҳавасим ҳар қанча кучли бўлмасин, мен барибир одам гўшти ейишдан қаттиқ ҳазар қилар эдим ва шу боисдан ҳам анча вақтгача бир тўхтамга келолмадим. Пировардида, аёллар бир-биридан қолса қулоғини кесади, деганларидай мен дугоналаримга қараб дедим: «Илтимос, ўша тилсимни менга ҳам ўргатинлар». Илтимосимга жавобан улар дарҳол йўлга тушишди ва хузуримга Калратрийнинг ўзини бошлаб келишди. Бу хотиннинг башарасига қараб бўлмасди: қошлари бир қаричдан ҳам зиёд ўсиб кетган, кўзлари тинимсиз ўйноқлайди, япасқи бурни пастга эгилиб тушган, бўйни нақ харидай, лаблари дўрдоқ, тишлари сўйлоқ, сийналари тўрвадай осилиб тушган, қорни кажаванинг ўзи, шишган оёқлари бир-биридан олис керилган. Хуллас, унинг сиймосида Парвардигор ўзининг бадбашара бир махлуқ яратишдаги барча санъатини ишга солган. Мен унинг пойига тиз чўкмоқчи бўлган эдим, у менга аввал гусл қилиб покланиб олишимни, Тўсиқлар ҳукмдорини тавоф қилишимни ва ечинишимни буюрди; шундан кейин у мени доира ўртасига қўйиб қўйди ва мен Бҳейрав (Шиванинг сифати) шарафига бир расмни адо этдим. Сўнг у менга сув сепди, ўзининг сеҳрли дуоларини ўргатди ва маъбудлар номига қурбон қилинган одам гўштидан тановул этишимни айтди.

Мен кўплаб тилсим дуоларни ёдлаб олгач, ўша заҳоти қип-яланғоч ҳолимча дугоналарим билан бирга осмонга кўтарилдим. У ерда обдон чарх уриб айланиб учгач, мураббиянинг буйруғи билан ерга қайтиб тушдим ва ўзимнинг бокиралик хобгоҳимга қараб кетдим.

Шу тариқа мен болагимдаёқ одамхўр дев хотинларнинг ҳукмфармосига айланган эдим ва бизлар бир жойга тўпланадиган бўлсак, албатта, кўплаб одамларнинг гўштидан тўйгунимизча еб олар эдик.

Энди, эй буюкликда тенгсиз шоҳ, яна бир ривоятни эшитинг, буниси энди бевосита менинг ўзим ҳақимдадир.

## КАЛРАТРИЙ ҲИКОЯСИ

Мана шу Калратрийнинг Вишнусвамик отлиқ браҳман эри бор эди. Ўзининг юртида у диндор муҳғасиб ҳисобланар ва турли ерлардан уникига келган шогирдларни ведалар билимига ўргатишда суяги йўқ эди. Унинг шогирдларидан бирининг исми Сундарак эди. Бу йигитчанинг хушрўйлиги унинг ажойиб хулқ-атвори туфайли ўн баробар ортиб турар эди. Кунларнинг бирида эр браҳман аллақайқадир уйдан чиқиб кетганида Сундаракни қаттиқ севиб қолган хотини Калратрий хилват жой топиб, уни аврай бошлади. Дарҳақиқат, Смар (Шива) таъвия-тараққослар билан ҳазиллашишни яхши кўради, худди шундайин, ўзининг бадбашаралигидан беҳабар мураббия хотин Сундаракдан муродини ҳосил қилиш учун нақ жонини бергудек бўлмоқда эди! Бироқ у қанча ялиниб-ёлвормасин, Сундарак у ўйлаган бузуқ ниятни амалга оширишга зинҳор-базинҳор унамади. Зеро, аёллар ҳар қанча уриниб-чиранишмасин, кўнгли пок эркакларни йўлдан уриб бўлмайди.

Сундарак кетиши ҳамон Калратрий аламидан ўзини-ўзи тирноқлари билан тирмалаб, баданини қип-қизил жиш қилиб ташлади ва қўйлақлари дабдала бўлиб кетган, сочлари тўзғиган, ҳўнг-ҳўнг йиғлаган қўйи эри Вишнусвамикнинг қайтиб келишини кута бошлади. Эри уйга кириб келиши биланок у дийдесини бошлади: «Аҳволимга бир қаранг, ҳой эржон, Сундарак мени шу ҳолга солди. У мени зўрламоқчи бўлди». Буни эшитиб, устоз газабдан лов этиб ёнди: зеро, хотинларнинг гапига ишонган ҳар қандай ақлли одам ҳам аҳмоққа айланади. Кечқурун Сундарак қайтиб келиши билан устоз бошқа шогирдлари билан йигитчага ташланди, ҳаммалари шўрликни дўппослай, тепкилай, қалтаклай кетди. Бу ҳам етмагандай устоз ўз шогирдларига чала ўлик бўлиб қолган Сундаракни кўчага чиқариб ташлашни буюрди, тунда ҳеч ким унинг ҳолидан хабар олмасин деди.

Тунги салқин шабаданан Сундарак аста-секин ўзига кела бошлади, ўзининг не аҳволга тушганини кўриб, шундай ўйлади: «Э-воҳ, аёллар макри мана мен деган иродали эркакларни ҳам бир пулга чиқариб қўяди, гарчи тагида балчиқ бўлмаса-да, бўрон кўлни лойқалатади. Шунга ўхшаб, менинг устозим ҳам кекса ва доно бўлишига қарамай, ана шундай бемаъни ишлар қилди ва менга душманлардай муносабатда бўлди. Балки бу аслида шундай бўлиши керак ҳамдир: ҳатто энг доно браҳманлар учун халоскорлик қопқаси олдидаги икки тўсиқ — бу ҳирс ва газабдир; бу тўсиқлар тақдир иродаси ила дунё пайдо бўлганидан бери бор. Йўқса агар хотинлари ташлаб кетишдан қўрқишмаганида қалин ўрмонда яшовчи қаландарлар бир замонлари Шивадан газабланган бўлар эдими? Улар ҳатто донишманд авлиёларда ҳам субут бўлмаслигини исботлаш учун унда кшапнак<sup>1</sup> қиёфасига кириб олган Тангрини ҳам таний олмаганлар-ку. Улар кшапнакни сўкиб-сўзлаб ҳайдаб юборганлар, бироқ кўп ўтмай унинг Ййшан, яъни оламларни чайқаб-чайқаб бузувчи Тангри эканини билгач, уларнинг ўзлари ундан паноҳ тилаб ҳузурига боришган. Ҳатто инсоннинг олти душмани, шу жумладан ҳирс ва газаб туйғуси тузоғига тушиб қолган қаландар-зоҳидлар ҳам ақларини йўқотиб қўйган бўлсалар, оддий браҳманлар ҳақида нима деса бўлади?»

Шундай ўйларни ўйлаб туриб, Сундарак ўрнидан турди ва тунги қароқчилардан қўрқиб сал наридаги бир оғилхонага кириб яширинди. У оғилнинг тўрига юриб борар-бормас ўша ерга Калратрий келиб қолди. У қўлида

<sup>1</sup> Будда ёки жайн мазҳабига мансуб роҳиб.

яланғочланган ханжарни маҳкам ушлаб олган эди, кўрқинчли тарзда вишиллар, кўзлари ва огзидан дамбадам лоп-лоп олов отилар эди, бир гала дакиналар уни кўршаб олиб, унга ҳамроҳлик қилмоқда эдилар. Калратрийни кўрганида, унинг турқи-тароватидан капалаги учиб кетган Сундаракнинг эсига рақшаслардан халос қилувчи қайтариқ дуолар келди. Бу дуолардан боши айланиб қолган Калратрий бир бурчакда кўрққанидан кулала бўлиб ётиб олган Сундаракни пайқамди.

Шундан кейин Калратрий ва дугоналари ҳавода парвоз қилдирувчи афсунларни ўқиди (Сундарак бу афсунларни яхшилаб эшитди-да, ёдлаб олди) ва огил-погил билан биргаликда осмонга кўтарилди, кўз очиб-юмгунча улар Ужжайнга етиб келишди. У ерда Калратрий дуою афсунлар ёрдамида огил билан биргаликда полизга келиб кўнди ва дакиналар жамоаси билан дилхушлик қилгани қабристонга қараб йўл олди. Бу орада қаттиқ очқаганидан қорни пиёзнинг пўстидай бўлиб кетган Сундарак ҳам полизга кирди ва у ердаги илдиз меваларни кавлаб, қорнини тўйдириб олди. Кейин яна огилга кириб яширинди.

Ярим тунда қабристондан Калратрий ҳам қайтиб келди. Жодули афсунларни ўқиб, у биринчи галдаги сингари огил-погил билан биргаликда осмонга кўтарилди ва ўз шогирд қизлари билан тонгга яқин уйига қайтиб келди. Унга арава бўлиб хизмат қилган огилни ўз жойига қўйиб, жодугар ҳамроҳ ажина қизларга жавоб бериб юборди-да, ўзининг ётоғига қайтиб кетди. Тун бўйи кўрган-кечирганларидан ҳайратга тушган Сундарак огилдан чиқди ва дўстлари олдига йўл олди. Бўлган воқеаларни миридан-сиригача сўзлаб бериб, у мусофир юртига бош олиб кетмоқчи бўлди, бироқ дўстлари унинг кўнглига малҳам қўйиб, уни бу ниятидан қайтишга кўндиришди. Устоз уни ҳайдаб юборгани боис у браҳманлар хонадонидида бепул овқатланар эди, шу тариқа дўстлари билан тинч-эмин кун кечириш бошлади.

Лекин бир кун Калратрий оиласига овқат харид қилгани чиқиб, нима бўлди-ю, бозорда Сундаракка рўпара келиб қолди. Яна эски муҳаббат дарди кўзиб, жодугар йигитнинг олдига борди-да, унга бундай деди: «Сундарак, ҳеч бўлмаса ҳозир мендан бир муродингни ҳосил қил, бундан кейин ўламанми ё қоламанми, бу сенга боғлиқ». Бу саволга бегуноҳ Сундарак бундай жавоб берди: «Бундай дема, ахир бу зўр гуноҳ-ку. Ахир сен устозимнинг хотини бўлсанг, менга эса она қаторидасан». Шунда Калратрий деди: «Борди-ю, сен шунақа саховатпеша экансан, унда илтимос сендан, менга ҳаёт бахшида қилсанг-чи. Бировнинг ҳаётини сақлаб қолишдан ҳам зўрроқ савоб бўлиши мумкинми?» Бироқ Сундарак унга шундай жавоб қилди: «Чуварани хом санабсан, устозининг пок доманини булмамоқ қачондан бери саховатпешаликка кира қолибди?»

Йигитча рад этгандан кейин Калратрий азбаройи газабланганидан кўллари билан устки кийимларини тилка-пора қилиб йиртди-да, уйга қайтди. «Қаранг, Сундарак менга ташланиб, кийимларимни дабдала қилди», — деди у эрига кўйлагини кўрсатиб. Эр эса фигони фалакка чиқиб Сундаракка ўлим тилай бошлади, охири шунга эришдики, браҳманлар хонақосида Сундаракка овқат бериш бутунлай ман этилди.

Шунда қайғуга чўккан Сундарак бу мамлакатни тарк этишга қарор қилди. У огилда ёдлаб олган, осмонга кўтариладиган тилсим дуо ҳамон эсида эди. Лекин иккинчиси — ерга тушириб кўядиганини эшитган бўлишига қарамай ёдлаб олмаганди. Шунинг учун ўша дуони эсга олиш ниятида у тун чоғи яна бирров бўм-бўш огилга қараб йўл олди. Бориб, тўрдаги бурчакка ётиб олди ва у ерга яна Калратрий келди, огил ичида туриб ҳавога кўтарилди ва Ужжайнга қараб равона бўлди. У ерда дуою афсунлар ёрдамида огилни полизга кўндирди ва тунги байрамда кўнгилчоғлик қилгани қабристон томонга кетди. Сундарак эса иккинчи дуони ҳам эшитган бўлишига қарамай, яна ёдлаб ололмади. Устознинг сабоқларисиз жоду сирларини эғаллаб бўларканми? Шунда у полиздаги ертулардан бироз тамадди қилди, қолганини эса уйга олиб кетиш ниятида огил ичига олиб кириб қўйди. Худди олдингидай, то Калратрий келгунча огил ичидан ҳеч қаёққа чиқмади. Огил билан биргаликда ҳавога кўтарилар экан, Калратрий осмон бўйлаб парвоз қилди, кейин эса огилни яна жойига қўйиб, уйига кетди.

Сундарак эса эрталаб оғилни тарк этди, пуллаб, ўзига егани ул-бул харид қилиш учун ертутни бозорга олиб борди. У ертутни сотмоқчи бўлиб турганида бунақа ертут фақат бизнинг ерларда битади, деб малвалик шоҳ мулозимлари ундан ертутни тортиб олишди, Сундарак улар билан жанжаллашмоқчи бўлган эди, мулозимлар уни ва дўстларини қўлларидан боғлаб, шоҳ хузурига олиб боришди, бу бола бизга қараб тош отди, дея тўхмат қилишди. Шунда шоҳнинг ўзи бу ғалати иш ҳақида суриштира кетди, Сундаракнинг ўрнига унинг ўртоқлари жавоб қилишди: «Шоҳим, агар сиз у билан бизни сарой ичкарисига қўйсангиз, барча қизиққан нарсаларингизни билиб оласиз, киритмасангиз ҳеч нарса айтмайди у». Шоҳ майли деди ва шу заҳоти унинг кўз олдидан Сундарак афсун дуоларини ўқиган эди, сарой-парой билан ҳамма осмонга парвоз қила кетди.

Бирмунча вақтдан кейин Сундарак дўстлари билан Праёғ (ҳозирги Банорас) устидан учиб ўтди ва шу пайт унинг кўзи пастда ғул қилаётган бир шоҳга тушди. Чарчадим, дея Сундарак саройни тўхтатди-да, ҳаммани ҳайратдан донг қотириб, ўзини Ганга дарёсига отди ва ҳалиги шоҳнинг олдига сузиб борди. «Кимсан ва нега осмондан тушиб кетдинг?»— таъзим қилиб сўради шоҳ ундан. Сундарак жавобан деди: «Менинг исмим Муражак. Мен маъбуд Шиванинг ганларидан бириман, унинг рухсати билан ерда одамзотга хос шодликлардан баҳра олай деб ҳузурингизга келдим». Буни эшитиб, Сундаракнинг ёлғон гапирмаётганига амин бўлиб, шоҳ унга ғалласи мўл, жавоҳиротга бой, аёллари танноз бир шаҳарни ҳади этди ва унга шоҳлик нишонини топширди. Сундарак мана шу шаҳарга кириб келди, кейин эса улар ва дўстлари билан ҳавога қўтарилди, на ғам-андуҳ, на камчилик сезмай, қаёққа боши оғса, осмонда ўша ёққа кезиб юраверди. У олтин тахтиравонда ёнбошлаб ётар, атрофида бири биридан гўзал аёллар елпугич билан елпиб, хизматида мунтазир эди, хуллас у Индрек кайф-сафога эга бўлганди.

Бирмунча вақтдан кейин осмонда у билан сайр қилиб юриб, сирдош бўлиб қолган бир сиддх унга ерга олиб тушиб қўядиган афсунни эслатди. Афсунни ўқиб, Сундарак осмон сафарини тугатди ва она юртидаги Канийакубжа деган ерга келиб қўнди. Ерга бир йигитнинг бутун бир шаҳар билан келиб қўнганидан дарак топиши ҳамон маҳаллий шоҳ ҳайратдан ёқа ушлаганча уни қарши олгани пешвоз чиқди. Шундан кейин Сундаракни таниб қолиб, шоҳ нима гаплигини суриштира бошлаган эди, айна пайти деб ўйлаб, йигитча Калратрийнинг қилиқларини ипидан-игнасиғача сўзлаб берди. Шоҳ дарҳол Калратрийни келтиришларини ва сўроқ қилишни буюрди. Хотин эса барча ишларини дангал тан олди. Бундан ғазабланган шоҳ унинг қулоқларини кесиб ташламоқчи бўлди. Бироқ Калратрийни тутишгани ҳамон у йиғилганлар кўзи олдидан ғойиб бўлди. Шунда шоҳ унинг бу мамлакатда истиқомат қилишини ман этди, Сундарак эса шоҳнинг иззу шарафига ноил бўлиб, яна осмони фалакка парвоз қилди.

Бу ривоятни эри, шоҳ Адитйапрабҳа сўзлаб бериб, малика Кувальявалий давом этди: «Кўрдингизми, дакиналарнинг афсунлари қанақа кучга эга эмас. Айтганларимнинг ҳаммаси бўлган воқеа, тагин одамлар мамлакатида ва буни ҳамма билади. Сизга Калратрийнинг шогирди бўлганимни ҳам айтиб ўтдим. Энди эса эримга вафодорлигим ажрига менинг жоду кучларим уникадан ҳам ортиқ. Сиз бугун мени бу ерда, сизнинг хотиржамлигингиз учун маросим қоидаларини адо этганимга ва сеҳр-жоду билан қурбонлиқ қилгани одамзод боласини авраб олиб келганимда кўриб турибсиз. Энди сиз ҳам бизнинг маросимларда иштирок этинг ва шунда биз сеҳр-жоду кучи билан енгадиган барча шоҳлар келиб оёғингизга бош ургайлар».

Лекин шоҳ унинг гапларини диққат билан эшитиб туриб, деди: «Шоҳнинг дакиналарга таъсиб қилиши ва одам гўшти ейиши дуруст иш эмас». Бироқ малика ўзимни ўлдираман деб пўписа қилгандан кейин шоҳ ночор унинг гапига рози бўлди. Зеро, ўз хирсу ҳавасга маҳлиё бўлганлар қачон саховатпешалик йўлида собит қолган?! Шунда малика шоҳни олдиндан поклаб қўйилган доира чизиқ ичига олиб кирди ва шоҳ қасам ичгандан сўнг деди: «Мен ўзингизга маҳрам қилиб олган браҳман Пҳалбхутини қурбонлиқ қилмоқчиман. Аммо уни бу ерга авраб олиб келиш анов-манов иш эмас. Келинг, режамизга битта-

яримта ошпазни тиркайлик. Пҳалбхутини ўша ўлдириб, гўштини қовурсин. Бу ерда раҳм-шафқатга асло ўрин йўқ, чунки агар биз Пҳалбхутининг гўштини қурбонлиқ келтириш маросимини тугатсак ва ундан кейин есак, биз бу маросимни тўла-тўқис адо этган бўламиз, зеро, у қадри жуда юксак одам». Гарчи гуноҳдан қўрқса ҳам хотинининг сўзларига кирган шоҳ яна «розиман» деб жавоб берди. Афсус, минг афсус! Хотинларнинг гапига кирганларнинг шўри курсин!

Шундан сўнг эр-хотин Саҳсак деган ошпазни чақиринди, унга ўз режаларини тушунтиришди ва унинг садоқатидан фойдаланиб, амр этишди: «Ҳузурингга келиб, «Шоҳ билан маликаи олия бугун бирга овқатланмоқчилар, овқатни тезроқ пишир», деган одамни ўлдирасан. Унинг гўшtidан эса иккаламиз учун эрталабки нонуштага мазали овқат пиширасан». «Бош устига»,— деб жавоб берди ошпаз ва уйига равона бўлди.

Эрталаб Пҳалбхути келганида шоҳ ундан сўради: «Ошхонага боргин-да, ошпаз Саҳсакка шундай де: «Шоҳ билан маликанинг кўнгиллари бугун тотлироқ овқатни тусаб қолибди. Тезроқ уларга қулинг ўргулсин бир таом пишириб бер». «Хўп бўлади», деб жавоб берди Пҳалбхути ва чиқиб кетди, бироқ йўлда унга шоҳнинг Чандрпратх деган ўғли дуч келди ва деди: «Мана бу олтинни кўраёсанми, шундан менга илгари отамга ясаб берганингдақа сирга ясаб бер, аммо бугундан қолмасин, тезроқ бўл». Шаҳзоданинг илтимосига жавобан Пҳалбхути итоаткорлик билан «Хўп» деди-да, олтинни олиб, сирга ясагани кетди. Пҳалбхутидан шоҳнинг топширигини эшитган шаҳзода унинг ўрнига ўзим бора қолай деди-да, бир ўзи ошхонага қараб кетди. Бориб, Саҳсакка шоҳнинг амрини етказди, шоҳ амрини вожиб билган ошпаз эса қараб-нетиб ўтирмай, шартта шаҳзодани сўйиб ташлади. Ҳеч гапдан хабари йўқ шоҳ билан малика эса маза қилиб овқатни паққос туширишди ва шаҳзода гўшtidан қилинган қурбонлиқ маросимини ниҳоясига етказишди.

Шоҳ бу тунни виждон азобида ажриққа думалагандай ўтказди, эрталаб эса кўлида сирга билан саройга келган Пҳалбхутини кўрди. Қовоғини уйиб, шоҳ ундан «Бу қанақа сирга?» деб сўради. Пҳалбхути шаҳзоданинг илтимос қилганини сўзлаб берган эди, шоҳ ўша заҳоти хушидан кетиб, ерга йиқилди. «Вой болам!»— деб ўкириб йиғларди у, ҳам хотинини, ҳам ўзини қарғаб. Вазирлар «нима бўлди, нима бўлди» деб қўявермагач, у ҳамма гапни бир бошдан айтиб берди. Икки гапнинг бирида у Пҳалбхути айтган сўзларни такрорлар эди: “Яхшилик қилганга яхшилик билан қайтсин, ёмонлик қилганга ёмонлик билан”. “Деворга қараб отилган копток,— деб давом этди шоҳ,— урилиб орқага қайтади, худди шундайин бировга қилмоқчи бўлган ёмонлигининг касофати сенинг ўзингга урар экан. Мана, бунга мисол ўзимиз, бир бечора браҳманни ўлдирмоқчи бўлган эдик, ўз ўғлимизнинг бошига ўзимиз едик, бу ҳам камдай унинг гўштини ҳам едик”. Атрофида кўзларини ерга тикиб турган вазирларига шундай деб яккаю ягона ўғлидан жудо бўлган шоҳ Пҳалбхутини тахтга ўтқазиб қўйди. Гуноҳини ювиш учун ҳаммага инъом-эҳсонлар улашиб чиқди ва гарчи бусиз ҳам афсус-надомат оловида қоврилиб адо бўлган бўлса-да, хотини билан биргаликда гулхан бағридан жой олди. Пҳалбхути эса унинг кўлидан салтанат тизгинини олиб, мамлакатни идора қила бошлади. Шундай қилиб, инсон яхшилик қиладими, ёмонликми, охири барибир ўзига қайтмай қўймас экан”.

Ватслар ҳукмдорига бу ривоятни сўзлаб бериб, Яугандҳрайан қўшиб қўйди: “Ана шунақа гаплар, буюк шоҳ, енгган бўлишингизга қарамай, сиз боинсофларча муносабатда бўлганингизга Браҳмадатт ноинсофларча жавоб қайтарса, ҳеч иккиланмай уни жонидан жудо қилинг”. Ватслар ҳукмдори вазири аъзамнинг бу сўзларини маъқуллади ва ўзининг кундузги вазифаларини бажаришга киришди.

Ёруғ оламдаги барча мамлакатларни шараф ила босиб олгач, эртаси куни у Лавнакдан ўзининг пойтахти Каушамбига равона бўлди. Бирмунча вақт ўтиб, ҳукмдор ўз аъёнлари ва кўшини билан севинчдан рақслар тушган, яловли кўлларини ҳавода ўйнатганча шу шаҳарга яқинлашиб келаверди. Шу тариқа у битта-битта босиб Каушамбига кириб келди, унинг босган ҳар бир қадамидан шаҳар аҳолиси шамолда чайқалган нилуфарзордек чайқалар эди. Шоирлар шеърлар ёзиб, қўшиқчилар қўшиқ айтиб, шоҳлар бош эгиб алқаб-олқишлаётган

Удаян ўз саройига дохил бўлди. Шаҳар фуқароларининг кўзлари бамисоли кўлдаги нилуфарлардай шодликлардан жиққа ҳўл ва ҳаяжонли эди. Сўнгра пойида тиз чўккан жамики шоҳларга изн бериб, ватслар ҳукмдори бир вақтлар унинг наслига мансуб бўлган ва ерга чуқур ботириб тикланган тахтга кўтарилди. Шу он кўс ноғоралар гумбури кўкни ларзага солди, шоҳнинг бош вазирдан шод бўлган олам паноҳкорлари – маъбудларни олқишлаб солган ҳайқириқлари бутун коинотни тўлдирди. Кўнгли ғараз нималигини билмаган шоҳ ер юзини эгаллаганда кўлга киритган олтинларни браҳманларга улашди, улкан базми жамшид қуриб, унда вассал давлатларнинг ҳукмдорларига ва ўз вазирларига нима ва қанча хоҳлашса ўшанча миқдорда бойликлар инъом этди. Кўрсатган хизматига қараб, шоҳ фуқаролар бошидан жавоҳиротларни ёмғирдай ёғдирди, кўс ноғоралар момақалдироқдек гумбураётган шаҳарда одамлар ҳар бир уйда байрамлар нишонлаб қут-баракоту неъматлардан баҳраманд бўлар эдилар.

Ер юзини эгаллаб бўлгач, голиб ватслар шоҳи салтанат юкини Руманват ва Яугандҳрайан зиммасига юклади ва қолган умрини ўз мамлакатида Васавдатта ва Падмаватий билан дориломон ўтказди. Нусрат ва Нафосат маъбудалари монанд икки малика ўртасида ўлтирган энг аъло аҳли шуаро кўкларга кўтариб алқаган Удаян унинг шарафи янглиг мусаффо ва тип-тиниқ ойнинг тулусидан олам-олам завқ олар, душманларининг қонидек аччиқ шаробдан пайдарпай сипқорар эди.

Буюк шоир Сомдевнинг “Достонлар уммони” даги “Лавнак” китобининг олтинчи долғаси ана шулардан иборат.

“Лавнак” деб аталувчи учинчи китоб тугади.

*Давоми бор*

*Ҳиндий тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*



Евгений ГИК

## Шахмат ҳангомалари

*Евгений Гикнинг номи шахмат мухлисларига яхши таниш. У Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, физика-математика фанлари номзоди. Бир қатор халқаро турнирларда қатнашган, Москва кубогини қўлга киритган. Шахматга доир юздан ортиқ китоб ёзган. «Золотой телёнок» мукофотига сазовор бўлган. Шахматни оммалаштиришга қўйган ҳиссаси учун ФИДЕнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.*

*Унинг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган асариди шахматга дахлдор қувноқ, ғаройиб ҳангомалар қаламга олинган. Ҳангома қаҳрамонлари — машҳур шахслар — жаҳон чемпионлари, шахмат тожиги даъвогар бўлган таниқли шахматчилар, донгдор гроссмейстерлар, олимлар ва сиёсатчилар, ёзувчи ва шоирлар, артистлар ва мусиқачилар. Уларнинг ҳаммаси қадимий шахмат ўйинининг фидойиси ва ашаддий ишқибози бўлишган. Муаллиф Михаил Ботвинник, Василий Смыслов, Михаил Таль, Анатолий Карпов, Виктор Корчной, Марк Тайманов каби буюк шахматчилар, Леонид Зорин, Эмиль Брагинский, Аркадий Вайнер, Аркадий Арканов, Леонид Жуховицкий каби ёзувчилар, шоир Владимир Висоцкий, композитор Владимир Дашкевич, рассом Борис Краснов, иқтисодчи Леонид Абалкин, сиёсатчи ва ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжиновлар билан шахсан таниш бўлган, улар билан кўп суҳбатлашган. Аксарият ҳангомалар ана шу самимий мулоқотлар маҳсулидир.*

*Шуниси диққатга сазоворки, бу асарда мустабид тузумнинг айрим кирдикорлари, жумладан, спорт соҳасидаги гирром сиёсати ҳам аччиқ кулгу воситасида усталик билан фош қилинади.*

### ЧЕМПИОННИ ЮТДИ

**Ш**ахмат бўйича биринчи жаҳон чемпиони Стейниц Англияда яшаганида камхаржликдан қийналиб, «Гамбит» қаҳвахонасида шахмат ўйнаб тирикчилик қиларди. Кунлардан бир кун у ҳар бир ютқазилган партия учун бир фунт стерлинг тўлайдиган сахий рақибни топиб олади. Стейниц унга олдиндан отни текинга берар ва ҳар гал галаба қиларди.

Чемпионнинг дўстларидан бири унга агар ҳар гал ютаверса, бунақа фойдали рақибдан ажраб қолиши мумкинлигини, шу боис гоҳо ютқазиб ҳам туриш зиён қилмаслигини эслатади. Бу маслаҳат Стейницга жўяли туюлади ва навбатдаги ўйинлардан бирида жўрттага фарзинни текинга бериб, ўз мағлубиятини тан олади. Кейин яна ўйнаш учун сипоҳларни тера бошлайди. Аммо шу лаҳза омади чопган рақибни жойидан сакраб туриб, қувончини ичига сиздирилмай хитоб қилади:

— Мен чемпионни ютдим! Ниятимга етдим!

У шундай дея кўчага югуриб чиқади ва «Гамбит» қаҳвахонасини бир умрга тарк этади.



## ФАРЗИНСИЗ ҲИЙИ

Жаҳон чемпиони Ласкер поездда кетаётганида купедаги шахмат ишқибози бўлган кўшниси икки партия донa суришни таклиф қилади. Чемпион дам олмоқчи эди, шу боис шахматни яхши ўйнай олмаслигини айтади. Аммо кўшниси қистаб қўймайди, олижаноблик қилиб фарзинни олиб қўйиб ўйнайди.

Ласкер ундан тезроқ қутулиш учун тезгина таслим бўлади. Аммо кўшнисининг кўнгли жойига тушмай, яна сипоҳларни тера бошлайди. Шунда Ласкер бу хира пашшани бир бопламоқчи бўлади.

– Мен ҳаммасини тушундим, – дейди у. – Фарзин фақат халақит бераркан, мен ҳам фарзинсиз ўйнаман.

Кўшниси мазах қилиб узоқ кулади, аммо кейинги партияни ютқазгач, ҳангу манг бўлиб қолади. Энди унинг фарзинсиз ўйнаш гали келади, Ласкер яна таслим бўлади. Фарзин билан ўйнаган рақибни нималар бўлаётганини англай олмай, яна тезда мот бўлади. Ахири ҳаваскор шахматчи гарангсиз, тамомила ўзини йўқотиб қўяди, иш шу билан тугайдики, навбатдаги бекатда ҳамширалар уни замбилга солиб олиб кетишади.

## ИСМИ УЗУН БЎЛСА...

Турнирдаги ўйиндан бўш кунлардан бирида кубалик жаҳон чемпиони Капабланка меҳмонхонага қоқ ярим тунда қайтади.

– Ким у? – деб сўрайди эшик оғаси уйқусираб.

– Хосе Рауль Капабланка-и-Грауспера. – Ишончлироқ чиқиши учун чемпион исмини тўлиқ айтади.

– Яхши, киринг, – дейди эшиккоға тўнғиллаб, – фақат охири шеригингиз эшикни маҳкамроқ ёпиб қўйсин.

## ТАСЛИМ БЎЛДИ

1925 йили «Шахмат жазаваси» фильми суратга олинаётганда Капабланка ўттизта тахтада сеанс беради. Чемпионнинг қаршисида кейинчалик сатира театрининг артисти бўлган ёшгина Валентина Токарская ҳам ўтирарди. Пионер саройининг чемпиони бўлган қизалоқ жаҳон чемпиони билан кучини синаб кўрмоқчи эди. Аммо бунинг иложи бўлмади. Аёлларга ишқибозлиги билан ҳам машҳур бўлган Капабланка гўзал бу хилқатнинг қаршисига келди-ю, бутунлай инон-ихтиёрини йўқотиб қўйди. Қизалоқнинг титроқ қўллари билан қилган биринчи юришидан кейиноқ у рақибидан кўз узолмай, шохини ёнбошига ағдариб, оҳиста шивирлайди: «Таслимман!».

Капабланка қолган ҳамма партияларни ютади.

## ХОТИРА КУЧЛИ БЎЛСА

Алёхин ноёб хотираси билан ҳам замондошларини ҳайратга солиб келган. Ўшанда, аниқроғи 1919 йили бўлажак чемпион киностудиялардан бирида ишларди. Ишхонасида ўтирганида бир эркак кириб, ўқув бўлимидан биронтасини чақириб қўйишни сўрайди.

– Мен сизни эшитаман, фуқаро Полуэктов, – дейди Алёхин.

– Биз сиз билан танишми? – дейди ҳалиги одам ҳайрон бўлиб.

– Бундан тўрт ой муқаддам, – дейди Алёхин кулимсираб, – сиз Феррейннинг дорихонасида врач Заседателевнинг йўлланмаси бўйича томоғи оғриётган олти ёшли қизингиз Анна учун дори буюртма бердингиз. Мен ўшанда навбатда турувдим ва сизларнинг гапингизни тасодифан эшитиб қолувдим.

Полуэктов ҳангу манг бўлиб қолади.

– Сиз ўшанда четлари суякдан ясалган кўзойнак тақиб олгандингиз, – дея гапида давом этади Алёхин. – Ўнг чўнтагингиздан тимсоҳ терисидан қилинган ҳамёнингизни олиб, ичидан...

Алёхин шу ерга келганда гапини тугатолмай қолди. Кўрқиб кетган мижоз кўчага чопиб чиқиб кетганча қайта бу ерда қорасини кўрсатмайди.

Кулгили ҳолат! Аммо орадан бир йил ўтгач, бўлажак чемпион милициянинг бош қидирув бошқармасида ишлаб юрганида унинг хотирасидан азият чекканларнинг кўнглига кулги сифмаган.

Бир куни Алёхин навбатчининг тутиб келтирилган, ўзини Иван Тихонович Бодров деб атаётган кимса билан гаплашаётганини эшитиб қолади.

– Нима дедингиз? Фамилиянгиз? – дея Алёхин суҳбатга аралашади.

– Бодров, – дейди ҳалиги кишини гапини такрорлаб. – Хўш, нима демоқчисиз?

– Сиз Бодров эмас, Орловсиз, – дейди Алёхин масалага аниқлик киритиб. – Иван Тихонович эмас, Иван Тимофеевичсиз.

– Мени тузоққа илинтирмоқчи бўляпсизми? Чучварани хом санабсиз, ўртоқ бошлик!

– Бундан икки йил муқаддам, ҳарбий комиссариатда биринчи марта сизни кўрганамда ўзингизни Иван Тимофеевич деб таништирувдингиз, – деди Алёхин. – Кўкрагингизда ингичка оқ занжирга осилган хоч кўриниб турувди. Ундан пастроқда холингиз бор эди.

Жиноятчи худди оёғига тушов солингандек турган жойида қотиб қолди. Навбатчи унинг кўйлагигаги тугмаларни ечганида ҳамма занжирли хоч ва холни кўради. Кўп ўтмай тергов бу одамнинг ҳақиқатан ҳам қамоқдан қочган ашаддий жиноятчи Орлов эканини тасдиқлайди.

Хуллас, буюк шахматчига рўпара бўлган жиноятчининг омади чопмайди.

## СИРЛИ СЕАНС

Ёш Найдорф бир турнирдаги мусобақада Алёхин билан дурангга эришади.

– Табриклайман, – дейди рақибни унга қўлини узатиб. – Энди сиз жаҳон чемпиони билан дурангга эришганингиздан фахрланиб юрасиз.

– Кечирасиз, бизнинг ўртамиздаги учрашувлар 1,5 : 0,5 ҳисобида менинг фойдамга ҳал бўлган, – дейди Мигел кулимсираб.

– Бу қанақа ҳазил? – шахмат қироли ҳайрон бўлади.

– Ҳа-ҳа, бир куни сиз Варшавада сеанс бераётганингизда менга ютқазиб кўювдингиз.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, сиз янглишяпсиз, – дейди Алёхин қатъий қилиб. – Мени ютган ҳамма шахматчиларни яхши танийман.

– Ундай бўлса, бу воқеа қандай ҳолатда содир бўлганини эслатишга рухсат бергайсиз, – деди Найдорф. – Уша сеансда йигирма бешта тахтада ўйин бўлиши кўзда тутилгани, аммо сиз билан куч синаш иштиёқи баланд бўлган яна икки нафар ўсмирни ҳам ўйинга қўшиш учун сиздан рухсат сўрашади. Аммо 25 рақами олдиндан келишилгани учун сиз таклифга кўнмайсиз. «Наҳотки шу болакайлардан кўрқсангиз?» – дейди ташкилотчилардан бири сизнинг қитиқ патингизга тегиб. «Нима-нима? – дейсиз сиз норози бўлиб. – Мен улар билан ҳатто тахтага қарамай ўйнашга ҳам тайёрман!» Шундан кейин ҳалиги ўсмирларни сизнинг кўрмаслигингиз учун сеанс бўлаётган жойдан нарироққа ўтқазилди. Ушанда сеанс 24:1 ҳисобида тугайди, ягона ғалаба сиз тахтага қарамай ўйнаган болалардан бирига тегишли эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша болакай мен эдим!

– Э-э, ўшанда руҳни е б хонасида қойилмақом қурбон қилган сизмидингиз?! – дея хитоб қилади Алёхин олис хотира бўлиб қолган ўша учрашувни эслаб. – Мен бўлсам бундан йигирма йил муқаддам Варшавада мени бошлаб ютган рақибимни кўролмай хуноб бўлиб юрувдим!

## ЖАННАТДА ШАХМАТ

Жаҳон биринчилиги учун бўлган ўйинда Боголюбовни ишонч билан мағлубиятга учратган Алёхин матч шарафига уюштирилган зиёфатда калондимоғ рақибининг попугини сал пайтириб қўйиш учун ўзи тўқиган шундай бир латифани айтиб берган эди:

– Мен бугун тушимда ўлиб қолган эмишман. Жаннат эшигига келсам, авлиё Пётр «Фоний дунёда ким бўлган эдинг?» – деб сўраб қолди. «Шахмат бўйича маэстро эдим» – дея жавоб бердим. «Йўқ, бунақаларни жаннатга

қўймаймиз» деди ҳазрат. Бошим қоғиб, энди кетмоқчи бўлиб турганимда жаннат боғларида юрган Боголюбовни кўриб қолдим. «Ана бу жаноб жаннатда нима қилиб юрибди? — дедим. — Ахир у ҳам шахмат ўйнайди-ку?!» «Йўқ, нималар деяпсиз? — деди Пётр, — унга шундай туюлади».

### ТАСОДИФИЙ РАҚИБ

Эйве Гаага — Амстердам йўналиши бўйича поездда кетаётган эди, купедаги қўшниси икки қўл шахмат ўйнашни таклиф қилади.

— Сизни олдиндан огоҳлантириб қўяй, — дейди ҳамроҳи, — мен кучли шахматчиман, уч йил қаторасига клубимизнинг чемпиони бўлганман.

Улар Амстердамга етгунча Эйве мақтанчоқ қўшнисини бир неча бор қақшатқич мағлубиятга учратади. Нарсаларини йиғиштираётган ҳамроҳи ҳайратланиб, ўзича мингирлайди:

— Бунга ақл бовар қилмайди! Поездда тасодифий бир йўловчига ютқазиб ўтирибман-а! Мени ҳамма «Клубимизнинг Эйвеси!» дейишарди.

### ЧАҚУВНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Жаҳон чемпиони унвони учун 1948 йили ўтказилган матч-турнир олдин Голландия, кейин СССРда (ҳал қилувчи қисми) ўтказилганди. Турнир ўртасида мусобақанинг бўлажак ғолиби Михаил Ботвинник уйига бориб келгач, ҳал қилувчи жангларга тайёрланар, бу орада Покровский деган ВКП(б) МК ташвиқот ва тарғибот бошқармаси ходими зимдан ғаламислик қилаётган эди. У гроссмейстер устидан юқори идораларга чақимчилик қилиб маълумот юборарди: «Гаагадан Москвага қайтаётиб, Ботвинник ўзи билан ўн бешта жомадон олади ...Бошқарма узоқ муддат кузагиб юрди... Биз Гаагадаги ўртоқлар билан суҳбатлашганимизда...» ва ҳ.к.

Албатта, Ботвинник Голландияда оиласи — хотини ва қизи билан бўлгани, Москвадан ўзи билан ўнта жомадон олгани, улар асосан шахматга доир китоблар билан тўлдирилгани ҳисобга олинмаган эди.

Чақув — анча қалтис, жиддий масала бўлиб, шахмат тожи океан ортига равона бўлиши мумкинлиги билан ҳам ҳисоблашиб ўтирмай, Ботвинникни мусобақадан четлаштиришлари мумкин эди. Таажжубланарлисиз шундаки, Ботвинникни ўша даврдаги давлат раҳбарларидан бири бўлмиш Клим Ворошилов қутқариб қолади. У муросага ундаб, шундай деганди: «Хўш, нима бўпти, хорижликлар Москвадан юртига қайтаётганларида йигирматалаб жомадон кўтариб кетадилар-ку. Ўзимизда ҳамма нарса сероб бўлса, чет элдан ниманиям олиб келиш мумкин?!»

Ҳа, Климент Ефремовичнинг умрида бирон марта совет дўконларига кириб кўрмагани Михаил Моисеевичга қўл келган эди.

### ҒАМХҶР ҲОКИМИЯТ

Юқорида эслатилган матч-турнирнинг Голландиядаги қисми якунига етгач, Ботвинник биринчи, америкалик Решевский иккинчи ўринда келаётган эди. Бундай таъқиб совет ҳукуматини ташвишлантириб қўяди. Мусобақанинг иккинчи қисми Москвада ўтказилиши муносабати билан юзага келган икки ҳафталик танаффус пайтида Ботвинникни партия Марказий комитетига чақаришади. У билан Сталиннинг энг садоқатли сафдошлари — Ворошилов ва Жданов шахсан суҳбатлашади.

— Биз америкалик жаҳон чемпиони бўлиб қолиши мумкин деб хавфсираяпмиз, — дейди Жданов, — шу боис сизни кўлламоқчимиз. Агар совет гроссмейстерлари Керес ва Смысловлар сизга атайин ютқазиб беришса, қаршилиқ қилмассиз деб ўйлаймиз. Бу билан улар ўзларининг ҳақиқий ватанпарвар эканликларини намойиш этадилар.

Михаил Моисеевич эътироз билдирмоқчи бўлганда, мафкура котиби оғиз очирмайди. Шунда Ботвинник муроса йўлини таклиф қилади:

— Ҳозирча шошмай турайлик-чи, балки бунақа чоранинг ҳожати бўлмас.

Ждановнинг кайфияти яхши бўлгани учун бўлажак чемпионнинг хоҳишини инobatга олади. (Албатта, агар Ботвинник Решевскийга ютқазиб қўйганда,

тақдири Ахматова, Зошченко каби аянчли бўларди, мафкура душманларини жазолаш бобида Жданов бой тажрибага эга эди)

Дарҳақиқат, сўнгги икки партияда Ботвинник хавфли рақибини ютиб, ўзини таъқибдан холи қилади ва партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига ҳожат қолдирмайди.

## ГИПНОЗ ПИСАНДМАС

Таль билан бўлган матч-реваншда Ботвинник ўз унвонини ишонч билан қайтариб олгач, кўпчилик ундан рақибининг бошқа гроссмейстерларни мувозанатдан чиқарган гипнози халақит бермадими, деб сўрашарди.

– Менинг омадим келди, – дея жавоб беради Ботвинник, – яқинни кўра олмаслигим боис мен Талнинг кўзларини кўролмасдим ва гипноз ҳам менга таъсир қилмасди.

## ТАРВУЗ ЭЪТИРОФ БЕЛГИСИ

Шахмат гарчи индивидуал ўйин бўлса-да, Михаил Ботвинник «совет шахмат мактаби» вакили эканлигини таъкидлаб туришни ёқтирарди. Кавказдаги Борис Спасский ўйнаётган бир турнирга меҳмон бўлиб борганида, икки қирол шаҳар бозорини айланиб юришади. Сотувчилардан бири Спасскийни таниб қолиб, чақиради:

– Ўртоқ Спасский, менга сизнинг ўйинингиз жуда ёқади. Мана бу тарвуз сизга совға.

Жаҳон чемпиони тарвузни ёқтирмасди, совгани рад қилади. Шунда Ботвинник унинг биқинига туртиб, шипшийди:

– Борис Васильевич, тарвузни олиб, бу мухлиснинг қўлини сиқиб қўйинг. Ахир бу совет шахмат мактабининг эътирофи-ку!

## ЖИННИЛАР ИСЭНИ

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида бўлажак жаҳон чемпиони Василий Смыслов Физкултура ва спорт қўмитаси шахмат бўлими бошлиғи Николай Зубарев ҳузурига кирганда, ғаройиб бир суҳбатнинг гувоҳи бўлганди. Улар ўтирган хонага нотаниш бир эркак тўсатдан бостириб кириб, бошлиққа ўта муҳим бир таклифи борлигини айтади.

– Хўш, қандай таклиф экан? – деб сўрайди Зубарев.

– Мен зудлик билан сизларнинг қўмитангизни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига берилишини таклиф қиламан, чунки шахматнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти беқиёс.

– Кечирасиз, сиз ўзингиз қаердан бўласиз?

– Мен Кашченко кўчасидаги руҳий касалликлар шифохонасиданман. Биз у ерда ҳаммамиз ялписига шахмат ўйнаймиз ва ўзимизни аъло даражада ҳис қиляпмиз.

Хона соҳиби бу одам билан пачакилашиб ўтириш хавфли эканлигини пайқаб, унинг таклифини диққат билан ўрганиб, албатта, ҳаётга татбиқ этишга ваъда беради. Эшик ташқаридан ёпилгач, Смыслов билан Зубарев қотиб-қотиб қулишади.

Аммо энг кулгили воқеа кейинроқ бўлади. 1953 йили Физкултура ва спорт қўмитаси чиндан ҳам... Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига ўтказилади. Наҳотки ўша руҳий шифохона мижози ўз мақсадига етган бўлса? Дарвоқе; саломатлик ва спорт ўртасидаги иттифоқ узоқ давом этмайди. Орадан бир йил ўтгач, Физкултура ва спорт қўмитаси ўз мустақиллигини тўла қайтариб олади. Айтишларича, Кашченко кўчасидаги ўша шифохона мижозлари бунга норозилик билдириб, исён кўтаришган эмиш.

## ХОТИН ҲАМИША ҲАҚ

1962 йилги мамлакат чемпионатида Смыслов спорт устаси Лев Аронин билан ўйналаётган партиясини кечиктиргач, уйига келиб позицияси нажотсиз эканлигини пайқайди. У ҳакамга телефон қилиб, мағлубиятини тан олмоқчи бўлади.

– Асло бундай қила кўрма, – Надежда Андреевна рози бўлмайди. – Сен курашишинг керак!

– Ахир нажот йўқ-ку, – дейди Смилов хомуш бош чайқаб.

– Йўқ, бориб ўйнайсан – тамом!

Эртаси куни Смилов бориб ўйинни давом эттиради ва дурангга эришади.

– Надя, табриклайман, – дейди жаҳон экс-чемпиони уйига телефон қилиб, – сен эндшплни мандан кўра яхшироқ тушунибсан.

## РАҚИБИНГ ҚИРОЛ БЎЛСА

Варшавадаги «Тимсоҳ ости» ресторанида халқаро шахмат устаси, граф Казимир Плятер пулга шахмат ўйнашни ёқтирарди. Польшалик шахматчилар димоғдор графни унчалик хушлашмасди, шу боис уни бир бошлаб таъзирини бериб қўйишга қарор қилишади. Бунинг учун улар ўзиям бир умр граф билан ўйнашни орзу қилиб юрган Талга мурожаат этадилар. «Плятер сени танимайди, у фақат ўзини биладиган одам» дея экс-чемпионни хотиржам қиладилар.

Келишилганидек, Таль қойилмақом спектакл кўяди: олдинга графни гафлатда қолдириб жўрттага бир неча партияни ютқазиб беради, кейин, тикилган маблағнинг чўғи ошавергач, рақибига кетма-кет қақшатқич зарба бериб, уч минг злотих (ўша давр учун катта пул) пулини қоқиштириб олади.

Графдан ҳалол ютиб олинган бу пулга Талнинг тарафдорлари ресторанда маза қилиб кайф-сафо қиладилар. Эртаси куни Казимир Плятер телевизорда шахмат қиролининг кўпчилик мухлислар қуршовида сеанс бераётганини кўради-ю, бошини чангаллаб қолади.

## МАНЗИЛИ – СОВЕТ ИТТИФОҚИ

Михаил Таль биринчи хотини Салли Ландау билан никоҳдан ўтиш учун ЗАГСга ариза беришганда келин фотоаппарат кўтарган нотаниш одамни кўриб қолади. Салли Талдан унинг кимлигини сўрайди.

– «Советский Союз» журналининг фотомухбири, – дея жавоб беради куёв.

– Нима, энди бизнинг никоҳимиз бутун Совет Иттифоқига ошкора бўладими? – дейди Салли норози бўлиб.

– Йўқ, – дейди Таль келинни тинчлантириб, – фақат унинг ўқувчилари билади.

## ЭРИ – ДЕКАБРИСТ

Хориждаги бир турнирда Талнинг буйраги оғриб қолиб, касалхонага тушади. Сал ўзига келиши ҳамон кетишга ошиқади. Унга тузукроқ текширув ўтказишни таклиф қилишади. Аммо Таль қатъий рад қилади. Касалхонанинг одамоҳун бош врач шундай дейди:

– Ахир сизларда бутунлай зулмат-ку, қамоққа олишади, Сибирга сургун қилишади. Лоақал хотинингиз Саллини қолдириб кетинг, у менга жуда ҳам ёқиб қолди.

– У сизга шу ерда ёқпти, – дейди Таль эътироз билдириб, – мен эса керак бўлса, уни Сибирда ҳам севишимга тўғри келади.

## СОҒЛИҚ БАҲОНА

Кунлардан бир куни Михаил Ботвинник Саллига мактуб йўллаб, Талнинг саломатлигидан ташвишланаётганини айтади ва вақтинча Москвага кўчиб келиб, Мишани пойтахтдаги касалхоналарда дурустроқ даволашни таклиф қилади. Бу хатни ўқиб кўрган Таль бир зум жиддий тортади, сўнг Саллига коса тагидаги нимкосани тушунтиради:

– Мен ҳаммасини тушундим! Отахон шунчаки сенга хуштор бўлиб қолган холос, шу боис сени пойтахтга чорляпти. Аммо ўзинг ҳал қил: битта экс-чемпионни бошқасига алмаштириш шартми?

## ОЛТИНЧИДА ЎҚИСА ЭДИ

Шахмат бўйича жаҳон экс чемпиони Михаил Талнинг ўйинидан қоникмаган бир мухбир: «Шунақасиям бўладими? Олтинчи синф ўқувчиси топа оладиган оддий юришни кўра олмади-я», деб ёзади. Таль бунга жавобан шундай дейди: «О, агар мен ҳозир олтинчида ўқиганимда эди, энг зўр юришни топган бўлардим!»

## АЁЛЛАР ИМКОНИАТИ

Майя Чибурданидзе аёллар ўртасида шахмат тожини қўлга киритганда мухбирлардан бири Талдан сўраб қолди:

– Айтинг-чи, Майянинг эркаклар ўртасида чемпион бўлиш имкониятини қандай баҳолайсиз?

– Ҳарқалай, менинг аёллар ўртасида чемпион бўлиш имкониятимдан юқорироқ!

## НЕКРОЛОГ

Етмишинчи йиллари ҳали Талнинг битта буйраги олиб ташланмасдан олдин бир шахмат журнали ҳар эҳтимолга қарши экс-чемпион ҳақида некролог тайёрлаб қўйди. Ҳаммаси яхшилик билан тугаб, Таль Москвага қайтиб келгач, таҳририят ходимларидан бири соддалик қилиб ўша некролог матнини кўрсатади.

– Мен ўз некрологини ҳаётлигида ўқиган ягона одамман! – дейди гроссмейстер ўзича фахрланиб.

Аммо Талга таҳририятнинг бу гайриинсоний қилигини ҳазилга айлантириш осон бўлмаган эди. У тез-тез ўзини тутолмай бу воқеани эслаб қоларди.

– Аммо-лекин нима бўлганда ҳам некрологда айрим хатоликларга йўл қўйилган, – дейди у бир куни, – ва мен уни таҳрир қилишга улгурдим. Остига «Тузатилгани тўғри. Михаил Таль» деб имзо қўйиб қўйсам бўларкан.

Бу кўнгилсизлик ҳақида Таль ўша йиллари дўстлашиб юрган Варлен Стронгин хузурида гапириб қолади. Ёзувчи дўстининг қалбидаги губорни баҳоли қудрат тарқатиш мақсадида учун Федор Шаляпиннинг ўз яқинлари учун бир неча бор «ўлиб-тирилгани»ни ва бу ролни жуда ишонарли ўйнаганини ҳикоя қилиб беради. Яқинлари йиғи-сиғи қилиб, ҳушидан кетганда буюк қўшиқчи қутилмаганда «тирилиб» кетар, маза қилиб кулар ва энди у мабодо ростакамига ўлиб қолса ҳам у қадар катта фожиа бўлмаслигини айтар экан.

– Аммо мен Шаляпин эмасман-да, – дейди Таль ғамгин қулимсираб. – Рўй бериши муқаррар бўлган воқеани башорат қилишнинг ҳожати йўқ, барибир бир куни омонатини топширамыз. Дарвоқе, бу некролог менга ҳали асқотиб қолиши мумкин, – дейди у қўшимча қилиб. – Мабодо мен милицияга тушиб қолсам (айтайлик, меъеридан кўпроқ отиб қўйсам), уларга шу қоғозни кўрсатаман. Ўзи йўқ бўлган одамнинг бошини қотириб ўтиришмаса керак. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ!

## ДАҲОЛИК – КАСАЛИК ЭМАС

Михаил Таль машҳур қалмиқ шоири, ашаддий шахмат мухлиси Давид Қўғултиновга шундай бир ғаройиб воқеани ҳикоя қилиб берган эди.

1960 йили Ботвинникни ютиб, жаҳон чемпиони бўлгач, Таль бироз дам олмоқчи бўлади ва бир ойгача шахматга яқинлашмай туришга қарор қилади. Аммо қутилмаганда юз берган бир ҳолатдан режасини ўзгартиришга мажбур бўлади. Ўша чемпионлик матчидан бор-йўғи икки кун ўтгач, унинг хузурига дурустгина шахматчи бўлган бир таниш врач-психиатр кириб келади. У Талга касалхонада ётган ўн етти ёшли бир йигит ҳақида гапириб беради. «Бу йигитнинг психикаси сал ғалатироқми-ей, – дейди врач, – у ўзини чемпионларнинг чемпиони деб ҳисоблайди, қачонлардир ўтмишда Алёхин ва Капабланкаларни ҳам ютганман ва энди менга тенг келадигани йўқ деб ҳисоблайди. Даҳолик касалига чалинган шахматчини даволашнинг ягона чораси – уни шахматда мағлуб этишдир, шунда эс-ҳуши жойига қайтади».

Ёш йигитнинг саломатлиги учун Таль бу илмий тажрибага рози бўлиб, касалхонага йўл олади. У палатада ўсмирга сал-пал шахматга дахлдор эканлигини ва ҳатто Ботвинник билан танишлигини писанда қилиб қўяди.

Бу орада жангта иштиёқни балан бўлган ўсмир Талга имтиёз асосида ўйнашни таклиф этади, чемпион аранг имтиёзни бекор қилиб, ҳалол ўйнашга кўндиради. Уйин бошланади. Шунда мўъжиза юз бергандек бўлади, шахмат сеҳргари деб ном чиқарган Таль ёш рақибининг шиддатли ҳужумига тоб беролмай таслим бўлади. Дарҳол иккинчи партия бошланади. Бунда энди Таль ўзининг бор ҳунари-маҳоратини ишга солишга мажбур бўлади, рўпарасида худди Ботвинник ўтиргандек туюлади. Ўсмир менсимайроқ дона суради ва ҳисоб биру бир бўлади.

Мағлубият ўсмирга қаттиқ таъсир қилади, бунинг устига врач ҳам муолажа мақсадида мижозига иддао қилиб қўяди: «Сен қанақасига чемпионсан, нотаниш бир ҳаваскорга ютқазиб ўтирибсан-ку!»

Таль қичқириб юборишдан аранг ўзини тийиб қолади, ўсмирни алдаганлигини, унинг беқийс шахматчи эканлигини, жаҳон чемпиони билан дуранг ўйнаганини айтиб, болакайни суюнтирмоқчи бўлади. Аммо врач Талга сирни ошкор этишига рухсат бермайди, гроссмейстер ҳам барибир ўсмирнинг даҳолигини яшириш мумкин эмас ва кўп ўтмай унинг доврўғи оламга ёйилади дея кўниб қўя қолади.

Врачнинг ўйлаб топган чораси, даволаш усули тўла-тўкис ўзини оқлайди. Дарҳақиқат, шундай шахмат терапиясидан кейин ўсмир соғайиб кетади, эл қатори оддий одам бўлиб қолади. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор эди, энди ўсмир ҳамма жабҳада оддий одамга айланиб қолади, руҳий зарба бир лаҳзада «шахмат Паганиниси»ни ўзига хосликдан маҳрум қилган эди. Бундан чиқадикки, врач беқийс истейлод соҳибини фақат касалликдан эмас, даҳоликдан ҳам халос этади.

Бу гаройиб воқеа Кўғултиновга шу қадар кучли таъсир қиладики, шоир кўп ўтмай «Даҳолик — ақл касаллиги эмас» деган ғоя илгари сурилган «Шахматчи» номли дoston ёзади.

Бахтимизга, бу воқеанинг интиҳоси у қадар ғамгин эмас, аксинча, куллидир. Кейинчалик Таль Кўғултиновга ўша касалхона ҳам, врач ҳам, ўша гаройиб ўсмир ҳам ҳаётда бўлмаганлигини, буларнинг ҳаммасини ўзи ўйлаб топганлигини тан олиб айтган эди. Бу беқийс воқеа билан у шоирнинг фантазиясини бир қитиқлаб, шахматнинг сирли-сеҳрли оламига эътиборини қаратмоқчи бўлган экан. Оқибатда Таль мақсадига эришади. Шоир ҳам ундан миннатдор бўлади. Таль сирни дoston ёзилгандан кейингина очган эди.

## ШУНИСИНИ ҲИСОБГА ОЛМАБДИ

Турнирлардан бирида Паул Керес билан ўйнаётган Таль дебютдаёқ сипоҳ қурбон қилади. Унинг омади чопаетгандек эди, аммо шу лаҳза эстониялик гроссмейстер узоқ ўйланиб қолади ва...шартга костюмини ечиб юборади. Шундан сўнг у совуққонлик билан рақибининг ҳужумини баргараф этиб, ғалаба қозонади.

— Мен ҳамма вариантларни аниқ ҳисоблаб чикувдим, — дейди Таль рақибини ютуқ билан табрикларкан, — аммо энг қалтис вазиятда костюмингизни ечиб юборишингизни ҳисобга олмамман.

## ЯХШИ ХОТИН УЧРАБ ҚОЛСА-ЧИ?

Таниқли гроссмейстер Тигран Петросян уйланганидан кейин хотини Рона билан мўъжазгина икки хонали уйда истиқомат қиларди. Бўлажак жаҳон чемпиони «Спартак» жамиятининг (футбол ва хоккей бўйича «Спартак» жамоасининг садоқатли ишқибози ҳам) аъзоси эди. Унга МАСК (Марказий армия спорт клуби)га ўтса, уй-жой шароитини яхшилашга ваъда беришади. Уша йиллари шахмат маршал ва генераллар ўртасида анча оммабоп ўйин ҳисобланарди. Петросянга тўрт хонали уй ваъда қилишади.

— Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта рози бўл! — дея хитоб қилади хотини Рона. — Тасаввур қил — алоҳида хонанг бўлади. Маза!

Аммо Петросян бу таклифга шубҳа билан қарайди.

– Бугун мен яхши уй-жойга учиб, «Спартак»дан МАСКга ўтсам, – дейди у, – эртага яхши хотинни учратиб қолиб, сендан унга ўтсам нима бўлади? Бунисига нима дейсан?

Ана шу гапдан кейин Рона Яковлевна бошқа бу ҳақда сўз очмади ва уй-жойни алмаштириш масаласи билан шахсан ўзи шуғулланди.

### АЛМАШТИРИШ САНЪАТИ

Петросяннинг хотини эрини шахматга алоқаси бўлмаган жамики рўзгор ташвишларидан халос қилганди. Уларнинг эски, торгина уйларига тез-тез бориб турадиган таниши орадан бир йил ўтгач, Петросянларнинг янги, кўпхонали муҳташам хонадонига бориб, оғзи очилиб қолади. Кейин у Котовни учратиб қолганда сўрайди:

– Петросян қандай қилиб камтарона уйини бунақа саройга алмаштира олди?

Гроссмейстер бунга донишмандларча жавоб қилади:

– Петросян фақат филни отларга алмаштиришни билади, холос. Қолган барча нарсаларни хотини алмаштиради.

### СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА РАҲМАТ!

Бўлажак жаҳон чемпиони Борис Спасский ўн олти ёшида «Халқаро шахмат устаси» унвонига сазовор бўлади. Бу ўша давр учун (1953 йил) рекорд кўрсаткич эди. Эришган натижасини у кейинчалик «Совет ҳокимиятига раҳмат!» дея изоҳлайди. Гап шундаки, Бухарестдаги турнирнинг бошланишида совет шахматчилари аёвсиз равишда бир-бирларини қақшатқич мағлубиятга учрата бошлайдилар ва оқибат венгриялик Ласло Сабо олдинга чиқиб олади. Шундай бир вазиятда Москвадан телеграмма келиб қолади: «Номатқулчиликни бас қилинглар, ўзаро дуранг ўйнанглар!»

Спасский бу вақтга келиб Смысловни ютган, аммо олдинда Болеславский, Петросян каби даҳшатли рақиблари билан жанг қилиши лозим бўлгани учун тажрибаси ҳали етарли бўлмаган ёш шахматчи ҳаяжонланар эди. Аммо ҳалиги телеграмма келгач, ҳамма беихтиёр Кремл кўрсатмасига амал қилади ва муаммо ҳам осонгина бартараф этилади.

### ТАВСИФНОМА

Халқаро турнирға жўнашдан олдин Подмосковеда яшайдиган Спасскийни ўша йиллардаги таомилга кўра Москва вилоят партия кўмитасига суҳбатга чақиришади. Комиссия аъзоларидан бири вилоят партия кўмитасининг ҳозирги раҳбари ким эканлигини сўраб қолади. Борис дарҳол саволга савол билан жавоб қилади:

– Сиз ўзингиз бу йил шахмат бўйича ким Москва чемпиони бўлганини биласизми?

Обком аъзолари кўрқиб кетадилар (тўсатдан Леонид Ильич чемпион деб эълон қилинган бўлса-чи?) ва дарҳол тавсифномага имзо чекиб берадилар.

### СИЦИЛИЯ МАФИЯСИ

Бу воқеа ҳам тавсифнома билан боғлиқ. Навбатдаги турнир олдидан Спасский парткомиссия хузурига тўқ, ярқироқ қизил костюмда, бўйнига сариқ шарф ўраган ҳолда келади.

– Бу қанақа тўтикуш ўзи? – дейди кекса большевик аёл.

Бунга жавобан Спасский аёлга замонавий мода ҳақида қисқа бир маъруза ўқийди. Шундай шаккокликка қарамасдан ҳамма нарса тинч-тотувлик билан тугаши мумкин эди. Аммо шу лаҳза кимдир Спасскийдан Италиядаги аҳвол ҳақида (ўшанда ҳамма газеталар Сицилия мафияси ҳақида ёзарди) сўраб қолади, у эса кутилмаганда... Голландиядаги аҳвол ҳақида батафсил ҳикоя қила бошлайди.

– Бу жуда қизиқарли, – дейди тавсифнома бўйича комиссия раиси, – аммо саволни тушунмадингиз, сиздан Италия ҳақида сўраяпмиз.



– Мен сизларни яхши тушундим, аммо мен охирги марта Голландияда бўлган эдим. Мен ўз кўзим билан кўрган нарсалар ҳақидагина гапиришга одатланганман.

– Сиз нима, газета ўқимайсизми?

– Кечирасиз, мен маълумотим бўйича журналистман, газеталаримизнинг қанақалигини менчалик биладиган одам бўлмаса керак. Ҳаммаси ёлгонни ямламай ютади.

– «Правда» газетаси ҳамми?

– «Правда» ҳаммасидан баттар!

Ана шунда даргазаб бўлган коммунистлар сакраб туриб кетадилар ва Спасскийни хонадан ҳайдаб чиқарадилар. Тавсифномани олиш ҳақида энди гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бундан ҳам ёмони – Спасскийнинг шахматдаги мавқеи ҳам ниҳоясига етиши мумкин эди. Гроссмейстери Россия шахмат федерациясининг масъул котибаси Вера Тихомирова қутқариб қолади. Боёқиш аёл ярим соат мобайнида кекса большевикларни бу нарса шунчаки бир англашилмовчилик эканига зўрға ишонтириб, вазиятни юмшатишга эришади.

## ИШОНЧ ВА ИШОНЧНОМА

Амстердамда Спасский-Фишер ўртасидаги ўйиннинг қаерда ўтказилиши масаласи кўрилаётган эди. ФИДЕнинг ўша йиллардаги президенти Макс Эйве ҳар икки гроссмейстернинг вакилларини ҳузурига чорлайди. Жаҳон чемпиони Борис Спасскийнинг манфаатини СССР спорт қўмитаси шахмат бўлими мудир Виктор Батуринский ҳамоя қиладиган бўлади. Аммо Спасский бунга истамасди, шу боис айёрлик қилади: машина ҳайдаш ҳуқуқини берадиган ишончномани Марказий шахмат клубида тасдиқлаб беришини сўраб Батуринскийга мурожаат қилади. Батуринский бу иш фақат нотариал идорасида қилинишини айтиб, (Спасский бунга ўзи ҳам яхши биларди) рад жавобини беради. Амстердамга жўнашдан икки кун олдин Спорт қўмитасида бўлган мажлисда Спасский шундай дейди: «Виктор Давидович менга машина ҳайдашим учун ишончнома беришдан бош тортди, мен ҳам унинг Амстердамда ишончли вакилим бўлишига ишонч билдира олмайман».

Раҳбарият бундан узоқ кулади, аммо Спасский мақсадига эришади: Батуринский уйда қоладиган бўлади.

## МИННАТДОР СУЗОНҒИЧ

Фишерга жаҳон чемпионлигини бой бериб қўйган Спасский навбатдаги ўйинларда яна шахмат тожи учун курашмоқчи бўлиб, ўзининг собиқ устози Игор Бондаревскийга мурожаат қилади. Аммо у рад қилади ва ўнинчи жаҳон чемпиони тамомила ёлғизланиб қолади: ундаги ҳурфикрлиликни раҳбарият хушламасди. Бу тенгсиз курашларда унга Александр Солженицин ёрдам беради. Ёзувчининг «Сузонғич бузоқча» («Бодалей телёнок с дубом») китобида ўзи учун муҳим бўлган сўзларни ўқиб қолади: «Агар сиз ҳеч кимдан қўрқмасангиз ва ўлимга ҳам тайёр бўлсангиз, сизни ҳеч ким енголмайди. Фақатгина ўлдиришлари мумкин, аммо ўлдириш – енгил дегани эмас».

Бир куни гроссмейстер Солженицинни учратиб қолганда шундай дастхат битилган шахмат китобини совға қилади: «Миннатдор сузонғичдан. Борис Спасский».

## ЛЕОНИД БРЕЖНЕВНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Ўзининг охирги – учинчи хотини Марина Щербакова билан Спасский Москвада танишади. Етмишинчи йилларда тургунлик авжига чиққан, уни – мустақил, эркесвар одамни партия мафкурачилари ва салла ол деса калла олишга шай турган турли ижрочилар беҳад қийнаб юборган эди. Улар ҳар хил йўллар билан унинг хорижликка уйланишига тўсқинлик қилишаётганди, аммо Марина ўзининг аёллик бахти учун астойдил курашарди.

Франциянинг СССРдаги савдо ваколатхонасида ишлайдиган Марина Брежневнинг Москвага ташриф буюрган Франция президенти Жорж Помпиду

шарафига уюштираётган зиёфатига таклифнома топади. Кремлда Помпидуға турли саволлар берилди, Марина ҳам унга мурожат қилади:

– Жаноб Помпиду, сиз муҳаббат масаласига қандай қарайсиз?

Президент яйраб-яшнаб кетади:

– О, дунёда муҳаббатдан ҳам зўр нарса борми?

– Ундай бўлса нега бизнинг Борис Спасский билан турмуш қуришимизга руҳсат беришмаяпти? – кутилмаганда саволнинг давоми чиқиб қолади.

Шунда Франция президенти таржимон орқали саволни Брежневга йўллаб, уни андак бесаронжом қилиб қўяди. Бош котибга бу масала қандайдир англашилмовчилик эканини тан олишдан бошқа илож қолмайди. Эртаси куни Борис Спасскийни келин билан ЗАГСга чақириб, зудлик билан никоҳдан ўтказиб қўядилар.

## ЖВАНЕЦКИЙНИНГ МАНТИФИ

Кунлардан бир куни Жванецкийдан китобига дастхат ёзиб беришни сўрадим. Ёзувчи «Энг яхши тилаклар билан...» каби ҳаммага маълум сийқа жумла билан бошини қотириб ўтирмади. Кўп ўтмай муқованинг иккинчи саҳифасида шундай битик пайдо бўлди: «Женя Гикка, шахматни яхши кўрувчи, аммо ўйнашни ёқтирмовчи муаллифдан. Сизнинг М. Жванецкий».

Кувноқ адабиёт гроссмейстерининг бошқа ёзган нарсалари каби гайритабиий жаранглайди бу гап. Энг қизиги – бошқа машҳур гроссмейстерлар орасида ҳам шахматни яхши кўрса-да, уни ўйнашни ёқтирмайдиганлар учраб туради. Бунинг ёрқин мисоли – Борис Спасский. Дунёда Борис Спасскийдай шахмат тахтасига ўтирганда афтини бу қадар буриштириб, пешанасини тириштирадиган одамни учратиш қийин. Илгари унинг кўп йиллик мураббийси Игор Бондаревский ҳаётлигида Спасскийни аҳён-аҳён қўлига китоб олиб туришга даъват этиб турарди. Францияга кўчиб кетганидан кейин Спасский шахмат тахтаси ва сипоҳларини омборхонага ташлаб қўяди. 1992 йили у йигирма йил муқаддам бўлганидек яна Фишер билан жанг қилади, натижа аввалгисидек кўнгилсиз бўлади. Бу «аср жанги»нинг мукофот жамғармаси беш миллион доллар эди ва Бориснинг суюкли рафиқаси бунақа имкониятни қўлдан бой бериш ақлсизлик эканига эрини ишонтира олади.

## КОСТЮМЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

Гроссмейстер Найдорф ҳамиша юксак дид билан, чиройли кийиниб юрар, костюмларини тез-тез алмаштириб турар эди.

– Нечта костюмингиз бор ўзи? – дея ундан сўрайди бир куни ёш Фишер.

– Бир юз элликта, – бажонидил жавоб беради машҳур гроссмейстер.

Бундан ҳайратланган Фишер ўшандан буён костюм йига бошлайди. Орадан бир неча йил ўтгач, Найдорфни учратиб қолган америкалик чемпион мақтаниб дейди:

– Сизнинг рекордингизни бекор қилдим! Менинг кийим жавонимда бир юз эллик еттига костюм бор!

– Қойил, Бобби, – дея уни табриклайди Найдорф. – Аммо сиз беҳуда жонингизни койитибсиз. Мен ўшанда ҳазиллашгандим, бор-йўғи бешта костюмим бор, холос.

## ЖОНИДАН ТҮЙГАНЛАР УЧУН АВТОМОБИЛ

Фишер алдашни, айёрлик қилишни, мурасага боришни билмасди. Кунлардан бир куни унга катта пул эвазига «Фольксваген» автомобилни реклама қилиш таклиф этилади. Бундай пайтда биринчи галда пулнинг чўғи билан қизиқадиган актёрлардан фарқи равишда Фишер машҳур фирма чиқарадиган автомобилни астойдил ўрганади ва ундаги баъзи носозликларни аниқлаб, фойдали шартномадан воз кечади: «Мен фақат жонидан тўйганлар минадиган машинани реклама қилмайман».

## ҚАМОҚХОНАДАГИ СЕАНС

Фишер Денвер шаҳридаги қамоқхонада маҳбусларга сеанс бераётган эди. У навбатдаги тахтага келганда рақибининг оқ руҳни ўғирлаб қўйганини пайқайди.

– Агар руҳни қайта жойига қўйиб қўймасангиз, – дейди жаҳон чемпиони қатъий оҳангда, – бошлигингизга айтаман ва бунақа гирромлигингиз учун қамоқ муддатингизни яна чўзиб қўйишади.

– Мени беҳуда қўрқитяпсиз, – дейди унинг рақибни гижиниб. – Мен бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинганман.

## САНАБ ТУРГАН ЭКАН

Роберт Фишер ҳамиша ўйин пайтида мутлақо жимжитликни хоҳлар, заррача шовқинни ҳам ҳазм қилолмас эди. Шахмат тожи учун Спасский билан бўлаётган матчдаги партиялардан бирида у бирдан нигоҳини тахтадан узиб, норози оҳангда хитоб қилди:

– Ўн иккинчи қаторда ўтирган ҳой қиз! Дарҳол обаки сўришни бас қил!

– Мен эндигина учинчисини қўлимга олудим, – дея ўзини оқлашга уринади ёш исланд шахматчиси Астрид Берндоттир.

– Учинчиси эмас, еттинчиси, кичкинтой ёлғончи, – дея эътироз билдиради Фишер, – мени санамаяпти деб ўйлаяпсанми?

## ЎЧИНИ ОЛДИ

Фишер ўзининг чемпионлик унвонини ҳимоя қилишдан бош тортганда шахмат тожи ўз-ўзидан Карповга ўтади. Орадан икки йил ўтганда ҳар икки шахмат қироли ўзаро даромад келтирувчи матч ўтказиш масаласини муҳокама қилиш учун Японияда махфий учрашишади. Бу ҳақда хорижий ахборот манбаларидан хабар топган СССР терма жамоаси тренери Александр Никитин керакли жойга маълум қилади. Нагжада музокаралар узилиб қолади ва ўзаро матч масаласи ҳам барбод бўлади. Карпов бундан ранжийди ва Никитинни лавозимидан бўшатилиши учун астойдил курашади. Собиқ тренер ҳам ўз навбатида Карповдан ўч олишга аҳд қилади ва ёш Каспаровни 12-чемпионга қарши тайёрлай бошлайди. Ниҳоят, 1985 йили тренер ўчини олади: Гарри Каспаров Карповдан чемпионлик унвонини тортиб олади!

## РЕКОРДЛАР ФАРОЙИБ

Ботвинникни йигирма уч ёшида ютиб чиққан Таль тарихда энг ёш жаҳон чемпиони бўлган эди, матч-реваншда ютқазиб қўйгач, энг ёш экс-чемпион бўлиб қолади. Аммо орадан чорак аср ўтгач, Талнинг рекордини ёш Каспаров янгилайди: у Карповдан устун келиб, йигирма икки ёшида шахмат тожини қўлга киритади. Бир йил ўтгач, матч-реваншда Каспаров ишонч билан ташаббусни қўлга олади, аммо ўйиннинг иккинчи қисмида кетма-кет уч марта ютқазиб қўяди ва кутилмаганда ҳисоб тенглашиб қолади.

– Агар яна шунақа ўйнайдиган бўлсангиз, – дея уни огоҳлантиради Таль, – менинг иккинчи рекордимни ҳам янгилайсиз: энг ёш экс-чемпион бўлиб қоласиз.

Бу ҳазил Каспаровнинг қитиқ патига тегади: ўзини қўлга олиб, беллашувни ишонч билан яқунлайди. Шундай қилиб Талнинг иккинчи рекорди ҳали-ҳамон янгилангани йўқ.

## БОЛЬШЕВИК

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Каспаров туфайли халқаро шахмат ҳаракатида ажралиш юз бергач, Спасский унга «большевик» деган лақабни беради. Шу аснода у большевик Каспаровнинг учта инқилобий ақидасини таъкидлайди.

Биринчиси: ким биз билан бўлмаса — у бизга қарши. Иккинчиси: агар душман таслим бўлмаса, у йўқ қилинади. Учинчиси: нималигини билмаймиз, аммо охиригача олиб борамиз.

### ИЧМАЙДИГАН ЧЕМПИОН

1994 йилнинг охирида телевидениенинг олтинчи канали Карпов-Каспаров ўртасида ўзаро очиқ мулоқот уюштиради. Икки чемпионнинг суҳбати бағоят кескин ва мароқли бўлади ва орадан кўп ўтмай, у телевидениенинг спорт номинацияси бўйича «Тэффи» мукофотига лойиқ кўрилади. Ўша суҳбатдан сўнг студияда йиғилганлар ва Каспаров, Карповнинг мухлислари шампан виносини ичадилар. Каспаров бир лаҳза тантанага кечикиб келади ва шу пайтда каналнинг ўша даврдаги раҳбари Эдуард Сагалаев пайдо бўлиб, Каспаровни ҳам даврага қўшилиб, бирга ичишини таклиф қилади. Аммо узоқроқдан Карповни кўриб қолган Каспаров ҳаммага эшитадиган қилиб:

— Мен умуман ичмайман, айниқса, бунақа одамлар тўпланган жойда, — дея димоқ-фироқ қилиб лифтга қараб юради.

Шундай қилиб, қадаҳ уриштираётган икки «К»ни биргаликда суратга туширишнинг иложи бўлмайди.

### ДАҲОЛАРГА ОСОН

Гроссмейстер Шамкович бир куни Америкада Фишер билан учрашиб, унга биронта шахматчи ҳали ечимини тополмаган қизиқ бир этюдни кўрсатади. Аммо Фишер бу этюднинг ечимини уч дақиқадаёқ топади. Шамкович шунда Фишернинг ростдан ҳам даҳо эканлигига ишонч ҳосил қилади. Орадан бир неча йил ўтгач, у худди шу этюдни Каспаровга ҳам кўрсатиб, гўё Фишер билан ғойибона баҳсга чорлайди. Гарри рози бўлади ва икки дақиқадаёқ ғалабага элтувчи ягона йўлни кўрсатиб беради. Шунда Шамкович Каспаровнинг Фишердан ҳам устунроқ даҳо эканлигига амин бўлади.

### РЕЙТИНГИ ПАСТ ЭКАН

Барча буюк шахслар каби Каспаров ҳам ким биландир қўл бериб саломлашар, айримларга эса бош ирғаб қўйиш билан кифояланар эди. Бир зиёфатда у ўзининг эски дўсти бўлган таниқли шахматчига қўл узатмайди. Йиғилганлар бундан ҳайрон бўлиб сабабини сўрашганда Гарри шундай изоҳ беради: «Унинг рейтингги жуда паст». Ҳа, шундай қилиб боёқиш — гроссмейстер ўзининг бор рейтингини ҳам йўқотгани етмагандек, эски дўстининг мурувватидан ҳам маҳрум бўлади.

### ТАЖРИБАГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Ушбу ғаройиб ҳангомада биратўла етгита совет жаҳон чемпионлари иштирок этган.

Саксонинчи йилнинг бошида бир немис графологи (одамнинг хатига қараб характерини айтиб берадиган мутахассис — Ш. О.) Яков Эстриндан (шахмат назариётчиси, қатор китоблар муаллифи — Ш. О.) характерларини тадқиқ этиш учун жамики совет жаҳон чемпионларининг дастхатини тўплаб беришни илтимос қилади. Эстрин уйига қайтгач, ишга киришади.

У энг аввал МИХАИЛ БОТВИННИККА телефон қилади.

— Эртага сизни соат 10.35 да ўз тажрибахонамда кутаман, — дейди Михаил Моисеевич. — Аммо билиб қўйинг, бир дақиқа кечиксангиз ҳам дастхатни ололмайсиз, — деб қўшиб қўяди чемпион.

Кейингиси ВАСИЛИЙ СМИСЛОВ эди.

— Дастхат дейсизми? — ўйланиброқ жавоб қилади Василий Васильевич. — Негадир эслолмаяпман, анчадан буён дастхат бермагандим. Ҳозир биз Надя билан дам оляпмиз, эртага турнирда ўйнайман, эртадан кейин консерваторияда қўйлашим (Ажойиб овоз соҳиби бўлган Смилов алоҳида концертлар беради — Ш. О.) керак. Бирон ойлardan кейин телефон қилишга ҳаракат қилинг.

МИХАИЛ ТАЛЬ тунги соат иккида ресторандан топилади. У гўзал ойимқизлар қуршовида бир вақтнинг ўзида телевиденияга, радиога, журнал ва иккита газетга интервью бераётган эди. Михаил Нехемьевич Эстриндан дастхат нимага керак бўлиб қолганини сўраб ҳам ўтирмайди, қоғозга шоша-пиша имзо чекиб беради. Қизиги, қўлидаги ручка эмас, сигарета экан, яна қайтадан имзо чекишга тўғри келади.

ТИГРАН ПЕТРОСЯН илтимосни эшитгач, дарров қизиқсиниб сўрайди:

– Ботвинник рози бўлдими? Смаслов-чи? Тал-чи? Хўш, ундай бўлса мен яна бироз ўйлаб кўришим керак, – дея мужмал жавоб қилади Тигран Варганович.

Борис Спасский бу даврга келиб Парижда яшаётган эди. Эстрин у билан боғланиш учун Францияга телефон қилади.

– Яков Борисович, мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Аммо мен совет журналистларига интервью ҳам, дастхат ҳам бермаслигимни сиз яхши биласиз-ку, – дея тушунтиради Борис Васильевич.

АНАТОЛИЙ КАРПОВ ҳам уйда экан. Эстриннинг илтимосига жавобан у бугун ўн бешта дастхат бериб, режани бажарганлиги, эртага РИО-де-Жанейрога учиб кетаётганини айтади.

Эстрин ГАРРИ КАСПАРОВГА мурожаат қилади. У ҳали жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритмаган, аммо тез орада тожни қўлга киритиши аниқ бўлиб қолган эди, шу боис ундан ҳам дастхат олиб қўйиш зиён қилмасди.

– Кечирасиз, бунақа масалалар билан ойим шугулланади, – дейди ёш Гарри, – унга мурожаат қилинг.

Эртаси куни Эстрин Германияга телефон қилиб, танишига бор гапни айтиб беради. Графолог дастхат билан боғлиқ тафсилотларни батафсил эшитгач, Эстринга саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдиради ва гапини хулосалаб, шундай дейди:

– Сизга катта раҳмат, энди дастхатларнинг ҳожати йўқ.

## КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОСИ

Владимир Крамник (бўлажак жаҳон чемпиони) биринчи синфда ўқиётганидаёқ шахмат бўйича биринчи тоифага эга эди. Бир куни отаси уни ўзи ишлайдиган алоқа бўлими терма жамоаси таркибида ўйнатиш учун мусобақага олиб кетади. Биринчи тоифали болакай ўздан катта барча рақибларини қақшатқич мағлубиятга учратади. Шунда мағлубият аламини тортганлардан бири ўртага чиқиб, жиддий тарзда иддао қилади:

– Тўғри, мен ютқаздим, аммо менинг мағлубиятим инobatга олинмаслиги керак, чунки бу бола касаба уюшмаси аъзоси эмас!

Мусобақа касаба уюшмаси доирасида ўтказилаётган эди.

## ЎН БЕШ ДАҚИҚАЛИК БАХТ

Тўқсонинчи йиллар ўртасида Крамник рейтинг бўйича Каспаровга етиб олади, бу ҳақда унга турнирда ўйнаётганида айтишади.

– Даргалар рўйхатида Каспаров билан тенглашиб қолганингизни билганингизда нималарни ҳис қилдингиз? – деб сўрайди ундан бир хорижлик мухбир.

– Мен ўн беш дақиқа ўзимни бахтли ҳис этдим, кейин телевизор кўришда давом этдим.

– Қанақа кўрсатувни томоша қилаётувдингиз?

– Ахборотни. Биласизми, Россиядаги янгиликларни кўраётганда ўн беш дақиқадан зиёд бахтли бўлиш мумкин эмас.

## СОХТА КАСАЛ

Петросяннинг хотини Рона Яковлевнанинг удабурон аёл эканлигини тасдиқлайдиган мисоллар кўп. Эрининг гоҳо институтни битирмаганидан сиқилиб юришини билган Рона ёши бир жойга бориб қолган Петросяни мустақил

тайёрланиб имтиҳон топширишга ва кейинчалик шахмат психологияси бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлашига эришади. Шундай қилиб сергайрат ва уддабурон хотини туфайли Петросян фалсафа фанлари номзоди бўлади ва бу ҳол унинг шахмат ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Александр Рошал шундай бир воқеани ҳикоя қилганди. Спасский билан бўлган иккинчи матчнинг 14- партиясида Петросян нақд ютуқни қўлдан чиқариб, ҳисобда олдинга чиқиб олиш имкониятини ҳам бой беради. Табиий, бундан унинг руҳи тушиб кетади. Оқшомда «64» журналининг бўлажак муҳаррири (ўшанда масъул қотиб эди) Рошал «64» журнали муҳаррири Петросянга телефон қилади. Уни Петросяннинг уйига чорлашади.

Уйда ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетганди, хонадон соҳиби у хонадан бу хонага асабий кириб чиқар, қандайдир дориларни қидирар, врачларга телефон қилар эди. Маълум бўлишича Петросяннинг хотини касал бўлиб қолган экан. Ётоқхонада Рошал уй бекасининг бошига ҳўл сочиқ кўйганча беҳол ётганини кўради. У чидай олмай гап қотади: «Рона Яковлевна, Тигран бу партиядан шундоғам сиқилиб юрибди, устига-устак сиз ҳам бемаврид ётиб олибсиз!»

Бемор аста бошини кўтариб, қувлик билан шипшийди: «Алик, наҳотки ҳеч нарсани сезмаётган бўлсангиз?»

Ҳа, бу руҳий таъсир кўрсатишнинг ажойиб усули эди: Рона ўзининг сохта касали билан вақтинча эрининг бутун диққат-эътиборини шахматдан чалғитганди.

### ИНЖИҚЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Агар совет шахматчиси жаҳон чемпионлигини қўлга киритса ва уни нуфузли сиёсий арбоблардан бири қабул қилса, бу воқеа гроссмейстер учун матчда ютиб чиқишдан кам бўлмаган байрам ҳисобланарди. Аммо ўз мамлакатининг президентини ҳам назар-писанд қилмайдиган Фишернинг йўриғи бошқа эди.

Фишер билан Америка президенти Ричард Никсон ўртасида бўлиб ўтиши фараз қилинган телефон суҳбатини ўз вақтида машҳур америкалик фельетончи Арт Бухвальд ёзиб чиқади.

– Салом Бобби! – Никсон Фишерга Спасский билан бўлган матч тугаши ҳамон телефон қилади. – Сизни Рейкьявикдаги галаба билан табриклайман!

– Қисқароқ! Мен чарчаганман, – жавоб қилади Фишер.

– Америка учун бу жуда муҳим кундир, Роберт.

– Мен учун бундан ҳам муҳим: бутун чўнтагимга 150 минг доллар келиб тушди.

– Биласизми, Бобби, мен коллежда ўқиб юрганимда шахмат жамоасига аъзо бўлишимга бир баҳя қолганди.

– Менга атай шуни айтиш учун телефон қилияпсизми?

– Мен сизни Оқ уйда бериладиган зиёфатга таклиф қилмоқчиман.

– Бунинг учун менга қанча тўламоқчисиз?

– Нималар деяпсиз, Бобби! Зиёфатда олий суд ва ҳукумат аъзолари, таниқли сиёсатчилар қатнашадилар.

– Қатнашса нима бўпти, майли, келаман, фақат битта шартим бор – Исландияга мени олиб кетиш учун самолёт юборасиз. Бундан ташқари, ихтиёримга лимузин, алоҳида теннис корти ва хира мухбирлардан муҳофаза қилиш учун ўнта махфий ходимларни ажратасиз.

– Мен истагингизни бажо қиламан, Бобби.

– Мен овқатланаётганимда дастурхон устида ҳеч қандай гап-сўз бўлмаслиги лозим.

– Бу қийин масала, Бобби. Оқ уйда зиёфат бўлади-ю, гаплашилмаса...

– Бу сизнинг ишингиз. Агар озгина шарпани эшитиб қолсам ҳам дарҳол тантанани тарк этаман.

– Сиз айтгандай бўла қолсин. Ахир бу зиёфат сизнинг шарафингизга уюштириляпти-да.

– Мана бу бошқа гап. Аммо мен ўзимнинг шахсий кресломни олволаман, нотаниш стулга таваккал қилиб ўтиролмайман. Кейин, чироқлар ёрқин бўлмаслиги керак. Агар чироқлар кўзни қамаштиргудек бўлса, овқатга қўл ҳам урмайман.

– Мен сизни тушунаман, Бобби. Биз ҳаммамиз сиз билан фахрланамиз. Сиз Америка ёшларига муносиб ўрнаксиз!

Президент шу заҳотиёқ хавфсизлик хизмати мутасаддиси Ричард Хеллуга телефон қилади:

– Дик, мен ўз самолётимни Исландияга Фишерни олиб келиш учун юборяпман. Менга бир яхшилик қилинг. Фишер бортга чиқиши ҳамон самолёт Кубага ўғирлаб кетилишини уюштиринг

### **МУҲАББАТ КУЧЛИ БЎЛСА**

Фишер шахмат тожини қўлга киритганда бир ёш америкалик ниҳоят севгилсига ўз муҳаббатини изҳор қилишга жазм этади:

– Мен албатта Фишердай қудратли, у каби бой-бадавлат эмасман, аммо муҳаббатим йўлида ҳар нарсага тайёрман!

– Ундай бўлса мени ўша Фишер билан таништириб қўй! – дея соддадиллик билан жавоб қилади «садоқатли маъшуқа».

### **ТИЛ БИЛМАСА ҚИЙИН**

Мисрда бир дўкандор Карповга папирусни ( ўсимликдан тайёрланадиган ёзув материали – таржимон) мақтаб, сотиб олишга қистайди. Аслида у банан пўстлогидан тайёрланган бўлиб, бир ҳафтадаёқ чириб кетарди. Карпов буни билмасди, аммо ички бир сезги билан фирромликни пайқаб турар ва папирусни сотиб олишга иккиланар эди. Шунда мисрлик меҳмонни ишонтириш учун унинг рус ўртоқлари шикоят ва таклифлар дафтарига ўз фикрини ёзиб қолдирганини айтиб, мақтаниб қолади. Бу анча кучли далил эди ва Карпов чўнтагини ковлашга тушади. Аммо охири дақиқада дафтардаги ўша ёзувга бир кўз ташлаб қўйгиси келади. Унда шундай ёзилганди: «Бу одамдан ҳеч нарса сотиб олманг, у қип-қизил қаллоб.»

Шундай қилиб, номаълум ватандоши Карповни беҳуда пул сарфлашдан қутқариб қолади. Мисрлик савдогар эса рус тилини билмаслигидан афеусланган бўлса эҳтимол...

### **ТАНИМАСНИ... СИЙЛАЙДИ**

Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхин қаҳвахонада ҳаваскор шахматчиларнинг ўйинини кузатиб ўтирарди. Ишқибозлардан бири унга бир партия ўйнашни таклиф қилади. Чемпион рақибига тўрасини олдиндан бериб қўйиб ўйнаш шarti билан рози бўлади.

– Бу қанақаси ахир? – дейди ҳаваскор норози бўлиб, сипоҳларни тахтага тераркан. – Сиз ахир мени мутлақо билмайсиз-ку!

– Худди шунинг учун ҳам мурувват қиляпман! – дейди чемпион кулимсираб.

### **ЭГРИ ҚОЗИҚҚА ЭГРИ ТЎҚМОҚ**

Ботвинник Тел-Авивдаги шахмат олимпиадасига меҳмон сифатида борган эди. Исроил бош вазири Бен-Гурион меҳмон билан суҳбат асносида ўз назариясини баён қилади. Унга кўра дунёдаги ҳамма яҳудийлар битта мамлакатда яшашлари керак эди. Бу билан у Ботвинникка ҳам кўч-кўронини кўтаришига ишора қилади. Михаил Моисеевичнинг жавоби бош вазирни қўрқитиб юборди:

– Сиз яҳудийларнинг бу ерда ҳам инқилоб қилиб юборишидан қўрқмайсизми?

Бош вазир бошқа бу мавзуга қайтмайди.

*Шодмон ОТАБЕК  
таржимаси*

## АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!

Журналимизнинг 2008 йилги сонларида  
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

КОРНЕЙ ЧУКОВСКИЙ (Россия). **Чехов. Бади.**  
ДАНИЭЛА СТИЛ (АҚШ). **Саёҳат. Роман.**  
ЯРОСЛАВ ГАШЕК (Чехия). **Ҳажвий ҳикоялар.**  
ЛУИС БОРХЕС (Аргентина). **Ҳикоялар.**  
САМУИЛ АЛЁШИН (Россия). **Йўқ, ўлмайман мен буткул. Драма.**  
ЧЖАН ЖУН (Хитой). **Ёввойи оққушлар. Қисса.**  
ИЛҒОР ФАҲМИЙ (Озарбайжон). **Актриса. Қисса.**  
БОЛЕСЛАВ ПРУС (Польша). **Фиръавн. Роман.**  
ПРЕМЧАНД (Ҳиндистон). **Севги инъоми. Роман.**

Булардан ташқари, Ғарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар,  
фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик  
тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»** журнаliga обуна йил бўйи давом этади.

**Индекс:**

**Якка тартибда — 828.**

**Ташкилотлар учун — 829.**